




# **КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ**



**ДАРСЛИК**



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ПРЕЗИДЕНТИ ХУЗУРИДАГИ  
ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ  
АКАДЕМИЯСИ



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ  
КУРАШИШ АГЕНТЛИГИ

# КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ

*Дарслик*

“Akademiya”  
Тошкент – 2022

---

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси Кенгашининг 2022 йил 19 майдаги 4-сонли мажлисида муҳокама этилган ва нашрга тавсия этилган.

Коррупцияга карши курашиш. Дарслик. // Масъул мухаррир: А.Ш. Бекмуродов: – Тошкент: “Akademiya”, 2022. – 344 б.

### **Масъул мухаррир: проф. А.Ш.Бекмуродов**

**Муаллифлар:** соц.ф.д., проф. М.Б. Бекмуродов, ю.ф.д., проф. Х.С. Хайитов – 1-боб; ф.м.ф.н., доц. А.Ю. Умаров, ю.ф.д., проф. Х.С. Хайитов – 2-боб; PhD Ф.Б. Махмудов – 3-боб; ю.ф.н., проф. Х.Т. Азизов – 4-боб; А.Э. Бурханов, ю.ф.д., проф. Х.С. Хайитов, – 5-боб; ю.ф.д., проф. Б.И. Исмаилов – 6-боб; ю.ф.д., проф. О.Т. Хусанов, соц.ф.д., проф. Т.Б. Матибоев – 7-боб, PhD, доц. Ш.Ж. Ҳайдаров – 8-боб; ю.ф.д., проф. Ш.Ф. Асадов, ю.ф.д., доц Г.С. Исмаилова – 9-боб; проф. А.Э. Юлдашев, Д.К. Якубов – 10-боб; С.С. Маманов – 11-боб; А.Намозбоев, Б.Х.Рахмонов – 12-боб; М.Р. Расулов – 13-боб; М.Р. Расулов, PhD Ф.Б. Махмудов – 14-боб; Л.У. Инагамова – 15-боб; Н.К. Самандарова, PhD Д.М. Бекчанов – 16-боб.

### **Тақризчилар:**

**А.Э. Бурханов** – Коррупцияга карши курашиш агентлиги директори

**М.М. Мамасиддиқов** – Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси

Академияси бошлиғининг ўринбосари, ю.ф.д., профессор

**А.Э. Юлдашев** – Давлат бошқаруви академияси профессори, т.ф.д.

Мазкур дарслик тингловчиларнинг Коррупцияга қарши курашиш фани бўйича назарий билимлари, норматив-хукукий ҳужоатларнинг нормаларини амалиётда қўллаш кўнинмаларини шакллантириш, “ҳалоллик вакцинаси” тамойили асосида коррупцияга карши курашиш, манфаатлар тўқнашуви ва одоб-ахлок коидалари бўйича ташкил этиладиган ўкув курсларида фойдаланиши максадида тайёрланган. Дарслик давлат бошқаруви академияси ва Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга карши курашиш агентлиги хамкорлигида тайёрланди. Дарсликни тайёрлашда давлат бошқаруви академияси, Коррупцияга карши курашиш агентлиги, Бош прокуратура академияси, Тошкент давлат юридик университети профессор-ўқитувчилари, олимлар ва амалиётчи мутахассислар иштирок этдилар. Дарсликда жамиятда коррупцияга карши муросасизлик маданиятини шакллантириш, давлат хизматчилари одоб-ахлоқи ва маданияти, давлат хизматида манфаатлар тўқнашувини бартараф этишининг ташкилий-хукукий асослари, коррупцияга карши курашиш соҳасидаги конун ҳужоатлари, коррупцияга карши курашиш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий ўйналишлари, коррупцияга карши курашишида хорижий таҳриба каби мавзулар ёритилган.

Дарслик давлат хизматчилари, тингловчилар, талабалар, тадқикотчилар хамда мазкур соҳага кизиқувчи кенг китобхонлар оммаси учун мўлжалланган.

## МУНДАРИКА

КИРИШ.....	7
------------	---

### I БОБ. ЖАМИЯТДА КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ МУРОСАСИЗЛИК МАДАНИЯТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ

1.1 "Жамиятда коррупцияга қарши муросасизлик маданияти" тушунчаси...	10
1.2. "Коррупция" тушунчаси ва унинг ижтимоий оқибатлари.....	13
1.3. Жамиятда коррупцияга карши курашувчи субъектлар.....	16
1.4. Коррупцияга қарши курашишнинг маънавий-ахлоқий жиҳатлари.....	17

### II БОБ. ДАВЛАТ ХИЗМАТЧИЛАРИ ОДОБ-АХЛОҚИ ВА МАДАНИЯТИ

2.1. "Давлат хизматчилари одоб-ахлоқи" тушунчаси ва унинг маънавий негизлари.....	21
2.2. Давлат фуқаролик хизмати этикасининг ҳуқуқий табиати.....	23
2.3. Давлат хизматчисининг ахлоқий сифатлари, фаолият принциплари ва хизмат одоби.....	26
2.4. Давлат хизматчиларида коррупцияга қарши курашиш маданияти шакллантириш.....	34
2.5. Хорижий мамлакатларда давлат хизмати этикаси.....	37

### III БОБ. ДАВЛАТ ХИЗМАТИДА МАНФААТЛАР ТЎҚНАШУВИНИ БАРТАРАФ ЭТИШНИНГ ТАШКИЛИЙ-ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

3.1. "Давлат хизматида манфаатлар тўқнашуви" тушунчаси ва шакллари..	40
3.2. Давлат хизматида манфаатлар тўқнашувининг олдини олишга оид қонунчилик.....	44
3.3. Давлат хизматида манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш механизмлари.....	50
3.4. Давлат хизматидаги чекловлар.....	53

### IV. БОБ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ СОҲАСИДАГИ ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ

4.1. Коррупцияга қарши курашиш соҳасида қонун ҳужжатлари тизими....	60
4.2. Ўзбекистон Республикаси "Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида"ги Қонунининг мазмун-моҳияти.....	69
4.3. Коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги дастурлар.....	71

### V. БОБ. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ СОҲАСИДАГИ ДАВЛАТ СИЁСАТИНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ

5.1. "Коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги давлат сиёсати" тушунчаси ва унинг мақсади.....	79
--	----

---

5.2. Аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш – коррупцияга қарши курашнинг муҳим омили.....	83
5.3. Давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларида коррупциянинг олдини олиш.....	86
5.4. Коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни ўз вақтида аниқлаш ва уларга чек қўйиш.....	88
5.5. Коррупциянинг оқибатларини, унга имкон берувчи сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этиш.....	91

## **VI БОБ. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ БҮЙИЧА ФАОЛИЯТНИ АМАЛГА ОШИРУВЧИ ВА УНДА ИШТИРОК ЭТУВЧИ ОРГАНЛАР ҲАМДА ТАШКИЛОТЛАР**

6.1. Коррупцияга қарши курашиш бүйича фаолиятни бевосита амалга оширувчи давлат органлари тизими.....	102
6.2. Ўзбекистон Республикаси коррупцияга қарши курашиш миллий кенгаши ва унинг худудий кенгашлари.....	113
6.3. Коррупцияга қарши курашиш бүйича фуқаролар ва нодавлат ташкилотлари билан ҳамкорлик.....	117

## **VII БОБ. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШДА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ИНСТИТУТЛАРИ ИШТИРОКИ**

7.1. Фуқаролик жамияти институтлари турлари.....	122
7.2. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари.....	127
7.3. Фуқаролик жамияти институтларининг коррупцияга қарши курашишдаги иштироки.....	130
7.4. Жамоатчилик назорати.....	132
7.5. Коррупцияга қарши курашишда оммавий ахборот воситалари иштирокининг ахамияти.....	135

## **VIII БОБ. КОРРУПЦИЯГА ОИД ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР УЧУН ЖАВОБГАРЛИКНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ**

8.1. "Коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарлик" тушунчаси ва турлари.....	139
8.2. Коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар учун интизомий ва маъмурий жавобгарлик асослари.....	142
8.3. Коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар учун жиноий жавобгарлик асослари.....	146
8.4. Коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар натижасида етказилган зарарни қоплаш.....	151
8.5. Коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар тўғрисида ахборот берадётган шахсларни ҳимоя қилиш.....	153
8.6. Коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар натижасида қабул қилинган қарорларни бекор қилиш ёки ўзгартириш тартиби.....	158

---

## **IX БОБ. ДАВЛАТ БОШҚАРУВИДА КОРРУПЦИЯНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ МАСАЛАЛАРИ**

9.1. Давлат бошқаруви соҳасида коррупциянинг олдини олишга доир чора-тадбирлар.....	160
9.2. Ижтимоий-иқтисодий ривожланиш ва тадбиркорлик соҳасида коррупциянинг олдини олишга доир чора-тадбирлар.....	165
9.3. Манбаатлар тӯқнашувининг олдини олиш ва уни бартараф этиш.....	166
9.4. Маймурӣ тартиб-таомиллар соҳасида коррупциянинг олдини олишга доир чора-тадбирлар.....	169
9.5. Давлат харидларини амалга ошириш соҳасида коррупциянинг олдини олишга доир чора-тадбирлар.....	172
9.6. Норматив-хуқуқий ҳужжатларнинг ва улар лойиҳаларининг коррупцияга қарши экспертизаси.....	174

## **X БОБ. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШДА ИҚТИСОДИЁТНИ РАҚАМЛАШТИРИШНИНГ РОЛИ**

10.1. Иқтисодиётни рақамлаштириш бўйича давлат сиёсати.....	180
10.2. Давлат бошқарувини рақамлаштириш орқали очиқлик ва шаффофликни (транспарентлик) таъминлаш.....	184
10.3. Рақамли иқтисодиёт соҳасида халқаро тажриба.....	188
10.4. Яширин иқтисодиёт ва Ўзбекистоннинг иқтисодий хавфсизлиги.....	191

## **XI БОБ. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ СОҲАСИДА ИЧКИ НАЗОРАТ ("КОМПЛАЕНС-НАЗОРАТ") ТИЗИМИ**

11.1. Коррупцияга қарши курашиш соҳасида ички назорат ("комплаенс-назорат") тизимининг умумий тавсифи.....	194
11.2. Коррупцияга қарши "комплаенс-назорат" тизими моделлари.....	200
11.3. Ўзбекистонда давлат ташкилотлари тизимида коррупцияга қарши ички назорат тизимининг жорий этилиши.....	206

## **XII БОБ. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ СОҲАСИДА ХАЛҚАРО ШАРТНОМАЛАР**

12.1. Коррупцияга қарши курашишда халқаро ҳамкорликнинг хуқуқий асослари.....	212
12.2. Коррупцияга қарши конвенциянинг хуқуқий табииати.....	219
12.3. БМТнинг Коррупцияга қарши конвенцияси.....	222
12.4. Коррупцияга оид хукуқбузарликлар натижасида олинган активларни халқаро шартномаларига мувофиқ қайтариш масалалари.....	225

---

<b>XIII БОБ. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШДА ХАЛҚАРО РЕЙТИНГЛАР</b>	
13.1. “Халқаро рейтинглар” тушунчаси ва аҳамияти.....	233
13.2. Ўзбекистон Республикасининг халқаро рейтинглардаги ва алоҳида таркибий индикаторлардаги ўрни.....	235
13.3. Халқаро коррупцияга карши курашиш ташкилотлари билан ҳамкорлик.....	248
13.4. Коррупцияни қабул қилиш индексининг мазмун-моҳияти.....	250
<b>XIV БОБ. ИҚТИСОДИЙ ҲАМКОРЛИК ВА РИВОЖЛАНИШ ТАШКИЛОТИНИНГ ИСТАНБУЛ ҲАРАКАТЛАР РЕЖАСИ</b>	
14.1. Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилотининг Истанбул ҳаракатлар режаси мазмуни ҳамда вазифалари.....	256
14.2. Истанбул ҳаракатлар режаси мониторинги йўналишлари ва натижалари.....	258
14.3. Истанбул ҳаракатлар режаси мониторинги 4-раунди натижалари бўйича белгиланган вазифалар.....	264
<b>XV БОБ. КОРРУПЦИЯГА МОЙИЛ БЎЛГАН ШАХСНИНГ ПСИХОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ</b>	
15.1. “Коррупцион хулқ-атвор” тушунчаси ва белгилари.....	270
15.2. Коррупцион хулқ-атворга мойилликнинг психологик омиллари.....	273
15.3. Коррупцияга карши курашишнинг ижтимоий-психологик йўналишлари.....	278
<b>XVI БОБ. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШДА ХОРИЖИЙ ТАЖРИБА</b>	
16.1. Дунё амалиётида коррупцияга карши курашиш соҳасидаги ёндашувлар.....	281
16.2. Коррупцияга қарши курашиш бўйича АҚШ, Буюк Британия, Германия ва Франция тажрибаси.....	285
16.3. Коррупцияга қарши курашиш бўйича Данія, Норвегия, Швеция ва Финландия тажрибаси.....	295
16.4. Коррупцияга қарши курашиш бўйича Жанубий Корея, Япония, Хитой, Сингапур ва Қозоғистон тажрибаси.....	309
<b>АТАМАЛАР ВА ТУШУНЧАЛАР ЛУФАТИ.....</b>	327
<b>ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР</b>	
1. Норматив-хукуқий хужжатлар.....	335
2. Халқаро хукуқий хужжатлар.....	337
3. Раҳбарий адабиётлар.....	338
4. Ўқув ва илмий адабиётлар.....	338
5. Інтернет манбалари.....	343

## КИРИШ

Мустақиллигимизнинг илк йилларидан бошлаб, мамлакатимизда демократик хуқуқий давлат ва кучли фуқаролик жамияти қуришнинг умумий стратегиясини амалга ошириш доирасида конун устуворлигини таъминлаш, фуқароларнинг хукуқ ва эркинликларини химоя қилиш, суд-хукуқ тизимини ислоҳ қилиш юзасидан тизимли чора-тадбирлар изчил амалга ошириб келинмоқда.

Тарихан қисқа давр ичида мамлакатда қонунийлик ва хукуктартиботни таъминлашнинг институционал ва хукукий асослари шакллантирилди, коррупцияга карши курашнинг самарали тизими яратилди. Мазкур йўналишдаги ислоҳотларни амалга оширишда миллий қонунларга ҳалкаро хукукий умумэтироф этилган нормаларни сингдириш масаласига алоҳида эътибор берилди.

Шу билан биргаликда, мамлакатимиздаги юксалишларга жиддий тўсик бу коррупция балоси эканлигини қайд этиш зарур. Давлат ва жамият бошқарувини янада демократлаштириш ҳамда модернизация қилиш, давлат бошқаруви соҳаларини либераллаштириш шароитида давлат хизматчилари томонидан порахӯрлик, мансаб мавқеини суистеъмол қилиш билан боғлиқ жиноятларнинг содир этилиши давлат хокимиятининг обрўсизланишига, давлатнинг сиёсий, иқтисодий, хукукий тизимига путур етишига, натижада, давлат хокимияти фаолияти самарадорлигининг сусайишига сабаб бўлади. Шу боис, ушбу иллатга карши курашиш ва барҳам бериш сиёсати давлат ва жамият фаолиятининг устувор йўналишларидан бирига айланди.

Коррупцияга қарши курашиш давлат органлари томонидан ахолининг хукукий онги ва хукукий маданиятини юксалтириш, давлат ва жамият ҳётининг барча соҳаларида коррупциянинг олдини олишга доир чора-тадбирларни амалга ошириш, коррупцияга оид хукукбузарликларни ўз вақтида аниқлаш, уларга чек кўйиш, коррупцияга имкон берувчи сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этиш, хукукбузарликларни содир этганлик учун жавобгарликнинг мукарарарлиги принципини таъминлаш каби чора-тадбирлар орқали амалга оширилади.

2008 йилда Ўзбекистон Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг 2003 йил 31 октябрда қабул қилинган Коррупцияга қарши курашиш конвенциясини ратификация килди ҳамда давлат томонидан коррупцияга қарши курашиш бўйича аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб, амалга оширишга киришилди. 2010 йилда Ўзбекистон Иқтисодий ҳамкорлик

---

ва ривожланиш ташкилоти Коррупцияга қарши курашиш тармоғининг Истамбул ҳаракат дастурига қўшилди.

Айниқса, 2017 йил 3 январдаги Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуни қабул қилингани ушбу йўналишдаги ишларнинг мантиқий давоми бўлди. Қонунда коррупцияга қарши курашишнинг асосий принциплари хамда бу борадаги давлат сиёсатининг муҳим йўналишлари мустахкамланди.

Коррупцияга қарши курашиш мамлакатимизда олиб борилаётган сиёсий-хукукий ислоҳотларнинг асосий йўналишларидан бири бўлиб қолмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев: “**Коррупцияга қарши курашишда аҳолининг барча қатламлари, энг яхши мутахассислар жалб қилинмас экан, жамиятимизнинг барча аъзолари, таъбир жоиз бўлса, “ҳалоллик вакцинаси” билан эмланмас экан, ўз олдимизга қўйган юксак мэрраларга эриша олмаймиз. Биз коррупциянинг оқибатлари билан курашишдан унинг барвақт олдини олишга ўтишимиз керак**”<sup>1</sup>, деб ҳақли равища таъкидлайди.

2017 йилда эълон қилинган Ҳаракатлар стратегиясининг устувор йўналишларидан бири этиб, коррупцияга қарши курашишнинг ташкилий-хукукий механизmlарини такомиллаштириш ва коррупцияга қарши курашиш тадбирларининг самарадорлигини ошириш белгиланди ва мазкур йўналишда тизимли ишлар амалга оширилди. Кайд этиш жоизки, коррупцияга қарши курашишни жадаллаштириш максадида, сўнгги беш йилда уч марта давлат дастурлари қабул қилинди.

Маълумот ўрнида айтиш жоизки, коррупция муаммоси сўнгги йилларда ҳалкаро микёсда трансмиллий жиноят сифатида ҳалкаро ташкилотлар томонидан кенг муҳокама қилинаётган мавзу хисобланади. Айрим сиёсатчилар томонидан коррупцияга глобал инқирозни келтириб чиқарувчи омил сифатида ҳам таъриф берилади. Ривожланган мамлакатлар тажрибасига эътибор каратадиган бўлсак, уларнинг айримлари коррупция балосига ўз вактида муваффақиятли курашиб, ижобий натижаларни кўлга киритишган.

Жорий йилнинг 28 январида эълон қилинган 2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида ҳам коррупцияга қарши курашиш устувор вазифа этиб белгиланди. Хусусан, Тараққиёт стратегиясида давлат бошқаруви органлари фаолияти

---

<sup>1</sup> Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси, 2020 йил 24 январь// Манба: [www.president.uz/uz/lists/view/3324](http://www.president.uz/uz/lists/view/3324)

---

устидан давлат назоратини амалга оширишда манфаатлар тўқнашуви вужудга келишини бартараф этиш, мазкур жарапёнга кенг жамоатчиликни жалб қилиш (4-мақсад), коррупцияяг мойил соҳа ва тармоқларни аниқлаш, коррупциявий омилларни бартараф этиш тизимининг самарадорлигини ошириш, жамиятда коррупцияяг нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш (84-мақсад) назарда тутилди.

Шунингдек, Тараққиёт стратегиясида давлат хизматида ҳалоллик стандартларини жорий этиш белгиланган бўлиб, унга кўра, давлат хизматчиларининг даромад ва мол-мулкларини декларация қилиш тизими босқичма-босқич жорий этилади. Шунингдек, давлат хизматида манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш бўйича самарали механизмларни яратиш, коррупцияяг қарши курашиш борасидаги фаолиятда очиқликни таъминлаш ва жамоатчилик иштирокини кенгайтириш (83-мақсад) каби чора-тадбирлар амалга оширилади.

Қонунчиликда давлат органлари ва бошқа ташкилотлар коррупцияга қарши курашиш йўналишида ходимларининг ҳуқуқий саводхонлигини оширишга алоҳида эътибор қарататётгани қувонарли ҳол. Бундан ташқари, давлат органлари ва бошқа ташкилотлар ўз мансабдор шахслари ва ходимларининг коррупцияяг қарши курашиш соҳасидаги ҳуқуқий саводхонлигини ошириш юзасидан зарур чора-тадбирлар кўриши мажбурий этиб белгиланган.

Айтиш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 6 июлдаги ПФ-6257-сонли Фармони билан тасдиқланган “Коррупцияга қарши курашиш бўйича 2021-2022 йилларга мўлжалланган Давлат дастури”да коррупция давлат ва жамият тараққиёти учун энг жиддий хавф-хатарлардан бири эканлигини аҳоли ва давлат хизматчилари онгига сингдириш алоҳида вазифа сифатида белгиланган.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 6 июлдаги “Коррупцияяг қарши курашиш фаолиятини самарали ташкил этишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-5177-сонли қарорига мувофиқ, Коррупцияяг қарши курашиш агентлиги, Адлия вазирлиги, Давлат бошқаруви академияси ва Бosh прокуратура Академиясига 2022 йил 1 январдан бошлаб “ҳалоллик вакцинаси” тамойили асосида давлат хизматчиларини мунтазам равишда коррупцияяг қарши курашиш, манфаатлар тўқнашуви ва одоб-ахлоқ қоидалари бўйича маҳсус ўқув курсларида ўқитиш тизимини жорий этиш вазифаси белгиланди. Шунингдек, маҳсус электрон ўқув платформаси ишга туширилиб, у орқали давлат хизматчиларини масофадан туриб ўқитиш ҳамда хусу-

---

сий сектор вакиллари ва аҳолининг коррупцияга қарши курашиш борасидаги билимларини ошириш амалиётининг йўлга қўйилиши назарда тутилди.

Ушбу белгиланган вазифаларни сифатли амалга ошириш мақсадида, Давлат бошқаруви академияси, Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги, Бош прокуратура академияси, Тошкент давлат юридик университети мутахассислари ва профессор-ўқитувчилари иштирокида мазкур дарслик тайёрланди.

Дарсликда ёритилган мавзулар Давлат бошқаруви академиясида ишлаб чиқилган “Коррупцияга қарши курашиш” ўқув курсининг ўқув дастурига мос келади. Нашр этилаётган дарсликда айrim камчиликлар мавжуд бўлиши мумкин. Шу сабабли, дарсликни мутолаа қилиш жараёнида китобхонлар томонидан билдирилган таклиф ва тавсиялар муаллифлар томонидан мамнуният билан қабул қилинади ва уни такомиллаштириш чоралари кўрилади.

Ушбу дарслик давлат хизматчилари ва кенг китобхонлар оммасининг ҳукуқий билимларини оширишда ва жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантиришда ўз ҳиссасини қўшишига умид билдирамиз.

## **I. БОБ. ЖАМИЯТДА КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ МУРОСАСИЗЛИК МАДАНИЯТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ**

### **1.1. Жамиятда коррупцияга қарши муросасизлик маданияти тушунчаси**

Ҳалоллик, ўз маъносига кўра, тўғрилик, адолат, софдиллик, самимийлик, иймон сўзлари билан ўйфундир. Тўғрилик, ҳалолликни сингдириш инсоният тарихида энг қийин ишлардан бўлган. Буни юксалишга эришган давлатлар тарихини ўрганиш давомида ҳам кўриш мумкин.

Буюк бобокалонимиз Амир Төмур ҳазратлари ҳам ҳалоллик, ростликни ички ва ташки сиёсатни юргизишда, оила тарбиясида, дину диёнатга риоя этишда бош қадрият деб билганлар. У кишининг тузукларида “Рости русти”, деган ёзув ҳам “Куч тўғриликдадир”, деган маънони ифода этган. Адолат сўзи ҳам араб тилида “ҳалол, тўғри, рост, ҳаққоний” деган маъноларни ифода этиб, дунёдаги барча катта ижтимоий, сиёсий ва иқтисодий ислоҳот ҳамда ўзгаришлар айнан адолат, ҳалолликни ўрнатишга даъватдан бошланган. Ҳалоллик ва адолатнинг рўёбга чиқиши ҳукмдорнинг

иродаси билан бирга, жамият ҳамда шахсларнинг маънавиятига ҳам бевосита боғлиқ бўлиб, тўғриликни ҳаётнинг бош тамойили деб билган бошқарув тизимларида юксалиш ва қонун устунлиги барқарор ўрнатилган. Хусусан, уч минг йиллик тарихимизга олтин ҳарфлар билан битилгувчи: Тўмарис, Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Захириддин Муҳаммад Бобур ҳукмронлигидаги давлатларда илм-фан, санъат, хунармандчилик, бунёдкорлик ривожига айнан ҳалоллик ва адолат омиллари кенг йўл очган.

Зеро, ростлик, тўғрилик – ҳар бир ишда мантиқли ёндаша олиш, ҳақиқатни ўз фаолиятининг асосий кўрсаткичи ва мезони деб билиш, ҳамма нарсани ўз номи билан аташга ўтиш механизмини ифода этади. Пайғамбаримиз Муҳаммад алайхиссалом ўз фазилатларидағи ҳалоллик, тўғрилик ҳақида сўзлаб, шундай деганлар: “Мен ростгапни яхши кўраман”<sup>2</sup>.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 24 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида янги Ўзбекистон маънавиятида ҳалоллик, тўғрилик тамойили ҳаётимизнинг бош қадриятига айланиши, мамлакатимиздаги мавжуд ижтимоий иллатларга, хусусан, коррупцияга қарши курашда жамоатчилик ролини ошириш, керак бўлса, тўғрилик, ҳалолликка барча воситалар билан бўлса ҳам ўргатиш масаласига алоҳида тўхталиб ўтилди. Жамиятда ҳалоллик, ростлик, тўғрилик фазилатига эга бўлишга интилишнинг ялпи ижтимоий ҳаракатга айланиши ижтимоий заруратдир. “Коррупцияга қарши курашишда, – деб таъкидлади Шавкат Мирзиёев – аҳолининг барча қатламлари, энг яхши мутахассислар жалб қилинmas экан, жамиятимизнинг барча аъзолари, таъбир жоиз бўлса, “ҳалоллик вакцина”си билан эмланmas экан, ўз олдимизга қўйган юксак мэрраларга эриша олмаймиз. Биз коррупциянинг оқибатлари билан курашишдан унинг барвақт олдини олишга ўтишимиз керак”<sup>3</sup>.

**Жамиятда коррупцияга қарши муросасизлик маданияти** бу кишиларнинг коррупцияга нисбатан муросасиз онгли муносабати, билим даражаси, тажрибаси, коррупциявий жараёнларга фаол қарши ҳатти-ҳаракатларидир.

<sup>2</sup> Расулоҳ алайхиссалом сийратлари. Нурул яқин. – Т.: F.Фулом номидаги матбаа нашриёт уйи, 2017. – 261 б.

<sup>3</sup> Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 2020 йил 24 январь. // Манба: [www.president.uz/uz/lists/view/3324](http://www.president.uz/uz/lists/view/3324)

---

Ҳалоллик ҳар соҳада ўзига хос намоён бўлиб, суд-хуқуқ тизимида икки йўналишда, яъни, биринчидан, қонун чизифидан чиқмасликда ва инсон тақдири бўйича қарор қабул қилишда, Президентимиз айтганидек, айборнинг ўрнига ўзини қўйиб иш тутишда, ўқитувчи тимсолида эса, талаба ва ўқувчига реал билим ва тарбия беришда, давлат хизматчиси ҳалоллиги ҳалққа хизмат қилиб, рози қилиш, давлат ва жамият манфаатини бош қадрият деб билишда, тибиёт ходимидағи ҳалоллик беморга таъмагирлик билан қарамасликда, уни даволашни касб ва виждан амри деб билишида, ота-она ҳалоллиги эса, фарзандни мустақил ҳаёт кечиришга тайёр, тўғрисўз, вижданли, чукур масъулияти инсон ва муайян касб-хунар соҳиби қилиб шакллантиришда ўзи намуна бўлишида намоён бўлади. Зеро, Президентимиз айтганидек, “Агар фарзандимизга тўғри тарбия бермасак, ҳар куни, ҳар дақиқада унинг юриш-туриши, кайфиятидан огоҳ бўлиб турмасак, уларни илму ҳунарга ўргатмасак, муносиб иш топиб бермасак, бу омонатни бой бериб қўйишимиш ҳеч гап эмас”.

Таъкидлаш жоизки, ижтимоий ривожланиш ва унинг пиравардида ривожланган, демократик давлатлар қаторидан муносиб ўрин олиш ғояси қўйидаги ижтимоий-иктисодий, маънавий ҳамда интеллектуал асосларга таянади:

1. Ўзбек ҳалқининг меҳнаткашлиги, аҳоли турмуш фаровонлигининг узлуксиз яхшиланаётгани, одамлардаги шукроналик ҳамда умрдан розилиги ижтимоий тараққиётимиз-нинг муҳим омилига айланбаётгани.

2. Ҳалқимизнинг юқори интеллектуал, маънавий салоҳиятга эгалиги, инсон капиталини ривожлантириш бўйича дунё эътирофига сазовор натижаларга эришилганлиги.

3. Мамлакатимизнинг бой ер ости ва ер усти имкониятларга эгалиги, Ўзбекистоннинг барқарор тараққиёти учун етарли сув таъминоти, қулай иқлим, унумдор тупроққа эгалиги.

4. Ўзбекистоннинг Марказий Осиёнинг марказида жойлашгани, ҳар томонлама қулай коммуникациялар тизими бунёд этилгани, ҳаво, темир йўл, автомобиль транспортининг ривожланган инфраструктура-сига эгалиги.

5. Ўзбекистон ҳалқининг бағрикенг миллий менталитетга эгалиги, фаолиятда намуна, ибрат бўлиш туйғусининг кучлилиги, яхши ишларда етакчи бўлиш фазилати ва ҳалқимизнинг иймон-эътиқоди мустаҳкамлиги, ҳамкорлик ва дўстликка садоқати, эртанги кунга бўлган ишончининг кучлилиги.

6. Халкимиз ўзини буюк аждодлари илмий дахоси, илмий хамда маънавий жасоратининг ҳақли вориси сифатида намоён этишга интилаётгани, дунё интеллектуал-маърифий майдонида юксак иктидор эгаси, барчага мақбул бўладиган оқилона ечимлар тавсия эта олувчи, узоқни кўзлаб иш тутувчи, юксак маънавиятли миллат сифатида намоён этаётгани.

7. Мамлакатимизда амалга оширилаётган Тараккиёт стратегиясини халкимиз тўла кўллаб-кувватлаётгани, одамларнинг бу жараёнларнинг кузатувчиси эмас, балки онгли иштирокчисига айланганлиги.

Юкоридаги ижобий асослар ахамиятига салбий таъсир этувчи жихат бу жамиятнинг коррупцияга эътиборсизлиги ёки уни нормал қабул килишидир. Шу боис, бугунги кунда давлат ва жамиятимиз олдида турган муҳим вазифа – сифатида жамият аъзоларининг онгода коррупцияга карши муросасизлик маданиятини кучайтиришdir. Аввало, ушбу маданият инсонлар онгода рўй бериши ва ундан кейин уларнинг харакатига кўчишини таъкидлаш ўринлидир. Жамиядта коррупцияга қарши муросасизлик маданияти бу кишиларнинг коррупцияни англашга нисбатан билим даражаси, тажрибаси, коррупциявий муносабатларга муросасиз онгли муносабати, коррупциявий жараёнларга фаол каршилик кўрсатишида намоён бўлади.

## **1.2. “Коррупция” тушунчаси ва унинг ижтимоий оқибатлари**

Мамлакатда конун устуворлигини таъминлаш ва баркарор ривожланишга энг катта тўсиқ бу коррупция балосидир. Шунинг учун коррупцияга қарши курашиш масаласи давлат сиёсатида марказий масалалардан бири хисобланади. Коррупция балосига илмий ва назарий адабиётларда турлича таърифлар берилган.

Таъкидлаш жоизки, 2017 йилда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Конунида коррупция шахснинг ўз мансаб ёки хизмат мавкеидан шахсий манфаатларини ёхуд ўзга шахсларнинг манфаатларини кўзлаб, моддий ёки номоддий наф олиш мақсадида конунга хилоф равишда тақдим этиши эканлиги белгиланган.

Шу сабабли, конунчиликда давлат органлари ва фуқаролик жамиятия институтларининг ушбу иллатга қарши курашдаги куч хамда имконият-

---

ларини бирлаштириш мақсади назарда тутилган. Мазкур иллатга қарши курашишга барча давлат органлари, сиёсий партиялар, жамоат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари, умуман, ҳар бир фуқаро сафарбар этилиши зарур эканлигини қайд этиш зарур. Зеро, жамиятда коррупцияга қарши кучли иммунитет шаклланмас экан, жамият бу балодан қутула олмайди.

Кўпчилик мутахассислар коррупциянинг сабаблари сиёсий институтларнинг мукаммал эмаслигига боғлиқ, деб билишади. Чунки, мамлакатнинг ички ва ташқи бошқариш механизмлари, асосан, ушбу институтларнинг қандай ишлашига боғлиkdir. Бундан ташқари, ахолининг қонунни билмаслиги ёки тушунмаслиги, мамлакатдаги сиёсий ҳолатнинг барқарор эмаслиги, ҳукумат институтларининг ўзаро ҳамкорликда ҳаракат қилиш механизмининг йўқлиги, мамлакат бюрократик аппаратининг мақсадлари сиёсий элитага тобе ҳолда ишлаши, унинг мамлакат ривожига суст ҳолда ёндашиши, сиёсий ўйинларнинг авж олиши, юқори турувчи амалдорларнинг таниш-билиш, қуда-анда бўлиб ҳукуматни бошқаришга ўз таъсирини ўтказиши, ижро ҳокимиятида бирликнинг йўқолиши, битта йўналишнинг бир нечта инстанциялар томонидан бошқарилиши, фуқароларнинг давлат бошқарувидаги иштирокининг сустлиги ва бошқа ҳолатлар коррупциянинг сабабларидандир.

Коррупциянинг ривожланиб кетишига давлат секторида иш ҳақининг хусусий секторга қараганда камлиги, давлат томонидан бозор иқтисодиётининг “тартибга солиниши”, фуқароларнинг амалдорларга бўйсуниб қолиши, давлатнинг монополистик сиёсати, иқтисоднинг барқарор эмаслиги, иқтисодий ривож-ланишнинг пастилиги ҳам сабаб бўлиши мумкин.

Коррупцияга имкон берувчи сабаблар ва шарт-шароитларни бартаф этиш унинг оқибатларини бартараф этишдан яхшидир. Шу сабабли, Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуни давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларида коррупциянинг олдини олишга доир чора-тадбирларни амалга ошириш давлат сиёсатининг устувор йўналиши сифатида белгиланган.

Ўтказилган кўплаб социологик тадқиқотларда коррупция муаммоси иқтисодий, ҳуқукий, ижтимоий, руҳий муаммо сифатида қаралиб, унга турли нуқтаи назардан ечим топишга интилишларни кузатиш мумкин.

Таъкидлаш ўринлики, ушбу заарли ижтимоий иллат катта ва кичик, бадавлат ва камбағал бўлишидан қатъи назар, барча мамлакатларда муайян даражада учрайди. Ушбу иллатни бартараф этиш бўйича жаҳон

хамжамияти томонидан бир катор ишлар амалга оширилаётган бўлса-да, ханузгача у долзарб муаммо сифатида қолмоқда.

### **Коррупциянинг салбий ижтимоий оқибатлари**

Инсон хукуқ ва эркиnlари кафолатларини издан чиқаради

Жамиятда ижтимоий тенгсизликни юзага келтиради

Аҳолининг, халқнинг олиб борилаётган ислоҳотларга бўлган ишончини йўқотади

Ижтимоий муносабатларда адолатсизликни вужудга келтиради

Аҳоли ўртасида турли хил норозиликларни келтириб чиқаради

Давлат органларининг барқарорлигини издан чиқаради ва бошқалар

Жаҳон тажрибасига эътибор қаратсан, коррупцияга қарши курашиб рейтингида Дания, Янги Зеландия, Финляндия, Сингапур ва Швеция каби давлатлар пешкадамлик килмоқда. Ушбу мамлакатларда бу иллатнинг илдизини батамом қуритиш борасида амалга оширилаётган ишлар эътироф этилган ҳолда, уларнинг тажрибаси бутун жаҳон миқёсида кенг кўлланилмоқда.

Ушбу иллат тўғрисидаги хавотирли мулоҳазалар дунёning энг юксак минбарларидан ҳам тез-тез янграмоқда. БМТ Бош котиби Антониу Гуттериш жаҳон хамжамияти коррупция туфайли ҳар йили 2,6 триллион АҚШ доллари миқдорида зарар кўраётганини таъкидлашининг ўзиёқ масаланинг моҳиятини намоён этиб беради.

Мазкур иллатнинг хавфилиигини куйидагиларда кўриш мумкин:  
инсон хукуқ ва эркиnlари кафолатларини издан чиқаради;  
жамиятда ижтимоий тенгсизликни юзага келтиради;  
ахолининг, халқнинг олиб борилаётган ислоҳотларга бўлган ишончини йўқотади;

---

жамиятда мавжуд ижтимоий муносабатларда адолатсизликни вужудга келтиради;

аҳоли ўртасида турли хил норозиликларни келтириб чикариши мумкин ва бошқалар.

Коррупциявий қилмишларнинг шу каби ижтимоий окибатлари жуда оғрикли бўлиб, уларни ўз вақтида бартараф этиш зарур. Ўз навбатида, бундай иллатларнинг олдини олишга қаратилган чораларни амалга ошириш, унинг окибатларини бартараф этишдан кўра афзалдир.

### **1.3. Жамиятда коррупцияга қарши курашувчи субъектлар**

---

Ўқув адабиётларида коррупцияга қарши курашиш давлат ва жамиятнинг умумий вазифаси сифатида талқин этилади. Бунинг асосий сабаби – коррупциядан барча жамият аъзолари азият чекади ва у жамият ишларининг бажарилиши салбий таъсир кўрсатади. Шу сабабдан ҳам коррупцияга қарши курашиш нафакат айрим шахсларнинг, балки жамият барча аъзоларининг умумий вазифасига айланган.

Назарий жиҳатдан ёндашганда жамият (лотинча: *socium* – “умумий”) – кишиларнинг тарихан қарор топган ҳамкорлик фаолиятлари мажмуси. Жамиятдаги ҳамма нарса (моддий ва маънавий бойликлар, инсонлар хаёти учун зарур бўлган шарт-шароитлар яратиш ва бошқалар) муайян фаолият жараённида амалга ошади. Инсонлар фаолияти ва улар ўртасидаги ижтимоий муносабатлар жамиятнинг асосий мазмунини ташкил этади. Булар ишлаб чикариш, оиласвий, сиёсий, хукукий, ахлокий, диний, эстетик фаолиятлари ва уларга мос келувчи муносабатлардир. Жамият тараккёти табиий-тариҳий, қонуний жараёндир<sup>4</sup>.

Коррупциявий қилмишлар эса, жамиятнинг табиий ривожланишига зарба бериб, унда жиддий табакалашувни, мулкий тенгсизликни вужудга келтиради. Бунда, давлат бошқарув ваколатларига эга бўлган муайян гурух асоссиз равишда бойликка эга бўлади ва давлатга тегишли ваколатларни суистеъмол қиласди. Бунинг натижасида, жамиятда ишлаб чикилган баркарор қонун ва коидалар обрўсизланиб, фукароларнинг қонунга итоткорлик даражаси пасаяди, жамиятнинг хавфсизлигига зиён етади.

Хозирда Ўзбекистонда жамият тараккиётининг энг асосий муаммоларидан бири бошқарувда қонун устунлигини тўлиқ таъминлаш, инсон-

---

<sup>4</sup>Манба: [www.qomus.info/encyclopedia/cat-j/jamiyat-uz/](http://www.qomus.info/encyclopedia/cat-j/jamiyat-uz/)

ларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш ҳисобланади. Ушбу вазифаларни амалга ошириш давлат органлари фаолиятида коррупциявий ҳолатларни тўлиқ бартараф этишни талаб этади.

Шу маънода коррупцияга қарши курашиш давлат ва жамиятнинг умумий муаммоси ҳисобланниб, унга қарши курашиш барча жамият аъзолари ва давлат органларининг устувор вазифаси ҳисобланади.

### **Коррупцияга қарши курашувчи субъектлар тизими**

Махсус ваколатли органлар	Умумий ваколатли давлат органлари	Нодавлат субъектлар
Коррупцияга қарши курашиш агентлиги; Бош прокуратура; Давлат хавфсизлик хизмати; Ички ишлар вазирлиги; Адлия вазирлиги; Бош прокуратура хузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти.	Президент; Парламент; Хукумат; Вазирлик ва идоралар; Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари.	Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари; Нодавлат нотижорат ташкилотлари; Фуқаролар.

Умуман олганда, коррупцияга қарши курашувчи субъектлар сифатида давлат, жамият ва ҳар бир шахсни тушунишимиз мумкин.

### **1.4. Коррупцияга қарши курашишнинг маънавий-ахлоқий жиҳатлари**

Мазкур мавзунинг асосий мақсади жамиятда коррупцияга қарши муросасизлик маданиятини шакллантиришда иштирок этадиган жамиятдаги мавжуд омилларни ёритишдан иборатdir. Ушбу омиллардан бири, шубҳасиз, жамиятда шаклланган жамиятнинг маънавий-ахлоқий қадриятлари ҳисобланади.

Коррупцияга қарши курашишда шахслар онгida шаклланган ахлоқий қадриятлари муҳим аҳамиятга эга. Яъни, ҳалоллик ва тўғрилик, адолат ва тенглик каби тамойиллар шахсларни ўзаро муносабатлар-

---

да турли ҳақсизликлардан ҳимоя қиласи. Зеро ривожланган коррупциясиз жамиятни маънан етук ва коррупцияга қарши қарашга эга фуқаролар ёрдамидагина барпо этиш мумкин. Шунингдек, коррупцияга қарши курашиш нафақат хуқуқий мажбурият, балки маънавий бурч ҳам ҳисобланмоғи лозим. Шу маънода, фуқароларнинг коррупцияга қарши онги уларнинг фаол фуқаролик позициянинг ажралмас қисми ҳамдир.

Кўпгина манбаларда фуқаровийлик бир давлатга мансубликни англаш, давлатга содиқлик ҳамда ватанпарварлик ҳисси сифатида талқин этилади. Бунда давлатни, Конституцияни, давлат рамзларини хурмат қилиш, давлат тузумини ва қонун устуворлигини ҳимоя қилишга тайёрлик назарда тутилади. Фуқаровийликни инсонга хуқуқий, ижтимоий, маънавий ва сиёсий жиҳатдан лаёқатли эканлигини ҳис этишни таъминловчи, жамиятдаги жиноятчилик ҳолатларига қарши тура олиш қобилиятларини жамловчи тушунча сифатида ҳам талқин этиш мумкин. Шу билан барга, “Фуқаровийлик бир тарафдан жамиятда шахснинг олий даражада мустақиллигини, иккинчи тарафдан эса кишиларнинг жамият ҳаётидаги иштирокида намоён бўладиган юқори даражадаги бирдамликни назарда тутувчи қарашлар мажмуини ифода этади”<sup>5</sup>.

Фуқаронинг ўз ҳақ-хуқуқларини тушуниши ва уни амалиётда қўллаш кўникмаси, бошқа фуқароларнинг ҳақ-хуқуқларини хурмат қилиш, фуқаронинг ўз хатти-ҳаракати учун шахсий жавобгарлиги, давлат ва жамият олдида ўзининг хуқуқий ва ахлоқий масъулиятини англаш, фуқароларнинг тенглиги, юксак маънавий-ахлоқий мезонларга асосланган ҳолда ижтимоий воқелинка нисбатан холисона ва танқидий ёндашув, ҳокимият билан, бошқа фуқаролар ва жамоат бирлашмалари билан ижобий мулоқот юритиш қобилияти, бир мамлакат, жамият ва давлатга, шунингдек, унга тегишли хуқуқий, маданий ватил маконига мансублиқда ифодаланган фуқаровий ўзликни англаш – фуқаровийликни ифода этувчи муҳим жиҳатлар қаторига киради.

Фуқаровийликнинг тугал ёки тўқис эканлигини қўйидаги мезонлар воситасида талқин қилиш мумкин. Агар фуқаровий позиция ҳали шаклланмаган, фуқаровий хусусиятлар, ўз ҳақ-хуқуқлари учун курашиш истаги тўлиқ намоён бўлмаса, фуқаровийликнинг энг қуий дараҷаси намоён бўлади. Фуқаро ўз ҳақ-хуқуқлари учун курашишга мойил

---

<sup>5</sup> Фуқаролик жамияти асослари: ўқув қўлланма/ А. Жалилов, У. Мухаммадиев, К. Жўраев ва бошқ. – Т, 2015. 86 б.

---

бўлса, у ҳақда ўз билим ва қобилиятини намоён қилишга тайёр бўлса, бунда фуқаровийликнинг ўрта даражаси намоён бўлади. Агар фуқарода фуқаровий хусусиятлар ҳамда фаол фуқаролик позицияси тўлиқ шаклланган, ўз ҳақ-хуқуқлари учун амалий ҳаракатга кириш иштиёқи яққол намоён бўладиган бўлса уни юқори даражада фуқаровийлик сифатида талқин этиш мумкин.

Хорижий мамлакатлар тажрибасининг кўрсатишича, коррупция га қарши курашни фақатгина давлат ҳокимияти органлари, жумладан, фақат хуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар зиммасига юклаб қўйиш коррупция қўламишининг қисқаришига эмас, аксинча, кенгайишига олиб келган. Чунки ушбу идораларнинг коррупцияни бартараф этиш билан боғлиқ фаолиятида муайян муддатда ижобий натижаларнинг сезилмаслиги аҳоли орасида хуқуқий нигилизмни келтириб чиқариш эҳтимоли юқори. Чунки бундай ҳолат жамоатчиликни давлат органлари коррупцияга қарши курашиб, уни енголмаётган экан, демак, буни бартараф қилиб бўлмайди, деган холосага олиб келади. Коррупцияга қарши кураш бефойда, деган кайфиятнинг хукм суриши эса аҳолининг муайян қисмида коррупцияга қарши курашиб эмас, унга мослашиш керак, деган холосани келтириб чиқариши мумкин.

Мамлакатимизда жамиятдаги муаммоларга ечим топишда жамоатчилик назоратига таяниш лозимлигига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Зеро, коррупцияга қарши кураш олиб борувчи субъектлар тизимида жамоатчилик назорати субъектлари ҳам муҳим ўрин тутади. Мазкур институт жамиятда юз берадиган коррупция ҳолатини аниқлашда катта имкониятларга эга. Бу бир жиҳатдан жамоатчилик назорати жараёнида кенг омманинг иштироки билан боғлиқ бўлса, иккинчи томондан, аниқланган коррупция ҳолатларини юқори давлат органларига етказиш орқали бундай салбий ҳодисани чеклаш имконияти билан боғлиқ.

Жамоатчилик назорати, бир томондан, коррупция ҳолатларини аниқлаб, унга давлат ҳокимияти органлари эътиборини қаратса, иккинчи томондан, коррупцияга нисбатан кенг аҳоли орасида салбий муносабатни шакллантириш орқали ҳам олиб борилаётган кураш самарадорлигининг ортишига ҳисса қўшади.

Бир қатор мамлакатлар тажрибасига кўра, коррупцияга қарши курашишда юқори сифатли хуқуқий меъёрларнинг ишлаб чиқилиши бундай салбий ҳодисани бартараф этиш тугул, камайтиришига ҳам таъсир қилолмас экан. Коррупцияни чеклаш ва минимал даражага тушириш учун, бир томондан, сиёсий ирода талаб этилса, иккинчи томондан, бу

---

курашга жамоатчиликни жалб этиш, яъни жамоатчилик назоратини кучайтириш талаб этилади. Бу эса, ўз навбатида, жамият аъзолари ўртасида коррупцияга нисбатан фаол муросасизлик кайфиятини шакллантиришни хам талаб этади.

### **Назорат саволлари**

1. Коррупцияга карши муросасизлик маданияти, деганда нимани тушунасиз?
2. “Коррупция” тушунчасига таъриф беринг.
3. Коррупцияни бартараф этишда кайси омиллар муҳим хисобланади?
4. Коррупциянинг ижтимоий оқибатларини ёритиб беринг.
5. Жамиятда коррупцияга карши курашувчи субъектлар доирасини кўрсатинг.
6. Коррупцияга қарши курашишнинг маънавий-ахлокий жихатлари деганда нимани тушунасиз?
7. Коррупциянинг ижтимоий оқибатларини бартараф этишда фуқароларнинг ўрнини тушунтириб беринг.

---

## II БОБ. ДАВЛАТ ХИЗМАТЧИЛАРИ ОДОБ-АХЛОҚИ ВА МАДАНИЯТИ

### 2.1. “Давлат хизматчилари одоб-ахлоқи тушунчаси” ва унинг маънавий негизлари

Давлат хизмати давлат органларининг вазифалари, функциялари ва ваколатларини таъминлаш бўйича олиб бориладиган профессионал фаолият ҳисобланади. Ушбу фаолият давлат хизматчиси томонидан амалга оширилгани сабабли, муайян ижтимоий-руҳий асосларга эга. Шунингдек, ҳар қандай ижтимоий фаолият инсон томонидан амалга оширилади ва унда инсоний муносабатлар устувор аҳамият касб этади.

Бундан ташқари, давлат хизматининг мақсад ва вазифаларига эришиш давлат хизматчисидан мустаҳкам ҳамда ишончли, соғлом ахлоқий-маънавий мухит яратилишини ҳам талаб этади. Зеро, давлат фуқаролик хизматининг барқарорлиги ва ишончлилиги мансабдор шахснинг нафақат касбий тайёргарлигига, балки унинг маънавий фазилатларига ҳам боғлиқ.

Одоб-ахлоқ – бу онгнинг ўзига хос шакли ва жамият (ахлоқий) муносабатлари, шунингдек, кадрлар ва давлат хизмати соҳасидаги муносабатларнинг ўзига хос шаклидир. Одоб-ахлоқнинг ўзига хос томонлари унинг вазифасининг умумийлиги; анъаналар, одатларга суюниш; жамоатчилик фикрини инобатга олиш; жамиятдаги муносабатларда унинг алоҳида аҳамиятини белгиловчи субъектив-шахсий характеристи ҳисобланади. Инсон касбий фаолиятининг ҳар қандай кўриниши ходим ахлоқини ўзининг одоб-ахлоқ меъёрлари билан тартибга соладиган корпоратив касбий этикани шакллантиради. Касбий этика бошқарув тизими ва энг аввало, давлат хизмати учун алоҳида аҳамиятга эга.

Давлат хизматчиси одоб-ахлоқи давлат-хизмат муносабатларида кенг қўлланилса-да, ўқув адабиётларида унга ягона таъриф берилмаган. “Одоб-ахлоқ” тушунчаси илмий муомалада “этика”, “одоб”, “ахлоқ” каби тушунчалар орқали кенг қўлланилади. “Этика” тушунчаси халқаро муносабатларда маҳсус атама сифатида ҳам ишлатилади.

Этика [лот. *ethica* юн. *ethos* – урф-одат, хулқ-атвор] ахлоқ ва унинг шахс ҳамда жамият ҳаётидаги ўрнини, ахлоқнинг шаклланиш шарт-шароитларини ва шаклларини ўрганувчи фалсафий таълимот сифатида эътироф этилади. Шунингдек, у бирор синф, ижтимоий гурӯҳ ёки бирор

---

касб эгаларига хос одоб-ахлок, унинг меъёрлари ва коидалари мажмуини ҳам ифода этади<sup>6</sup>.

**Ахлоқ** – кишининг табиати, муомала, хатти-харакат одоби. Аслини олганда, ахлок-маънавиятнинг ўзагини ташкил этади. Ижтимоий хаётимизда маънавиятга алохида эътибор каратилади. Чунки маънавият – кишининг ички, руҳий, ахлокий киёфаси, тушунчаси бўлиб, маълум бир ахлок меъёрлари, қадриятлар асосида яшаш тарзи, умуман, хаётидир.

Шахсга тегишли ахлокнинг икки турини фарқлаш лозим. Биринчиси, универсал ахлок бўлиб, у шахснинг ёши ёки жамиятда тутган ўрнидан катъи назар барча шахсларда бўлиши лозим. Иккинчиси, касбий одоб бўлиб, унга шахснинг касби ёки жамиятда эгаллаган муайян ижтимоий мавқеи сабабли эга бўлиши талаб этилади. Давлат хизматчисининг одоб-ахлоки ҳам унинг давлат хизмати лавозимларини эгаллаши билан боғлиқ ҳисобланади. Умуман олганда, ахлоқ одамларни бирлаштиришга, жипслаштиришга, жамиятда барқарор ва адолатли муносабатларни таъминлашга қаратилган қадриятларда намоён бўлади.

Давлат бошқарув органлари томонидан давлат функция ҳамда вазифаларини амалга ошириш жараёнида аҳолига турли хизматлар кўрсатилади. Мазкур давлат хизматларини кўрсатиш жараёнида давлат хизматчиларининг одоб-ахлоки алохида аҳамият касб этади. Чунки ахлоқ инсоннинг шахсий қадрияти сифатида унинг фаолиятига кўчади ва уни натижага йўналтирувчи кучга айланади.

**Давлат фуқаролик хизмати этикаси**, касбий этиканинг бир кўриниши сифатида ўзида давлат фуқаролик хизматида инсоний ўзаро муносабатларнинг алоҳида хилига тааллуқли маънавий одоб-ахлоқ меъёрлари тизимини ифодалайди.

Давлатхизмати этикаси мансабдор шахснинг одоб-ахлоқи моҳиятини ифодалайдиган нуктаи назарлар, коидалар ва меъёрларни камраб олади, шунингдек, унинг давлат, давлат хизматчилари, фуқаролик жамиятия билан муносабатларига доир маънавий талабларни ўзида жамлайди.

Давлат хизматининг одоб-ахлоқ коидалари деганда, давлат хизматида бўлган ходимнинг давлат билан ўзаро муносабатлари, у хизмат килаётган фуқаролик жамиятия, давлат ва унинг фуқаролари хукуки,

<sup>6</sup> Ўзбек тилининг изоҳли луғати // А.Мадвалиев таҳрири остида. Бешинчи жилд. – Т: ЎзМЭ, 2007. – 61 б.

---

эркинликлари ва қонуний қизиқишлиарини ҳимоя қилишда ўзаро муносабатларни таъминлашга доир бўлган талабларни ифодалайдиган одоб-ахлоқ меъёрлари моҳияти тушунилади. Бу – давлат хизматчила-рининг биргаликдаги касбий фаолияти жараёнида жамоада ахлоқий-психологик мухит яратиш ва давлат хизмати самарадорлигини ошириш мақсадида, давлат хизматчиларининг ўзаро муносабатларини тартиби-са соладиган умумий қадриятлар ва қоидалар тизими.

Қайд этиш жоизки, давлат хизматининг турларига мос равища, давлат хизматчиларига қўйилган ахлоқий талаблар бир-биридан фарқ қиласди. Масалан, давлат фуқаролик хизматчисига қўйилган ахлоқий талаблар ҳарбий хизматчига қўйилган ахлоқий талабдан фарқланади. Масалан, 1996 йил 9 октябрда тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучларининг интизом низоми ҳарбийча интизомнинг моҳиятини, ҳарбий хизматчиларнинг унга риоя этиш бўйича мажбуриятларини, рағбатлантириш ва интизомий таъзирларнинг кўринишларини белгилаб беради<sup>7</sup>. Ўз навбатида, мазкур Низом барча ҳарбийлаштирилган тузилмалар хизматчиларига ҳам тегишилдири.

Умуман олганда, **давлат хизматчи этикаси**, давлат хизматида фаолият юритаётган хизматчиларнинг муайян хулқ-атвор, одоб, муомала, хатти-ҳаракат, кўникмаларининг алоҳида хилига тааллуқли маънавий одоб-ахлоқ меъёрлари тизимини ифодалайди. Давлатнинг фуқаролар кўз ўнгидаги обрў-эътибори кўп жиҳатдан давлат хизматчиларининг касб маҳорати ва одоб-ахлоқига боғлиқ. Мамлакатимизда ўтказилаётган ислоҳотлар, хусусан, маъмурий ислоҳотлар қизғин тус олиб бораётган экан, давлат хизматчилари зиммасидаги масъулият ҳам ортиб бора-ди. Шу боис, давлат хизматчиларни тайёрлашда уларнинг давлат хизмати этикасига оид билимларини ривожлантиришига алоҳида эътибор қаратиш зарур.

## **2.2. Давлат фуқаролик хизмати этикасининг хуқуқий табиити**

---

Давлат хизматчи қонунларда белгиланган кўплаб хуқуқ ва мажбуриятларга эга. Шунга мувофиқ, давлат хизматчи муайян ахлоқий сифатларга эга бўлиши талаб этилади ҳамда давлат хизматида ахлоқий мажбуриятларни бажариш давлат хизматчи фоалиятининг ажралмас

---

<sup>7</sup> Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучларининг умумҳарбий низомлари. – Т.: Шарқ, 2007. – 207 б.

---

кисми хисобланади. Шу сабабли давлат хизмати одоби ўзининг хукукий асосларига эга.

Давлат хизматчиларининг муайян ахлоқий талабларни бажариши хакидаги талаблар нафакат миллий, балки халкаро хужжатларда ҳам белгилаб қўйилган. Уни биз кўйидаги универсал халкаро хукукий хужжатларда ҳам кўришимиз мумкин:

Инсон хукуклари умумжахон декларацияси (1948 йил 10 декабрь);

БМТ Бош Ассамблеяси томонидан 1979 йил 17 декабрда қабул қилинган 34/169-сонли Резолюция;

Жиноят курбонлари учун ва ҳокимииятни суиистеъмол қилишга қарши одил судловнинг асосий тамойиллари тўғрисидаги Декларация (1985 йил 29 ноябрь);

БМТ Бош Ассамблеяси томонидан 1996 йил 12 декабрда қабул қилинган Давлат мансабдор шахсларининг одоб-ахлоқи тўғрисидаги Халкаро Кодекс;

Хорижий давлатларнинг мансабдор шахсларига пора беришга қарши кураш тўғрисида Конвенция (1999 йил 27 январь);

БМТ Бош Ассамблеяси томонидан 2003 йил 31 октябрда қабул қилинган Коррупцияга қарши БМТ Конвенцияси кабиларни келтириш мумкин.

Миллий конунчилигимизда давлат хизматчиси одоб-ахлоқига оид нормалар доираси кенг бўлиб, улар каторида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси (1992), Мехнат кодекси (2022), “Хукуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги, “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги (2017), “Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида”ги (2018), “Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида”ги (2022) қонунлари, 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Харакатлар стратегияси (2017), “2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги (2022), Давлат фуқаролик хизматчилари одоб-ахлоқининг намунавий коидалари (2022) кабиларни қайд этиш ўринлидир.

Мехнат конунчилигига мувофиқ ҳодим муайян ташкилотда ўрнатилган тартиб-коидаларга риоя этиш мажбуриятига эга. Унга кўра, корхонанинг меҳнат тартиби иш берувчи касаба уюшмаси қўмитаси ёки ҳодимларнинг бошқа вакиллик органи билан келишиб тасдиклайдиган ички меҳнат тартиб-коидалари билан белгиланади. Бундан ташкири, халқ хўжалигининг баъзи тармоқларида ҳодимларнинг айрим тоифалари учун интизом тўғрисидаги устав ва низомлар ҳам амал қиласди.

---

Умуман олганда, ходим ўз меҳнат вазифаларини ҳалол, вижданон бажариши, меҳнат интизомига риоя қилиши, иш берувчининг қонуний фармойишларини ўз вақтида ва аниқ бажариши, технология интизомига, меҳнат муҳофазаси, техника хавфсизлиги ва ишлаб чиқариш санитарияси талабларига риоя қилиши, иш берувчининг мол-мулкини авайлаб асраши шарт.

Меҳнат қонунчилигига мувофиқ ходимнинг меҳнат вазифалари: ички тартиб-қоидаларида, интизом тўғрисидаги устав ва низомларда, корхонада қабул қилинадиган локал ҳужжатларда (жамоа шартномаларида, йўриқномалар ва ҳоказоларда), меҳнат шартномасида аниқ белгилаб қўйилади. Шу билан бирга, давлат хизматчиларининг меҳнатини тартибга солиш хусусиятлари қонун билан белгиланиши ҳам назарда тутилган.

Меҳнат қонунчилигига давлат хизматчиси одоб-ахлоқига оид талблар батафсил белгилаб берилмаган. Шу сабабли, ушбу соҳада маҳсус норматив-хукукий ҳужжат, яъни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 14 октябрдаги “Давлат фуқаролик хизматчилари томонидан одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этилишини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 595-сонли қарори тасдиқланган Давлат фуқаролик хизматчилари одоб-ахлоқининг намунавий қоидаларига мурожаат қилиши зарур.

Давлат фуқаролик хизматчилари одоб-ахлоқининг намунавий қоидаларида касбий маданиятга оид умумий одоб-ахлоқ қоидалари, хизмат фаолиятига оид одоб-ахлоқ қоидалари, хизматдан ташқари одоб-ахлоқ қоидалари, жамоатчилик, оммавий ахборот воситалари вакиллари билан муносабатларга оид одоб-ахлоқ қоидалари, хизмат фаолиятидаги ташқи кўриниш ва кийиниш услугига оид одоб-ахлоқ қоидалари, манфаатлар тўқнашувини олдини олиш чоралари, давлат хизматчиларининг манфаатини ҳимоя қилиш, одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этилишини назорат қилиш масалалари тартибга солинган. Шунингдек, одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этмаганлик учун жавобгарлик тартибини белгилайди.

Одоб-ахлоқ қоидалари эгаллаб турган лавозимидан қатъи назар, давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ходимларининг касбий одоб-ахлоқининг умумий принциплари ва хизматдаги хулқ-авторининг асосий қоидалари йиғиндисидан иборат эканлиги белгиланган. Шунингдек, мазкур ҳужжатда давлат хизматчилари қонун ҳужжатлари ва Одоб-ахлоқ қоидалари талабларига риоя этишлиари шарт эканлиги белгиланган.

---

Шу билан бирга, ҳар бир давлат органи фаолиятига оид соҳавий қонунчилик ҳам мавжудки, улар шу соҳада фаолият юритадиган хизматчиларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилаб беради. Масалан, прокуратура, ички ишлар, солик, божхона, таълим, тиббиёт ва бошқа соҳалар ходимлари учун соҳавий қонунчилик базалари яратилган. Шу нуқтаи назардан, давлат хизматчилари одоб-ахлоқига оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар доираси кенг бўлиб, унга амал қилиш давлат бошқарувининг барча соҳаларида қонунийлик ва интизомни таъминлашга хизмат қиласди.

## **2.3. Давлат хизматчисининг ахлоқий сифатлари, фаолият принциплари ва хизмат одоби**

---

Давлат хизматчиларининг фаолияти давлат-ҳокимият хусусиятига эга бўлганлиги сабабли, уларнинг ҳуқуқий ва ахлоқий маданияти улар фаолиятида қонунийликни таъминлашнинг муҳим шартидир. Бундан ташқари, уларнинг ахлоқий қараш ва қадриятлари уларнинг сиёсий маданиятини шакллантиришда муҳим асос ҳисобланади. Шунингдек, давлат хизматчиларининг ҳуқуқий маданияти ва ахлоқи орасидаги боғланишга эътибор бериш лозим. Шу муносабат билан мансабдор шахсларда касбий ва сиёсий хислатлар билан бир қаторда, ахлоқий фазилатларини ҳам шакллантириш долзарб аҳамиятга эга. Чунончи, кадрлар сиёсати ва кадрлар таркибини шакллантиришда давлат хизматчилари одоб-ахлоқига алоҳида эътибор қаратилади.

Давлат фуқаролик хизматчилари одоб-ахлоқининг намунавий қоидаларида давлат фуқаролик хизматчиларига тегишли бўлган ва уларнинг маҳсус тоифаси – раҳбарлар учун белгиланган ахлоқий талаблар белгиланган. Одоб-ахлоқ қоидаларида белгиланганидек, давлат фуқаролик хизматчилари қўйидагиларга мажбур:

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, қонуллари ва бошқа қонунчилик ҳужжатларига сўзсиз риоя этиши;

мамлакат шаънини эъзозлаш, давлат сиёсатига содик бўлиш;

ташқи сиёсат соҳасида давлат манфаатларини қатъий ҳимоя қилиш;

ўз хизмат вазифаларини вижданон, ҳалол ва юксак профессионал даражада бажариш, расмиятчилик, сохтакорлик ва суиистемолчиликка йўл қўймаслик;

хизмат мажбуриятларини самарали бажариш учун зарур бўлган билим ва кўнкималарни доимий асосда ошириш;

---

юқори давлат органлари ва ташкилотлари ҳамда мансабдор шахсларининг ўз ваколатлари доирасида қабул қилган қарорлари ҳамда берилган топшириқларни ўз вақтида ва сифатли бажариш;

ишлаб чиқилаётган норматив-хукуқий ва бошқа ҳужжатларга бирон-бир шахс, гурух ёки идоралар манфаати нуқтаи назаридан ёндашмаслик ҳамда уларнинг манфаатлари ифода этилишига йўл қўймаслик;

ҳар қандай қонунбузилишига, айниқса, коррупция ҳолатларига қарши муросасизлик билан курашиш;

хизмат сафарлари, назорат тадбирлари давомида меҳнат фаолияти билан боғлиқ бўлган ҳар қандай турдаги сарф-харажатларни бошқа шахслар ҳисобидан амалга оширмаслик;

давлат хизматчилари ёки бошқа шахслар томонидан жиноят ёки бошқа хукуқбузарлик содир этишга ундовчи мурожаатлар ҳақида, шунингдек, ҳамкаслари томонидан содир этилган ёки тайёргарлик кўрилаётган қонунбузилишлар ҳақида ўзининг раҳбарига зудлик билан маълум қилиш;

чет эл фуқаролари билан алоҳида белгиланган тартибга зид равишда бевосита ёки бошқа шахслар орқали мулоқотга киришмаслик;

ўз хизмат мажбуриятларини бажараётганда фуқаролар ва бошқа шахсларни камситмаслик, уларнинг таъсиридан сақланиш, фуқаролар хукуқлари, мажбуриятлари ва қонуний манфаатларини ҳисобга олиш;

ўз хизмат мажбуриятларини вижданан бажаришга тўсқинлик қилиши мумкин бўлган хатти-харакатлардан сақланиш;

давлат сири, қонун билан қўриқланадиган ва хизматга оид бошқа маълумотларнинг ошкор этилмаслигини таъминлаш юзасидан барча чораларни кўриш, улардан қонунга зид равишида фойдаланмаслик;

ахборотларни тарқатиш қоидаларига риоя қилиш, Интернет жаҳон ахборот тармоғи ва ахборот коммуникация воситаларидан фойдаланишда ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг белгиланган тартибига амал қилиш;

бириктирилган хизмат компютери ҳамда электрон ташувчилари-даги хизматга оид маълумотларнинг хавфсиз сақланишини таъминлаш ва уларни бошқа шахсларга тарқатилишининг олдини олиш чораларини кўриш;

ижтимоий тармоқларда давлат органлари ва ташкилотлари ҳамда мансабдор шахслар фаолиятини муҳокама қиласлик, ахлоққа зид ибораларни ишлатмаслик, мамлакатда амалга оширилаётган ислоҳотларга

---

нисбатан одамларда ишончсизлик кайфиятини юзага келтириши мүмкін бўлган материалларни жойлаштирмаслик;

фуқаролар ва ҳамкасларининг шаъни ва қадр-қимматига доғ туширувчи маълумотлар, тухмат, ифво ва уйдирмаларни тарқатмаслик;

мехнат ва ижро интизоми, ички тартиб қоидаларига, шунингдек, телефонда сўзлашиш ва кийиниш маданиятига қатъий риоя этиш;

ўзига ишониб топширилган мулкка ва молиявий маблағларга эҳтиёткорлик ва тежамкорлик билан муносабатда бўлиш;

жамоада соғлом маънавий мухитни сақлаш чораларини кўриш;

жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини қонунда белгиланган тартибда ҳамда муддатларда қонуний, асосли ва адолатли ҳал қилиш;

мехнат жамоасида ишчанлик мухитини шакллантириш ва уни мустаҳкамлашга кўмаклашиши;

мехнат жамоасида ҳамкасларининг шаъни ва қадр-қимматини обрўсизлантирадиган шахсий ва касбий фазилатларини мухокама қилишдан тийилиши керак.

Одоб-ахлоқ қоидаларида коррупцияга қарши курашга оид мухим талаблар ҳам белгиланган. Яъни, ушбу хужжатда кўрсатилганидек, давлат хизматчилари ўз хизмат вазифаларини бажаришда манфаатлар тўқнашувига сабаб бўладиган шахсий манфаатдорлик ҳолатларига йўл қўймасликлари керак. Манфаатлар тўқнашуви давлат хизматчиларининг шахсий манфаатлари уларнинг ўз хизмат вазифаларини холисона ва беғараз бажаришига таъсир кўрсатадиган ёки таъсир кўрсатиши мүмкін бўлган ҳолатларда пайдо бўлади.

Давлат хизматчиларининг шахсий манфаатдорлиги уларнинг шахсан ўзи ёки яқин кариндошлари, шунингдек, улар яқин ёки ишбилармонлик муносабатларида бўладиган бошқа шахслар учун ҳар қандай наф кўриш ёки афзалликларга эга бўлишни ўз ичига олади.

Шунингдек, манфаатлар тўқнашуви юзага келган тақдирда, давлат фуқаролик хизматчиси ўзининг раҳбарига ёки юқори турувчи давлат органига дарҳол ёзма шаклда хабар қилиши керак.

Манфаатлар тўқнашуви мавжудлиги тўғрисида маълумотлар олган давлат органининг раҳбари ёки юқори турувчи давлат органи ушбу тўқнашувни бартараф этиш юзасидан ўз вақтида чоралар кўриши шарт.

Мамлакатимизда коррупцияга қарши курашиш масаласи бугунги кенг қамровли ислоҳотлар даврида янада долзарб аҳамият касб этмоқда. Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев: “Жамиятимизда коррупция,

турли жиноятларни содир этиш ва бошқа ҳуқуқбузарлик ҳолатларига қарши курашиш, уларга йўл қўймаслик, жиноятга жазо, албатта, муқаррар экани тўғрисидаги қонун талабларини амалда тъминлаш бўйича қатъий чоралар кўришимиз зарур<sup>8</sup>, деб алоҳида таъкидлайди. Бинобарин, коррупция жамият ва давлат ҳаётидаги кўплаб ислоҳотлар самарадорлигига салбий таъсир кўрсатади.

Миллий қонунчилигимизда коррупцияга қарши курашишга алоҳида эътибор берилган. Маълумки, Ўзбекистон Республикаси 2008 йилда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Коррупцияга қарши конвенциясини ратификация қилди. 2010 йилда Ўзбекистон Иктисадий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти Коррупцияга қарши курашиш тармоғининг Истамбул ҳаракат дастурига кўшилди. 2017 йил 3 январда Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуни қабул қилингани ушбу йўналишдаги ишларнинг мантиқий давоми бўлди. Қонунда коррупцияга қарши курашишнинг асосий принциплари ҳамда бу борадаги давлат сиёсатининг муҳим йўналишлари мустаҳкамланди.

Коррупцияга қарши курашиш амалиёти таҳлилидан маълумки, давлат хизматчисининг одоб-ахлоқи коррупцияга қарши курашишнинг муҳим воситаси ҳисобланади. Буни Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуни нормаларидан ҳам кўриш мумкин. Масалан, Қонунда давлат бошқаруви соҳасида коррупциянинг олдини олишга доир чора-тадбирлар белгиланган бўлиб, унда давлат органлари ходимларининг касбий ҳамда хизматдан ташқари фаолиятидаги одоб-ахлоқининг ягона принциплари ва қоидаларини белгиловчи одоб-ахлоқ қоидаларини самарали амалга ошириш белгиланган. Бундан ташқари, давлат хизматчисининг Қонунда белгиланган одоб-ахлоқ қоидаларини самарали амалга ошириш орқали унинг фаолиятида коррупциявий ҳолатларнинг олди олинади<sup>9</sup>.

Коррупцияга қарши курашиш соҳасида амалга оширилаётган тадбирлар давлат хизматида қонунийлик ва очиқликни тъминлаш, коррупциянинг турли кўринишларига чек қўйишга замин яратади. Фуқаролар

<sup>8</sup> Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини мард ва олижаноб ҳалқимиз билан бирга курамиз / Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимиға бағишланган Олий Мажлис палаталарининг кўшма мажлисидаги нутқи. Манба: [president.uz](http://president.uz)

<sup>9</sup> Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 1-сон, 2-модда.

ва давлат органлари мансабдор шахслари хукукий маданиятининг ошишига, хукукий давлат ва фуқаролик жамиятининг ривожланишига хизмат килади.

### **ДАВЛАТ ХИЗМАТЧИЛАРИНИНГ ФАОЛИЯТ ПРИНЦИПЛАРИ:**

конунийлик;	Ватанга садокат ва хизмат вазифасига фидойилик, юкландиган функционал вазифаларини тўлиқ бажариш, ижро интизомига катъийриоя этиш;	фуқаролар хукуқлари, эркинликлари ва конуний манфаатларининг устуворлиги;
давлат ва жамият манфаатларига содиклик;	адолатлилик, халоллик ва холислик;	коррупциявий холатларга муроносиз муносабатда бўлиш ва карши курашиш;
хизмат сирини катъий саклаш;	мансаб ваколатларини сунистеъмол килмаслик;	манфаатлар тўқнашувига йўл қўймаслик.

Давлат хизматчисининг ахлохи хакида сўз кетганда, унинг принципларига ҳам алоҳида тўхталиш жоиз. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларида давлат хизматчилари фаолиятининг принциплари кўрсатилган. Хусусан, Конституциянинг биринчи бўлими “Асосий принциплар” деб номланниб, унинг ҳар бир нормаси давлат хизматчилари учун раҳбарий қоидалар хисобланади. Конституциянинг иккинчи моддасидаёқ, “Давлат ҳалқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат килади. Давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида масъулдирлар”, деб белгилаб кўйилган.

Бундан ташқари, айрим қонунларимизда ҳам муҳим принциплар белгиланган. Масалан, Ўзбекистон Республикаси-нинг “Маъмурий тартиб-таомиллар түғрисида”ги Қонунининг 5-моддасида қуидаги принциплар белгиланган. Унга кўра, маъмурий тартиб-таомилларнинг асосий принциплари қуидагилардан иборат:

қонунийлик;

мутаносиблик;

ишончлилик;

тингланиш имкониятининг мавжудлиги;

маъмурий тартиб-таомилларнинг очиклиги, шаффоғлиги ва тушунарлилиги;

манфаатдор шахслар ҳукуқларининг устунлиги;

бюрократик расмиятчиликка йўл қўйилмаслиги;

мазмунан камраб олиш;

маъмурий иш юритишнинг “бир дарча” оркали амалга оширилиши;

тенг ҳукуклилик;

ишончининг ҳимоя қилиниши;

маъмурий ихтиёрийликнинг (дискрецион ваколатнинг) конунийлиги;

текшириш<sup>10</sup>.

Давлат фуқаролик хизматчилари ўз касбий фаолиятини амалга оширишлари жараёнида конунийлик; фуқаролар ҳукуклари, эркинликлари ва қонуний манфаатларининг устуворлиги; ватанпарварлик ва хизмат бурчига фидоийлик; давлат ва жамият манфаатларига содиклик; адолатлилик, ҳалоллик ва холислик; манфаатлар тўқнашувига йўл қўймаслик каби принциплар асосида фаолият курсатишлари лозим.

Шу билан бирга, давлат хизматчилари учун зарур бўлган ахлоқий сифатлар орасида энг муҳимларидан бири ҳалолликдир. Чунки ҳалоллик фазилати коррупцияга қарши курашининг муҳим воситаси ҳамdir. Ўз навбатида, ҳалоллик фаоллик ва интизомлиликни ҳам тақозо қиласди. Ҳалоллик иродада билан боғлиқ. Иродасиз одам ҳам ҳалол бўла олмайди. Ҳалолликнинг ахлоқий сифатларидан яна бири – шаън билан ҳам мустаҳкам боғлиқ. Ўз шаънини, қадр-қимматини эъзозлаган шахс ҳалол бўлади.

<sup>10</sup> Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 09.01.2018 й., 03/18/457/0525-сон.

---

Давлат хизмати этикасининг ўзига хос қоидаси – хизмат субординацияси. Бу – давлат ҳокимияти органларида ўзаро муносабатларнинг асосий одоб-ахлоқ ва ташкилий қоидаларидан бири. Бу – хизмат интизоми меъёрларига асосланган кичикларнинг катталарга хизмат бўйича қатъий бўйсуниш, фуқаролик хизмати мансабларининг иерархияга мувофиқ юқори раҳбарларга бўйсуниш, уларнинг бўйруқ ва топширикларини аниқ ва ўз вақтида бажариш тизими. Давлат хизматчисининг очиқлиги – давлат хизматининг асосий ахлоқий қоидаси. Қўл остидагилар ва аҳоли учун очиқ бўлиш – улар билан мулоқотга доимо тайёр бўлиш, уларнинг саволлари, таклифлари, тилакларини эшлишига тайёр дегани.

Раҳбарлар давлат хизматчиси сифатида давлат-хизмат муносабатларида муҳим роль йўнайди. Улар давлат органи, корхона, муассаса ва ташкилотининг функциялари амалга оширилишини таъминлаб, унга бўйсундирилган давлат хизматчилари аппаратининг иш фаолиятини йўналтиради. Шунингдек, ишга қабул қилиш ва ишдан бўшатиш, интизомий жавобгарликка тортиш, молияга ҳамда товар-моддий бойликларга эгалик қилиш, рағбатлантириш, мазкур орган номидан имзо чекиш ва бошқа юридик аҳамиятли ҳаракатларни амалга ошириш хуқуқига эга бўлади. Демак, раҳбарлар давлат-ҳокимият ваколатларини амалга ошириб, раҳбарлик қилаётган орган фаолияти учун шахсий жавобгар ҳисобланади.

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев ҳам ўз чиқишлиарида доимо раҳбар кадрларни танлаш ва уларга қўйилган талабларга алоҳида эътибор қаратади. Хусусан, раҳбар кадрларни танлаш ва тайёрлаш тизимиға юксак баҳо бериб шундай дейди: “Янгича ва мустақил фикрлайдиган, масъулиятли, ташаббускор, илғор бошқарув усулларини пухта ўзлаштирган, ватанпарвар, ҳалол кадрларни танлаш ва тайёрлаш бўйича самарали тизим яратилмас экан, давлат бошқарувида сифат ўзгариши юз бермайди”. Шу мақсадда, Ҳаракатлар стратегиясида турли даражадаги раҳбар кадрларни танлаш ва тайинлаш тизимини такомиллаштиришга қаритилган қатор вазифалар белгиланган эди.

Бундан ташқари, Шавкат Мирзиёевнинг мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иктисодий ривожлантиришнинг асосий якунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишлиланган Вазирлар Махкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузасида 2017 йил ва ундан кейинги даврга белгиланган вазифаларни амалга ошириш учта энг муҳим талабга ҳал этувчи даражада боғлиқдир, деб алоҳида таъкилаб ўтган эдилар. Улар:

Биринчи – давлат раҳбари – Президентдан бошлаб барча бўғиндаги раҳбарларнинг якуний натижалар учун шахсий жавобгарлиги.

Иккинчи – ҳамма соҳада аниқ тартиб ва қаттиқ интизомни таъминлашимиз даркор. Яна бир бор таъкидлайман, ишни биргаликда бажарамиз, натижа учун эса ҳар биримиз шахсан жавоб берамиз.

Учинчи талаб – қаторларимиз ва кадрларимизнинг соғлигини таъминлаш, ишдаги ҳар қандай салбий ҳолатларнинг олдини олиш ва бундай иллатларнинг илдизини қуритиш<sup>11</sup>.

Раҳбарлар ўзларига бўйсунган органлар, корхона, муассаса ва ташкилотларнинг оператив (яъни кундалик) ва хўжалик фаолиятига аралашиш, уларнинг ишини йўналтириш, назорат қилиш, мажбурий кўрсатмаларни бериш хуқуқига эгадир. Бу эса, улардан ўзига хос ахлоқий масъулиятни ҳам талаб этади.

Давлат хизматига оид ислоҳотлар даврида кадрлар билан ишлаш ўта муҳим, амалий аҳамият касб этади. Кадрларни шунчаки танлаб жойжоига қўйиш билан иш битмайди. Аввало, давлат хизматчиларининг, биринчи галда барча даражадаги раҳбарларнинг ахлоқий талабларни қанчалик ўзлаштирилганига алоҳида эътибор қартиш лозим.

Шу боис, Давлат фуқаролик хизматчилари одоб-ахлоқининг намунавий қоидаларида раҳбар кадрларга алоҳида мажбуриятлар юкланган. Унга кўра, раҳбар бўйсунувидаги давлат хизматчиларига профессионализм, ҳалоллик, холислик ва адолатлиликда ўрнак бўлиш; жамоада соғлом маънавий муҳит ва ишchan кайфиятни шакллантириш; давлат хизматчиларини қонунга хилоф ҳатти-ҳаракатларни амалга оширишга ундумаслик ҳамда улардан бундай ҳаракатларни бажаришни талаб қиласлик; кадрларни маҳаллийчилик, уруғ-аймоқчилик, таниш-билишчилик ёки шахсий садоқат белгилари бўйича танлаш, тайинлаш ёки тавсия этишга йўл қўймаслик; жамоада гуруҳбозлик ва фаворитизм (айрим ходимларни яқин олиш ва қўллаб-кувватлаш) кўринишларига йўл қўймаслик, шунингдек, хизмат вазифаларини бажариш жараёнида бошқа салбий омилларнинг олдини олиш; давлат хизматчиларининг фаолиятига баҳо беришда қонуний, асосли ва адолатли қарорлар қабул қилиш; давлат

<sup>11</sup> Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, катъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. Мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантаришнинг асосий якунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағищланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидағи маъруза, 2017 йил 14 январь. – Т: “Ўзбекистон”, 2017. – 51 6.

---

хизматчилари томонидан коррупция ва бошка сунистъемолчиликлар содир этилишининг олдини олиш чораларини кўриш; бўйсунувидаги давлат хизматчиларини хукукий ва ижтимоий жихатдан химоя қилиш чораларини кўриш; ваколати доирасида шартномалар тузиш, танловлар ўтказиш ёки розилик бериш масалаларига холис, адолатли ва қонуний ёндашишга мажбур этиб белгиланган.

Рахбар:

манфаатлар тўкнашувининг олдини олиш ва уларни тартибга солиш юзасидан ўз вақтида чора-тадбирлар кўриши;

коррупциянинг олдини олиш чораларини кўриши;

ходимларни самарали бошқариши, ўзига ишониб топширилган мулкка ва молиявий маблағларга эҳтиёткорлик ва тежамкорлик билан муносабатда бўлиши шарт. Рахбар ўзига бўйсунувчи, хизматдаги хулк-автори принциплари ва коидаларини бузაётган ходимларнинг хатти-харакатларига (харакатсизлигига) йўл кўймаслик чораларини кўрмагани учун жавоб беради.

Бундан ташкири, давлат органлари раҳбарлари шахслар қонунчиликнинг бузилиши факлари тўғрисида мурожаат қилганлиги муносабати билан ёхуд билдирилган фикр ва мурожаатдаги танқиди учун, худди шунингдек, бошқача шаклда танқид қилганлиги учун ишдан бўшатилишига ёки бошқача шаклда таъкиб килинишига йўл кўймаслигини таъминлаши керак.

Рахбар кадрларга кўйилган юкоридаги талаблар уларнинг ваколатларини тўлиқ ва сифатли амалга оширишини таъминлайди. Жамоада соғлом ва ишchan мухитнинг яратилишига шароит яратади.

## **2.4. Давлат хизматчиларида коррупцияга қарши курашиш маданиятини шакллантириш**

---

Давлат хизматчиларида коррупцияга қарши курашиш маданиятини шакллантириш давлатнинг коррупцияга карши курашиш сиёсатининг устувор йўналишларидан биридир. Чунки давлат хизматчиларида ушбу маданиятни шакллантирмасдан самарали натижага эришиш имконсиз. Шу сабабли, Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонунининг 3-боби (Коррупцияга қарши курашиш соҳасида хукукий онг ва хукукий маданиятни юксалтириш) коррупцияга қарши хукукий маданиятни юксалтиришга бағишлиланган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020

---

йилдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида: “Коррупцияга карши курашишда ахолининг барча қатламлари, энг яхши мутахассислар жалб килинмас экан, жамиятимизнинг барча аъзолари, таъбир жоиз бўлса, “ҳалоллик вакцинаси” билан эмланмас экан, ўз олдимизга кўйган юксак мэрраларга эриша олмаймиз. Биз коррупциянинг оқибатлари билан курашишдан унинг барвакт олдини олишга ўтишимиз керак”, деб таъкидлайди<sup>12</sup>. Дарҳақиқат, жонажон Ўзбекистонимизда хозирги пайтда олиб борилаётган кенг қўламдаги ислохотларнинг харакатлантирувчи кучи бўлган ҳалоллик, ростлик, тўғрилик билан ёндашиш орқали юзага келаётганлигини барчамиз теран англамоғимиз лозим.

Бу Ватанимиз тараққиётини жадал, олға суриш учун коррупция илдизларига болта уриш, ҳар бир одам ўз олдига ҳалолликни бош ва-зифа қилиб қўйиши лозимлигини, ҳалол бўлмаган одамларни мажозий маънода, “ҳалоллик вакцинаси” билан эмлаш зарурлигини англаатади. Хўш, “ҳалоллик вакцинаси” нима ва у кандай эмланади?

Назаримизда, “ҳалоллик вакцинаси” инсон онги ва қалбида шаклла-надиган коррупцияга қарши нафрат туйғуси ва фаол қаршилигига на-моён бўлади. Ҳар кандай инсон онгига “ҳалоллик вакцинаси” ёшлигидан сингдириб борилмоғи лозим. У тарбия ва таълим кўрининишида амалга оширилади. Демак, ҳар бир одам ўз ишини ҳалол, давлат хизматини хо-лис бажарса, у “ҳалоллик вакцинаси” билан эмланган бўлади. Ана шун-дай иммунитетни шакллантириш вазифаси, аввало, ота-оналар, мактаб-гача ва умумий ўрта таълим муассасалари ходимлари, турли даражадаги раҳбарлар, шунингдек, ҳалкимизнинг зиёли, маънавиятли кисми зимма-сига юкланди.

Тарбия бир кунлик эмас, балки бир умрлик жараёндир. Аслида, биз – улкан миллий ва диний қадриятларга, миллий урф-одатларга эга бўлган буюк ҳалкмиз. Миллатимизда азал-азалдан иймон, эътиқод, виждон, ди-ёнат, ор-номус, шарм-ҳаё, уят, инсоф, орият, андиша, ғурур, ифтихор, ши-жоат, сабр-тоқатлилик, бағрикенглик, меҳмондўстлик ва ҳалоллик каби инсонийлик хислатлари шакллантирилган. Бу хислатларнинг барчаси бизнинг миллий қадриятларимиз ва маънавиятимиз саналади. Шу сабаб-ли, биз уларни саклашимиз, ривожлантиришимиз ва фарзандларимиз қалбига доимий сингдириб боришимиз зарур.

---

<sup>12</sup> Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев-нинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 2020 йил 24 январь. // Манба: [www.president.uz/uz/lists/view/3324](http://www.president.uz/uz/lists/view/3324)

“Ҳалоллик вакцинаси”нинг таъсирчанлигини оширишда таълим, тарбия ва мунтазам асосдаги тарғибот муҳим аҳамиятга эга. Айниқса, барча таълим ташкилотларида узлуксиз равишда таълим олувчиларда коррупцияга қарши маданиятнинг шакл-лантирилиши самарали натижга беради.

### **Жамиятда коррупцияга қарши муросасизлик маданиятини шакллантириш бўйича вазифалар**

Аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш

Жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш

Давлат органлари ва бошқа ташкилотлар ходимларининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш

Таълим муассасаларида коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги ҳуқуқий таълим ва тарбия

Жамоатчилик назоратини фаоллаштириш

Очиқлик ва ошкораликни таъминлаш

Коррупция учун жавобгарликнинг муқаррарлигини таъминлаш

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 6 июлдаги “Коррупцияга қарши муросасиз муносабатда бўлиш муҳитини яратиш, давлат ва жамият бошқарувида коррупциявий омилларни кескин камайтириш ва бунда жамоатчилик иштирокини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6257-сон Фармон ва “Коррупцияга қарши курашиш фаолиятини самарали ташкил этишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-5177-сонли Карори асосида, 2022 йилдан мунтазам равишида, “Ҳалоллик вакцинаси” тамойили асосида давлат хизматчила-

---

ри учун коррупцияга қарши курашиш, манфаатлар тўқнашуви ва одоб-ахлоқ қоидалари бўйича маҳсус ўқув курсларини ташкил этишнинг бел-гиланаши эътирофга молик. Шунингдек, маҳсус электрон ўқув платформаси орқали давлат хизматчиларини масофадан туриб ўқитиш ҳамда хусусий сектор вакиллари ва аҳолининг коррупцияга қарши курашиш борасидаги билимларини ошириб бориш тизимини йўлга қўйиш назарда тутилди.

Қонунчиликка кўра, давлат органлари ва бошқа ташкилотлар ўз мансабдор шахсларининг ҳамда бошқа ходимларининг коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги хуқуқий саводхонлигини, шу жумладан хуқуқий билимлари даражасини ошириш юзасидан зарур чора-тадбирлар кўради. Ушбу вазифа ҳар бир ташкилот раҳбаридан ходимларнинг коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги хуқуқий саводхонлигини ошириш бўйича аниқ чорларни кўриши лозим эканлигини англатади.

Давлат хизматчиларида коррупцияга қарши маданиятнинг юксалиши нафақат давлат хизматчилари, балки фуқароларнинг ҳам ҳаётига ижобий таъсир кўрсатади. Шунингдек, фуқароларнинг давлат хизматчилари га ишончи мустаҳкамланиши, уларда қонунларга ҳурмат туйғусининг ривожланишига туртки беради. Бу эса, давлат органлари фаолиятида холисликни таъминлаб, натижага йўналтирилган бошқарув сифатини оширишга хизмат қиласди.

## **2.5. Хорижий мамлакатларда давлат хизмати этикаси**

---

Хорижий мамлакатлар амалиётида давлат хизматчилари хулқ-атвор стандартларини ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш давлат хизматини ислоҳ қилишнинг мажбурий таркибий қисмига айланди. Ҳалқаро ташкилотлар (масалан, БМТ, ИХТТ, Transparency International, Жаҳон банки) давлатларнинг миллий қонунчилигига давлат хизматчилари одоб-ахлоқи ҳақидаги нормалар мавжудлигига жиддий эътибор қаратади ва уларни янада такомиллаштириш бўйича амалий тавсиялар береборади.

Ушбу тавсиялар турли мамлакатларда маҳсус ишлаб чиқилган касбий этика қоидаларига асос бўлади. Умуман олганда, давлат хизматчиларига нисбатан хулқ-атвор стандартларини белгилаб берадиган хужжатлар: “Давлат хизматчилари учун хулқ-атвор қоидалари”, “Этика кодекси”, “Хулқ-атвор стандартлари” деб номланиши мумкин. Шу каби кодекслар Европанинг кўплаб давлатларида (Франция, Германия, Испа-

---

ния, Буюк Британия, Канада, АҚШ, Япония, Қозоғистон ва бошқаларда) мавжуд.

Давлат хизматчилари учун хулқ-атвор стандартларининг бундай мустаҳкамланиши давлат хизматининг одоб-аҳлоқ қоидаларининг давлат хизмати қонунчилигининг ажралмас қисми сифатида шаклланишига олиб келган. Бунда давлатлараро ва минтақавий даражада қабул қилинган модель қонунлар ҳам муҳим аҳамият касб этган. Масалан, БМТ Бош Ассамблеяси томонидан 1996 йил 12 декабрда қабул қилинган Давлат мансабдор шахсларининг одоб-аҳлоқи тұғрисидаги Халқаро Кодекс ва 2000 йил 11 майдагы Европа Кенгаши вазирлар құмитаси томонидан қабул қилинган Давлат хизматчиларининг хулқ-атвор модель кодекси аъзо давлатлар қонунчилигининг бир хилда ривожланишига хизмат қылмокда.

Хорижий мамлакатлар амалиётида давлат хизматчиларининг одоб-аҳлоқига риоя этиши устидан нафақат ички идоравий назорат балки ташқи назорат амалиёти ҳам ривожланиб бормоқда. Масалан, Жанубий Кореяда Кадрлар бошқаруви вазирлиги давлат хизматчиларининг мәхнат этикаси ва интизоми назорати масалалари билан шуғулланади<sup>13</sup>.

Японияда давлат кадлар сиёсати билан Вазирлар Махкамаси хузыридаги Кадрлар сиёсати кенгаши иш олиб боради. Давлат хизматини мутахассислар билан таъминлашда, кадрлар кенгаши ваколатларига күйидагилар киради: имтиҳонлар ташкил этиш, ишга тайинлаш ва озод этиш, малака ошириш, машғулотлар ўтказиш, иш ҳолатини ўзgartириш, интизомий ҳаракатларни олиб бориш, давлат хизматчиларини одоб-аҳлоқ қоидаларига риоя қилишларини назорат қилиш, адолатли кадрлар сиёсати олиб борилиши ва кадрлар сиёсатига оид бошқа масалаларни ҳам ҳал этишда ваколатли ҳисобланади. Бундан ташқари, кадрлар кенгаши сиёсатининг бир тузилмаси сифатида, давлат хизматчиларининг одоб-аҳлоқ нормаларига риоя қилишларини назорат қилиш мақсадида – Давлат хизматчиларининг одоб-аҳлоқи Кенгаши ҳам ўз фаолиятини олиб боради.

Қозоғистон Республикасида эса, 2002 йилдан бүён Президент хузурида Коррупцияга қарши курашиш масалалари бүйича комиссия фаолият юритади. Шунингдек, давлат хизматчилари одоб-аҳлоқига оид масалалар билан Давлат хизмати ва коррупцияга қарши кураш

---

<sup>13</sup> Ким Пак Сок Давлат бошқаруvida инсон ресурслари 2018 йил нигохида. Ministry of Personnel Management. 2018. – 3 6.

---

масалалари бўйича агентлик ваколатли орган ҳисобланади<sup>14</sup>. Эътибор-лisisi, барча вилоят ва туман (шахар)ларда мазкур агентлик томонидан фаолияти мувофиқлаштириладиган Этика комиссиялари ҳам фаолият юритади.

## **Назорат саволлари**

1. “Давлат хизмати этикаси” деганда нимани тушунасиз?
2. Давлат хизмати этикасини белгилаб берадиган ҳуқуқий асосларни тавсифланг.
3. Давлат хизматчиси одоб-ахлоқига оид асосий талаблар нималардан иборат?
4. Давлатхизматчиси одоб-ахлоқи ким томонидан назорат қилинади?
5. Давлат хизматчиси манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш бўйича мажбуриятлари нимадан иборат?
6. Раҳбарлар одоб-ахлоқининг ўзига хос хусусиятлари нимада на-моён бўлади?
7. Ўзбекистонда раҳбар одоб-ахлоқи ким томонидан назорат қилинади?
8. Раҳбар одоб-ахлоқининг ходимлар ахлоқига таъсири нимада на-моён бўлади?
9. Қайси хорижий мамлакатларда давлат хизматчиси одоб-ахлоқи ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамланган?
10. “Ҳалоллик вакцинаси” тамоилии асосида давлат хизматчила-ри малакасини оширишда нималарга эътибор қаратиш лозим деб ҳисоблайсиз?

---

<sup>14</sup> <http://kuzmet.gov.kz>

### **III. БОБ. ДАВЛАТ ХИЗМАТИДА МАНФААТЛАР ТЎҚНАШУВИНИ БАРТАРАФ ЭТИШНИНГ ТАШКИЛИЙ-ХУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ**

#### **3.1. Давлат хизматида манфаатлар тўқнашуви тушунчаси ва шакллари**

Давлат ва жамият хаётининг турли соҳаларидағи ўзгаришлар натижасида давлат хизматида коррупция ўзининг турли яширин ва замонавий кўринишлари билан юзага келади. Бунда коррупциоген хусусиятга эга бўлган хукукбузарликлар нафакат моддий пул ва қийматликлар асосида, балки турли харакатларни амалга ошириш ёки оширмаслик натижасида, давлат ва жамият хаётига зарар етказишга олиб келади. Манфаатлар тўқнашуви замирида ҳам айнан турли якка шахс ва гурухларнинг тарафларнинг манфаатлари билан давлат ва жамият манфаатлари тўқнашуви юзага келади.

“Манфаатлар тўқнашуви” тушунчаси бир карашда, “манфаат” ва “тўқнашув” сўзлари бириккан ҳолда иккита субъектнинг манфаати тўқнашуви маъносини билдиrsa-да, хукукий жихатдан мазкур тушунчалар бирикмаси бошқача ҳолатни ифодалайди. “Тўқнашув” сўзи лотинча “conflictus” сўзидан олинган бўлиб, қарама-қаршилик, қарама-қарши томонлар, қарама-карши фикр, куч, келишмовчилик ва низо, шунингдек, қарама-карши куч ва фикрларнинг тўқнашуви маъноларини билдиради. “Манфаат” сўзи эса арабча – фойда, даромад, моддий, маънавий ва бошка жихатдан кўриладиган наф сўзларининг тавсифидир. Бирок, сўзлар бирикмасидан ҳосил бўлган мазкур иборанинг юридик табиатини аниқлашда унинг хукукий маъносига эътибор каратиш максадга мувофиқдир.

Конунчиликка кўра, давлат хизматидаги манфаатлар тўқнашуви, бир томондан, давлат ва жамият манфаатларининг, иккинчи томондан эса, давлат фукаролик хизматчиси манфаатларининг тўқнашувида, ўзаро келишмовчиликларида юзага келадиган ҳолат хисобланади. “Манфаатлар тўқнашуви” тушунчаси мазмунида бевосита сиёсий, иктисолий ва шахсий манфаатлар юзасидан келиб чиқадиган тўқнашув, зиддиятлар ётади, яъни шахснинг ўз манфаатидан фойдаланиши ёки фойдаланишга уриниши ортидан бошка шахсларнинг иктисолий, сиёсий ёки бошка тусдаги манфаатларига зиён етади.

“Манфаатлар тўқнашуви” тушунчасининг асосий хусусиятини шахсий манфаатдорлик ташкил этади. Шахсий манфаатдорлик эса, молиявий

(мулкий) даромадлар кўриш шаклидаги тижорий (иқтисодий), хизмат ваколатларидан фойдаланиш бўйича ҳуқуқлар яратишда ифодаланадиган сиёсий, шунингдек, ўзи ва қариндошлари учун имконият яратадиган шахсий манфаатдорликдан иборат бўлади.

**Манфаатлар тўқнашуви** – шахсий (бевосита ёки билвосита) манфаатдорлик шахснинг мансаб ёки хизмат мажбуриятларини лозим даражада бажаришига таъсир кўрсатаётган ёхуд таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ҳамда шахсий манфаатдорлик билан фуқароларнинг, ташкилотларнинг, жамиятнинг ёки давлатнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ўртасида қарама-каршилик юзага келаётган ёки юзага келиши мумкин бўлган вазият.

“Манфаатлар тўқнашуви” тушунчасининг ҳуқуқий табиати ва таҳлилига эътибор қаратганда, Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мазкур атаманинг киритилиши мамлакатнинг ҳалқаро ҳужжатлардаги мажбуриятлари билан боғлиқлигини қайд этиш лозим. Ўзбекистон Республикаси 2008 йил 7 июлда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Коррупцияга қарши конвенциясига қўшилган. Мазкур Конвенциянинг 7-моддасида ҳар бир иштирокчи давлат қонунчилигининг асосий принципларига мувофиқ шаффофикни таъминлайдиган ва манфаатлар тўқнашувининг олдини оладиган тизимни яратиш ва мустаҳкамлашга интилиши кераклиги билан боғлиқ қоидалар белгиланган<sup>15</sup>.

Юқорида келтирилган Бирлашган Миллатлар Ташкилоти-нинг Коррупцияга қарши конвенциясида ҳам, Давлат мансабдор шахсларининг ҳалқаро хулқ-атвор кодекси<sup>16</sup>да ҳам манфаатлар тўқнашуви бошқа сўз билан (манфатлар коллизияси) ифодаланган ёки “манфаатлар коллизияси” тушунчасининг айнан таърифи берилмаган бўлса ҳам мазмун жиҳатдан икки сўзнинг нисбатан синоним эканлигини тушуниш мумкин.

“Манфаатлар тўқнашуви” ҳуқуқий атама сифатида Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонунида келтириб ўтилган. Мазкур Қонунда манфаатлар тўқнашувига шахсий (бевосита ёки билвосита) манфаатдорлик шахснинг мансаб ёки хизмат мажбуриятларини лозим даражада бажаришига таъсир кўрсатаётган

<sup>15</sup> Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Коррупцияга қарши конвенцияси. – Нью-Йорк, 2003 йил 31 октябрь.

<sup>16</sup> Давлат мансабдор шахсларининг Ҳалқаро хулқ-атвор кодекси. (БМТ Бош ассамблеясининг Резолюцияси билан 1996 йил 12 декабрда қабул қилинган).

---

ёхуд таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ҳамда шахсий манфаатдорлик билан фуқароларнинг, ташкилотларнинг, жамиятнинг ёки давлатнинг хукуқлари ва қонуний манфаатлари ўртасида қарама-қаршилик юзага келаётган ёки юзага келиши мумкин бўлган вазият сифатида таъриф берилган<sup>17</sup>.

Конун чиқарувчи манфаатлар тўқнашувининг келиб чиқишига асос сифатида шахсий манфаатдорликни асосий ўринга қўяди. Бундан тушиуниш мумкинки, манфаатлар тўқнашувининг бевосита ёки билвосита омиллар орқали юзага келганилиги аҳамиятга эга эмас ва вазиятнинг квалификациясига таъсир этмайди. Бошқача қилиб айтганда, шахсий манфаатдорлик бевосита – давлат хизматчисининг ўзи билан боғлиқ бўлса ҳам ёки билвосита – давлат хизматчисига тўғридан-тўғри манфаат олиб келмаса-да, унинг қариндошига, бошқа танишларига, шунингдек, у билан ишбилармонлик мухитида бўлган шахслар билан боғлиқ ҳолда юз берса ҳам ҳолатга манфаатлар тўқнашуви сифатида баҳо бериш мумкин.

Бундан ташқари, манфаатлар тўқнашуви ва унинг юридик табиити халқаро доирада қабул қилинган турли ҳужжатларда ҳам ўз аксини топган. Хусусан, Давлат мансабдор шахсларининг халқаро хулқ-атвор кодексида ўзида манфаатлар тўқнашувини ифода этадиган қуйидаги нормалар белгиланганини кўришимиз мумкин:

- давлат мансабдор шахслари хизмат лавозимларидан ўзи ёки оиласининг шахсий, ёки молиявий манфаатлари йўлида хукуққа хилоф равишда фойдаланмасликлари;
- давлат мансабдор шахслари ҳеч қандай битимларда қатнашмаслиги, бирор-бир позицияни эгалламаслиги, хизмат вазифалари ва функцияларини амалга оширишда ҳеч қандай молиявий манфаатларга эга бўлмасликлари;
- хизмат давомида юзага келадиган шахсий, тижорат ёки молиявий манфаатдорлик ҳақида белгиланган тартибда хабар беришлари ва манфаатлар тўқнашувини бартараф этишга ҳаракат қилишлари;
- мансабдор шахслар хизмат вазифаларини бажариш вақтида ўзларига маълум бўлган хизмат сиридан ғайриқонуний мақсадда фойдаланмасликлари;
- давлат мансабдор шахслари хизмат лавозимидан кетганидан сўнг ҳам қонунчилик ёки маъмурий регламентда белгиланган тартибда ҳаракат қилиши, аввалги лавозимни суистеъмол қилмасликлари керак<sup>18</sup>.

<sup>17</sup> Ўзбекистон Республикаси конун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 1-сон, 2-модда.

<sup>18</sup> Давлат мансабдор шахсларининг халқаро хулқ-атвор кодекси. [https://www.un.org /ru/documents/decl\\_conv/conventions/int\\_code\\_of\\_conduct.shtml](https://www.un.org /ru/documents/decl_conv/conventions/int_code_of_conduct.shtml)

---

Мазкур нормалар мазмунни эса, бевосита манфаатлар түқнашуви акс этадиган ҳолатларни ўз ичига олиб, шу шаклларда ҳам намоён бўлиши мумкинлигини кўрсатмоқда.

Манфаатлар түқнашуви турли шаклларда ва ҳолатлар натижасида юзага келади. Уларга мисол сифатида эса, қўйидагилар кўрсатилади:

мансадор шахслар, давлат хизмати ходимлари, депутатларнинг тижорат фаолиятида шахсий ёки корпоратив наф кўриш учун бевосита иштирок этиши;

давлат пул маблағларини ўзлаштириш ниятида тижорат тузилмалига ўтказиш учун ўз хизмат мавқеидан фойдаланиши;

ўз корпоратив (сиёсий, диний, миллий ва ш.к.) гуруҳига давлат ресурслари ҳисобидан имтиёзлар бериш;

шахсий ёки корпоратив наф кўриш мақсадида, оммавий ахборот воситаларига тазийик ўтказиш учун ўз хизмат мавқеидан фойдаланиши;

мансадор шахслар ва давлат хизмати ходимлари шахсий бойиш мақсадида, тижорат тузилмаларида соxта шахслардан ва қариндошлидан фойдаланиши;

муайян гуруҳ манфаатларида норматив-хужжатлар қабул қилиш ҳақидаги карорларни илгари суриш;

айрим номзодларнинг сайлов фондларига давлат молиявий ва моддий ресурсларини тақдим этиш;

шартномалар, битимлар тузишга имконият яратиб берганлик учун ҳақ талаб қилиш;

давлат бюротмаларини жойлаштирганлик учун воситачилик ҳақи сўраш;

давлат хизматчилари учун хизматлар кўрсатиш;

чет элган дам олишга, сафарга юбориш;

масалаларни тез ҳал қилиб бериш ёки ҳужжатларни тайёрлаб берганлик учун ҳақ сўраш;

қариндош-уруғ, дўйстларни ишга жойлаштириш;

раҳбарнинг ўз ходими томонидан ундирилган порадан улуш олиши.

Манфаатлар түқнашуви давлат хизматчиси хизмат вазифаларига кирадиган ҳаракатларни амалга ошириши ва ёки оширмаслиги натижасида шахсий манфаатдорлик асосида учинчи шахсларнинг, давлат ва жамият ҳаётининг турли соҳаларига иқтисодий ва бошқа тусдаги зарарларни етказишга сабаб бўлади.

### **3.2. Давлат хизматида манфаатлар тұқнашувининг олдини олишга оид қонунчилік**

Ўзбекистон Республикаси ҳуқук тизимида манфаатлар тұқнашувига оид нормалар маҳсус ҳуқуқий норма сифатида комплекс акс эттирилмаган. Мамлакатнинг коррупцияға қарши курашиш бүйіча қонун ҳужжатларида манфаатлар тұқнашуви билан боғлиқ нормалар белгиланған. Бунда манфаатлар тұқнашувига оид қонунчилік асосларини умумий ва маҳсус қонун ҳужжатлари сифатида класификация қилиш мүмкін. Шундан келиб чыккан ҳолда, Ўзбекистон Республикасида манфаатлар тұқнашувини ҳуқуқий тартибга солишга қаратилған норматив-хуқуқий ҳужжатларнинг ривожланишини қуидаги босқичларга бўлиб таҳлил қилиш мақсадга мувофиқ:

- 1991–2008 йилларда қабул қилинған норматив-хуқуқий ҳужжатлар;
- 2008–2017 йилларда қабул қилинған норматив-хуқуқий ҳужжатлар;
- 2017 йилдан бугунги кунга қадар қабул қилинған норматив-хуқуқий ҳужжатлар.

Биринчи босқич, шартли равишда, мустақилликнинг дастлабки йиллари – ҳуқук тизимининг фундаментал асосларини яратышдан бошлаб, мамлакатнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Коррупцияға қарши конвенциясига қўшилишигача бўлган даврни ўз ичига олади.

Мустақилликнинг дастлабки йилларида мамлакатда манфаатлар тұқнашувини нағақат маҳсус нормалар билан тартибга солиш, балки коррупцияға қарши курашиш сиёсати доирасида амалга ошириш дараҷаси ҳам анча паст бўлган. Давлатнинг умумий ҳуқуқий сиёсати, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, улар мансабдор шахслари фаолиятини тартибга солишга қаратилған қонун ҳужжатларида манфаатлар тұқнашувининг олдини олишга қаратилған нормаларнинг элементларини кўриш мүмкін. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 2-моддасида давлат ҳалқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилиши, давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида масъул эканликлари белгиланған бўлса, бошқа қатор моддаларда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари вакиллари илмий ва педагогик фаолиятдан ташқари, ҳақ тўланадиган бошқа турдаги фаолият билан шуғулланишлари мүмкін эмаслиги қайд этилган<sup>19</sup>.

Бундан ташқари, давлат бошқарувида ўзаро тийиб туриш принципи-

<sup>19</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1994 й., 1-сон, 5-модда.

---

нинг мавжудлиги, айрим лавозимларга шахсларни тайинлаш ва сайдашнинг аниқ мезонлари белгиланганлиги, аввало, манфаатлар тўқнашувига олиб келиши мумкин бўлган вазиятларнинг оддини олишнинг умумий тартибга солинганлигини кўрсатади.

Ўзбекистон Республикасининг давлат хокимиюти ва бошқаруви органлари фаолиятини ташкил этишга қаратилган қонун хужжатларида, хусусан, "Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида"ги<sup>20</sup>, "Маҳаллий давлат ҳокимиюти тўғрисида"ги<sup>21</sup>, "Давлат статистикаси тўғрисида"ги<sup>22</sup>, шунингдек, ҳар бир давлат органларининг (вазирлик, идора ва қўмиталар) фаолиятини ташкил этиш бўйича қабул қилинган маҳсус норматив-хукукий хужжатлarda айнан маҳсус норма бўлмаса-да, коррупция ва манфаатлар тўқнашувига олиб келадиган вазиятларни хукукий тартибга солишига қаратилган нормалар белгиланганлигини кўриш мумкин. Масалан, Вазирлар Маҳкамаси аъзолари илмий ва педагогик фаолиятдан ташқари ҳақ тўланадиган бошқа турдаги фаолият билан шуғулланиши мумкин эмас. Қиёслаш учун айтишимиз мумкинки, бу каби нормалар маҳсус давлат хизмати йўлга кўйилган прокуратура<sup>23</sup>, божхона<sup>24</sup>, солик<sup>25</sup> органлари ходимларига ҳам татбиқ этилган.

Кайд этиш керакки, давлат фуқаролик хизматида манфаатлар тўқнашуви билан боғлиқ реал вазиятнинг юзага келишида давлат хизматчилари томонидан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш асосий сабаблардан бири хисобланади. Шу сабабли, мустакилликнинг дастлабки йиллариданоқ Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 6 мартағи "Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш тақиқланган мансабдор шахсларнинг рўйхати тўғрисида"ги 103-сонли қарори билан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши тақиқланган шахслар (лавозимлар) рўйхати тасдиқланган.

---

<sup>20</sup> Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси, 11.12.2019 й., 03/19/591/4130-сон.

<sup>21</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 й., 9-сон, 320-модда.

<sup>22</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 й., 12-сон, 219-модда.

<sup>23</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 й., 9-10-сон, 168-модда.

<sup>24</sup> Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2016 й., 3(I)-сон, 31-модда.

<sup>25</sup> Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси, 31.12.2019 й., 02/19/СК/4256-сон.

---

Мазкур ҳолат ҳам дастлабки босқичда амалга оширилган хукуқий ислоҳотларда муҳим аҳамият касб этган.

Давлат секторида манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш ма-саласи турли соҳани тартибга соловчи тармоқ норматив-хукуқий ҳужжатларида акс этган ва маҳсус ҳукуқий асос яратилмаган. Масалан, Ўзбекистон Республикасининг Мехнат кодексида ўзаро яқин қариндош ёки қуда-андга бўлган шахсларнинг, башарти улардан бири иккинчи-сига бевосита бўйсуниб ёки унинг назорати остида хизмат қиласидаган бўлса, бир давлат корхонасида бирга хизмат қилишлари тақиқланган<sup>26</sup>. Манфаатлар тўқнашуви юзага келишининг асосларидан бири – бу шах-сий манфаатдорлик ҳисобланади. Қариндошлар ўртасида эса манфа-атлар тўқнашуви юзага келишининг эҳтимоли юқори ҳисобланади. Шу жиҳатдан олиб қараганда, Конун чиқарувчи меҳнат фаолиятини олиб бориша қариндошлик масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратган.

Мамлакатнинг коррупция ва унинг турли кўринишларига қарши курашиш сиёсати 2008 йилдан бошлаб тубдан ўзгарди. Бу унинг Бир-лашган Миллатлар Ташкилотининг Коррупцияга қарши конвенциясига қўшилганлиги билан боғлиқдир. Ўзбекистон Республикаси 2008 йил 7 июлда маҳсус қонун билан айрим билдиришлар, баёнотлар ва шартлар асосида мазкур Конвенцияга қўшилган.

Шунингдек, 2010 йилда Ўзбекистон Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти Коррупцияга қарши курашиш тармоғининг “Истам-бул ҳаракатлар режаси”га қўшилган.

Мазкур босқичда амалга оширилган хукуқий ислоҳотлар эса, юқорида назарда тутилган Конвенция нормалари ва тавсиялари асосида амалга оширилган. Бу борада айтиш керакки, манфаатлар тўқнашуви билан боғлиқ ҳолатлар кўп содир этиладиган акцияларни сотиш ва сотиб олиш, мулкни хусусийлаштириш, танлов савдоларини тартибга солиш ва шу каби масалаларнинг ҳукуқий асосларини яратиш ва такомиллаштириш ишлари ҳам айнан мазкур босқичда анча ривожланди. Мазкур даврда қабул қилинган Вазирлар Маҳкамасининг “Акциядорлик жами-ятлари ва акциядорларнинг ҳукуқларини химоя қилиш тўғрисида”ги<sup>27</sup>, “Васийлик ва ҳомийлик тўғрисида”ги<sup>28</sup> қонунлар, шунингдек, “Ўзбекистон

---

<sup>26</sup> Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 11.05.2019 й., 03/19/536/3114-сон.

<sup>27</sup> Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й., 19-сон, 210-модда

<sup>28</sup> Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й., 1-сон, 1-модда

---

Республикасининг хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рако-батни ривожлантириш давлат қўмитаси фаолиятини ташкил этиш чоратадбирлари тўғрисида”ги<sup>29</sup> қарорлари айнан ушбу муносабатларнинг хукукий асоси бўлиб хизмат килган.

Бундан ташқари, манфаатлар тўқнашуви инвестицияларни жалб этиш, ўзлаштириш жараёнида, бу бўйича тузиладиган битимларда учраши нуқтаи назаридан Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 22 июля қабул қилинган “Қимматли қофозлар бозори тўғрисида”ги<sup>30</sup> Қонунида инвестиция иштирокчиси ва мижоз ўртасида манфаатлар тўқнашуви натижасида етказилган зарар келиб чикса, инвестиция иштирокчиси мазкур зарарни коплаши хукукий жихатдан мустахкамланган. Бу эса, ўз навбатида, инвестиция битимларини тузиш жараёнида юзага келадиган манфаатлар тўқнашувини олдиндан аниқлаш ва молиявий зарарларнинг олдини олишга хизмат қилади.

Мамлакатимизда сўнгги йилладаги манфаатлар тўқнашувини тартибга солишига қаратилган хукукий асослар сифатида “Коррупцияга карши курашиш тўғрисида”ги, “Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида”ги, “Давлат харидлари тўғрисида”ги, “Давлат-хусусий шериклик тўғрисида”ги, шунингдек, Давлат фуқаролик хизматчилари одоб-ахлоқининг намунавий қоидаларини алоҳида қайд этиш ўринлидир. Шу билан бирга, келгусида давлат ташкилотларида манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш, уларни аниқлаш ва тартибга солиш самарали хукукий механизмини янада такомиллаштириш максадида “Манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш тўғрисида”ги Қонун лойиҳаси ишлаб чиқилган.

Таъкидлаш ўринлики, давлат фуқаролик хизматида манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш бўйича мазкур боскичда амалга оширилган хукукий ислоҳотларда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2022 йил 14 октябрдаги 595-сонли қарори билан тасдиқланган Давлат фуқаролик хизматчилари одоб-ахлоқининг намунавий қоидалари мухим ўринни эгаллайди. Айнан мазкур хужжатда мамлакатда илк бора давлат хизматига тегишли равишда манфаатлар тўқнашуви хукукий категория сифатида норматив жихатдан мустахкамланди. Жумладан, Мазкур хужжатга асосан, манфаатлар тўқнашуви юзага келганда давлат хизматчилари ўз раҳбарини хабардор қилиши керак, раҳбар эса уни тартибга келтириш бўйича ўз вактида чоралар кўриши шарт.

---

<sup>29</sup> Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 2-сон, 19-модда

<sup>30</sup> Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й., 22-сон, 287-модда

---

Манфаатлар тўқнашувини ҳуқуқий тартибга солишда 2017 йил 3 январдаги Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуни марказий ўринни эгаллади. “Манфаатлар тўқнашуви” тушунчаси мустақил изоҳи билан биргаликда, мазкур Қонунда илк бор ўз ифодасини топди. Қонунга асосан, манфаатлар тўқнашувини самарали бошқариш мақсадида, давлат органлари ва ташкилотларида коррупция ва унинг тури кўринишларини бартараф этишга масъул бўлган комиссиялар фаолияти йўлга кўйила бошлади. Ташкилотларнинг тегишли бўлинмалари, инспекциялар давлат хизматчиларининг касб этикаси ва ички меҳнат тартибига амал қилишларини назорат қилиб, коррупция ва манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш бўйича тегишли назорат фаолиятини амалга ошира бошлади.

Бундан ташқари, мамлакатдаги охириги йилларда амалга оширилаётган ҳуқуқий ислоҳотлар натижасида қатор Президент ҳужжатлари қабул қилиниб, бевосита манфаатлар тўқнашувининг олдини олишга оид қоидалар назарда тутилди.

Тармоқ норматив ҳужжатлар орқали манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш борасидаги фикрларни давом эттирган ҳолда айтиш мумкинки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 3 октябрда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасида кадрлар сиёсати ва давлат фуқаролик хизмати тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5843-сонли<sup>31</sup>, 2019 йил 27 майдаги “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5729-сонли фармонларида ҳам соҳада амалга ошириладиган устувор вазифалар белгиланган.

Хусусан, давлат органлари фаолиятининг хусусиятларини инобатга олган ҳолда манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш ва ҳал қилиш борасида амалий тавсияларни ишлаб чиқиш, касбий одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этиш, манфаатлар тўқнашувини бартараф қилиш, давлат хизматини ўташда манфаатлар тўқнашувини ҳал этишининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш шулар жумласидандир<sup>32</sup>.

<sup>31</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 3 октябрдаги “Ўзбекистон Республикасида кадрлар сиёсати ва давлат фуқаролик хизмати тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5843-сон Фармони // (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 04.10.2019 й., 06/19/5843/3900-сон).

<sup>32</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 майдаги “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5729-сонли Фармони // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 29.05.2019 й., 06/19/5729/3199-сон.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президенти-нинг 2021 йил 6 июлдаги “Коррупцияга қарши курашиш фаолиятини самарали ташкил этишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-5177-сонли қарорида ҳам коррупцияга, шу жумладан, манфаатлар тўқнашувига йўл қўйилган ҳолда тузилган шартномаларни ҳақиқий эмас деб топиш, давлат хизматчилари томонидан тадбиркорлик фаолиятида иштирок этганинг ҳуқуқий оқибатларини белгилаш бўйича вазифалар белгиланди<sup>33</sup>.

Мавзуни хорижий мамлакатларнинг манфаатлар тўқнашувининг олдини олишга қаратилган тажрибалари билан давом эттирамиз. Хорижий давлатлар тажрибаси кўра, айрим давлатларда (Чехия, Латвия, Хорватия, Грузия, Канада, Украина ва бошқалар) манфаатлар тўқнашуви алоҳида қонунлар билан тартиба солинган. Хусусан:

Чехиянинг “Манфаатлар тўқнашуви тўғрисида”ги Қонунида давлат мансабдор шахсларига нисбатан чековлар, манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш, уларни аниқлаш, бартараф этиш ҳамда масъул бўлинмалар фаолиятли, уларнинг мажбуриятлари белгиланган.

Латвиянинг “Давлат хизматчилари фаолиятида манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш тўғрисида”ги Қонунида давлат мансабдор шахсларига нисбатан чековлар, манфаатлар тўқнашувини тартибида солиш бўйича айрим чоралар белгиланган. Шунингдек, манфаатлар тўқнашувини тартибида солиш соҳасида ваколатли орган сифатида Коррупцияга қарши курашиш бюроси белгиланган.

Хорватиянинг “Манфаатлар тўқнашуви тўғрисида”ги Қонунида давлат хизматчилари томонидан манфаатлар тўқнашуви тўғрисида ҳабар бериш мажбуриятлари, Манфаатлар тўқнашувини тартибида солиш бўйича комиссияни ташкил этиш, фаолияти ва унинг ваколатлари, мазкур Қонун талабларини бажармаганлик учун интизомий жазо чоралари белгиланган.

Грузиянинг “Давлат хизматидаги манфаатлар тўқнашуви ва коррупция тўғрисида”ги Қонунида давлат хизматчилари томонидан манфаатлар тўқнашуви тўғрисида ҳабар бериш мажбурияти ҳамда уларни тартиб солиш бўйича чоралар амалга ошириш, жамият манфаатларига ва давлат муассасасининг обўсига таъсир этувчи ҳолатлар тўғрисида ҳабар берган шахслар дахлизлигини сақлаш бўйича тартиблар белгиланган.

<sup>33</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 6 июлдаги “Коррупцияга қарши курашиш фаолиятини самарали ташкил этишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-5177-сонли қарори // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 07.07.2021 й., 07/21/5177/0644-сон

---

Канаданинг “Манфаатлар тўқнашуви тўғрисида”ги Қонунида давлат хизматчиларининг ишга киришда, қарор қабул қилишда, давлат хизматида аниқлаган маълумотларни ўз манфаатлари йўлида ишлатмаслиги бўйича мажбуриятлар, манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш бўйича чоралар, Манфаатлар тўқнашуви ва этика бўйича комиссарнинг ваколат ва мажбуриятлари ҳамда мазкур қонун талабларини бузганлик учун жавобгарликлар белгиланган.

Молдова, Россия, Украина ва Қозоғистонда манфаатлар тўқнашувига оид талабларга риоя қилмаганлик учун маъмурий жавобгарлик белгиланган.

Хулоса қилиб айтишимиз мумкинки, давлат хизматида манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш масалалари миллий ҳукуқ тизимида норматив жиҳатдан мустаҳкамланган ва бугунги кунда мазкур норматив ҳужжатлар асосида фаолиятни тартибга солиш амалга оширилмоқда.

### **3.3. Давлат хизматида манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш механизmlари**

---

Давлатнинг коррупция ва унинг турли кўринишларига қарши курашиб бўйича самарали ва замонавий стандартларни амалга ошириш, манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш бўйича самарали ташкилий-ҳукуқий механизmlарини жорий этиш соҳа ривожига хизмат қиласди.

Давлат фуқаролик хизматида белгиланган қонун-қоидаларга амал қилиб фаолият юритадиган давлат хизматчилари билан бир қаторда, коррупция ва манфаатлар тўқнашуви билан боғлиқ ҳолатларга йўл қўядиган ходимлар ҳам мавжуд. Бу уларда шаклланган ахлоқ қоидалари ва этика принципларига боғлиқдир. Лекин ҳукуқий давлатда қонунбузилиш ҳолатларини олдини олиш, аввало, ахлоқ категорияларига, давлат хизматчисининг виждони ёки этикасига боғлаб қўйилмаслиги керак, мавжуд қоида бузилиш эҳтимоллари ҳукуқ нормалари билан тартибга солиниши лозим.

Шундан келиб чиқсан ҳолда, манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш асосий механизmlари сифатида қўйидагиларни белгилаш мумкин:

манфаатлар тўқнашувининг олдини олишнинг ҳукуқий механизmlари;

манфаатлар тўқнашувининг олдини олишнинг ташкилий механизmlари.

Коррупция ва унинг турли кўринишларининг олдини олишга

қаратилган механизмларни яратиш бўйича чора-тадбирлар ва уларнинг ҳукуқий асослари Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонунида мустаҳкамланган. Мазкур Қонунда манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш ва уни бартараф этишга доир чора-тадбирлар сифатида шахсий манфаатдорликка йўл қўймаслик, ҳолат хусусида хабар бериш ва жавобгарлик асоси белгиланган бўлсада, қонунда мавжуд барча коррупцияни олдини олишга қаратилган тадбирларни унинг бир кўриниши бўлган манфаатлар тўқнашувини ҳукуқий тартибга солишига нисбатан ҳам тўлиқ татбиқ этиш мумкин. Айниқса, давлат бошқаруви соҳасида коррупцион ҳолатларни бартараф этишга қаратилган тадбирлар бевосита давлат хизматчилари фаолияти билан боғлиқдир. Бу борада: ҳисобдорлик ва масъулиятни ошириш, давлат хизматининг очиқлигини таъминлаш, давлат хизматчилари доимий парламент ва жамоат назорати остида бўлиши, ижтимоий муҳофазасини таъминлаш, касбий фаолиятни баҳолаш стандартларини жорий этиш устувор вазифалар сифатида белгиланган.

Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонунининг 19-моддасида давлат бошқаруви соҳасида коррупцияни олдини олишга доир чора-тадбирлар белгиланган<sup>34</sup> бўлиб, мазкур қоидалар асосида манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш масалаларини таҳлил қилиш мақсадга мувофиқ. Зеро, манфаатлар тўқнашувини ҳал этиш механизмларини қонунчилик талаблари асосида тартибга солиш низоли ҳолатларнинг юзага келиш эҳтимолларини минималлаштиради.

Манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш механизмларидан бири сифатида давлат фуқаролик хизматчисининг шахсий фойдадан, таклиф қилинган моддий манфаатдорликдан воз кечиши ва ўз-ўзини рад қилиши (чақириб олиши) муҳим аҳамият касб этади.

Айтиб ўтиш керакки, давлат бошқарувида барча соҳаларни маъмурий-ҳукуқий усул, куч ва воситалар билан самарали тартибга солиш имконсиз. Шу сабабли, ахлоқ категорияси ҳам самарали механизм ҳисобланади. Давлат муассасаларида коррупцияниң энг паст даражаси бўлган давлатлар рейтингида етакчи мавқега эга бўлган бир қатор хорижий давлатлар тажрибаси, жаҳон амалиётида ҳам ахлоқий ютуқлар асосий кўрсаткич ҳисобланади.

Бундан ташқари, давлат хизматчиларининг ролини, ваколатларини ошириш уларнинг хизмат вазифаларини суиистеъмол қилиш

<sup>34</sup> Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. 2017 й., 1-сон, 2-модда.

---

эҳтимолларини ҳам оширади. Жавобгарлик асосларини хукукий жихатдан мустаҳкамлаш манфаатлар тўқнашувининг олдини олишда са-марали механизм хисобланади.

Манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш механизмларида давлат ташкилоти ходими томонидан манфаатлар тўқнашуви тўғрисидаги маълумотларни маълум килиш муҳим аҳамият касб этиб, у куйидаги шаклларда амалга оширилади:

манфаатлар тўқнашуви тўғрисидаги маълумотларни декларация килиш;

мавжуд манфаатлар тўқнашуви тўғрисида хабар бериш.

Манфаатлар тўқнашувининг олдини олишда жазо механизми муҳим саналиб, хукукий таъсир чоралари орқали муносабатлар тартибга солиниши керак.

Манфаатлар тўқнашувига оид талаблар бузилиши хукукий оқибатлари сифатида эса куйидагилар белгиланиши мумкин:

манфаатлар тўқнашувини маълум қиласлик ёки унинг тартибга солинмаганлиги учун интизомий ёки конунчиликда белгиланган бошка жавобгарликка тортиш;

манфаатлар тўқнашувига йўл қўйган ҳолда қабул килинган қарорларнинг бекор килиниши, ўзгартирилиши ёки суд тартибида хақиқий эмас деб топилиши, шунингдек, ушбу қарорлар бекор килинган, ўзгартирилган ёки хақиқий эмас деб топилган тақдирда, соф фойда суд тартибида давлат даромадига ўтказилиши;

манфаатлар тўқнашувига йўл қўйган ҳолда тузилган битимлар суд тартибида хақиқий эмас деб топилиши мумкинлиги белгиланмоқда, шунингдек ушбу битимлар бекор килинган, ўзгартирилган ёки хақиқий эмас деб топилган тақдирда соф фойда суд тартибида давлат даромадига ўтказилиши;

давлат органи ходимларининг манфаатлар тўқнашуви хақида хабар бермаганлиги учун жарима жазосини белгилаш.

Шу билан бир каторда, давлат хизматида манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш бўйича куйидаги ташкилий механизмлар мавжуд:

коррупция ва унинг бир кўриниши бўлган манфаатлар тўқнашувининг олдини олишда ротация институтини кўллаш;

давлат фукаролик хизмати тизимиға ишга кирадиган ходимлар учун маҳсус ўкув курслари ташкил этиш ва унинг асосий мавзулари сифатида коррупцион хавф-хатарлар ва айниқса, манфаатлар тўқнашуви билан боғлиқ вазиятда ҳаракат қилиш тартиблари, ўзини тутиш хатти-

ҳаракатларини тушунтириш ва ўргатиш, хизматга янги қабул қилинган давлат фуқаролик хизматчиларининг мазкур курсларни мажбурий рашида ўташи тартибини жорий этиш;

маъмурый-хукукий ва ташкилий-бошқарув чора-тадбирларини кўриш маъмурый-тартиб таомилларни соддалаштириш;

давлат хизматларини соддалаштириш, соҳага рақамли ва онлайн технологияларни кенг жорий этиш;

давлат хизматлари марказларида кўрсатиладиган электрон хизматлар турларини кенгайтириш.

Манфаатлар тўқнашувини бартараф этишнинг ташкилий ва хукукий механизmlарини соҳага жорий этиш давлат хизматининг шаффоғ ва қонуний фаолият юритишини таъминлайди.

### **3.4. Давлат хизматидаги чекловлар**

Давлат хизматида коррупция ва унинг бир қўриниши бўлган манфаатлар тўқнашувини бартараф этишда давлат хизматчилари учун ўрнатилган тақиқ ва чеклов масалалари муҳим аҳамият касб этади. Бугунги кунга қадар қабул қилинган қатор норматив-хукукий ҳужжатларда ҳам давлат хизматчилари фаолиятидаги тақиқ ва чеклов масалаларига алоҳида эътибор берилиб, хукукий жиҳатдан тартибга солиш бўйича вазифалар белгилаб ўтилган. Ҳусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 майдаги “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиб тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5729-сонли Фармонида давлат хизматчилари учун чекловлар, тақиқлашлар, рафбатлантириш чоралари ҳамда коррупциянинг олдини олиш бўйича бошқа механизmlарнинг аниқ рўйхатини белгилаш билан боғлиқ қоидалар назарда тутилган<sup>35</sup>.

Айрим адабиётларда чеклов масалалари “тақиқ” ва “чеклов” тушунчалари асосида ифодаланса, айрим адабиётларда фақатгина умумий ном остида “чеклов” тушунчаси билан ифодаланганд.

Тақиқ – бу давлат томонидан махсус норматив-хукукий ёки ички локал ҳужжатлар асосида белгиланган, лавозим вазифалари ва ҳусусиятларидан келиб чиқиб, муайян хатти-ҳаракатларни амалга оши-

<sup>35</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 майдаги “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиб тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5729-сонли Фармони // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси. 29.05.2019 й., 06/19/5729/3199-сон.

---

ришни кескин тақиқлайдиган давлатнинг умуммажбурий кўрсатмаси хисобланади. Чеклов эса, давлат хизматчилари учун давлат томонидан маҳсус норматив-хукуқий ёки ички локал ҳужжатлар асосида белгиланган, фақатгина муайян тартиб ва мезонлар асосида ваколатлардан фойдаланишнинг хукуқий чегарасини белгиловчи механизм хисобланади.

Тақиқда давлат хизматига кириш ва уни ўташ давомида муайян ҳаракатларни амалга ошириш кескин тақиқланганлигини, чекловни эса, нисбатан енгил доирада ва айрим вазиятларда белгиланадиган, хукуқдан фойдаланишга қисман тўсиқ бўладиган ҳолат сифатида қайд қилиш мумкин. Умуман олганда, давлат хизматида чеклов ва тақиқ масалалари давлат хизматчилари учун белгиланган мажбуриятлар билан ёнма-ён туради.

Давлат хизматида бўлган шахслар мамлакатдаги сиёсий вазиятдан қатъи назар, ўрнатилган чеклов ва тақиқларга амал қилиши, ҳар қандай вазиятда ўзига юклатилган мажбуриятларни бажариши, белгиланган чеклов ва тақиқлар доирасидан чиқмаслиги лозим. Ўрнатиладиган тақиқ ва чекловлар эса, давлат фуқаролик хизмати функцияларини юқори даражада амалга оширилишини таъминлашга имкон беради.

Давлат хизматчилари учун ўрнатилган чеклов ва тақиқлар улар томонидан хизматни ўташнинг бутун муддати давомида амалда бўлади. Давлат сирини сақлаш, шахсий манбаатлар йўлида хизматдаги маълумотлардан фойдаланишни чеклаш, бошқача айтганда, манбаатлар тўқнашувига йўл қўймаслик мақсадида, хатто давлат хизматидан бўшагандан сўнг ҳам, давлат хизматчиларига баъзи чекловлар ўрнатилиди.

Давлат хизматчилари учун ўрнатилган чекловлар ва тақиқларга қўйидагиларни киритиш мумкин:

биринчидан, давлат хизматчиси бошқа ҳақ тўланадиган меҳнат фаолияти билан шуғулланиши мумкин эмас (педагогик, илмий фаолият бундан мустасно);

иккинчидан, давлат хизматчилари учун тадбиркорлик фаолияти билан шахсан ёки бошқалар орқали шуғулланиш тақиқланган;

учинчидан, давлат хизматчиси учинчи шахсларнинг вакили бўлиши мумкин эмас, яъни давлат хизматида бўлган ҳамда унга маълум бир жиҳатдан бўйсунган учинчи шахсларга вакиллик қилиши тақиқланади;

тўртинчидан, давлат хизматчиси хизматдан ташқари вақтда моддий-техник, молиявий ва ахборот воситаларидан, давлатнинг бошқа мулкидан ва хизмат маълумотларидан фойдаланиши тақиқланади;

---

бешинчидан, давлат хизматчилариға жисмоний ва юридик шахслардан мансаб мажбуриятларни бажариш билан боғлиқ бўлган ҳар қандай мукофот ва совғаларни олиши тақиқланади;

олтинчидан, жисмоний ва юридик шахслар хисобидан хизмат сафарига ёки хорижий сафарга бориш тақиқланади;

еттингидан, давлат хизматчисининг хизмат ваколатидан фойдаланиб, давлат органларида жамоат бирлашмаларини (касаба уюшмасидан ташкари) ташкил этиши ёки унинг манфаатларини кўзлаб харакат килиши мумкин эмас ва бошқалар.

Ўзбекистон Республикасининг “Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида”ги Конунига асосан давлат фуқаролик хизматчиси куйидагиларга хакли эмас:

ўзаро яқин қариндошлиқда ёки куда томондан қариндош бўлган шахслар билан (ота-оналар, ака-укалар, опа-сингиллар, ўғиллар, қизлар, эр-хотинлар, шунингдек эр-хотинларнинг ота-оналари, ака-укалари, опа-сингиллари ва фарзандлари) айнан битта давлат органида бирга хизмат килиши, агар уларнинг бирга хизмат қилиши улардан бирининг иккинчисига бевосита бўйсунишига ёки унинг назорати остида бўладиган давлат фуқаролик хизмати лавозимини эгаллашга, бундан конунчиликда назарда тутилган холлар мустасно;

педагогик, илмий ва ижодий фаолиятдан ташкари ҳак тўланадиган бошқа фаолият билан шуғулланишга, Ўзбекистон Республикаси конунларида хамда Ўзбекистон Республикаси Президенти қарорларида назарда тутилган холатлар бундан мустасно;

тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишга;

тадбиркорлик фаолияти субъектларини ташкил этишга, уларнинг муассиси (иштирокчиси) бўлишга, тадбиркорлик фаолияти субъектида ташкилий-бошкарув, маъмурий-хўжалик вазифаларини бажаришга, бундан акциядорлик жамиятларининг эркин муомалада бўлган акцияларига конунчиликда белгиланган талаблар доирасида эгалик қилиш ҳоллари мустасно;

ўзи хизмат килаётган давлат органи назорати остидаги ёки у билан алокалар ва манфаатларга эга бўлган ташкилотлардаги улушларни, пайларни ва акцияларни бевосита ёки вакиллар орқали олишга;

ўз хизмат ваколатларини жисмоний ва юридик шахсларнинг манфаатларини кўзлаб бажариш ёки бажармаслик эвазига улардан бирон-бир мукофот, фойда ёки совғалар олишга;

чет давлат фуқаролигини олишга;

Қонунчиликда назарда тутилмаган имтиёзлар, преференциялар ёки афзалликлардан ўз хизмат мавқеи билан боғлиқ ҳолда фойдаланишга;

Ўзбекистон Республикаси худудидан ташқарида ҳисобвараклар очишга ва уларга эга бўлишга, кўчмас мулкка ва бошқа мол-мulkка эгалик қилишга, бундан чет давлатда таълим олиш, стажировка ўташ ва тиббий хизматлардан фойдаланиш мақсадида очилган ҳисобвараклар, шунингдек давлат фуқаролик хизматига киришдан олдин олинган ва ошкор қилинган мол-мulk мустасно;

Ўзининг ваколатларини сиёсий партияларнинг, бошқа жамоат бирлашмаларининг ва улар органларининг манфаатларини кўзлаб амалга оширишга.

Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиб келаётган шахс давлат фуқаролик хизматига қабул қилингандан сўнг тадбиркорлик фаолиятини тўхтатиб туриш тартиби қонунчилик ҳужжатлари билан белгиланади.

Шунингдек, давлат фуқаролик хизматчиси шуғулланиши мумкин бўлмаган ҳак тўланадиган фаолият турлари рўйхати коррупцияга қарши курашиб ва давлат фуқаролик хизмати бўйича маҳсус ваколатли давлат органлари томонидан белгиланади.

**Давлат хизматчилари учун ўрнатилган  
чекловлар ва тақиқлар турлари:**

Бирор фаолият билан шуғулланишини  
тақиқлаш

Муайян ҳукуқларга эга бўлишни тақиқлаш  
(вакиллик қилиш, совға олиш, жамоат  
бирлашмаларига аъзолик)

Муайян процедураларни белгилаш (хорижий  
сафарга бориш, декларация топшириш ва б.)

Ўзбекистон Республикасида давлат хизматчилари учун ўрнатилган тақиқларда сиёсий партияларга аъзолик масаласи марказий ўринда ту-

---

ради. Амалдаги қонунчиликка асосан, қуидагилар сиёсий партияларга аъзо бўлолмайдилар:

- судьялар;
- Ўзбекистон Республикаси Хисоб палатасининг мансабдор шахслари;
- прокурорлар ва прокуратура терговчилари;
- ички ишлар, Миллий гвардия органлари, Давлат хавфсизлик хизмати, Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат хавфсизлик хизматининг ходимлари;
- ҳарбий хизматчилар;
- хорижий давлат фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар<sup>36</sup>.

Қонун чиқарувчи давлат хизматчиси учун бундай чекловни белгилашда партия фаолиятининг сиёсий ҳокимиятга ҳаракат қилиши, бу борада манфаатлар тўқнашуви билан боғлиқ реал эҳтимол келиб чиқишини эътиборга олади.

Яна бир муҳим масала – бу давлат хизматчиларининг тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишларига йўл қўйилмаслигидир. Қонун ҳужжатлари билан қуидаги мансабдор шахсларга тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш тақиқланган:

давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг ходимларига;

давлат банклари раҳбарлари ва уларнинг ўринbosарларига, хизмат юзасидан пул белгиларига ва пул (банк) ҳужжатларига бевосита алоқаси бўлган мансабдор шахсларга;

давлат корхоналари, муассасалари ва ташкилотлари раҳбарларига ва уларнинг банк ҳужжатларига имзо қўйиш ҳуқуқига эга бўлган ўринbosарларига;

давлат таъминот ва савдо-сотиқ корхоналари ва ташкилотларининг раҳбар ходимларига;

тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ масалаларни ҳал қилиш ёки бундай фаолиятни назорат қилиш вазифасига кирувчи давлат органларининг раҳбар ходимлари ва мутахассисларига<sup>37</sup>.

Давлат хизматчисининг тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ шах-

---

<sup>36</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 1997 й., 2-сон, 36-модда.

<sup>37</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Вазирлар Махкамасининг 1992 йил 6 мартағи “Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш тақиқланган мансабдор шахсларнинг рўйхати тўғрисида”ги 103-сонли қарори.

---

сий манфаатдорлиги давлат манфаатларига заар өтказиши билан бир қаторда, ўзининг хизмат вазифаларини муносиб бажаришига таъсир қиласди.

Миллий қонунчилигимизда чекловлар билан боғлиқ белгиланган яна бир масала – бу давлат хизматчиларининг ўз фаолиятидан ташқари, бошқа ҳақ тўланадиган лавозимларни эгаллаши тақиқланганидир. Бунда шуни инобатга олиш керакки, ижод эркинлиги нуқтаи назаридан илмий ва педагогик фаолият бундан мустаснодир. Масалан, давлат хизматчиларининг асосини ташкил этадиган ҳукумат аъзоларига эътибор берадиган бўлсак, Вазирлар Маҳкамаси аъзолари илмий ва педагогик фаолиятдан ташқари, ҳақ тўланадиган бошқа турдаги фаолият билан шуғулланиши мумкин эмас<sup>38</sup>.

Бу каби чекловлар сенатор ва депутатлар, прокуратура органлари ходимлари, судьялар ва бошқа маҳсус давлат хизматчилари учун ҳам ўрнатилган. Бундай тартибининг ўрнатилиши эса, биринчи навбатда, белгиланган вазифа ва ваколатларни холис, сифатли ва ташқи таъсирларсиз амалга оширишга қаратилган бўлса, иккинчидан, икки лавозим ваколатлари ўртасида келиб чиқиши мумкин бўлган қарама-қаршиликнинг олдини олиш билан боғлиқ.

Юқоридагилар билан бирга, қонунчиликда манфаатлар тўқнашувиининг олдини олиш мақсадида давлат хизматчиларининг бир корхонада ёки ўзаро бўйсунувда бўлган ташкилотда ишламасликлари, бир вақтда бошқа ҳақ тўланадиган лавозимда меҳнат фаолиятини олиб бормасликлари, турли ташкилот, шу жумладан, хорижий ташкилотларда ишламасликлари, давлат сири ва хизмат сири ҳимоясини муносиб таъминлашлари, акциядор ёки турли корхоналарга улушдор бўлмасликлари бўйича ҳам қатор чеклов ва тақиқлар ўрнатилганини ҳам кўришимиз мумкин.

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, давлат фуқаролик хизматида тақиқ, чекловларнинг белгиланиши ва уларга амал қилинишини таъминлаш нафакат коррупция ва манфаатлар тўқнашувининг олдини олишда самарали восита ҳисобланади, балки универсаллик функциясини бажариб, давлат органлари зиммасига юқлатилган вазифа ҳамда функцияларнинг юқори даражада ва холис бажарилишига имкон беради.

---

<sup>38</sup> Конун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси. 11.12.2019 й., 03/19/591/4130-сон.

---

## **Назорат саволлари**

1. “Манфаатлар тўқнашуви” тушунчасига таъриф беринг.
2. Манфаатлар тўқнашуви қандай шаклларда намоён бўлади?
3. Манфаатлар тўқнашуви қайси норматив-хукукий хужжатларда тавсифланган?
4. Давлат фукаролик хизматчиси учун қандай такик ва чекловлар ўрнатилган?
5. Манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш бўйича қандай механизмлар мавжуд?
6. Одоб-ахлоқ намунавий коидаларида манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш бўйича қандай механизмлар белгиланган?
7. Манфаатлар тўқнашуви юзага келганда давлат хизматчиси ва унинг раҳбари қандай харакатларни амалга ошириши лозим?
8. Давлат бошқаруви соҳасида коррупциянинг олдини олишга доир чора-тадбирлар тоифасида манфаатлар тўқнашувига оид назарда тутилган механизмларга мисоллар келтиринг.

## **IV. БОБ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ СОҲАСИДАГИ ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ**

### **4.1. Коррупцияга қарши курашиш соҳасида қонун ҳужжатлари тизими**

Давлат ва жамият бошқарувини янада демократлаштириш ҳамда модернизация қилиш, давлат бошқаруви соҳаларини либераллаштириш шароитида давлат хизматчилари томонидан порахўрлик, мансаб мавқеини сунистеъмол қилиш билан боғлиқ жиноятларнинг содир этилиши давлат ҳокимиятининг обрўсизланишига, давлатнинг сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий тизимига путур етишига сабаб бўлади. Шунингдек, коррупциянинг ривожланиши давлат томонидан олиб борилаётган ислоҳотлар натижаларига салбий таъсир кўрсатади. Шу боис, давлат томонидан коррупцияга қарши фаол ҳуқуқий сиёsat юритилиб, унинг олдини олишга қаратилган зарур норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинмоқда.

Давлатимиз раҳбари ўзининг Олий Мажлисга Мурожаатномасида ушбу соҳага алоҳида тўхталиб, "...шу йилнинг 9 ойида коррупция билан боғлиқ жиноятлар ўтган йилга нисбатан 33 фоизга камайди. Биз бундай натижаларни коррупцияга қарши кураш борасидаги узоқ ва давомли фаолиятимизнинг дастлабки самараси, деб қабул қилишимиз, бу йўлда янада қатъий иш олиб боришимиз шарт"<sup>39</sup>, деган эди.

Албатта, коррупциянинг вужудга келиши, умумий жиҳатлари, ўхшашликлари ва ривожланиш сабаблари турли мамлакатларда тарихий босқич ва ижтимоий-иктисодий эврилишлар даражасига мутаносиб равишда турлича бўлиши мумкин. Шу сабабли, коррупциянинг олдини олиш ва унга барҳам беришнинг ҳаммабоп, ягона йўриқномаси мавжуд эмаслиги боис, унга қарши универсал маъмурий-ҳуқуқий воситаларини ишлаб чиқиш амалда мураккаб масала.

Дарҳақиқат, агар коррупция соф иқтисодий ҳодиса бўлганида эди, дунёning энг ривожланган мамлакатлари бу иллатдан буткул холи бўлар эди. Ваҳоланки, жаҳоннинг етакчи илмий тадқиқот марказлари ҳамда Жаҳон банки маълумотларига қараганда, коррупция даражаси Италияда – 57 %, Грецияда – 31 %, АҚШда – 26 %, Японияда – 24 %, Буюк

<sup>39</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 2017 йил 22 декабрь. – Т.: “Ўзбекистон”, 2018. – 22 б.

Британияда – 22 %, Германияда – 21 %, Канадада эса 19 %ни ташкил этади. Эътиборли жихати, бу борадаги кўрсаткичнинг энг куйи даражаси билан Дания, Швеция, Финляндияда 8 %ни, энг юқори даражаси – 92 % билан Сомали, Жанубий Суданда ташкил этмоқда. БМТ Тараккиёт дастури жаҳон иқтисодиёти айнан коррупция холатлари туфайли йилига 2,6 триллион доллар маблағ йўқотаётганини, жамият тараққиётининг энг хавфли кушандасига айланган бу иллатга карши факт биргаликда кураш олиб боришигина кутилган самарани келтиришини бот-бот таъкидлаётгани ҳам бежиз эмас.

#### **Коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги қонун ҳужжатлари турлари:**

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси

Ўзбекистон Республикасининг қонунлари

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари

Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва қарорлари

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг буйруқлари ҳамда қарорлари

Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари

МДҲ мамлакатларида ҳам коррупция даражаси жуда юқори. Шу сабабли ҳам 2010 йили Россия Федерациясида “Коррупция – биринчи ракамли душман”<sup>40</sup>, деб эълон қилинган. Масалага бундай кескин ёндашув бежиз эмас, албатта.

Хозирги вактда идеал, хар томонлама муқаммал бўлган мансабдор шахсни шакллантириш методологияси мавжуд эмас. Аммо коррупцияни кескин камайтириш чораларини кўриб, ривожланган давлатлар тажрибаси унга қарши курашиш оркали иқтисодиётни кўтаришга, халқнинг ижтимоий хаётини тубдан яхшилашга эришиш мумкинлигини кўрсатади.

<sup>40</sup> Бегматов А.С. Коррупция – ижтимоий хавфсизликка таҳдид. – Т.:“Turon zamin ziyo” нашриёти, 2016. – 5 б.

---

Сингапур, Гонконг, Португалия, Швеция каби давлатлар тажрибаси бунга мисол бўлади.

Шубҳасиз, агар коррупция иллати соф ҳуқуқий ҳодиса бўлганида эди, унга қарши қонун-қоидаларни кўпайтириш ва жазо чораларини кучайтириш орқали уни мағлуб этиш мумкин бўлар эди. Дейлик, Хитойда коррупция жиноятини содир этганлик учун ўлим жазоси белгиланган. Аммо шунга қарамай, бу иллатнинг илдизи буткул йўқ бўлмаяпти.

Зоро, ҳар қандай мамлакатда коррупцияга қарши кураш ва унинг жамиятдаги салбий оқибатларининг олдини олиш долзарб масалалардан бири ҳисобланади. Айниқса, давлат бошқарув органларининг самарали ва натижали фаолият юритиши учун қонун устунлиги тамоилилига амал қилиниши шахс, жамият ва давлатнинг ҳуқуқ ҳамда қонуний манфаатларини амалга оширилишини таъминлашда ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

Жаҳон мамлакатлари ва нуфузли халқаро ташкилотлар томонидан коррупцияга қарши курашиш мақсадида кўплаб конвенция, пактлар ва бошқа турдаги халқаро ҳужжатлар қабул қилиниб келмоқда. Ушбу ҳужжатлар ҳақида кейинги мавзулар доирасида тўхталиб ўтамиш.

ХХ асрнинг иккинчи ярмига келиб, коррупция муаммоси алоҳида бир давлат миқёси билан чекланибгина қолмай, балки ушбу иллат давлатлар ўртасида кенг тарқалиб, халқаро муаммога айланди. Бир мамлакат доирасида илдиз отган коррупция бошқа мамлакатларнинг ривожланишига ҳам ўзининг салбий таъсирини кўрсата бошлади.

Ушбу омиллар халқаро жамоатчиликнинг бирлашиб, коррупция муаммосига қарши курашишини тақозо этди. Бунинг натижасида, 1994 йилнинг 31 декабрида чоп этилган “Financial Times” газетаси дунё аҳолисида коррупцияга оид саводхонликни ошириш мақсадида, 1995 йилни “Коррупцияга қарши кураш йили” деб эълон қилди. Шунингдек, БМТ томонидан (2003 йил 21 ноябр, № A/RES/58/4-сонли резолюция) 9 декабрь “Халқаро коррупцияга қарши курашишнинг куни”, деб таъсис этилиб, ушбу кун 2004 йилдан бошлаб алоҳида нишонланиб келинмоқда.

Шу билан бирга, халқаро миқёсда коррупцияга қарши курашиш йўлида ташланган энг самарали қадамлардан бири – бу 2003 йил 31 октябрь куни БМТнинг Коррупцияга қарши конвенциясининг қабул қилиниши бўлди<sup>41</sup>. Мазкур Конвенция лойиҳаси икки йил давомида 130 дан ортиқ давлат иштирокида муҳокама этилди ва барча иштирокчи давлат томонидан қўллаб-қувватланди. Ушбу Конвенция коррупция офа-

---

<sup>41</sup> [https://www.unodc.org/documents/treaties/UNCAC/Publications/Convention\\_08-50028\\_R.pdf](https://www.unodc.org/documents/treaties/UNCAC/Publications/Convention_08-50028_R.pdf)

---

ти билан глобал даражада курашишга имкон берадиган мухим хукукий асос бўлиб хизмат килди.

Конвенция дунёвий тараккиётга кўмаклашишда ҳамда барчанинг фаровонлиги учун кишилик дунёсини такомил-лаштиришга каратилган ишларда ҳалоллик, хукуқ устуворлигини хурмат килиш, хисобот юритиш ва ошкоралик каби фазилатлар мухим ахамиятга эга эканлигини тасдиклайди. Бугунги кунда 180 дан ортик давлат ушбу конвенцияни ратификация килиб, унда кайд этилган талабларни ўзининг миллий конунчилигига имплементация қилиб бормоқда<sup>42</sup>.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Коррупцияга қарши конвенциясининг кабул килиниши ҳалқаро ҳамжамият коррупциянинг олдини олиш ва илдизини куритишига дадиллик билан киришаётганини яққол акс эттиради. Мазкур Конвенция коррупция билан шуғулланган шахслар жамият ишончини оқламасалар, бундан кейин уларнинг кирдикорлари га хеч ким чидаб турмаслиги хакида катъий огохлантиради. Конвенция ривожланишга кўмаклашишда ҳамда ҳалқларнинг фаровонлиги учун ҳалоллик, хукуқ устуворлигини хурмат килиш, ошкоралик каби фазилатлар мухим ахамиятга эга эканлигини тасдиклайди”<sup>43</sup>.

Дарҳақиқат, бундай заарли ҳодиса барча давлатларда учрайди, лекин, айникса, ривожланаётган мамлакатларга катта иқтисодий зарар етказади. Коррупция айнан ижтимоий муҳтоҷ оиласаларга номутаносиб даражада катта заарар етказиб, уларда давлат хокимиятига нисбатан ишончсизлик пайдо бўлади. Натижада, ушбу оиласаларнинг иқтисодий ривожланиши учун мўлжаллаган маблағлари сарф-харажат этилмайди. Бу, ўз навбатида, давлатнинг асосий хизматларини кўрсатиш имкониятидан маҳрум этиб, тенгсизлик ва ижтимоий адолатсизликни шакллантиради ҳамда хорижий инвестициялар оқимларининг кириб келишига сунъий тўсқинлик киласди.

Ўзбекистоннинг олдида турган кўплаб ижтимоий-иктисодий ва сиёсий-хукукий муаммолари орасида коррупцияга қарши кураш алохида ўрин тутади. 2008 йил 7 июль куни Ўзбекистон Республикасининг “Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Коррупцияга қарши конвенциясига (Нью-Йорк 2003 йил 31 октябрь) қўшилиши тўғрисида”ги Конуни қабул

---

<sup>42</sup> [https://treaties.un.org/Pages/ViewDetails.aspx?src=TREATY&mtdsg\\_no=XVIII-14&chapter=18&clang=\\_en](https://treaties.un.org/Pages/ViewDetails.aspx?src=TREATY&mtdsg_no=XVIII-14&chapter=18&clang=_en)

<sup>43</sup> Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг “Коррупцияга қарши конвенцияси”. – Нью-Йорк, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг гиёхванд моддалар ва жиноятчилик бўйича бошқармаси, 2004. – 3 бет.

қилинди. Шу тариқа мазкур ғайриижтимоий ҳодисанинг олдини олиш, унга қарши кураш бўйича халқаро мажбуриятлар қабул қилинди.

Мамлакатимизда коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши муросасиз курашишнинг илфор халқаро стандартларга асосланган тизимини жорий этиш бўйича изчил чоралар кўрилмоқда.

Суд-хуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш шароитида коррупцияга қарши курашиш давлатимиз сиёсатининг асосий йўналишларидан бирига айланди. Негаки мазкур иллат натижасида жамият хаёти издан чиқади, ахолининг давлат органларига бўлган ишончи сўнади ҳамда энг ёмони, давлат тараққиётiga жиддий путур етказилади.

Айни пайтда, коррупцияга қарши изчил кураш олиб боришда иқтисодий-сиёсий, суд-хуқуқ ислохотларини амалга ошириш долзарб ахамият касб этади. Жумладан, мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли тизимли ислохотлар жамиятда қонун устунлиги, инсон хуқуқ ва эркинликларини таъминлаш учун мухим пойdevor бўлиб, халқимизнинг мунособ ҳаёт кечириши, фуқароларимизнинг бунёдкорлик салоҳиятини рӯёбга чиқариш учун зарур шарт-шароитлар яратди. Бироқ, ҳаёт хеч қачон бир жойда тўхтаб қолмайди. Чунончи шахс ҳамда жамият манфаатларини янада самарали химоя қилиш, коррупциянинг олдини олишнинг хуқуқий механизмларини янада такомиллаштириш эҳтиёжини вужудга келтириди.

Ўзбекистон Республикасида 2017 йил 3 январда қабул қилинган “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонунда бу иллатга қарши курашнинг хуқуқий механизми яратилган бўлиб, у давлат ва жамият тақдири, халқ келажагига, қолаверса, ҳар бир фуқарога дахлдор бўлган мухим норматив-хуқуқий хужжат ҳам хисобланади. Ушбу Қонун асосида республикамизда коррупцияга қарши кураш бўйича идоралараро ҳамкорликнинг ташкил этилиши натижасида, коррупцияга қарши кураш тизимидағи бир-бирининг функциясини тақрорлаш ва бир-бирига халал бериш каби салбий ҳодисаларга барҳам бериш кўзда тутилди.

**Норматив-хуқуқий ҳужжат** – қонунчиликка мувофик қабул қилинган, умуммажбурий давлат кўрсатмалари сифатида хуқуқий нормаларни белгилашга, ўзгартиришга ёки бекор қилишга қаратилган расмий ҳужжат.

Коррупцияга қарши курашишнинг хуқуқий асосларини яратиш асосида, 2017 йилдан бошлаб, юртимизда коррупцияга қарши курашнинг

---

сифат жиҳатдан янги босқичи бошланди. Ҳусусан, коррупциявий жиноятларнинг олдини олиш, уларнинг сабаблари ва содир этилишига имкон берадиган шарт-шароитларни аниқлаб, уларни бартараф этиш масалаларига жиддий эътибор қаратилди.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 февралдаги “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг қоидаларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори билан 51 та банддан иборат, 2017-2018 йилларга мўжжалланган коррупцияга қарши курашиш бўйича Давлат дастурининг қабул қилиниши ҳам фуқароларнинг ижтимоий фаоллигини кучайтириб, давлат ва нодавлат ташкилотларнинг коррупцияга қарши курашдаги фаолиятини мувофиқлаш-тиришга хизмат қилди.

Бугунги кунда коррупцияга қарши курашишда аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, жамиятда коррупцияяга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш, давлат органлари ва бошқа ташкилотлар ходимларининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, таълим муассасаларида коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги ҳуқуқий таълим ва тарбияни кучайтириш давр талабидир. Зоро, ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданияти етук бўлган фуқаролар коррупцияга йўл қўймайдилар.

Мамлакатимизда коррупцияга қарши кураш борасидаги қонунчилик тизими шакллантирилган бўлиб, у салмоқли ўринга эга. Мазкур йўналишдаги қонунчилик ҳужжатлари қаторида: Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Жиноят кодекси (1994), Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс (1994), Меҳнат кодекси (1995), “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги (2014), айниқса, кейинги йилларда қабул қилинган “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги (2017), “Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида”ги (2022) қонунлар, 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси (2017), Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг қоидаларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори (2017), Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги (2019), “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги (2020), “Коррупцияга қарши муросасиз муносабатда бўлиш муҳитини

---

яратиш, давлат ва жамият бошқарувида коррупциявий омилларни кескин камайтириш ва бунда жамоатчилик иштирокини кенгайтириш чоратадбирлари тўғрисида"ги (2021), "2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида"ги (2022) фармонлари, Давлат фуқаролик хизматчилари одоб-ахлоқининг намунавий қоидалари (2022) кабиларни<sup>44</sup> алоҳида қайд этиш ўринлидир.

2022 йилнинг 8 август куни давлат фуқаролик хизматчилари-нинг ҳуқуқий мақомини белгиловчи ва улар фаолиятини ягона норма ва қоидалар асосида тартибга солувчи Ўзбекистон Республикасининг "Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида"ги Конуну қабул қилинди. Конун 10 та боб ва 64 та моддадан иборат.

Ушбу қонун билан давлат фуқаролик хизмати соҳасидаги ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи умумий қоидалар, давлат фуқаролик хизматини тартибга солиша давлат органларининг асосий вазифа ва ваколатлари, давлат фуқаролик хизматчиларининг мақоми, ҳуқуқ ва мажбуриятлари, ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимоясининг кафолатлари, давлат фуқаролик хизматига кириш, уни ўташ ва тугатиш асослари, давлат фуқаролик хизмати тизимида коррупциянинг олдини олиш чоралари белгиланди.

Ушбу қонунда давлат фуқаролик хизмати соҳасида коррупциянинг олдини олишга доир чора-тадбирлар қўйидагилардан иборат этиб белгиланган:

давлат фуқаролик хизматчилари томонидан коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларга йўл қўйилмаслиги;

Давлат фуқаролик хизматчиларининг одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этилишини таъминлаш;

давлат фуқаролик хизматчисининг манфаатлар тўқнашувини олдини олиш ва ҳал қилишининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини яратиш, уларга риоя этилиши устидан мониторинг ва назорат ўтказилишини таъминлаш;

давлат фуқаролик хизматчисининг даромадлари ва мол-мулкини декларациялаш тизимини жорий этиш;

давлат фуқаролик хизматчиси томонидан совғалар олиш ва бериш тартибини белгилаш;

давлат фуқаролик хизматчисининг ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилинишини, моддий таъминот олишини ва рағбатлантирилишини таъминлаш.

---

<sup>44</sup> Конун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси – [www.lex.uz](http://www.lex.uz)

Конунчиликда давлат фуқаролик хизмати соҳасида коррупциянинг олдини олишга доир бошқа чора-тадбирлар ҳам назарда тутилиши мумкин.

Бундан ташқари, коррупцияга қарши курашиб механизмларини шакллантиришда иштирок этадиган тармоқ қонунчилик хужжатлари ҳам муҳим аҳамиятга эга эканлигини таъкидлаш лозим. Шу каби қонунлар қаторида: Бюджет ва Божхона кодекслари, “Жинойи фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молия-лаштиришга қарши курашиб тўғрисида”ги, “Ижтимоий шериклик тўғрисида”ги, “Давлат харидлари тўғрисида”ги, “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари тўғрисида”ги, “Электрон хукумат тўғрисида”ги, “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати тўғрисида”ги қонунларни алоҳида келтириб ўтиш зарур.

### **Коррупцияга қарши ички назорат тизими (комплаенс-назорат)ни жорий этишнинг ҳуқуқий асослари**

Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 3 январдаги  
ЎРҚ-419-сонли Қонуни

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил  
27 майдаги ПФ-5729-сонли Фармони

Коррупцияга қарши курашиб бўйича 2021-2022 йилларга  
мўлжалланган давлат дастури

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил  
29 июнданги ПФ-6013-сонли Фармони

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил  
6 июлдаги ПФ-6257-сонли Фармони

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил  
6 июлдаги ПҚ-5177-сонли қарори

---

2017 йил 7 февралда тасдиқланган “2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси”<sup>45</sup>да мамлакатимизда коррупцияга қарши курашни самарали ташкил этиш бўйича вазифалар аниқ белгиланди. Ҳаракатлар стратегиясида назарда тутилган коррупцияга қарши курашишнинг ташкилий-ҳуқуқий механизмларини такомиллаштириш ва коррупцияга қарши курашиш тадбирлари-нинг самарадорлигини ошириш тизимини ишлаб чиқиш вазифаси ижроси юзасидан эътиборга молик натижалар қўлга киритилди.

2022 йилнинг 28 январда эълон қилинган 2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида ҳам коррупцияга қарши курашиш устувор вазифалардан этиб белгиланди. Ҳусусан, Тараққиёт стратегиясининг 4-мақсади сифатида давлат бошқаруви органлари фаолияти устидан давлат назоратини амалга оширишда манфаатлар тўқнашуви вужудга келишини бартараф этиш, мазкур жараёнга кенг жамоатчиликни жалб қилиш, 84-мақсади сифатида эса коррупцияга мойил соҳа ва тармоқларни аниқлаш, коррупциявий омилларни бартараф этиш тизимининг самарадорлигини ошириш, жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш назарда тутилди.

Тараққиёт стратегиясининг 83-мақсадида давлат хизматида ҳалоллик стандартларини жорий этиш белгиланган бўлиб, унга кўра, давлат хизматчиларининг даромад ва мол-мулкларини декларация қилиш тизими босқичма-босқич жорий этилади. Шунингдек, давлат хизматида манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш бўйича самарали механизmlарни яратиш, коррупцияга қарши курашиш борасидаги фаолиятда очиқликни таъминлаш ва жамоатчилик иштирокини кенгайтириш каби чора-тадбирлар амалга оширилади.

Давлат органида коррупцияга қарши курашишнинг ҳуқуқий асосларини кучайтиришда “Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида”ги Қонуннинг қабул қилиниши ҳам муҳим ўрин тутади. Мазкур Қонунда давлат фуқаролик хизматчиларининг фаолияти тартибга солинади. Жумладан, Қонунда давлат фуқаролик хизмати соҳасида коррупцияга қарши курашишга доир чора-тадбирлар, давлат фуқаролик хизматчиларининг одоб-

---

<sup>45</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармони. //“Ўзбекистон Республикаси Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси” веб-сайти – [www.lex.uz](http://www.lex.uz).

---

ахлок коидалари, манфаатлар тўқнашуви, давлат фуқаролик хизматчи-си даромадларини ва мол-мулкини декларациялаш, давлат фуқаролик хизматчисига қўйилган талаблар ўз аксини топади.

Конуннинг муҳимлиги шундаки, у мамлакат давлат бошкаруви ва маҳаллий давлат хокимияти идораларида меҳнат килаётган бир юз ий-гирма мингдан ортик давлат фуқаролик хизматчилари фаолияти, улар-нинг хукукий макоми ҳамда хукук ва мажбуриятлари, шунингдек, давлат фуқаролик хизматига кириш ҳамда ушбу тизимда коррупция ва ман-фаатлар тўқнашувининг олдини оид муносабатларни тартибга солади.

#### **4.2. Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Конуни мазмун-моҳияти**

---

Мамлакатимизда 2008 йилда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти тлмонидан 2003 йил 31 октябрда қабул қилинган Коррупцияга карши конвенциясини ратификация килиниши натижасида давлат томонидан коррупцияга карши курашиш бўйича аник чора-тадбирлар ишлаб чикилиб, амалга оширилди. Айниқса, 2017 йил 3 январдаги Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Конуни (кейинчалик – Конун)нинг қабул қилингани ушбу йўналишдаги ишлар-нинг мантикий давоми бўлди. Конунда коррупцияга қарши курашиш-нинг асосий принциплари ҳамда бу борадаги давлат сиёсатининг муҳим йўналишлари мустахкамланди.

Ушбу Конун 6 та боб, 34 та моддадан иборат бўлиб, унда корруп-цияга карши курашиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи органлар ҳамда ташкилотлар, коррупцияга қарши ку-рашиш соҳасида хукукий онг ва хукукий маданиятни юксалтириш, коррупцияга оид хукукбузарликларни аниглаш, уларга чек қўйиш, жавобгарликнинг мукаррарлiği белгилаб берилган. Хозирга қадар мазкур Конунга беш маротаба ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Айниқса, 2021 йил 18 ноябрдаги Конун асосида Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга карши курашиш агентлиги ва Ўзбекистон Республикасининг Коррупцияга карши курашиш бўйича миллий кенга-ши ва унинг худудий кенгашлари ваколатларига оид нормалар билан тўлдирилиши ушбу тузилмалар фаолиятини конун даражасида мустах-камлади.

---

Қисқа қилиб айтганда, мазкур Қонун давлатнинг коррупцияга карши курашиш сиёсатини қонун даражасида мустаҳкамлади ва ушбу йўналишдаги ишларни ягона тизимга солди.

Ушбу Қонун кабул килингунга қадар коррупцияга карши курашиш Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексида белгиланган қилмиш учун жавобгарликни таъминлаш нуқтаи назаридан талкин килинган бўлса, ушбу Қонун мазкур иллатга қарши курашишга комплекс ёндашувни шакллантириди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Олий Мажлисга Мурожаатномасида таъкидлаганидек, “Ислохотларимиз самараси кўп жихатдан 4 та муҳим омилга, яъни қонун устунлигини таъминлаш; коррупцияга карши катый курашиш; институционал салоҳиятни юксалтириш ва кучли демократик институтларни шакллантиришга боғлиқ. Коррупцияга карши курашишда ахолининг барча катламлари, энг яхши мутахассислар жалб килинmas экан, жамиятилизнинг барча аъзолари, таъбир жоиз бўлса, “ҳалоллик вакцинаси” билан эмланmas экан, ўз олдимиғаз кўйган юксак мэрраларга эриша олмаймиз. Биз коррупциянинг окибатлари билан курашишдан унинг барвакт олдини олишга ўтишимиз керак”<sup>46</sup>. Дарқақиқат, коррупцияга қарши курашиш факат хукукий жавобгарликни белгилашдан иборат эмас. Бунинг учун, қонун устунлигини таъминлайдиган механизмларни кучайтириш ва давлат органларининг институционал салоҳиятини хам кучайтириш зарур.

Қонунда биринчи марта коррупция атамасига хукукий таъриф берилди. Унга кўра, коррупция шахснинг ўз мансаб ёки хизмат мавкеидан шахсий манфаатларини ёхуд ўзга шахсларнинг манфаатларини кўзлаб моддий ёки номоддий наф олиш мақсадида қонунга хилоф равишда фойдаланиши, худди шунингдек, бундай нафни қонунга хилоф равишда тақдим этиш эканлиги белгиланди.

Бундан ташкири, коррупцияга карши курашиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи давлат органларининг ваколатлари белгиланиши каторида, фукаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг, нодавлат нотижорат ташкилотларининг ва фукароларнинг коррупцияга карши курашишда иштирок этишига оид нормалар белгиланди.

Илк маротаба, таълим муассасаларида коррупцияга карши курашиш соҳасидаги хукукий таълим ва тарбияни амалга оширишга оид вазифалар ифода этилди.

---

<sup>46</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 2020 йил 24 январь // Манба: [www.president.uz](http://www.president.uz)

Шу билан бергә, давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг коррупцияга қарши амалга оширадиган вазифалари белгилаб берилди.

Ушбу Конун нормаларини хаётга татбиқ этиш жамиятдаги барча соғлом кучларни коррупцияга қарши курашишга сафарбар қилишни талаб этмоқда. Шунингдек, жамиятнинг алоҳида тармоқларида коррупцияга қарши курашиш бўйича алоҳида дастурлар ва ички сиёсатларни шакллантиришга асос бўлиб хизмат қилмоқда.

### **4.3. Коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги дастурлар**

Мамлакатимизда Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонунини ижро этиш мақсадида қабул қилинётган давлат дастурларни алоҳида эътироф этиш мақсадга мувофиқ. Чунки ушбу дастурлар орқали давлат ва жамият хаётининг барча тармоқларида коррупцияга қарши давлат сиёсати изчиллик билан татбиқ этилмоқда.

Мисол сифатида келтириб ўтиш жоизки, 2017 йил 2 февраль куни эълон қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг қоидаларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2752-сонли қарори мазкур Конуннинг самарали ижросини таъминлаш, жамият ва давлат хаётининг барча соҳаларида коррупциянинг оддини олишга доир чора-тадбирларни ўз вақтида ва сифатли амалга оширишга хизмат қилди<sup>47</sup>. Бундан ташқари, мазкур қарор асосида Коррупцияга қарши курашиш бўйича республика идоралараро комиссияси тузилиб, унинг низоми ва 2017-2018 йилларга мўлжалланган коррупцияга қарши курашиш бўйича Давлат дастури тасдиқланди ҳамда дастур доирасида муайян ишлар амалга оширилди<sup>48</sup>.

<sup>47</sup> Ўзбекистон Республикаси конун ҳужжатлари тўплами. 2017 й., 5-сон, 62-модда. (Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 6 июлдаги “Коррупцияга қарши муросасиз муносабатда бўлиш мухитини яратиш, давлат ва жамият бошкарувида коррупциявий омилларни кескин камайтириш ва бунда жамоатчилик иштирокини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6257-сонли Фармонига асосан, ўз кучини йўқотган).

<sup>48</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 февралдаги “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг қоидаларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори. // Ўзбекистон Республикаси конун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 5-сон, 62-модда.



## Коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги давлат дастурлари

~~КОРРУПЦИЯ~~

2017-2018 йилларга мўлжалланган коррупцияга қарши курашиш бўйича Давлат дастури

~~КОРРУПЦИЯ~~

2019-2020 йилларда коррупцияга қарши курашиш Давлат дастури

~~КОРРУПЦИЯ~~

Коррупцияга қарши курашиш бўйича 2021–2022 йилларга мўлжалланган Давлат дастури

Шу билан бирга, мазкур соҳадаги ишларни янги босқичга қўтариш мақсадида, 2019 йил 27 майдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5729-сонли Фармони кабул килиниб, коррупцияга қарши курашиш бўйича тизимли вазифалар белгиланди<sup>49</sup>.

Унда куйидаги устувор вазифалар назарда тутилди:

Биринчидан, 2019-2020 йилларда коррупцияга қарши курашиш Давлат дастури тасдиқланди. Дастур доирасида 35 та амалий чораларнинг бажарилиши белгиланган. Мазкур Дастурнинг устувор йўналишлари этиб, куйидагилар белгиланган:

1. Ахолининг хукукий онги ва хукукий маданиятини юксалтириш, жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш.
2. Давлат ва жамият хаётининг барча соҳаларида коррупциянинг олдини олиш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш.
3. Коррупцияга оид хукукбузарликларни ўз вақтида аниқлаш, уларга чек кўйиш, имконият яратувчи сабаблар, шарт-шароитлар ва оқибатларини бартараф этиш, коррупцияга оид хукукбузарликларни содир этганлик учун жавобгарликнинг муқаррарлиги принципини таъминлаш.
4. Коррупцияга қарши курашиш масалалари бўйича халкаро хамкорлик.

<sup>49</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 майдаги “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони. //Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси – [www.lex.uz](http://www.lex.uz)

---

**Иккинчидан,** Коррупцияга қарши курашиш бўйича республика идораларо комиссиясининг янгиланган таркиби тасдиқланди.

**Учинчидан,** коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги фаолият самарадорлигини оширишга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқиш бўйича маҳсус комиссия тузилиб, унинг устувор вазифалари белгилаб берилди.

Фармон асосида белгиланган эътиборга молик ишлардан бири шуки, келгусида коррупциянинг оқибатларидан кўра, унинг олдини олишга жиддий эътибор қаратиш керак. Жумладан, идоравий коррупцияга қарши курашишнинг самарали дастурларини амалга ошириш, уларнинг ҳисобдорлиги ва фаолиятининг очиқлиги механизмларини жорий этиш, одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этилиши ва манфаатлар тўқнашувининг олди олинишини таъминлаш бўйича амалий чора-тадбирларни баъжиш орқали тегишли соҳада коррупцияга оид ҳукуқбузарликларга имкон яратадиган сабаблар ва шарт-шароитларни таг-томири билан йўқотиш давлат органлари ва ташкилотлари раҳбарларининг биринчи даражадаги муҳим вазифаси этиб белгиланди.

Бундан ташқари, 2019 йил 1 июлдан бошлаб, давлат органлари зимасига юкланган вазифа ва функцияларни амалга оширишда юзага келадиган коррупция хавф-хатарларини вақти-вақти билан мажбурий баҳолаб борилишининг йўлга қўйилиши ҳамда 2019 йил 1 августдан бошлаб, эксперимент тариқасида, жамоатчилик ва етакчи эксперктларни, шу жумладан, хорижий экспертларни жалб этган ҳолда дастлабки босқичда капитал курилиш ва олий таълим соҳаларида “Коррупциясиз соҳа” лойиҳасини амалга ошириш вазифаси белгиланган эди.

Юқорида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида, 2019 йил 30 август куни Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори томонидан “Олий таълим тизимида коррупцияга қарши курашишни яна-да такомиллаштириш бўйича 2020 йилга мўлжалланган “Йўл харита” тасдиқланди.

“Йўл харита”да 7 та асосий йўналиш (Олий таълим соҳасида коррупцияга қарши курашиш бўйича умумий ташкилий-амалий чора-тадбирлар, олий таълим муассасаларига қабул жараён, таълим бериш ва талabalар билимини баҳолаш жараёнини такомиллаштириш, талабалар ўқишини кўчириш, ўқишига тиклаш, хорижий давлатларда берилган таълим ташкилотларини аттестация ва давлат аккредитациясидан ўтказиш, олий таълим муассасалари фаолиятини такомиллаш-

---

тириш, профессор-ўқитувчиларнинг ижтимоий химояси ҳамда уларга қўйиладиган талабларни такомиллаштириш ҳамда таълим тизимида бюджет маблағларининг мақсадли сарфланишини таъминлашга каратилган), 46 та амалий тадбирларни амалга ошириш белгиланди.

2020 йил апрель-май ойларида бевосита Республика Коррупцияга қарши курашиш комиссия ташаббуси билан Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳамда тегишли давлат органлари ҳамкорлигига яна 10 та соҳада (соғлиқни сақлаш, бандлик ва меҳнат муносабатлари, ички ишлар, қишлоқ ҳўялиги, мактабгача таълим, транспорт, энергетика вазирликлари, Давлат божхона хизмати тизимида, Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси, “Ўзбекнефтегаз” акциядорлик жамияти фаолиятида) ҳам коррупцияга қарши курашишда йўл ҳариталари тасдиқланди ва уларнинг устувор йўналишлари белгилаб берилди.

Коррупцияга карши муросасиз мухитни шакллантириш бўйича ишлар давом эттирилди. Хусусан, давлат органлари ва ташкилотларининг фаолиятида очиклик, ошкоралик ва шаффофликни таъминлаш ҳамда мансабдор шахсларнинг ахоли олдидаги хисобдорлигини йўлга қўйиш оркали давлат бошкарувида самарали ва таъсирчан жамоатчилик назоратини амалга ошириш учун зарур шароитлар яратилди.

Илк бор коррупциявий хавфларни аниклаш ва тизимли таҳлил килиш, уларни келтириб чиқарувчи омилларни бартараф килиш учун масъул бўлган алоҳида орган – Коррупцияга қарши курашиш агентлиги ташкил этилди. Давлат ҳокимияти органлари ва йирик ҳўжалик юритувчи субъектларда коррупцияга карши ички назорат тузилмалари фаолияти йўлга қўйилди.

Рақамли технологиялар имкониятидан кенг фойдаланган ҳолда транспорт воситаларига давлат ракам белгиларини бериш, нотариат ва бошка давлат хизматларини кўрсатиш, ер участкаларини ажратиш, йўл ҳаракати қоидаларига риоя этилишини назорат килиш каби кўплаб соҳаларда коррупция ва сунистъемолчиликларнинг олдини олишга каратилган самарали механизмлар жорий этилмоқда.

Шу билан бирга, кўрилаётган тизимли чораларга карамасдан, бюджет маблағларидан фойдаланиш, давлат ҳаридлари, капитал қурилиш, лицензия ва руҳсатномаларни олиш, банк кредитларини ажратиш, ишга кабул килиш каби йўналишларда коррупция холатлари сакланиб қолмоқда.

Шу муносабат билан коррупцияга карши курашиш ва коррупциявий

---

ҳолатларнинг барвақт олдини олиш тизими самарадорлигини ошириш, ушбу жараёнга жамоатчиликни кенг жалб этиш ва коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатда бўлиш мухитини шакллантириш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 6 июлдаги “Коррупцияга қарши муросасиз муносабатда бўлиш мухитини яратиш, давлат ва жамият бошқарувида коррупциявий омилларни кескин камайтириш ва бунда жамоатчилик иштирокини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6257-сонли Фармони қабул қилинди.

Фармонда мамлакат ривожланишининг бугунги босқичида коррупция Ўзбекистон давлати ва жамияти тараққиёти учун энг жиддий хавфхатарлардан бири эканлиги қайд этилиб, коррупция ҳолатларининг ҳар қандай кўринишларига нисбатан муросасиз муносабатда бўлиш ва унга қарши аёвсиз курашиш барча даражадаги давлат органлари раҳбар ва ходимларининг энг устувор вазифаси этиб белгиланди.

Шунингдек, Бош прокуратура, Коррупцияга қарши курашиш агентлиги, Давлат хавфсизлик хизмати ва Ички ишлар вазирлиги коррупциянинг ҳар қандай кўринишларига нисбатан жавобгарлик муқаррарлигини таъминлаш учун барча куч ва воситаларни сафарбар этиши лозимлиги қатъий ўрнатилди. Белгиланган аниқ чоралар сабабли коррупцияга нисбатан муросасиз кураш олиб борилмоқда. Хусусан, сўнгги икки йил ичида республика бўйича турли кўринишдаги коррупциявий жиноявлар содир этган мансабдор шахслар жавобгарликка тортилиб, бу жиноявлар оқибатида, давлатга ва фуқаролар манфаатларига етказилган қарийб 2 трлн. сўмлик зарарни ундириш чоралари кўрилди.

Шунингдек, кенг жамоатчиликнинг фикри ва таклифларини инобатга олиб, давлат бошқарувини коррупциядан холи соҳага айлантириш мақсадида, Коррупцияга қарши курашиш агентлиги томонидан “Коррупцияга оид жиноявларни содир этишда айбдор деб топилган шахсларнинг очиқ электрон реестри” юритилиши белгиланди. Реестрга киритилган шахсларга қўйидагилар тақиқланди:

давлатхизматига кириш ва давлатмукофотлари билан тақдирланиши;

сайланадиган ва алоҳида тартибда тайинланадиган лавозимларга номзодларининг кўрсатилиши;

давлат органлари ҳузуридаги жамоатчилик кенгашлари ҳамда идоралараро коллегиал органларнинг аъзоси бўлиш;

улар томонидан таъсис этилган ва (ёки) улар иштирокчиси ҳисобланган тадбиркорлик субъектлари давлат харидларида ва давлатхусусий шериклик тўғрисидаги битимда иштирокчи (ижрочи) сифати-

да қатнашиш, шунингдек, давлат активларини хусусийлаштириш билан боғлиқ тендер ва танлов савдоларида иштирок этиш;

давлат улуши 50 фоиздан юкори бўлган ташкилотлар ҳамда давлат таълим муассасаларида раҳбарлик лавозимларида фаолият юритиш.

Юкоридаги Фармон асосида 44-банддан иборат Коррупцияга карши курашиш бўйича 2021–2022 йилларга мўлжалланган давлат дастури тасдиқланди.

### **Коррупцияга қарши курашиш бўйича 2021–2022 йилларга мўлжалланган давлат дастурининг устувор йўналишлари**

I. Коррупцияга қарши курашиш механизмларини такомиллаштириш.

II. Давлат харидлари соҳасида коррупциявий хавф-хатарларни камайтириш ва манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш.

III. Коррупцияга қарши курашиш тузилмалари фаолиятини такомиллаштириш.

IV. Коррупцияга қарши курашиш бўйича халқаро стандартларни жорий қилиш ва халқаро ҳамкорликни кучайтириш.

V. Давлат органлари фаолияти очиқлигини таъминлаш, коррупцияга қарши курашиш бўйича тарғибот-ташвиқот ишларини амалга ошириш.

Мазкур Давлат дастури доирасида давлат бошқаруви соҳасида коррупциянинг олдини олиш максадида давлат органлари томонидан функцияларидаги коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш ва аниқланган хавф-хатарларни минималлаштириш бўйича самарали чораларни амалга ошириш, давлат органлари ва ташкилотларида

---

коррупцияга қарши ички назорат тузилмалари самарали фаолиятини ташкил этиш, коррупция давлат ва жамият тараққиёти учун энг жиддий хавф-хатарлардан бири эканлигини аҳоли ва давлат хизматчилари онгига сингдириш каби вазифаларнинг белгиланганлигини алоҳида қайд этиш жоиз.

Давлат дастури ижроси доирасида қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 12 январдаги “Коррупцияга қарши курашиш ишларининг самарадорлигини рейтинг баҳолаш тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-81-сонли қарорини алоҳида таъкидлаш жоиз. Чунки мазкур қарор асосида илк маротаба давлат органлари ва ташкилотлари, шу жумладан, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг коррупцияга қарши курашиш борасидаги фаолиятига оид самарадорлик кўрсаткичларини белгилаш ва уларни илфор халқаро стандартлар асосида баҳолаш тизими жорий этилди.

Мазкур қарор асосида Коррупцияга қарши курашиш ишларининг самарадорлигини рейтинг баҳолаш эксперимент тариқасида ўтказиладиган давлат органлари ва ташкилотлари, шу жумладан, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари рўйхати ҳамда Коррупцияга қарши курашиш ишларининг самарадорлигини рейтинг баҳолаш тартиби тўғрисида Низом тасдиқланди.

Ушбу қарорга мувофиқ, коррупцияга қарши курашиш ишларининг самарадорлигини рейтинг баҳолаш қўйидаги 5 та йўналиш бўйича белгиланган индикаторлар асосида амалга оширилади:

давлат ташкилотларида коррупцияга қарши курашиш бўйича механизм ва хуқуқий асосларнинг яратилганлиги ва амалиётга татбиқ этилганлиги;

коррупциявий хавф-хатарларни аниқлаш, баҳолаш ва уларни камайтириш бўйича тадбирларнинг амалга оширилганлиги;

давлат ташкилотлари раҳбарларининг коррупцияга қарши муросасиз муносабатни кўрсатувчи хатти-ҳаракатларининг мавжудлиги;

ходимларнинг коррупцияга қарши курашишга оид ички тартибтаомиллардан хабардорлиги ҳамда ушбу соҳада билим ва қўнималарини ошириш бўйича тадбирларнинг амалга оширилганлиги;

коррупцияга қарши курашиш бўйича тегишли соҳа ёки тармоқ кесимида аҳолининг хуқуқий онги ва хуқуқий маданиятини юксалтириш, ушбу иллатга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантиришга қаратилган тарғибот тадбирларининг самарадорлиги.

---

Рейтинг баҳолаш тизимининг 2022 йил 1 февралдан бошлаб, эксперимент тариқасида, ўз фаолиятида коррупцияга қарши менежмент тизимини жорий этаётган 26 та давлат ташкилотлари фаолиятига, 2022 йил 1 июлдан барча давлат ташкилотлари фаолиятига жорий этиш белгиланди. Шунингдек, Коррупцияга қарши курашиш бўйича миллий кенгаш, Коррупцияга қарши курашиш агентлиги ва бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда эксперимент натижаларини чукур таҳлил қилиш ва муҳокама қилиш ҳамда рейтинг баҳолаш тизимининг самарали ва тўлиқ жорий этилишини таъминлаш бўйича чораларни кўриши назарда тутилди.

Хулоса қилиб айтганда, давлат ва тармоқлар дараражасида қабул қилинган дастурлар ва қарорлар коррупцияга имкон берувчи сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этиш ҳамда коррупцияга қарши курашиш ишларининг самарадорлигини оширишга мустаҳкам замин яратмоқда.

### **Назорат саволлари**

1. “Коррупция ва манфаатлар тўқнашуви” тушунчасининг мазмунини очиб беринг.
2. Жамиятда коррупция ҳолатларининг келиб чиқиш сабабларини айтиб беринг.
3. Коррупцияга қарши курашиш соҳасида қонун ҳужжатлари тизими deganda нимани тушунасиз?
4. Коррупцияга қарши курашиш соҳасида қонун ҳужжатлари ривожида халқаро ҳуқуқ нормалари қандай роль ўйнайди?
5. Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуни мазмунини тушунтириб беринг.
6. Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуни шахсан сизга қандай масъулият юклайди?
7. Коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги қандай давлат дастурларини биласиз?
8. Коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги давлат дастурларининг сиз фаолият кўрсатаётган соҳага алоқаси борми?
9. 2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида коррупцияга қарши курашиш бўйича қандай вазифалар белгиланган?

## **V. БОБ. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ СОҲАСИДАГИ ДАВЛАТ СИЁСТИНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ**

### **5.1. “Коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги давлат сиёсати” тушунчаси ва унинг мақсади**

Коррупция иллати демократия ва хуқуқ устуворлиги асосларига путур етказади, инсон хуқуқларининг бузилишига олиб келади, эркин бозор фаолиятига тўсқинлик қиласди, ҳаёт сифатини ёмонлаштиради ва одамлар хавфзизлигига таҳдид соладиган уюшган жиноятчилик ва бошқа салбий ҳодисалар илдиз отиб, гуллаши учун шароит яратиб беради. Шу боис, ҳар қандай демократик давлат ушбу иллатга қарши кураш бўйича қатъий чораларни кўради. Ўз навбатида, ушбу чоралар давлат сиёсатининг мазмунини ташкил қиласди.

#### **КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ СОҲАСИДАГИ ДАВЛАТ СИЁСТИНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ**



Тарғибот ва таълим



Коррупциянинг олдини олиш



Коррупцияга  
чек қўйиш ва жавобгарлик

Назарий жиҳатдан ёндашганда коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги давлат сиёсати деганда, мамлакатда коррупция иллатига қарши курашиш тизими самарадорлигини ошириш, инсон хуқуқ ва ман-

---

фаатларини химоя килиш, ижтимоий адолатни таъминлаш, юкори даражадаги кулай ишбилармонлик мухитини яратиш, мамлакатнинг халқаро майдондаги имижи ҳамда обрў-этиборини оширишга каратилган чоратадбирлар мажмuinи тушуниш мумкин. Ушбу чора-тадбирлар мамлакат конунчилиги ва мамлакатда эътироф этилган халқаро хукуқ нормаларидан келиб чиқади.

Коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги давлат сиёсати оркали коррупциявий хукукбузарликлар бартараф этилади, мамлакатнинг барқарор ривожланиши таъминланади ҳамда конун устуворлиги ва ижтимоий адолат қарор топади. Шу боис, Ўзбекистонда ҳам коррупцияга қарши курашиш олиб борилаётган кенг камровли ислохотларнинг асосий йўналишларидан бири хисобланади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев: “Коррупциянинг хар қандай кўринишига муросасиз бўлиш кундалик ҳаёттарзимизга айланиши шарт”<sup>50</sup>, деб ҳакли равишда таъкидлайди.

Ўкув адабиётларида жамиятдаги коррупциянинг куйидаги бир қатор кўринишлари мавжуд эканлиги эътироф этилади:

*Маший коррупция.* Бу турдаги жиноятда фуқаро ўз ишини битириш учун мансабдор шахсга пора беради, мансабдор шахс ўз мансаб ваколатини сотиб, қонунга зид равишда, фуқаро томонидан берилган “совға” ёки пора эвазига унинг ишини битириб беради. Ушбу иллат, одатда, касалхоналар, таълим ташкилотлари, ички ишлар бўлимлари ва бошқа жойларда асосий давлат хизматларидан фойдаланиш жараёнида ҳокимиятнинг қуий ва ўрта бўғинлари мансабдор шахсларининг ваколатларини сунистеммол килишларида намоён бўлади.

*Ишбилармонлик коррупцияси.* Ушбу килмиш давлат хизматчилари ва тадбиркорлар ўртасида содир этилади. Яъни тадбиркор ўз ишини битириш учун давлат хизматчисига пора беради ёки моддий манфаатдор килади, давлат хизматчиси эса, ушбу тадбиркорни берилган пора ёки кўрсатилган хизмат эвазига ўз ваколатларини сунистеммол киласди. Бу эса, давлат маблағлари ва ресурсларининг самарасиз тақсимланиши ва сарфланишига, бизнесни юритишда кўп вакт ва моддий харажатларга, молиявий ва тижорат хавфларининг кенгайишига, нархларнинг ўсишига, ракобат мухитининг ёмонлашишига, хуфиёна иқтисодиётнинг ривожланишига, солиқ тушумларининг камайишига, инвестицион мухитнинг

---

<sup>50</sup> Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 2020 йил 29 декабрь // манба: <https://president.uz/uz/lists/view/4057>

---

ёмонлашишига, инвестицияларнинг камайиши ва умуман мамлакат иқтисодиёти самарадорлигининг пасайишига олиб келади.

*Юқори ҳокимият вакиллари коррупцияси.* Ушбу қилмиш мамлакатнинг юқори турувчи ҳокимият раҳбарлари, сиёсий партиялар, суд ҳокимияти, ҳукуқни муҳофаза қилувчи органлари томонидан содир этилади. Бунда сиёсий ўйинлар орқали мамлакат бошқарилади, уни сайлаган фуқароларнинг хоҳиш-иродасига зид равишда сиёсат юритилади, ошна-оғайнничилик орқали ҳукумат мансаблари эгалланади. Шунингдек, ушбу турдаги коррупция амалдаги давлат сиёсатини йўқقا чиқарадиган, ҳукумат даражасида амалга ошириладиган сиёсий ва ҳукумат раҳбарларига халқ ҳисобидан манфаат кўришга имкон берадиган ҳаракатларда намоён бўлади.

Юқорида қайд этилган коррупциянинг барча турларига умумий ёки ҳар бирига қарши алоҳида чоралар ишлаб чиқилади ва амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш түғрисида”ги Конунида илк маротаба коррупцияга қарши давлат сиёсатининг устувор йўналишлари белгилаб берилди.

Унга кўра, коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари қўйидагилардан иборат:

аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш;

давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларида коррупциянинг олдини олишга доир чора-тадбирларни амалга ошириш;

коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни ўз вақтида аниқлаш, уларга чек қўйиш, уларнинг оқибатларини, уларга имкон берувчи сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этиш, коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни содир этганлик учун жавобгарликнинг муқаррарлиги принципини таъминлаш.

Соддороқ ифода этганда, коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги давлат сиёсати тарғибот ва таълим, коррупциянинг олдини олиш, коррупцияга чек қўйиш ва жавобгарликнинг муқаррарлигини таъминлаш каби чораларни ўз ичига олади. Конунда ушбу йўналишлардаги вазифалар аниқ белгилаб берилди.

Коррупцияга қарши курашиш сиёсатини муайян ташкилот доирасида амалга ошириш эса, давлат сиёсати талабларидан келиб чиқиб, жорий этилади. Бунинг учун ҳар бир ташкилотнинг коррупцияга қарши курашиш сиёсати ишлаб чиқилади.

---

2020 йилнинг 24 январдаги Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида<sup>51</sup> коррупцияга карши курашишга масъул бўладиган ҳамда барча куч ва воситаларга эга бўлган алоҳида орган ташкил этиш таклиф этилгани мамлакат тарихида мухим ахамият касб этди. Шунга мувофиқ, 2020 йил 29 июняда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга карши курашиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-6013-сонли Фармони ва “Ўзбекистон Республикаси коррупцияга карши курашиш агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги ПК-4761-сонли қарори қабул килинди<sup>52</sup>.

### **Ташкилотда коррупцияга қарши курашиш сиёсати**

#### **МАҚСАДИ**

- Ташкилотда барча ходимлар томонидан амал қилиниши мажбурий бўлган тартиб-коидалар (стандартлар)ни жорий этиш, ходимларнинг соҳага оид хукукий маданиятини ошириш ва халолликни таъминлаш оркали ходимлар томонидан содир этилиши мумкин бўлган коррупциявий хукукбузарликларнинг олдини олиш

#### **ВАЗИФАЛАРИ**

- ходимларнинг хулк-атвор коидалари, касбий ва хизмат вазифаларини бажаришлари давомида фаолиятидаги муносабатларни тартибга солиша каратилган аник стандартларни белгилаш;
- ходимлар томонидан соҳага оид Ўзбекистон Республикаси конунлари ва конуности хужжатларини тушуниши ва уларга риоя этилиши;
- коррупциявий хавф-хатарларни минималлаштириш ҳамда манфаатлар тўқнашувини бошқариш ва бошқа тартибга солувчи хужжатлар оркали коррупция холатларининг олдини олиш

#### **АСОСИЙ ТУШУНЧАЛАР**

- коррупциявий хавф-хатар -коррупциявий хукукбузарлик – коррупция;
- маҳаллийчилик, уруғ-аймоқчилик, непотизм, фаворитизм, манфаатлар тўқнашуви;

---

<sup>51</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 2020 йил 24 январь // Манба: [www.president.uz](http://www.president.uz)

<sup>52</sup> Конун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 30.06.2020 й., 07/20/4761/1001-сон.

- 
- коррупцияга қарши курашиш тизими-коррупцияга қарши ички назорат тузилмаси;
  - давлат органлари ва ташкилотлари -мансабдор шахс – ходим – яқин қариндошлар – алоқадор шахс;
  - ҳалқаро ташкилот – контрагент.

Фармонга асосан, коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш соҳасида давлат сиёсатини шакллантириш ва амалга ошириш, давлат органлари, оммавий ахборот воситалари, фуқаролик жамияти институтлари ва бошқа нодавлат сектор вакилларининг биргаликдаги самарали фаолиятини таъминлаш, шунингдек, мазкур соҳадаги ҳалқаро ҳамкорлик учун масъул бўлган маҳсус ваколатли давлат органи – Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги ташкил этилди<sup>53</sup>. Шунингдек, Фармонга мувофиқ агентликнинг мақсади, вазифалари, ҳуқуқлари ва бошқа ташкилий масалалар белгилаб берилди.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикасининг Коррупцияга қарши курашиш бўйича миллый кенгashi ва унинг ҳудудий кенгашлари ташкил этилган бўлиб, Агентлик Миллый кенгашнинг ишчи органи этиб белгиланди. Бугунги кунда Миллый кенгаш ва унинг ҳудудий кенгашлари томонидан ҳар бир соҳа ва ҳудудлар бўйича коррупцияни бартараф этишга қаратилган тизимли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

## **5.2. Аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш – коррупцияга қарши курашнинг муҳим омили**

---

Бугунги Янги Ўзбекистоннинг стратегик мақсади ҳар томонлама ривожланган, эрkin ва фаровон, қонун устувор бўлган, инсонпарвар замонавий демократик давлатлар қаторига қўшилиш ҳамда бунинг учун мамлакатимизда барча соҳаларда мисли қўрилмаган даражада ислоҳотлар амалга оширилмоқда.

Жумладан, миллый ҳуқуқ тизимида ислоҳотларнинг янги даври бошланди. Инсон ҳуқуқ ва эркинликларини, унинг қонуний манфаатларини амалда таъминлашга нисбатан муносабатни тубдан ўзгартириш тизимдаги ислоҳотларнинг бош ғоясига айланди. Сўнгги беш йил давомида ислоҳотларни ҳуқуқий таъминлаш бўйича юзлаб қонун, фармон

---

<sup>53</sup> Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 30.06.2020 й., 06/20/6013/1002-сон

---

ва қарорлар қабул қилинди. Галдаги вазифалардан бири ушбу ҳуқуқий ҳужжатлардан фуқароларнинг хабардорлигини таъминлаш, уларнинг ҳуқуқий билимини мустаҳкамлашдан иборат. Зеро, ҳуқуқий маданияти юксак инсонлар ўз-ўзидан коррупция каби иллатлардан йироқлашади.

Таъкидлаш ўринлики, ҳуқуқий онг, ҳуқуқий маданият, ҳуқуқий саводхонлик ҳақида гап кетганда, кўпчилик фақат қонунларни билиш ёки улардан боҳабарлик даражасини тушунадилар. Аслида, бу жуда кенг тушунча бўлиб, давлат ва жамият ривожланганлигини белгилайдиган муҳим омилларни ҳам ўз ичига олади. Яъни ҳуқуқий маданияти юксак инсон қонунларга итоаткор бўлади, ҳамиша унга бўйсунади ва қонунларга нисбатан ҳурмат билан қарайди. Бундай инсонлар қонунларда белгиланган қоидаларга зид хатти-ҳаракат қилмайди, аксинча, бошқаларни ҳам шунга даъват этади. Ижтимоий-сиёсий фаол фуқаро жамиятда рўй берәётган воқеа-ҳодисаларга онгли муносабатда бўлиб, ислоҳотларга даҳлдорлигини сезиб, давлат ва жамият олдидаги фуқаролик масъулиятини ҳис қилиб яшайди. Энг муҳими, у мамлакат тараққиётига амалий ҳисса қўшишга ҳаракат қиласди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2019 йил 9 январдаги “Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида”ги ПФ-5618-сонли Фармони кенг жамоатчиликнинг ҳуқуқий онги, ҳуқуқий маданияти, ҳуқуқий саводхонлик даражаси юксалишида муҳим аҳамиятга эга.

Ушбу Фармонда аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга, жамиятда фуқароларнинг ҳуқуқий саводхонлиги даражасини оширишга тўсқинлик қилувчи муаммо ва камчиликлар сақланиб қолаётгани кўрсатилиб, уларни бартараф этишга оид тизимли вазифалар белгилаб берилган.

Таъкидлаш лозимки, давлат ва жамиятни тараққий эттириш умумжамият ишига айланиши керак, бунинг учун ҳар бир фуқаро ўзининг бу борада қатъий фуқаролик позициясини намоён этиши, фуқаронинг шахсий манфаати ҳеч қачон жамият манфаатидан устун бўлмаслиги лозим. Сабаби, қаердаки шахсий манфаат жамият ва давлат манфаатидан устун қўйилар экан, ўша ерда жиддий муаммо пайдо бўлади. Айтиш лозим бўлса, коррупция, таъмагирлик ва бошқа иллатлар вужудга келади. Бу икки манфаат ўртасидаги мувозанатни сақлаш ниҳоятда муҳим. Шундан келиб чиқиб, аввало, кенг жамоатчилик айниқса, давлат хизматчилари ўртасида ушбу мувозанатни ҳар қандай шароитда ҳам сақлаш ғоясини тизимли тарғибот қилиш лозим.

---

Ўзбекистон Республикаси “Коррупцияга қарши курашиш тұғрисида”ги Конунининг 16-моддасида ахолининг хукукий онги ва хукукий маданиятини юксалтириш, жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш устувор вазифа этиб белгиланган.

Бунинг учун давлат органлари ва бошқа ташкилотлар коррупцияга қарши курашиш мәксадида ахолининг хукукий онги ва хукукий маданиятини юксалтириш, жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш бүйіча зарур чора-тадбирлар күради, шу жумладан, коррупцияга қарши курашиш масалаларын доир тушунтириш ишларини амалға ошириш, хукукий тарбия ва таълимнни, илмий-амалий тадбирларни ташкил этиш, үкүв-услубий ва илмий адабиётларни ишлаб чикиш йўли билан зарур чора-тадбирларни күради.

Конунчиликда давлат органлари ва бошқа ташкилотлар ходимларининг хукукий саводхонлигини оширишга алоҳида эътибор қаратилган. Шунингдек, давлат органлари ва бошқа ташкилотлар ўз мансабдор шахсларининг ҳамда бошқа ходимларининг коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги хукукий саводхонлигини, шу жумладан, хукукий билимлари даражасини ошириш юзасидан зарур чора-тадбирлар күриши мажбурий этиб белгиланган. Мисол сифатида айтиш мумкинки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 6 июлдаги ПФ-6257-сонли Фармони билан тасдиқланган Коррупцияга қарши курашиш бүйіча 2021–2022 йилларга мүлжалланган Давлат дастурида коррупция давлат ва жамият тараққиёти учун энг жиғддий хавф-хатарлардан бири эканлигини ахоли ва давлат хизматчилари онгига сингдириш алоҳида вазифа сифатида белгиланган.

Бундан ташкари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 6 июлдаги “Коррупцияга қарши курашиш фаолиятини самарали ташкил этишга доир құшимчы чора-тадбирлар тұғрисида”ги ПК-5177-сонли қарорига мувофик, Коррупцияга қарши курашиш агентлиги, Адлия вазирилги, Давлат бошқаруви академияси ва Бишкек прокуратурасы 2022 йил 1 январдан бошлаб, “халоллик вакцинаси” тамойили асосида давлат хизматчиларини мунтазам равища коррупцияга қарши курашиш, манфаатлар түкнашуви ва одоб-ахлок коидалари бүйіча маҳсус үкүв курсларыда үқитиш тизимини жорий этиш йўлга кўйилди. Шунингдек, маҳсус электрон үкүв платформаси ишга туширилиб, у орқали давлат хизматчиларини масоғадан туриб үқитиш ҳамда хусусий сектор вакиллари ва ахолининг коррупцияга қарши курашиш борасидаги билимларини оширишни йўлга кўйиш вазифа сифатида белгиланди.

---

Эътиборга молик жихатлардан бири шуки, конунчиликда таълим муассасаларида коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги хукукий таълим ва тарбияни ташкил этиш қонун даражасида мустаҳкамланган. Унга кўра, таълим муассасаларида коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги хукукий таълим ва тарбия белгиланган давлат таълим стандартларига мувоғиқ амалга оширилади.

Давлат таълимни бошқариш органлари ва таълим муассасалари коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишларини инобатга олган ҳолда таълим муассасаларида хукукий таълим ва тарбияга, мутахассисларни касбий тайёрлашнинг сифатини оширишга, таълим дастурларини доимий равишда такомиллаштириб боришига қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чикиши хукукий жиҳатдан белгилаб берилди.

Шундай килиб, аҳолининг хукукий онги ва хукукий маданиятини юксалтириш жамият аъзолари ижтимоий-сиёсий фаоллигининг ошишига, жамиядаги ислоҳотларга уларнинг дахлдорлик туйғуси ривожланишига ва турли хукуқбузарлик ҳолатларининг бартараф этилишига хизмат килади.

### **5.3. Давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларида коррупциянинг олдини олиш**

---

Коррупциянинг олдини олиш давлат сиёсатининг устувор йўналиши этиб белгилангани бежиз эмас. Чунки коррупциянинг оқибатлари билан курашишдан кўра, унинг олдини олиш афзалдир. Шу боис, Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Конуни 4-боби коррупциянинг олдини олишга доир чора-тадбирларга бағишланган.

Конуннинг 19-моддасида давлат бошқаруви соҳасида коррупциянинг олдини олишга доир чора-тадбирлар қуидагилардан иборат эканлиги белгиланган:

давлат органлари фаолиятининг очиклиги ва уларнинг хисобдорлигини таъминлаш, давлат бошқаруви тизимининг самарадорлигини ошириш, давлат органларининг, улар мансабдор шахсларининг ва бошқа ходимларининг ўз зиммасига юклатилган вазифаларни бажариши юзасидан масъулиятини кучайтириш;

коррупцияга қарши курашиш соҳасида давлат органларининг фаолияти устидан парламент ва жамоатчилик назоратини амалга ошириш;

---

давлат органларининг ва улар ходимларининг фаолиятида коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларга йўл қўймаслик;

давлат органларининг мансабдор шахслари ва бошқа ходимлари томонидан ўз мансаб ёки хизмат мажбуриятларининг бажарилиши са-марадорлиги мезонларини, стандартлари ва унинг сифатини баҳолаш тизимларини жорий этиш;

давлат органлари ходимларининг касбий ҳамда хизматдан ташқари фаолиятдаги одоб-ахлоқининг ягона принциплари ва қоидаларини белгиловчи одоб-ахлоқ қоидаларини самарали амалга ошириш;

давлат органлари ходимлари манфаатларининг тўқнашувини ҳал қилишнинг ташкилий-хуқуқий асосларини такомиллаштириш, уларга риоҳ этилиши юзасидан мониторинг ўтказилишини таъминлаш;

давлат органлари ходимларининг хуқуқий мақомини белгилаш, хизматни ўташнинг шаффоф тартибини ўрнатиш, шахсий ва касбий сифатлар, очиқлик, беғаразлик, адолатлилик ва холислик принциплари асосида танлов бўйича саралаш ҳамда хизматда кўтирилиш тизимини жорий этиш;

давлат органлари томонидан жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисидаги қонунчилик талабларига риоя этилиши, му-рожаатларнинг тўлиқ, холисона ва ўз вақтида кўриб чиқилиши, улар томонидан жисмоний ва юридик шахсларнинг бузилган хуқуқлари, эр-кинликларини тиклаш ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича ўз ваколатлари доирасида чоралар кўрилиши устидан назоратни таъминлаш;

давлат органлари фаолиятида коррупциянинг олдини олишга доир тадбирларнинг амалга оширилиши юзасидан ушбу органлар томонидан кўрилаётган чора-тадбирлар самарадорлигини баҳолаган ҳолда мунта-зам равища мониторинг ўтказиши;

норматив-хуқуқий хужжатларнинг ва улар лойиҳаларининг коррупцияга қарши экспертизасини ташкил этиш;

давлат органларининг мансабдор шахслари ва бошқа ходимлари-нинг самарали ижтимоий ҳимоя қилиниши, моддий таъминот олиши ва рағбатлантирилишини таъминлаш.

Бундан ташқари, қонунчиликда давлат бошқаруви соҳасида коррупциянинг олдини олишга доир бошқа чора-тадбирлар ҳам назарда тути-лиши мумкин эканлиги белгиланган. Бунга мисол сифатида, Ўзбекистон Республикасининг “Давлат харидлари тўғрисида”ги Конунида белги-ланган чора-тадбирларни келтириш мумкин. Ушбу Конуннинг 3-модда-

---

сида белгиланишича, харид қилиш тартиб-таомилларини ташкил этиш ва ўтказишга доир талаблар давлат харидлари соҳасида коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларга йўл қўймаслиги керак. Бунда коррупциянинг олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар устувор бўлади. Шунингдек, давлат буюртмачилари давлат харидларини амалга ошириш тартиб-таомиллари тўғрисидаги ахборотнинг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаши керак.

Ушбу Конунга кўра, давлат харидларида коррупцияга йўл қўймаслик: инсофли рақобатни ва қарорлар қабул қилиш чофида холисона мезонлардан фойдаланишишини;

мониторинг ва назорат ўтказишнинг, шу жумладан, ички мониторинг ва назорат ўтказишнинг самарали тизими яратилишини;

ушбу Конун ва давлат харидлари соҳасидаги бошқа қонунчилик ҳужжатлари талабларининг бузилиши ҳолатлари тўғрисидаги маълумотлар ахборотнинг очиқ манбаларида эълон қилиб борилишини;

давлат харидлари тартиб-таомиллари ушбу Конунда белгиланган талабларга мувофиқ ўтказилишини таъминлаш кабиларни назарда тутади.

Давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларида коррупциянинг олдини олиш бўйича чора-тадбирлар миқёси жуда кенг ва унинг натижадорлиги жуда юқори ҳисобланади. Шу боис, бугунги фаол ислоҳотлар даврида коррупцияга қарши курашнинг профилактик чораларини фаол қўллаш зарур.

#### **5.4. Коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни ўз вақтида аниқлаш ва уларга чек қўйиш**

---

Коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни ўз вақтида аниқлаш ва уларга чек қўйиш коррупцияга қарши давлат сиёсатининг муҳим йўналишларидан бири ҳисобланади. Чунки ҳуқуқбузарларга нисбатан жавобгарликнинг муқаррарлиги таъминламасдан туриб, коррупцияга қарши самарали курашишнинг имконияти мавжуд эмас. Шу боис Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси ва бошқа қонунларда ушбу иллатга қарши жиддий жазо чоралари назарда тутилган.

Ўзбекистон Республикаси “Коррупцияга қарши курашиштўғрисида”ги Конунининг 5-боби коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни аниқлаш, уларга чек қўйиш, жавобгарликнинг муқаррарлиги белгилашни назарда тутади. Шунингдек, Конунда коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни ўз вақтида аниқлаш ва уларга чек қўйишга, коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни

---

содир этганлик учун жавобгарликнинг мукаррарлиги принципини таъминлашга доир чора-тадбирлар қуидагилардан иборат эканлиги белгиланган:

коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятни бевосита амалга оширувчи давлат органларининг коррупциянинг холатини ва тенденцияларини тизимли таҳлил килишга асосланган самарали ишини ташкил этиш, уларнинг фаолиятида коррупцияга оид хукуқбузарликларга йўл кўймаслик;

коррупцияга оид хукуқбузарликларга қарши курашнинг замонавий шакллари ва усулларидан фойдаланиш, хукукни муҳофаза қилувчи органларнинг техник таъминоти даражасини ошириш, уларнинг ишига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш;

судларнинг мустакиллиги ва эркинлиги, улар фаолиятининг очиклигини таъминлаш;

коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятни бевосита амалга оширувчи давлат органлари ўртасида мувофиқлаштириш ва ҳамкорликни таъминлаш;

жисмоний ва юридик шахсларнинг коррупцияга оид хукуқбузарликлар фактларига доир мурожаатлари тўлиқ, холисона ва ўз вақтида кўриб чиқилишини таъминлаш;

коррупцияга оид хукуқбузарликлар тўғрисида ахборот берган шахсларнинг химоя килинишини таъминлаш;

коррупцияга қарши курашнинг самарали жиноят-хукукий ва жиноят-процессуал механизмларини яратиш.

Хозиргиундамамлакатимизда коррупцияга оид хукуқбузарликларни ўз вақтида аниклаш, уларга чек кўйиш, уларнинг оқибатларини, уларга имкон берувчи сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этиш бўйича тизимли ишлар олиб борилмоқда. Хусусан, статистик маълумотларга кўра, 2017 йилда – 2881 нафар, 2018 йилда – 1907 нафар, 2019 йилда – 1339 нафар, 2020 йилда – 1723 нафар ва 2021 йилда – 2804 нафар мансабдор шахснинг жиноий жавобгарлик масаласи ҳал қилинган. Ушбу ракамлардан ҳам кўриш мумкинки, коррупциявий жиноятларнинг улуши юқорилигигча колмоқда. Унинг олдини олиш ва унга қарши кураш чораларни янада кучайтириш олдимиздаги вазифалардан бири бўлиб колмоқда.

Коррупциявий жиноятларнинг энг хавфли қўриниши, шубҳасиз, пораҳўрлик жиноятидир. Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги томонидан эълон қилинган маълумотларга кўра, Ўзбекистонда 2019 йилда – 177 та, 2020 йилда – 161 та, 2021 йилда – 91 та пора олиш жинояти содир этилган бўлиб, бу турдаги жиноятлар сўнгги уч йилда деярли 50 фоизга камайган.

2021 йилда 91 та жиноятдан 20 таси – ишга қабул қилиш, 8 таси – маъмурй чора қўрмаслик, 6 таси – ер ажратиш, 4 таси – қурилишга рухсат бериш, 3 таси – ердан ижара асосида фойдаланишга рухсат бериш, 3 таси – автотранспорт воситасини жарима майдончасидан чиқариш, 2 таси – постдан рухсатномасиз ўтказишга рухсат бериш, 2 таси – пенсия тайинлаш, 2 таси – давлат харидлари бўйича шартнома имзолаш учун улуш талаб қилиш, 2 таси – чегарадан ўтказиш билан боғлиқ. Қолган 39 та ҳолатда жиноятлар бошқа ваколатлардан фойдаланиш асосида содир этилган<sup>54</sup>.

Қайд этиш лозимки, қонунларни қабул қилиш, коррупцияга йўл қўйган мансабдорларни жавобгарликка тортиш муаммога асосий ечим эмас. Афсуски, коррупцияга қарши курашиш умумжамият ишига айланмас, унга ҳар бир шахс муросасиз муносабатда бўлмас экан, муаммо хавфли вирус каби жамиятда яшайверади. Бунинг учун ушбу муаммога қарши курашишни кучли умуммиллий, ижтимоий ҳаракатга айлантириш лозим. Ушбу ҳаракатда боғча тарбиячисидан тортиб, ўқитувчилар, тала-балар, шифокорлар, давлат хизматчилари, давлат идоралари биринчи раҳбарларигача, маҳалла раисидан тортиб, депутатларгача фаол иштирок этиши лозим.

Коррупцияга қарши муросасиз курашда давлат органлари ходимларининг коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар фактлари тўғрисида хабар қилиш мажбурияти алоҳида аҳамиятга эга. Шу боис Қонунда давлат органларининг ходимлари уларни коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар содир этишга кўндириш мақсадида, бирор-бир шахс ўзларига мурожаат этганлигига доир барча ҳоллар тўғрисида, шунингдек, давлат органларининг бошқа ходимлари томонидан содир этилган шунга ўхшаш ҳуқуқбузарликларнинг ўзларига маълум бўлиб қолган ҳар қандай факт-

<sup>54</sup> <https://kun.uz/news/2022/06/20/ozbekistondagi-poraxorlik-statistikasi-elon-qilindi>

---

лари хақида ўз раҳбарини ёхуд хуқуқни муҳофаза қилувчи органларни хабардор этиши шарт эканлиги белгиланган.

Бундан ташқари, коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ахборотни хабар қилувчи шахслар ва уларнинг яқин қариндошлари давлат химоясида бўлади. Бундан кўзланган мақсад шуки, ушбу иллатга қарши курашнинг самарадорлигини таъминлаш ва бошқа ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг олдини олишдир.

Шунингдек, коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар тўғрисида хабар қилувчи шахсларнинг ҳамда уларнинг яқин қариндошларининг ҳаётига ва соғлиғига ҳақиқий таҳдиидни, уларга нисбатан зўрлик ишлатилганлигини, уларнинг мол-мулки йўқ қилинганигини ёки шикастлантирилганини тасдиқловчи етарли асослар мавжуд бўлган тақдирда, коррупцияга қарши курашишни амалга оширувчи органлар “Жабрланувчиларни, гувохларни ва жиноят процессининг бошқа иштирокчиларини химоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ уларни химоя қилиш бўйича зарур чоралар кўриши шарт.

Коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни аниқлаш ва бартараф этишга оид ушбу чоралар ушбу иллатнинг бартараф этилишига ва фуқароларнинг хавфсиз ҳаёт кечиришига ишончли асос бўлиб хизмат қиласди.

## **5.5. Коррупциянинг оқибатларини, унга имкон берувчи сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этиш**

---

Афсуски, коррупция бошқарувнинг барча даражаларида учраши мумкин. Яъни глобал, миллий ва маҳаллий даражада. Барча турдаги субъектлар (жисмоний шахслар, корхоналар, давлат хизматчилари ва сиёsatчилар) коррупцияга ихтиёрий ёки ихтиёrsиз равишда жалб қилиниши мумкин.

Коррупция турли шаклларга эга: пораҳўрлик, товламачилик, фирибгарлик, мулкни ўзлаштириш, фитна, ҳокимиятни суиистеъмол қилиш, хушомадгўйлик, совға, қариндошлик, ҳомийлик ва бошқалар.

Коррупциянинг холатига турли омиллар: ижтимоий ва маданий шароит, институционал ва ташкилий тузилмалар, ахлоқий, сиёсий мухит, шунингдек, иқтисодий ва таркибий ўзгаришлар сиёсати ҳам таъсир қиласди.

Кўпгина мутахассислар коррупциянинг сабаблари сиёсий институтларнинг мукаммал эмаслигига боғлиқ деб билишади. Чунки мамлакат ички ва ташқи бошқариш механизмлари, асосан, ушбу институтларнинг

---

қандай ишлашига боғлиқдир. Бундан ташқари, аҳолининг қонунни билмаслиги ёки тушунмаслиги, мамлакатдаги сиёсий ҳолатнинг баркарор эмаслиги, хукумат институтларининг ўзаро ҳамкорликда харакат қилиш механизмининг йўклиги, мамлакат бюрократик аппаратнинг максадлари сиёсий элитага тобе холда ишлаши, унинг мамлакат ривожига суст холда ёндашиши, сиёсий ўйинларнинг авж олиши, юқори турувчи амалдорларнинг таниш-билиш, куда-анда бўлиб ҳукуматни бошқаришга ўз таъсирини ўтказиши, ижро хокимиятида бирликнинг йўқолиши, битта йўналишнинг бир нечта инстанциялар томонидан бошқарилиши, фуқароларнинг давлат бошқарувида иштирокининг сустлиги ва бошка ҳолатлар коррупциянинг сабаблариданdir.

Коррупцияга имкон берувчи сабабларни қуидаги жадвалда тўлароқ кўриш мумкин.

Коррупциянинг ривожланиб кетишига давлат секторида иш ҳақининг камлиги, давлат томонидан бозор иктисадиётининг “тартибга солиниши”, фуқароларнинг амалдорларга бўйсунуб қолиши, давлатнинг монополистик сиёсати, иктисаднинг баркарор эмаслиги, иктисадий ривожланишнинг пастлиги хам сабаб бўлиши мумкин.

Кўпгина мутахассислар томонидан билдирилган фикрларга асосланиб хулоса қилиш мумкинки, коррупциянинг пайдо бўлиши ва ривожланишига қуидаги омиллар сабаб бўлар экан:

1. Иктисадий ахвол (иш ҳақининг камлиги, давлат хизматчисининг шахсий бизнесга боғлиқлиги, инсофсиз рақобат, монополия ва бошқалар).
2. Институционал тузилмалар фаолиятидаги камчиликлар (давлат хизматчилари малакасининг камлиги, ички назоратнинг сустлиги, конунчиликдаги бўшликлар ва бошқалар).
3. Салбий ижтимоий-маданий омилларнинг (интизомсизлик, ҳалолликнинг етишмаслиги, жамоатчилик назоратининг етишмаслиги ва бошқалар) мавжудлиги.

## КОРРУПЦИЯГА ИМКОН БЕРУВЧИ САБАЛЛАР

### Иқтисодий аҳвол:

- Иш ҳақининг камлиги;
- Хизматда шахсий бизнесга алоқадорлик;
- Инсофсиз рақобат ва монополия;
- Давлатнинг иқтисодиётга аралашуви ва бошқалар.

### Салбий ижтимоий-маданий муҳит:

- Интизомсизлик;
- Ҳалолликнинг етишмаслиги;
- Жамоатчилик назоратининг етишмаслиги;
- Непотизм;
- Таниш-билишчилик;
- Бефарқлик ва бошқалар.

### Институционал тузилмалар:

- Давлат хизматчилари малакасининг пастлиги;
- Бошқарувнинг самарасизлиги;
- Ички ва ташки назоратнинг сустлиги;
- Бюрократик тўсиклар;
- Маъмурий тартиб-таомилларнинг мураккаблиги ва бошқалар.

### Хуқуқдаги бўшлиқлар:

- Қонунларни четлаб ўтиш имконияти;
- Қонунларнинг мураккаблиги;
- Идоравий манфаатларнинг устувоарлиги ва бошқалар.

---

Коррупцияга имкон берувчи сабаблар ва шарт-шароитларни бартараЕ этиш унинг оқибатларини бартараф этишдан яхшироқдир. Шу сабабли, Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тұғрисида”ги Қонунида давлат ва жамият ҳәётининг барча соҳаларида коррупциянинг олдини олишга доир чора-тадбирларни амалга ошириш давлат сиёсатининг устувор йўналиши сифатида белгиланган. Бу ҳақда кейинги параграфларда ҳам тұхталиб үтилади.

Конунчиликка мувофиқ, давлат органлари ва ўзга ташкилотларнинг мансабдор шахслари ҳамда бошқа ходимлари қонунчиликка риоя этиши, ўз мансаб ёки хизмат мажбуриятларини беғаразлик билан, холисона, вижданан, одоб-аҳлоқ қоидаларига риоя этган ҳолда бажариши ҳамда коррупцияга оид бирор-бир ҳукуқбузарликни содир этишдан ёки бундай ҳукуқбузарликларни содир этиш учун шарт-шароитлар яратадиган бошқа ҳар қандай ҳаракатлардан ўзини тийиши шарт.

Сўнгги йилларда коррупцияга қарши курашиш самарадорлигини ошириш, унинг олдини олишда **превентив choralarni** кучайтириш мақсадида, бир қатор муҳим ислоҳотлар амалга оширилди. Булар қаторида қуийдагиларни таъкидлаш ўринлидир:

**Бириңчидан**, давлат хизмати тизими, унинг мақсадлари ва вазифалари тубдан тасдиқланып, маъмур истроҳотлар концепцияси тасдиқланып, давлат органлари ходимларининг самарали ижтимоий химоя қилиниши, моддий таъминоти ва рағбатлантирилишини кучайтиришга қаратилған чоралар күрилди. Хусусан, охирги уч йилда давлат хизматчиларининг иш ҳақи бир неча баробарга оширилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланған Давлат фуқаролик хизматчилари одоб-аҳлоқининг намунавий қоидаларига асосан, барча вазирлик ва идораларда одоб-аҳлоқ меъёрлари белгиланды.

Ўзбекистон Республикаси Президенти хузурида Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги ва унинг қошидаги Давлат хизматини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш жамғармаси ташкил этилди. Меритократия ва очиқ танловлар асосида давлат фуқаролик хизматининг “карьера модели”ни жорий этиш ишлари бошланди;

**Иккинчидан**, тадбиркорлик фаолиятини жадал ривожлантиришга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга, тадбиркорликни ривожлантириш йўлидаги бюрократик тўсиқлар ва коррупциявий ҳолатларни бартараф этишга қаратилған аниқ ва мақсадли чоралар күрилди.

Давлат органларининг назорат-текширув вазифалари мақбуллаш-

тирилди. Тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини текшириш тизими такомиллаштирилди. Улар фаолиятига конунга хилоф равишда аралашишга йўл қўймаслик мақсадида, Тадбиркорларнинг хукукларини химоя килиш бўйича вакил институти жорий қилинди.

Савдо-саноат палатаси тизими тубдан қайта ислоҳ этилди, Давлат активларини бошқариш тизими такомиллаштирилди. Давлат харидларининг мутлақо янги тизими йўлга қўйилиб, соҳада ошкоралик, шаффофоникни таъминлаш, пировардида, коррупциянинг олдини олиш мақсадида, “Давлат харидлари тўғрисида”ги қонун қабул қилинди.

## КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ МУҲИМ ЧОРА-ТАДБИРЛАР

Очиқлик ва ҳисобдорлик

“Ҳалоллик вакцинаси” тамойили асосидаги таълим

Бюроқратик тўсиқларни бартараф этиш

Манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш

Самарали ички назорат тизими

Самарали ижтимоий ҳимоя

Давлат хизматлари кўрсатишни рақамлаштириш

Коррупцияга қарши экспертиза

Солик тизимини янада такомиллаштириш, иктисолиётда хуфиёна айланмани қисқартириш мақсадида, солик маъмуриятчилигини такомиллаштириш стратегияси ва янги таҳирirdагi Солик кодекси қабул қилинди.

2019 йилда бюджет маълумотларининг очикилигини янада ошириш мақсадида бюджет маблағларининг шаклланиши ва сарфланиши устидан парламент ҳамда жамоатчилик назоратини ўрнатишнинг янги

---

тартиби белгиланди. Унга кўра, Давлат бюджетини қонун тариқасида қабул қилиш амалиёти жорий қилинди.

Бюджет харажатларини тартибга солиш бўйича жамоатчилик назоратини амалга ошириш, бюджет қонунчилигининг бузилиши факлари тўғрисида хабардор қилиш ва бюджет жараёнини такомиллаштириш юзасидан таклифлар киритиш тартиб-таомилини ташкил этиш мақсадида, “**Openbudget**” – “**Очиқ бюджет**” портали ишга туширилди.

Шунингдек, сўнгги йилларда рақамли ва онлайн технологияларнинг кенг қўлланилиши давлат органларининг жамият олдидаги ҳисобдорлигини ошириди. Ер участкалари ва давлат активларини, шунингдек, автотранспорт воситалари учун давлат рақам белгиларини онлайн аукционда сотиш тизими йўлга қўйилди ҳамда доимий равишда такомиллаштириб борилмоқда.

Давлат харидлари тўғрисидаги маълумотлар [d.xagid.uz](http://d.xagid.uz) сайтига жойлаштириб борилмоқда. Очиқ маълумотлар портали ([data.gov.uz](http://data.gov.uz)), юридик шахслар ва тадбиркорлик субъектларининг ҳисобга қўйилган маълумотлари базаси ([www.my.gov.uz](http://www.my.gov.uz)) ва бошқа платформалар бугунги кунда коррупцияга қарши курашиш ва унинг олдини олишнинг энг самарали инструментлари бўлган очиқлик ва шаффофлик ҳамда жамоатчилик назорати принципини таъминлашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Давлат бошқаруви ва хўжалик органларида коррупцияга қарши курашиш бўйича самарали ички назорат (“комплаенс-назорат”) тизимини жорий қилиш ишлари бошланди.

Коррупцияга қарши “комплаенс-назорат” тизими жорий этилгандан кейин корхона-ташкилотларда ижобий натижалар қўлга киритилди. Хусусан, 2021 йил давомида кимёсаноат соҳасида 9 млрд. сўм камомад борлиги аниқланди ҳамда 53,4 млрд. сўм харажатларнинг иқтисод қилинишига эришилди. Шунингдек, соғлиқни сақлаш тизимида 58 млрд. сўм молиявий хато ва камчиликлар аниқланди, 22 млрд. сўм бюджет маблағларининг мақсадсиз сарфланишининг олди олинди. Халқ таълими тизимида 214 нафар мансабдор шахсларга нисбатан интизомий жазо чоралари қўлланилди, 34 нафар ходим лавозимидан озод этилди.

2019 йил 27 майдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонида<sup>55</sup> устав жамғармасида давлат улуши бўлган ташкилотларда коррупцияга

---

<sup>55</sup> Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси, 29.05.2019 й., 06/19/5729/3199-сон, 20.07.2019 й., 06/19/5769/3450-сон.

---

карши курашиш “комплаенс назорат” (compliance control) тизимини жорий этиш, унинг самарадорлигини мониторинг килиш ва коррупцияга қарши курашиш тегишли коррупцион стандарти (ISO 37001)га мувофиқ сертификатлаштириш тартибини ўрнатиш вазифаси белгиланган бўлиб, хозирда мазкур йўналишда ишлар амалга оширилмоқда;

**учинчидан**, давлат хизматларини тақдим этиш ва маъмурий тартиб-таомилларни тартибга солишининг хукукий ва институционал асослари такомиллаштирилди.

Хусусан, маъмурий ва бюрократик тўсиқларни бартараф этиш, рўйхатга олиш, лицензиялаш ва рухсат беришга доир тартиб-таомилларни соддалаштириш хамда уларнинг тезкорлигини ошириш максадида, барча худудларда жами 201 та давлат хизматлари марказлари ташкил килинди.

Ушбу марказлар томонидан 2018 йилда 37 турдаги давлат хизматлари кўрсатилиши бошланган бўлса, 2019 йилда уларнинг сони 130 га етган (карийб 3 бараварга ошган).

Хозирда Давлат хизматлари марказлари орқали 157 та (*davxizmat.uz/xizmatlar* тўлиқ рўйхат кўрсатилган) ва Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали 253 та (*my.gov.uz*) хизмат кўрсатиб келинмоқда.

Лицензиялаш ва рухсат бериш тизимини янада либераллаштириш хамда институционал жихатдан тубдан ислоҳ килиш ишлари амалга оширилди. Унга кўра, жорий йилдан бошлаб, лицензияланадиган фаолият ва рухсат этиш хусусиятига эга хужжатларнинг 26 таси – тўлиқ, 45 таси – бирлаштириш йўли ва 23 таси хабардор килиш тартиби жорий этилиши йўли билан бекор килиниши таъминланди.

2021 йил 1 январдан 37 та лицензия ва 10 та рухсатнома бекор килинди. Яширин иктисодиёт ва коррупцияга қарши курашишда вазирлик ва идоралар фаолиятини кучайтиришга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш хамда солик ва божхона маъмуриятчилигини такомиллаштириш бўйича “йўл ҳарита”си тасдиқланди;

**тўртингчидан**, суд-хукуқ соҳасида коррупцияга барҳам бериш тизимини тубдан такомиллаштиришга қаратилган кўшимча чора-тадбирлар белгиланди.

Хукукни муҳофаза килувчи органларнинг коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги максад ва вазифалари аниклаштирилди. “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги, “Давлат хавфсизлик хизмати тўғрисида”ги конунлар кабул килинди.

---

Шунингдек, чинакам мустақил суд ҳокимиятини шакллантириш, унинг нуфузини ошириш ҳамда судьялар мустақиллигини таъминлаш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгashi ташкил этилди, уларни танлаш, тайинлаш тизими такомиллаштирилди.

Судьялар мустақиллигини таъминлаш ва суд тизимида коррупциянинг олдини олиш бўйича давлат сиёсатининг асосий йўналишлари белгиланди. Судьялар олий кенгashi таркибида судьялар дахлизилигини таъминлаш ва коррупциянинг олдини олиш бўйича суд инспекцияси тузилди. “Ибратли судья” мукофоти жорий этилди.

Суд ҳокимияти мустақиллигини янада кучайтириш, судьялар дахлизилигини таъминлаш ҳамда тизимда коррупциянинг олдини олиш бўйича чора-тадбирлар режаси қабул қилинди.

Илк бор судьялик лавозимларига номзодларни танлаш бўйича имтиҳон жараёнларини Интернет тармоғи (веб-сайт) орқали онлайн тарзда ёритиб боришни йўлга кўйиш, судьяликка номзодларни танлаш ва тайинлаш тартиби ҳамда судья фаолиятининг самарадорлигини электрон рейтинг орқали очиқ ва шаффоф баҳолашни таъминлайдиган аниқ мезонларни ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ этиш белгиланди;

**бешинчидан, “Халқ давлат органларига эмас, давлат органлари халққа хизмат қилиши керак”,** деган халқчил тамойил асосида барча поғонадаги мансабдор ва масъулларнинг одамлар ичига кириб бориш, уларнинг муаммоларини уйма-уй юриб ҳал этиш тизимининг жорий этилгани коррупцияга қарши курашишда ўзининг самарасини бера бошлади.

Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш учун Халқ қабулхоналари, Президент портали, Бosh вазирнинг Тадбиркорлар мурожаатларини кўриб чиқиш қабулхоналари ҳамда давлат органлари ва ташкилотларининг “ишонч телефон”лари жорий қилинди.

Республика бўйлаб 209 та Халқ қабулхонаси ташкил этилиб, фуқароларнинг хукуқларини тиклаш устувор вазифа сифатида белгиланди. Шунингдек, олис ҳудудларга барча даражадаги раҳбарларнинг сайёр қабулларини ўтказиш амалиёти йўлга кўйилди.

Халқ қабулхоналари фуқароларнинг ўзи яшаётган ҳудудда ҳамда бутун мамлакатда юз берадиган воқеаларга бефарқ бўлмасдан фаол иштирок этишига имконият яратди. Халқнинг ҳар бир масала бўйича тўғридан-тўғри мурожаат қилиш эркинлиги таъминланиши, мансабдорларнинг халқ билан бевосита мулоқотга кириша бошлаганининг ўзиёқ қўйи ва ўрта тизимдаги коррупция даражасининг қисқаришига сабаб бўлди;

---

**ОЛТИНЧИДАН**, жамиятда парламентнинг, ўзини ўзи бошқариш органларининг ҳамда нодавлат нотижорат ташкилотларининг мавқеи кучайтирилгани, уларга давлат хокимияти идоралари фаолияти устидан парламент ва жамоатчилик назоратини таъминлаш бўйича кенг ваколатлар берилгани ҳам мухим ахамият касб этмоқда.

Олий Мажлис палаталарида Коррупцияга қарши курашиш ва судхуқуқ масалалари бўйича қўмиталар ташкил этилгани ушбу соҳада самарали парламент назоратини амалга оширишда мухим ахамият касб этмоқда.

Шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳалқ депутатлари кенгашлари, туман ва шаҳар ҳалқ депутатлари кенгашларининг таркибида қонунийликни таъминлаш ва коррупцияга қарши курашиш бўйича **худудий комиссиялар** ташкил этилди.

Бундан ташқари, оммавий ахборот воситалари, журналист ва блогерлар эркинлигини таъминлашга, давлат идораларининг жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари учун очик бўлишига, раҳбарларнинг кундалик фаолиятида журналистлар билан яқин мулоқот ва ҳамкорлик ўрнатишига қаратилган амалий чора-тадбирлар кўрилди. Натижада, мансабдорларнинг ҳар бир хатти-харакати жамоатчилик кўз олдида бор ҳолича намоён бўла бошлади. Зоро, очиқлик-ошкоралик мавжуд жойда коррупцияга кўлuriш мураккаблашади;

**ЕТТИНЧИДАН**, коррупцияга оид хуқуқбузарликларни ўз вақтида аниқлаш, уларга чек қўйиш, уларнинг оқибатларини, уларга имкон беरувчи сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этиш бўйича тизимли ишлар олиб борилмоқда.

Коррупция хавфи юқори бўлган олий таълим, кадастр, соғлиқни саклаш, курилиш, банк, молия ва бошқа коррупция холатлари кузатилётган соҳалар тахлил қилиниб, коррупциянинг юзага келишига сабаб бўлаётган омиллар ва шарт-шароитларни бартараф этишга қаратилган чора-тадбирлар амалга ошириб келинмоқда.

Хусусан, 2019-2020 йилларда эксперимент тариқасида, жамоатчилик ва етакчи эксперктларни, шу жумладан, хорижий эксперктларни жалб этган холда капитал қурилиш ва олий таълим соҳаларида “Коррупциясиз соҳа” лойихаси амалга оширилди. 2020 йилдан эса, шу каби лойихалар кўлами кенгайтирилди;

**САККИЗИНЧИДАН**, коррупцияга қарши курашиш борасидаги ҳалқаро рейтинг ва индексларда Ўзбекистон Республикасининг ўрнини яхшилаш юзасидан самарали ишлар олиб борилмоқда.

---

Хусусан, мамлакатнинг инвестициявий жозибадорлиги ва халқаро майдондаги обўсуни мустаҳкамлаш, давлат органлари ҳамда ташкилотларида халқаро рейтинг ва индекслар билан ишлашнинг янги механизмларини жорий қилиш мақсадида Халқаро рейтинг ва индекслар билан ишлаш бўйича республика кенгаши ташкил этилди.

Ўз навбатида, инсон ҳуқуқлари ҳимоясини кафолатлаш, аҳоли турмуш даражасини ошириш, иқтисодий фаолиятда эркинликни таъминлаш, суд-ҳуқуқ соҳасидаги моддий ва процессуал нормаларни такомиллаштиришга қаратилган ислохотлар натижасида, Ўзбекистоннинг халқаро рейтинг ва индекслардаги кўрсаткичлари ошиб бормоқда.

Жумладан, 2022 йил январь ойида “Transparency International” халқаро ноҳукумат ташкилоти томонидан 2021 йил учун “Коррупцияни қабул қилиш индекси”нинг янгиланган рейтинги эълон қилинди. Унга кўра, Ўзбекистон 2020 йилга нисбатан 6 поғонага кўтарилиб, 180 та мамлакат орасида 140-ўринни эгаллади.

Ўзбекистон мазкур индексда сўнгги беш йил давомида барқарор ўсишни (2016 йилда 21 баллдан 2020 йилда 28 баллгача) қайд этиб, минтақадаги тез суръатларда яхшиланиб бораётган давлатлар қаторида эътироф этилди.

2020 йил март ойида “World Justice Project” халқаро фуқаролик жамияти ташкилоти томонидан эълон қилинган “Ҳуқуқ устуворлиги” индексида Ўзбекистон 0,47 балл билан 92-ўринни эгаллаган. Мазкур ҳисоботда Ўзбекистоннинг энг катта ўзгариши “Коррупциянинг мавжуд эмаслиги” кўрсаткичида қайд этилган бўлиб, 0,40 балл билан 89-ўрин бўлган (2019 йилда 0,38 балл билан 95-ўрин).

Шунингдек, 2020 йилнинг сентябрь ойида эълон қилинган Жаҳон банки Бошқарув сифати индикаторларининг 2019 йил учун дунё мамлакатлари рейтингида Ўзбекистон “Коррупцияни назорат қилиш” индексида 214 та давлат орасида 179-ўринни (2018 йилда – 183-ўрин) эгаллади.

Бундан ташкари, 2020 йилнинг декабрь ойида “Open Data Watch” халқаро нотижорат ташкилоти томонидан эълон қилинган очик маълумотлар рейтингида Ўзбекистон 63 балл билан жаҳон бўйича 187 мамлакат орасидан 44-ўринни, Марказий Осиёда эса 1-ўринни эгаллади.

Ҳисоботда Ўзбекистон ушбу кўрсаткич бўйича 2018 йилга нисбатан 125 ўринга юқорилаган икки мамлакатдан бири сифатида эътироф этилган.

Коррупцияни қабул қилиш индекси эксперталар ва ишбилармон доираларнинг давлат секторидаги коррупцияга доир аниқ масалалар

бўйича бахоларини акс эттирувчи 13 та манбадан олинган маълумотларга асосланади. Мазкур манбалар мамлакат сиёсий, иктисадий ва ижтимоий хаётининг барча соҳаларини ўз ичига олади. Мазкур манбалардаги деярли барча индексларда Ўзбекистон баркарор ўсишни кайд этмоқда.

Масалан, “Bertelsmann foundation transformation index” да 3.73 (2018) баллдан 4.08 (2020) баллга; “The economist intelligence unit country report”да ўтган йилга нисбатан 1,6 фоизга (пандемия шароитида жуда кам давлатларда ўсиш кайд этилган); Жаҳон банкининг давлат тизими ва институти рейтингида 2.5 (2016) баллдан 4.0 (2019) баллга ўсиш кайд этилган;

**Тўққизинчидан**, коррупцияга қарши курашиш соҳасида хорижий давлатлар ва ҳалқаро ташкилотлар билан самарали ҳамкорлик ишлари олиб борилмоқда. Шунингдек, коррупцияга қарши курашиш соҳасида меъёрий ва ташкилий-амалий базани такомиллаштириш жараёнига ҳалқаро ташкилотлар (БМТ НЖҚҚБ, БМТТД, ИҲТТ, ЕХХТ, ШҲТ, ЕОГ ва бошқалар) жалб килинмоқда.

Таъкидлаш жоизки, юкорида кайд этилган ишлар кисқа вакт ичida амалга оширилиб, ўзининг ижобий натижасини бера бошлади. Жамиятда коррупцияни йўқотиш мумкин эканлигига ишонч пайдо бўлди. Галдаги вазифа эса, ушбу ишларни изчил давом эттириш ва давлат органлари ва кенг жамоатчиликни коррупцияга қарши курашга фаол жалб этиш зарур.

## **Назорат саволлари**

1. Коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги давлат сиёсати деганда нимани тушунасиз?
2. Жамиятда коррупциянинг кандай кўринишлари мавжуд?
3. Коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги давлат сиёсатининг мақсади нимадан иборат?
4. Коррупцияга қарши курашишда ахолининг хукукий онги ва хукукий маданиятини юксалтиришнинг ўрнини тушунириб беринг.
5. Давлат ва жамият хаётининг барча соҳаларида коррупциянинг олдини олиш кайси йўналишларда амалга оширилади?
6. Коррупцияга оид хукукбузарликларни ўз вактида аниқлаш ва уларга чек кўйиш деганда нимани тушунасиз?
7. Коррупциянинг оқибатларини, унга имкон берувчи сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этиш кандай мақсадда амалга оширилади?
8. Қарши курашиш йўналишида кандай превентив чоралар амалга оширилди?

---

## **VI БОБ. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ БҮЙИЧА ФАОЛИЯТНИ АМАЛГА ОШИРУВЧИ ВА УНДА ИШТИРОК ЭТУВЧИ ОРГАНЛАР ҲАМДА ТАШКИЛОТЛАР**

### **6.1. Коррупцияга қарши курашиш бүйича фаолиятни бевосита амалга оширувчи давлат органлари тизими**

---

Мамлакатимизда коррупцияга қарши курашиш бүйича фаолиятни амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи органлар ҳамда ташкилотлар фаолияти Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Сонуни ҳамда хар бир орган фаолиятини тартибга солувчи қонунчилик хужжатлари билан тартибга солинади.

Жумладан, “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуннинг 2-боби бевосита коррупцияга қарши курашиш бүйича фаолиятни амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи органлар ҳамда ташкилотлар фаолиятни тартибга солиша каратилган умумий қоидаларни белгилайди.

Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш фаолиятини амалга оширувчи давлат органларини иккита асосий тоифага таснифлаш мумкин:

Коррупцияга қарши курашиш бүйича фаолиятни бевосита амалга оширувчи давлат органлари тоифасига: Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги, Бош прокуратура, Давлат хавфсизлик хизмати, Ички ишлар вазирлиги, Адлия вазирлиги ҳамда Бош прокуратура хузуридаги Иктисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти киради.

БМТнинг Коррупцияга қарши конвенциясининг 6-моддасига биноан, хар бир иштирокчи давлат ўз хукукий тизимларининг асосий тамойилларига мувофиқ, куйида кўрсатилган чоралар ёрдамида, коррупциянинг олдини олиш ишларини амалга оширадиган орган ёки, тегишли ҳолатларда, органлар мавжуд бўлишини тъминлайди. Мазкур орган коррупцияга қарши сиёсатни олиб бориш, бундай сиёсат олиб борилишини назорат килиш ва мувофиқлаштириш ҳамда коррупциянинг олдини олиш масалалари бўйича билимларни кенгайтириш ва тарқатишга масъул.

Давлат мазкур орган ёки органларга, улар хар кандай номакбул таъсирдан холи шароитларда ўз вазифаларини самараали бажаришлари мумкин бўлиши учун, ўз хукукий тизимларининг асосий тамойилларига

---

мувофик, зарурий мустақилликни таъминлайди. Уларга юклатилган функцияларни бажариш учун талаб этилиши мумкин бўлган керакли моддий ресурслар ва мутахассис ходимларни таъминлаш лозим.

## **КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШДА МАХСУС ВАКОЛАТЛИ ОРГАНЛАРИ**



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ  
КУРАШИШ АГЕНТЛИГИ



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
БОШ ПРОКУРАТУРАСИ



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ДАВЛАТ ХАВФСИЗЛИК ХИЭМАТИ



БОШ ПРОКУРАТУРА ХУЗУРИДАГИ  
ИКТИСОДИЙ ЖИНОЯТЛАРГА  
ҚАРШИ КУРАШИШ  
ДЕПАРТАМЕНТИ



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

Жамият ва давлат ҳаётининг барча соҳаларида коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашишга қаратилган давлат сиёсатининг самарадорлигини ошириш мақсадида, Президентнинг 2020 йил 29 июлдаги “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-6013-сонли Фармонига асосан, Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги (кейинги ўринларда – Агентлик) ташкил этилди.

“Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуннинг 8<sup>1</sup>-моддасига биноан, Агентлик коррупцияга қарши курашиш соҳасида ўз ваколатлари доирасида: коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш соҳасидаги давлат сиёсатини шакллантиради ва амалга оширади, ҳар йили Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тўғрисида миллий маъруза тайёрлайди ҳамда уни кўриб чиқиш учун Ўзбекистон Республикаси Президентига ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарига киритади, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг ва Сенатининг коррупцияга қарши курашишга дахлдор бўлган қўмиталари, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг тегишли қўмитаси, ҳалқ депутатлари вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар, туман ва шаҳар Кенгашларининг коррупцияга қарши курашиш комиссиялари билан ҳамкорлик қиласида, коррупцияга

оид жиноятларни, биринчи навбатда, Ўзбекистон Республикасининг миллий манбаатларига ва халқаро обўсига путур етказадиган коррупцияга оид жиноятларни тергов қилиш натижаларини комплекс тахлил қиласди, унинг якунлари тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентига ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарига ахборот беради.

*Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашии агентлиги коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашии соҳасида давлат сиёсатини шакллантириш ва амалга ошириш, давлат органлари, оммавий ахборот воситалари, фуқаролик жамияти институтлари ва бошка нодавлат сектор вакилларининг биргаликдаги самарали фаолиятини таъминлаш, шунингдек, мазкур соҳадаги халқаро ҳамкорлик учун масъул бўлган маҳсус ваколатли давлат органи сифатида белгиланди.*

Бундан ташқари, Агентлик коррупцияга оид жиноятлар туфайли жамият ва давлат манбаатларига етказилган заарнинг ўрни тўлиқ қопланишига эришилиши устидан назоратни амалга оширади, норматив-хуқуқий хужжатлар ва уларнинг лойихаларининг коррупцияга қарши экспертизасини ўтказиш тизими самарадорлигини тахлил қиласди, ушбу тизимни такомиллаштириш юзасидан таклифлар киритади, фуқаролик жамияти институтлари билан биргаликда коррупциянинг даражасини, шу жумладан, худудлар, иқтисодиёт тармоқлари ва бошقا соҳалар кесимидағи даражасини баҳоловчи Коррупцияни идрок этиш миллий индексини тузишни ташкил этади.

Агентлик давлат харидлари соҳасида коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш мақсадида давлат буюртмачисининг ISO: 37001 коррупцияга қарши стандартни қўллашини назарда тутувчи талабни белгилайди, жойларда коррупциянинг олдини олишга қаратилган худудий дастурлар ишлаб чиқилиши ва амалга оширилишини ташкил этади, коррупция холатларига доир материалларни қонунчиликда белгилangan тартибда оммавий ахборот воситаларига тақдим этади, вазирликлар ва идораларнинг коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштиради, давлат органларининг, оммавий ахборот воситаларининг, фуқаролик жамияти институтларининг ва бошقا нодавлат сектор вакилларининг ушбу масалалар бўйича самарали ҳамкорлигини ташкил этади, ижро ҳокимияти ва ҳўжалик бошқаруви органлари ҳамда уларнинг мансабдор шахслари

---

карорларида коррупция белгилари аникланган холларда уларнинг ижросини тұхтатиш ёки бекор қилиш тұғрисида күриб чиқилиши мажбурий бўлган такдимномалар киритади.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг коррупцияга карши курашиш соҳасидаги ваколатлари 2001 йил 29 августдаги Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тұғрисида”ги Қонунида (янги таҳрири) ўз аксини топган. Қонуннинг 4-моддасига биноан, Прокуратура органлари ўз фаолиятини солик интизомини мустахкамлашга, солик, валюта соҳасидаги жиноятлар ва хукукбизарликларга карши курашга, шунингдек давлатга етказилган иқтисодий заарни қоплашга масъулдир.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси коррупцияга карши курашиш фаолиятини: Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, “Прокуратура тұғрисида”ги Қонуни ва бошқа қонунчилик ҳужжатлари, прокуратура органлари ва муассасаларида хизматни ўташга доир норматив-хукукий ҳужжатлар, Бош прокуратура хайъатининг карорлари, Бош прокурор буйруклари, фармойишлари, кўрсатмалари асосида олиб боради.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ўз ваколатлари доирасида:

коррупцияга карши курашиш соҳасидаги давлат дастурларини ва бошқа дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда иштирок этади;

коррупцияга қарши курашиш тұғрисидаги қонун ҳужжатларининг аник ва бир хилда ижро этилиши устидан назоратни амалга оширади;

коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги тезкор-қидируг фаолиятини, сурыштиругни, дастлабки терговни, шунингдек хукукбизарликлар профилактикасини амалга оширувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштиради;

коррупция билан боғлиқ жиноятлар бўйича дастлабки терговни амалга оширади;

коррупциянинг ҳолати ва коррупцияга карши курашиш натижалари тұғрисидаги ахборотни йиғиши ҳамда таҳлил қилишни амалга оширади;

жисмоний ва юридик шахсларнинг коррупция фактларига доир мурожаатларини күриб чиқади ҳамда уларнинг бузилган хукукларини тиклаш ва конуний манфаатларини химоя килиш чораларини кўради;

коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги конун ижодкорлиги фаолиятида, шу жумладан, қонунчилик ташаббуси хукукини амалга оширишда иштирок этади;

---

аҳоли ўртасида жамиятда ҳуқуқий онгни, ҳуқуқий маданиятни юксалтиришга ва қонунийликни мустаҳкамлашга қаратилган ҳуқуқий тарғиботга доир фаолиятда иштирок этади;

коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларнинг ўз вақтида олди олининши, аниқланиши ва уларга чек қўйилишини таъминлашга, уларнинг оқибатларини, шунингдек, уларга имкон берувчи сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этишга доир тадбирларни ишлаб чиқади ҳамда амалга оширади;

коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи бошқа органлар ҳамда ташкилотлар билан ҳамкорлик қиласди;

коррупцияга қарши курашиш соҳасида халқаро ҳамкорликни амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин:

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги чора-тадбирларни мувофиқлаштириш бошқармаси тизимида коррупцияга қарши курашиш соҳасида ташкилий-амалий ва ҳуқуқий механизmlар самарадорлигини такомиллаштириш юзаси-дан таклифлар ишлаб чиқиш;

қонунчилик ҳужжатлари, давлат дастурлари ва бошқа ҳужжатларда белгиланган коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги вазифалар ва чора- тадбирларнинг тегишли ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва бошқа давлат органлари томонидан бажарилишини ўрганиш;

коррупцияга қарши курашиш соҳасида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, тезкор-қидирав, суриштирув ва дастлабки терговни амалга оширувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштиришда иштирок этиш;

коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги қонунчилик ижроси устидан прокурор назорати ахволини таҳлил қилиш, коррупцияга оид жиноятларнинг оқибатлари ҳамда уларнинг содир этилишига имкон берган сабаб ва шарт-шароитларни бартараф этишга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқиш каби вазифаларни бажариш.

Бошқарма Бош прокуратуранинг мустақил таркибий тармоғи ҳисобланади ҳамда коррупция қарши курашиш соҳасидаги чора-тадбирларни мувофиқлаштиради, мазкур соҳага доир қонунчилик ҳужжатлари ижросини таҳлил қиласди, коррупцияга оид жиноятлар бўйича терговга қадар текширув ва дастлабки тергов ўтказилиши устидан назорат олиб боради, ташкилий-услубий, ахборот-таҳлилий ва назорат тадбирларини амалга оширади.

---

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Уюшган жиноятчилик ва коррупцияга қарши курашиб бошқармаси коррупциявий жиноятларни барвақт аниқлаш ва уларнинг олдини олиш, жиноятнинг оқибатлари ҳамда унинг содир этилишига имкон берган сабаб ва шарт-шароитларга барҳам бериш чораларини кўриш;

коррупцияга оид кўп эпизодли, мураккаб ва долзарб жиноятлар бўйича дастлабки тергов ва терговга қадар текширувни синчковлик билан, ҳар томонлама, тўла ва холисона ўтказиш, натижаси бўйича қонуний қарорлар қабул қилиш;

Бош прокуратура раҳбариятининг топшириғига асосан, коррупциявий, шу жумладан, уюшган, мансабдорлик ва иқтисодий жиноятлар бўйича дастлабки тергов ҳаракатларини ташкиллаштириш ва ўтказиш, тергов гурухлари фаолиятига раҳбарлик қилиш;

иш юритувидаги жиноят ишлари бўйича барча айбдор шахсларнинг аниқланиши ва қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгарликка тортилишини, фуқароларнинг бузилган ҳуқуқлари тикланишини, жисмоний ва юридик шахслар ҳамда давлатга етказилган заарнинг ундирилишини таъминлаш чораларини кўриш;

терговга қадар текширув ва дастлабки тергов босқичларида жиноят-процессуал қонунчилик талабларига қатъий риоя этиш, шахснинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфатлари бузилиши ҳамда шаъни ва қадр-қиммати поймол этилишининг олдини олиш;

жиноятларни тергов қилишнинг илғор усуллари, криминалистик-техника воситалари, замонавий ахборот технологиялари, шунингдек, илмий ва экспертиз тадқиқотлар натижаларини тергов амалиётига жорий қилиш каби вазифаларни бажаради.

Бошқарма Бош прокуратуранинг мустақил таркибий тармоғи ҳисобланади ҳамда коррупциявий жиноятларни барвақт аниқлаш ва уларнинг олдини олиш, жиноятнинг оқибатлари ҳамда унинг содир этилишига имкон берган сабаб ва шарт-шароитларга барҳам бериш чораларини кўриш борасида, ташкилий-услубий, ахборот-таҳлилий ва назорат тадбирларини амалга оширади.

2018 йил 5 апрелда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси “Давлат хавфсизлик хизмати тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ, Давлат хавфсизлик хизматининг (кейинги ўринларда – ДХХ) асосий вазифалари Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузуми, суворенитети, худудий яхлитлиги ҳамда бошқа давлат манфаатларини ташқи ва ички таҳдидлардан ҳимоя қилишдан, қонунийликни мустаҳкамлаш ва қонун

---

устуворлигини таъминлашдан, шунингдек, Давлат хавфсизлик хизматининг ваколатига киритилган хукукбузарликларнинг олдини олиш, уларни аниклаш ва уларга барҳам беришдан иборат.

ДҲХ давлат хавфсизлигини таъминлаш максадида, ўз фаолиятини маҳсус воситалар, шакллар ва услублар билан амалга оширадиган маҳсус ваколатли давлат органидир.

ДҲХ ўз ваколатлари доирасида: коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги давлат дастурлари ва бошқа дастурларни ишлаб чикиш ҳамда амалга оширишда иштирок этади. Дарҳақиқат, ДҲХ бошқа хукукни муҳофаза килювчи органлар каби коррупцияга қарши фаолиятни тартибга солувчи давлат дастурлари ишлаб чикишда иштирок этади ҳамда давлат дастурларида кўрсатилган вазифаларни ўз ваколати доирасида (“Давлат хавфсизлик хизмати тўғрисидаги” Қонуннинг 5-моддаси 10-қисмига кўра) амалга оширади; коррупция билан боғлиқ жиноятлар бўйича тезкор-қидириув фаолиятини, терговга қадар текширувни ва дастлабки терговни амалга оширади; Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал кодексининг 391-моддасига биноан, ДҲХ терговга қадар текширувни амалга оширувчи органлар каторига киради. Жиноят иши қўзғатилгунинг қадар амалга ошириладиган барча процессуал харакатларни амалга оширади. Улар: экспертиза, тинтуб, олиб кўйиш, кўздан кечириш, тафтиш тергов харакатлари.

“Тезкор-қидириув фаолият тўғрисида”ги Қонуннинг 10-моддасига кўра, Ўзбекистон Республикасининг худудида тезкор-қидириув фаолиятини амалга оширувчи органларга: Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати ва бошқа органлар киради.

Бундан ташқари, ДҲХ коррупциянинг холати ва коррупцияга қарши курашиш натижалари тўғрисидаги ахборотни йиғади ҳамда таҳлил килади, миллий хавфсизлик учун таҳдидларни баҳолашни амалга оширади, тегишли давлат органларига зарур ахборотни тақдим этади. Ўзбекистон Республикаси “Давлат хавфсизлик хизмати тўғрисида”ги Қонуннинг 5-моддасига кўра, Давлат хавфсизлик хизмати органлари мамлакат ичкарисида ҳамда ташқарисида разведка (вазиятни баҳолаш ва қарор қабул килиш учун мавжуд ёки эҳтимол тутилган душман, жой ва бошқа ҳакида маълумотлар тўплаш максадида амалга ошириладиган тадбирлар мажмуи) ва контразведка (душман разведкасига, жосулларига, диверсанларга ва пропагандасига қарши кураш олиб борувчи маҳсус ташкилотлар) ишларини амалга оширади ва тўпланган маълумотларни

---

тегишлилиги ҳамда тааллуклилигига қараб, хукукни муҳофаза килувчи органларга тақдим этади.

Жисмоний ва юридик шахсларнинг коррупция фактларига доир мурожаатларини кўриб чиқади ҳамда уларнинг бузилган хукукларини тиклаш ва қонуний манфаатларини химоя килиш чораларини кўради; “Давлат хавфсизлик хизмати тўғрисида”ги Қонуннинг 23-моддасига кўра, давлат хавфсизлик хизматининг хукуклари кўрсатиб ўтилган. ДХХ органлари ўзларига келиб тушган ариза ва мурожаатларга кўра, бузилган хукукларни тиклаш бўйича процессуал ҳаракатларни амалга ошириш хукукига эга. Шунингдек, ДХХ коррупцияга карши курашиб бўйича фаолиятни амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи бошқа органлар ҳамда ташкилотлар билан ҳамкорлик килади.

Давлат органлари ва бошқа ташкилотлар ДХХга давлат хавфсизлигини тъминлашга доир вазифаларни бажаришда ўз ваколатлари доирасида кўмаклашиши шарт. Коррупцияга карши курашиб соҳасида ҳалқаро ҳамкорликни амалга оширади. “Давлат хавфсизлик хизмати тўғрисида”ги Қонуннинг 45-моддасига кўра, “чет давлатларнинг хукукни муҳофаза килувчи органлари ва бошқа ташкилотлари, ҳалқаро ташкилотлар ҳамда уларнинг ваколатхоналари билан давлат хавфсизлик хизматининг ҳамкорлиги Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари ва ҳалқаро шартномаларига мувофиқ амалга оширилади”. Ўзбекистон Республикаси давлат хавфсизлик хизмати қонун хужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин. Ушбу коидадан шуни тушунишимиз мумкинки, “Давлат хавфсизлик хизмати тўғрисида”ги Қонун, давлат хавфсизлик хизматининг ички локал хужжатлари ва шунга ўхшаш бошқа нормативлар асосида бошқа хатти-ҳаракатларни ҳам амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги (кейинги ўринларда – ИИВ) ўз ваколатлари доирасида:

коррупцияга қарши курашиб соҳасидаги давлат дастурларини ва бошқа дастурларни ишлаб чикиш ҳамда амалга оширишда иштирок этади;

коррупция билан боғлиқ жиноятлар бўйича тезкор-қидирув фаолиятини, суриштирувни ва дастлабки терговни амалга оширади;

коррупциянинг холати ва коррупцияга карши курашиб натижалари тўғрисидаги ахборотни йиғади ҳамда таҳлил қиласи, тегишли давлат органларига зарур ахборотни тақдим этади;

жисмоний ва юридик шахсларнинг коррупция фактларига доир

мурожаатларини кўриб чиқади ҳамда уларнинг бузилган хукуқларини тиклаш ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш чораларини кўради;

аҳоли ўртасида жамиятда хукуқий онгни, хукуқий маданиятни юқсалтиришга ва қонунийликни мустаҳкамлашга қаратилган хукуқий тарғиботга доир фаолиятда иштирок этади;

коррупцияга оид хукуқбузарликлар тўғрисидаги статистика маълумотларининг ҳисоби юритилишини ва таҳжил қилинишини таъминлайди;

коррупцияга оид хукуқбузарликларнинг ўз вақтида олди олиниши, аниқланиши ва уларга чек қўйилишини таъминлашга, уларнинг оқибатларини, шунингдек, уларга имкон берувчи сабаблар ва шартшароитларни бартараф этишга доир тадбирларни ишлаб чиқади ҳамда амалга оширади;

коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи бошқа органлар ҳамда ташкилотлар билан ҳамкорлик қиласди;

коррупцияга қарши курашиш соҳасида халқаро ҳамкорликни амалга оширади.

ИИВ қонун хужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

ИИВнинг хукуқий мақоми Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 16 сентябрда қабул қилинган “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги Конунида белгиланган.

*Ички ишлар органларининг асосий вазифалари фукароларнинг хукуклари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини, жисмоний ва юридик шахсларнинг мулкини, конституциявий тузумни ҳимоя қилишдан, қонун устуворлигини, шахс, жамият ва давлатнинг хавфсизлигини таъминлашдан, шунингдек хукуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактикасидан иборат.*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг хукуқий мақоми Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3666-сонли қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг хукуқий мақоми тўғрисида”ги Низомда белгиланган.

“Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуннинг 12-моддасида Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги ваколатлари белгиланган.

---

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ўз ваколатлари доирасида:

коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги давлат дастурларини ва бошқа дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда иштирок этади;

коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги қонун ижодкорлиги фаолиятида иштирок этади;

аҳоли ўртасида жамиятда хуқуқий онгни, хуқуқий маданиятни юксалтиришга ва қонунийликни мустаҳкамлашга қаратилган хуқуқий тарғиботга доир фаолиятни амалга оширади ҳамда мувофиқлаштиради;

таълим муассасаларида коррупцияга қарши курашиш соҳасида хуқуқий таълим ва тарбияга доир чора-тадбирларни амалга оширишда иштирок этади;

норматив-хуқуқий хужжатлардаги ҳамда уларнинг лойихаларидағи коррупция учун шарт-шароитлар яратадиган қоидалар ва нормаларни аниқлаш мақсадида ушбу хужжатлар ва лойихаларнинг таҳлилини амалга оширади;

коррупцияга имкон берувчи сабаблар ва шарт-шароитларни барта-раф этиш бўйича чоралар кўради;

коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи бошқа органлар ҳамда ташкилотлар билан ҳамкорлик қилади;

коррупцияга қарши курашиш соҳасида ҳалқаро ҳамкорликни амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қонун хужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

“Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги қонуннинг 13-моддасида Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси хузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаментининг коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги ваколатлари белгиланган. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси хузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти хуқуқий мақоми Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 23 майдаги ПФ-5446-сонли Фармони билан “Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси хузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти тўғрисидаги низом”да белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси хузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти ўз ваколатлари доирасида:

---

коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги давлат дастурларини ва бошқа дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда иштирок этади;

жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш билан боғлиқ жиноятлар, иқтисодий ва коррупция билан боғлиқ бошқа жиноятлар бўйича тезкор-кидирув фаолиятини, терговга қадар текширувни ва суриштирувни амалга оширади;

жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришнинг эҳтимол тутилган йўллари ва механизмларини аниклаш учун пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларнинг мониторингини ташкил этади ҳамда ўтказади;

жиноий таъкиб этишни ташкил қилиш ва хукукий таъсир кўрсатишнинг бошқа чораларини кўриш учун тегишли давлат органларини коррупцияга оид аниқланган хукуқбузарликлар тўғрисида ўз вактида хабардор қиласди;

коррупцияга оид хукуқбузарликларнинг ўз вактида олди олиниши аникланиши ва уларга чек қўйилишини таъминлашга, уларнинг оқибатларини, шунингдек, уларга имкон берувчи сабаблар ва шартшароитларни бартараф этишга доир тадбирларни ишлаб чиқади ҳамда амалга оширади;

коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи бошқа органлар ҳамда ташкилотлар билан ҳамкорлик қиласди;

коррупцияга қарши курашиш соҳасида халқаро ҳамкорликни амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси хузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти қонунчиликка мувофиқ бошка ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

Департамент Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал кодексининг 391-моддасига кўра, терговга қадар текширувни амалга оширувчи органлар сафига киради ҳамда 461-бобида кўрсатилганидек, суриштирив органи ҳисобланади ва шуни ҳам таъкидлашимиз жоизки, “Тезкор-кидирув фаолияти тўғрисида”ги Конунининг 10-моддасига кўра, ушбу фаолиятни амалга оширувчи субъект ҳисобланади.

“Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга оид ишлар бўйича суд амалиётининг айрим масалалари тўғрисида”ги Олий суд плenум қарори 3-қисми ва ЖК 243-моддаси мазмунига кўра, даро-

мадларни легаллаштириш деганда, айбдор томонидан жинои фоалият натижасида орттирилган пул маблағлари ёки бошқа мол-мулкни үтказиш, алмаштириш, мулкка айлантириш йўли билан уларнинг келиб чиқишига қонуний тус берилиши, худди шунингдек бундай пул маблағлари ёки мол-мулкнинг асл хусусиятини, манбани, турган жойини, тасарруф этиш, кўчириш усулини, пул маблағлари ёки бошқа мол-мулкка бўлган ҳақиқий эгалик хукуқларини ёки унинг кимга қарашлилигини яшириш ёхуд сир сақлаш тушунилиши лозим. Мулк обьекти сифатида бундай ҳолларда Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 169-моддасида на- зарда тутилган ҳар қандай мулк, шу жумладан, виртуал активлар (крип- товалюта ва ҳ.к.) бўлиши мумкин.

Банк үтказмалари бошқа молиявий операциялар орқали амалга оширилган ноқонуний пулларни аниқлайди ҳамда Ўзбекистон Республикаси FATF (Financial Action Task Force) кўрсатмаларини амалга оширувчи ягона Молиявий разведка бўлинмаси бўлиб, Ўзбекистон Республикасида амалга оширилган ишлар бўйича ҳисботларни тақдим этади.

Коррупцияга қарши курашиш бўйича фоалиятни билвосита амалга оширувчи давлат органлари тоифасига қонунчиликка мувофиқ барча бошқа давлат органлари киради.

## **6.2. Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш миллий кенгashi ва унинг худудий кенгашлари**

“Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуннинг 8-модда- сига биноан коррупцияга қарши курашиш бўйича фоалиятни амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи органлар ҳамда ташкилотларнинг фоалиятини мувофиқлаштириш учун Ўзбекистон Республикаси Корруп- цияга қарши курашиш бўйича миллий кенгashi ҳамда Қорақалпоғистон Республикасида, вилоятларда ва Тошкент шаҳрида коррупцияга қарши курашиш бўйича худудий кенгашлар ташкил этилди.

Жамият ва давлат ҳаётининг барча соҳаларида коррупциянинг ол- дини олиш ва унга қарши курашишга қаратилган давлат сиёсатининг самарадорлигини ошириш мақсадида, 2020 йил 29 июнда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида Коррупция- га қарши курашиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора- тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-6013-сонли Фармонига асосан, Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш миллий кенгashi ташкил этилди.

*Миллий кенгаш коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи ваунда иштирок этувчи органлар ҳамда ташкилотлар фаолиятини мувофиқ-лашибиравчи орган ҳисобланади.*

Миллий кенгаш томонидан кабул килинадиган карорлар барча давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, жамоат бирлашмалари ва бошка ташкилотлар томонидан ижро этилиши мажбурийdir Миллий кенгаш ўз фаолиятини давлат органлари, бошқа ташкилотлар ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Коррупцияга қарши курашиш худудий кенгашлари билан ўзаро ҳамкорликда амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш миллий кенгashi тўғрисидаги низом Кенгаш томонидан 2021 йил 19 августда тасдиқланган.

Миллий кенгашнинг таркиби Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тасдиқланади. Кенгаш ўз фаолиятини доимий асосда амалга оширади ва ўз мажлисларини заруратга караб, аммо йилнинг хар чорагида камида бир марта ўтказади.

Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш миллий кенгашнинг асосий вазифалари:

коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги давлат дастурларининг ва бошка дастурларнинг ишлаб чиқилиши ҳамда амалга оширилишини ташкил этиш;

коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи органлар ҳамда ташкилотларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш ва ҳамкорлигини таъминлаш;

ахолининг хукукий онги ва хукукий маданиятини юксалтиришга, жамията коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантиришга доир чора-тадбирларнинг ишлаб чиқилиши ҳамда амалга оширилишини ташкил этиш;

коррупцияга оид хукукбузарликларнинг олдини олишга, уларни аниқлашга, уларга чек қўйишга, уларнинг оқибатларини, шунингдек, уларга имкон берувчи сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этишга доир чора-тадбирлар самарадорлиги оширилишини таъминлаш;

коррупциянинг ҳолати ва тенденциялари тўғрисидаги ахборотни йиғиш ҳамда таҳлил этиш;

коррупцияга қарши курашиш бўйича чора-тадбирлар амалга оши-

рилиши юзасидан мониторингни амалга ошириш, ушбу соҳадаги мавжуд ташкилий-амалий ва хукукий механизмларнинг самарадорлигини баҳолаш;

коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги қонунчиликни такомиллаштириш ва ушбу соҳадаги ишларни яхшилаш юзасидан таклифлар тайёрлаш;

худудий кенгашлар фаолиятини мувофиқлаштириш.

*Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги  
Миллий кенгашнинг ишчи органи ҳисобланади.*

Агентлик Миллий кенгаш мажлислари баённомаларини расмийлаштиради ва тасдиқланган баённомаларни кенгаш аъзоларига, манфаатдор вазирликлар, идоралар ва Худудий кенгашларга юборади.

Миллий кенгашнинг ишчи органи Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги ҳисобланади.

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Коррупцияга қарши курашиш худудий кенгашлари коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи худудий органлар ҳамда ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи орган ҳисобланади. Худудий кенгаш томонидан қабул қилинадиган карорлар жойлардаги барча давлат хокимияти ва бошкаруви органлари, жамоат бирлашмалари ва бошқа ташкилотлар томонидан ижро этилиши мажбурийdir.

Худудий кенгашнинг асосий вазифалари куйидагилардан иборат:

коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги давлат ва бошқа дастурларнинг амалга оширилишини ташкил этиш;

тегишли худудда коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи органлар ҳамда ташкилотларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш ва ҳамкорлигини таъминлаш;

ахолининг хукукий онги ва хукукий маданиятини юксалтиришга, жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантиришга доир чора-тадбирларнинг ишлаб чиқилиши ҳамда амалга оширилишини ташкил этиш;

коррупцияга оид хукукбузарликларнинг олдини олиш, уларни аниклаш, чек қўйиш, оқибатлари ҳамда имкон берувчи сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этишга доир чора-тадбирлар самарадорлиги оширилишини таъминлаш;

---

коррупциянинг ҳолати ва тенденциялари тўғрисидаги ахборотни йиғиш ҳамда таҳлил этиш;

коррупцияга қарши курашиш бўйича чора-тадбирларнинг амалга оширилиши юзасидан мониторингни амалга ошириш, ушбу соҳадаги мавжуд ташкилий-амалий ва хуқуқий механизмларнинг самарадорлигини баҳолаш учун тегишли худудда қилинган ишлар ижроси хақида Миллий кенгаш ишчи органига ахборот тақдим этиш;

коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги қонун хужжатларини такомиллаштириш, ушбу соҳадаги ишларни яхшилаш юзасидан таклифлар тайёрлаш ва Миллий кенгашга киритиш.

Худудий кенгашларнинг ишчи органи функциясини тегишинча Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар халқ депутатлари кенгашлари котибиятлари бажаради. Миллий кенгашнинг асосий вазифалари сифатида коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги давлат дастурларининг ва бошқа дастурларнинг ишлаб чиқилиши ҳамда амалга оширилишини ташкил этиш, ушбу фаолиятни амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи органлар ҳамда ташкилотларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш ва ҳамкорлигини таъминлаш, аҳолининг хуқуқий онги ва хуқуқий маданиятини юксалтиришга, жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантиришга доир чора-тадбирларнинг ишлаб чиқилиши ҳамда амалга оширилишини ташкил этиш, коррупцияга оид хуқуқбузарликларнинг олдини олишга, уларни аниқлашга, уларга чек қўйишга, уларнинг оқибатларини, шунингдек, уларга имкон берувчи сабаблар ва шарт-шароитларни барта-раф этишга доир чора-тадбирлар самарадорлиги оширилишини таъминлаш мақсадлари белгиланган.

Бундан ташқари, Миллий кенгаш, коррупцияга қарши курашиш бўйича худудий кенгашлар коррупциянинг ҳолати ва тенденциялари тўғрисидаги ахборотни йиғиш ҳамда таҳлил этиш, коррупцияга қарши курашиш бўйича чора-тадбирлар амалга оширилиши юзасидан мониторингни амалга ошириш, ушбу соҳадаги мавжуд ташкилий-амалий ва хуқуқий механизмларнинг самарадорлигини баҳолаш, коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги қонунчиликни такомиллаштириш ва ушбу соҳадаги ишларни яхшилаш юзасидан таклифлар тайёрлаш, ҳамда худудий кенгашлар фаолиятини мувофиқлаштириш масъулдир.

2021 йил 19 августда Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш миллий кенгаши тўғрисидаги ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Коррупцияга қарши курашиш худудий кенгашлари тўғрисидаги Низомлар тасдиқланди.

---

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 6 июлдаги “Коррупцияга қарши курашиш фаолиятини самараали ташкил этишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-5177-сонли қарорига мувофиқ 2021 йил 1 октябрдан бошлаб, барча давлат органлари ва ташкилотлари, шу жумладан Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларида коррупцияга карши ички назорат тузилмалари фаолияти йўлга кўйилди. Уларнинг асосий вазифалари коррупция холатларини баравқат аниқлаш ва олдини олиш, уларнинг сабаб ва шарт-шароитларини бартараф этиш, манфаатлар тўқнашувига йўл қўймаслик ҳамда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш чораларини кўриш ҳисобланади.

### **6.3. Коррупцияга қарши курашиш бўйича фуқаролар ва нодавлат ташкилотлари билан ҳамкорлик**

---

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролар ҳам коррупцияга карши курашиш борасида маълум бир функцияларни амалга оширишади.

БМТнинг Коррупцияга қарши конвенцияси 13-моддасига биноан, ҳар бир иштирокчи давлат ўз имкониятлари доирасида ва ўз ички конунчилигининг асосий тамойилларига мувофиқ тарзда, коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши кураш олиб бориш ҳамда жамиятнинг коррупция мавжудлиги, унинг сабаблари, хавфли хусусиятлари ва юзага келтирувчи таҳдидларини янада чукур англаши учун фуқаролик жамияти институтлари, нодавлат нотижорат ташкилотлар ва жамоатчилик асосида фаолият юритувчи ташкилотлар каби давлат секторига кирмаган жисмоний шахслар ва гурухларнинг фаол иштирокига кўмаклашиш учун тегишли чораларни кўради.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролар қонун хужжатларига мувофиқ бошка тадбирларда ҳам иштирок этиши мумкин.

Нодавлат нотижорат ташкилотлари юкорида келтирилган вазифа ва тадбирларни амалга ошириш мақсадида, Идоралараро комиссия ва худудий идоралараро комиссиялар фаолиятида, шунингдек, давлат органлари хузуридаги ишли гурухлар, комиссиялар ва жамоат-маслаҳат органлари фаолиятида қонун хужжатларида белгиланган тартибда иштирок этади.

Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 22 апрелдаги “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги (янги таҳрири) Конунининг

5-моддасига биноан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятининг асосий принциплари: қонунийлик, инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларининг устуворлиги, демократизм, ошкоралик, ижтимоий адолат, маҳаллий аҳамиятта молик масалаларни ҳал этишда мустақиллик, жамоатчилик асосидаги ўзаро ёрдам, ижтимоий шериклик, маҳаллий урф-одатлар ва анъаналарни ҳисобга олишдан иборат.

**Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотларининг ваколатлари:**

коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги давлат дастурларини ва бошқа дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда иштирок этиши;

аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришда, жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантиришда иштирок этиши;

коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги қонун хужжатларининг ижро этилиши устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириши;

коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги қонун хужжатларини такомиллаштириш юзасидан таклифлар киритиши;

коррупцияга қарши курашиш соҳасида давлат органлари ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиши мумкин.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тегишли ҳудудда қонунлар ва бошқа қонун хужжатларининг ижро этилиши, шу жумладан тадбиркорлик фаолияти субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя этилиши, коммунал хизмат қўрсатиш ташкилотлари томонидан коммунал хизматлар қўрсатиш сифати, иморатлар қуриш ҳамда ҳовлилар ва уйлар атрофидаги ҳудудларни сақлаш қоидаларига риоя этилиши, шунингдек экин майдонларидан самарали фойдаланилиши ва ерларни муҳофаза қилиш устидан жамоатчилик назоратини амалга оширади.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари жамоатчилик назоратини куйидаги шаклларда амалга оширади:

тегишли ҳудудда қонунлар ва бошқа қонун хужжатларининг ижро этилиши ҳолатини ўрганиш;

---

тегишли чоралар кўрилиши учун давлат органларига мурожаат этиш; давлат органлари ваколатига кирувчи ва ижтимоий аҳамиятга молик масалалар бўйича сўровлар юбориш.

Жамоатчилик назорати қонун хужжатларига мувофиқ бошқа шаклларда ҳам амалга оширилиши мумкин.

Жамоатчилик назорати оммавий ахборот воситалари, нодавлат нотижорат ташкилотлар ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорликда амалга оширилиши мумкин.

Давлат органлари фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари га жамоатчилик назоратини амалга оширишда қўмаклашиши ва қонун хужжатларига мувофиқ уларнинг мурожаатлари юзасидан ўз вақтида чора-тадбирлар кўриши шарт.

Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 14 апрелдаги “Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида”ги Қонунига биноан нодавлат нотижорат ташкилотлари жамоат бирлашмаси, ижтимоий фонд, муасаса шаклида, шунингдек, қонунларда назарда тутилган бошқа шаклда ташкил этилиши мумкин.

Нодавлат нотижорат ташкилоти жисмоний ва юридик шахсларнинг хуқуқлари ва қонуний манфаатларини, бошқа демократик қадриятларни ҳимоя қилиш, ижтимоий, маданий ва маърифий мақсадларга эришиш, маънавий ва бошқа номоддий эҳтиёжларни қондириш, хайрия фаолиятини амалга ошириш учун ҳамда бошқа ижтимоий фойдали мақсадларда тузилади.

Нодавлат нотижорат ташкилоти қуйидаги хуқуқларга эга:

ўз аъзолари ва қатнашчиларининг хуқуқлари ва қонуний манфаатларини ифодалаш ҳамда ҳимоя қилиш;

ижтимоий ҳаётнинг турли масалаларига доир ташабbusлар билан чиқиши, давлат ҳокимияти ва бошқарув органларига таклифлар киритиши;

давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг қарорларини ишлаб чиқишида қонун хужжатларида назарда тутилган тартибида иштирок этиш;

ўз фаолияти тўғрисида ахборот тарқатиш;

оммавий ахборот воситаларини таъсис этиш ҳамда белгиланган тартибида ноширлик фаолиятини амалга ошириш;

уставда белгиланган вазифаларни бажариш учун тадбиркорлик тузилмаларини ташкил этиш.

Нодавлат нотижорат ташкилотлари ўзларининг фаолиятини мувофиқлаштириб бориш, шунингдек умумий манфаатларини ифодалаш ҳамда ҳимоя қилиш мақсадида уюшмалар (иттифоқлар) шаклида бирлашмалар тузиши мумкин.

---

Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 12 апрелдаги “Жамоатчилик назорати тўғрисида”ги Қонунига биноан давлат органларининг ва улар мансабдор шахсларининг: қабул қилинаётган норматив-хукукий хужжатларда, карорларда, шунингдек ривожланиш давлат, тармок ва худудий дастурларида жамоатчилик манфаатларини, жамоатчилик фикрини хисобга олишга;

фукароларнинг, юридик шахсларнинг хукуклари ва конуний манфаатларини, жамият манфаатларини химоя килиш соҳасидаги конунчилик талабларининг ижро этилишини таъминлашга;

ўз зиммасига юклатилган, ижтимоий ва жамоатчилик манфаатларига дахлдор бўлган вазифалар ва функцияларни бажаришга;

давлат хизматларини кўрсатишга;

ижтимоий шериклик доирасида амалга ошириладиган битимлар, шартномалар, лойиҳалар ва дастурларни бажаришга доир фаолияти жамоатчилик назоратининг обьектидир.

Коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятда иштирок этувчи органлар сифатида оммавий ахборот воситалари ҳам белгиланган.

Бу борада Оммавий ахборот воситалари:

коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги давлат дастурларини ва бошқа дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда иштирок этади;

коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги давлат сиёсатини амалга оширишга, шу жумладан, ахолининг хукукий онги ва хукукий маданиятини юксалтиришга, жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантиришга каратилган тадбирларни ёритади;

коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг ижро этилиши устидан жамоатчилик назоратини амалга оширади;

коррупцияга қарши курашиш соҳасида давлат органлари ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорлик киласи.

Оммавий ахборот воситалари қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа тадбирларда ҳам иштирок этиши мумкин.

---

## **Назорат саволлари**

1. Коррупцияга карши курашиш бўйича фаолиятни бевосита амалга оширувчи давлат органлари тизимига кайси давлат органлари киради?
2. Коррупцияга карши курашиш соҳасида Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлигининг вазифалари нималардан иборат?
3. Коррупцияга карши курашиш соҳасида Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг вазифалари нималардан иборат?
4. Коррупцияга карши курашиш соҳасида Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг вазифалари нималардан иборат?
5. Коррупцияга қарши курашиш соҳасида Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг вазифалари нималардан иборат?
6. Коррупцияга карши курашиш соҳасида Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратура хузуридаги Иктисадий жиноятларга қарши курашиш департаментининг вазифалари нималардан иборат?
7. Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш миллий кенгashi ва унинг худудий кенгашларининг вазифалари нималардан иборат?
8. Коррупцияга қарши курашиш бўйича фукаролар ва нодавлат ташкилотлари ҳамкорлиги деганда нимани тушунасиз?

## VII БОБ. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШДА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ИНСТИТУЛари ИШТИРОКИ

### 7.1. Фуқаролик жамияти институтлари турлари

Жамият, жумладан, фуқаролик жамияти мураккаб турли тузилмалар ва фуқароларнинг бирикмасидан иборат. Унда давлат, унинг органлари билан бирга, бошқа тузилмалар ҳам фаолият кўрсатади. Бу тузилмалар ўз характеристики, вазифасига қараб алоҳида йўналишлар бўйича давлат хукуқий, конституциявий, ижтимоий-сиёсий масалаларда фаолият кўрсатади. Улар хукуқий, илмий манбаларда “институтлар” деб аталади.

Юридик энциклопедияда: институт – хукуқий ёки ижтимоий сиёсий ходиса (борлик) ва уларга қаратилган хукуқий нормалар ва улар билан боғлиқ ижтимоий нормалар йиғиндишидир, дея таъриф берилган<sup>56</sup>.

Фуқаролик жамияти институтлари ҳам давлат-хукуқий ва ижтимоий-сиёсий муносабатларда иштирок этади, алоҳида тузилма ҳисобланади ва фаолияти хукуқий, ижтимоий нормалар билан тартибга солинади. Улар фуқаролик жамиятининг энг муҳим хусусиятлари – сиёсий плюрализм (турли фикрлиллик), кўппартиявийлик ва бошқаларни рўёбга чиқишини таъминлайди ва жамият ривожланиб борган сари, уларнинг жамият ишларидаги иштироки кенгайиб боради, улар ўз зиммасига янги вазифаларни олади.

Ана шундай вазифалардан бири – коррупцияга қарши курашдир. Коррупция хар қандай жамият, тизимда учрайдиган энг жирканч, ўта маккор ва хавф-хатардир. Унга фақат давлат органлари билангина қарши курашиб, муваффақиятга эришиб бўлмайди. Шу ўринда Президентимизнинг кўйидаги сўзлари диққатга сазовор: “... коррупциянинг хар қандай кўринишига муросасиз бўлиш кундалик хаёт тарзига айланиши шарт. Бу иллатга қарши курашишга барча давлат органлари, сиёсий партиялар, жамоат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари, умуман хар бир фуқаро сафарбар этилиши зарур”<sup>57</sup>.

Президент Ш.Мирзиёев ўз президентлик фаолиятининг дастлабки кунларидаёқ, “Жамият ривожига ғов бўлаётган яна бир иллат – бу кор-

<sup>56</sup> Қаранг. Мустафоев Б. ва бошқалар. Конституциявий хукуқ (энциклопедик луғат). – Т., 2006 й. – 204 б.

<sup>57</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 2020 йил 29 декабрь, – Т.: “Ўзбекистон”, 2021 й. – 49-50 6.

рупция балосидир”,<sup>58</sup>-деб эътироф этди. Шунингдек, президентлик лавозимига иккинчи муддатга киришиши муносабати билан ўтказилган маросимда сўзлаган нуткида эса “... сўнгги беш йилда коррупцияга карши курашни давлат сиёсати даражасига олиб чикдик”<sup>59</sup>, деб кайд килди.

Коррупцияга карши курашда давлат катта имкониятларга эга, коррупцияга карши курашувчи, унга тегишли чоралар кўрувчи давлат органлари мавжуд. Бу органларнинг фаолиятини мувофикалаштирувчи ва уларга услубий ёрдам кўрсатувчи коррупцияга карши курашиш Миллий кенгаши, худудларда худудий кенгашлар ташкил килинган. Мамлакатимизда ташкил килинган “Коррупцияга карши кураш агентлиги”га катта умид билан қаралмоқда.

Тажриба шуни кўрсатмоқдаки, коррупцияга факат давлат органлари фаолияти орқали курашиш етарли бўлмаяпти. Бунга кенг жамоатчиликни жалб қилмасдан кўзланган мақсадга эришиш мумкин бўлмаслиги аён бўлмоқда. Шунинг учун кейинги пайтларда коррупцияга карши курашга фуқаролик жамияти институтларини жалб қилишга алоҳида ахамият берилмоқда. Чунки жамият иллати бўлмиш коррупцияга жамиятнинг барча элементлари бирдек уруш эълон қилиши, курашиш зарурият бўлиб колмоқда.

Булар аввало жамоат бирлашмалариридир. Жамоат бирлашмалари конституциявий тузилма бўлиб, бу Конституциянинг XXIII бобида белгилаб қўйилган. Унинг 56-моддасида: “Ўзбекистон Республикасида конунда белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган касаба уюшмалари, сиёсий партиялар, олимларнинг жамиятлари, хотин-қизлар, фахрийлар ва ёшлар ташкилотлари, ижодий уюшмалар, оммавий харакатлар ва фуқароларнинг бошқа уюшмалари жамоат бирлашмалари сифатида эътироф этилади”, деб мустаҳкамланган.

Бундан кейинги йўл – фуқаролик жамияти институтларини фаолиятини янада ривожлантиришга каратилиши белгиланиб, уларнинг ўрни ва макомини конституциявий жиҳатдан мустаҳкамлашга алоҳида эътибор бериш зарурлиги белгиланган.<sup>60</sup>

<sup>58</sup> Мирзиёев Ш. Миллий тараққиёт йўлини қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. – Т.:Ўзбекистон, 1-том. 2019 й. 1 – 10 б.

<sup>59</sup> Манба: [www.president.uz/lists/view/4742](http://www.president.uz/lists/view/4742)

<sup>60</sup> Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси асосида демократик ислоҳотлар йўлини қатъий давом эттирамиз. 2021 йил 7 ноябрь; Конституция қабул қилинганинг 29 йиллиги муносабати билан Ўзбекистон халқига табрик. // Халқ сўзи. 2021 йил 8 декабрь.

---

Фуқаролик институтлари нимага асосан коррупцияга қарши курашади? –деган савол келиб чиқиши мүмкін. Қонунларда бу масала турлича тарзда үз үрнини топган. Лекин барча фуқаролик жамияти институтлари учун бу масалада умумий вазифалар мавжуд, яғни қонунларга асосан, фуқаролик жамияти институтлари – фуқароларнинг хуқуқларини рўёбга чиқариш ва ҳимоя қилиш; фуқароларнинг давлат ва жамият ишларида иштирокини ривожлантириш; жамоатчилик назоратини амалга оширишда иштирок этиши керак.

Фуқаролар билан очик мулоқотни йўлга қўйишнинг самарали усул ва механизмларини татбиқ қилиш, жумладан, барча даражадаги ҳокимлар, прокуратура ва ички ишлар органлари раҳбарларининг ахоли олдида ҳисобот бериш тизимини мукаммаллаштиришга эришиш, жойларга чиқиб, мавжуд аҳволни шахсан ўрганиш асосида ахолини қийнаётган энг муҳим эҳтиёжларни ҳал этишда амалий ёрдам кўрсатиш нафақат давлат органлари, балки нодавлат нотижорат ташкилотларнинг ҳам муҳим вазифасидир. Шубҳасиз, мавжуд муаммоларни ҳал қилишга биргина давлатнинг кучи етмайди. Бунда нодавлат ташкилотларнинг ёрдами зарур. Бежиз ННТлар халқ ва давлат ўртасидаги кўприкка қиёсланмайди.

Ўзбекистонда фуқаролик жамияти институтлари ривожланишини кўллаб-қувватлаш, жамият ва давлат ишлари бошқарилишида уларнинг ўрни ҳамда аҳамиятини кучайтириш, ахолининг ижтимоий, ижтимоий-иктисодий фаолигини ошириш ва хуқуқий маданиятини юксалтириш, инсонларнинг хуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини муҳофаза этиш соҳаларида “учинчи сектор” фаолигини оширишни ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда. Дунё тобора жадал ривожланмоқда. Ҳозир бир жойда депсиниб туриб бўлмайди. Фақат ҳаракат, интилиш, ташаббу-скорликни ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда.

Ваҳоланки, “Давлатҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида”ги, “Экологик назорат тўғрисида”ги, “Ижтимоий шериклик тўғрисида”ги қонунлар ҳамда бошқа қонунчилик хужжатларининг қабул қилиниши ахолининг, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг, нодавлат нотижорат ташкилотлар ва бошқа фуқаролик институтларининг жамият ҳамда давлат ишлари бошқарувидаги иштирокининг хуқуқий кафолатларини сезиларли даражада мустаҳкамлади.

Ўзбекистонда нодавлат нотижорат ташкилотлар ҳамда фуқаролик жамияти бошқа институтларининг давлат органлари қарорларини ишлаб чиқишда, қонун лойиҳаларини тайёрлаш ва муҳокама қилишда, ижтимоий-иктисодий ривожланиш дастурлари ҳамда норматив-хуқуқий

---

хужжатлар ижроси устидан жамоатчилик назоратини амалга оширишда қатнашиш хукуки мустахкамланган. Бунинг баробарида, 1991 йилда атиги 95 тани ташкил этган ННТлар сони бугунги кунга келиб, ўн минга яқинлашди.

Коррупция эса, тўғридан тўғри фуқароларнинг хуқуқ ва эркинликла-  
рига салбий таъсир қиласи, моддий бойликларни адолатли таҳсимлашга  
тўқсинглик қиласи, хар бир фуқаронинг ижтимоий хаётда тенг иштиро-  
кини чегаралайди. Бундан куйидагича хulosа килиш мумкин: а) жамоат  
бирлашмалари фуқароларнинг ихтиёрийлик асосида тузиладиган уюш-  
ма, улар конунда белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилиши керак;  
б) фуқароларнинг бирлашмалари юкорида санаб ўтилганлар билан че-  
кланмайди, яъни бошқа ўшмалар хам тузиш мумкин.

Конституцияда кўзда тутилган жамоат бирлашмалари тизимида икки  
жамоат бирлашмасининг фуқаролар, жамият ва давлат хаётидаги муҳим  
роли хисобга олинниб, алоҳида кайд қилинган. 59-моддада: “Касаба  
уюшмалари”нинг вазифаси, 60-моддада “Сиёсий партиялар”нинг вази-  
фаси белгилаб кўйилган.

Фуқаролик жамияти тизимида нодавлат ва нотижорат ташкилотлари  
алоҳида ўрин тутади. Нодавлат нотижорат ташкилотлари – жисмоний ва  
(ёки) юридик шахслар томонидан ихтиёрийлик асосида ташкил этилган,  
даромад (фойда) олишни ўз фаолиятининг асосий мақсади килиб олма-  
ган хамда олинган даромадлар (фойда)ни ўз катнашчилари (аъзолари)  
ўртасида таҳсимлайдиган ўзини ўзи бошқариш ташкилотларидир.<sup>61</sup>

Демак, НТТ – бу ўзини ўзи бошқариш ташкилоти. У жисмоний шахслар  
ёки юридик шахслар томонидан ихтиёрийлик асосида тузилади. Асосий  
мақсади даромад (фойда) олиш эмас. Фаолияти давомида даромад (фой-  
да) вужудга келса аъзолари ўртасида таҳсимлайди. Лекин бу белгилар  
НТТ ининг барча вазифасини камраб олмаган. Улар, юкоридагилардан  
ташкари, ўз аъзоларини конуний манфаатларини, ижтимоий хаётдаги  
зарур демократик қадриятларни химоя килиш; аъзоларни маънавий  
ва турли номоддий эҳтиёжларни кондириш; энг муҳими, хайрия фао-  
лиятини амалга ошириш мақсадини кўзлади. Коррупция эса, шу кайд  
қилинган масалаларга тўқсинглик қиласи, шунинг учун хам НТТ корруп-  
цияга қарши курашда давлат органларининг энг яқин хамкоридир.

НТТлар, жамоат бирлашмалари: жамоат фондлари; турли муассаса  
кўринишида; юридик шахсларнинг бирлашмалари кўринишида ташкил

---

<sup>61</sup> Қаранг. Фуқаролик жамияти институтлари. (ўкув қўлланма). Тошкент: 2019  
й. – Б. 23.

етилиши ва фаолият юритиши мумкин. Уларнинг фаолияти Ўзбекистон Республикаси “Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг кафолатлари тўғрисида”ги Конун билан тартибга солинади<sup>62</sup>.

**Нодавлат нотижорат ташкилоти** – жисмоний ва (ёки) юридик шахслар томонидан ихтиёрийлик асосида ташкил этилган, даромад (фойда) олишни ўз фаолиятининг асосий мақсади қилиб олмаган ҳамда олинган даромадларни (фойдани) ўз қатнашчилари (аъзолари) ўртасида тақсиламайдиган ўзини ўзи бошқариши ташкилотидир.

Фуқаролик жамияти институтлари тизимида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари алоҳида роль йўнайди. Аввал кўриб чиқилган жамоат бирлашмалари, НТТ аҳолининг маълум қисмини ўз фаолиятига жалб қиласа, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари Ўзбекистон фуқароларининг вояга етган барча қисмини қамраб олади. Республикамизда ҳозирги кунда 9300 дан ортиқ фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолият кўрсатмоқда.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг фуқаролик институтлари тизимидаги алоҳида ўрнини ҳисобга олиб, уларнинг фаолиятига алоҳида тўхталамиз.

Мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган ННТ ни қуидагича гурухлаш мумкин:

1. Аҳолининг маълум тоифалари манфаатига хизмат қилувчи тузилмалар (касаба юшмалари, сиёсий партиялар, Маҳалла хайрия жамғармаси, Ногиронлар жамияти, ёшлар ташкилотлари ва бошқалар).

2. Экология, маданият ва саломатликка ихтисослашган миллий-халқаро жамғармалар (“Экосан” жамғармаси, “Олтин мерос” жамғармаси, “Соғлом авлод учун” жамғармаси, Амир Темур маданий тарихий жамғармаси ва бошқалар).

3. Профессионал (касбий) фаолият билан боғлиқ ижтимоий муасасалар (“Ижтимоий фикр” маркази, “Маънавият ва маърифат” маркази, Журналистларни қайта тайёрлаш халқаро маркази ва бошқалар).

4. Умуммиллий хайрия жамиятлари, фондлари (Болалар жамғармаси, Ўзбекистон миллий рақс жамғармаси, Мехрибонлик уйлари тарбияла-нувчиларини ижтимоий ҳимоя қилиш жамғармаси ва бошқалар).

5. Ҳуқуқни ҳимоя қилувчи ННТ (Ўзбекистон Судьялар асоциацияси, Адвокатлар палатаси ва бошқалар).

<sup>62</sup> Ўзбекистон Республикаси конун хужжатлари тўплами, 2007 й., 1-2-сон, 2-модда.

6. Ижодий зиёлилар ташкилотлари. (Ёзувчилар уюшмаси, Журналистлар уюшмаси, Бастакорлар уюшмаси ва бошқалар).

7. Ўзбекистонда яшовчи камсонли миллатлар вакилларини бирлаштирувчи миллий-маданий марказлар. Хорижий мамлакатлар билан тузилган дўстлик марказлари.

8. Жойлардаги ижтимоий аҳамияти ва ижтимоий кизикишларга караб ташкил қилинган бирлашмалар. “Жангчи фахрийлар” уюшмаси, Ихтирочи ва рационализаторлар жамияти, Авто-мото хаваскорларнинг кўнгилли жамияти ва бошқалар.

## 7.2. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари

Фуқаролик жамияти институтлари тизимида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини ўрганишни икки тушунчани аниклаштиришдан бошлаш зарур.

Биринчи – фуқароларнинг ўзини ўзи бошқаруви, иккинчи – фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари.

Биринчиси, яъни бошқарув бу фаолият. Юкорида кайд қилинганидек бу фаолият орқали фуқаролар жамият ва давлат ишларида иштирок этади, махаллий аҳамиятга эга масалаларни ҳал қиласди. Бу фаолият орқали фуқароларнинг асосий хукуклари рўёбга чиқади. Фуқаролар бу фаолиятда тенг хукуқда иштирок этади, уларнинг ўзини ўзи бошқаришга оид хукуқларини чеклаш тақиқланади.

Фуқароларнинг “ўзини ўзи бошқаруви”, “ўзини ўзи бошқариш органлари” тушунчасидан кенгроқ. Ўзини ўзи бошқариш хукуки Конституцияда белгиланган фуқаролар йиғинидан ташқари, бошқа тузилмаларга ҳам тегишли. Жумладан, мактаб, ўкув юртларидағи ота-оналар кўмиталари ва бошқа ННТлар.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ўзини ўзи бошқарувни амалга оширади, яъни таъминлайди.<sup>63</sup>

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш демократияни рўёбга чиқаришнинг энг самарали воситаларидан хисобланади. Ўзини ўзи бошқариш, фуқаролар махаллий аҳамиятга эга масалаларни ўз манфаатларидан, тарихий хусусият ва кадриятларидан, урф-одатлардан келиб чиқиб ҳал килишга каратилган фаолиятдир. Ўзини ўзи бошқарувни махаллаларда ташкил қилинадиган фуқаролар йиғини томонидан амалга ошири-

<sup>63</sup> Каранг. Мустафоев Б. ва бошқалар. Конституциявий хукуқ (энциклопедик луғат). – Т., 2006 й. – 530 б.

---

лишнинг белгиланиши миллий бошқарув тажрибамизнинг яқол кўринишидир. Ўзини ўзи бошқарув ижтимоий ҳокимиятнинг самарали , ошкоралиқ, ижтимоий адолат, маҳаллий аҳамиятга эга масалаларни ҳал қилишда мустақиллик, ижтимоий шериклик, ўзаро ёрдам, маҳаллий урф-одатлар, анъаналарга таяниш ҳисобланади. Ўзини ўзи бошқариш органлари маҳаллаларда ташкил қилинган. Улар давлат органларидан холи, лекин давлат томонидан қўллаб-қувватланади.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг маҳаллаларда ташкил қилиниши, ўз навбатида, маҳаллалар томонидан анъаналаримизни асраб-авайлаш, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини моддий-маънавий қўллаб-қувватлаш бўйича хайрли ишларнинг бажарилишига имконият яратилмоқда. Бу эса ижтимоий адолат тамойилларига ҳамоҳангидир.<sup>64</sup>

Биз ўрганаётган коррупция масаласи, аввало, ижтимоий адолат принципининг душмани. Шунинг учун ижтимоий адолатни рӯёбга чиқаришда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва маҳалла катта, шарафли, шу билан бирга, оғир вазифа – коррупцияга қарши курашда энг олдинги сафда бўлиши табиийдир.

Яна бир масала – коррупцияни маҳалла миқёсида тугатиш бутун мамлакат миқёсида шу иллатни тугатиш, камайтиришнинг асоси бўлиши мумкин. Улар коррупцияга қарши курашда катта имкониятларга эга. Биринчидан, маҳаллада яшовчи ҳар бир фуқаро қандай яшаётганлигини, даромади манбанини маҳалла яхши билади. Иккинчидан, улар маҳаллий аҳамиятга эга масалаларни, жумладан коррупцияни келтириб чиқарувчи сабабларга барҳам қилиш ваколатига эга. Учинчидан, уларда маъмурий органлардан фарқ қилиб, бошқа яна миллий маънавий қадриялардан, маҳаллий урф-одатлардан, анъаналардан фойдаланиш имконияти мавжуд. Бундан ташқари, уларда шаҳар, туман ижроия ҳокимияти раҳбарларининг ҳисботини эшлиши (фуқаролар йиғини фаолиятига кирувчи масалалар юзасидан) ваколати мавжуд бўлиб, бу коррупцияга қарши курашнинг энг самарали усуулларидан.

Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг коррупцияга қарши курашини кучайтиришда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 18 февралдаги “Жамиятда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, маҳалла институтини янада қўллаб-қувватлаш

---

<sup>64</sup> Қаранг. Матибоев Т. Ўзбекистонни ривожлантириш стратегияси. Фуқаролик жамияти: коррупция ижтимоий хавф. Т.: Билим ва интеллектуал салоҳият, 2019 й. – 112 б.

---

хамда оила ва хотин-кизлар билан ишлаш тизимини янги даражага олиб чиқиши чора-тадбирлари түғрисида"ги Фармони мұхым роль үйнайды. Ушбу Фармон, аввало, жамиятда ижтимоий-маънавий мухитни соғломлаштиришга қаратилган. Бу эса, коррупцияга қарши курашишни хам назарда тутади. Чунки коррупция мавжуд бўлиб турган жамиятда, ҳеч қачон ижтимоий маънавий мухит соғлом бўлмайди.

Мазкур Фармоннинг айрим ҳолатлари тўғридан-тўғри коррупцияга карши курашишни кучайтиришга қаратилган. Жумладан, махалла институтини ички ишлар органлари, бошқа давлат идоралари ва жамоат ташкилотлари билан узлуксиз, тизимли хамкорлигини йўлга кўйиши, махаллаларда конун устуворлигини таъминлаш ва хукукбузарликнинг олдини олиш масалаларида ички ишлар органлари, бошқа идоралар ва жамоат ташкилотларининг ўзаро хамкорлигини мустаҳкамлаш каби кўрсатмалар ўзини ўзи бошқариш органларининг коррупцияга карши курашишини кучайтиради ва самарасини оширади.

Фуқаролар йиғини раисларига туман, шаҳар халқ депутатлари Кенгашлари сессияларига кўриш учун масала киритиш хукукини беришнинг назарда тутилиши эса, уларнинг коррупцияга қарши курашишида мухим восита бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида "Махалла" институтини ривожлантиришга алоҳида ўрин ажратилди ҳамда "Махалла – жамиятимизнинг ёруғ юзи ва виждони кўзгуси деса бўлади", деб таъкидланди.

Мурожаатномада бундан бўён махалладаги ишларнинг ахволи вазирлик, идоралар ва ҳокимликлар ишини баҳолашда бош мезон бўлиши кўрсатилди. Таъкидланишича махалла раислари ва уларнинг ўринбосарлари ваколатларини кенгайтириб, муаммоларни бевосита ҳал қилиш имконияти яратилади. Махалла раисига махаллий Кенгаш мажлисида кўрилиши мажбурий бўлган масалаларни киритиш хукукини бериш йўлга кўйилади. Бу чоралар коррупцияга қарши кураш кўламини кенгайтиради, давлат органлари, идоралари, мансабдор шахслар масъулиятини кучайтиради. Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари билан давлат органлари хамкорлиги эса, коррупцияга қарши курашда самара беради<sup>65</sup>.

Махаллада ишлаетган малакали ва ташабbusкор кадрларни давлат идоралари раҳбарлик лавозимларига тавсия этиш тизимининг йўлга

---

<sup>65</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. – Т: "Ўзбекистон", 2021 й. – 48-49 б.

---

қўйилиши эса, албатта коррупцияга тўсқинлик қилувчи холатдир. Чунки коррупция бъязи холларда тегишли лавозимларга шахслар танлаш ва тайинлашда намоён бўлади. Махаллада фаолият кўрсатиб, ахоли ишончини қозонган шахсларни раҳбарликка тайинланиши бу борада ижобий натижа бериши мумкин.

### **7.3. Фуқаролик жамияти институтларининг коррупцияга қарши курашишдаги иштироки**

---

Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Конунида коррупцияга қарши курашишнинг асосий принциплари қаторида давлат ва фуқаролик жамиятининг ҳамкорлиги алоҳида принцип сифатида кўрсатилган. Бу принцип фуқаролик жамияти институтлари фаолияти орқали таъминланади.

Коррупцияга қарши кураш соҳасидаги давлат сиёсатининг йўналишлари қонунда белгиланган бўлиб, уларнинг орасида, ахолининг хуқуқий онги ва хуқуқий маданиятини юксалтириш, жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш қайд қилинган.

Мана шу вазифани рўёбга чиқаришда фуқаролик жамияти институтлари фаол иштирок этиши зарур ва уларда етарли имкониятлар мавжуд. Бу уларнинг асосий вазифаларидан келиб чиқади. Масалан, Ўзбекистон Республикасининг “Сиёсий партиялар тўғрисида”ги Конунида, уларни тузишдан мақсадлардан бири – улар ўз вакиллари орқали жамият ва давлат ишларида иштирок этишидир. Бундай иштирок этиш турли усуллар билан бирга, жамоатчилик назорати орқали ҳам амалга оширилади. Бошқа фуқаролик институтлари хужжатларида ҳам шундай вазифалар мавжуд. Конунда “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг, НТТнинг коррупцияга қарши курашишда иштирок этишининг асосий усуллари белгилаб қўйилган.

Булар:

- коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги давлат дастурлари ва бошқа дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишда иштирок этиш;
- ахолининг хуқуқий онги ва хуқуқий маданиятини юксалтиришда, жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантиришда иштирок этиш;
- коррупцияга қарши кураш тўғрисидаги қонун хужжатларининг ижро этилиши устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш;
- коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги қонун хужжатларини такомиллаштириш юзасидан таклифлар киритиш;

---

- коррупцияга карши курашиш соҳасида давлат органлари ва ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиш хисобланади.

Фуқаролик жамияти институтлари факт коррупцияга карши курашишга оид давлат дастурлари ишлаб чикишда иштирок этмасдан бошка дастурларни ишлаб чикишда ҳам иштирок этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Конунининг қоидаларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2017 йил 2 февралдаги карорида уларга Давлат дастурига киритилган тадбирларни ўз вактида амалга оширишни таъминлаш вазифаси юкланган. Шу қарор иловаси билан тасдиқланган, 2017-2018 йилларга мўлжалланган Коррупцияга карши курашиш бўйича Давлат дастурининг бир неча банди ижросига фуқаролик институтлари масъул этиб белгиланган. Мисол тариқасида дастурнинг 1-бўлими, 6-бандини келтириш мумкин.

Коррупцияга карши курашишда ахолининг хукукий онги ва хукукий маданиятининг юксак бўлиши муҳим омилдир. Ана шу масалаларнинг юксаклигига эришишда фуқаролик жамияти институтларининг иштироки муҳимдир. Уларнинг иштирокисиз ахолининг хукукий онги ва хукукий маданиятини юксалтириш кийин масала. Хукукий онг ва маданият юксак бўлмаса коррупцияга карши курашиш самара бермайди. Аввало коррупция бузғунчи иллат эканлигини фуқаролик институтларининг ҳар бири ўз аъзолари онгига сингдириши, коррупцияга нисбатан нафрат уйғотиши зарур. Хукукий онг, билимга эга бўлиш масаланинг бир томони, фактат у билан кўйилган максадга эришиб бўлмайди. Онгни, билимни хаётда қўллаш керак. Бунинг учун эса хукукий маданият керак. Юксак хукукий маданиятга эришиш онгга эришишга караганда мураккаб масала. Бунинг учун фуқаролик жамияти институтлари ташвиқот-тарғибот ишларидан ташкари, шахсий ўрнақ, намуна бўлиш орқали фуқароларнинг хукукий маданиятига таъсир килиши керак. Кискаси, конунларни билиш эмас, уни бажариш шартлиги фуқаролар онгига киритилиб, конунга итоат этиш, унга хурмат килиш хиссини шакллантириш зарур.

Фуқаролик институтларининг коррупцияга карши курашида, коррупцияни келтириб чиқарувчи сабабларга карши кураши устувор фаолият бўлиш керак. Бунда, айниқса, ННТ аъзолари ўртасида конунга хурмат руҳини шакллантириш, коррупциянинг ҳар кандай кўринишлари ва уни келтириб чиқарувчи сабабларга муросасизлик кайфиятини яратиш, коррупция жиноятларига нафратни вужудга келтириш муҳимдир. Коррупцияни вужудга келтирувчи сабаблар: хушомадгўйлик, иккисизла-мачилик, камчиликларни кўриб туриб, уни кўрмасликка олиш, танқидга

---

чидамсизлик, журъатсизлик, бепарволик, беғамлик ҳам ҳисобланади. ННТ бор имкониятлардан фойдаланиб, шу иллатларга қарши курашиши зарур.

#### **7.4. Жамоатчилик назорати**

---

2014 йил 16 апрелда Ўзбекистон Республикаси Конституцияяга бир нечта ўзгариш ва қўшимчалар киритилди. Улардан бири “Сиёсий ҳукуқлар” деб номланган VIII бобнинг 32-моддасига тааллукли бўлиб, унга асосан “давлат органларининг фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш” конституциявий даражага кўтарилиди. Бу билан фуқароларнинг жамият ва давлат ишларини бошқаришдаги конституциявий ҳукуқлари кенгайди.

Жамоатчилик назорати фуқаролик жамиятига хос ижтимоий ҳодиса бўлиб, унинг натижасида жамият давлатни назорат қиласди, жамоатчилик назорати ҳукуқий давлатга хос хусусиятлардан ҳамдир.

2017 йилдан бошлаб, Ўзбекистонда турли соҳаларда жумладан, давлат бошқарувида ислоҳотлар чуқурлаштирилди ва бошқарув билан, уни демократлаштириш билан боғлиқ масалаларга янгича ёндашув вужудга келди.

Давлат бошқарувини такомиллаштиришда, уни коррупциядан холи қилишнинг асосий шартлардан этиб белгиланиши жамоатчилик назорати институтини юқори ўринга олиб чиқади. Коррупциянинг олдини олиш унга қарши курашишнинг самарали усулларидан этиб эътироф этилди.

Жамоатчилик назорати – ҳукуқий институт сифатида Конституцияяга киритилган масаланинг бир томони бўлиб, энди уни амалга оширишнинг аниқ ҳукуқий механизмлари яратилиши керак эди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга Мурожаатномасида (2017 йил 22 декабрь) бугунги кунга қадар давлат органлари фаолияти устидан самарали жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг аниқ ҳукуқий механизмлари яратилмагани таъкидлаган эди. Бу ННТ томонидан давлат органлари ва мансабдор шахслар фаолиятини холисона баҳолашга халақит бермоқда. Шундан келиб чиқиб, давлат ва жамият бошқарувида жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг таъсирчан ва амалий механизмларини жорий этиш мақсадида, “Жамоатчилик назорати тўғрисида”ги Қонунни қабул қилиш зарур эканлигини қайд қилган эди<sup>66</sup>. Шу кўрсатмага асосан, 2018 йил 12 апрелда “Жамоатчилик назорати тўғрисида”ги Қонун қабул қилинди.

---

<sup>66</sup> Мирзиёев Ш.М. Ҳалқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. – Т.: “Ўзбекистон”, 2018 й. – 103-104 б.

Қонунда жамоатчилик назоратининг субъектлари (кимлар назоратда иштирок этиши); жамоатчилик назоратининг объектлари (кимлар ва нималар назорат килиниши); жамоатчилик назоратининг асосий принциплари; жамоатчилик назоратининг шакллари белгилаб кўйилди. Аввалги бандларда қайд килинганидек, фукароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва ННТ жамоатчилик назоратининг субъектлари категорига киритилди.

Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга карши курашиш тўғрисида”ги Қонунининг бир неча моддаларида ҳам жамоатчилик назорати ўзини ўзи бошқариш органлари ва ННТнинг вазифалари сифатида кўрсатилган.

Қонунга асосан, жамоатчилик назорати куйидагиларга каратилади:

1. Қабул килинаётган норматив-хукукий хужжатларда, карорларда, шунингдек, давлат, тармок ва худудий дастурлarda жамоатчилик манфаатлари, жамоатчилик фикри хисобга олинганми?

2. Фуқароларнинг, юридик шахсларнинг манфаатларини химоя килувчи хужжатлар ижро этилишининг ахволи (холати) қай даражада?

3. Давлат органлари, мансабдор шахслар ижтимоий ва фуқаролар манфаатларига дахлдор бўлган ўз вазифалари ва функцияларини қай даражада бажарайти?

4. Давлат хизматларининг кўрсатилиш холатлари кандай?

5. Давлат органлари, мансабдор шахслар томонидан ижтимоий шериклик доирасида амалга ошириладиган битимлар, шартномалар, лойихалар ва дастурларнинг бажарилиш холати кандай?

### **Жамоатчилик назоратининг шакллари:**



---

Жамоатчилик назоратини ривожлантириш давлат сиёсатига айланди. Ўзбекистон Президентининг Олий Мажлисга Мурожаатномасида бу масалага алоҳида урғу берилди. 2020 йил 24 январдаги Мурожаатномада жамоатчилик назоратини янада кучайтириш, давлат ва жамият ўртасида ўзаро яқин ҳамкорлик ўрнатиш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Жамоатчилик палатасини ташкил этиш таклиф этилди.

Хорижий мамлакатлар тажрибасида бундай органлар мавжуд, Жумладан, Россия Федерациясида Жамоатчилик палатаси бошқа кўплаб вазифалар билан бирга, коррупцияга қарши курашда самарали фаолият кўрсатмоқда.

Жамоатчилик назоратини кучайтириш учун янги тузилмаларни ташкил этиш билан бирга, Қонунда назарда тутилган воситаларни, механизмларни кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистон Президентининг 2020 йил 29 декабрдаги Мурожаатномасида Олий Мажлисга “... қабул қилинган ҳужжатлар ижросини ташкил этишда, жамоатчилик иштироки ва назорати кенг йўлга қўйилади. Жумладан, “жамоатчилик эшитувлари” ва “жамоатчилик мониторинги” тизими жорий қилинади.

Бу жараёнга фуқаролик жамияти институтлари, оммавий ахборот воситалари ва фуқаролар ҳам фаол жалб этилади”<sup>67</sup> – деб таъкидланди.

Эндиги вазифа шу ва бошқа қонунда белгиланган, жамоатчилик назоратининг бошқа усусларини тажрибада кенг ва мунтазам қўллашдир. Ана шунда жамиятимиздаги энг катта хавфлардан бири коррупцияга қарши самарали кураш вуждуга келади.

Қонунда жамоатчилик назоратининг кучли усуслари мустаҳкамлаб қўйилган. Лекин масала, муаммо шу билан ҳал бўлмайди. Уларнинг амалга ошиши учун, биринчидан, шу белгиланган жамоатчилик назорати шаклларини амалга оширишнинг аниқ механизмларини, уларнинг натижаси, оқибатини белгиловчи аниқ ҳужжатлар бўлиши шарт. Иккинчидан, ушбу жамоатчилик назорати шаклларида иштирок этувчи, уларни қўлловчи фуқароларнинг билими, тажрибаси юқори бўлиши, уларда қатиъатлилик, жасорат етарли бўлиши, улар шахсий манфаатдан жамоа манфаатини устун қўя олиши керак. Бунинг учун улар ўқитилиши, ўргатилиши, қисқача қилиб айтганда, етарли малакага эга бўлиши керак.

Демак, жамоатчилик назоратини реал воқеликка айлантириш, уни

<sup>67</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. // манба: [www.president.uz](http://www.president.uz)

---

коррупцияга қарши қуролга айлантириш учун, кучли ННТлар бўлиши ва жамоатчилик назорати шаклларидан унумли, жойида ва керагича фойдаланиш зарур.

## **7.5. Коррупцияга карши курашишда оммавий ахборот воситалари иштирокининг аҳамияти**

---

Коррупцияга қарши курашишда, давлат ҳокимияти органлари фаолиятида очиқлик ва ошкораликни таъминлашда, фуқароларга тезкор ва холис ахборот етказишида оммавий ахборот воситаларига эркинлик бериш, демократик ислоҳотлар жараёнида уларнинг нуфузи ва мавқеини ошириш долзарб масала ҳисобланади. Шунинг учун коррупцияга қарши курашишда оммавий ахборот воситалари (ОАВ)нинг иштирок этиши, коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар тўғрисида ахборот берадиган шахсларни ҳимоя қилиш масалалари қонунда алоҳида белгилаб кўйилган.

Ушбу иллатга қарши курашишда ОАВ иштирокисиз муваффақиятга эришиш мумкин эмас. Шунинг учун ОАВ фаолиятини жиддий ислоҳ қилиш, уларга фақат мақтов эмас, муаммоларни ва уларни ҳал қилиш йўллари ҳақида мақола, маълумот бериш вазифаси юкланиши керак.

Оммавий ахборот воситаларининг эркин ва дадил фаолиятисиз жамият ҳаётини демократлаштириш, одамларни мустақил фикрлаб яшашга ундаш, ҳозирги кунда сув ва ҳаводек зарур бўлган жамоатчилик назоратини изчил йўлга кўйиш мумкин эмас. Бутун дунёда давлатнинг демократияни хурмат қилишига, ҳалқнинг салоҳияти ва маданиятига матбуот эркинлиги, одиллигига қараб ҳам баҳо берилади. Албатта, бугун бу ҳақиқатни кўпчилигимиз яхши тушунамиз ва тан оламиз.

Шу нуқтаи назардан айтиш мумкинки, коррупцияга қарши курашида ҳам оммавий ахборот воситалари олдинги сафда турмоғи керак. Ўзбекистон Республикаси қонунларида, шу жумладан, “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Конунийнинг 15-моддасида эса, оммавий ахборот воситаларининг коррупцияга қарши курашишда иштирок этишига урғу берилган<sup>68</sup>.

Оммавий ахборот воситалари:

коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги давлат дастурларини ва бошқа дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда иштирок этади;

---

<sup>68</sup> Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Конуни // Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2017 й., 1-сон, 15-модда.

коррупцияга карши курашиш соҳасидаги давлат сиёсатини амалга оширишга, шу жумладан аҳолининг хукукий онги ва хукукий маданиятини юксалтиришга, жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантиришга қаратилган тадбирларни ёритади;

коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги қонун хужжатларининг ижро этилиши устидан жамоатчилик назоратини амалга оширади;

коррупцияга карши курашиш соҳасида давлат органлари ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорлик килади.

Оммавий ахборот воситалари конун хужжатларига мувофик бошка тадбирларда ҳам иштирок этиши мумкин.

*Оммавий ахборотни даврий тарқатишининг доимий номга эга бўлган ҳамда босма тарзда (газеталар, журнallар, ахборотномалар, бюллетенлар ва бошқалар) ва (ёки) электрон тарзда (теле-, радио-, видео-, кинохроникал дастурлар, Интернет жаҳон ахборот тармоғидаги веб-сайтлар) олти ойда камида бир марта нашр этиладиган ёки эфирга бериладиган (бундан бўён матнда чиқариладиган деб юритилади), қонун хужжатларида белгиланган тартибда рўйхатга олинган шакли ҳамда оммавий ахборотни даврий тарқатишининг бошқа шакллари оммавий ахборот воситасидир.*

Давлат оммавий ахборот воситаларининг фаолияти ва ахборотдан фойдаланиш эркинлигини, мулк хукукини, давлат органларининг ғайриқонуний қарорларидан, улар мансабдор шахсларининг ғайриқонуний ҳаракатларидан (ҳаракатсизлигидан) химоя қилинишини кафолатлади. Оммавий ахборот воситаларининг фаолиятига тўскинлик килиш ёки аралашиб тақиқланади.

Оммавий ахборот воситалари конун хужжатларига мувофик ахборотни излаш, олиш, тадқик этиш, тарқатиш, ундан фойдаланиш, уни саклаш хукукига эга ҳамда тарқатилаётган ахборотнинг холислиги ва ишончлилиги учун белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

Оммавий ахборот воситаси давлат хокимияти ва бошқаруви органларининг фаолияти тўғрисида ахборот олишга доир сўров биларга оғзаки ёки ёзма шаклда (шу жумладан, электрон хужжат шаклида) мурожаат этиш хукукига эга.

Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 24 апрелдаги “Журналистлик фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 4-моддасига биноан Ўзбекистон Республикасида оммавий ахборот воситаларининг цензура қилинишига йўл қўйилмайди.

Журналист мекнатга оид ёки бошқа шартномавий муносабатлар асосида оммавий ахборот воситалари учун хабарлар ва материалларни тўплаш, тахлил этиш, тахрир қилиш, тайёрлаш хамда тарқатишга доир фаолиятни амалга оширувчи шахсдир.

Хеч ким журналистдан эълон қилинаётган хабарлар ёки материаллар олдиндан келишиб олинишини, шунингдек, уларнинг матни ўзгартирилишини ёхуд уларнинг нашрдан бутунлай олиб ташланишини (эфирга берилмаслигини) талаб қилиш хуқуқига эга эмас.

Журналист ўз касбига доир фаолиятни амалга ошириш чоғида:

ахборотни тўплаш, тахлил этиш, тахрир қилиш, тайёрлаш ва тарқатиш;

ахборот олиш учун давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга мурожаат этиш;

давлат сирларини ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сирни истисно этган холда хужжатлар, материаллар ва ахборотдан фойдалана олиш;

журналист текшируви ўтказиш;

ўзи тайёрлаган хабарлар ва материалларни оммавий ахборот воситалари орқали имзосини ёки тахаллусини қўйиб тарқатиш, уларда ўз фикр-мулоҳазасини ифодалаш;

давлат органларининг очиқ ҳайъат мажлисларида ва оммавий тадбирларида хозир бўлиш;

журналистлик фаолиятини амалга ошириш юзасидан мансабдор шахс қабулида бўлиш;

маълумотларни белгилангандан тартибда ёзib олиш, шу жумладан зарур техника воситаларидан фойдаланган холда ёзib олиш;

ахборот манбаи ёки муаллифнинг номи сир сақланишини талаб қилиш;

тақдим этган хабарининг мазмунини оммавий ахборот воситаси бузуб эълон қилиши оқибатида, ўзига етказилган маънавий зарар ва моддий зиён қопланишини суд орқали талаб қилиш;

Фуқаролар ёки бошқа ахборот манбалари томонидан ўз номини ошкор этмаслик шарти билан ихтиёрий равища маълум қилинган маҳфий хабар, шунингдек, факт ёки воқеалар журналистика соҳасининг сири хисобланади.

Журналистнинг журналистика соҳасининг сири хисобланадиган маълумотларни бу маълумотлар манбайнинг розилигисиз ошкор этиши,

---

шунингдек, улардан ўзининг ғаразли манфаатлари ёки учинчи шахсларнинг манфаатларини кўзлаб фойдаланиши тақиқланади.

Журналист журналистлик фаолиятини амалга ошириш чоғида шахс дахлсизлиги кафолатидан фойдаланади.

Танкидий материаллар эълон килганлиги учун журналистни таъкиб килишга йўл кўйилмайди.

Журналист ўз текширувларининг натижаларини оммавий ахборот воситалари оркали тарқатишга, уларни давлат органлари, фукароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва мансабдор шахсларга ихтиёрий равишда тақдим этиши мумкин. Журналист текшируви даврида у кўлга киритган материаллар ва хужжатлар олиб кўйилиши ёки кўздан кечирилиши мумкин эмас.

Айтиш жоизки, агар давлат идоралари ёпиқ фаолият кўрсатса, оммавий ахборот воситалари хам ўз вазифаларини тўлиқ бажара олмайдилар. Хорижий тажриба шуни кўрсатадики, ошкоралик коррупциянинг олдини олувчи биринчи омиллардан саналади. Агар давлат идораси ёки мансабдор шахс жамоат олдида ўз фаолияти тўғрисида, жумладан, молиявий масалалардан тортиб, ишга қабул қилинишгacha хисобот берса, бу коррупцияни камайтиришга ёрдам берувчи очиклик бўлади.

## **Назорат саволлари**

1. “Кучли давлатдан – кучли фукаролик жамияти сари” тамойили мазмунини тушунтириб беринг?
2. Нодавлат нотижорат ташкилот деганда нимани тушунасиз?
3. Коррупциянинг олдини олишда нодавлат нотижорат ташкилот ўрнини тушунтириб беринг.
4. Бугунги кунда Ўзбекистон Республикасида нечта нодавлат нотижорат ташкилот мавжуд?
5. Фукароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг коррупциянинг олдини олишдаги ўрнини тушунтириб беринг.
6. Оммавий ахборот воситаларининг коррупциянинг олдини олишдаги ўрнини тушунтириб беринг.
7. Оммавий ахборот воситаларининг хукуқ ва мажбуриятларини тавсифланг.
8. Коррупциянинг олдини олишда журналистлар қандай хукукларга эга?
9. Жамоатчилик назорати қандай шаклларда олиб борилади?

## VIII. БОБ. КОРРУПЦИЯГА ОИД ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР УЧУН ЖАВОБГАРЛИКНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

### 8.1. Коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарлик тушунчаси ва унинг турлари

Жамиятда шундай иллатлар борки, у маълум бир шахс ёки соҳага эмас, балки бутун жамияттараққиётига тўсиқ бўлади. Давлатни ич-ичидан емирадиган ана шундай иллат – коррупция ва унинг бир кўриниши бўлган пораҳўрликдир. Айнан шу иллат сабабли кўплаб давлатларнинг инқирозга юз тутгани ҳам тарихдан маълум. Сўнгги йилларда юртимизда коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш, давлат ва жамият курилишининг барча соҳаларида коррупциоген омилларга чек қўйишга қаратилган кенг кўламли ислоҳотлар изчил амалга оширилмоқда.

БМТнинг халқаро микёсда коррупцияга қарши кураш бўйича маълумотида “коррупция” тушунчасига қуидагича таъриф берилади: “Коррупция – бу шахсий мақсадларда наф кўриш учун давлат ҳокимиятини сунистемол қилиш”.

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, “Коррупция ва уюшган жиноятчиликка қарши курашиш, шунингдек, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш масалаларини самарали ечиш устувор вазифаларимиздан бири бўлиб қолади”<sup>69</sup>.

Мамлакатда бюрократик тўсиқларни бартараф этиш чоралари кўрилмоқда ҳамда “Коррупциясиз соҳа” лойиҳалари амалга оширилмоқда.

Ушбу лойиҳадан мақсад – коррупцияга қарши курашиш самара-дорлигини ошириш, энг юқори даражада қулай бўлган ишбилармонлик мухитини яратиш ва мамлакатнинг халқаро майдондаги ижобий обрў-этиборини оширишга қаратилган.

Мамлакатимизда “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонун қабул қилинди. Ушбу Конуннинг қабул қилиниши БМТнинг Коррупцияга қарши конвенциясида белгиланган талаблар бажарилганидан далолат беради.

Жумладан, ҳар бир аъзо давлат коррупцияга қарши курашиш бора-сида ҳалоллик ва содиқлик, ошкоралик ва масъулиятлилик тамойилла-рини акс эттирадиган самарали сиёсатни олиб бориши ва коррупция-

<sup>69</sup> <https://www.adolatnashr.uz/uzs/news/news/korrupcia-zamiat-kusandasi>

---

нинг олдини олишга каратилган самарали амалиёт турларини белгилаш ва рағбатлантиришга ҳаракат қилиши керак.

Шунингдек, тегишли халқаро ва минтакавий ташкилотлар билан хамкорлик коррупциянинг олдини олишга каратилган халқаро дастур ва лойихаларда иштирок этишни камраб олиши мумкин. “Коррупцияга қарши курашиш тұғрисида”ги Қонуннинг қабул қилиниши билан “коррупция” тушунчасига расмий таъриф берилді.

Зоро, Қонуннинг 3-моддасига мувофиқ, “Коррупция – шахснинг ўз мансаб ёки хизмат мавкеидан шахсий манфаатларини ёхуд ўзга шахсларнинг манфаатларини күзлаб моддий ёки номоддий наф олиш максадида конунга хилоф равишда фойдаланиши, худди шунингдек бундай нафни конунга хилоф равишда тақдим этиш”дир. Ушбу Қонуннинг қабул қилиниши асосида коррупцияга карши курашиш фаолиятининг барча тегишли халқаро стандартларини ўз ичига олган, хорижий аналогларидан қолишимайдыган даражадаги конуний асоси яратилди.

“Коррупцияга қарши курашиш тұғрисида”ги Қонуннинг 27-моддасида коррупцияга оид хукукбүзарлайлар учун жавобгарлик белгиланған. Ушбу моддага күра, “Коррупцияга оид хукукбүзарлайлар содир этгандық қонунчиликка мувофиқ жавобгарлышка сабаб бўлиши, шунингдек, коррупцияга оид хукукбүзарлик содир этгандык шахслар суднинг карорига кўра, муайян хукуклардан, шу жумладан, муайян лавозимларни эгаллаш хукуқидан конунга мувофиқ маҳрум этилиши мумкинлиги ҳамда юридик шахслар коррупцияга оид хукукбүзарлайларни содир этгандык учун конунда белгиланған тартибда жавобгар бўлиши белгиланған”.

Бугунгача коррупция дейилганды, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси (ЖК)нинг (210-моддаси) пора олиш, (211-моддаси) пора бериш, (212-моддаси) пора олиш-беришда воситачилик қилишни назарда тутувчи диспозициялар тушунилған эди. Вахоланки, шахснинг мансаб ёки хизмат мажбуриятларини лозим даражада бажаришига таъсир кўрсатаётган ёхуд таъсир кўрсатиши мумкин бўлған ҳамда шахсий манфаатдорлик билан фукароларнинг, ташкилотларнинг, жамиятнинг ёки давлатнинг хукуклари ва конуний манфаатлари ўртасида қарама-қаршилик, гурухлар манфаатлари йўлидаги ҳаракатлар, ходимларни пора ва бошқа ҳақ эвазига оғдириш йўлидаги ҳаракатларга эътибор кам.

Бу иллатга карши курашиш – мамлакатимизда жадал суръатларда олиб борилаётган хукукий ислохотлар шароитида инсон ва фукароларнинг хукук ва эркинликларини самарали ҳимоя қилишнинг

---

муҳим воситаларидан бири бўлиб келмоқда. Мамлакатимизда коррупцияни енгиш, ҳокимият амалдорларининг ҳалол ишлашини таъминлаш, бозор иқтисодиётини янада ривожлантириш, тадбиркорлар олдида турган бюрократик тўсиқларни олиб ташлаш, халқа ва тадбиркорларга халақит бераётган тўсиқларни бартараф этиш мақсадида бир қатор қонун ва қонуности ҳужжатлари қабул қилинди. Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги, “Жамоатчилик назорати тўғрисида”ги, “Давлат харидлари тўғрисида”ги қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармонлари ва “Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги қарори муҳим аҳамият касб этмоқда.

Шу билан бирга, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги кенгайтирилди, жамоат ва парламент назоратини таъминлаш механизmlари такомиллаштирилди, шунингдек, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва суд органлари фаолиятининг ҳуқуқий асослари ислоҳ қилинди. Мазкур ҳужжатларда коррупцияга қарши курашиш соҳасида ҳуқуқий маданиятни юксалтириш, коррупциянинг олдини олишга доир чора-тадбирлар, коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни аниқлаш, уларга чек қўйиш, жавобгарликнинг муқаррарлиги каби масалалар аниқ белгилаб қўйилган.

Қонунда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ва улар лойиҳаларининг коррупцияга қарши экспертизасини ташкил этиш давлат бошқаруви соҳасида коррупциянинг олдини олишга доир чора-тадбирлардан бири сифатида белгиланган. Зеро, коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишларидан бири – коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни ўз вақтида аниқлаш, уларга чек қўйиш, уларнинг оқибатларини, уларга имкон берувчи сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этиш, коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни содир этганлик учун жавобгарликнинг муқаррарлиги принципини таъминлашдан иборатdir.

Давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ходимларининг одоб-ахлоқ намунавий қоидаларида коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар содир этилганлиги учун жиноий, маъмурий, интизомий, моддий жавобгарли турлари назарда тутилган.

---

## **Коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар учун хукукий жавобгарлик турлари**



Ушбу иллат инсон ҳуқуқларининг бузилиши, мамлакат тараққиёти ва жамият равнақига жиддий таъсир этар экан, коррупцияга қарши курашиб, бу иллатни барча соҳа ва жабҳалардан сиқиб чиқариш, юртимизни коррупциядан холи ҳудудга айлантириш биргина давлат идораси ёки жамоат ташкилотининг вазифаси эмас, балки шу давлат фуқароси, жамият аъзоларига бирдек тегишли бўлган вазифа, масъулият ҳисобланади.

Мансабдорлик жинояти коррупциянинг кўринишларидан бири ҳисобланиб, унинг хусусияти шундан иборатки, ушбу жиноятларни қонуннинг ижросини таъминлайдиган ва уни қўриқладайдиган шахслар томонидан содир этилади.

Шу сабабли коррупция билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларни ва жиноятларни ўрганиш учун бир қатор мансабдорлик жиноятларини ҳамда мансабдор шахсларнинг хизмат соҳаларини таҳлил қилиш лозим бўлади.

### **8.2. Коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар учун интизомий ва маъмурий жавобгарлик асослари**

Коррупция ҳозирги даврда кўпкіррали иллат ҳисобланиб, уни чуқур ўрганиш ва олдини олиш учун комплекс ва тизимли ёндашув, давлат ва жамият, назария ва амалиётнинг кучларини бирлаштириш тақозо этади. Энг аввало, коррупция пайдо бўлишининг объектив ва субъектив сабабларини ўрганиш, шу сабабларни давлатчилик ривожланишининг мана шу босқичидаги ривожланиши билан таққослаш, шундан кейин коррупциянинг келиб чиқишининг ижтимоий-иқтисодий сабабларини йўқотишига йўналтирилган амалий қадамларни ташлаш ва бу иллатнинг олдини олишга қаратилган турли йўналишдаги профилактик тадбирлар мажмуини ишлаб чиқиш зарур.

Ўзбекистон Республикаси “Коррупцияга қарши курашиштүғрисида”ги Конунининг 3-моддасида “коррупция”, “коррупцияга оид хукуқбузарлик”, “манфаатлар тўқнашуви” тушунчаларига таъриф берилган. Ушбу тушунчалардан англаш мумкинки, коррупция фақат пора олиш ёки пора бериш эмас. Коррупция мансабни суистеъмол қилиш билан боғлиқ турли маъмурий ва жиноий хукуқбузарликлардан иборат.

Масалан, манфаатлар тўқнашуви олайлик. Конунчиликка кўра, манфаатлар тўқнашуви – шахсий (бевосита ёки билвосита) манфаатдорлик шахснинг мансаб ёки хизмат мажбуриятларини лозим даражада бажаришига таъсир қўрсатаётган ёхуд таъсир қўрсатиши мумкин бўлган хамда шахсий манфаатдорлик билан фуқароларнинг, ташкилотларнинг, жамиятнинг ёки давлатнинг хукуқлари ва қонуний манфаатлари ўртасида қарама-қаршилик юзага келаётган ёки юзага келиши мумкин бўлган вазият.

Мансабдор хизмат фаолиятида манфаатлар тўқнашувига йўл қўйса, хукуқбузарликнинг таркибиға мувофиқ интизомий, маъмурий ёки жиноий жавобгарликка тортилиши мумкин.

Маъмурий жазо жавобгарликка тортиш чораси бўлиб, у маъмурий хукуқбузарлик содир этган шахсни қонуларга риоя этиш ва уларни хурмат қилиш руҳида тарбиялаш, шунингдек, ана шу хукуқбузарлининг ўзи томонидан хам, бошқа шахслар томонидан хам янги хукуқбузарлик содир этилишининг олдини олиш мақсадида қўлланилади.

Интизомий жавобгарлик ходим томонидан интизомий ножўя хатти-харакат содир этган ҳолларда қўлланиши мумкин. Интизомий ножўя хатти-харакат бу жисмоний шахснинг корхона, бирлашма ва муассасаларнинг ички тартиб-қоидалари, шунингдек меҳнат, хизмат, ўқув, харбий хамда бошқа шу каби интизомни бузишга қаратилган хукуққа қарши харакатидир. Интизомий жазолар, одатда, хизмат ёки ижро интизоми бузилиши, давлат хизматчисига номуносиб харакатлар давлат хизматчиси деган номга доғ туширувчи ножўя хатти-харакатлар учун тайинланади.

Ўзбекистон Республикаси Мехнат кодексининг 181-моддасига асоссан, ходимга меҳнат интизомини бузганлиги учун иш берувчи қўйидаги интизомий жазо чораларини қўллашга ҳақли:

- 1) ҳайфсан;
- 2) ўртача ойлик иш ҳақининг ўттиз фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда жарима.

Ички меҳнаттартиб-қоидаларида ходимга ўртача ойлик иш ҳақининг эллик фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда жарима солиш ҳоллари хам

---

назарда тутилиши мумкин. Ходимнинг иш хакидан жарима ушлаб колиш ушбу Кодекснинг 164-моддаси талабларига риоя қилинган ҳолда иш берувчи томонидан амалга оширилади;

3) меҳнат шартномасини бекор килиш (100-модда иккинчи кисмининг 3 ва 4-бандлари).

Ушбу интизомий чоралар ходим томонидан содир этилган хукук-бузарликларнинг тури, даражасига мувофиқ конунчиликка асосан кўлланилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2022 йил 14 октябрдаги 595-сонли карори билан тасдиқланган Давлат фукаролик хизматчилари одоб-ахлокининг намунавий коидаларига мувофиқ, давлат хизматчиси томонидан одоб-ахлок коидаларининг бузилиши уни конун хужжатларида белгиланган тартибда жавобгарликка тортиш учун асос бўлиши белгиланган.

Давлат хизматчиси томонидан Одоб-ахлок коидаларига риоя этилиши аттестациялар ўтказишда, юкори ва бошқа лавозимларга тайинлаш учун кадрлар захирасини шакллантиришда хисобга олинади.

Одоб-ахлок коидалари нормаларининг бузилиши маҳсус таркибий бўлинма ёки Одоб-ахлок комиссияси томонидан кўриб чиқилади. Одоб-ахлок комиссияси, маҳсус таркибий бўлинма мавжуд бўлмаган такдирда, давлат органи ходимларидан камида 5 кишидан иборат таркибда тузилади. Одоб-ахлок комиссиясининг максади, вазифалари, функциялари, хукуқлари, жавобгарлиги ва унинг фаолиятини ташкил этишининг бошқа масалалари давлат органи томонидан тасдиқланган Одоб-ахлок комиссияси тўғрисидаги Низомда белгиланган.

Одоб-ахлок коидаларининг бузилиши холатларини маҳсус таркибий бўлинма ёки Одоб-ахлок комиссияси томонидан кўриб чиқиши натижалари бўйича интизомий ёки бошқача тарздаги коида бузилишларининг мавжудлиги (мавжуд эмаслиги) тўғрисида хулоса чиқарилади. Айни вактда, давлат органи раҳбари кўриб чиқиши учун коидалар бузилишини содир этган давлат хизматчисини жавобгарликка тортиш тўғрисида таклиф киритилади. Йўл кўйилган қоида бузилишининг характеристини хисобга олган ҳолда, Одоб-ахлок комиссияси давлат хизматчисига нисбатан Одоб-ахлок коидаларининг бузилишига йўл кўймаслик тўғрисидаги огоҳлантириш билан чекланиши мумкин.

Давлат хизматчилари ўзлари йўл кўйган коида бузилиши, коида бузилишининг кўриб чиқилиши жараёни хакида ахборотни олиш ва ўзини химоя килиш учун далилларни тақдим этиш, шунингдек, давлат органи-

---

нинг қарорлари юзасидан белгиланган тартибда шикоят қилиш хуқуқига эга.

Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида мансабдор шахсларнинг ножӯя хатти-ҳаракатлари учун жавобгарлиги Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 15-моддасига берилган. Унга биноан, мансабдор шахслар бошқарув тартибини, давлат ва жамоат тартибини сақлаш, табиий муҳитни, аҳоли соғлигини муҳофаза қилиш соҳасида белгиланган қоидаларга ва бажарилишини таъминлаш ўз хизмат вазифаларига кирадиган бошқа қоидаларга риоя этмаганлик билан боғлиқ маъмурий хуқуқбузарлик содир этганликлари учун маъмурий жавобгарликка тортилишлари лозим.

2020 йил 31 декабрдаги “Коррупцияга оид хуқуқбузарлик ҳақида хабар берган ёки коррупцияга қарши курашишга бошқа тарзда кўмаклашган шахсларни рағбатлантириш тартиби тўғрисида”ги 829-сонли қарорига илова қилинган Низомга кўра<sup>70</sup>, коррупцияга оид маъмурий хуқуқбузарликларга – Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг (МЖТК) 61<sup>1</sup>, 193<sup>1</sup> ва 193<sup>2</sup>-моддаларида назарда тутилган хуқуқбузарликлар киради.

Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексида қўйидаги бир қанча коррупциявий хуқуқбузарликлар учун жавобгарлик белгиланган:

VII боб “Мулкка тажовуз қилувчи хуқуқбузарликлар учун маъмурий жавобгарлик” деб номланади. Ушбу бобда нодавлат тижорат ташкилотининг ёки бошқа нодавлат ташкилотининг хизматчисини пора эвазига оғдириб олганлик (61<sup>1</sup>-модда) учун жавобгарлик назарда тутилган.

XVI боб “Бошқарувнинг белгиланган тартибига тажовуз қилувчи хуқуқбузарликлар учун маъмурий жавобгарлик” деб номланади. Ушбу бобда давлат органининг, давлат иштирокидаги ташкилотнинг ёки фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органининг хизматчисини пора эвазига оғдириб олганлик (193<sup>1</sup>-модда), давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи хизматчисининг қонунга хилоф равишда моддий қимматликлар олиши ёки мулкий манфаатдор бўлганлик (193<sup>2</sup>-модда) учун жавобгарлик назарда тутилган.

Маъмурий хуқуқбузарлик содир этганлик учун жазо чоралари сифатида амалдаги МЖТКда мансабдор шахсларнинг коррупция билан боғлиқ хуқуқбузарлик содир этганлик учун маъмурий жарима жазоси назарда тутилган.

---

<sup>70</sup> <https://lex.uz/docs/5193571>

### **8.3. Коррупцияга оид хуқуқбузарликлар учун жиноий жавобгарлик асослари**

Жиноят хукукида коррупция ибораси давлат идораларида ишлайдиган мансабдор шахсларнинг ёки давлат хизматчиларининг уюшган гурух, шунингдек, бошка жиноятчи шахслар билан ўзаро тил бириттириб, жиноят содир этиши ёки уларни жиноят содир этиш учун шароит яратиб беришини англатади.

Коррупция билан боғлиқ жиноятни содир этиш ва шахснинг харакатини квалификация қилиш хамда унга жазо тайинлаш жиноят хукукида катта аҳамиятга эга.

Жиноятлар орасида коррупция ўта хавфли хисобланиб, инсоннинг ҳаётига, соғлиғига, мулкка, давлат барқарорлигига, шунингдек, бир қанча мухим объектларга зарар етказиши билан жамиятимизга катта хавф туғдиради.

Судлар томонидан 2020 йил давомида коррупция билан боғлиқ (ЖКК 205-214, 243-моддалари) жами 2270 нафар шахсга нисбатан 1502 та жиноят иши кўриб чиқилган.

Шундан 2 203 нафар шахсга нисбатан 1457 та жиноят иши бўйича хукм чиқарилган. Жумладан:

- 80 нафар шахсга нисбатан 59 та жиноят иши бўйича оклов хукми;
- 2 123 нафар шахсга нисбатан 1 398 та иш бўйича айблов хукми чиқарилган;
- 67 нафар шахсга нисбатан 45 та жиноят иши тугатилган.

2020 йил коррупция билан боғлиқ жиноятларнинг содир этилишига сабаб бўлган омиллар статистикаси куйидагича кўринишга эга:

- 45 нафар шахсга нисбатан давлат харидлари билан боғлиқ қонун талабларига риоя килинмаганлиги;
- 45 нафар шахсга нисбатан хуқуқбузарликка қарши курашиб борасидаги профилактика ишлари самарали тарзда олиб борилмаганлиги;
- 50 нафар шахсга нисбатан давлат хизматчиларини танлов асосида саралаб олиш, лавозимга тайинлаш ва юкори лавозимларга кўтаришнинг шаффоф тартибининг мавжуд эмаслиги;
- 55 нафар шахсга нисбатан айланувчининг соҳага таалуқли бўлмаган хизматларга бириттирилганлиги;
- 88 нафар шахсга нисбатан шахснинг (жабрланувчи) ўз манфаати йўлида қонунни четлаб ўтишга уриниши ёки бошка тарздаги манфаатдорлиги сабабли жиноятга йўл очиб берганлиги;

– 99 нафар шахсга нисбатан иш ҳажминингтўғри тақсимланмаганлиги ва малакали хизмат кўрсатилмаслиги;

– 122 нафар шахсга нисбатан давлат органлари ходимлари мансаб ёки хизмат мажбуриятларини бажариш чоғида манфаатлар тўқнашувига олиб келадиган ёки олиб келиши мумкин бўлган шахсий манфаатдорликка йўл кўйганлиги;

– 179 нафар шахсга нисбатан ишга кабул килишда мансабдорнинг (ходимнинг) шахси лозим даражада ўрганилмаганлиги, айбланувчининг малака даражаси етишмаслиги (муқаддам жиноят содир этганлиги ёки содир этишга мойиллиги);

– 262 нафар шахсга нисбатан айбланувчининг ижтимоий таъминланмаганлиги ёки адолатли меҳнат шароити ташкил этилмаганлиги;

– 598 нафар шахсга нисбатан тизимда иш фаолияти тўғри йўлга кўйилмаганлиги, соҳада бюрократик тўсикларнинг мавжудлиги (фаолиятнинг ўзи коррупцияга йўл очиб берганлиги);

– 642 нафар шахсга нисбатан фукароларнинг моддий манфаатдорлик ёки шахсий бойлик орттириш йўлида жиноятга кўл уриши каби омиллар коррупция билан боғлиқ жиноятларнинг содир этилишига имкон яратган<sup>71</sup>.

2021 йилда республика бўйича жами 5483 нафар шахсга нисбатан 3769 та коррупцияга оид жиноят ишлари кўриб чиқиш учун, тегишли тартибда, судларга юборилган. 2020 йил билан таккослаганда судга юборилган жиноят ишлари сони 2621 тага, жавобгарликка тортилган шахслар сони эса 3 760 тага ёки 218 фоизга кўпайган<sup>72</sup>. Коррупцияга оид жиноятлар оқибатида, давлат ва жамият манфаатларига 2020 йилда 500 млрд. 102 млн. сўмлик моддий зарар етказилиб, 355 млрд. сўм ёки 71,0 фоизи ундирилган бўлса, 2021 йилдаги моддий зарар микдори 1 трлн. 282 млрд.ни ташкил этиб, 887 млрд. сўми ёки 69,1 фоизи ундирилган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Коррупцияга оид хукукбузарлик ҳақида хабар берган ёки коррупцияга қарши курашишга бошқа тарзда кўмаклашган шахсларни рағбатлантириш тартиби тўғрисида”ги 829-сонли қарорига илова қилинган Низомга кўра,<sup>73</sup> коррупцияга оид жиноятлар Ўзбекистон Республикаси ЖК 167-моддасининг иккинчи қисми “г” банди, 168-моддасининг учинчи қисми “в” банди, 192<sup>9</sup>,

<sup>71</sup> <https://yuz.uz/news/korruptsiyaviy-jinoyatlar-statistikasi-elon-qilindi>

<sup>72</sup> <https://kun.uz/news/2022/03/11/2021-yil-korruption-jinoyatlar-oqibatida-ozbekistonga-110-million-dollardan-ortiq-zarar-yetkazildi>

<sup>73</sup> <https://lex.uz/docs/5193571>

---

ва 192<sup>10</sup>, 205, 209-214-моддалари, 243-моддасида назарда тутилган жиноятларни мансаб мавқеидан фойдаланган ҳолда содир этиш ҳамда 301-моддасида кўрсатилган жиноятлар назарда тутилган. Ушбу коррупцияга оид жиноятларнинг хусусиятидан келиб чиқиб, мазкур қилмишлар фақатгина маҳсус субъект ҳисобланган мансабдор шахс томонидан содир этилади. Шунинг учун коррупция билан боғлиқ қилмишларни ўрганиш учун мансабдорлик жиноятларни таҳхилиш қилиш лозим бўлади.

Коррупция билан боғлиқ жиноятларни назарда тутувчи Жиноят кодекси моддалари қуийдагилардан иборат:

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси бўйича коррупция вий жиноятлар иқтисодиёт соҳасидаги жиноятлар (ЖК учинчи бўлим) да X боб (Ўзгалар мулкини талон-торож қилиш) келтирилган бўлиб, у қуийдагиларни назарда тутади:

Ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-торож қилиш (167-модда иккинчи қисми “г” банди);

Фирибгарлик (168-модда учинчи қисми “в” банди).

Ушбу Кодекснинг ХІІІ<sup>1</sup> боби (Тадбиркорлик фаолиятига тўсқинлик қилиш, қонунга хилоф равишда аралашиш билан боғлиқ жиноятлар ҳамда хўжалик юритувчи субъектларнинг хуқуqlари ва қонуний манфатларига тажовуз қиладиган бошқа жиноятлар)да қуийдаги қилмишлар учун жавобгарлик назарда тутилган:

Тижоратда пора эвазига оғдириб олиш (192<sup>9</sup>-модда);

Нодавлат тижорат ташкилотининг ёки бошқа нодавлат ташкилотининг хизматчисини пора эвазига оғдириб олиш (192<sup>10</sup>-модда).

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг бешинчи бўлими (Хокимият, бошқарув ва жамоат бирлашмалари органларининг фаолият тартибиага қарши жиноятлар) XV бобида қуийдаги бошқарув тартибиага қарши жиноятлар учун жавобгарлик назарда тутилган.

Ушбу Кодекснинг олтинчи бўлими (Жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибиага қарши жиноятлар) XVII бобида жамоат хавфсизлигига қарши жиноятлар учун жавобгарлик назарда тутилган. Ушбу бобда жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштирганлик (243-модда) учун жавобгарлик назарда тутилган.

Ҳарбий хизматни ўташ тартибиага қарши жиноятлар деб номланган еттинчи бўлимда ҳарбий мансабдорлик жиноятлари белгиланган. Унда ҳокимиятни суиистеъмол қилиш, ҳокимият ваколатидан ташқарига чиқиш ёки ҳокимият ҳаракатсизлиги (301-модда) учун жавобгарлик белгиланган.

## **Бошқарув тартибига қарши жиноялтар**

Хокимият ёки мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш (205-модда);

Мансаб сохтакорлиги (209-модда);

Пора олиш (210-модда);

Пора бериш (211-модда);

Пора олиш-беришда воситачилик қилиш (212-модда);

Давлат органининг, давлат иштирокидаги ташкилотнинг ёки фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органининг хизматчисини пора эвазига оғдириб олиш (213-модда);

Давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот хизматчи-сининг қонунга хилоф равишда моддий қимматликлар олиши ёки мулкий манфаатдор бўлиши (214-модда).

## **Порахўрлик жинояти турлари**

Пора олиш  
(210-модда)

Пора бериш  
(211-модда)

Пора олиш-беришда  
воситачилик қилиш  
(212-модда)

---

Коррупциянинг энг тарқалган кўриниши бу – пораҳўрлик. Пораҳўрликнинг энг хавфлиси, бу Жиноят кодекснинг 210-моддасида назарда тутилган пора олиш жиноятидир. Мансабдор шахс томонидан пора олиш жиноятининг ижтимоий хавфлилигининг юқорилиги қўйидагилар:

- давлат органи нормал фаолиятининг бузилиши;
- давлат органи обрўсининг тушиши;
- фуқароларнинг ижтимоий адолатга бўлган ишончининг сўниши;
- фуқароларнинг хуқуқ ва манфаатлари бузилишига олиб келиши билан белгиланади.

Коррупция иллатининг асосий сабабларидан бири, мансаб ваколатини суистеъмол қилиш ёки фойдаланиш орқали ноқонуний тарзда моддий қимматликларга эга бўлиш ёхуд мулкий манфаатдор бўлиш тушунилади.

Ушбу даромадларга қонуний тус бериш ва улардан фойдаланиш мақсадида, улар томонидан бундай даромадларни легаллаштириш ҳаракатлари содир этилади.

БМТнинг Коррупцияга қарши конвенцияси талабларидан келиб чиқиб, “Мансабдор шахс” атамасининг хуқуқий маъноси сифатида, “Мансабдор шахс – доимий, вақтинча ёки маҳсус ваколат бўйича тайинланадиган ёки сайланадиган, ҳокимият вакили вазифаларини бажарадиган ёхуд давлат органларида, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида, мулк шаклидан қатын назар, корхоналарда, муассасаларда, ташкилотларда ташкилий-бошқарув, маъмурий-хўжалик вазифаларини амалга оширадиган ва юридик аҳамиятга эга ҳаракатларни содир этишга ваколат берилган шахс, худди шунингдек, халқаро ташкилотда ёхуд чет давлатнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи, маъмурий ёки суд органида мазкур вазифаларни амалга оширувчи шахс”, деб баён этилди.

Коррупцияга қарши курашиш мунтазам ва комплекс тарзда олиб борилиб, ижтимоий хаётнинг барча соҳаларини, айниқса, давлат бошқаруви ва иқтисодиётни қамраб олмоғи даркор. Бу борада, албатта, катта эътибор коррупцияни олдини олиш чора-тадбирлариға қаратилиши билан бир вақтда, жиноий-хуқуқий чоралар мажмуига хам эътибор қаратишими жоиз бўлади.

Коррупциявий жиноялар учун жавобгарлик масалаларида қўйидагиларга алоҳида эътибор қаратиш лозим бўлади:

- коррупциявий қилмишлар давлат ҳокимияти ва бошқаруви, жамоат бирлашмалари фаолияти билан боғлиқ давлат аппаратининг нормал фаолиятини таъминлайдиган ижтимоий муносабатлар ва бу муносабат-

ларда айрим фукароларнинг хукуклари ва конун билан кўрикланадиган манфаатларига тажовуз килади;

– хокимиият ёки мансаб ваколатини суистеммол қилиш, мансабдор шахс томонидан ўз мансаб ваколатларидан давлат манфаатларига зид равишда, фойдаланиш деярли барча коррупциявий жиноятлар объектив томонининг асосий белгиси хисобланади;

– барча коррупциявий жиноятларнинг субъектив томони тўғри қасднинг, аксарият жиноятлар ғаразгўйлик ёки бошқа манфаатдорлик-нинг мавжудлиги билан тавсифланади;

– айрим коррупциявий жиноятларнинг зарурий белгиси бўлган “жиддий зиён” тушунчаси айнан кандай окибатларни камраб олиши хақида расмий изохнинг мавжуд эмаслигининг ўзиёқ коррупциявий хавфни юзага келтириши мумкин.

#### **8.4. Коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар натижасида етказилган заарни қоплаш**

БМТ томонидан келтирилган маълумотларга асосан, жаҳон ҳамжамиятида ҳар йили 1 триллион АҚШ доллар хажмида пора бериш ва олиш ҳолатлари содир этилади. Дунё иқтисодиёти ҳар йили коррупция туфайли 2,6 триллион АҚШ долларидан ортиқ маблағдан айрилади, бу жаҳон ялпи ички маҳсулотининг 5 фоизини ташкил этиши маълум килинган эди<sup>74</sup>.

Агарда миллӣй доирада коррупцияга оид жиноятларнинг содир этилиши борасидаги статистик ракамларга тўхталадиган бўлсак, 2017–2020 йиллар давомида 6127 нафар мансабдор шахснинг жиноий жавобгарлик масаласи ҳал қилинган. Булардан 2018 йил давомида давлат улуши бўлган ҳўжалик юритувчи субъектлар мансабдор шахсларига жами 351 та (2019 й. 129 та), давлат улуши бўлмаган ҳўжалик юритувчи субъектлар мансабдор шахсларига 2018 йил давомида 362 та (2019 й. 401 та) жиноят иши мавжуд эканлигини кўрсатмоқда.

Шунингдек, мансабдор шахсларнинг коррупцияга оид жиноятлари оқибатида давлат ва жамият манфаатларига 2017 йилда – 142 млрд. 662 млн. сўм, 2018 йилда – 559 млрд. 174 млн. сўм, 2019 йилда эса – 1 трлн. 853 млрд. сўм, 2020 йилда – 500 млрд. 102 млн. сўм, 2021 йилда – 913,7

<sup>74</sup> <https://xs.uz/uzkr/post/zahon-iqtisodiyoti-korruptsiya-holatlari-tufajli-jiliga-26-trillion-dollar-joqotmoqda>

---

млрд. сўм микдорида моддий заарар етказилган<sup>75</sup>. Шунингдек, 2020 йилда – 355 млрд. 754 млн. сўм, 2021 йилда – 714,8 млрд. сўм микдорида моддий заарар хукукбузарлардан ундирилган.

Коррупцияга оид хукукбузарликлар содир этилганлиги натижасида кабул қилинган карор бекор қилинган, ўзгартирилган ёки хақиқий эмас деб топилган тақдирда, унинг қабул қилиниши натижасида жисмоний ва юридик шахсларга етказилган заарарнинг ўрни қонунчиликда белгиланган тартибида копланиши лозим.

Жиноий жавобгарлика тортилган мансабдор шахсларнинг деярли тенг ярми мулкни талон-тарож килганлиги, ҳар бештадан биттаси – мансаб ваколатларини суистеъмол килганлиги ва ҳар еттитадан бири пораҳурлик учун судга берилганлиги холати бу масаланинг жиддий эканлигини кўрсатади. Мансабдорларнинг коррупцияга оид килмишлари оқибатида, жиддий иқтисодий заарар етмоқда.

Коррупцияга оид хукукбузарликлар натижасида етказилган заарарни қоплаш масалалари фуқаролар, корхона, муассаса, ташкилотлар, тадбиркорлик субъектлари, шунингдек, давлатнинг мулкий хукук ва манфаатлари химоясини таъминлашда мухим аҳамият касб этади.

Жиноят-процессуал кодекси (ЖПК)нинг 82-моддасига мувофик суриштирув, дастлабки тергов олиб бориш чоғида аниқланиши лозим бўлган холатлардан бири жиноят натижасида, жумладан, коррупцияга оид килмишлар натижасида етказилган заарар хусусияти ва микдори хисобланади, чунки етказилган заарар тури ва микдорини аниқлаш нафакат уни қоплаш масаласини ҳал этиш, балки жиноятни квалификация килиш учун ҳам аҳамиятлидир.

Суриштирув, дастлабки тергов органлари, коррупцияга оид килмишлар натижасида етказилган мулкий заарар қопланишини таъминлашнинг мухим хукукий механизми гумон килинувчи, айбланувчи, фуқаровий жавобгарнинг мол-мулкини ЖПК 290-моддасига мувофик, тезкорлик билан хатлаш лозим хисобланади.

ЖПК 290-моддаси мазмунига кўра, гумонланувчи ва айбланувчига тегишли, учинчи шахсларда бўлган мол-мулкка ҳам, башарти иш бўйича иш юритиш давомида ушбу мулк амалда гумонланувчи ёки айбланувчига тегишли деб хисоблашга етарли асослар бўлса, тақиқ солиниши мумкин.

Бунда ҳар бир муайян холда хатланаётган мол-мулк ЖПК 293-моддаси талабларига риоя этилган тарзда мутахассис ёки баҳоловчи ташки-

---

<sup>75</sup> <https://uz.aуз/uz/posts/korruptsiyaga-arshi-kurashish-kuchaytirilgandan-sng-6-ming--05-02-2020>

---

лот жалб этилган ҳолда баҳоланиши ва баённома билан расмийлаштирилиши лозим.

Хукмнинг мулкий зиённи қоплашга оид қисми ижроси самарадорлигини ошириш мақсадида, суриштирув, дастлабки тергов органлари, шунингдек, ЖПК 280-моддасига риоя этган ҳолда, гумон қилинувчи, айбланувчи, фуқаровий жавобгарнинг муайян ҳаракатларни амалга оширишини тақиқлаш каби ФПК 249-моддасида назарда тутилган чораларни қўллашни амалиётга киритишлари лозим.

Жиноят ишини кўриш учун тайинлашда суд жиноят натижасида етказилган зарарни қоплаш чоралари кўрилганлиги, фуқаровий даъво киритилганлигини аниқлаши лозим. Агарда суриштирув, дастлабки тергов органи, прокурор томонидан бундай чоралар кўрилмаган бўлса, судья ЖПКнинг 290, 396-моддаларига асосан, ўз ташаббуси билан бундай чораларни кўради, бироқ суд бундай чораларни бевосита кўриш имкониятига эга бўлмаса, суриштирувчи ёки терговчига зарур чораларни кўриш мажбуриятини юклаш бўйича ажрим чиқаради (ЖПК 398-моддаси).

Коррупцияга оид қилмишлар натижасида етказилган моддий зарарни ундириш масаласини ҳал этишда мол-мулкнинг хукм чиқарилган кундаги қийматидан келиб чиқиши лозим. Бунда валюта қимматликлари қиймати Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан хукм чиқарилган кунда белгиланган курс бўйича аниқланади.

## **8.5. Коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар тўғрисида ахборот берадётган шахсларни ҳимоя қилиш**

---

Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Конунининг 28-моддаси “Коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ахборотни хабар қилувчи шахсларни ва уларнинг яқин қариндошларини ҳимоя қилишга бағишиланган бўлиб, унга кўра, “коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ахборотни хабар қилувчи шахслар ва уларнинг яқин қариндошлари давлат ҳимоясида бўлади. Коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар тўғрисида хабар қилувчи шахслар тўғрисидаги маълумотлар хизмат сирини ташкил этади ҳамда фақат қонунда назарда тутилган ҳолларда ва шахснинг ўзининг, шунингдек коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи орган раҳбарининг ёзма рухсати асосида ошкор этилади”.

Коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар тўғрисида хабар қилувчи шахсларнинг ҳамда уларнинг яқин қариндошларининг ҳаётига ва соғлиғига

---

ҳақиқий таҳдидни, уларга нисбатан зўрлик ишлатилганлигини, уларнинг мол-мулки йўқ қилинганини ёки шикастлантирилганни тасдиқловчи етарли асослар мавжуд бўлган тақдирда, коррупцияга қарши курашишни амалга оширувчи органлар Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 14 январдаги “Жабрланувчиларни, гувоҳларни ва жиноят процессининг бошқа иштирокчиларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ уларни ҳимоя қилиш бўйича зарур чоралар кўриши шартлиги кафолатланган.

Коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ахборотни хабар қилувчи шахсларнинг ва уларнинг яқин қариндошлари ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар тўғрисида хабар қилганлиги сабабли тажовуз қилишга, шунингдек, иш берувчи томонидан уларнинг меҳнатга оид ҳуқуқлари бузилишига йўл қўйилмайди ҳамда бу Конунга кўра жавобгарликка сабаб бўлиши белгилаб қўйилган.

Ушбу модданинг қоидалари коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар тўғрисида била туриб ёлғон ахборотни хабар қилган шахсларга нисбатан татбиқ этилмайди, улар бундай ҳуқуқбузарлик учун қонунга мувофиқ жавобгар бўлади.

Коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар тўғрисида хабар қилувчи шахсларни рағбатлантириш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда асосида, яъни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 31 декабрдаги “Коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик ҳақида хабар берган ёки коррупцияга қарши курашишга бошқа тарзда кўмаклашган шахсларни рағбатлантириш тартибини белгилайди.

Коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик ҳақида хабар берган шахсларни рағбатлантириш қонунийлик, адолатлилик, холислик, ошкоралик, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига риоя этиш ҳамда уларнинг шахсий хавфсизлигини таъминлаш ва хоҳиш истакларини ҳисобга олиш принциплари асосида амалга оширилиши лозим.

Низомнинг 7-бандига кўра, рағбатлантириш бир марталик пул мукофоти, ташаккурнома ёки эсадалик совға шаклида белгиланган.

## **Коррупцияга оид ҳуқукбузарлик ҳақида хабар берган шахсларни рағбатлантиришнинг вазифалари**

Жамиятда коррупциянинг барча кўринишларига муросасиз муносабатни шакллантириш

Ушбу соҳада давлат сиёсатининг самарали амалга оширилишини таъминлаш

Коррупциянинг барвақт профилактикасини таъминлаш, бунга имкон бераётган шарт-шароитларни ўз вақтида аниқлаш ва бартараф этиш

Аҳолининг коррупцияга карши курашишдаги фаоллигини янада ошириш ҳамда уларни муносиб тақдирлаш

Коррупцияга оид ҳуқукбузарлик ҳақида хабар берган ёки коррупцияга қарши курашишга бошқа тарзда кўмаклашган шахслар қўйидаги асослардан бири мавжуд бўлганда, бир марталик пул мукофоти билан рағбатлантирилади:

фуқаролар ёки фуқаролиги бўлмаган шахслар томонидан ўзларига нисбатан пора талаб қилган шахс ҳақида ёки ўзларига маълум бўлган коррупцияга оид ҳуқукбузарлик ҳақида коррупцияга қарши курашувчи органларга берган хабари асосида бундай ҳуқукбузарлик фош этилиши;

нодавлат тижорат ташкилотининг ёки бошка нодавлат ташкилотининг ёхуд давлат органининг, давлат иштирокидаги ташкилотнинг ёки фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органининг хизматчиси ўзига нисбатан пора беришни таклиф этган ёки пора талаб қилган шахс ҳақида ёхуд ўзига маълум бўлган коррупцияга оид ҳуқукбузарлик ҳақида коррупцияга қарши курашувчи органларга (коррупцияга қарши курашувчи органларнинг ходимлари эса, бевосита ўз раҳбарига) берган хабари асосида ҳуқукбузарлик фош этилиши;

коррупцияга оид жиноятни содир этганлиги учун кидирувда бўлган шахс тўғрисида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга берилган хабар асосида кидирувдаги шахс ушланиши, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг ходимлари бундан мустасно.

Низомнинг 9-бандига мувофиқ, коррупцияга оид ҳуқукбузарлик ҳақида хабар берган ёки коррупцияга қарши курашишга бошқа тарзда

---

кўмаклашган шахслар қўйидаги миқдордаги бир марталик пул мукофоти билан рағбатлантирилади:

а) коррупцияга оид маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳақида берилган хабар учун – базавий ҳисоблаш миқдорининг уч баравари миқдорида;

б) пора суммаси ёки етказилган зарар ёхуд ўзлаштирилаётган (ўзлаштирилган) мулкнинг қиймати базавий ҳисоблаш миқдорининг ўттиз бараваригача бўлса:

ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноят учун – базавий ҳисоблаш миқдорининг беш баравари миқдорида;

унча оғир бўлмаган жиноят учун – базавий ҳисоблаш миқдорининг етти баравари миқдорида;

оғир жиноят учун – базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн баравари миқдорида;

ўта оғир жиноят учун – базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн беш баравари миқдорида;

в) пора суммаси ёки етказилган зарар ёхуд ўзлаштирилаётган (ўзлаштирилган) мулкнинг қиймати базавий ҳисоблаш миқдорининг ўттиз бараваридан юз бараваригача бўлса:

ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноят учун – базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн баравари миқдорида;

унча оғир бўлмаган жиноят учун – базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн беш баравари миқдорида;

оғир жиноят учун – базавий ҳисоблаш миқдорининг йигирма баравари миқдорида;

ўта оғир жиноят учун – базавий ҳисоблаш миқдорининг йигирма беш баравари миқдорида;

г) пора суммаси ёки етказилган зарар ёхуд ўзлаштирилаётган (ўзлаштирилган) мулкнинг қиймати базавий ҳисоблаш миқдорининг юз бараваридан кўп бўлса, қўйидаги фоиз ҳисобида ҳисобланади:

анча миқдор учун – пора суммаси ёки етказилган зарар ёхуд ўзлаштирилаётган (ўзлаштирилган) мулк қийматининг ўн беш фоизи миқдорида;

кўп ёки жуда кўп миқдор учун – пора суммаси ёки етказилган зарар ёхуд ўзлаштирилаётган (ўзлаштирилган) мулк қийматининг ўн фоизи миқдорида.

Коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик ҳақида хабар берган ёки коррупцияга қарши курашишга бошқа тарзда кўмаклашган шахсларни

---

рағбатлантириш масаласи коррупцияга қарши курашувчи органлар хузурида тузиладиган махсус комиссиялар томонидан күриб чиқилади.

Коррупцияга қарши курашувчи органларнинг рағбатлантириш бўйича тақдимномаси ва унга илова қилинган асоссловчи хужжатлар рағбатлантириш учун асос юзага келган кундан бошлаб, уч иш куни ичида махсус комиссияларга тақдим этилади.

Махсус комиссиялар томонидан рағбатлантиришга оид хужжатлар олинган кундан бошлаб, беш иш куни ичида тақдим этилган хужжатларнинг тўлиқлиги, асослилиги ҳамда ушбу Низом талабларига риоя қилингандиги кўриб чиқилади.

Рағбатлантириш учун тақдим этилган хужжатлар тўлиқ эмаслиги ҳамда ушбу Низом талабларига риоя қилинмагандиги аниқланган тақдирда, икки иш куни ичида қайтарилади.

Қайтарилиш учун асос бўлган холатлар бартараф этилган тақдирда, тегишли хужжатлар ушбу Низом талаблари асосида рағбатлантириш учун қайта тақдим этилиши мумкин.

Рағбатлантириш бўйича махсус комиссиялар томонидан чиқарилган қарорлар уч иш куни ичида тақдимномани киритган коррупцияга қарши курашувчи органга ижро учун юборилади.

Коррупцияга қарши курашувчи орган махсус комиссиянинг қарори асосида бир иш куни ичида бир марталик пул мукофоти ёки эсдалик совғаси билан тақдирлаш ҳақида қарор чиқаради.

Бир марталик пул мукофоти харажатлар сметасига ўзгартириш киритилгандан сўнг ўн иш куни ичида шахсларнинг шахсий ҳисобварағига ўтказиб берилади, эсдалик совғаси эса, қонун хужжатларига мувофиқ совға қилинадиган буюм харид қилингандан сўнг беш иш куни ичида топширилади.

Ташакурнома шаклида рағбатлантириш масаласи бевосита коррупцияга қарши курашувчи орган раҳбари томонидан кўриб чиқилади.

Коррупцияга оид хуқуқбузарлик ҳақида хабар берган ёки коррупцияга қарши курашишга бошқа тарзда кўмаклашган шахслар, уларнинг оила аъзолари ва яқин қариндошларининг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида, улар ҳақидаги маълумотлар қонун хужжатларида белгиланган талаблар асосида ошкор этилиши мумкин.

Коррупцияга оид хуқуқбузарлик ҳақида хабар берган ёки коррупцияга қарши курашишга бошқа тарзда кўмаклашган шахслар, уларнинг оила аъзолари ва яқин қариндошларини химоя қилиш қонун хужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

## **8.6. Коррупцияга оид хукуқбузарликлар натижасида қабул қилинган қарорларни бекор қилиш ёки ўзгаришиш тартиби**

Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонунининг 29-моддасида “Коррупцияга оид хукуқбузарликлар натижасида қабул қилинган қарорларни бекор қилиш ёки ўзгаришиш” тартиби белгиланган. Унга кўра, коррупцияга оид хукуқбузарликлар натижасида қабул қилинган қарорлар манфаатдор шахснинг аризасига кўра, ваколатли давлат органи, бошка ташкилот ёки мансабдор шахс томонидан бекор килиниши ёхуд ўзгаришилиши ёки суд тартибида хақикий эмас деб топилиши мумкинлиги таъкидланган.

Коррупцияга оид хукуқбузарликлар содир этилганлиги натижасида қабул қилинган қарор бекор қилинган, ўзгаририлган ёки ҳақикий эмас деб топилган тақдирда, унинг қабул қилиниши натижасида жисмоний ва юридик шахсларга етказилган заарнинг ўрни қонунчиликда белгиланган тартибда копланиши назарда тутилган.

Бу холат Ўзбекистон Республикасининг “Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида”ги Қонунида ҳам кўзда тутилган. Жумладан, ушбу Қонуннинг 59-моддаси “Маъмурий хужжатни бекор қилиш, ўзгаришиш ёки ҳақикий эмас деб топиш”га бағишенган бўлиб, унга кўра, маъмурий хужжат манфаатдор шахснинг аризаси ёки маъмурий шикоятига кўра, маъмурий хужжатни қабул қилган маъмурий орган, юкори турувчи маъмурий орган томонидан, шунингдек, қонунчиликда назарда тутилган ҳолларда бошка органлар томонидан ҳам бекор килиниши ёки ўзгаришилиши мумкинлиги белгиланган.

Шунингдек, маъмурий хужжатни бекор қилиш ёки ўзгаришиш зарурити қонунчиликдаги ўзгаришлар, жамоат манфаатларига бўлган таҳдиднинг олдини олиш, маъмурий хужжатнинг қонунчиликка номувофиқлиги аниқланганлиги сабабли юзага келган ҳолларда ва қонунда назарда тутилган бошка ҳолларда маъмурий орган ўзи қабул қилган маъмурий хужжатни ўз ташаббусига кўра, бекор қилишга ёки ўзгаришишга ҳақли эканлиги таъкидланган.

---

## **Назорат саволлари**

1. Коррупциявий холатларни юзага келтирувчи манфаатлар тўқ-нашуви деганда нима тушунилади?
2. Коррупцияга оид хукукбузарликлар деганда нима тушунилади?
3. Коррупциявий жиноятлар келиб чикишининг, шартли равиша, қандай омиллар билан боғлаш мумкин?
4. Коррупциявий жиноятларнинг содир этилишига шароит яратувчи омиллар бу иллат устидан ташкилий-бошқарув ва ижтимоий назорат етарли эмаслиги хисобланади. Уларга нималар киради?
5. Коррупциявий фаолиятдан келадиган фойдани камайтиришга қаратилган чораларга нималарни киритиш мумкин?
6. Коррупцияга оид хукукбузарликлар тўғрисида ахборот берадиган шахслар қандай химоя билан таъминланади?
7. Давлат органлари ходимларининг коррупцияга оид хукукбу-зарликлар факtlари тўғрисида хабар қилиш мажбурияти: муаммо ва ечимлар.
8. Ўзбекистон Республикасида коррупциявий жиноятлар содир эти-лишининг олдини олишда қандай йўналишлар мавжуд?
9. Коррупциявий жиноятлар содир этилишига сабаб бўлган қандай омиллар мавжуд?
10. Коррупциявий жиноятлар содир этилишини профилактика ишла-ринг қандай усуллари мавжуд?
11. Ўзбекистон Республикаси конунчилигига “мансабдор шахс” тушунчаси кайси конунчилик актида белгиланган?
12. Мансабдор шахслар томонидан содир этилган қайси килимишлар коррупцион жиноятлар сифатида баҳоланиши мумкин?

## **IX БОБ. ДАВЛАТ БОШҚАРУВИДА КОРРУПЦИЯНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ МАСАЛАЛАРИ**

### **9.1. Давлат бошқаруви соҳасида коррупциянинг олдини олишга доир чора-тадбирлар**

Янги Ўзбекистонни барпо этишда айнан инсон қадр-қимматини олий даражага кўтариш, жамиятда адолат ва қонун устуворлигини сўзсиз таъминлаш каби юксак ғояларга таянилмоқда. Давлат бошқарувида бу йўлдаги ислоҳотлар натижадорлигига салбий таъсир кўрсатаётган, тараққиётга тўсиқ бўлаётган бир қатор омиллар, иллатлар ҳали ҳам сакланиб қолмокда. Улардан бири ва энг хавфлиси коррупция иллатидир.

Коррупцияга қарши курашишда ислоҳотлар кетаётган даврда ўз вактида профилактик чораларнинг кўрилмаслиги ахолининг давлат ва ислоҳотларга ишончини сўндириши, жамиятда норозилик кайфиятини кучайтириши билан ҳам ғоят хатарлидир. Буни мамлакат хавфсизлигига дахл киладиган холат сифатида баҳолаш мумкин.

#### **Коррупциянинг олдини олишга доир чора-тадбирлар йўналишлари**

Давлат бошқаруви соҳасида коррупциянинг олдини олишга доир чора-тадбирлар

Ижтимоий-иқтисодий ривожланиш ва тадбиркорлик соҳасида коррупциянинг олдини олишга доир чора-тадбирлар

Манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш ва уни бартараф этишга доир чора-тадбирлар

Маъмурий тартиб-таомиллар соҳасида коррупциянинг олдини олишга доир чора-тадбирлар

Давлат харидларини амалга ошириш соҳасида коррупциянинг олдини олишга доир чора-тадбирлар

Норматив-ҳукуқий хужжатларнинг ва улар лойиҳаларининг коррупцияга қарши экспертизаси

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда коррупцияга қарши курашиш бўйича бир қатор ишлар амалга оширилди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси 2008 йилда БМТнинг “Коррупцияга қарши конвенцияси”га қўшилганлиги бу борада амалга оширилган биринчи қадам бўлди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуни ва алоҳида ҳар йиллик давлат дастурларида эса, навбатдаги вазифалар белгилаб олинди. Унда барча соҳаларда коррупцияга барҳам бериш, унинг илдиз отишига шароит яраттаётган сабабларни бартараф этишга қаратилган аниқ чора-тадбирлар белгилаб берилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 июнданги “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-6013-сонли Фармони, 2020 йил 29 июнданги Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги № ПК-4761-сонли қарори асосида Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Коррупцияга қарши курашиш Агентлиги ташкил этилди.

Агентлик коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш соҳасида давлат сиёсатини шакллантириш ва амалга ошириш, давлат органлари, оммавий ахборот воситалари, фуқаролик жамияти институтлари ва бошқа нодавлат сектор вакилларининг биргаликдаги самарали фаолиятини таъминлаш, шунингдек, мазкур соҳадаги халқаро ҳамкорлик учун масъул бўлган маҳсус ваколатли давлат органи ҳисобланади. Агентлик ўз фаолиятини қонунийлик, холислик, ҳисобдорлик, очиқлик ва шаффоффлик принциплари асосида бошқа давлат органлари, ташкилотлар ва уларнинг мансабдор шахсларидан мустақил равишда амалга оширади, Ўзбекистон Республикаси Президентига бўйсунади ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари олдида ҳисобдордир.

Мамлакатимизда коррупцияга қарши курашиш соҳасида муҳим ташкилий-хуқуқий механизмларнинг амалга оширилиши, давлат орғанларининг очиқ ва шаффофф фаолият юритиши, қулай бизнес муҳити, устувор халқаро рейтинглардаги Ўзбекистон Республикасининг ўрнини яхшилашга қаратилган чора-тадбирлар амалга оширилиши натижасида халқаро майдонда ижобий кўрсаткичларга босқичма-босқич эришилмоқда.

Шу билан бирга, таҳлиллар коррупцияга қарши курашишнинг замонавий превентив усусларини ҳар бир давлат органи амалиётига жорий қилиш, ушбу соҳада улар фаолиятининг очиқлиги ва ҳисобдорлигини

---

таъминлаш ҳамда амалга оширилаётган чораларнинг самарадорлигини оширишда масъулиятсизлик ва расмиятчилик ҳолатларига йўл қўйиллаётгани кузатилмоқда.

Давлат органларида ўз вазифа ва функцияларини амалга оширишда юзага келадиган коррупциявий хавф-хатарларни мажбурий баҳолаш бўйича ягона ёндашувни таъминлаш, коррупцияга қарши курашиш бўйича амалга оширилган ишларни мониторинг қилиш ва баҳолаш тизимини янада такомиллаштириш, уларнинг ўз вақтида ва сифатли амалга оширилишини таъминлаш мақсадида, давлат органлари фаолиятига амалга оширилаётган функциялар (ваколатлар)ни коррупциявий хавф-хатарларга мойиллиги нуқтаи назардан тахлил қилиш, коррупцияга оид хуқуқбузарниклар содир этилишининг шарт-шароитлари ва сабабларини ўрганиш ҳамда уларни минималлаштириш бўйича самарали чоратадбирларни кўриш бўйича коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш жорий этилмоқда.

*2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясининг 10-мақсадида давлат фуқаролик хизмати тизимини замонавий стандартлар асосида ташкил этиш, давлат хизматида коррупция омилларини бартараф этиш, кадрларни танлов асосида ишга қабул қилиш ва улар фаолияти самарадорлигини баҳолашнинг хуқуқий асосларини такомиллаштириш белгилаб қўйилди.*

Тараққиёт стратегиясининг 83-мақсади давлат хизматида ҳалоллик стандартларини жорий этишни назарда тутди. Шу аснода давлат хизматида манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш бўйича самарали механизmlарни яратиш, коррупцияга қарши курашиш борасидаги фаолиятда очиқликни таъминлаш ва жамоатчилик иштирокини кенгайтириш назарда тутилди. 2022 йилги Давлат дастурида давлат хизматида манфаатлар тўқнашви хақида хабар бериш ва уни ҳал этиш тизимини жорий этиш бўйича вазифа белгиланган.

Тараққиёт стратегиясининг 84-мақсадида эса коррупцияга мойил соҳа ва тармоқларни аниқлаш, коррупциявий омилларни бартараф этиш тизимининг самарадорлигини ошириш, жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш белгиланди.

Ушбу мақсад доирасида 2022 йилги Давлат дастурида қуйидаги вазифаларни амалга ошириш мустахкамланди:

---

коррупцияга карши курашишга замонавий ахборот, шу жумладан сунъий интеллект технологияларини жорий этиш. “Е-антикоррупция” лойихасини амалга ошириш;

коррупцияга карши курашишда фукаролик жамияти институтлари билан ҳамкорликни йўлга кўйиш, жамоатчилик назоратини олиб боришни кўллаб-кувватлаш;

коррупцияга мойил соҳаларнинг очиқлиги ва шаффоғлигини таъминлаш ва бунга кенг жамоатчиликни жалб этиш;

коррупцияга карши курашиш амалиётида тизимли превентив чораларни кучайтириш. Коррупциянинг нафакат оқибатларини, балки сабабларини олдиндан бартараф этиш бўйича таъсирчан амалий чораларни ишлаб чикиш ва амалга ошириш;

аҳоли ва давлат хизматчиларининг коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги билимларини узлуксиз ошириш тизимини жорий килиш;

“Коррупцияга карши курашиш виртуал академияси”ни жорий этиш орқали соҳага доир ҳукуқий билим ва онгни юксалтириш бўйича кенг камровли тизимини жорий килиш;

давлат хизматчиларини коррупцияга карши миллий сертификациялаш тартибини татбиқ этиш.

Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши куаш тўғрисида”ги Қонунининг 19-моддасида давлат бошқаруви соҳасида коррупциянинг олдини олишга доир чора-тадбирлар мустаҳкамланган. Қонунга биноан, ушбу чора-тадбирларга куйидагилар киради:

давлат органлари фаолиятининг очиқлигини ва уларнинг ҳисобдорлигини таъминлаш, давлат бошқаруви тизимининг самарадорлиги-ни ошириш, давлат органларининг, улар мансабдор шахсларининг ва бошқа ходимларининг ўз зиммасига юклатилган вазифаларни бажариши юзасидан масъулиятини кучайтириш;

коррупцияга карши курашиш соҳасида давлат органларининг фаолияти устидан парламент ва жамоатчилик назоратини амалга ошириш;

давлат органларининг ва улар ходимларининг фаолиятида коррупцияга оид ҳукуқбузарликларга йўл кўймаслик;

давлат органларининг мансабдор шахслари ва бошқа ходимлари томонидан ўз мансаб ёки хизмат мажбуриятларининг бажарилиши самарадорлиги мезонлари, стандартлари ва унинг сифатини баҳолаш тизимларини жорий этиш;

давлат органлари ходимларининг касбий ҳамда хизматдан ташқари

---

фаолиятдаги одоб-ахлоқининг ягона принциплари ва қоидаларини белгиловчи одоб-ахлоқ қоидаларини самарали амалга ошириш;

давлат органлари ходимлари манфаатларининг тўқнашувини ҳал қилишнинг ташкилий-хуқуқий асосларини такомиллаштириш, уларга риоя этилиши юзасидан мониторинг ўтказилишини таъминлаш;

давлат органлари ходимларининг хуқуқий мақомини белгилаш, хизматни ўташнинг шаффоф тартибини ўрнатиш, шахсий ва касбий сифатлар, очиқлик, беғаразлик, адолатлилик ва холислик принциплари асосида танлов бўйича саралаш ҳамда хизматда кўтарилиш тизимини жорий этиш;

давлат органлари томонидан жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисидаги қонунчилик талабларига риоя этилиши, мурожаатларнинг тўлиқ, холисона ва ўз вақтида кўриб чиқилиши, улар томонидан жисмоний ва юридик шахсларнинг бузилган хуқуqlари, эркинликларини тиклаш ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича ўз ваколатлари доирасида чоралар кўрилиши устидан назоратни таъминлаш;

давлат органлари фаолиятида коррупциянинг олдини олишга доир тадбирларнинг амалга оширилиши юзасидан ушбу органлар томонидан кўрилаётган чора-тадбирлар самарадорлигини баҳолаган ҳолда муутазам равиша мониторинг ўтказиш;

норматив-хуқуқий хужжатларнинг ва улар лойиҳаларининг коррупцияга қарши экспертизасини ташкил этиш;

давлат органларининг мансабдор шахслари ва бошқа ходимларининг самарали ижтимоий ҳимоя қилиниши, моддий таъминот олиши ва рағбатлантирилишини таъминлаш.

Конунчиликда давлат бошқаруви соҳасида коррупциянинг олдини олишга доир бошқа чора-тадбирлар ҳам назарда тутилиши мумкин.

Давлат органларининг ва ўзга ташкилотларнинг мансабдор шахслари ҳамда бошқа ходимлари қонунчиликка риоя этиши, ўз мансаб ёки хизмат мажбуриятларини беғаразлик билан, холисона, вижданан, одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этган ҳолда бажариши ҳамда коррупцияга оид бирор-бир хуқуқбузарликни содир этишдан ёки бундай хуқуқбузарликларни содир этиш учун шарт-шароитлар яратадиган бошқа ҳар қандай ҳаракатлардан ўзини тийиши шарт.

## **9.2. Ижтимоий-иктисодий ривожланиш ва тадбиркорлик соҳасида коррупциянинг олдини олишга доир чора-тадбирлар**

Коррупцияга карши курашиш ва унинг олдини олишнинг муҳим йўналишларидан бири – бу тадбиркорликнинг эркин ривожланиши, бизнесда барча учун тенг имконият ва шарт-шароитлар яратишга тўсқинлик килувчи коррупцион омиллар ва холатларни бартараф этишdir. Коррупция нафақат давлат сектори, балки хусусий сектор тараққиёти учун ҳам катта ғов ҳисобланади.

Асосий йўналишлар сифатида тадбиркорлик соҳасида коррупциявий хукукбузарликларни ўз вактида аниклаш, уларга барҳам бериш, уларнинг оқибатлари, сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этиш, коррупциявий хукукбузарликларни содир этганлик учун жавобгарликнинг мукаррарлиги тамойилини таъминлаш бўйича тегишли чоралар кўриш, тадбиркорлик соҳасида хавф-хатар омилларини инобатга олган ҳолда тадбиркорлар билан ҳамкорликда “халоллик” сиёсатини ишлаб чикиш белгиланди. Шунингдек, коррупцияга муросасизлик мухитини шакллантиришга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш, коррупция холатлари юзасидан ҳабар бериш механизmlарини такомиллаштириш, тадбиркорлик соҳасида коррупцияга карши курашиш, унинг олдини олиш бўйича жамоатчилик (ёшлар, фуқаролик жамияти, тадбиркорлик субъектлари) харакатларини рафбатлантириш каби масалаларни устувор йўналиш сифатида қайд этиш мумкин<sup>76</sup>.

Конунчиликда ижтимоий-иктисодий ривожланиш ва тадбиркорлик соҳасида коррупциянинг олдини олишга доир бошқа чора-тадбирлар ҳам назарда тутилиши мумкин.

<sup>76</sup> <https://anticorruption.uz/uzc/item/2021/03/30/tadbirkorlik-sohasida-korrupsiyani-keltirib-chiqaruvchi-omillarni-bartaraf-etish-boyicha-kelishuv-imzolandi>

---

## **Ижтимоий-иқтисодий ривожланиш ва тадбиркорлик соҳасида коррупциянинг олдини олишга доир чора-тадбирлар қўйидагилардан иборат:**

Маъмурий ва бюрократик тўсиқларни бартараф этиш, рухсат этиш ва лицензияга доир тартиб-таомилларни соддалаштириш

Давлат органларининг назорат-текширув вазифаларини макбуллаштириш, тадбиркорлар фаолиятига конунга хилоф равишда аралашишга йўл кўймаслик

Давлат органлари ва тадбиркорлик субъектлари ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг масоғавий шаклларини кенг жорий этиш

Тадбиркорлик фаолиятини олиб бориш учун тенг шарт-шароитлар яратиш ва инсоғизз ракобатга йўл кўймаслик

Давлат харидларининг самарали ҳуқуқий механизmlарини жорий этиш

Ижтимоий-иқтисодий соҳаларда аҳоли учун адолатли шарт-шароитларни хамда тенг имкониятларни яратиш

Нодавлат ташкилотларда коррупцияга қарши курашишнинг самарали механизmlарини жорий этиш

---

### **9.3. Манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш ва уни бартараф этиш**

---

Ҳаётнинг ҳар бир соҳасидаги манфаатлар тўқнашуви дунё миқёсида ҳал этилиши лозим бўлган глобал муаммолардан биридир. Ушбу иллат ҳар кандай давлат ва жамиятнинг сиёсий-иқтисодий ривожланишига жиддий путур етказади, инсон ҳуқуқи, эркинликларининг поймол бўлишига олиб келади. Шу боис унга қарши кураш нафакат миллий ахамиятга эга, балки ҳалқаро миқёсдаги муаммо бўлиб, жахон сиёсатининг мухим масалалари қаторидан жой олган. Деярли барча ривожланган мамлакатларда қонунчилик давлат хизматчилариiga илмий, ижодий ва ўқитувчилик фаолиятидан ташкари, бошка ҳак тўланадиган фаоли-

---

ят билан шуғулланишни тақиқлайды. Ушбу мажбуриятни бузиш ишдан бүшатишгача бўлган интизомий жавобгарликка сабаб бўлади. Шундай қилиб, давлат хизматчиларининг ишбилармонлик фаолияти манфаатлар тўқнашувини келтириб чиқаради. Бельгия, Испания, Латвия, Мальта, Голландия, Португалия, Франция каби давлатлар қонунларида манфаатлар тўқнашуви мустақил жиноят таркибини шакллантиради<sup>77</sup>.

Кўпгина Европа мамлакатларида “манфаатлар тўқнашуви” тушунчаси ва унинг олдини олиш механизмлари давлат хизмати тўғрисидаги умумий қонунлар билан белгиланади. Масалан, Польшада “Давлат хизмати тўғрисида”ги, “Давлат функцияларини бажарувчи шахсларнинг тадбиркорлик фаолиятида иштирок этишни чеклаш тўғрисида”ги қонунлар, Австрияда “Давлат хизмати тўғрисида”ги Қонун ва Жиноят кодекси, Исландияда “Давлат бошқаруви тўғрисида”ги Қонун ва Гречияда “Давлат хизмати тўғрисида”ги кодекс. Шу билан бирга, Шарқий Европанинг баъзи давлатларида ва постсовет мамлакатларида манфаатлар тўқнашуви тўғрисида маҳсус қонунлар қабул қилинган (Сербия, Хорватия, Латвия, Литва, Молдова, Қирғизистон)<sup>78</sup>.

Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши кураш тўғрисида”ги Конунининг 21-моддасида давлат органларининг ходимлари мансаб ёки хизмат мажбуриятларини бажариш чоғида манфаатлар тўқнашувига олиб келадиган ёки олиб келиши мумкин бўлган шахсий манфаатдорликка йўл қўймаслиги керак.

Манфаатлар тўқнашуви юзага келган тақдирда, давлат органларининг ходимлари ўзининг бевосита раҳбарини дарҳол хабардор қилиши керак. Манфаатлар тўқнашуви мавжудлиги тўғрисида маълумотлар олган раҳбар бу тўқнашувнинг олдини олиш ёки уни бартараф этиш юзасидан ўз вақтида чоралар кўриши шарт.

Давлат органларининг маҳсус бўлинмалари ёки одоб комиссиялари манфаатлар тўқнашувини ҳал этиш қоидаларига риоя этилиши юзасидан мониторингни амалга оширади.

Давлат органларининг манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш ёки уни бартараф этиш талаблари бузилишига йўл қўйган ходимлари, шунингдек, уларнинг раҳбарлари қонунчиликка мувофиқ жавобгар бўлади.

Давлат органлари ва ташкилотлари, уларнинг ҳудудий ва таркибий

---

<sup>77</sup> Bryn Williams-Jones. A Procedure for Managing Conflict of Interest When Forming Thesis Juries. – P.15

<sup>78</sup> АхметовА Н. Конфликт интересов на государственной службе. // Власть 2013/12. – С.124.

---

бўлинмаларида манфаатлар тўқнашувини бошқариш бўйича Низомда манфаатлар тўқнашувини ҳал қилиш чоралари белгиланган.

Манфаатлар бузилишининг олдини олиш максадида реал манфаатлар тўқнашувини ҳал қилиш чоралари имкон кадар тезроқ амалга оширилиши лозим. Ташкилотда манфаатлар тўқнашувларини бошқаришда қўидаги чоралар белгиланиши керак:

бевосита бўйсунадиган ходимни яқин кариндоши бўлмаган бошка шахс бўйсунувига ўтказиш;

манфаатлар тўқнашуви предмети бўлган масалаларни муҳокама қилишда ва улар бўйича қарор чикариш жараёнида қатнашишдан ходимнинг ўз ихтиёрига кўра четлашиши, ўзини ўзи рад этиши ёки унинг мажбуран (доимий ёки вактинча) четлаштирилиши;

манфаатлар тўқнашувига йўл кўймаслик учун ходимнинг лавозим мажбуриятлари доирасини қайта кўриб чикиш;

ходим томонидан унинг шахсий манфаатдорлиги бўлган ва манфаатлар тўқнашуви предмети бўлган Ташкилотнинг маълумотлари ва хужжатларидан фойдаланилишини чеклаш;

юкорирок лавозимни эгаллаб турган яқин кариндош ва (ёки) алоқадор шахсга нисбатан лавозимни кўтариш, фаолиятини баҳолаш, мукофот пулларини тўлаш ва иш ҳақига устамаларни ҳисоблаш, ўқишига ва тренингларга ҳамда турли масалалар бўйича хорижга юбориш, меҳнат таътилига чикишга розилик бериш ва иш ҳакини назорат қилиш ҳакида жамоавий тарзда қарор кабул қилинишини таъминлаш;

ходимни манфаатлар тўқнашуви билан боғлиқ бўлмаган меҳнатга оид функцияларни бажаришини назарда тутадиган лавозимга ўтказиш ва бошка ҳолатлар.

Истисно ҳолатларда, санаб ўтилган чоралар манфаатлар тўқнашувини тўлиқ тартибга солмаган такдирда, қўидаги тартибга солиш чоралари кўрилиши мумкин:

Ходимнинг Ташкилотнинг манфаатларига тўқнаш келадиган шахсий манфаатдорлигидан воз кечиши;

ходим Ташкилот манфаатларига тўқнаш келадиган шахсий манфаатдорлигидан воз кечмаганда унинг меҳнат шартномасини бекор қилиш.

Ҳар бир вазиятда, манфаатлар тўқнашуви предметини белгилаб берадиган фактдан келиб чикиб, ходим билан Ташкилотнинг келишувига кўра, уни ҳал қилишининг бошка чоралари кўлланилиши мумкин. Кўриладиган барча чоралар қонунчилик талабларига мувофиқ бўлиши лозим. Ташкилотда Кадрлар бўлими ва ходимнинг бевосита раҳбари томонидан

манфаатлар тўқнашувини бартараф этиш чоралари ва қабул килинган қарорлар Одоб-ахлоқ комиссиясининг энг яқиндаги йиғилишида кўриб чикилиб, бу ҳакда мажлис байонномасида акс эттирилади.

Ички назорат тузилмаси ходим эътиrozига ёки раҳбар топшириғи, шунингдек ўз ташабуси билан Кадрлар бўлими ва ходимнинг бевосита раҳбари, шунингдек одоб-ахлоқ комиссиялари томонидан манфаатлар тўқнашувини тартибга солиш бўйича қабул килинган қарорларнинг холислиги ва макбуллигини текшириш хукуқига эга.

#### **9.4. Маъмурий тартиб-таомиллар соҳасида коррупциянинг олдини олишга доир чора-тадбирлар**

Маъмурий тартиб-таомилларга оид муносабатлар маъмурий органларнинг манфаатдор шахсларга нисбатан маъмурий-хукукий фаолиятига, шу жумладан, лицензия, рұксат бериш, рўйхатдан ўтказиш тартиб-таомилларига, давлат хизматларини кўрсатиш билан боғлиқ бошка тартиб-таомилларга, шунингдек, конунчиликка мувофиқ бошка маъмурий-хукукий фаолиятга нисбатан татбик этилади.

Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши кураш тўғрисида”ги Конунининг 22-моддасида маъмурий тартиб-таомиллар соҳасида коррупциянинг олдини олишга доир чора-тадбирлар мустаҳкамланган.

**Қонунийлик** – қонунларга риоя этиши ва уни ҳаётга татбик этишга доир қатор талаблар йигиндисидир, яъни қонунларнинг, улар кимга йўналтирилган бўлса, ўшалар томонидан аниқ ва муқаррар бажарилиши қонунлар ва бошқа норматив актларнинг аҳамиятига караб жойланишига риоя этиш; конунни, уни чикарган органдан бошка хеч бир орган томонидан бекор килинмаслиги каби талабларни бажаришдир ва бу талаблар қонунийликнинг мазмунини ташкил этади.

Конунийлик ва адолатлилик принципларини таъминлаш, маъмурий-бошқарув жараёнининг беғаразлиги кафолатларини яратиш, ушбу жараённинг шаффоғлигини, ташки ва ички назорат учун очиқлигини ошириш маъмурий тартиб-таомиллар соҳасида коррупциянинг олдини олишга доир чора-тадбирлар мухим хисобланади.

Шахсларни ўз ихтиёрича харакат килиш ваколатларини чеклаган ҳолда маъмурий тартиб-таомилларни батафсил тартибга солиш, бюрократик расмиятчиликка йўл кўймаслик лозим.

---

Давлат ташкилотларида маъмурий вазифаларни бажариш учун масъул ходим ва раҳбарлар томонидан ўз хизмат вазифасини суистеъмол қилишлари бюроқратик барьерларни вужудга келишига сабаб бўлади. Хўш, нима учун маълум бир вазифа ва лавозим ишониб топширилган давлат хизматчиси суистеъмолчиликка йўл қўяди? Буни қўйидагича изоҳлаш мумкин:

Биринчидан, амалдаги қонун ҳужжатларида, баъзи ҳуқуқий муносабатлар ва жараёнлар етарлича тартибиға солинмайди. Аникроқ айтганда, ҳуқуқий бўшлиқлар мавжуд бўлади ва якуний қарорни қабул қилиш раҳбарнинг субъектив қарашига боғлиқ бўлади. Бундай ҳолларда, раҳбарда қарор қабул қилиш учун танлов имконияти бўлади. Бу эса, унга маълум бир суистеъмолликларни қилишга замин яратиши мумкин.

Иккинчидан, ҳар қандай мамлакатда қонунчилик тизими мураккаб жараён ва босқичларни ўз ичига олади. Баъзи қонун ҳужжатлари шундай ишлаб чиқиладики, ҳуқуқ нормалари бир-бирига зид келиши мумкин. Бундай ҳолларда, мансабдор шахслар учун ҳуқуқни қўллашнинг бир қанча имкониятлари вужудга келади. Шунда улар қонун ҳужжатларининг бирини, яъни ўзига қулагани танлайди.

Очиқлик ва шаффофлик – маъмурий-бошқарув жараёнининг бориши, кенг жамоатчиликни ташкилотда қабул қилинган ва амалга оширилаётган чора-тадбирлар тўғрисида фуқаролар ва жамиятнинг бошка субъектларини хабардор қилиш (махфийлик ва хизмат сири тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларини ҳисобга олган ҳолда).

Учинчидан, қонун ҳужжатларида аниқ белгиланган тартиб-қоидалар ҳаёт ва реалликка зид бўлади. Бу эса фуқароларнинг сарсон бўлиши ва сансалорлик ҳолатларига сабаб бўлади. Масалан, бир оёғи йўқ ногирон ҳар йили шифокор кўригидан ўтиши ва тегишли ҳужжатни олиши лозим. Бундай ҳолатда давлат хизматчиси айбдор эмас, чунки у ўзининг ишини қиляпти. Аслида эса, қонун ҳужжатлари ўзи шундай қабул қилинганлиги ҳисобланади.

Тўртинчидан, кўпчилик давлат ташкилотларида ишлаётган ходим ва раҳбарларнинг моддий-ижтимоий таъминоти яхши йўлга қўйилмаган бўлиши мумкин. Улар ойлик маошининг камлиги, иш ҳажмининг кўплиги ва кундалик харажатлар натижасида коррупцион ҳаракатлар қилишга мажбур бўлишади. Бунинг учун у бюроқратик тамойиллар асосида иш кўради.

Бугунги кунда юртимизда бюрократиянинг олдини олиш, уни барта-раф этиш, бошқарув ва давлат хизматлари соҳасида очиқлик ва шаффофиликни таъминлан, коррупцион холатларга чек қўйиш мақсадида ислохотлар амалга оширилиб, қатор норматив-хукукий хужжатлар қабул қилинган:

Ўзбекистон Республикасининг “Электрон ҳукумат тўғрисида”ги Конуни (2015 йил 3 декабрь);

Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислохотлар концепцияси (2017 йил 8 сентябрь);

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 декабрдаги “Ахолига давлат хизматлари кўрсатишнинг миллий тизимини тубдан ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 28 августдаги “Идоралараро коллегиал органларни тубдан қисқартириш ва янада оптималлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 9 декабрдаги “Бюрократик тўсиқларни янада қисқартириш хамда давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятига замонавий бошқарув тамойилларини жорий қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори;

Адолатлилик – фукароларнинг хукуқ ва мажбуриятларини бажарилишида инсон манфаатларини одиллик мезонлари асосида таъминлаш тушунилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2017 йил 15 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали электрон давлат хизматлари кўрсатиш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2019 йил 28 ноябрдаги “Давлат бошқарувида илғор давлат менежменти ва “ақлли” бошқарув принципларини босқичма-босқич жорий этишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори ва бошқалар.

Соддалаштирилган маъмурий тартиб-таомилларни жорий этиш белгиланган тартиб-таомиллар ёки харакатларни содир этиш билан боғлиқ стандарт тартиблар амалга оширилишини таъминлаш ёки тезлаштириш мақсадида тегишли қонунчилик ва норматив меъёrlар хамда қоидаларни жорий этиш.

Давлат органларининг карорлари устидан шикоят килишнинг ва етказилган заарар ўрнини қоплашнинг самарали механизмларини белгилашда жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш конунчилиги билан белгиланади.

Норматив-хукукий хужжатларни тайёрлаш ва қабул килиш, соликлар ва бошка мажбурий тўловларни ундириш, давлат хизматини ўташ, референдумлар, сайловлар ўтказиш, мудофаа, жамоат хавфсизлиги ва хукуктартибот соҳасида, шунингдек тезкор-кидирув фаолияти, суришигурув, дастлабки тергов, жиноий мажбурлов чораларини кўллаш билан боғлиқ бўлган бошка фаолият, суд ишини юритиш, маъмурий хукукбузарликлар тўғрисидаги ишларни юритиш соҳасида юзага келадиган муносабатлардаги коррупцияга карши кураш маъмурий тартиб-таомиллар соҳасида коррупциянинг олдини олишга доир чора-тадбирлар сифатида қаралмайди.

Қонунчиликда маъмурий тартиб-таомиллар соҳасида коррупциянинг олдини олишга доир бошка чора-тадбирлар ҳам назарда тутилиши мумкин.

## **9.5. Давлат харидларини амалга ошириш соҳасида коррупциянинг олдини олишга доир чора-тадбирлар**

Давлат харидлари жараёни иктисадиётнинг барча соҳаларида коррупция энг кўп учрайдиган, агар пухта ишланган ва сифатли назорат йўлга кўйилмаса, энг нозик нукталардан бирига айланадиган институтлардан биридир.

**Давлат харидларини амалга ошириш жараёнида, асосан, иккى хил турдаги жиноятлар кузатилиши мумкин:**

1 мансабдор шахс фаолиятида йўл кўйган камомадини яшириш ёки фойда олиш максадида харид тўғрисидаги хужжатларни сохталашибориш, нархларни асоссиз ошириш;

2 мансабдор шахс талабгорларнинг биридан танловда ғолиб бўлиши учун пора талаб қилиши.

---

Давлат харидларида кузатиладиган коррупция ўз-ўзидан харид килинадиган товарнинг (иш, хизматларнинг) сифатига бевосита тасир килади. Чунки, бундай ҳолатда энг оптимал вариантни таклиф қилган тараф танловда ютиб чикмайди.

Халқаро эксперктлар давлат харидлари билан боғлиқ коррупцияни катъий ички молиявий назорат ўрнатиш билан қисқартириш мумкинлигига ишонишади.

Бу борада коррупцион хатарларнинг олдини олиш учун АҚШ, Россия Федерацияси ва Словенияда муқаддам “коррупцион жиноят” содир этган ёки катта микдорда солик қарздорлиги мавжуд бўлган юридик шахслар билан давлат харидлари билан боғлиқ муносабат ўрнатилмайди.

Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Конунининг 23-моддасида Давлат харидларини амалга ошириш соҳасида коррупциянинг олдини олишга доир чора-тадбирлар баён этилган:

давлат харидларини амалга ошириш тартиб-таомиллари тўғрисида ги ахборотнинг шаффоғлиги ва очиқлигини таъминлаш;

адолатли рақобатни ва қарорлар қабул қилиш чоғида холисона мезонлардан фойдаланишини таъминлаш;

ички назоратнинг самарали тизимини, шунингдек, давлат харидларини ўтказиш натижалари юзасидан шикоят килиш ва низолашишнинг самарали тартиб-таомилини яратиш;

давлат электрон савдоларининг самарали ишлашини таъминлаш.

Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги “Давлат харидлари тўғрисида”ги Конунига мувоғиқ, коррупцияга йўл қўймаслик давлат харидларининг асосий принциплари қаторига киритилган.

Харид килиш тартиб-таомилларини ташкил этиш ва ўтказишига доир талаблар давлат харидлари соҳасида коррупцияга оид хукукбузарликларга йўл қўймаслиги керак. Бунда коррупциянинг олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар устувор бўлади.

Давлат буортмачилари давлат харидларини амалга ошириш тартиб-таомиллари тўғрисидаги ахборотнинг очиқлиги ва шаффоғлигини таъминлашда ўзларидаги мавжуд ахборотлаштириш имкониятларидан тўлиқ фойдаланиши керак бўлади. Даврий нашрларда ва расмий сайтиларда харидлар бўйича ахборотларни бериб бориш талаб этилади.

Давлат харидларида коррупцияга йўл қўймаслик:

инсоғли рақобатни ва қарорлар қабул қилиш чоғида холисона мезонлардан фойдаланишини;

---

мониторинг ва назорат ўтказишнинг, шу жумладан, ички мониторинг ва назорат ўтказишнинг самарали тизими яратилишини;

давлат харидлари соҳасидаги бошқа қонунчилик хужжатлари талабларининг бузилиши ҳолатлари тўғрисидаги маълумотлар ахборотнинг очик манбаларида эълон қилиб борилишини;

давлат харидлари тартиб-таомиллари қонунчиликда белгиланган талабларга мувофиқ ўтказилишини таъминлаш йўли билан амалга оширилади.

Қонунчиликда давлат харидларини амалга ошириш соҳасида коррупциянинг олдини олишга доир бошқа чора-тадбирлар ҳам назарда тутилиши мумкин.

## **9.6. Норматив-хукуқий хужжатларнинг ва улар лойиҳаларининг коррупцияга қарши экспертизаси**

---

Сўнгги йилларда коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиб соҳасида олиб борилаётган ишларнинг аҳамияти ва кўлами кенгайди.

Чунки коррупция нафакат демократиянинг, умуман, ҳар қандай тараққиётнинг кушандаси экани барчага маълум.


“Transparency International” ташкилотининг 2021 йилда эълон килган рейтингларига кўра, Ўзбекистон коррупция бўйича 28 балл билан 183 та мамлакат орасида 140 ўринни қайд килган. Бу кўрсаткич охиригина йилларда олиб борилган ислохотлар натижаси сифатида каралса ҳам, коникарли деб айта олмаймиз. Бунинг учун, давлат раҳбари томонидан олиб борилаётган сиёсатда коррупциянинг оқибати ва натижалари билан курашиб эмас, балки унинг олдини олишга қаратилган превентив чораларни кўришга устувор аҳамият қаратилмоқда. Жумладан, бундай чоралар турига норматив-хукуқий хужжатлар ва улар лойиҳаларида коррупциявий элемент ҳамда омилларни аниқлаш, шунингдек, уларни экспертиза қилиш ҳам киради.

Айтиш жоизки, коррупция даражасини кискартиришга турли омиллар таъсир кўрсатади. Улардан бири – қабул қилинаётган қонун хужжатларининг ўзида коррупциявий нормаларнинг мавжудлиги ва бундай нормаларнинг амалиётга жорий этилишининг олдини олишдир.

Норматив-хукуқий хужжатлар ва улар лойиҳаларининг коррупцияга қарши экспертизаси хақида тўхталишдан олдин **хукуқий экспертизанинг ўзи нима эканлигини билиш лозим бўлади.**

**Хуқуқий экспертиза** – лойиҳаларнинг Ўзбекистон Республикаси-нинг Конституцияси ва қонунларига, уларга нисбатан юқори юридик кучга эга бўлган бошқа қонун ҳужжатларига, мамлакатда олиб бори-лаётган ислоҳотларнинг мақсад ва вазифаларига, қонунчилик техникаси қоидаларига мувофиқлигини, шунингдек ҳавола қилувчи нормалар қўлланилишининг асослилиги ва мақсадга мувофиқлигини текшириши амалга ошириш билан боғлик жараён тушунилади.

Норматив-хуқуқий ҳужжатларнинг ва улар лойиҳаларининг коррупцияга қарши экспертизаси хуқуқий экспертиза жараёнининг бир тури ҳисобланади. Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 20 апрелдаги “Норматив-хуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги ЎРҚ-682-сон Қонунининг 25-моддасига биноан, норматив-хуқуқий ҳужжат лойиҳаси хуқуқий ва коррупцияга қарши экспертизалардан ўтказилиши шартлиги белгиланган.



Таъкидлаш жоизки, норматив-хуқуқий ҳужжат лойиҳаси ишлаб чиқувчининг ёки норматив-хуқуқий ҳужжат қабул қилиш хуқуқига эга бўлган органнинг қарорига кўра, иқтисодий, молиявий, илмий, лингвистик, экологик экспертизадан, шунингдек, бошқа турдаги экспертизалардан ўтказилиши мумкин.

Коррупцияга қарши экспертизада норматив-хуқуқий ҳужжат ва улар лойиҳаларининг коррупциявий омиллари аниқланиши лозим бўлади. Ўз навбатида, **коррупциявий омил** коррупцияга оид хуқуқбузарликларни содир этиш имкониятини яратадиган, коррупцияни юзага келтирадиган хуқуқий нормалар ҳисобланади.

---

Юкоридагилардан келиб чикиб, норматив-хукукий хужжатлар ва улар лойихаларининг коррупцияга қарши экспертизасига қуидагича таъриф бериш мумкин:

норматив-хукукий хужжатлар ва улар лойихаларида коррупциявий омилларни аниклаш, аникланган коррупциявий омилларни бартараф этишга қаратилган тавсиялар ишлаб чиқиш ва чоралар кўришга йўналтирилган чора-тадбирлар мажмуи.

Ўзбекистон Республикасида норматив-хукукий хужжатлар ва улар лойихаларининг коррупцияга қарши экспертизаси институти 2015 йилдан жорий этилган. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирининг 2015 йил 25 декабрдаги “Норматив-хукукий хужжатлар ва уларнинг лойихаларини коррупцияга қарши экспертизасини ўтказиш услубиётини тасдиқлаш тўғрисида”ги 2745-сон бўйруғи билан “Норматив-хукукий хужжатлар ва уларнинг лойихаларини коррупцияга қарши экспертизасини ўтказиш услубиёти” тасдиқланган эди. Услубиётда, лойихаларнинг коррупциявий омилларга эга бўлган нормалари, коррупцияга қарши экспертиза ўтказилаётганда кўлланиладиган аҳборот, коррупцияга қарши экспертизани ўтказувчи адлия органи ходимининг хукук ва мажбуриятлари, коррупцияга қарши экспертиза ўтказишнинг ўзига хос хусусиятлари акс этган эди. Бироқ ушбу услубиётда амалдаги норматив-хукукий хужжатларни, шунингдек, норматив-хукукий хужжатларнинг лойихаларини коррупцияга қарши экспертизасини ўтказиш тартиби белгиланмаган эди. Бундан ташқари, коррупциявий омиллар батафсил ёритиб берилмаган, шунингдек уларни аниклашда нималарга аҳамият бериш лозимлиги тўлик ўз ифодасини топмаган эди.

Мазкур камчиликларни бартараф этиш мақсадида, “Норматив-хукукий хужжатлар ва улар лойихаларининг коррупцияга қарши экспертизасини ўтказиш тартиби тўғрисида”ги низом тасдиқланди (24.02.2021 йил, рўйхат раками 3287). Ушбу низом билан, коррупциявий омиллар ва уларнинг турлари, лойихаларнинг коррупцияга қарши экспертизасини ўтказиш тартиби, амалдаги норматив-хукукий хужжатларнинг коррупцияга қарши экспертизасини ўтказиш тартиби, мустакил ва илмий эксперталар томонидан норматив-хукукий хужжатлар ва улар лойихаларини коррупцияга қарши экспертизасини ўтказиш, коррупцияга қарши экспертизани ўтказувчи давлат органлари ва ташкилотлар, адлия органлари ходимларининг хамда мустакил ва илмий эксперталарнинг хукук ва мажбуриятлари белгиланди. Коррупциявий омилларни аниклаш услубиёти аник мисоллар билан ёритилди.

Ушбу ҳужжат билан норма ижодкорлиги фаолиятига коррупциявий омилларни аниқлаш бўйича чеклист тўлдириш амалиёти жорий этилди.

Чеклист (саволнома)да коррупциявий омиллар гурухларга бўлинди ва уни ишлаб чикувчи томонидан лойиха ишлаб чиқилгандан бошлаб, қабул килингунга қадар даврга тўлдириб, такомиллаштириш институти жорий этилди.

Норматив-хукукий ҳужжатлар ва улар лойихаларининг коррупцияга қарши экспертизасини норматив-хукукий ҳужжат лойихасини ишлаб чиқишини амалга оширувчи давлат органи ва ташкилоти, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкентшахар адлия бошкармалари, туман (шахар) адлия бўлимлари ўтказади.

**Қўйидагилар ваколатлар, хукуқ ва мажбуриятлар билан боғлиқ бўлган коррупциявий омиллар ҳисобланади:**

дискрецион ваколатларнинг кенглиги;

аниқ белгиланмаган ваколатлар;

давлат органларининг тақрорловчи ваколатлари ҳамда вазифаларнинг мавжудлиги;

давлат органи томонидан ўзининг ваколатига кирмайдиган масалалар бўйича норматив-хукукий ҳужжат қабул қилиниши;

вазифа ёки топшириқни бажариш учун ижроида етарли ваколатлар ва ресурсларнинг мавжуд эмаслиги;

кечиктириб тартибга солиш;

манфаатлар тўқнашуви;

афзалликларнинг асоссиз белгиланиши;

норматив-хукукий ҳужжатнинг кучга киришини асоссиз равища кечиктириш;

хукуқ ва мажбуриятлар ўртасидаги номутаносибликлар.

---

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиб агентлиги ҳам мазкур соҳадаги ваколатли орган ҳисобланади. Ҳусусан, Коррупцияга қарши курашиб агентлиги қонунчиликка мувофиқ норматив-хукуқий хужжатлар ва уларнинг лойихаларини коррупцияга қарши экспертизасини ўтказиш тизими самарадорлигини тахлил қиласиди ва уни такомиллаштириш бўйича таклифлар киритади. Бундан ташқари, норматив-хукуқий хужжатлар ва уларнинг лойихаларини коррупцияга қарши экспертизаси самарадорлигини таъминлайди, шунингдек, коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиб соҳасидаги қонунчиликни такомиллаштиради, ҳалқаро стандартлар ва илғор хорижий амалиётни жорий этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқади ҳамда амалга оширади.

Коррупцияга қарши курашишда илғор тажрибага эга бўлган ҳамда бу борада муваффақиятга эришган айрим хорижий мамлакатларда норматив-хукуқий хужжатлар ва улар лойихаларининг коррупцияга қарши экспертизаси қонун билан тартибга солинади.

Жумладан, Россия Федерациясининг “Норматив-хукуқий хужжатлар ва улар лойихаларининг коррупцияга қарши экспертизаси тўғрисида”ги Федерал қонунида коррупцияни келтириб чиқарувчи омилларни аниқлаш ва уларни кейинчалик йўқ қилиш мақсадида, коррупцияга қарши экспертиза ўтказилиши белгиланган.

Бундан ташқари, Корея Республикасининг 2006 йилдаги “Коррупциянинг олдини олиш тўғрисида”ги Конунида коррупцияга қарши кураш ва фуқароларнинг хукуқларини химоя қилиш комиссиясига қонун ва уларнинг лойихаларидан коррупцияни келтириб чиқарувчи омилларни аниқлаш ваколати берилган.

Шу билан бирга, Словения Республикасининг “Ҳалоллик ва коррупциянинг олдини олиш тўғрисида”ги Конунининг 12-моддасида норматив-хукуқий хужжатлар лойихалари парламент томонидан кўриб чиқилгунига қадар, Коррупцияга қарши курашиб комиссияси томонидан коррупцининг олдини олиш ва манфаатлар тўқнашувини бартараф этиш юзасидан ўрганилиб, комиссия хулосасига асосан парламентга юборилиши белгиланган.

---

### **Назорат саволлари:**

1. Давлат бошқаруви соҳасида коррупциянинг олдини олишга оид конунчиликда кандай чора-тадбирлар назарда тутилган?
2. Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида коррупцияга қарши кураш бўйича кандай максадлар белгиланди?
3. Мъмурӣ тартиб-таомиллар соҳасида коррупциянинг олдини олишга доир кандай чора-тадбирлар кўзда тутилган?
4. Мустакиллик йилларида Ўзбекистонда коррупцияга қарши курашиш бўйича кандай ишлар амалга оширилди?
5. “Transparency International” ташкилотининг 2021 йилда эълон қилган рейтингларига кўра, Ўзбекистон коррупция бўйича неchanчи ўринни эгаллаган?
6. Норматив-хукукий хужжатлар лойиҳаларининг коррупцияга қарши экспертизаси кандай максадда ўтказилади?
7. Манфаатлар тўқнашувини бартараф этиш чораларига нималар киради?
8. Давлат харидларини амалга ошириш соҳасида коррупциянинг олдини олишга доир кандай чора-тадбирларига мавжуд?

## Х БОБ. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШДА ИҚТИСОДИЁТНИ РАҚАМЛАШТИРИШНИНГ РОЛИ

### 10.1. Иқтисодиётни рақамлаштириш бўйича давлат сиёсати

Хозирги пандемия, глобаллашув ва давлатларо интеграция жараёнлари жадаллашиб бораётган мураккаб бир шароитда, коррупция ҳанузгача долзарб муаммолардан бири бўлиб қолмокда.

Айтиш лозимки, коррупция келтириб чикараётган оқибатлар жамиятларни ич-ичидан емириб, демократик ва ҳукуқ устуворлиги асосларига путур етказади, инсон ҳукукларининг қўйол равишда бузилишига олиб келади, иқтисодий ривожланишини издан чиқаради, жамият ва давлат учун ўта хавфли бўлган иллатларнинг кенг ёйилишига шароит яратиб беради.

Ўзбекистон ўз олдига кучли демократик, илғор ривожланган давлатлар сафидан мустаҳкам ўрин эгаллашни максад килган. Ўзбекистон Республикасининг 2030 йилга келиб, Глобал инновацион индекс рейтинги бўйича жаҳоннинг 50 та илғор мамлакати қаторига кириши – бош вазифа. Кейинги йилларда Ўзбекистон ҳалқаро ҳамжамият томонидан эътироф этилмоқда. Хусусан, нуфузли “The Economist” журнали 2019 йилда дунёнинг икки юзга яқин давлатлари орасидан Ўзбекистонни “Йил мамлакати”, яъни дунёда энг кўп яхши тарафга ўзгарган мамлакат деб топди.

Давлат раҳбарининг Олий Мажлисга Мурожаатномасида 2020 йилнинг “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили”, деб эълон килиниши ҳамда шу бўйича “Йўл ҳаритаси”нинг ишлаб чикилиши, келаси беш йил ичida рақамли иқтисодиётга ўтиш вазифасининг қатъий мақсад сифатида белгилаб кўйилгани, нафакат ҳалқаро эксперtlар ҳамжамияти томонидан қизғин кутиб олинди, балки бугунги пандемия даврида ҳам ниҳоятда рационал карор бўлганини кўрсатди.

Мамлакат иқтисодиётини либераллаштириш, кишлоқ ҳўжалигини модернизация килиш, четдан кўпроқ сармоя жалб этиш, ишсизликка карши курашиш (йиллар давомида тирикчилиги ташки меҳнат миграцияси оркасидан ўтаётган миллионлаб фукароларини иш билан таъминлашнинг давлатнинг иқтисодий сиёсатининг асосий вазифалари қилиб белгиланган.

Камбағалликни камайтиришга қаратилган маҳсус дастурнинг ишлаб-чиқилиши, ҳали-ҳануз энг оғриқли нуқталардан бири бўлган коррупцияга қарши курашувчи маҳсус идора ташкил этилиши хам бу борада алоҳида ахамиятга эга. Чунки айнан коррупция Ўзбекистон иқтисодиётини тараққий топтириш, мамлакатга йирик миқдордаги чет эл сармояларини жалб қилиш ва уларни харакатга солиш йўлидаги энг асосий тўсиқлардан бири сифатида кўрилади. У туфайли чорак асрдан ортиқ вакт давомида юртимиздаги бизнес юритиш муҳити издан чикиб кетганди. Шу боис, ўтган киска даврда мавжуд вазиятни ўзгартириш харакатлари том маънода кучайтирилди. Кўпчиликка яхши маълум, тилга олинаётган иллатларга карши курашда, унга барҳам беришда ракамлаштириш зарурияти янада ошади. Бу, ўз навбатида, жуда кўп ресурсларни талаб қиласди. Шундай экан, ҳозирдан ракамли иқтисодиётга ўтиш муҳим вазифага айланди.

**Ракамли иқтисодиёт асослари.** Ракамли иқтисодиёт – янги технологиялар, платформалар ва бизнес моделлари яратиш хамда уларни кундалик ҳаётга жорий этиш орқали мавжуд иқтисодиётни янгича тизимга кўчиришдир. Ракамли иқтисодиёт – иқтисодий, ижтимоий ва маданий алокаларнинг ракамли технологияларини кўллаш асосида амалга ошириш мумкин бўлган тизим. Дастрлаб, бу иборани муомалага америкалик дастурчи Николас Негропонте 1995 йилда киритган бўлиб, у бугунги кунда барча соҳада кенг кўлланилмоқда. Ракамли иқтисодиёт инсонларсиз бошқарув тизимини йўлга қўйиш орқали коррупцияни камайтиради, солик тушумларини “аклли” шартномалар тузиш орқали кўпайтиради, бюджет харажатларининг очиқлигини оширади, ягона электрон платформа орқали давлат хизматларини кўрсатиш имкониятини беради.


2016 йилда Жаҳон банки дунёдаги ракамли иқтисодиётнинг аҳволи ҳакида илк марта “Ракамли дивидендлар” номли маъруза эълон килди. Мазкур маърузага кўра, ракамли иқтисодиётнинг янги концепцияси инсон фаолияти доирасидаги барча информацияни рақамлаштириш технологияларини кўллаб саклаш, ишлов бериш ва узатишнинг ягона тизимиdir. Иқтисодиётни ракамлаштириш орқали ижодий ёндашиб, янги иқтисодиётни барпо этиш имконияти туғилади. Иқтисодиётни ракамлаштириш – келажакда реал ракобатбардошликни узок муддатга саклаб қолиш имкониятиdir.

Шунингдек, ракамли иқтисодиёт электорал маданиятнинг юксалиши хамдир. У тараққий этса, биз ана шу аклий қолоқликдан кутуламиз. Ақлий қолоқликдан кутулиш орқали вактдан, оғир ёки ортиқча меҳнатдан

---

халос бўламиз, сифат кўрсаткичига эга чиқамиз, илфор давлатлар ва халқларга яқинлашамиз, жумладан, камбағаллик ҳам камаяди. Ақл (сунъий интеллект)ни ўстиришнинг энг асосий йўли эса, таълим тизимини юксалтиришdir.

### Рақамли иқтисодиётнинг асосий белгилари



Нуфузли халқaro ташкилотлар олиб борган таҳлиллар натижасига кўра, рақамли иқтисодиёт ялпи ички маҳсулотни камида 30 %га ўстириш, шунинг баробарида, хуфиёна иқтисодиётга барҳам бериш ҳамда коррупцияни кескин камайтириш имконини берар экан. Кўриниб турибдики, мазкур соҳа юртимизда барча соҳа ва тармоқнинг юксак ривожига жиддий туртки бўлади. Шу ўринда алоҳида таъкидлаш жоиз, рақамли иқтисодиёт коррупция ва “яширин иқтисодиёт”нинг асосий кушандасидир.

Чунки рақамлар барча нарсани муҳрлайди, хотирада сақлайди, ке- рак пайтда маълумотларни тез тақдим этади. Бундай шароитда бирон маълумотни яшириш, яширин битимлар тузиш, у ёки бу фаолият ҳақида тўлиқ ахборот бермасликнинг иложи йўқ, компьютер ҳаммасини намоён қилиб қўяди.

---

Маълумотлар қўплиги ва тизимлилиги ёлғон ҳамда қинғир ишларга йўл бермайди, чунки тизимни алдаш имконсиз. Натижада, иборали айтганда, пулларни “ювиш” (обеление), маблағларни ўғирлаш, самарасиз ва максадсиз сарфлаш, ошириб ё яшириб кўрсатиш имкони колмайди. Бу эса иқтисодиётга легал маблағлар оқимини оширади, солиқлар ўз вақтида ҳамда тӯғри тӯланади, бюджет тақсимоти очик бўлади, ижтимоий соҳага йўналтирилган маблағлар ўғирланмайди, мактаблар, шифохоналар, йўлларга ажратилган пуллар тўлиқ етиб боради ва хоказо.

Давлатнинг ракамли иқтисодиётни ривожлантириш йўлинитанлаганини ахборот технологиялари соҳасида ва умуман, электрон хужжатлар айланмасида янги йўналишлар очиб беради.

Ракамли технологиялар томон бурилишга эса, бутун жаҳон интернет тармоғи ҳамда сифатли алоқанинг ривожланиши сабабчидир.

Ракамли иқтисодиёт – бу янги технологиялар, платформалар ва бизнес моделлари яратиш ва уларни кундалик хаётга жорий этиш орқали мавжуд иқтисодиётни янгича тизимга кўчириш деганидир.

*Ракамли иқтисодиётнинг асосий белгилари:*

юкори даражада автоматлаштирилганлик;

электрон хужжат алмашинуви;

бухгалтерлик ва бошқарув тизимларининг электрон интеграциялашуви;

маълумотлар электрон базалари;

CRM (мижозлар билан ўзаро муносабат тизими) мавжудлиги;

корпоратив тармоклар.

*Ракамли иқтисодиёт кулагилклари:*

1. Тўловлар учун харажатлар камаяди (масалан, банкка бориш учун йўлкира ва бошка ресурслар тежалади).

2. Товарлар ва хизматлар ҳакида кўпроқ ва тезроқ маълумот олинади.

3. Ракамли дунёдаги товар ва хизматларнинг жаҳон бозорига чикиш имкониятлари катта.

4. Фидбек (истеъмолчи фикри)ни тез олиш хисобига товар ва хизматлар жадал такомиллаштирилади.

5. Тез, сифатли ва кулагай.

## **10.2. Давлат бошқарувини рақамлаштириш орқали очиқлик ва шаффофликни (транспарентлик) таъминлаш**

Давлат бошқарувидаги маълумотларнинг жамоатчилик учун очиқлиги унинг коррупцияга карши курашишдаги ахамиятини янада оширади.

Бугунги кунда одамлар озиқ-овқат маҳсулотларига буюртма бериш учун ижтимоий тармоклар, мессенжерлар, айникса, телеграм ботларидан фаол фойдаланмокда. Шунингдек, турли интернет-дӯконлар, электрон тўлов тизимлари хам фаол ривожланиб бормоқда. Демак, фуқароларимиз электрон битимларни амалга оширишга ишонишмокда. Факат хозирги кунда фойдаланувчилар катта харажатлар талаб килмайдиган кичик битимларни амалга ошираётгани, ўртacha харид хажмини оширишга эса, унчалик тайёр эмаслиги хам рост. Демак, навбатдаги масала ўртacha ва ийрик иқтисодий битимлар хамда молиявий операцияларни ракамли технологиялар орқали амалга оширишни ривожлантиришдан иборат. Шунингдек, рақамли иқтисодиётнинг ўз валютаси (*криптовалюта, биткоин*), пул саклайдиган картмони (*блокчейн*), хисоблаш усуллари (*майнинг*) каби атамалари мавжуд.

Шу ўринда ракамли иқтисодиётнинг оддий иқтисодиётдан фарқини кундалиқ, майший мисоллар билан тушунтириб ўтсак. Айтайлик, харидорга кийим ёки пойабзal керак. Уни бозорга тушиб, ўзи бевосита танласа ва нақд пулга сотиб олса, бу – *анъанавий иқтисодиёт*. Ижтимоий тармоқлардаги ёки Телеграмдаги бирон савдо боти орқали ўзига маъкул товарни танлаб, товар эгасига пулни электрон тўлов тизими орқали тўлаш ва товарни етказиб бериш хизмати орқали олиш – *ракамли иқтисодиёт* дейилади. Бу масаланинг энг содда майший мисол орқали тушунтирилиши.

Аслида, хаммамиз, аллакачон ракамли иқтисодиёт ичидамиз, унинг куляйкларидан фойдаланамиз. Масалан, ойлигимиз *пластик карталарга тушади*, электрон тўлов орқали коммунал хизматлар, телефон, *интернет ва бошка маҳсулот* хамда хизматларга тўлов қиласиз, электрон тарзда солиқ декларацияси *топширамиз*, картадан картага пул ўтказамиз ва хоказо.

Ракамли иқтисодиёт бу янги технологиялар, платформалар ва бизнес моделлари ишлаб чикиш хамда уларни кундалиқ хаётга жорий этиш орқали мавжуд иқтисодиётни янгича тизимга кўчириш деганидир. Яъни юкори даражада автоматлаштирилганлик; электрон хужжат алмашинуви; бухгалтерлик ва бошқарув тизимларининг электрон интеграция-

---

лашуви; маълумотлар электрон базалари; CRM (мижозлар билан ўзаро муносабат тизими) мавжудлиги; корпоратив тармоқлар.

Рақамли иқтисодиёт туфайли тўловлар учун харажатлар камаяди (масалан, банкка бориш учун йўлкира хамда бошқа ресурслар тежалади), товарлар ва хизматлар ҳақида кўпроқ хамда тезроқ маълумот олинади, рақамли дунёдаги товар ва хизматларнинг жаҳон бозорига чиқиш имкониятлари катта, фидбек (истеъмолчи фикри)ни тез олиш хисобига товар хамда хизматлар жадал такомиллаштирилади.

Халқаро амалийтга юзланадиган бўлсак, ҳозирги кунда рақамли иқтисодиёт электрон тижорат ва хизматлар соҳаси билан чекланиб қолмай, балки ҳаётнинг ҳар бир жабҳасига, хусусан, соғлиқни сақлаш, фан-таълим, қурилиш, энергетика, қишлоқ хамда сув хўжалиги, транспорт, геология, кадастр, архив, интернет-банкинг ва бошқа соҳаларга жадал кириб бормоқда хамда уларнинг ҳар бирида ўзининг юқори самарасини бермоқда.

Фуқароларнинг давлат органлари билан алоқасини электрон платформа орқали алоқага ўтказиш, яъни давлат ўз фуқаролари учун электрон хизматлар кўрсатиши ва электрон маҳсулотларни таклиф этиши рақамли иқтисодиётнинг асосий қисми хисобланади. Мамлакатимизда ушбу соҳани кенг ривожлантириш, давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, биздаги энг асосий оғриқли муаммолардан бири – коррупция иллатига барҳам беради. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев, 2020 йил 5 февраль куни ташқи иқтисодий фаолият тизими ни ислоҳ қилиш бўйича устувор вазифаларга бағишлиланган йиғилишда, ташқи савдо билан боғлик назорат тизими ва инфратузилмани яхшилаш, жумладан, хорижий тажрибадан келиб чиқиб, божхона постларида назоратни амалга оширадиган божхона, санитария, карантин, ветеринария хамда бошқа идоралар фаолиятини ислоҳ қилиш лозимлигини таъкидлаган эди. Бу соҳада узоқ йиллардан бўён самарали ишлар олиб борилмагани, коррупциянинг мавжудлиги ташқи савдо амалиётида муайян қийинчилклар туғдирмоқда. Жаҳон банкининг “Бизнес юритиш” рейтингида “Халқаро савдо” йўналиши бўйича мамлакатимиз 190 та давлат орасида 152-ўринда қайд этилгани ҳам шундан далолат беради.

Гап шундаки, кўплаб давлатларда юклар чегарага етиб келмасидан олдин улар ҳақида ахборот берилиб, юкнинг тез чиқиб кетиши таъминланади. Ўзбекистонда эса, ўтган йили 416 минг декларациядан 344 таси юк чегарага келгунча расмийлаштирилган. Юк тўғрисида олдиндан маълумот бериш автомобиль транспортида 98 фойзни ташкил этса, темир

---

йўлда, умуман, йўлга кўйилмаган. Шу боис, назоратни чегарада эмас, балки юклар кириб келишидан олдин ёки мамлакат ичкарисида эркин муомалага чикарилгандан кейин амалга ошириш тизимини йўлга кўйиш муҳим. Бугунги кунда 1 минг 836 та турдаги товар бир вактда учта идора томонидан текширилиши, оқибатда, импорт-экспорт ҳужжатларини расмийлаштириш ҳафталаб чўзилаётгани ачинарли ҳолдир. Ваҳоланки, божхона, ветеринария, карантин, санитария, стандарт, экология идоралари иш услубини ўзгартириши, уларнинг асосий вазифаси маҳсулотлар экспортини қўллаб-кувватлашдан иборат бўлмоғи лозим.

Мана шундай тўсиклар туфайли Президентимиз ракамли технологияларни жорий килиб, инсон омилини максимал кискартириш оркали коррупция ва ноконуний товар айланмасига барҳам бериш зарурлигини таъкидламоқда. Импорт маҳсулотларининг чегарадан, то якуний истеъмолчигача бўлган ҳаракати божхона ҳамда солик идоралари томонидан ягона электрон тизим оркали назорат килиниши керак.

Шундан келиб чиқиб, мутасаддиларга рухсатнома ва лаборатория текширувлари ҳужжатларини тўлиқ ракамлаштириш, автоматлаштирилган “риск-анализ” тизимини жорий этиш бўйича амалий ишлар олиб борилмоқда. Айтиш жоиз, ракамли иктиносидиётга ўтиш тадбирлари доирасида 143 та давлат хизмати электрон шаклга ўтказилиб, 35 та идорада талаб килинадиган ҳужжатлар сони ҳамда хизмат кўрсатиш вақти икки хисса кискарди. Бюджет харажатлари, давлат харидлари, ер, бино ва иншоотлар олди-сотди жараёнларига ошкоралик ҳамда очиқлик тамоийллари жорий этилди. Айни пайтда, қишлоқ ҳўжалиги, соғлиқни сақлаш, курилиш, давлат хизматлари кўрсатиш, хуллас, ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида ракамли иктиносидиётга ўтиш сари салмокли қадамлар ташланмоқда.

Ракамли иктиносидиёт соҳасига оид бир қатор муҳим норматив-хукукий ҳужжатлар қабул қилинган. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 19 февралдаги “Ахборот технологиялари ва коммуникациялари соҳасини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5349-сон, 2020 йил 5 октябрдаги “Рақамли Ўзбекистон – 2030” стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6079-сон, 2020 йил 2 марта ги “2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Илм, маърифат ва рақамли иктиносидиётни ривожлантириш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида” ПФ-5953-сон, 2022 йил 28 январда-

---

ги “2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон фармонлари ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 28 апрелдаги “Рақамли иқтисодиёт ва электрон хукуматни кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4699-сон қарорини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Мамлакатда рақамли иқтисодиётни ривожлантириш орқали одамларнинг хаёти, бюрократия ва коррупциянинг камайгани ва давлат хизматларини кўрсатиш тезлашганини англатади. Жумладан, мутахассислар томонидан хам ҳар доим, аввало, ахоли энг кўп тўқнаш келаётган соҳаларни рақамлаштириш, одамларнинг оғирини енгил қилиш зарурлиги таъкидланади.

2020 йилда 14 та ва 2021 йилнинг биринчи чорагида яна 14 та туманда одамлар энг кўп мурожаат қиласидаган соғлиқни сақлаш, кадастр, ижтимоий химоя, кишлек хўжалиги, таълим йўналишларини рақамлаштириш бўйича 239 та лойиха амалга оширилди.

Масалан, “Электрон поликлиника” тизимини жорий қилиш орқали қоғоз хужжатлар 40 фоизга, навбат кутиш 60 фоизга қисқаради. Бунинг учун марказий шифохона ва поликлиникаларни тўлик рақамлаштириш лозим.

Рақамлаштириш иқтисодиёт тармокларида тежамкорлик ва самарадорликни таъминлайди. Масалан, Тойлок ва Оқдарё туманларидағи шағал кавлаб олиш карьерида машиналарнинг юк ҳажмини назорат қилиш тизими йўлга қўйилгани натижасида ойлик тушум 3 миллиард сўмдан 8 миллиард сўмга ошган.

Ундан ташкари, Муборак ва Шўртан нефть-газ корхоналарида автоматлаштирилган диспетчерлик хизмати жорий этилгани туфайли йилига 50 млн. куб метр газ ва 650 минг киловатт-соат электр энергиясини иқтисод қилишга замин яратилди. Асакадаги автомобиль заводида логистика, харидлар, хом ашё ва бутловчи кисмлар харакатини рақамлаштириш орқали 41 млн. АҚШ долларини тежаш мумкин. Олмалиқ тоғ-кон металлургия комбинатидаги “Ёшлик-1” ва “Қолмокқир” конларида транспорт комплексида автоматлашган бошқарув тизимини жорий қилиш йилига 28 млрд. сўмлик маблағнинг тежалишига олиб келади.

Рақамли иқтисодиётни жорий этиш ва унумли ишлатиш, албатта, мутахассисларга боғлиқ. Шу боис кадрлар тайёрлашга ҳар томонлама аҳамият берилмоқда. Ўтган йили Тошкент шахрида Дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологиялари парки бунёд этилди. Андижон ва Марғилон шаҳарларида унинг филиаллари очилди. Бундан ташкари,

---

Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда ахборот технологияларини чуқур ўқитишга ихтисослаштирилган 205 та мактаб ташкил этилган.

### **10.3. Рақамли иқтисодиёт соҳасида ҳалқаро тажриба**

---

Ҳозирги кунда кўпчилик давлатлар рақамли иқтисодиёт соҳасига жиддий эътибор каратмоқда. Масалан, 2017 йилнинг 28 июляда Россия Федерацияси ҳукумати томонидан Рақамли иқтисодиёт дастури қабул қилди. Эстония, Беларус ва Украина рақамли иқтисодиётни фаол ривожлантирумома. Ўз навбатида, айрим давлатларда айнан ракамли иқтисодиётни ривожлантириш учун зарурий инфратузилмани яратишга ҳаракат қилинмоқда. Жумладан, Австралия ҳукумати фуқароларга юкори тезлиқдаги ракамли алоқани тақдим этиш чораларини кўрмоқда, яъни миллий кенг полосали тармок (National Broadband Network) ўз зиммасига ушбу мамлакат ахолисининг 93 %ни 1 Гбит/с тезлиқдаги интернет билан таъминлаш мажбуриятини олган.

Ҳозирги даврда биз технологиялар қандай килиб оммавий хизмат кўрсатиш соҳасини тубдан ўзгартираётганини кўрмоқдамиз. Воситачи-ларни олиб ташлайдиган, мижоз ва таъминотчи ўртасидаги алоқаларнинг тўғридан-тўғри амалга оширилишига олиб келадиган Убер каби янги бизнес-моделлар пайдо бўлмоқда. Аввалроқ ҳудди шунга ўхшаш ўзгаришлар молия сектори ҳамда телекоммуникациялар соҳасида ҳам рўй берган эди. Саноатда бир қанча принципиал ўзгаришлар кузатилмоқда, чунки ракамли корхона ва инсоннинг рақамли қиёфадоши – роботлар пайдо бўлиши бутун инсониятнинг функционал моделини жиддий равишда ўзгаририб юбориши мумкин. Бу эса, ахборот технологиялари астасекинлик билан одамларнинг ўрнини эгаллаб боришини англатади. Ҳудди мана шу холат ракамли иқтисодиёт хисобланади.

Рақамли платформаларнинг ривожланишига Хитойнинг “Алибаба” электрон савдо тизимиға эга бўлган компанияси ёрқин мисол бўлади. Ундан фойдаланиш тажрибаси шуни кўрсатадики, маълумотлар тўплаш жараёнида иқтисодиётнинг турли секторларига экспанция учун ўта ракобатли устунликлар яратилади. “Алибаба” оддийгина рақамли платформа эмас, балки платформалар экотизимиdir. Бундай экотизимнинг курдати алоҳида платформалар кучидан катта бўлади. АКШ ҳозирги кунда бу пойгода ютқазмокда, чунки у ерда турли хил платформаларни интеграция қилишга тўғри келади, Хитойда эса бу соҳада ривожланиш

---

самарадорлигини ошириш хисобига – бир платформадан бошқа платформага ўтиш аста-секинлик билан рўй берди.

Ракамли иктисодиётга ўтиш каби глобал ишда кўп нарса давлатнинг тутган позициясига ҳам боғлиқ, албатта. Барчаси ҳамма нарсани бирлаштирадиган ва “ракам”га ўтказадиган ягона давлат платформасига бориб тақалмаслиги мухим, яъни давлатнинг вазифаси, бизнеснинг ўрнига бирон-бир нарса килиш эмас, балки бизнесга халал бермаслиkdir. Хитойда ҳам “Алибаба” тизими давлат унинг учун қандайдир платформа яратгани туфайли пайдо бўлмаган. У бундай платформа пайдо бўлиши учун шароитяратган, холос. Гарчи давлат “Алибаба”га ёрдам берган бўлсада, унга давлат корпорацияси сифатида эмас, балки тижорат корхонаси сифатида ёрдам берди ва унинг хизматларидан у ракобатбардош эканлиги учунгина фойдаланилади. Давлатнинг вазифаси – умумий коидалар яратиш, бизнес эса ана шу умумий коидалар асосида ўзгариб, ривожланиб боради, чунки конунлар таъсирида ишбилармонлик мухити ва рақобат ўсади.\_

Кўплаб ривожланган мамлакатлар лозим бўлган ўзгаришлар рўй бериши мукарарлигини тушуниб, онгли равишда иктисодиётни ракамлаштириш томон ҳаракатни бошладилар. Бу йўналишда биринчилардан бўлиб ҳаракат қилган АҚШ, Япония, Жанубий Корея ҳамда Хитой бугунги кундаги рақамли пойгада норасмий етакчилари саналади. Улардан кейинги ўринларда: Буюк Британия, Европа Иттифоки мамлакатлари, Австралия, Беларусь ва бошқалар туради. Рақамлаштириш жараённининг баъзи етакчи мамлакатлари эса, қарама-карши ёндашувларни, хусусан, АҚШ – бозор йўналишини, Хитой эса, режали иктисодиётни танлаб олган. Колган мамлакатлар маълум бир оралиқ варианtlарга риоя қиласдилар.

Рақамли иктисодиёт платформаларини тузишда ривожланган давлатлар: транспорт, телекоммуникация, энергетика, маълумотларни қайта ишлаш, соғлиқни сақлаш, дори-дармонлар логистикаси, туризм, ташқи иктисодий фаолият, кўчмас мулк ва ишлаб чиқариш йўналишларига эътибор қаратмокда. Айнан шу соҳаларнинг ривожланиши инфратузилма ҳамда технологик базисни яратишга имкон беради, уларни бошқа соҳаларга кўчирган холда Ўзбекистон етук рақамли иктисодиётни, максимал даражада, тез ривожлантириши мумкин. Илғор мамлакатлар рақамли иктисодиётининг кўплаб дастурларида (АҚШ, Австрия, Австралия, Буюк Британия, Жанубий Корея ва бошқалар) асосий эътибор “ракамли тиббиёт” ҳамда “аклли шахар” ижтимоий йўналишларига қаратилмокда. “Рақамли тиббиёт” ва “аклли шахар” ижтимоий лойихаларини амалга

---

ошириш кўпроқ мураккаблик хамда хилма-хилликни талаб қиласди ва бундай лойиҳалар кенг халқ оммаси томонидан эътироф этилади.

Ривожланаётган мамлакатлар ахолисининг интернетга хамда у билан боғлиқ АҚТга уланиш имкониятларини кенгайтириш учун шароитлар яратиш, жумладан, булатли технологияларни ривожлантириш зарур. ИХТТ томонидан 2016 йилда бу ташкилотга аъзо бўлган 32 мамлакат ва яна 6 та хамкор мамлакатда ўтказилган сўров маълумотларига кўра, уларда ракамли иқтисодиётни ривожлантириш стратегияси, режаси ёки дастури ишлаб чиқилган. 2017 йилнинг сентябрь ойида Австралия хукумати ракамли иқтисодиёт стратегиясини ишлаб чиқиши бошлангани хақида эълон қилди, АҚШда эса 2015 йили ракамли иқтисодиёт режасини шакллантириш хақида маълум килинди, 2016 йилда хусусий бизнес томонидан амалга ошириладиган интернетни ривожлантириш, ахборот хавфсизлиги, инновацияларни илгари суриш ва бошка функцияларни бажарадиган Савдо вазирлиги қошида ракамли иқтисодиёт бўйича Маслаҳатчилар кенгаши ташкил қилинди.

Жаҳон банкининг “Ракамли дивидентлар” номли тадқикоти натижалари мамлакатлар иқтисодиётини ривожлантиришда ракамли иқтисодиётнинг накадар долзарб ва мухимлигини кўрсатди. Хусусан, интернет тезлигининг 10 %га ўсиши, мамлакат ЯИМнинг ўсишига олиб келади. Ривожланган давлатларда бу кўрсаткич 1,21 %ни, ривожланаётган давлатларда 1,38 %ни ташкил этаёттир. Демак, интернет тезлиги икки баробарга ошадиган бўлса, ЯИМ хажмининг кариб 15 %га ошишига эришиш мумкин. Жаҳондаги глобаллашув жараёни шароитида ташки миграция, халкаро савдо ва капиталлар харакати, туризм, хорижий инвестициялар, АҚТнинг ривожланиши мамлакатлар иқтисодий ўшиш суръатларига таъсир этади.

Демак, асосий эътиборни факат маҳсулотлар экспортига каратмасдан, балки “ноу-хау”, блокчейн технологиялар фаолиятини замонга ҳамоҳанг ўрганиб, шулар каторида, ракамли иқтисодиётдан фойдаланишни янги боскичга олиб чиқилиши максадга мувофик. Юртимизда ракамли иқтисодиётни ривожлантиришнинг устувор вазифаси – Ўзбекистон иқтисодиётининг юкори суръатларда ўшишини таъминлаш билан биргаликда, аҳоли онги, билими ва қарашларини замон билан уйғунлаштиради, мамлакатимизнинг халкаро майдонга интеграциясини тезлаштиради.

## **10.4. Яширин иқтисодиёт ва Ўзбекистоннинг иқтисодий хавфсизлиги**

Кўп жиҳатдан билвосита маълумотларга боғлик бўлган яширин иқтисодиёт хажмининг аниқ миқдорий кўрсаткичи хали ишлаб чиқилмаганига қарамай, яширин иқтисодиёт даражаси давлатнинг расмий ялпи ички маҳсулотига нисбатан фоизда ўлчаммоқда. Жаҳон миқёсида яширин иқтисодиётнинг улуши ялпи ички маҳсулотнинг 5-10 %ини ташкил этади. Энг ривожланган мамлакатларда эса бу кўрсаткич ЯИМнинг камида 7,5 %ини ташкил қиласди.

Халқаро ташкилотларнинг 2019 йилдаги тадқиқотларига кўра, Ўзбекистон Республикасининг яширин иқтисодиёти хажми ЯИМга нисбатан 40 %дан 50 %гача ўзгариб туради. 2019 йилда хам худди шундай натижалар ва “БУЮК КЕЛАЖАҚ” халқаро нодавлат нотижорат ташкилоти – ялпи ички маҳсулотнинг 50 фоизигача, минтақада йиллик йўқотишлар 16 ва 17 млрд. АКШ долларини ташкил этади. Бу кўрсаткич Ўзбекистонни ХВФ рейтингида дунёдаги 159 та давлат орасида 152-ўринда эканлиги ни кўрсатади.

Тадқиқотчиларнинг фикрича, соя соҳаси хажми давлат органларининг самарасиз иқтисодий сиёсати ва ортиқча тартибга солиш даражасининг кўрсаткичидир. Мамлакатда яширин фаолиятнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши эса давлатнинг иқтисодий сиёсати билан хаддан ташқари бандлигига фуқароларнинг жавобидир.

Шунингдек, иқтисодий хавфсизликни таъминлаш, иқтисодий ривожланиш, ахоли хавфсизлиги холати ва ҳоказолар каби қатор масалаларни хал этишда давлат бошқарувининг алоҳида ўрни борлигини таъкидлаш лозим.

Шубҳасиз, яширин иқтисодиёт ўзининг хар қандай кўринишида ахолининг молиявий-иқтисодий муносабатлар тизимини издан чиқарадиган, уюшган жиноятчилик ва коррупциянинг ривожланишига олиб келадиган ноқонуний ва жиноий фаолиятга жалб этилишининг олдини олиш мақсадида давлат томонидан фаол кураш олиб боришни талаб қиласди. Яшириш иқтисодиёт, ўз навбатида, давлатнинг иқтисодий хавфсизлигига жиддий таҳдиддир.

Яширин иқтисодиётнинг махфийлик каби ўзига хос хусусиятларини хисобга олган холда, илмий манбаларда унинг ноқонуний иқтисодий фаолиятни тавсифловчи тўртта шаклини ажратиб кўрсатилади:

а) ноқонуний иқтисодиёт қонун билан жиноят сифатида жавобгарликка тортиладиган хизматлар кўрсатиш ва товарлар ишлаб чиқаришни

ўз ичига олади. Бу курол, гиёхванд моддалар ва бошқалар савдоси бўлиши мумкин;

б) декларация килинмаган иктисодиёт – солик мажбуриятларини четлаб ўтиш ёки бўйин товлаш максадида даромадлари ва мол-мулкини нотўғри кўрсатган шахс томонидан қасдан яшириш;

в) рўйхатга олинмаган иктисодиёт яширин бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисботларни юритишни таъминлайди;

г) норасмий иктисодиёт, бу ер ости ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва шартномасиз ишлаш учун одамни ёллаш шаклида харажатларни минималлаштиришга қаратилган.

Яширин иктисодиётнинг куйидаги асосий элементларини давлатнинг иктисодий хавфсизлигига таҳдидлар рўйхатига киритиш мумкин:

1) жисмоний шахслар томонидан, асосан, аҳоли даромадларининг пастлиги билан боғлик бўлган турли давлат тўловларини тўлашдан кочиш;

2) солик маъмураниятининг кучсизлиги туфайли юридик шахслар томонидан солиқлар, йиғимлар ва бошқа турдаги бадалларни тўламаслик;

3) бозор иштирокчиларининг амалдаги конунлардан ташкари, молиявий-хўжалик фаолиятини амалга ошириш истаги;

4) стратегик тармоқларнинг иктисодиётнинг ижтимоий тармоқлари устидан ҳаддан ташкари устунлиги туфайли миллий иктисодиётда ному-таносибликтининг кенг таркалганлиги.

Юкоридагилар давлатнинг иктисодий хавфсизлиги салоҳиятига бевосита таъсир киласи, бу эса куйидаги характердаги салбий оқибатларга олиб келади: фискал ва пул тизимининг деформацияси; иктисодий соҳани криминаллаштиришнинг кучайиши; инвестицион ва ишлаб чиқариш жараёнларини бекарорлаштириш ва бошқалар.

#### Яширин иктисодиётта карши курашиш бўйича мақсадли чора-тадбирлар:

Иктисодий фаолиятни тартибга солувчи қонунларни ўзгартириш

Аҳоли ўрта синфининг кўпайиши

Давлат бошқаруви тизимининг барча даражаларида коррупцияга карши курашиш

---

Яширин иқтисодиётнинг давлатнинг иқтисодий хавфсизлиги дара-жасига салбий таъсири ўсишининг энг муҳим сабаблари қуидагилардан иборат: а) қонунчиликнинг замонавий талабларга жавоб бермаслиги ёки таҳдид ва таҳдидларга қарши туролмаслиги; б) аҳолининг кескин табақаланишига олиб келадиган ижтимоий тенгсизлик, камбағаллик чегарасидан пастда яшовчи фуқаролар сонининг сезиларли даражада кўпайиши, бу эса, ноқонуний иш билан банд бўлганлар сонини кескин оширади; в) ўз фаолиятни яширин иқтисодиётдан чиқаришга тайёр бўлмаган тадбиркорлик субъектларига ортиқча солиқ юкининг ижтимоий-психологик оқибатлари.

Ўзбекистон Республикасида Давлат раҳбари томонидан олиб бори-лаётган сиёsatни яширин иқтисодиётга қарши курашиш бўйича аниқ чора-тадбирлар билан боғлаш мумкин. Булар: а) аҳоли ўрта синфи-нинг кўпайиши; б) иқтисодий фаолиятни тартибга солувчи қонунларни ўзгартириш; в) давлат бошқаруви тизимининг барча даражаларида кор-рупцияга қарши курашиш.

### **Назорат саволлари:**

1. “Рақамли иқтисодиёт” дастлаб ибораси ким томондан киритилган?
2. Рақамли иқтисодиёт деганда нимани тушунасиз?
3. Рақамли иқтисодиётнинг асосий белгилари?
4. Рақамли иқтисодиёт жамият ва давлатга қандай қуайликлар бе-ради?
5. Коррупцияга қарши курашишда иқтисодиётни рақамлаштириш йўналишларига тўхталинг.
6. Рақамли иқтисодиёт ёрдамида инсонларсиз бошқарув тизимини йўлга қўйиш орқали қонуниликни таъминлашда нимага эришиш мумкин?
7. Ўзбекистонда рақамлаштириш ва рақамли иқтисодиётга тааллуқли бўлган қандай норматив-хукуқий хужжатлар қабул қилинган?
8. Яширин иқтисодиётнинг ноқонуний иқтисодий фаолиятни тавсиф-ловчи шаклларини айтиб беринг.

## XI БОБ. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ СОҲАСИДА ИЧКИ НАЗОРАТ (“КОМПЛАЕНС-НАЗОРАТ”) ТИЗИМИ

### 11.1. Коррупцияга қарши курашиш соҳасида ички назорат (“комплаенс-назорат”) тизимининг умумий тавсифи

Давлат органлари ва ташкилотлари, уларнинг худудий ва таркибий бўлинмаларида ҳалоллик сиёсатини таъминлаш, яъни ходимлар фаолияти ва умуман, жамиятда коррупцияга карши курашиш маданиятини оширишда коррупцияга карши комплаенс назорат масалалари мухим ўрин эгаллади. Миллий ва ҳалқаро миқёсда амалга оширилаётган ислоҳотлар натижасида, “комплаенс-назорат” механизmlари давлат ва хусусий сектор фаолиятига кенг кириб бормокда.

Халқаро иктисодиётга коррупцияга оид жиноятларнинг содир этилиши оқибатида етказилаётган заарарнинг тобора ортиб бораётгани натижасида коррупцияга карши курашиш соҳасини янада кенг тадқик этилиши, айниқса, долзарб аҳамият касб этмоқда.

БМТ Бош котиби А.Гуттериш томонидан келтирилган маълумотларга асосан, жаҳон ҳамжамиятида ҳар йили 1 триллион АҚШ доллари ҳажмида пора бериш ва олиш ҳолатлари содир этилади. Дунё иктисодиёти ҳар йили коррупция туфайли 2,6 триллион АҚШ долларидан ортиқ маблағдан айрилади, бу жаҳон ялпи ички маҳсулотининг 5 фоизини ташкил этади<sup>79</sup>.

Хорижий амалиёт таҳлили шуни кўрсатадики, бозор иктисодиёти конунларига асосланган барча мамлакатларда коррупцияга карши курашиш соҳасидаги замонавий бошқарув усуllibарига мувофиқ, самарали фаолият юритишни таъминловчи энг мухим профилактик воситалардан бири ўз таркибида коррупцияга карши “комплаенс-назорат” тизимини жорий этиш хисобланади.

“Комплаенс”, “комплаенс-назорат” (compliance control) тушунчалари – розилик, мувофиқлик ва аниқ белгиланган коида, стандарт ҳамда кўрсатмаларга мувофиқ фаолият юритиш деган маъноларни англатади<sup>80</sup>.

<sup>79</sup> Corruption is costing the global economy \$3.6 trillion dollars every year” 2018. [Электрон манба]. URL: <https://www.weforum.org/agenda/2018/12/the-global-economy-loses-3-6-trillion-to-corruption-each-year>.

<sup>80</sup> Ivanov E. Anti-corruption compliance in BRICS countries// Антикоррупционный комплаенс-контроль в странах БРИКС//Монография. -М.: Юриспруденция, 2015. – с.9. [Электрон манба]. URL: <http://files.sudrf.ru/774>.

Умуман айтганда, мазкур тушунча ўзбек тилида илмий тушунчаларга эга бўлмаганлиги сабабли, мавжуд тадқиқот асосида куйидагича таърифни бериш максадга мувофик.

***Коррупцияга қарши “комплаенс-назорат” тизими*** – давлат ор-  
ганлари ва хўжалик юритувчи субъектлар, банклар ва хусусий сектор  
фаолиятини коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги халқаро стан-  
дартлар, конун ва бошқа меъёрий-хуқуқий хужожатларга мувофик таш-  
кил этилишини таъминловчи, коррупция хавф-хатарлари ва манфаат-  
лар тўқнашувини ўз вактида аниклаш ҳамда уларга чек қўйиш, конун  
бузилиши ва коррупцияга оид хукуқбузарликлар хакида хабар берни  
каби катор профилактик чораларни ўзида мужассам этган самарали  
тизим.

Халкаро тажрибада “комплаенс-назорат” тизими тиббиёт, давлат  
фуқаролик хизмати, банк, божхона соҳаларида, жиноий даромадлар-  
ни легаллаштириш, монополияга, коррупцияга қарши курашиш каби  
йўналишларда жорий этиладиган “комплаенс-назорат” хисобланади.

Коррупцияга қарши курашишда мухим профилактик чора хисоб-  
ланган “комплаенс-назорат” тизими вужудга келишининг дастлабки  
асослари 1884 йилда Германияда “Бахтсиз ходисаларнинг олдини олиш  
ва суфурталаш ассоциацияси”нинг (Accident Prevention & Insurance  
Association) ташкил этилиши билан боғлиқ.

Бирок ушбу тизим, дастлаб, 1906 йилда АҚШда озик-овкат  
маҳсулотлари ва дори воситалари ишлаб чиқарувчи компаниялар фао-  
лиятини назорат қилиш федерал хизматининг (FDA, Food and Drug  
Administration) ташкил этилиши ва фаолияти жамоат хавфсизлигига  
қаратилган компания ва ташкилотларига асос солиниши зарурияти би-  
лан юзага кела бошлаган<sup>81</sup>.

Ушбу тизимнинг чинакам ривож топиши XX асрнинг 70 йиллари-  
га тўғри келади, яъни бу даврга келиб АҚШнинг иқтисодий жихатдан  
ривожланиши ва халкаро алоқаларда интеграциялашви мамлакат  
иктисодиётида иқтисодий хавфсизликни таъминлашга қаратилган  
компания ва корпорацияларнинг ташкил этилиши улар фаолиятида

<sup>81</sup> Martin Kling “History of Compliance–Part one, from Adam to Sarbanes Oxley”, History of Compliance–Part one, from Adam to Sarbanes Oxley ey”, 2017 – P. 54. // [Электрон манба]. URL: <https://www.ariscommunity.com>.

---

коррупцияга карши профилактик чоралар жорий этишни заруриятга айлантируди.

Шунингдек, ўтган асрнинг иккинчи ярмидан Volkswagen, Daimler, Siemens (Германия) Odenbrecht, Petrobras (Бразилия), Samsung Group, Hyundai Motor Co. (Корея Республикаси), BAE Systems (Буюк Британия), Baker Hughes Inc, Panaipina World Transport (АҚШ)<sup>82</sup> каби йирик компаниялар билан боғлиқ низоли вазиятларнинг юзага келиши улар фаолиятидаги коррупцияга карши курашиш механизмларнинг мустахкам эмаслиги билан асосланади ва бу ўз даврида коррупцияга карши мавжуд тизимни тубдан ислоҳ этишини такозо қилди.

Бу каби коррупциявий холатларнинг олдини олиш хамда компанияларнинг ушбу соҳадаги фаолиятини тартибга солиш зарурияти дунёда илк бор коррупцияга карши курашишга оид қоидалар ва мажбуриятлар тизимини акс эттирган “комплаенс-назорат” хизматининг пайдо бўлишига олиб келди.

Ўз-ўзидан даврий шаклланиш натижасида коррупцияга қарши курашишга оид қоидалар йифиндиси бўлган “комплаенс-назорат” тизими боскичма-босқич юридик нормалар билан татибга солина бошлади.

Бунинг натижасида, ушбу тизим дастлаб АҚШ конунчилигига юридик жиҳатдан мустахкамланди. Жумладан, АҚШда 1977 йилда “Хорижий коррупциявий амалиётлар тўғрисидаги Акт” (Foreign Corrupt Practices Act, 1977); “Сарбейнз-Оксли Акти” (Sarbanes-Oxley Act, 2002), “Додд-Франк Акти” (Dodd-Frank Act, 2010) номли қонун хужжатлари фикримиз исботи бўла олади<sup>83</sup>.

Бу ўринда, “комплаенс-назорат” тизимини тартибга солишига картилган бу каби қонун хужжатларининг кабул килиниши, факатгина ушбу соҳани юридик жиҳатдан тартибга солмай, балки қонунчилик даражасида миллий ва хорижий корхона ва компаниялар учун хам ўзига хос иктисадий чекловлар жорий этди. Яъни, булар натижасида АҚШ бозорида иштирок этувчи ҳар кандай корпорация ва компаниялар ўз таркибида “комплаенс-назорат” тизимини жорий этиши ва давлат хизматчиларининг Ахлок кодексини кабул килиши **шарт этиб белгиланди**.

---

<sup>82</sup> A history of corporate bribery scandals [Электрон манба]. URL: <https://www.worldfinance.com>

<sup>83</sup> Allen B. Roberts “Demystifying Sarbanes-Oxley: Suggestions for Public and Private Company Preparedness and Compliance with Employment and Whistleblower Provisions” July 2, 2013 [Электрон манба]. URL: <https://www.ebglaw.com>.

Шунга мувофик, 2002 йилдан бошлаб, Нью-Йорк фонд биржасида (New York Stock Exchange, NYSE) иштирок этэйтган хорижий давлатларнинг компаниялари зиммасига ўзида коррупцияяга қарши “комплаенс-назорат” тизимини жорий этиш мажбуриятлари юклатилди.

Бу каби ижобий тажрибаларнинг оммалашиши натижасида бугунги кунга келиб, 100 дан ортик мамлакатлардаги компанияларда коррупцияяга қарши “комплаенс-назорат” тизимининг жорий этилишига эришилди.

Хусусан, АКШ, Буюк Британия, Германия, Франция, Бразилия, Туркия, Сингапур, Малайзия, Словения, Қозоғистон каби бир қатор хорижий давлатларда ушбу тизим коррупцияяга қарши курашиб соҳасидаги асосий профилактик чоралардан бири ҳисобланади<sup>84</sup>.

Мазкур давлатларда “комплаенс-назорат” тизимининг жорий этилиши, ташкилотларнинг фаолият йўналишларига караб, мажбурий ахамият касб этади.

Францияда 800 000 еврода ортик капиталга эга бўлган давлат корхоналарида “комплаенс-назорат” тизими жорий этилган бўлиши шарт.

Буюк Британиянинг 1 млрд. фунт стерлинг капитали бўлган 700 дан ортик давлат улушига эга корхоналарида жорий этилган ушбу тизим турли коррупция хавфларидан химоя қилувчи комплекс чоралар сифатида кўлланилмоқда.

Шунингдек, аксарият хорижий давлатларда “комплаенс-назорат” тизими алоҳида конун хужжати билан тартибга солингани ахамиятга молиқдир. Жумладан, Словенияда мазкур хизмат фаолияти 2014 йил 26 апрелида қабул қилинган “Словения давлат холдинги акти тўғрисида”ги (The Slovenian Sovereign Holding Act) алоҳида конун билан тартибга солинади.

Словения амалиётида “комплаенс-назорат” хизматининг жорий этилиши давлат секторига кадрларни танлаш жараёнлари максимал шаффоф механизмлар асосида ўтишига имкон берган ва коррупцияяга оид хукуқбузарликлар хақида хабар беришнинг мукаммал тизими яратилган.

Конуннинг ўзига хослиги шундаки, унда “комплаенс-назорат” хизматида кадрлар масаласига (compliance officer) тўхталиб ўтилган хамда компания ичидаги коррупцияяга оид хукуқбузарликлар хақида хабардор этишига каратилган (whistleblowing policy) аниқ коида ва тартиблар келтириб ўтилган.

<sup>84</sup> Бурханов А., Маманов С. **Коррупцияяга қарши ички назорат (комплаенс) тизимини жорий этиш бўйича қўлланма.** – Тошкент: Baktria press, 2021 – 10 6.

**Давлат органлари ва ташкилотларда коррупцияга қарши ички назорат тузилмаларини жорий этишдан асосий мақсад қуидагилардан иборат:**

- 1 • ташкилот ва унинг тизимида коррупцияга қарши курашиш бўйича ISO37001:2016 халқаро стандарти талабларига жавоб берувчи комплекс тизимни жорий этиш
- 2 • коррупцияга қарши курашиш тизимини жорий этиш ва ривожлантириш  
• коррупциявий холатларни барвақт аниқлаш хамда уларнинг сабаб ва шарт-шароитларини бартараф этиш
- 3 • коррупциявий хатти-ҳаракатлар содир этилишининг олдини олиш  
• ташкилот тизими ходимларида коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш максадида уларнинг ҳукуқий онги ва маданиятини ошириш

Шунингдек, “комплаенс-назорат” тизимининг давлат органлари ва ташкилотларида самарали жорий этилиши улар фаолиятининг очиқлиги ва шаффоғлигини таъминлаш, шунингдек, жамоатчилик назоратини самарали амалга оширишга хизмат қиласди.

Шу билан биргага, давлат органлари ва ташкилотларида коррупциявий хавфнинг юқори даражаси мавжудлигини хисобга олган холда, коррупцияга қарши “комплаенс-назорат” тизимининг элементлари қуидаги хусусиятларга эга бўлади:

Элементлар	Тавсифи	Асосий таркибий қисмлар
<b>Назорат доираси</b>	Раҳбариятнинг коррупцияга қарши курашишга доир муросабати, бунда шахсий намуна кўрасата олиши.	Коррупцияга қарши муросасизлик муносабати, унинг ҳар қандай кўринишларига тоқат қилмаслик.

<b>Хавф-хатарни баҳолаш</b>	<p><b>Коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш</b> – ташкилот томонидан амалга ошириладиган функцияларни таҳлил қилиш, уларнинг коррупциявий хавф-хатарга мойиллик даражасини аниқлаш, шунингдек функциялар доирасида амалга ошириладиган тегишли тартиб-таомиллар учун ўзига хос ва қолдиқ коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш фаолияти.</p>	Қабул қилинадиган хавф даражасини белгилаш.
<b>Фаолиятни назорат қилиш</b>	Мақсадларга эришиш даражасини тушуниш ва хавф-хатарларни минималлаштиришни имконини берадиган сиёсат ва тартибларни белгилаш.	Коррупцияга қарши тартиб ва таомилларга, қоидаларига риоя этилиш ҳолатини ўрганиш.
<b>Ахборот ва коммуникация</b>	Ташкилот ичидаги ўзаро алоқалар даражаси ва маълумотлар алмашиш даражасини аниқлаш.	Бу ички назоратнинг ишлашини ва белгиланган мақсадларга эришиш имкониятини таъминлайди.
<b>Мониторинг</b>	“Комплаенс-назорат” тизимининг самарадорлигини аниқлаш.	“Комплаенс-назорат” тизимининг доимий мониторингини юритиб бориш.

## **11.2. Коррупцияга қарши “комплаенс-назорат” тизими моделлари**

Коррупцияга қарши “комплаенс-назорат” тизимини үзида жорий этган хорижий давлатлар (АҚШ, Буюк Британия, Хитой, Словения мисолида) тажрибаси ва халқаро компаниялар асосиёти асосида “комплаенс-назорат” хизматини 3 хил модель бўйича ажратиш мумкин:

“Ихтисослашган коррупцияга қарши “комплаенс-назорат” хизмати модели”да коррупцияга қарши “комплаенс-назорат” хизматининг асосий вазифаси компаниянинг фаолияти ва коррупцияга қарши курашиш сиёсатини хорижий давлатлар ва ташки бозор конунларига мувофиқ ташкил этиш хамда компания ёки ташкилотнинг халқаро доирадаги имижини оширишга қаратилган бўлади;

“Мослашган коррупцияга қарши “комплаенс-назорат” хизмати модели”да, асосан, компания ва ташкилотнинг ички тизимида коррупцияга қарши курашиш сиёсати амалга оширилади ва мунтазам равишда, фаолиятни турли коррупцияга оид хукукбузарликларнинг олдини олиш хамда хавф-хатарларни ўз вактида аниклаш каби ички профилактик чораларни татбиқ этишга қаратилган бўлади;

“Аралаш коррупцияга қарши “комплаенс-назорат” хизмати модели”нинг вазифаси компания ва ташкилотнинг миллий ва халқаро доирадаги нуфузини саклаш, коррупция холатлари содир этилишига қарши курашиш ва бу борадаги фаолиятни миллий қонунчилик хамда ўрнатилган коидаларга мувофиқ ташкил этишдан иборат.

Айтиш лозимки, мазкур моделларнинг ўзаро фарқли жихати унинг компания ёки ташкилотдаги асосий вазифаси ва жорий этиш тартиби билан боғлиқидир.

Биринчи моделда “комплаенс-назорат” хизмати компания ёки ташкилотнинг коррупцияга қарши фаолияти ва умумий сиёсати сиёсати ушбу соҳадаги халқаро тавасилар, стандартлар ва ташки бозор конунларига мувофиқ ташкил этилади хамда компания ёки ташкилотнинг айнан халқаро доирадаги имижини оширишга хизмат килади.

Бундан фарқли равишида, иккинчи, яъни мослашган моделда эса, компания ва ташкилотда мазкур тизимнинг жорий этилиши миллий қонунчилик меъёрлари ёки ўзи ишлаб чиккан ва коррупцияга қарши курашишга оид, асосан, ички коидалар билан тартибга солинади хамда жорий этишнинг минимал талаблари билан чекланади. Ушбу шаклда ички қонунчилик нормаларида кўзда тутилмаган коррупция хавфларига

---

фаолият мос келадиган күшимча профилактик коидаларни жорий этиш мумкин бўлади.

Учинчи моделда эса, компания ва ташкилотнинг хар икки жараёнда, яъни миллий ва халкаро доирадаги имижини химоя килиш, оширишга хизмат киласди, бунда нафакат миллий конунчиллик, халкаро нормалар, балки хорижий давлатларнинг ушбу соҳадаги конун хужжатларида акс этган нормаларни ўз фаолиятида жорий этиш мумкин бўлган универсал (гибрид) тизим хисобланади.

Айтиш мумкинки, мазкур модель ўзинининг тажриба самарадорлиги билан ажралиб туради ва асосан, ийрик иқтисодий салоҳиятга эга – АҚШ, Буюк Британия, Германия, Хитой каби давлатлар амалиётига тўғри келади.

Бўйинда, компания ва такшилоттизимида “комплаенс-назорат” хизматининг жорий этилиши, тартибга соладиган муносабатлари хамда вазифалари бир-биридан фарқ қиласа-да, бирор ушбу соҳадаги фаолияти жихатидан умумий характерга эга бўлади.

Жумладан, “комплаенс-назорат” хизматининг умумий, асосий вазифалари: компания ва ташкилотда коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятини такомиллаштириш, коррупцияга оид хукукбузарликларни профилактика қилиш ва уларга қарши курашиш, коррупцияга қарши курашиш тизимининг самарали ишлашини таъминлаш ва назорат қилиш хамда коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи хукукни муҳофаза қилувчи органлар билан ҳамкорликни олиб бориш хисобланади.

Бу ўринда, соҳани тартибга солишга қаратилган халкаро-хукукий хужжатларда “комплаенс-назорат” тизимини тартибга солишга қаратилган турли хил принциплари келтириб ўтилади, бирок, асосан, амалиётда куйидаги тамойилларга асосан эътибор қаратилади:

шахсий намуна (*tone at the top*) – раҳбарият томонидан коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги ташаббусларни кўллаб-кувватлаш, рағбатлантириш ва бунда жамоага шахсан намуна бўлиши;

коррупцияга нисбатан муросасизлик (*zero tolerance to corruption*) – ходимларда коррупцияга нисбатан “0 (ноль)” даражадаги муросасизлик маданиятини шакллантириш;

очиклик ва шаффоффлик (*openness and transparency*) – фаолиятда очиклик ва шаффоффликни таъминлаш;

хабар бериш сиёсати (*internal/external whistleblowing policy*) – конун бузилиши, манфаатлар тўкнашуви ва коррупцияга оид хукукбузарликлар ҳакида хабар бериш тартиби;

---

комплаенс дастури (*compliance program*) – коррупцияга қарши курашиш сиёсатини камраб олувчи жарайёнлар;

комплаенс ходим (*compliance officer*) – ташкилотда коррупцияга қарши курашиш фаолиятни самарали юритиш учун жавобгар шахс;

коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш (*compliance risk assessment*) – фаолиятни турли коррупциявий хавф-хатарлардан химоя килиш ва уларни баҳолаб боришишини мониторинг килиш;

самарадорлик ва малака ошириш (*competence and training*) – ходимларни коррупцияга қарши маданияти ва билимини мунтазам ошириб бориш максадида үқитиш;

тизимли таҳлил (*monitoring*) – коррупцияга қарши “комплаенс-назорат” хизматининг самарали фаолият юритиб боришини мунтазам равишда баҳолаб, мониторинг килиш;

контрагент (*due diligence*) – учинчи томон шахсларнинг ишончлилигини баҳолаш каби халкаро даржада умумеътироф этилган тамойиллар хисобланади<sup>85</sup>.

Коррупцияга қарши ички назорат тизимининг жорий этилиш күйидаги 4 боскичда амалга оширилади:

**1-босқич. Ташкилотнинг коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги мавжуд ҳолатини таҳлил қилиш:**

1.1. Тизимнинг коррупцияга қарши курашиш бўйича ташкилий ва функционал тузилиши, унинг фаолият йўналишларини таҳлил қилиш.

1.2. Коррупцияга қарши курашиш сиёсатини тартибга солувчи ички меъёрий хужжатлар (коррупцияга қарши сиёсати, Одоб-ахлок кодекси, манфаатлар тўқнашуви ва б.)ни таҳлил қилиш.

1.3. Коррупция хавфи юзага келиши мумкин бўлган соҳа-йўналишларини аниклаш ва баҳолаш ҳамда уларга таъсир этувчи омилларни таҳлил қилиш.

1.4. Хар бир ходимга юклатилган функционал вазифалардан келиб чиқиб, коррупциявий хавф-хатарларга мойиллик даражасини аниклаш ва уларни бартараф этишга доир ташкилий-хукукий чоралар кўриш (ходимлар фаолиятида коррупциявий хавф-хатарлар рўйхатини тузиш).

1.5. Ушбу боскични якунлаш ва натижаларини мухокама қилиш.

**2-босқич. Ташкилотнинг коррупцияга қарши курашишга оид чоратадбирлар мажмунини ва ички идоравий назорат механизмларини ишлаб чиқиш:**

<sup>85</sup> Джо Мерфи “501 Ideas for Your Compliance and Ethics Program”//“501 одна идея для вашей программы комплаенса и деловой этики”, SCCE, 2008. – С.42. [Электрон манба]. URL:<https://assets.hcca-info.org>.

---

1.1. Тизимнинг ички меъёрий ҳужжатларини коррупцияга қарши курашиш бўйича қонун ҳужжатларига мувофиқлаштириш.

1.2. Ички меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқиш (Одоб-ахлок кодекси, Коррупцияга қарши курашиш сиёсати ва дастури, Комплаенс бўйича йўриқнома, Совға сиёсати ва б.).

1.3. Ходимларни янги ички меъёрий ҳужжатлар билан таништириш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқиш.

1.4. Ходимларнинг юкори одоб-ахлок коидаларига риоя килиш мухитини шакллантириш юзасидан ташкилий чоралар белгилаш.

1.5. Ходимларни коррупцияга қарши курашишга оид ўқитиш тартибини ишлаб чиқиш.

1.6. “Юкоридан паст”га тамойили асосида қонун бузилиши ва коррупцияга оид хукукбузарликлар ҳақида хабар беришнинг аник тартибини ишлаб чиқиш.

**3-босқич. Ташкилотнинг коррупцияга қарши ички назорат тизими-ни жорий этиш тартиби:**

1.1. Коррупцияга қарши курашиш сиёсатини амалга оширувчи алоҳида штат бирликларига эга маҳсус таркибий тузилма (Коррупцияга қарши ички назорат тузилмаси)ни ташкил этиш.

1.2. Коррупцияга қарши ички назорат тузилмасининг мақоми, ваколат ва вазифалар доирасини бошқа таркибий тармоқлар билан муносабатлар доирасини ички ҳужжатлар билан аник белгилаш.

1.3. Мазкур хизматнинг ўз фаолиятини ташкил этишда тўла мустақиллигини таъминлаш ва факат биринчи раҳбарга хисобдорлигини белгилаш.

1.4. Коррупцияга қарши ички назорат тузилмасининг ўз вазифаларини амалга ошириш жараёнида зарур бўлган барча маълумотларга эга бўлиш ваколатини таъминлаш.

1.5. Ходимлар томонидан коррупцияга оид хукукбузарликлар ҳақидаги маълумотларни Коррупцияга қарши ички назорат тузилмасига мажбурий хабар бериш тартибини белгилаш.

1.6. Коррупцияга қарши ички назорат тузилмаси томонидан коррупцияга оид хукукбузарликлар аниқланганда, бундай ҳаракатни амалга оширган ёки ошираётган шахслар билан боғлиқ маълумотларни текшириш, агарда қонун бузилиш холатлари аниқланганда хукуқни муҳофаза килувчи органлар билан хамкорлик килиш тартибини белгилаш.

1.7. Коррупцияга қарши ички назорат тузилмасига аниқланган коррупция холатлари ва юзага келиши мумкин бўлган коррупциявий

---

хавф-хатарлар хакида мунтазам равишда биринчи раҳбарга ҳисбот тақдим этиш мажбуриятини белгилаш.

#### **4-босқич. Ташилотнинг коррупцияга қарши ички назорат тизими жорий этилишининг самарадорлигини баҳолаш.**

1.1. Коррупцияга карши курашиш самарадорлигини баҳолаш ва мониторингини юритишга оид методикани ишлаб чиқиши.

1.2. Коррупцияга карши ички назорат тузилмаси томонидан коррупцияга қарши курашиш тизимининг самарали амалга оширилиши юзасидан **ҳар уч ойда камидабир маротаба** биринчи раҳбарга ҳисбот тақдим этиб бориш.

1.3. Йил якунида муассаса жамоасига коррупцияга қарши курашиш фаолиятининг натижадорлиги юзасидан умумий ҳисбот тақдим этиш.

Шунингдек, коррупцияга қарши “комплаенс-назорат” тузилмасининг ихтисослашувига караб, ушбу соҳадаги вазифалари куйидагилар этиб белгиланади:

– коррупциявий хавф-хатарларни аниклаш, баҳолаб бориш ва уларнинг олдини олишга қаратилган профилактик чораларни ишлаб чиқиш йўли билан фаолиятни коррупциядан холи этишга қаратилган тизимни йўлга кўйиш;

– ташкилот ходимларининг коррупцияга қарши қонун хужжатлари ва ички одоб-ахлоқ қоидаларига мувофиқ харакат килишини назорат килиш;

– ходимларда коррупцияга қарши муросасиз муносабатни шакллантириш ҳамда хукукий билимини ошириш максадида ўкув курсларини ташкил этиш;

– фаолиятни тўлик коррупцияга қарши конунчиликка мувофиқ ташкил этиш ва идоравий ҳалолликни таъминлаш чораларини кўриш;

– ташкилот фаолиятининг очик, шаффоғ ҳамда давлат ва жамият олдидаги ҳисобдорлигини таъминлаш;

– ташкилот тизимида юзага келиши мумкин бўлган коррупциявий ҳолатларнинг олдини олиш максадида, коррупция хавф-хатари юкори бўлган соҳа-йўналишларни таҳлил килиб бориш;

– коррупцияга қарши курашишда хукукни муҳофаза қилувчи органлар ва давлат органлари билан самарали ҳамкорликни йўлга кўйиш;

– тизимда коррупцияга оид хукукбузарликларни профилактика килиш ва уларга карши курашиш;

– соҳадаги коррупцияга оид мурожаатларнинг мониторингини юритиш;

---

– тизимли равишда коррупциянинг ривожланиш тенденцияларини таҳлил қилиш;

– ташкилотда коррупцияга карши курашиш менежмент тизимишинг самарали ишлашини таъминлаш ва назорат қилиш.

Умуман, айтиш мумкинки, вазирлик ва идоралар тизимида коррупцияга қарши “комплаенс-назорат” тизимишинг самарали жорий этилиши куйидаги омилларга хизмат қиласди:

– коррупциявий хавф-хатарларни ўз вақтида аниқлаш ва чек қўйиш, уларга имкон берувчи сабаб ва шарт-шароитларни бартараф этиш ҳамда минимум даражага туширишга эришиш;

– коррупциявий хавф-хатарлар юзага келиши мумкин бўлган соҳа йўналишлар аниқланаш ва уларни бартараф этишга қаратилган профилактик чораларни белгилаш;

– ҳисобдорлик ва фаолиятнинг очиқлиги ҳамда шаффошлиги таъминланади;

– коррупцияга қарши курашишда ички идоравий назорат механизmlари кучайтирилади;

– давлат хизматчилари томонидан хизмат вазифаларини бажаришда таниш-билишчилик, қариндош-уруғчилик ва маҳаллийчилик ҳолатларига барҳам берилади;

– давлат хизматчилари томонидан касбий одоб-ахлоқ қоидаларига қатъий риоя этиш ва хизмат вазифаларини бажаришда ҳар қандай коррупциявий ҳолатлар, шу жумладан, манфаатлар тўқнашуви ҳақида хабар бериш масалалари тартибга солинади;

– давлат харидлари соҳасида харид қилиш тартиб-таомилларига қатъий риоя этилиши таъминланади;

– манфаатлар тўқнашувининг олдини олишга оид аниқ чоралар жорий этилади;

– қонун бузилиши, коррупцияга оид ҳукуқбузарликлар, одоб-ахлоқа зид бўлган хатти-ҳаракатлар юзасидан хабар бериш тартибининг аниқ механизmlари яратилади;

– коррупцияга оид ҳукуқбузарликлар ҳақида кўнгилли хабар берувчиликнинг ҳукуқ ва манфаатларининг кафолатли ҳимояси, шахсининг сир сақланиши, маълумотлар ошкор этилмаслиги таъминланади;

– давлат органлари ва ташкилотлар фаолиятини турли санкциялар ва бошқа таъсирлардан тизимли ҳимоя қилишнинг комплекс механизмини яратиш ҳамда фаолият имижини ижобий сақлаш таъминланади;

- 
- коррупцияга қарши курашиш соҳасида умумъетироф этилган халқаро стандартлар (ISO 37001 –“Коррупцияга қарши бошқарув менеджмент”, ISO 19600:2014 Compliance management systems) ва чет эл ижобий тажрибаларини жорий этиш имконияти яратилади;
  - мамлакатнинг коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги шаффоғлигини баҳолаш, инвестицион жозигандорлигини ошириш ва инвесторлар кириб келишини таъминлашга хизмат қилади.

### **11.3. Ўзбекистонда давлат ташкилотлари тизимида коррупцияга қарши ички назорат тизимининг жорий этилиши**

---

Сўнгги йилларда мамлакатимизда коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш, давлат ва жамият қурилишининг барча соҳаларида коррупциоген омилларга чек қўйишга қаратилган кенг кўламли ислоҳотлар, давлат органлари зиммасидаги вазифа ва функцияларни баҷаришда юзага келадиган коррупцияга оид хавф-хатарларни баҳолаш тизимини такомиллаштириш ҳамда давлат хизматига ҳалоллик стандартларини жорий этиш бўйича ишлар изчил амалга оширилмоқда.

Мамлакатда бюрократик тўсиқларни бартараф этиш ва “яширин иқтисодиёт”ни қисқартириш чоралари кўрилмоқда ҳамда “коррупциясиз соҳа” лойихалари амалга оширилмоқда.

Айтиш лозимки, бугунги кунда коррупцияга қарши курашиш соҳасида ижобий ютуқларга эришган ривожланган давлатларнинг бу борадаги тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, асосий эътибор коррупция кўринишларининг оқибатини эмас, балки уни келтириб чиқараётган сабаб ва шарт-шароитларини бартараф этишга қаратилган ва бу ўз самарасини бермоқда.

Коррупцияга қарши курашишда алоҳида аҳамият касб этидиган “комплаенс-назорат” тушунчаси миллий қонунчилигимиздаги бир қатор қонун хужжатларида акс этган. Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 3 январдаги “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонунида илк маротаба “коррупция”, “манфаатлар тўқнашуви”, “**коррупцияга оид хуқуқбузарлик**” каби тушунчаларга таъриф бериб ўтилган.

Шунингдек, Қонунда коррупцияга қарши “комплаенс-назорат” тизимининг мухим таркибий элементларидан бири бўлган коррупциявий хуқуқбузарликлар хақида хабар бериш тартиби келтирилган бўлиб, унда

---

илк маротаба давлат хизматчиларининг коррупция холатлари хакида хабар бериш мажбурияти белгиланди.

Унга кўра, “давлат органларининг ходимлари уларни коррупцияга оид хукуқбузарликлар содир этишга кўндириш мақсадида бирор-бир шахс ўзларига мурожаат этганлигига доир барча ҳолатлар тўғрисида, шунингдек, давлат органларининг бошка ходимлари томонидан со-дир этилган шунга ўхшаш хукуқбузарликларнинг ўзларига маълум бўлиб колган хар кандай фактлари хакида ўз раҳбарини ёхуд хукукни муҳофаза қилувчи органларни хабардор этиши шарт” (Конуннинг 26-мод-даси).


Мазкур тизим номатив жихатдан акс этган кейинги хужжат, бу – Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 майдаги “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга карши курашиш тизими-ни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5729-сон Фармони асосида тасдикланган “2019-2020 йилларда коррупци-яга қарши курашиш Давлат дастури” хисобланади. Унда илк маротаба, расман, устав жамғармасида давлат улуши бўлган ташкилотларда кор-рупцияга карши курашиш чораларини кучайтириш мақсадида, корруп-цияга карши “комплаенс-назорат” (compliance control) тизимини жорий этиш ва унинг самарадорлигини мониторинг килиш белгиланди.

Айтиш лозимки, айнан хар бир давлат органи ва ташкилоти кеси-мида ушбу тизимнинг кенг микёсда жорий этилиши ва норматив, мето-дологик хужжатлар билан тартибга солиниши, мамлакатда коррупция-нинг олдини олиш ва унга карши курашиш соҳасидаги давлат сиёсатини амалга ошириш учун масъул бўлган Ўзбекистон Республикаси Корруп-цияга карши курашиш агентлигининг ташкил этилиши билан бевосита боғлиқдир.

Шунингдек, 2020 йил 17 февралда Ўзбекистон Республикаси Вазир-лар Махкамасининг 72-Ф-сон Фармойиши қабул қилиниб, унга кўра, Ўзбекистон Республикаси Қурилиш, Олий ва ўрта маҳсус таълим, Соғлиқни саклаш вазирликлари, шунингдек, Тошкент шаҳар ва Тошкент вилоя-ти ҳокимликлари, Мирзо Улуғбек ва Бўка туманлари ҳокимликларида мазкур тизим, дастлаб, пилот лойиха сифатида жорий этилди.

---

## **Ташкилотларда коррупцияга карши ички назорат (комплаенс-назорат) тизимини жорий этишнинг устувор вазифалари:**

- 
- коррупция хавф-хатарларини ўз вақтида аниқлаш, уларга чек қўйиш, уларга имкон берувчи сабабларни бартараф этиш ҳамда уларни минимум даражага тушириш;
  - давлат органлари ва ташкилотларнинг ҳисобдорлиги ва фаолиятининг шаффоғлигини ошириш;
  - ходимлар томонидан касбий одоб-ахлоқ қоидаларига қатъий риоя этиш масалаларини тартибга солиш;
  - идоравий чора-тадбирларни амалга ошириш устидан ички назорат механизмларини кучайтириш;
  - коррупцияга қарши курашиш соҳасида умумэтироф этилган халкаро стандартлар ва чет эл ижобий тажрибасини жорий этиш ва бошкалар.

Мазкур конун хужжатларида давлат ташкилотлари тизимида жорий этилши бошланган ушбу тизим норматив жиҳатдан ўз ифодасини топган.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 29 июндаги ПФ-6013-сон Фармонига мувофиқ, Коррупцияга қарши курашиш агентлигига давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, давлат корхоналари, шу жумладан, банкларда коррупцияга қарши ички назорат тизимини (“комплаенс-назорат”) жорий этиш ва самарали фаолият кўрсатишини ташкиллаштириш вазифаси белгилаб берилган.

Шунга мувофиқ, Агентлик манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда белгиланган топшириклар ижросини таъминлаш максадида, 2020 йилда тажриба тарикасида, тизимида коррупциявий хавф-хатари юкори бўлган 26 та вазирлик ва идораларда жорий этилди.

Ўтган киска вакт давомида бир қатор вазирлик ва идораларда “комплаенс-назорат” тузилмалари фаолиятининг самарали йўлга кўйилиши мавжуд коррупциявий хавф-хатарларнинг олдини олиш йўналишида ижобий натижаларга эришишга сабаб бўлди.

---

Жумладан, Давлат солик кўмитаси хузуридаги Кадастр агентлиги тизимида ходимлар аттестациядан ўтказилиб, коррупцияга мойиллиги бўлган 28% (1476 нафар) ходимлар билан меҳнат шартномалари бекор килинган.

Давлат божхона кўмитаси тизимида манфаатлар тўкнашувининг олдини олиш хамда ходимлар томонидан ножўя хатти-харакатлар со-дир этилишига чек кўйиш максадида, 143 нафар ходим бошқа лавозимга, 29 нафар ходим бошқа худудий бошқармаларга навбатдан ташқари ротация килинган.

Соғлиқни сақлаш вазирлигига 56 млрд. сўмдан ортиқ миқдордаги молиявий хато-камчиликлар, шундан 12 млрд. сўмлик максадсиз ха-жатлар аникланган бўлиб, давлат бюджетига етказилган 9 млрд. сўмлик зарарнинг ундирилишига эришилди.

Шунга мувофик, коррупцияга карши ички назорат тузилмаларининг ташкилот тизимида коррупция ҳолатларини баравкт аниқлаш ва олдини олиш, уларнинг сабаб ва шарт-шароитларини бартараф этиш, манфаатлар тўкнашувига йўл кўймаслик хамда коррупцияга нисбатан муроса-сиз муносабатни шакллантириш чораларини амалга ошириш бўйича ижобий фаолиятини инобатга олиниб, Ўзбекистон Республикаси Прези-дентининг 2021 йил 6 июлдаги ПҚ-5177-сон Қарори билан 2021 йил 1 октябрдан бошлаб, барча давлат органлари ва ташкилотлари, шу жум-ладан, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шахар хокимлкларида коррупцияга карши ички назорат тузилмалари фаолиятини йўлга кўйиш белгиланган эди.

Шунга мувофик, 102 та давлат ташкилотларида алоҳида штат бирликлари доирасида коррупцияга карши ички назорат тузилмалари фаолияти йўлга қўйилиши таъминланди (*2022 йил март ҳолатига кўра*).

Ички назорат тузилмалари фаолиятини тартибга солувчи “Корруп-цияга қарши ички назорат тузилмалари фаолияти тўғрисида”ги наму-навий Низом ишлаб чиқилиб, 3319-ракам билан давлат рўйхатидан ўтказилди.

Ички назорат тузилмалари ходимлари учун коррупцияга қарши ички назорат тизимини жорий этиш бўйича барча халқаро ва миллий тавсияларни ўз ичига олган Коррупцияга карши ички назорат (компла-енс) тизимини жорий этиш бўйича методологик кўлланма нашр этилиб, давлат ташкилотларининг ички назорат тузилмалари ходимларига таркатилди.

**БМТ Таракқиёт дастури эксперктлари билан ҳамкорликда ISO 37001:2016 халқаро стандарт талабларига мувофиқ, ички назорат тузилмалари фаолиятини самарали ташкил этиш учун 10 та ички идора-вий ҳужжатлар намуналари ишлаб чиқилди.**

Коррупцияга қарши курашиш бўйича сиёsat

Коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш услубиёти

Манфаатлар тўқнашувини бошқариш бўйича низом

Коррупциявий хатти-ҳаракатлар тўғрисида келиб тушган хабарларни қабул қилиш ва кўриб чиқиш регламенти

Этика ва коррупцияга қарши курашиш соҳасида ўқитилишини ташкил қилиш бўйича йўриқнома

Контрагентларни текширишга оид йўриқнома

Ишга қабул қилинаётган номзодларни текшириш бўйича йўриқнома

Коррупцияга қарши тартиб-таомилларнинг самарадорлигини мониторинг ва назорат қилиш услубиёти

Коррупцияга қарши кураш тизимининг ҳолати тўғрисидаги ҳисоботни шакллантириш ва тақдим этиш бўйича низом

Коррупциявий хатти-ҳаракатлар ва одоб-аҳлоқ қоидаларини бузиш ҳолатлари устидан хизмат текширувлари ўтказиш бўйича регламент

Вазирлик ва идоралар тизимида коррупцияга қарши курашиш йўналишида амалга оширилган самарали чора-тадбирлар натижасида 2022 йил март ҳолатига кўра, 15 та давлат ташкилоти ва 1 та хусусий банк “Коррупцияга қарши курашиш менежмент тизими” бўйича ISO 37001:2016 халқаро стандарт сертификатига эга бўлди.

Маълумот учун: Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Давлат хизматлари агентлиги, Интеллектуал мулк агентлиги, Давлат активларини бошқариш агентлиги, “Ўзбекнефтегаз” АЖ, “Ўзкимёсаноат” АЖ,

---

Товар-хом ашё биржаси” АЖ, Давлат солик қўмитаси, “Ўзбекистон миллий электр тармоқлари” АЖ, “Ўзбекистон миллий электр тармоқлари” АЖ, “Ўзбекгидроэнерго” АЖ, “Асакабанк” АЖ, “Ўзсувтъминот” АЖ, Ўзбекистон Республикаси Курилиш вазирлиги хузуридаги Курилиш соҳасида назорат инспекцияси ва хусусий корхоналардан биринчилар каторида “Трастбанк” ХАТБ ўз тизимида мазкур сертификатга эга бўлди.

Шунингдек, ҳозирда 20 га яқин давлат органлари ва ташкилотлари томонидан ўз фаолиятида ушбу ҳалқаро сертификатни кўлга киритиш максадида коррупцияга карши мувофиқлик коидаларини жорий этиш ишлари олиб борилмоқда.

Ўз ўрнида айтиш лозимки, ташкилотларнинг мазкур ҳалқаро сертификатга эга бўлиши бевосита мамлакатнинг коррупцияга карши курашиш соҳасидаги шаффоғлигини баҳолаш, инвестицион жозибадорлигини ошириш ва инвесторлар кириб келишини таъминлашга хизмат килувчи омиллардан бири бўлади.

### **Назорат саволлари**

1. “Комплаенс-назорат” тизими, дастлаб, қачон ва қаерда вужудга келган?
2. “Комплаенс”, “комплаенс-назорат” (compliance control) тушунчалари кандай маънони англатади?
3. Коррупцияга карши “комплаенс-назорати” тизимининг самарали омиллари нималардан иборат?
4. Коррупцияга карши “комплаенс-назорат” тизими нима?
5. Хорижий тажрибада “комплаенс-назорат” тизимининг кандай шакллари ва моделлари мавжуд?
6. Бугунги кунда нечта давлатда “комплаенс-назорат” тизими жорий этилган ва қайси модель энг кенг тарқалган модель хисобланади?
7. Коррупцияга карши “комплаенс-назорат” хизматининг асосий вазифалари нималардан иборат?
8. Коррупцияга карши “комплаенс-назорат” тизимини тартибига солишга қаратилган кандай миллий конун хужжатлари мавжуд?
9. Давлат органлари ва ташкилотларида жорий этилган коррупцияга карши ички назорат тузилмалари фаолиятини мувофиқлаштирувчи давлат органи ва унинг ушбу соҳадаги вазифалари нималардан иборат?
10. Ушбу йўналишда ўзбек тилида чоп этилган илк методологик хужжат номи ?
11. ISO 37001:2016 “Коррупцияга карши бошқарув тизими” нима дегани ва бугунги кунга келиб, нечта давлат ташкилоти ушбу сертификатга эга?

## XII БОБ. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ СОҲАСИДА ХАЛҚАРО ШАРТНОМАЛАР

### 12.1. Коррупцияга қарши курашишда халқаро ҳамкорликнинг ҳуқуқий асослари

Бугунги кунда коррупция муаммосига жаҳоннинг деярли ҳар бир мамлакатида дуч келиш мумкин. Коррупция сўнгги йилларда халқаро миқёсда трансмиллий жиноят сифатида кенг муҳокама қилинаётган мавзулардан биридан.

Таъкидлаш лозимки, коррупция келтирадиган зарап барча давлатлар учун тенг саналиб, мазкур жиноят ҳар бир давлатнинг турли соҳаларига, хусусан сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маданий жабхаларида амалга оширилаётган ислоҳотларга ҳамда унинг халқаро майдондаги имижи ва инвестициявий жозибадорлигига салбий таъсир кўрсатади.

*Жамиятимизда коррупция иллати ўзининг турли кўринишлари билан тараққиётимизга ғов бўлмоқда. Бу ёвуз балонинг олдини олмасак, ҳақиқий ишбилармонлик ва инвестиция мухитини яратиб бўлмайди, умуман, жамиятнинг бирорта тармоғи ривожланмайди.*

*Ш. Мирзиёев*

Дарҳақиқат, дунёда ҳеч бир давлат коррупцияга қарши самарали механизмларни яратмай, унга қарши курашишнинг ҳуқуқий асосларини шакллантирмай туриб, иқтисодий тараққиётнинг юқори чўққисини забт этиши қийин. Шу боисдан, ўтган йиллар давомида халқаро ҳамжамият томонидан коррупцияга қарши курашиш борасида бир қатор халқаро шартномалар қабул қилиниб, бу борада халқаро ҳамкорликнинг ҳуқуқий асослари яратилган.

Коррупцияга қарши курашишда халқаро миқёсда қабул қилинган ва давлат хизмати сифатини кўтариш ҳамда давлат хизматчиларининг фуқаролар олдидағи маъсулиятини ошириш ва ахлоқий маданиятини ривожлантиришга қаратилган халқаро ҳужжатларга қўшилиш, уларга амал қилиш ҳар қандай давлат учун муҳим аҳамиятга эга.

Коррупцияга қарши курашишда турли давлатлар миллий қонунчилигининг умумий ёндашувини бирхилластиришда халқаро ва минтақавий ташкилотлар доирасида қабул қилинган халқаро ҳужжатлар муҳим аҳамияттаги этади.

**Халқаро шартнома** – давлатлар ёки халқаро ҳуқуқнинг бошқа субъектлари ўртасида сиёсий, иктисолий, маданий ёки бошқа соҳаларга оид ўзаро ҳуқук ва маҗбурияtlарни белгилаб берадиган келишув; халқаро ҳуқуқнинг асосий манбаи.

Халқаро шартнома икки томонлама ва кўп томонлама шартномаларга бўлинади. Кўп томонлама шартнома очиқ бўлиши (унга бошқа давлатлар қўшилиши) ва ёпиқ бўлиши (унга бошқа давлатлар халқаро шартнома иштирокчиларининг розилиги билангина қўшилиши) мумкин.

Халқаро шартноманинг номлари турлича бўлиб, улар: шартнома, битим, конвенция, пакт, декларация, меморандум, резолюция, протокол, устав ва баёнот шаклида бўлиши мумкин.

Коррупцияга қарши курашиш борасида қабул қилинган халқаро шартномаларни, шартли равишда, икки гурухга бўлиш мумкин<sup>86</sup>.

**биринчи гурух** – халқаро ташкилотлар доирасида, асосан, БМТ томонидан қабул қилинган коррупцияга қарши курашиш борасидаги универсал халқаро хужжатлар;

**иккинчи гурух** – минтақавий ташкилотлар: Европа Кенгаши, Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожлантириш ташкилоти, Мустақил Давлатлар Хамдўстлиги, Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти ва бошқа ташкилотлар доирасида қабул қилинган коррупцияга қарши курашиш борасидаги хужжатлар.

Мазкур гурухларни шартли равиша ажратишимизнинг сабаби, хали хам коррупцияга қарши курашиш борасидаги халқаро хужжатларни замон талабидан келиб чиқиб такомиллаштириш жараёнлари давом этмоқда.

Жахон ҳамжамиятининг ушбу жиноятга қарши биргаликдаги харакатларини самарали ташкил этиш, таъсирчан механизмларни жорий этиш ва иқтисодий ривожланиши йўлида бўлган давлатларнинг миллий қонунчилигини такомиллаштириш эндиликдаги муҳим вазифалардан биридир.

<sup>86</sup> Исмаилов Б.И., Насриев И.И. Коррупцияга қарши курашиш бўйича идоравий чора-тадбирларнинг самарадорлигини ошириш масалалари // Ўкув-услубий кўлланма. – Т.: Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси академияси, Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши Судьялар олий мактаби. 2020, – 5.19.

---

Давлатларо турли соҳалар бўйича халқаро ҳамкорликнинг ривожланишида БМТнинг ўрни ва унинг тизим ташкилотлари томонидан амалга ошириладиган ишлар алоҳида аҳамиятга эга. БМТ томонидан коррупцияга карши курашиш борасида қабул килинган халқаро хужжатлар бошқа халқаро, минтакавий ташкилотлар ва давлатларнинг коррупцияга карши курашиш борасидаги норма ижодкорлиги жараёнларида асосий стандарт бўлиб хизмат қилмоқда.

БМТ томонидан коррупцияга карши курашиш борасида қабул килинган универсал халқаро хужжатлар куйидагилардан иборат:

1) БМТ Бош Ассамблеясининг 34/169-сон резолюцияси билан 1979 йил 17 декабрда қабул килинган Ҳукукий тартиботни саклаш бўйича мансабдор шахсларнинг Ҳулк-атвор кодекси;

2) БМТ Иқтисодий ва Ижтимоий Кенгашининг 1986/61-сон резолюцияси билан 1989 йил 24 майда қабул қилинган Ҳукукий тартиботни саклаш бўйича мансабдор шахсларнинг Ҳулк-атвор кодексини самарали амалга оширилиши учун раҳбарий принциплар;

3) БМТ Бош Ассамблеясининг 51/59-сон резолюцияси билан 1996 йил 12 декабрда қабул қилинган Давлат мансабдор шахсларининг Халқаро ҳулк-атвор кодекси;

4) БМТ Бош Ассамблеясининг 51/191-сон резолюцияси билан 1996 йил 16 декабрда тасдиқланган “Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Халқаро тижорат операцияларида коррупция ва пораҳўрликка карши кураш тўғрисида”ги Декларация;

5) БМТ Бош Ассамблеясининг 54/109-сон резолюцияси билан 1999 йил 9 декабрда қабул қилинган “Терроризмни молиялаштиришга қарши кураш тўғрисида”ги Халқаро конвенция;

6) БМТ Бош Ассамблеясининг 55/25-сон резолюцияси билан 2000 йил 15 ноябрда қабул қилинган “Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши кураш тўғрисида”ги Конвенцияси;

7) Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Форумининг Офшорлар бўйича коммюникеси (Кайман ороллари, 2000 йил 30-31 март);

8) БМТ Бош ассамблеясининг Резолюцияси билан 2002 йил 15 апрелда қабул қилинган “Коррупцияга карши кураш чоралари. Пулни тозалашга қарши кураш чоралари. Жиноятчилик ва одил судлов: XXI аср чорловига жавоблар тўғрисида”ги Вена декларациясини амалга ошириш Ҳаракат режаси;

---

9) БМТ Биш ассамблеясынинг 58/4-сон резолюцияси билан 2003 йил 31 октябрда қабул қилинган “Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Коррупцияга қарши кураш тұғрисида”ги Конвенцияси.

Юкорида номлари көлтирилған халқаро хужжатлар БМТ томонидан қабул қилинган ушбу соҳадаги асосий хужжатлар бўлиб, уларда давлатларнинг коррупцияга қарши курашиш борасидаги ҳаракатлари учун умумий тавсиявий нормалар белгиланган.

Мазкур хужжатлар орасида “**Коррупцияга қарши кураш тұғрисида**”ги Конвенция ўзининг максади, тузилиши, коидалари ва аъзо давлатлар учун коррупцияга қарши курашиш борасидаги талаблари билан ажралиб туради. Шу боисдан, ушбу Конвенция тұғрисида кейинги саҳифаларда батағсил тұхтalamиз.

Халқаро доирада коррупцияга қарши курашиш ҳаракатларида БМТ билан бир қаторда, Европа Иттифокининг<sup>87</sup> ўрнини хам алохид таъкидлаш лозим. Коррупцияга қарши курашиш ЕИ хавфсизligини таъминлашнинг асосий йұналишларидан бири сифатида белгиланган<sup>88</sup>.

Хусусан, коррупция билан боғлиқ жиноятлар иқтисодий жиноятчилик, уюшган жиноятчилик, даромадларни ювиш, одам савдоси, курол-яроғ ва наркотиклар, терроризм билан бир қаторда, ЕИнинг иқтисодий тараккиёти ва барқарорлигига жиғдий таҳдид эканлиги хукукий хужжатларда эътироф этилган. Терроризм, уюшган жиноятчилик ва молия бозори глобализацияси шуни күрсатмокдаки, коррупция билан миллий миқёсда курашиш самараасиз ва фойдасиз. Бу ҳақиқатни тұғри аңлаган ЕИ ва унга аъзо давлатлари коррупцияга қарши курашиш борасида халқаро хукукий хужжатларнинг иккінчи гурухини шакллантиришган.

---

<sup>87</sup> Европа Иттифоқи – ұзиды халқаро ташкилот ва федератив давлат хусусияттарини мужассамлаштирган давлатлараро уюшма. Дастлаб, Европа ҳамжамияты (Умумий бозор) номи билан аталған. ЕИ тұғрисидаги шартномага 1992 йилда Маастрихт шаҳрида (Нидерландия) Европа ҳамжамиятыга аъзо бўлган 12 та давлат ва хукumat бошлиқлари имзо чеккан. Европа мамлакатларининг сиёсий ва валюта-иқтисодий иттифоқини вужудга келтириш тұғрисидаги бу шартнома 1993 йил 1 ноябрдан кучга кирган.

<sup>88</sup> Ангела Цайльхофер. Теория и практика борьбы с коррупцией в Европе. <https://mirec.mgimo.ru/2009/2009-01/korrupciya-prichiny-vozniknoveniya-veliyaniya-i-metody-borby2>

---

Европа Кенгаши<sup>89</sup> ва ЕИ фаолияти доирасида қабул килинган коррупцияга қарши курашиш борасидаги хужжатлар қуидагилардан иборат;

1) Европа Кенгашининг 1990 йил 8 ноябрда қабул килинган жиноий фаолиятдан олинган даромадларни тозалаш, аниқлаш, олиб қўйиш ва мусодара қилиш тўғрисидаги Конвенцияси;

2) Европа Иктиносидий Иттифоки томонидан 1991 йил 10 июнда қабул килинган “Молиявий тизимдан пулни тозалаш максадларида фойдаланишга ўйл қўймаслик тўғрисида”ги Директива;

3) Европа Кенгаши Вазирлар Маҳкамаси томонидан 1997 йил 6 ноябрда қабул килинган Коррупцияга карши курашнинг 20 та принципи;

4) Европа Кенгашининг 1999 йил 27 январда қабул килинган Коррупция учун жиноий жавобгарлик тўғрисидаги конвенцияси;

5) Европа Кенгашининг 1999 йил 9 сентябрда қабул килинган Коррупция учун фуқаролик-хукуқий жавобгарлик тўғрисидаги конвенцияси;

6) Европа Кенгаши Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2000 йил 11 майда қабул килинган Давлат хизматчилари учун модель хулк-атвор кодекси;

7) Пулни легаллаштиришга қарши Париж декларацияси (Европа Иттифокининг пулни тозалашга карши парламентар конференциясининг Якуний декларацияси, 2002 йил 8 февраль).

8) Европа Кенгаши Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2003 йил 8 апрелда қабул килинган Сиёсий партияларни ва сайлов кампаниясини молиялаштиришда коррупцияга карши ягона коидалар;

ЕИ доирасида қабул килинган ушбу хужжатлар Европа минтакасида коррупцияга қарши курашиш учун мустаҳкам хукукий асос бўлиб, ўтган вакт давомида ЕИга аъзо давлатлар миллый конунчилигини такомиллаштириш, унга карши аниқ самарали чора-тадбирлар ишлаб чикиш ва давлат бошқарувида коррупция билан боғлиқ жиноятларнинг кескин камайишига замин яратган.

Европа Кенгашининг коррупцияга карши сиёсатини самарали амалга оширишда **“Коррупция учун фуқаролик-хукуқий жавобгарлик**

---

<sup>89</sup> Европа Кенгаши 1949 йил 5 майда ташкил қилинган бўлиб, 47 та давлатни ўз ичига олган. У Умумий Европа масалаларини муҳокама қилиш бўйича форум ҳисобланади. Унинг устави аъзо давлатлар ўртасида иктиносидий ва ижтимоий ривожланишни қўллаб-куvvatлаш, ҳамкорликни такомиллаштириш масалаларини қамраб олган.

---

**түғрисида”ги ва “Коррупция учун жиной жавобгарлик түғрисида”ги** конвенциялар алохидა үрин тутади.

Бу Конвенция хорижий мансабдор шахсларнинг пассив порахўрлиги учун жиной таъкиб қилиш, хусусий секторда хам порахўрликка карши курашиш масалаларини ўз ичига олган.

Коррупцияга қарши курашиш масалалари **Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожлантириш ташкилотининг<sup>90</sup> (ИХРТ)** доимий эътиборида бўлганилиги сабабли ташкилот томонидан маҳсус ҳалкаро хужжат ишлаб чикилган.

ИХРТ доирасида 1997 йил 17 декабрда қабул қилиниб, 1999 йил 15 февралда кучга кучган **“Хорижий давлат мансабдор шахсларига пора беришга қарши курашиш түғрисида”**ги Конвенция ташкилотга аъзо давлатларнинг амалдаги конунчилигини такомиллаштиришни назарда тутади.

Мазкур Конвенция порахўрлик ҳалкаро савдо шартномалари, шу жумладан, савдо ва инвестициялар соҳасида жиддий муаммоларни келтириб чиқарадиган, давлат бошқаруви самарадорлигига путр етказадиган ва ҳалкаро ракобат шароитларини бузадиган иллат эканлигини хисобга олган ишлаб чикилган. Хусусан, ушбу конвенция порахўрлик, пора берувчиларни излаб топиш, порахўрлик жиноятларини миллий конунчиликда жиноят сифатида белгилаш, бундай ҳаракатларга карши курашиш каби масалаларни ифода этган. Шунингдек, Конвенция коррупция жиноятлари учун нафакат жисмоний шахслар, балки юридик шахсларни ҳам жиной жавобгарликка тортиш учун қонунчилик асосларини яратиш, мансабдор шахсларнинг порахўрлик ҳаракатлари учун чет эл давлатларининг хукук-тартибот органлари билан ҳамкорлик қилиш механизмларини яратишга чакиради.

Коррупцияга қарши курашиш түғрисидаги ҳалкаро шартномалар таҳлил этилганда, Мустакил Давлатлар Хамдўстлиги доирасида қабул килинган кўп томонлама ва икки томонлама хужжатларни ҳам кўрсатиш лозим.

---

<sup>90</sup> **Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожлантириш ташкилоти** – ҳалқаро савdonи ривожлантириш ва иқтисодий тараққиётни рафбатлантириш мақсадида 1961 йил 30 сентябрда ташкил этилган. Ҳозирда ушбу ташкилотга 37 та давлат аъзо. Ташкилотнинг бош қароргоҳи Париж шаҳрида жойлашган.

## **МДХ доирасида коррупцияга қарши кураш борасида қабул қилинган хужжатлар:**

- 1 “Жиноятчиликка қарши курашда иштирокчи-давлатларнинг ҳамкорлиги тўғрисида”ги Келишув (Москва, 1998 йил 25 ноябрь).
- 2 МДХ Парламентлараро ассамблеясининг 2003 йил 15 ноябрдаги XXII пленар йиғилишида қабул қилинган “Коррупцияга қарши сиёсатнинг қонунчиллик асослари тўғрисида”ги Намунавий қонуни.
- 3 МДХ Парламентлараро ассамблеясининг 1999 йил 3 апрелдаги XIII пленар йиғилишида қабул қилинган “Коррупцияга қарши кураш тўғрисида”ги Намунавий қонуни.
- 4 МДХ Парламентлараро ассамблеясининг 1998 йил 8 декабрдаги XII пленар йиғилишида қабул қилинган “Ғайриқонуний йўлдан олинган даромадларни легаллаштиришга қаршилик қилиш тўғрисида”ги Намунавий қонуни.
- 5 МДХ Парламентлараро ассамблеясининг 1996 йил 2 ноябрдаги карори билан қабул килинган “Уюшган жиноятчиликка қарши кураш тўғрисида”ги тавсиявий қонунчиллик акти.

Аъзо давлатлар томонидан мазкур хужжатларга риоя этилишини мониторинг қилиш, давлатларнинг миллий қонунчилигини коррупцияга қарши курашиш борасида уйғунлаштириш, бу соҳада ҳамкорликни тизимили ривожлантириш, коррупцияга қарши курашишнинг самарали воситаларидан фойдаланиш мақсадида МДХнинг **Коррупцияга қарши курашиш бўйича давлатлараро кенгаши** ташкил этилган. МДХга аъзо давлатларнинг коррупцияга қарши курашишга масъул бўлган ихтисослашган ёки ваколатли органлари раҳбарлари ушбу Кенгашнинг аъзолари хисобланади.

2003 йил 15 ноября МДХга аъзо давлатлар Парламентлараро ассамблеясининг “Коррупцияга қарши сиёсатнинг қонунчиллик асослари тўғрисида”ги модел қонуни қабул қилган. Қонун МДХ давлатлари парламентлари учун коррупцияга қарши курашиш тўғрисида қонуларни қабул қилишда намунавий нормалардан иборат тавсиявий характердаги қоидаларни қамраб олган. Мазкур Қонун 35 моддадан иборат бўлиб, коррупцияга қарши кураш, унинг олдини олишга қаратилган бир қатор илғор ва мақбул нормаларни ҳам қамраб олган.

---

Юқорида келтирилган халқаро хужжатлар коррупцияга қарши курашиш борасида қабул қилинган асосий хужжатлар бўлиб, улар ўтган давр мобайнида коррупция ва у билан боғлиқ бўлган жиноятларга қарши курашиш хамда унинг олдини олишга қаратилган мустаҳкам хукуқий базанинг яратилишига ва халқаро доирада тизимли амалиёт шаклланишига имкон берди.

Албатта, ушбу хужжатлардан ташқари, коррупцияга қарши курашиш борасида халқаро ва минтақавий доирада қабул қилинган бошқа хужжатлар хам мавжуд. Масалан, Америка давлатлари ташкилоти томонидан 1996 йил 29 марта қабул қилинган “Коррупцияга қарши кураш тўғрисида”ги Конвенция ёки Терроризмни молиялаштириш билан боғлиқ операцияларни аниқлаш бўйича молиявий ташкилотлар учун FATF тавсиялари (2002 йил)ни келтириш мумкин.

Коррупция ва у билан боғлиқ бўлган жиноятларнинг шакли, содир этилиш механизми ва кўлами кенгайиб, унинг жаҳон хамжамияти иқтисодиётига бўлган зарари ортиб бораётганлиги инобатга олиниб, бу соҳадаги халқаро хамкорликнинг хукуқий асослари такомиллашиб бориши, шубҳасиз.

Зоро, мустаҳкам хукуқий асосга эга бўлган халқаро хамкорлик билан нафақат коррупция, балки бошқа шу турдаги жиноятларга қарши самарали кураш олиб бориш мумкин.

## **12.2. Коррупцияга қарши конвенциянинг хукуқий табиити**

---

Жаҳон ҳамжамияти XXI асрнинг бошларида коррупция нафақат бир давлат худудида содир этиладиган жиноят, балки барча давлатларнинг иқтисодиётига жиддий таъсир кўрсатадиган муаммо эканлигини англаб, коррупцияга қарши универсал халқаро хужжат ишлаб чиқиши зарурияти пайдо бўлганлиги тўғрисида БМТнинг саммитларида гапира бошлади.

2003 йилнинг 9-11 декабрь кунларида Мексиканинг Мерида шахрида БМТа аъзо давлатлар ўртасида коррупцияга қарши хамкорлик масалаларига бағишлиланган ва 3 кун давом этган конференция натижасида коррупцияга қарши универсал халқаро хужжат имзоланди. Конференциянинг биринчи иш куни, яъни 9 декабрь – БМТ томонидан бутун дунёда коррупцияга қарши кураш куни деб эълон қилинган. Ушбу Конвенциянинг қабул қилиниши ва 2005 йил 14 декабря кучга кириши жаҳон ҳамжамиятининг коррупцияга қарши курашдаги хамкорлигини янги поғонага кўтарди.

---

**БМТнинг Коррупцияга карши конвенцияси мукаддима, 8 та боб ва  
71 та моддадан иборат бўлиб,**

- 1-бобда (1-4): умумий коидалар,
- 2-бобда (5-14): коррупциянинг олдини олиш чоралари,
- 3-бобда (15-42): жиноятчилик ва хукукни муҳофаза килиш фаолияти,
- 4-бобда (43-50): ҳалқаро ҳамкорлик,
- 5-бобда (51-59): активларни қайтариш бўйича чоралар,
- 6-бобда (60-62): техник ёрдам ва маълумот алмашинуви,
- 7-бобда (63-64): амалга ошириш механизmlари,
- 8-бобда (65-71): якуний коидалар акс этган.

БМТнинг Коррупцияга қарши конвенциясини коррупцияга қарши курашга қаратилган ҳалқаро хукукнинг универсал кодификациялашган хужжати сифатида баҳолаш мумкин. Мазкур Конвенциянинг максадлари сифатида куйидагилар курсатилган:

**a)** янада самарали ва таъсирчан равишда коррупциянинг олдини олиш ва унга карши курашишга қаратилган чора-тадбирларни қабул килиш ҳамда мустахкамлашга кўмаклашиш;

**b)** коррупциянинг олдини олиш ва унга карши курашишда, шу жумладан, активларни қайтариш борасида ҳалқаро ҳамкорлик ҳамда техник ёрдам кўрсатилишини рағбатлантириш, осонлаштириш ва кўллаб-куватлаш;

**c)** ҳалоллик ва содиклик, масъулиятлилик ҳамда оммавий ишлар ва оммавий мол-мulkни талаб даражасида бошқариши рағбатлантириш.

Конвенцияда коррупциянинг ривожланиши унга қарши самарали механизmlарни ишлаб чиқмаслик дунёда ўюшган жиноятчилик, терро-ризм ва жамият учун хавфли бўлган бошқа салбий омилларга қарши курашга улкан тўсиқ бўлиши мумкинлигига алоҳида урғу берилган.

Ушбу Конвенция коррупция, пораҳўрлик ва уларнинг бошқарув тизимига ва хукумат тузилмаларига зарарли таъсирига қарши ягона универсал ва конуний мажбурий бўлган жавобdir ҳамда ушбу муаммони ҳал этишга комплекс ёндашиш режасини ўзида акс эттирган. Конвенцияга қабул килинишидан олдин давлатларнинг саъй-харакатлари факат пораҳўрлик ва коррупцияни жиноят сифатида белгилашга ҳамда унга нисбатан жиноий жазолар белгилашга қаратилган бўлса, БМТнинг бу Конвенцияси коррупцияга комплекс ёндашади ва бешта асосий чора-тадбирларга эътибор қаратган.

Конвенциянинг I бобида умумий коидалар, максадлар, асосий тушунчалар, конвенциядаги нормаларнинг фойдаланиш доиралари ва суверенитетни химоя қилиш масалалари ёритилган.

---

Ушбу Конвенцияга кўра, хеч нарса иштирокчи давлатларга бошка давлатлар худудида ушбу давлатларнинг ички қонунчилигига мувофиқ факат шу давлатлар органларининг ваколатига кирадиган юрисдикция ва функцияларни амалга ошириш хукуқини бермайди.

Конвенцияда кўриб чикилган кенг қўламли масалаларни хисобга олган холда, иштирокчи давлатлар томонидан коррупция ва хукукни кўллашнинг олдини олиш бўйича иккала чора-тадбирларни амалга ошириш учун мавжуд конунчилик, маъмурий ва институционал базани қайта кўриб чикиш мажбурий хисобланади. Шунингдек, Конвенциянинг максадларини бажариш учун иштирокчи давлатлардан қарши курашиб ишларини самарали амалга оширилишини таъминлаш учун техник ва халкаро ёрдамдан фойдаланиш мумкинлиги кўрсатилган.

Конвенциянинг II бобида коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашдаги сиёsat ва амалиёт масалаларида давлатларнинг ёндашуви, коррупция вужудга келиши мумкин бўлган соҳаларда давлат кўриши лозим бўлган чоралар, бунда давлат органларининг вазифалари ва улар фаолиятининг ташкил этилиши тўғрисидаги нормалар мавжуд.

Бундан ташқари, ушбу Конвенцияда коррупция билан боғлиқ халкаро назария ва амалиётдаги мавжуд таянч тушунчалар, конвенциянинг кўлланиш соҳаси, қайси муносабатларга нисбатан татбиқ этилиши, суверенитет ҳимояси, коррупциянинг олдини олиш бўйича чоралар ва бу борада органларнинг фаолияти, криминализация ва хукукни мухофаза килувчи органлар хамкорлиги, оммавий мансабдор шахсларнинг сотиб олиниши ва уларга нисбатан жавобгарлик, жиноий процессуал жараёнларда иштирокчиларнинг хукукларини ҳимоя килиш, етказилган зарарни коплаш, миллий органлар ўртасида коррупцияга қарши курашибда хамкорлиги, банк сири, коррупцияга қарши курашда хорижий давлат органлари билан хамкорлик қилиш шакллари ва тартиби, активларни қайтаиш бўйича чоралар, маълумот алмашиб ва техник ёрдам кўрсатиш, коррупцияга қарши курашда БМТнинг вазифалари каби масалалар тартибга солинган.

Конвенциянинг VII бобида унда белгиланган максадларга эришиш учун иштирокчи давлатлар имкониятларини ва улар ўртасидаги хамкорликни кенгайтириш максадида Конвенцияда иштирок этадиган давлатларнинг Конференциясини таъсис этиш белгиланган. Ушбу Конвенциянинг бажарилишини назорат килувчи орган сифатида иштирокчи-давлатлар Конференциясининг котибияти ва унинг ёрдамчи органлари сифатида ишлайди. Хозирги вактда Конвенцияни кўриб чикиш

---

механизми коррупцияга карши кураш соҳасида техник ёрдамни тақдим этиш ва баҳолашда ўзаро ҳамкорликнинг асосий воситаси хисобланади. Ёрдам тўғридан-тўғри механизм томонидан ёки коррупцияга қарши курашда иштирок этадиган бошқа ҳалкаро ташкилотлар билан ҳамкорликда, масалан, Жаҳон банки ёки БМТнинг Тараккиёт дастури ёрдамида амалга оширилади.

Ҳар бир иштирокчи давлат, қонунчилигининг энг муҳим тамойилларига мувофиқ, БМТнинг Конвенциясига асосан, ўзининг мажбуриятларини амалга оширилишини таъминлаш учун зарур бўлган чораларни, жумладан, қонуний ва маъмурий чораларни кўради. Шунингдек, улар коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш учун БМТ Конвенциясида кўзда тутилган чораларга қараганда, янада қатъий ва каттиқ бўлган чораларни кўриши мумкин.

### **12.3. БМТнинг Коррупцияга қарши конвенцияси**

---

Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши кураш давлат сиёсати даражасига кўтарилиб, давлат органлари фаолиятининг устувор вазифаларидан бири хисобланади. 2008 йил 7 июль куни Ўзбекистон Республикаси БМТнинг Коррупцияга қарши конвенциясига кўшилиши билан коррупция билан боғлиқ жиноятларнинг олдини олиш, унга қарши кураш бўйича ҳалкаро мажбуриятларни қабул килди.<sup>91</sup>

Ўзбекистон Республикаси мазкур конвенцияга куйидаги билдиришлар, баёнотлар ва шартлар билан кўшилган. **Хусусан:**

1. Конвенциянинг 6-моддаси 3-банди бўйича Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги, Бош прокуратураси, Ички ишлар вазирлиги, Давлат хавфсизлик хизмати ва Адлия вазирлиги – коррупциянинг олдини олиш бўйича аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва уларни амалга оширишда бошқа иштирокчи-давлатларга ёрдам кўрсатиши мумкин бўлган органлар сифатида белгиланган.

Конвенциянинг 6-моддаси 3-бандида ҳар бир иштирокчи давлат БМТнинг Бош котибига коррупциянинг олдини олиш бўйича аниқ чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишда бошқа иштирокчи

---

<sup>91</sup> Ўзбекистон Республикасининг “Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Коррупцияга қарши конвенциясига (Нью-Йорк, 2003 йил 31 октябрь) Ўзбекистон Республикасининг кўшилиши тўғрисида”ти ЎРҚ-158-сон қонуни Қонунчилик палатаси томонидан 2008 йил 24 июняда қабул қилинган, Сенат томонидан 2008 йил 27 июняда маъкулланган.

---

давлатларга ёрдам бериши мумкин бўлган орган ёки органларнинг номи ва манзилини хабар қилиши белгиланган. Ўзбекистон Республикаси ушбу Конвенцияга кўшилган вактида республикада коррупциянинг олдини олиш ва унга карши курашиб соҳасида давлат сиёсатини шакллантириш ва амалга оширишин таъминлаш, шунингдек, мазкур соҳадаги халқаро ҳамкорлик учун маъсул бўлган маҳсус ваколатли давлат органи мавжуд эмас эди.

**2.** Конвенциянинг 42-моддаси 1 ва 3-бандлари, 15-19, 21, 22-моддалари, 23-модданинг 1-банди, 24, 25 ва 27-моддаларда назарда тутилган қилмишлар миллий конунчиликка мувофиқ жиноий жазоланадиган қилмишлар сифатида белгиланиб, уларга нисбатан Ўзбекистон Республикасининг юрисдикцияси татбиқ этилиши кўрсатилган.

Конвенциянинг **15-моддаси** “Миллий оммавий мансабдор шахсларга пора бериш”, **16-моддаси** “Хорижий оммавий мансабдор шахсларга ва оммавий халқаро ташкилотларнинг мансабдор шахсларига пора бериш”, **17-моддаси** “Оммавий мансабдор шахс томонидан мол-мулк талон-торож килиниши, ноконуний ўзлаштирилиши ёки кўзда тутилмаган мақсадларда ишлатилиши”, **18-моддаси** “Фаразли мақсадларда мавкеидан фойдаланиш”, **19-моддаси** “Хизмат лавозимининг суистеъмол килиниши”, **21-моддаси** “Хусусий секторда пора бериш”, **22-моддаси** “Хусусий секторда мулкнинг ўғирланиши”, **23-модданинг 1-банди** “Жиноий йўл билан топилган даромадларни легаллаштириш”, **24-моддаси** “Жиноятни яшириш”, **25-моддаси** “Одил судловнинг амалга оширилишига тўскинлик қилиш” ва **27-моддаси** “Иштирок ва сукласд” каби жиноятлар учун жиноий жавобгарлик масаласи Ўзбекистон Республикасининг юрисдикциясига тегишли.

Конуннинг 3-бандига кўра, Ўзбекистон Республикаси Конвенциянинг 44-моддаси 6-бандининг “а” кичик бандига мувофиқ, ушбу Конвенциядан коррупция жиноятлари содир этган шахсларни тутиб топшириш масалаларида ушбу Конвенциянинг бошқа иштирокчи-давлатлари билан **Ўзаролик асосида ҳамкорлик қилиш учун хукуқий асос** сифатида фойдаланишилигини билдирган.

Шунингдек, Конуннинг 4-бандида, Ўзбекистон Республикаси Конвенциянинг 46-моддаси 13-банди бўйича: Ўзбекистон Республикасининг Бош прокуратураси ўзаро хукуқий ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги илтимосларни олиш ва бажариш ёки бундай илтимосларни бажариш учун Ўзбекистон Республикасининг бошқа ваколатли органларига юборишга жавобгар бўлган марказий орган эканлиги, 14-банди бўйича: “Ўзаро хукуқий ёрдам тўғрисидаги илтимосларни юборишда ўзбек, рус ва ин-

---

глизтиллари макбул тиллар сифатида белгиланишлиги" кўрсатилган. БМТ Конвенциясининг 66-моддаси 2-банди қоидаларига кўра, Ўзбекистон Республикасининг бу позицияси тегишили асосга эга эканлигига амин бўламиз. Яъни ушбу бандда икки ёки ундан ортик иштирокчи давлатларнинг Конвенцияни шарҳлаш ёки қўллаш билан боғлиқ ҳар қандай келишмовчилиги мунозаралар олиб бориш йўли ёки арбитраж йўли билан ҳал этилиши, келишмовчиликлар бу йўсинда ўз ечимини топмаган тақдирда, давлатлардан бирининг Халкаро Судга мурожаат этиши оркали бир карорга келиши мумкинлиги белгиланган.

Бир неча халкаро хужжатлар замирида юзага келган ва унинг стандартларига жавоб бера оладиган Конвенциянинг моддалари юзасидан бундай келишмовчиликларнинг юзага келиши эҳтимолдан узок ва хар бир мамлакат Конвенция талабларини унга кўшилиши олдидан кўп мартараб ўрганиб чиккан ва мазмун ҳамда талабларидан тўла хабардор бўлган бўлади.

Ўзбекистон Республикаси ўзини ушбу қоида билан боғлиқ эмас, деб хисоблашининг ҳам хукукий асоси мавжуд. Сабаби, Конвенциянинг айнан шу моддаси 3-бандида ҳар қандай иштирокчи давлат унинг 2-бандини ўзига тааллукли ёки аксинчалиги ҳакида билдиришни баён этиш хукукига эга эканлиги хукукий мустахкамланган.

Ўзбекистон Республикасининг Коррупцияга карши конвенцияга кўшилиши республикада коррупцияга карши курашишда амалга оширилаётган тизимли ислоҳотлар учун хукуқ асос бўлди.

Ўтган йиллар давомида Конвенцияда белгиланган нормаларнинг амалда ўз ифодасини топиши учун коррупцияга карши курашиш бўйича алоҳида қонун қабул килинганлиги, давлат ва жамиятнинг барча жабхаларида бу иллатга карши муросасиз муносабатни шакллантириш максадида давлат дастурлари ишлаб чиқилганлиги, коррупцияга карши курашиш бўйича маҳсус ваколатли давлат органи ташкил этилгани ва коррупция билан боғлиқ жиноий жавобгарлик масалаларининг такомиллаштирилгани Ўзбекистон Республикаси Конвенциянинг аъзоси сифатида олган мажбуриятларини амалга ошириб келаётганидан далолат беради.

Шунингдек, коррупция билан боғлиқ жиноятларнинг шакли ўзгариб бораётганлигини инобатга олсақ, ушбу иллатнинг олдини олишда самарали профилактика чораларини кўриш, унга карши кенг қўламли халкаро ҳамкорликни йўлга қўйиш ва хорижий мамлакатларнинг илфор тажрибасини ўрганиш, унга танқидий ёндашган холда миллий конунчиликни такомиллаштириб боришини тақозо қиласи.

## **12.4. Коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар натижасида олинган активларни халқаро шартномаларига мувофиқ қайтариш масалалари**

Дунёда жиноий йўл билан билан топилган мол-мулкни легаллаштиришга қарши курашиш, коррупцион жиноятларнинг олдини олиш ва глобал хавфсизлик масалалари билан бирга, иқтисодий барқарорликни таъминлаш, шунингдек коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар натижасида топилган активлар<sup>92</sup>ни қайтаришнинг универсал механизмларини ишлаб чиқиш қатор халқаро ташкилотлар ҳамда давлатлар олдида турган мухим масала ҳисобланади.

Халқаро тажрибада активларни жиноий йўли билан орттиришнинг ўғрилик ёки ноқонуний ўзлаштириш, талон-торож, фирибгарлик, алдаш, адаштириш, пора бериш, мансаб ваколатидан ғаразгўйлик мақсадларида фойдаланиш, маҳаллий давлат хизматчиларини пора эвазига оғдириш, халқаро давлатлар ёки халқаро ташкилотлар хизматчиларини пора эвазига оғдириб олиш, хизмат мавқеидан шахсий манфаатларда фойдаланиш, жиноий даромадларни легаллаштириш, яшириш, эгаллаш, эгалик килиш ёки улардан фойдаланиш, давлат харидлари коидаларини бузиш каби усуслари мавжуд<sup>93</sup>.

Жиноий йўл билан топилган ноконуний, шу жумладан, коррупцион механизмлар ёрдамида олинган маблағлар ва активларни қайтариш БМТнинг Коррупцияга карши конвенциясининг асосий принципи сифатида тан олинган<sup>94</sup>.

<sup>92</sup> Активлар – банк ҳисобварақларидаги пул маблағлари, қимматбаҳо қофозлар, кўчмас мулк, транспорт воситалари, санъат буюмлари, қимматбаҳо металлар ҳам бўлиши мумкин. Барча активлар учта асосий шаклга эга: 1) моддий; 2) номоддий; 3) молиявий активлар.

**Моддий активлар** бу шахснинг мулки ускуналар, ёқилғи, мебель, бинолар, асборлар аниқ хусусиятларга эга бўлган ташкилот мулки обьектлари, бинолар, автомобиллар, товарлар, хом ашё ва маҳсулотлар.

**Номоддий активлар** мавхум, бироқ маълум қийматга эга. Масалан: патентлар, савдо маркалари, интеллектуал мулк ҳуқуқлари, ер қаъридан фойдаланиш ҳуқуқи, лицензиялар ва рухсатномалар, формуласлар, дастурий маҳсулотлар, технологиялар ва бошқа шунга ўхшаш товар-моддий бойликлар.

**Молиявий активларга** молия ташкилотларидаги депозитлардаги ссудалар, бошқа ташкилотларнинг акциялари ва облигациялари каби пул маблағлари ва уларнинг эквивалентлари киради.

<sup>93</sup> Жан-Пьер Брюн Ларисса Грей Кевин Стивенсон Клав Скотт “Руководство по возврату активов для специалистов- практиков” 2012, С-78.

<sup>94</sup> Теодор Гринберг, Линда Сэмюэль, Вингейт Грант, Ларисса Грей. Возврат похищенных активов: Руководство по конфискации активов вне уголовного производства. – Москва: Альпина Паблишерз, 2010, С-193.

## Активларни қайтариш қуидаги жараёнларни ўз ичига олади

Ахборот ва далилларни түпласш

Халқаро ҳамкорлик

Қарорларни ижро этиш

Активларни қайтариш

Суд муҳокамаси

БМТнинг Коррупцияга қарши конвенцияси ноқонуний ўзлаштирилган давлат маблағларининг Конвенцияга аъзо давлатларга қайтарилишини таъминлайдиган қонунларни қабул қилишни тавсия қилади.

Жиноий йўл билан топилган активларни қайтариш ушбу БМТ Конвенциясининг асосий принципидир. Коррупцияга қарши конвенцияга мувофиқ активларни қайтаришнинг қуидаги механизмлари мавжуд:

1. мансабдор шахслар ва уларнинг оила аъзоларининг банк хисобварақлари билан боғлиқ шубҳали операциялар устидан молиявий ташкилотларни назорат қилиш чоралари (52-модда);

2. иштирокчи-давлат бошқа иштирокчи-давлатнинг судига хусусий шахс сифатида иштирок этиши учун зарур бўлган процедуралар (53-модда);

3. бир давлатнинг бошқа давлат суди томонидан чиқарилган мусодара қилиш буйруғини тан олишга ва ижро этишга имкон берадиган ички қонун мавжудлиги, кейинчалик тергов харакатларини ўтказиш ва натижада бошқа давлатда коррупцион механизмлар орқали сотиб олинган мол-мулк музлатилиши ва мусодара қилиниши (54-модда);

4. жиноятчининг ўлими, қочиб кетиши ёки яшириниши натижасида жиноий таъқибдан ташқари мол-мулкни мусодара қилишга рухсат берадиган бошқа чоралар (55-модда);

5. Конвенция активларни қайтаришда иштирокчи давлатларнинг ўзаролик тамойилларига риоя қилинишини қўллаб-қувватлаш.

Давлат активларини ўзлаштириш муаммосини ҳал қилиш мақсадида Жаҳон банки, БМТнинг Гиёхванд моддалар ва жиноятчилик бўйича Башқармаси билан биргаликда, 2007 йил сентябрь ойида ўзлаштирилган мулкларни қайтариш (**StAR Ташаббуси**) дастурини бошлади.

**StAR Ташаббуси** маълумотларига кўра, ўзлаштирилган давлат активларини қайтариш жаҳон мамлакатлари учун жуда жиддий муаммо

хисобланиб, ҳар йили давлатлар **1 триллиондан 1,6 триллион** долларгача маблағ йўқотадилар. Ривожланаётган мамлакатларда ҳар йили **40 миллиард доллар** пул маблағлари чет элдаги банклар ҳисоб рақамларига ўтказилиб, ноконуний ўзлаштирилади, бу кўрсаткич эса, **240 миллион** одам яшайдиган дунёдаги энг камбағал **12** та мамлакатнинг йиллик ялпиички маҳсулотига teng ва уларнинг аниқ қийматини аниқлаш имконияти мавжуд эмас<sup>95</sup>.

**StAR Ташаббуси** коррупцияга оид хукукбузарликлар натижасида олинган даромадлар ва топилган активларни легаллаштиришининг олдини олиш ва ўғирланган пулларни мунтазам ва ўз вақтида қайтарилишини таъминлаш учун ривожланаётган давлатлар ва молиявий марказлар билан ишлайди.

**StAR Ташаббуси** куйидаги вазифаларни амалга оширишда ёрдам беради:

а) ноконуний ўзлаштирилган мол-мулкни қайтаришда маълумотлар тўплаш ва тарқатиш, шунингдек, ушбу тартибни амалга оширишга қўмаклашиш чораларини кўриш;

б) активларни қайтариб беришнинг ички механизмларини, масалан, мулкни мусодара қилишнинг самарали тартибини, юридик ёрдам учун халқаро сўровга жавоб бериш тартибини ёки бундай сўровни бериш жараёнини яратиш;

в) миллий хокимият органларининг талабига биноан қайтарилган активлардан фойдаланишини кузатиш.

Жиноий таъкибсиз активларни қайтариш, коррупция механизмлари натижасида ўзлаштирилган ёки сотиб олинган ва хорижий давлатлар худудида яширган мол-мулкни ёки жиноят натижасида ўзлаштирилган даромадлар ва мол-мулкни тортиб олиш воситаси хисобланиб, жиноятчининг ўлими, унинг одил судловдан яширганлиги ёки жиноий дахлсизликка эга бўлганлиги сабабли жиноий жавобгарликка тортилиши мумкин бўлмаган ҳолларда ва вазиятларда кўлланилади.

2007 йилда ташкил этилган ушбу ташаббус коррупционерлар томонидан бошка юрисдикцияларга берилган ноконуний сотиб олинган активларни қайтаришда давлатлар дуч келган кийинчиликларга жавоб бўлди. Ўғирланган активларни ўғирлаб олган давлатларда, кўпинча,

<sup>95</sup> UNODC and The World Bank, "Stolen Asset Recovery (StAR) Initiative: Challenges, Opportunities, and Action Plan" (World Bank, Washington, DC, 2007), p. 10, citing Raymond Baker, Capitalism's Achilles Heel: Dirty Money and How to Renew the Free-Market System (Hoboken, NJ: John Wiley & Sons, Inc., 2005).

ўғирланган активларни хорижий юрисдикциядан муваффакиятли топиш, хибсга олиш, мусодара қилиш ва қайтариш учун зарур бўлган конунлар, ҳамкорлик механизмлари ёки техник билимлар бўлмаган. Активларни муваффакиятли қайтариш учун келишилган саъй-харакатлар талаб килинди. Бу **StAR Ташаббусининг** яратилишига олиб келди. У тўртта асосий принципга асосланади:

1.	<b>Имкониятлар:</b> <b>StAR Ташаббуси</b>	Давлатларга коррупция даромадларини қайтариш учун зарур бўлган хукукий ва меъёрий базани, институтлар ва амалиётни яратища ёрдам беради. Маълумот алмашиб, материаллари ва амалий машғулотлар орқали давлатларга активларни кузатиш ва халқаро ҳамкорлик усуслари каби аниқ кўнгилмаларни эгаллашга ёрдам беради. Шунингдек, сўралаётган ва сўралган давлатлар ўртасида алоқалар ўрнатиш орқали давлатларни кўплаб-кувватлади
2.	<b>Ҳамкорлик:</b> <b>StAR Ташаббуси</b>	Хукуматлар, бошқарув органлари, донор ташкилотлар, молиявий институтларни бирлаштириш йўналиши бўйича ишлайди
3.	<b>Инновация:</b> <b>StAR Ташаббуси</b>	Коррупциядан тушган маблағларни қайтариш соҳасида илгор халқаро тажрибани аниқлаш ва оммалаштиришга йўналтирилган ахборот ва техник материалларни ишлаб чиқади
4.	<b>Халқаро стандартлар</b>	<b>StAR Ташаббуси</b> коррупциядан тушган маблағларни аниқлаш, музлатиш ва қайтариш учун БМТ Конвенциясининг 5-бобини ва бошка халқаро стандартларни кучайтириш ва самарали амалга ошириш тарафдорлари.

**StAR Ташаббуси** БМТнинг Коррупцияга қарши конвенциясига аъзо давлатлар конференцияси ва унинг активларини қайтариб бериш бўйича ишчи гурухи ва бошка халқаро институтлар билан биргаликда глобал жамоавий харакатни кўплаб-кувватлади ва давлатларни келишилган стандартларни бажаришга чорлади.

**StAR Ташаббуси** кўплаб воситаларни, шу жумладан, коррупция холатлари бўйича қидириб топиладиган маълумотлар базасини,

---

амалиётни тиклаш бўйича кўлланма ва амалиётчилар учун бошка нашрларни яратди.

МДХ доирасида имзоланган Минск Конвенцияси (1993 йил 22 январь) иштирокчи давлатлар ўртасидаги фукаролик, оиласвий ва жинонин ишлар бўйича хукукий ёрдам ва хукукий муносабатларни тартибига солади.

Мазкур Конвенция талабларига мувофик фукаролик, оиласвий ва жинонин ишлар бўйича хукукий ёрдам кўрсатишда Томонларнинг Адлия вазирлиги бевосита Марказий орган сифатида белгиланган.

Ўзаро халқаро хукукий ёрдам тўғрисидаги сўровларни амалга оширишда ишнинг дастлабки терговидан бошлаб, суд карори ижроси таъминлангунга кадар бўлган босқичда хар бир шартномада белгиланган тартибида мувофик давлатлар ўртасида ўзаро хукукий ёрдам тўғрисидаги сўров ҳамда топшириқларнинг ва ҳужжатлар айланмасининг Марказий орган, яъни Баш прокуратура ёки Адлия вазирлиги оркали кўрсатилганлиги зарур ва иш учун аҳамиятли маълумотларни олишда ортиқча вакт сарфланишига, мол-мулклар бегоналаштирилиши ёки унга зарар етказилишига сабаб бўлади.

Фукаролик, оиласвий ва жинонин ишлар бўйича хукукий ёрдам ва хукукий муносабатлар тўғрисидаги Кишинев Конвенцияси ҳам (2002 йил 7 октябрь) Минск Конвенциясининг мантикий давоми хисобланиб, унда ҳам фукаролик, оиласвий ва жинонин ишлар бўйича хукукий ёрдам кўрсатишда бевосита Марказий орган сифатида Адлия вазирлиги белгиланган.

Кишинев Конвенциясининг учинчи бўлими суд карорларини тан олиш ва ижрога қаратишга бағишиланган бўлиб, 54-моддасида, Минск Конвенциясидан фарқли равишда, хар бир Ахдлашувчи томонлар ушбу Конвенция талаблари асосида ўз худудида куйидаги суд карорларини:

- жиноят ишлари бўйича судларнинг зарарни коплаш, жаримани ундириш ва мусодара ҳақидаги хукмларини (карорларини);

- даъвони таъминлаш максадида судларнинг мол-мулкни хатлаш, шунингдек, банк ҳисоб рақамлардаги пул маблағларига банд солиш ҳақидаги карорларини ижро этиш учун тан олади ва ижрога қаратади. Суд карорларини тан олиш ва ижрога қаратиш сўраклаётган Ахдлашувчи томоннинг конунчилигига мувофик амалга оширилади. Шунингдек, Конвенцияда судларнинг жарима ундириш, мол-мулкни ва жинонин фаолиятдан олинган даромадларни мусодара қилиш тартиби ҳам алохида белгиланган бўлиб, унга мувофик сўраклаётган Ахдлашувчи

---

томоннинг жарима ундириш, мол-мulkни мусодара килиш, ноконуний йўл билан жиноий фаолиятдан олинган даромадларни, ашёларни ва мол-мulkларни давлат даромадига ўtkазиш хакидаги суд карорлари Конвенция талаблари асосида тан олиниши ва ижрога каратилиши белгиланган.

Бунда ундирилган жиноий жарималар сўralaётган Аҳдлашувчи томонга берилиши, бироқ факат сўralaётган Аҳдлашувчи томон мусодара (конфискация) хакидаги карорларни кайта кўриб чиқишига хакли эканлиги, мусодара процедураси сўralaётган Аҳдлашувчи томоннинг конунчилиги асосида амалга оширилиши, мусодара килинган мулк ёки унга эквивалент бўлган бошка мулк сўralaётган Томонга тўлик ёки кисман кайтарилиши мумкинлиги кўrsatилган.

Шунингдек, ҳар кандай ҳолатда ҳам қарорни тан олиш ва ижро этиш жараёнида ушбу Конвенцияга мувофиқ, Аҳдлашувчи томонлар ўзаро мол-мulkни бўлиб олиш тўғрисида келишиб олишлари тўғрисидаги қоида мустаҳкамланган.

Жиноий ишлар бўйича ўзаро хукукий ёрдам тўғрисидаги Абу Даби шартномаси (2014 йил 11 ноябрь) 3-моддаси хукукий ёрдам кўламини белгилайди, унга мувофиқ томонлар ушбу Шартнома коидаларига кўра, жиноят ишлари юзасидан тергов қилиш, жиноий таъкиб қилиш ва ишни судда кўришда бир-бирларига ўзаро хукукий ёрдам кўrsatадилар.

Хукукий ёрдам куйидагиларни ўз ичига олади:

- а) сўralaётган Томон қонунчилиигига мувофиқ шахслардан кўrsatuv ёки аризалар олиш, шу жумладан, видеоконференция ёки телевизион алоқалар орқали;
- б) хужжатлар, ёзувлар ва далилларни тақдим этиш;
- с) хужжатларни топшириш;
- д) қамоқда сакланаётган шахсни кўrsatuv бериш учун вактинча ўtkазиш;
- е) тинтуб ўtkazish ва хатлаш тўғрисидаги сўровларни бажариш;
- ф) жиноий фаолиятдан олинган даромадлар, жиноят предмети ва куролларини мусодара қилиш;
- г) мазкур Шартномадоирасида сўralaётган томоннинг конунчилиигига зид бўлмаган ҳамкорликнинг бошка шаклларини ҳам ўз ичига олади.

Агар томонлардан бирига бошка томон худудида жойлашган ва мусодара килиниши мумкин бўлган ёки мазкур томоннинг конунчилиигига мувофиқ бошқача тарзда хатланиши мумкин бўлган жиноий даромадлар, жиноят предметлари ва куроллари маълум бўлса, у бу ҳакда бошка

---

томонни хабардор килиши мумкин. Агар мазкур бошқа томон бунга нисбатан юрисдикцияга эга бўлса, у олинган маълумотни карор қабул килиш учун ўзининг ваколатли органларига тақдим этиши мумкин ва бу органлар қонунчиликка асосан карор қабул килиб, кўрилган чоралар тўғрисида бошқа томонни хабардор қилиши лозим.

Ҳар бир томон бошқа томонга жиноят даромадлар, жиноят предметлари ва қуролларини мусодара килиш, жабрланувчиларга жиноят оқибатида етказилган заарни коплаш ва товон ундиришда ўз қонунчилиги йўл қўядиган даражада ёрдам беради.

Жиноят даромадлар, жиноят предметлари ва қуролларини саклаётган томон ўз қонунчилигига мувофиқ уларни тасарруф этади. Томонлардан ҳар бири мазкур мулкнинг ҳаммасини ёки бир қисмини ёхуд уни сотишдан олинган фойдани бошқа томонга ўз қонунчилиги рухсат берган даражада ва мазкур томон лозим деб топган шартларда топшириши мумкин.

Агар сўралаётган томон сўраётган томондан талон-торож қилинган давлат мулки бўлган активларни хатласа ёки мусодара килса, сўралаётган томон хатланган ёки мусодара қилинган активларни уларнинг легаллаштирилгани ёки легаллаштирилмаганидан қатъи назар, асосли харатларни чиқариб ташлаган холда сўраётган томонга қайтариб беради.

Қайтариб бериш сўраётган томонда якуний карор чиқарилгандан сўнг амалга оширилади.

Агар бир томон ихтиёрида давлат активи хисобланмаган, мусодара қилинган мулк бўлса ва мазкур томон (сакловчи томон) бошқа томонни (ҳамкорлик килувчи томон) бунга ҳамкорлик килган деб хисобласа, сакловчи томон ўз ихтиёрига кўра ва ўз қонунчилигига мувофиқ ушбу активлар ёки уларга tengлаштирилган маблағларни ҳамкорлик қилувчи томон билан тақсимлаб олиши мумкин.

Агар алохида холатларда, томонлар бошкача тарзда келишиб олмаган бўлса, активларни тақсимлаш тўғрисидаги сўров, мусодара қилиш бўйича якуний карор кучга киргандан сўнг, бир йил ичida юборилиши лозим.

Кишинев Конвенцияси, Абу-Даби шартномаси ва БМТнинг Коррупцияга карши Конвенциясида жиноят даромадлар, жиноят предметлари ва қуролларини саклаётган томон ўз қонунчилигига мувофиқ уларни тасарруф этади.

Томонлардан ҳар бири мазкур мулкнинг ҳаммасини ёки бир қисмини ёхуд уни сотишдан олинган фойдани бошқа томонга ўз қонунчилиги

---

рухсат берган даражада ва мазкур томон лозим деб топган шартларда топшириши мумкинлиги ҳақидаги қоида, қўшимча равища, томонларнинг ўзаро келишувини талаб қилиб, унда сотилган, яъни реализация қилинган мол-мулк қийматини ўзаро бўлиб олишлари тартибини назар-да тулади.

## **Назорат саволлари**

1. Коррупцияга қарши халқаро ҳамкорликнинг хуқуқий асосларини тавсифланг.
2. БМТнинг коррупцияга қарши курашишдаги фаолияти нималарда намоён бўлади?
3. Европа Иттифоқида коррупцияга қарши ҳамкорликнинг хуқуқий асосларини ташкил этувчи хужжатларни тавсифланг.
4. МДХ доирасида коррупцияга қарши курашишнинг хуқуқий механизmlари нималардан иборат?
5. БМТнинг Коррупцияга қарши конвенциясини ишлаб чиқиш заруряти нималардан иборат?
6. Коррупцияга қарши конвенциянинг ишлаб чиқилишига асос бўлган халқаро хужжатларни санаб беринг.
7. Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши конвенцияга қандай изохлар билан қўшилган?
8. Ўзбекистон Республикасининг Коррупцияга қарши конвенцияга аъзолигидан келиб чиқадиган мажбуриятларга қайси давлат ташкилоти масъул хисобланади?
9. Коррупцияга оид хукуқбузарликлар натижасида олинган активларни қайтариш тартиби қандай?
10. Коррупцияга қарши халқаро ҳамкорликни ривожлантиришда давлатлар ҳамкорлигининг қайси йўналишларига кўпроқ эътибор қаратиш лозим деб ўйлайсиз?

## XIII БОБ. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШДА ХАЛҚАРО РЕЙТИНГЛАР

### 13.1. “Халқаро рейтинглар” түшүнчеси ва ажамияти

Инсоният тарақкиёти, барча соҳаларда кечеётган глобаллашув жараёнлари, сифат ва таркибий үзгаришлар халқаро ҳамкорлик ва алокаларни янги боскичга күтариш баробарида, ҳар бир мустакил мамлакатнинг ушбу ҳолатларга янгича карашга, улар билан бир каторда бўлиш вазифасини кўндаланг кўймоқда. Бу эса, энг аввало, ўша мамлакатнинг жаҳон миқёсидаги ўрни, халқаро рейтинг ва кўрсаткичларда тутган мавқеи билан белгиланади. Маълум бир түшүнччанинг асл мазмун-моҳиятини билиш учун унинг келиб чикиш тарихи, яъни этиологиясини ўрганиб чикиш мақсадга мувофик. Худди шу маънода, “рейтинг” атамаси (инглизча “rating” – баҳолаш, тартиб, таснифлаш) ҳодисани баҳолаш учун ишлатиладиган сўз ҳисобланади<sup>96</sup>.

Биринчи маротаба рейтинг атамаси, биз ҳозирда амалда кўлладиган маънода, иқтисодчи олим Арчибалд Кроссли (1896-1985) томонидан XX асрнинг 30-йиллари бошларида сиёсий масалалар бўйича жамоатчилик фикрини аниклаш учун кўплаб бозор тадқикот усусларидан фойдаланилиши натижасида вужудга келади.

1944 йилда Кроссли ҳамкаслари Роупер ва Гэллап билан биргаликда, сўров ўтказишнинг академик ва тижорий томонларини бирлаштириди. Бу охир-оқибат Америка Жамоатчилик фикрини ўрганиш ассоциацияси (AAPOR)нинг ташкил этилишига олиб келди<sup>97</sup>.

Рейтингни амалда микдорий кўрсаткичлар билан ифодалаб бўлмайди. Бу берилган шкала бўйича субъектив баҳоларни ифодаловчи воситадир. Унинг амалий кўлланилишида математик мантиқка асосланган ёндашувлар ёрдам беради, у ҳар кандай тузилмани мураккаб турдаги муносабатлар сифатида тавсифлайди, тушуниш учун ечимнинг қайси техник усусларидан фойдаланиш йўлларини кўрсатиб беради.

Рейтинг ва индекс ўтасидаги фарқ уларнинг функцияларини таққослаганда билинади. Қоидага кўра, индекслар рейтинглар учун маълумотлар базаси бўлиб хизмат киласи. Шундай килиб, индекс ин-

<sup>96</sup> Манба. URL:<https://www.merriam-webster.com/>

<sup>97</sup> Манба. URL:<https://www.etymonline.com>, <https://www.aapor.org>

формацион функцияни бажаради. Бу каби индекслардан олинган на-тижалар бирлаштирилиб комплекс таҳлил килинади ва ўрганиш объектининг рейтингдаги ўрни аникланади. Холбуки, якуний истъемолчи-га йўналтирилган рейтинг унинг афзаликларини шакллантиради ва шунинг учун баҳолаш обьектларини сиёсий соҳада ракобатлашишга мажбурлаш воситаси бўлиб хизмат қилади. Халқаро амалиётда давлатларнинг рейтинглардаги ўрни мамлакатда амалга оширилаётган ишларнинг натижаси сифатида намоён бўлади.

Шуни алоҳида таъқидлаш керакки, халқаро рейтинг ва индекслар хар бир мамлакатнинг ривожланиш жараёнини ўзида намоён этиб, давлат бошқаруви сифати, ахолининг турмуш даражаси, инсон хукуклари муҳофазаси, тадбиркорлик фаолияти ва хорижий инвесторлар учун қулай мухит, барқарор иқтисодий ўсиш ва ракобатбардошлик каби мухим жиҳатларнинг кўзгусидир. Бу жиҳатлар мамлакатимиздаги ислоҳотлар моҳиятида ҳам мужассам. Буларнинг барчаси инсон кадрини улуғлашга, одамларнинг ҳаётдан рози ва мамнун бўлиб яшашини таъминлашга хизмат қилиши билан янада теран мазмун касб этади.

Халқаро рейтинг агентликлари индексларни хисоблаб чиқиша-да ёки рейтингларни тузишда, асосан, мамлакатнинг турли статистик кўрсаткичларига таянади. Тан олиш лозим, пандемия сабабли статистик кўрсаткичларнинг яхши томонга ўзгаришига кўра, уларнинг ёмонлашиш эҳтимоли юқори. Аммо шундай холатлар кузатилишига карамай, мамлакатимизнинг қатор соҳаларида ижобий ўзгаришлар рўй бермокда.

Сўнгги йилларда мамлакатимизнинг кўпгина устувор рейтингларда юкорилаб бораётганини юртимиизда ахоли турмуш фаровонлигини ошириш, жамиятимизда очиклик, ошкораликни таъминлаш борасида мухим натижа бераётганини куйида келтирилган натижалардан ҳам кўришимиз мумкин.

**Бу мухим!!!** “Transparency International” халқаро ташкилотининг 2021 йил учун “Коррупцияни қабул қилиш индекси”да Ўзбекистон яна б поғона юкорилаб, 180 мамлакат орасида 140-ўринни эгаллади.

Ўзбекистон мазкур индексда сўнгги беш йил давомида барқарор ўсиш (2017 йилда 22 баллдан 2021 йилда 28 баллгача) кайд этиб, минтақадаги тез суръатларда яхшиланиб бораётган давлатлар қаторида эътироф этилди.

2021 йилда Ўзбекистон Хуқуқ устуворлиги индексининг “Коррупция мавжуд эмаслиги” индикатори бўйича **19** поғонага кўтарилди<sup>98</sup>.

“World Justice Project” ташкилоти томонидан Хуқуқ устуворлиги индексининг 2021 йилги нашри эълон килиниб, Индексда Ўзбекистон 14 поғона юқорилаб, бу борада энг яхши натижка кўрсатган 3 та давлатдан бирига айланди. Мамлакатимиз умумий рейтингда 85-ўриндан жой олган<sup>99</sup>.

Мамлакатимизда коррупцияга карши курашиш борасида амалга оширилаётган ислоҳотлар натижаларини мазкур хисоботда яққол кўриш мумкин. Хисоботда келтирилишича, айнан коррупция мавжуд эмаслиги индикатори бўйича Ўзбекистон 89-ўриндан бирданига 19 поғонага кўтарилиб, 70-ўринни эгаллаган. Бу бошқа индикаторлар билан солиштирганда, энг юқори ўзгаришдир.

Айтиш керакки, бугун жамиятимиздаги ислоҳотларнинг бош максади халқимизни рози килишдек эзгу максадга йўналтирилмоқда. Барча саъй-харакатларимиз, ислоҳотларимиз, қабул қилаётган қонун ва карорларимиз замирида хам ушбу максад мужассам. Ахоли юритилаётган сиёsatдан канчалик рози бўлса, турли рейтинг ва индекслардаги ўрнимиз ўз-ўзидан ошиб бораверади.

### **13.2. Ўзбекистон Республикасининг халқаро рейтинглардаги ва алоҳида таркибий индикаторлардаги ўрни**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 2 июндаги “Ўзбекистон Республикасининг халқаро рейтинг ва индекслардаги ўрнини яхшилаш хамда давлат органлари ва ташкилотларида улар билан тизимли ишлашнинг янги механизмини жорий қилиш тўғрисида”ги ПФ-6003-сон Фармони юртимизда бу йўналишда амалга оширилиши керак бўлган янги вазифаларнинг аник мезонларини кўрсатиб берди.

Мазкур Фармонга мувофик, халқаро рейтинг ва индекслар билан ишлаш бўйича Республика кенгаши тузилиб, соҳада парламент назорати ўрнатилди.

Кенгашнинг асосий вазифалари этиб қуидагилар белгиланди:

- мамлакатнинг ижтимоий-иктисодий ва сиёсий-хукукий тараккиёт даражасини тизимли тахлил килиб бориш, турли соҳаларда амалга оширилаётган туб ўзгаришларнинг Ўзбекистон Республикаси учун устувор

<sup>98</sup> Манба. URL:<https://worldjusticeproject.org/rule-of-law-index/>

<sup>99</sup> Манба. URL:<https://worldjusticeproject.org/>

---

бўлган халкаро рейтинг ва индексларда мамлакатнинг ўрнини яхшилаш максадларига хизмат қилишини таъминлаш, мазкур йўналишдаги ишларнинг самарадорлигига тўсик бўлаётган муаммоларни бартараф этиш;

- Ўзбекистон Республикаси учун устувор бўлган халкаро рейтинг ва индексларда мамлакатнинг ўрнини яхшилаш максадида, давлат хокимиюти ва бошкаруви тизимини такомиллаштириш, жамиятни демократлаштириш, илфор халқаро тажрибага асосланган давлат ва жамият курилиши соҳасидаги ислохотларни амалга ошириш бўйича ташаббусларни илгари сурishi;

- давлат ва жамият хаётининг турли жабхаларини тартибга солишга каратилган норматив-хукукий хужжатлар ва уларнинг лойихаларини Ўзбекистон Республикаси учун устувор бўлган халқаро рейтинг ва индекслардаги мамлакатнинг ўрнига таъсири нуктаи назаридан комплекс баҳолаб бориш.

Бундан ташқари, масъул давлат органлари биринчи раҳбарларининг фаолияти самарадорлигини баҳолашнинг бош мезонларидан бири этиб, Ўзбекистон Республикаси учун устувор бўлган халкаро рейтинг ва индексларда мамлакатнинг ўрнини яхшилаш белгиланди. Шу ва шунга ўхшаш ислохотлар инсон хукуклари химоясини кафолатлаш, ахоли турмуш даражасини ошириш, иктиносий фаолиятда эркинликни таъминлаш, суд-хукуқ соҳасидаги моддий ва процессуал нормаларни такомиллаштириш, халкаро рейтинг ва индекслардаги кўрсаткичларининг ошишига сабаб бўлмоқда.

Шу билан бирга, кўрилаётган чораларга қарамасдан, мазкур ҳолат халқаро ташкилотлар ва илмий муассасалар билан тизимли ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш, масъул вазирлик ва идораларда баҳоланаётган йўналишлар бўйича тавсиялар ва бошка давлатларнинг ижобий тажрибасини ўз ичига олган тегишли маълумотлар базасини, ходимларда эса, халқаро рейтинглар методологиясини кўллаш бўйича дунёкарашни шакллантириш мухим вазифалардан.

Шу муносабат билан, Ўзбекистон Республикаси учун коррупцияга қарши устувор халкаро рейтинг ва индексларни аниқлаштириб олиш максадга мувофиқдир. Қуйида коррупцияга қарши устувор халкаро рейтинг ва индекслар билан танишамиз:

**“Transparency International”** (TI)нинг Коррупцияни қабул қилиш индекси (Corruption Perception Index – CPI) мамлакатлардаги коррупция

даражаси ва унга карши курашиш борасида амалга оширилган ишларни баҳолаб борувчи индекс хисобланади.

Коррупцияни қабул қилиш индекси эксперктар ва ишбилармон доираларнинг **давлат секторидаги** коррупцияга доир аниқ масалалар бўйича баҳоларини акс эттирувчи 13 та манбадан олинган маълумотларга асосланади.

Юкорида кайд этилган 13 та манба орасидан Ўзбекистон қўйидаги 7 та рейтингларда баҳоланади. Улар: Bertelsmann Foundation Transformation Index; Economist Intelligence Unit Country rating; Freedom House Nations Transit Rating; Country risk rating – Global Insight; CPIA – world Bank; Rule of Law Index – World Justice Project; Annual report on democracy – project “Diversity of democracy” халкаро рейтинглари дидир.

### **CPI юкорида таъкидлаб ўтилган индексларнинг қўйидаги маълумотларидан ташқари, барча маълумотларини таҳлил қиласди:**

Фукароларнинг коррупция хакидаги тасавурлари	Солик фирибгарлиги	Ноконуний молиявий оқимлар
Коррупцияга мойил бўлган шахслардан олинган маълумотлар	Пул ювиш холатлари	Хусусий сектордаги коррупция холати
Хусусий сектордаги коррупция холати		

Баҳолар кўшилиб, ўртача сони (Коррупцияни қабул қилиш индекси) аникланади. Хар бир давлат юкоридаги манбалардан камида учтасида баҳоланган бўлиши лозим.

“**Bertelsmann foundation transformation index**” – дунёдаги ривожла-наётган, ўтишдавридан мамлакатларнинг сиёсий ва иқтисодий хаётидаги ривожланиш холати ва бошқаруви кўрсаткич. БТИ 2006 йилдан бўён Бертелсманн Стифтунг томонидан икки йилда бир марта нашр этилади. Индекс Бертелсманн Стифтунг ходимлари томонидан аникланган маъ-

---

лумотларга таянган ҳолда, ижтимоий-сиёсий қўллаб-кувватлаш асосида ҳукумат фаолиятининг сифатини, конституцион демократия ва бозор иқтисодиёти йўлидаги эришилган ютуклар ва муваффақиятсизликларни тахлил қилиб, ўлчайди ва таққослайди. Шу мақсадда демократия ва бозор иқтисодиёти хусусиятларидан келиб чиқсан ҳолда умумий ривожланиш даражаси бўйича тўпланган миқдорий маълумотлар икки индексга ажратилади: “**Статус индекси** (мамлакатнинг демократия ва бозор иқтисодиёти йўлидаги эришилган ривожланиш ҳолатини кўрсатади)” ва қарор қабул қилувчи ваколатга эга шахсларнинг сиёсий бошқаруви бўйича “**Бошқарув индекси**” хисобланади. Индекс сиёсий (5 та) ва иқтисодий (7 та) трансформация ҳамда бошқарув самарадорлиги (4 та) га оид индекслар жамланмасидан иборат. Барча индекслар “0” баллдан “10” баллгача бўлган шкалада баҳоланади. Индекслар ҳар 2 йилда янгиленаб боради. Ўзбекистоннинг умумий рейтинги 2018 йилда 3,73 баллдан 2020 йилда 4,08 баллга кўтарилди (108-ўриндан 107-ўринга).

Ш.М.Мирзиёевнинг давлат раҳбари сифатида лавозимига киришганидан сўнг биринчи бўлиб, “Коррупцияга қарши курашиб тўғрисида”ги Конунни имзолаганлиги, мамлакатнинг ҳар томонлама трансформация қилинганлиги, коррупцияга оид бир қатор ишлар очилганлиги ҳамда мансабдор шахсларнинг жиноий жавобгарликка тортилганлиги ижобий қабул қилинган.

Шу билан бирга, давлат хизматчиларининг малакаси етарли даражада эмаслиги ҳамда суд тизимининг мустақил эмаслиги ва ижро тизими-нинг босими ҳамон мавжудлиги камчилик сифатида белгиланган.

Шу каби, таълим тизимида ҳам коррупция даражаси юқори эканлиги, шу билан бирга, тизимда коррупцияни бартараф этиш чоралари кўрилаётгани қайд этилган.

Бундан ташқари, давлат харидлари жараёнини назорат қилиш ҳамда давлат хизматчиларининг хисобдорлигини таъминлаш, шу жумладан даромадлари, мол-мулки ва манфаатлар тўқнашувини декларация қилиш йўналишида етарлича натижага эришилмагани муаммолардан бири сифатида кўрсатилган.

“**The economist intelligencye unit country report**” – дунё бўйлаб саноат ва иқтисодий тахлил ҳамда бизнес юритиш учун прогнозлаштириш билан шуғулланувчи нодавлат ташкилоти бўлиб, ҳар бир давлат учун йиллик хисобот эълон қилиб боради.

## Ўзбекистоннинг иқтисодий ўсиш даражаси

Фоиз (%) ҳисобида			
	2021	2022	2023
УС ЯИМ	5.5	3.8	2.2
OECD ЯИМ	5.0	3.7	2.3
Жаҳон ЯИМ	5.4	4.0	3.0
Жаҳон савдоси	9.7	5.7	4.4

Манба: The economist intelligencye unit country report

Ушбу кўрсаткичларда мамлакатимиз ўрнининг тобора яхшиланишига бир неча сабаблар мавжуд, улардан бири сифатида, Давлат раҳбарининг кўшни давлатлар билан муносабатларни яхшилаш, хорижий сармояни жалб қилиш бўйича кўрган чора-тадбирлари ижобий баҳоланди. Бундан ташкари, 2019 йилнинг декабрь ва 2020 йилнинг январь ойларида бўлиб ўтган парламент сайловлари, 2021 йилнинг октябрь ойларидаги президент сайловлари адолатли деб топилган. Мамлакатимизда 2020 йилда пандемия сабабли иқтисодий пасайиш кузатилмади ва ташкилот 2022-26 йилларда иқтисодиёт кучли инвестиция оқими билан бирга, кучли ўсиш қайд этилишини прогноз қилмоқда<sup>100</sup>.

3. “Freedom House Nations Transit Rating” – Марказий Европадан Марказий Осиёгача бўлган минтақадаги демократик тартибларнинг жорий ҳолатини баҳолайди. Транзит Рейтинг 29 та баҳоланувчи давлатларни ўз ичига олади. Freedom House (хисобот муаллифлари, эксперт маслаҳатчи гурухлари ва минтақавий мутахассислар гурухидан олинган маълумотлар асосида) либерал демократиянинг институционал асосларини ўзида ифода этган етти тоифадаги рейтингларни тақдим этади.

Буларга сайланган давлат институтлари (махаллий ва марказий хукуматлар), сайланмаган давлат институтлари (суд тизими ва коррупцияга қарши кураш органлари) ва сайланмаган нодавлат институтлари (оммавий ахборот воситалари ва фукаролик жамияти) киради.

Баҳолар 1 дан 7 баллгacha бўлган шкала асосида тузилади, 1 балл энг паст, 7 балл эса, энг юкори демократия даражасини билдиради.

Ушбу кўрсаткичлар муайян мамлакатдаги вазиятнинг мутлак кўрсаткичи сифатида қабул килинмаслиги керак. Мамлакат қанчалик

<sup>100</sup> Манба.URL: <http://country.eiu.com/uzbekistan>

---

демократик ёки авторитар тузумда эканлигини умумий баҳолаш жуда мушкул иш ҳисобланади. Шунингдек, улар кўриб чиқилаётган мамлакатлар ўртасидаги ислохотларни киёсий таҳлил килиш ва маълум бир мамлакатдаги узок муддатли ривожланишларни таҳлил килиш имконини беради.

**“Freedom House”** 2020 йилдан 0 баллдан 100 баллгача шкалада бир нечта суб индекслардан иборат демократия ҳисобини кўрсатувчи рейтинг эълон килди.

**Nations in Transit** рейтингида ҳар бир мамлакат кўйида келтирилган соҳалардан олинган маълумотлар асосида баҳоланади:

**Миллий демократик бошқарув.** Ҳокимият тизимининг қанчалик демократик хусусиятга эга эканлигини, конун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятларнинг мустакиллиги, самарадорлиги ва жавобгарлиги;

**Сайлов жараёни.** Конун чиқарувчи, ижро этувчи ҳокимиятдаги сайловлар, сайлов асослари, кўппартияйлик ва сиёсий жараёнлардаги ҳалқ иштироки;

**Фуқаролик жамияти.** Фуқаролик жамияти институтларининг ташкилий салоҳияти ва молиявий баркарорлиги, улар фаолият юритаётган ҳукуқий ва сиёсий муҳит, касаба уюшмаларининг фаолияти, сиёsat жараёнидан манфаатдор гурӯҳларнинг иштироки;

**Мустақил оммавий ахборот воситалари.** Матбуот эркинлигининг ҳозирги ҳолати, жумладан, тухмат килишга оид конун ҳужжатлари, журналистларни таъқиб килиш ва таҳририят мустакиллиги, молиявий жиҳатдан мустақил хусусий матбуот фаолияти;

**Маҳаллий демократик бошқарув.** Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг вазифалари, сайланиши ва салоҳияти, маҳаллий ҳокимият органлари фаолиятининг шаффоғлиги ва ҳисобдорлиги;

**Суд тизимининг мустақиллиги.** Шахснинг конституциявий ҳукукларини ҳимоя килиш, суд мустакиллиги, этник озчилик ҳукукларининг ҳимоя мақоми, конун олдида тенглик кафолатлари, гумон қилинувчилар ва маҳкумларга нисбатан муносабат, суд карорларининг бажарилиши;

**Коррупция даражаси.** Жамиятнинг коррупция ҳакидаги тасаввурлари, юқори даражадаги сиёsatчиларнинг тижорат манфаатлари, молиявий ошкоралик ва манфаатлар тўқнашуви тўғрисидаги қонунлар ва коррупцияга карши ташабbusларнинг самарадорлигини кўриб чиқади ва ушбу соҳаларда тўпланган маълумотлар таҳлил қилиниб, мамлакатнинг ўртacha баҳоси чиқарилади.

---

Рейтинг хисоблаш механизмлари 2020 йилдагига нисбатан ўзгарган. Шунга қарамай, рейтингнинг хуросасига асосан, Ўзбекистон Республикасининг баҳоси ўтган олдинги баҳолашда кайд этилган 27 баллдан 2021 йилда 28 баллга кўтарилиган.

Рейтингдаги силжишлар куйида келтирилган чоралар хисобига амалга оширилган (2020 йил 1 июнь – 2021 йил 31 май ҳолатига кўра): мамлакат бўйлаб интернет тезлиги яхшиланиб, интернет нархлари арzonлаштирилиши, маъмурий ва жиной жавобгарлик кодексларига президентни хақорат килиш, жамоат тартибига таҳдид согланник учун янги жазоларни назарда тутивчи янги ўзгаришлар, хукуқбузарликларни онлайн содир этганлик учун жавобгарлик чораларини кўрганлик ва х.к.

**“IHS Global Insight”** – 1959 йилда асос солинган IHS Global Insight глобал аҳборот ташкилоти бўлиб, у макроиктисодиёт, мамлакатнинг иқтисодий соҳада таваккалчилиги ва алоҳида сектор таҳлилини камраб оловучи кенг кўламли масофавий (онлайн) хизматларни тақдим этади.

Global Insight Country Risk Rating System 1999 йилдан бери фаолият юритиб келмоқда ва 200 дан ортиқ мамлакатларда хавфларнинг **олти омилига** асосланган таҳлилини тақдим этади.

Улар: *сиёсий, иқтисодий, хукуқий, солик сиёсати ва хавфсизлик рисклари.*

CPI да фойдаланиладиган коррупция хавфи даражасини кўрсатувчи маълумотлар **Global Insight Business Conditions va Risk Indicators**дан олинади.

Баҳолаш 100 дан ортиқ махаллий мутахассислар томонидан амалга оширилади, улар, шунингдек, мамлакатдаги фрилансерлар, мижозлар ва бошқаларнинг хуросаларига асосланади.

Рейтинглар “IHS Global Insights” эксперталарининг ҳар бир мамлакатдаги муаммонинг киёсий даражаси хақидаги тасаввурларини акс эттиради.

Рейтинглар майда пораҳўриқдан тортиб, юкори даражадаги сиёсий коррупциягача бўлган кенг доирадаги коррупциявий ҳолатларни баҳолайди.

Ушбу нашр экспертлари “Transparency international” учун ҳар бир мамлакатда чет эллик бизнес вакиллари (жисмоний ёки юридик шахслари) давлат хизматини қабул килиш, шартнома тузиш, импорт ёки экспорт килиш, лицензия олиш ва бошка амалиётларни амалга ошириш жараённида коррупциявий хавф-хатарларга дуч келиши юзасидан “1” баллдан (**салбий**) “5” баллгача (**ижобий**) баҳолайди.

---

**Жаҳон банкининг давлат сиёсати ва институционал ривожланиш рейтинги** (World bank CPIA) – барча мамлакатларни тұртта катта гурухға бирлаштирилган 16 та мезонга мувофиқ баҳолайды:

- (а) иқтисодий бошқарув;
- (б) сиёсий тизим;
- (с) ижтимоий әрқинлик ва тенглик сиёсати;
- д) давлат секторида бошқарув сифати.

Мезонлар иқтисодий ўсишни рағбатлантириш ва қашшоқликни қисқартириш учун мухим бўлган омилларга қаратилган.

Банк ҳар бир мезоннинг таърифини ва ҳар бир рейтинг даражаси-нинг батафсил тавсифини тақдим этиш оркали ходимларга мамлакат фаолиятини баҳолашда ёрдам бериш учун кўлланма тайёрлаб беради. Банк ходимлари ҳар бир мезон бўйича мамлакатларнинг хақиқий холатини баҳолайдилар ва рейтингни тузиб чикадилар.

Маълумотлар турли кўрсаткичлар, кузатувлар, мулоҳазалар, банкдан ёки бошқа жойлардан келиб тушган маълумотларга асосланган ҳолда олинади.

Жаҳон банкининг иқтисодий ўсиш ҳамда давлат сектори самарадор-лигини баҳолаб борувчи ҳар йиллик рейтинги мавжуд. Мазкур рейтинг “1” балдан (салбий) “6” баллгача бўлган шкалада баҳоланади ҳамда 8 та суб-рейтингларга бўлинади.

Ўзбекистон ушбу рейтингларнинг деярли барчасида ўсишга эришмокда. Жумладан, ташки савдо рейтингида 2016 йилда 2.5 балдан бошлаб, 2019 йилга қадар 4.0 баллгача, давлат қарзини бошқариш рейтингида 2015 йилда 4 балдан 2019 йилда 4.5 баллгача кўтарилишга муваффақ бўлди.

Қолган рейтингларда (солиқ сиёсати, гендер тенглиги, давлат қарзини бошқариш, давлат бюджетини ва молиявий баркарорлик, макроиктисодий бошқарув) баркарорликни кузатиш мумкин.

**Жаҳон одил судлов лойихаси ҳалкаро ноҳукумат ташкилотининг ҳукук устуворлиги индекси** (Rule of law index of WJP) – мустакил, нотижорат ташкилот бўлиб, жамиятларини ривожлантириш учун қонун устуворлигини таъминлашга қаратилган лойихаларни амалга оширади.

WJP Қонун устуворлиги индекси – мамлакатлар амалда қонун устуворлигига қай даражада риоя қилишлари хақида батафсил ва кенг камровли хуносаларни тақдим этиш учун WJP томонидан ишлаб чиқилган баҳолаш воситасидир.

Индекс конун устуворлигининг турли ўлчовлари бўйича батафсил ва асл маълумотларни тақдим этади, бу манфаатдор томонларга амалда мамлакатнинг қонун устуворлигига риоя қилишини баҳолашга имкон беради.

Маълумотлар кенг жамоатчилик (мамлакатдаги амалиётчи олимлар, фуқаролик, тижорат, жинойи хукуқ соҳасида тажрибага эга бўлган академиклар) ўртасидаги социологик сўровлар натижасида тўпланади ва комплекс таҳлил қилинади.

Ушбу индекс “0.00” баллдан (салбий) “1.00” баллгача (ижобий) баҳоланади ва хар йили янгиланади. Ўзбекистон мазкур рейтингда 2020 йилда 0.47 баллдан (92-ўрин) 2021 йилда 0.49 баллга (85-ўрин) кўтарилиган.

Индекс 8 та фактордан таркиб топган бўлиб, хар бир фактор субфакторларга бўлинган ҳолда ўртача балл шакллантирилади.

Ўзбекистоннинг энг юкори балл билан баҳолангандай факторлари хавфсизлик ва ижро (0.90 балл, 14-ўрин) ҳамда фукаровий судлов (0.50 балл, 78-ўрин) факторлари хисобланади.

Шу билан бирга, давлат хизмати очиқлиги (0.37 балл, 122-ўрин) ҳамда давлат хокимиятига тегишли чекловлар (0.38 балл, 121 ўрин) факторлари энг паст натижалар билан ўртача индексга салбий таъсирини кўрсатган.

**“Демократия турлари (В-дем)”** – Varieties of Democracy (V-Dem) – демократия даражасини концепциялаш ва ўлчашга оид янгича ёндашувдир. В-Дем лойиҳаси демократиянинг еттита юкори даражадаги тамоийллари: сайлов, либераллик, демократик жараёнларда иштирок этиш, маслаҳатлашув, тенглик, мажоритар ва консенсуал (розилик)ни ажратиб кўрсатади ва бу тамоийларни ўлчаш учун маълумотларни тўплайди.

В-Дем бутун дунё бўйлаб 3000 дан ортиқ олимлар билан ҳамкорлик килади.

Мазкур рейтинг мамлакатларни “0.00” баллдан “1.00” баллгача шаклада баҳолайди. Мазкур рейтинг **6 та суб-рейтинглардан** иборат бўлиб, 2021 йил хисоботида Ўзбекистон улардан **3 тасида** (либерал демократия индекси, либерал компонентлар индекси, консультатив компонентлар индекси) юкорилашга эришди. Тенг хукуклийкни таъминлаш бўйича эса, 0.47 балл билан Ўзбекистон 124-ўринни эгаллаган.

---

Юқорида келтириб ўтилган 7 та манба “Transparency International”нинг умумий рейтингини шакллантириш учун асос бўлувчи манбалар хисобланиб, уларнинг ҳар бири суб-рейтинг, суб-индекс, суб-факторлар ва бўлимларга бўлинади.

Мазкур рейтинг ва индекслар, мамлакат сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий ҳаётининг барча соҳаларини баҳолайди ва уларнинг натижалари бевосита “Transparency International”нинг коррупцияни қабул килиш индексига таъсир ўтказади.

Юқоридагилардан шуни хулоса килиш мумкинки, Ўзбекистон мазкур рейтинг ва индекслар (шунингдек, улардаги суб-рейтинг ва суб-индекслар) нинг деярли барчасида барқарор ўсишга эришмоқда.

“The Worldwide Governance Indicators” (WGI) – 1996-2020 йиллар давомида 200 дан ортиқ мамлакат учун бошқарувнинг **6 та** кенг йўналиши бўйича хисобот беради:

- овоз (сайлов) ва жавобгарлик;
- сиёсий барқарорлик ва зўравонлик/терроризмнинг йўклиги;
- хукуматнинг самарадорлиги;
- норматив сифат;
- конун устуворлиги;
- коррупцияга карши назорат.

WGI 30 дан ортиқ асосий маълумотларнинг манбаларига асосланган бошқарувнинг композицион кўрсаткичлари<sup>101</sup> хисобланиб, ушбу маълумотлар бирлаштирилиб, комплекс тахлил қилинади ва камчиликлар аникланади.

WGI 30 дан ортиқ мавжуд маълумот манбаларидан ахборотларни жамлайди ва умумлаштиради, улар фуқаролар, тадбиркорлар ва бутун дунё бўйлаб давлат, хусусий ва ННТ секторларидағи экспертларнинг бошқарувнинг турили жихатлари сифатига оид қарашлари ва тажрибала-ри хақида хисоботни тақдим этади.

WGI тўрт хил турдаги маълумотларга асосланади:

фирмалар ва уй хўжаликлари ўртасида ўтказилган сўровлари – мисол учун, Афробарометр сўровлари, Gallup World Poll va Global Competitiveness Report сўрови;

тижорий бизнес маълумотларини уетказиб берувчилар – жумладан, Economist Intelligencye Unit, IHS Markit, Political Risk Servicyes;

нодавлат ташкилотлар – жумладан, Global Integrity, Freedom House ва мухбирлари;

<sup>101</sup> Манба. URL:<https://info.worldbank.org/governance/wgi/Home/Documents#wgiDataSources>

---

давлат сектори ташкилотлари – жумладан, Жахон банки ва минтақавий ривожланиш банкларининг CPIA баҳолашлари.

**Control of corruption** – бу кўрсаткич давлат секторидаги майдо, йирик коррупция даражаси, давлатнинг сиёсий ва бизнес элита томонидан шахсий манфаатлар йўлида қай даражада эгалланганлик даражасини ўлчабгина қолмай, у коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш бўйича мамлакат сиёсати ва институционал асосларининг кучи ва самарадорлигини ўлчайди.

Мамлакатлар кўйидаги омиллар бўйича баҳоланади:

хукуматнинг хар қандай соҳада катта ва кичик коррупциянинг тарқалиши;

коррупциянинг бизнес юритиш соҳасига таъсири;

импорт ва экспорт учун давлат рухсатномалари, давлат шартномалари, коммунал хизматлар, солиқларни хисоблаш ва суд қарорлари билан боғлиқ “**нотўғри тўловлар**” частотаси;

давлат хизматида непотизм, кронизм<sup>102</sup>, патронаж<sup>103</sup> даражаси;

сайланган мансабдор шахслар, божхона хизмати ходимлари, солиқ амалдорлари, судъяларнинг коррупцияга алоқадорлиги;

хукуматнинг коррупцияга қарши қонунлари, сиёсатлари ва институтларининг мустаҳкамлиги ва самарадорлиги;

сиёсатчиларнинг молиявий ҳалоллигига жамоатчилик ишончи ва.х.к.

Ўзбекистон Республикаси 2020 йилда Control of Corruption кўрсаткичи (-2,5 салбий, 2,5 ижобий)да -1,05 балл билан 192 та давлат ичидан 161-ўринни эгаллаган. Маълумот учун, 2020 йилда 192 та давлат бўйича ўртacha кўрсаткич -0,03 баллни ташкил этади. Энг юқори балл эса, 2,27 балл билан Данияга тегишли<sup>104</sup>.

**“Trace Bribery Risk Matrix”** (ТМ) – бу порахўрликка қарши курашиш, қонунларга риоя қилиш ва яхши бошқарувга эришишини ўз олдига мақсад қилиб қўйган нотижорат бизнес уюшмаси бўлиб, у 2001 йилда порахўрлик хавфини камайтиришнинг осон йўлларини топиш мақсадида ташкил этилган. Trace Bribery Risk Matrix – бутун дунё бўйлаб коррупцияга қарши комплаенс стандартларини ўрнатиш ва тижорат шаффофлигини ошириш учун кенг миқёсда тан олинган ташкилотдир. Аъзолар

---

<sup>102</sup> Кронизм (инглиизча – ҳамфир, таниш-билишчилик, гурӯҳбозлик) – лавозимларни таниш-билишчилик асосида дўстларга бериш.

<sup>103</sup> Патронаж (французча – патрон – оталик) – давлат хизматида маълум бир тоифадаги шахсларга устунлик бериш, уларни асоссиз химоялаш.

<sup>104</sup> Манба. URL: [https://www.theglobaleconomy.com/rankings/wb\\_corruption/](https://www.theglobaleconomy.com/rankings/wb_corruption/)

---

каторига саноатнинг барча соҳаларидаги юзлаб трансмиллий компаниялар ва ташкилотлар киради.

“Trace Bribery Risk Matrix” штаб-квартираси Америка Кўшма Штатларида жойлашган.

“Trace Bribery Risk Matrix” 194 та юрисдиксияда пора талаб қилиш эҳтимолини ўлчайди. У, дастлаб, 2014 йилда бизнес соҳа вакилларининг бутун дунё бўйлаб тижорий порахўрлик хавфи ҳақида ишончли ва “но-зик” маълумотларга бўлган эҳтиёжини кондириш учун ташкил этилган.

“Trace Bribery Risk Matrix” етакчи фуқаролик жамияти институтлари, ҳалкаро ташкилотлар, жумладан, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Жаҳон банки, Готенбург университети кошидаги В-Дем институти ва Жаҳон иқтисодий форумидан олинган тегишли маълумотларни жамлайди.

Ушбу маълумотлар компанияларга ҳар бир мамлакатда пора талаб қилиш эҳтимолини баҳолашга ва ушбу хавфга мослаштирилган коррупцияга қарши комплаенс назорат ва “дуе диллигенс<sup>105</sup>” дастурларини ишлаб чиқиша ёрдам беради.

Мамлакатларнинг хавф даражаси тўрт соҳа бўйича тегишли балл билан баҳоланади.

**1-соҳа.** Бизнеснинг Ҳукумат билан ўзаро муносабатлари.

Давлат органлари ва бизнес субъектлари ўртасидаги хавфни, шу жумладан, ҳукуматнинг ўзаро ҳамкорлиги частотасини ўлчайдиган учта субдоменни ўз ичига олади, улар: порахўрлик ҳолатларини содир этиш, унга йўл кўйиш ҳамда умумий тартибга солиш масаласини акс эттиради.

**2-соҳа.** Порахўрликнинг олдини олиш ва жавобгарликка тортиш.

Мамлакатнинг порахўрлик билан боғлиқ жиноятларнинг олдини олиш ва жиноий жавобгарликка тортиш қобилиятини ўлчайди. У жамият томонидан норозилик ва порахўрликка карши конунларнинг бажарилишини акс эттирувчи субдоменларни ўз ичига олади.

**3-соҳа.** Ҳукумат ва давлат хизматининг очиқлиги.

Ҳукумат бошқарувининг ўзига хос хусусиятларига, хусусан, давлат бюджети ва юзага келиши мумкин бўлган молиявий зиддиятларга нисбатан шаффоғлиқ чораларига таянади.

---

<sup>105</sup> **Сирли мижоз** – реал хизмат олувчи шахс сифатида давлат хизматлари жараённида қатнашадиган, шу билан бирга, хизмат кўрсатишнинг сифати, муддати, шарт-шароити ва ходимларнинг одоб-ахлоқ, қоидаларига риоя қилинишини қайд қилиш учун тегишли органининг буйруғи билан жалб қилинган органининг масъул ходими ёки кўнгилли фуқаролар ва бошқа шахслар.

#### **4-соҳа.** Фукаролик назорати салоҳияти.

Коррупцияга қарши курашиш чораларини мониторинг қилиш ва назорат килишда нодавлат ташкилотларнинг ролини, шу жумладан, оммавий ахборот воситаларининг ролини ва мамлакат аҳолисининг фукаролик жамияти салоҳиятини кенг камровли ўлчашни қамраб олади.

Хавф даражалари 5 турли бўлиб, улар куйидагиларга бўлинади: жуда паст, паст, ўртacha, юкори, жуда юкори. Ушбу кўрсаткичда Ўзбекистон Республикасининг ўрни ҳақида гапирадиган бўлсак, умумий хавф дараҷаси ўртacha: 59 балл, хавф даражаси: юкори ҳисобланади.

Бу балл куйида муҳокама килинган тўртта соҳа балларининг ўртacha кўрсаткичи бўлиб, барча соҳалардан олинган маълумотлар ўрганиб чиқилади ва умумий мамлакат хавф баҳосини кўрсатиш учун бирлаштирилади. Хар бир давлатга ҳар бир домен ва умумий порахўрлик хавфи учун 1 дан 100 баллгача берилади. Юкори балл бизнес соҳасида порахўрлик хавфи юкори эканлигини кўрсатади:

1.	<b>Бизнеснинг ҳукумат билан ўзаро муносабатлари</b>	Ўзбекистон ҳукуматнинг ўзаро ҳамкорлик, порахўрлик ва тартибга солишининг ўртacha даражасидан келиб чиқкан ҳолда бу соҳада ўртacha 52 балл олган.
2.	<b>Порахўрликнинг олдини олиш ва жавобгарликка тортиш</b>	Ўзбекистон порахўрликка қарши кураш сифатининг пастлигидан келиб чиқиб, ушбу соҳа бўйича 70 балл олган.
3.	<b>Ҳукумат ва давлат хизматининг очиқлиги</b>	Ҳукумат фаолияти шаффоғлик даражасининг пастлиги ва молиявий манфаатларнинг ўртacha даражадаги шаффоғлиги асосида ушбу соҳада ўртacha 58 балл олган.
4.	<b>Фукаролик назорати салоҳияти</b>	Ўзбекистон ушбу соҳа бўйича 64 балл олган.

Ўзбекистон Республикаси 2021 йилнинг баҳолаш натижаларига кўра, 194 та мамлакат ичидан 59 балл билан 147-ўринни эгаллайди. Албатта, бу кўрсаткичлар давлатимиз учун коникарли эмас, аммо шуни алоҳида таъкидлашимиз жоизки, 2020 йилда ушбу кўрсаткич 60 балл билан

---

150-ўрин<sup>106</sup>да эди. Ушбу натижалар мамлакатимизда коррупцияга карши ҳаракатлар жадал суръатларда амалга оширилаётганини билдиради.

### **13.3. Халқаро коррупцияга қарши курашиш ташкилотлари билан ҳамкорлик**

---

Ҳеч бир давлат, агар у соҳага янги кириб келган бўлса, ўзининг олдидаги турган масалаларни ёлғиз ўзи ҳал қила олмайди. Ҳудди шу каби масалалардан коррупцияга қарши курашиш, мамлакатимиз учун янги соҳа хисобланади.

Халқаро ҳамкорлик биз учун мухим ахамиятга эга. Агар бугунги кунда олдимизда турган кўплаб муаммоларни ҳал қилмоқчи бўлсак, бу салбий тенденцияни оркага қайтариш керак. Ҳамкорлик давлатларни мустаҳкамлайди ва ўз олдига кўйган максадларига эришишда ижобий натижа беради. Ёпиқлик уларни заифлаштиради, буни бир канча тарихий воқеалардан ҳам билиб олсан бўлади. Шуну алоҳида таъкидлашимиз жоизки, ёпиқлик мамлакатларни популизм ва авторитаризмга етаклаб, ич-ичидан емирилишига сабаб бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 июнданги ПФ-6013-сонли Фармонига асосан, Коррупцияга қарши курашиш агентлиги ташкил этилиб, коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш соҳасида давлат сиёсатини шакллантириш ва амалга ошириш, давлат органлари, оммавий ахборот воситалари, фуқаролик жамияти институтлари ва бошқа нодавлат сектор вакилларининг биргаликдаги самарали фаолиятини таъминлаш, шунингдек, мазкур соҳадаги халқаро ҳамкорлик учун масъул бўлган маҳсус ваколатли давлат органи этиб белгиланган.

Агентликнинг асосий вазифаларидан бири – Коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш соҳасида **халқаро ҳамкорликни** ривожлантириш ҳамда мамлакатнинг имижини мустаҳкамлаш ва унинг халқаро рейтинглардаги ўрнини ошириш бўйича тизимли чора-тадбирларни амалга ошириш хисобланади.

Бугунги кунда Агентлик куйидаги қатор ташкилотлар билан халқаро ҳамкорлик алокаларини йўлга кўйган:

- Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси;
- Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Тараккиёт дастурининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси (БМТ ТД);

---

<sup>106</sup> Манба. URL: <http://www.traceinternational.org/trace-matrix>.

– Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Гиёхванд моддалар ва жиноятчилик бўйича бошкармасининг Марказий Осиёдаги минтақавий ваколатхонаси (БМТ ГЖБ);

– Бирлашган Миллатлар Ташкилотнинг Болалар жамғармаси (UNICEF),

– Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг (OSCE)

Ўзбекистондаги лойиҳалар координатори идораси;

– Иқтисодий ҳамкорлик ва таракқиёт ташкилоти;

– Европа Иттифоқи делегацияси ваколатхонаси;

– Европа Кенгаши хамда АҚШ Давлат департаментининг наркотиклар ва хукукни кўллаш устидан назорат килиш Бюроси (INL);

– АҚШ Халқаро таракқиёт агентлиги (USAID);

– Жаҳон банки;

– Халқаро Валюта Фонди;

– Европанинг фирибгарликка қарши идораси (OLAF);

– Европа тикланиш ва таракқиёт банки;

– Германиянинг Конрад Аденауэр номидаги жамғармаси;

– Словениянинг “Минтақавий мулокот” халқаро нодавлат ташкилоти.

Халқаро ҳамкорлар дорасида Меморандумлар ва бошка халқаро келишувлар тузилмоқда. Хусусан, 2020 йил 7 декабряда Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга карши курашиш агентлиги ва Конрад Аденауэр номидаги жамғарманинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги Меморандум имзоланди.

Мазкур Меморандум доирасида халқаро мутахассисларни жалб килган холда долзарб мавзулар бўйича тренинг ва бошка тадбирлар ўтказиш, маълум соҳаларда коррупция хавфини аниклиш ва минималлаштириш мақсадида, тадқиқот ишлари олиб бориш ва аҳоли ўртасида сўровномалар ўтказиш каби масалалар қамраб олинган.

Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга карши курашиш агентлиги ва Конрад Аденауэр номидаги жамғарманинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси ўртасида имзоланган ҳамкорлик тўғрисидаги Меморандумни амалга ошириш юзасидан чора-тадбирлар Режаси ишлаб чиқилиб, 2021 йилнинг 13 февраль куни имзоланди.

2020 йил 31 марта куни Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга карши курашиш агентлиги ва Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Гиёхванд моддалар ва жиноятчилик бўйича бошкармасининг Марказий Осиёдаги Минтақавий идораси ҳамкорлигига 2021 йилда амалга ошириладиган тадбирлар Режаси имзоланди.

Мазкур режага асосан, Ўзбекистон Республикасида Коррупцияга карши кураш соҳасидаги сиёсат ва миллий конунчиликни такомиллаш-

---

тириш, коррупциянинг олдини олиш ва унга карши курашиш соҳасида мақсадли гурухлар салоҳиятини ошириш, Ўзбекистон Республикасининг БМТнинг Коррупцияга карши курашиш конвенциясида иштироки доирасидаги мажбуриятларининг бажарилишини таъминлаш ва жамиятда коррупцияга қарши муросасизлик маданиятини шакллантиришга йўналтирилган тадбирлар режалаштирилган.

### **13.4. Коррупцияни қабул килиш индексининг мазмун-моҳияти**

---

Corruption Perception Index (Коррупцияни қабул килиш индекси) – 1993 йилдан бери ўтказиладиган халқаро нодавлат ташкилоти мутахассислари томонидан турли мамлакатларда коррупцияни қиёсий баҳолаш учун ишлаб чиқилган кўрсаткичdir. Индекс – бу умумий коррупция даражасига кўра, давлатлар ва минтақаларнинг рейтингини таъминловчи кўрсаткич.

Ахолининг коррупцияга бўлган муносабатини ифодоловчи кўрсаткичи – бу маълум бир худудда яшовчи ахолининг 100 минг кишига тўғри келадиган, маълум бир даврда аниқланган коррупциявий хукуқбузарликларни содир этган шахслар сони билан тавсифланган коррупциявий холатларга чалинган жамиятнинг кўрсаткичидir.

Коррупцияни қабул килиш индекси эксперталар ва ишбилармон доираларнинг **давлат секторидаги** коррупцияга доир аниқ масалалар бўйича баҳоларини акс эттирувчи 13 манбалардан олинган маълумотларга асосланади. Уларга: Африка Тараккиёт банки, Bertelsmann Foundation, Economist Intelligence Unit, Freedom House, Global Insight, International Institute for Management Development, Political and Economic Risk Consultancy, The PRS Group, Inc, World Economic Forum, World Bank, World Justice Project каби манбалар киради. Юкорида кайд этилган **13 та манба** орасидан Ўзбекистон куйидаги **7** та рейтингда баҳоланади.

Баҳолар кўшилиб, ўртacha сони (Коррупцияни қабул килиш индекси) аниқланади, сабаби, маълум бир мамлакатда Коррупциянинг мутлак даражасини ўлчаб бўлмайди. Хар бир давлат юкоридаги манбалардан камида **3** тасида баҳолangan бўлиши лозим.

CPI юкорида таъкидлаб ўтилган индексларнинг куйидаги маълумотларидан ташкари, барча маълумотларини тахлил килади:

- фукароларнинг коррупция ҳакидаги тасаввурлари;
- солик фирибгарлиги;

## **Коррупцияни қабул қилиш индекси бўйича баҳолашдаги ахборот манбалари**

Bertelsmann Foundation Transformation Index;

Economist Intelligence Unit Country rating;

Freedom House Nations Transit Rating;

Country risk rating – Global Insight;

CPIA – World Bank;

Rule of Law Index – World Justice Project;

- ноконуний молиявий окимлар;

- коррупцияга имконият яратишга мойил бўлган шахслар (адвокатлар, бухгалтерлар, молиявий маслаҳатчилар ва бошқалар)дан олинган маълумотлар;

- пул ювиш ҳолатлари;

- хусусий сектордаги коррупция ҳолати;

- яширин иктисодиёт, кора бозорларга таалкукли маълумотлар.

**“Bertelsmann foundation transformation index”** – мамлакатларнинг демократия ва бозор иктисодиётига ўтиш жараёнларини тахлил қилади ва баҳолайди.

CPI мутахассислари ушбу индексдан кўйидаги саволларга берилган жавоблардан олинган маълумотларни баҳолайдилар:

**1-савол.** Ўз мансабини суистеъмол килган давлат мансабдорлари қай даражада жиноий жавобгарликка тортилади ёки жазоланади?

Баҳолаш: агар коррупцияга йўл кўйган мансабдор шахслар бунинг хукукий оқибатларини билиб содир этишган бўлса, 1 балл берилади. Аксинча, конунни бузган амалдорларга нисбатан катъий жазо чораси кўлланадиган бўлса, 10 баллгача берилади.

**2-савол.** Хукумат коррупцияга карши қай даражада муваффакиятли кураш олиб бормоқда?

Баҳолаш: агар хукумат коррупцияни жиловлай олмаётган бўлса ва комплаенс назорат хизматлари мавжуд бўлмаса, 1 баллдан паст

---

бахоланади. Аксинча, хукумат коррупцияга қарши курашда мувваффақиятли харакат қилаётган бўлса ва барча комплаенс механизмлари мавжуд ва самарали бўлса, 10 балл берилади.

**“The economist intelligence unit country report”** – дунё бўйлаб саноат хамда иқтисодий таҳлил ва бизнес юритиш учун прогнозлаштириш билан шуғулланувчи нодавлат ташкилот бўлиб, ҳар бир давлат учун йиллик хисобот эълон қилиб боради.

CPI мутахассислари ушбу индексдан қўйидаги саволларга берилган жавоблардан олинган маълумотларни баҳолайдилар:

- Давлат бюджети маблағларини тақсимлаш ва улардан фойдаланишни тартибга солувчи аниқ тартиблар ва жавобгарлик мавжудми?
- Давлат маблағлари вазирлар, давлат амалдорлари томонидан шахсий ёки партиявий сиёсий мақсадларда ўзлаштириладими?
- Хеч қандай хисобот берилмайдиган маҳсус фонdlар борми?
- Давлат ресурсларини суиистеъмол қилиш ҳолатлари мавжудми?
- Профессионал давлат хизмати борми ёки кўп сонли амалдорлар бевосита хукумат томонидан тайинланадими?
- Давлатнинг молиявий соҳаларини текширадиган мустақил орган борми?
- Вазирларни, давлат амалдорларини суиистеъмоллик учун суд қилиш хуқуқига эга мустақил суд тизими борми?
- Шартномалар ва алоҳида тартибда бериладиган имтиёзларга эга чиқиш учун пора бериш анъанаси борми?

Баҳолаш: баллар 0 дан (жуда кам, яъни коррупция даражаси жуда паст) 4 баллгача (жуда юқори) бўлган шкала бўйича бутун сонлар сифатида берилади.

**“Freedom House Nations Transit Rating”** – 0 баллдан 100 баллгача шкалада бир нечта суб индекслардан иборат демократия хисоби, демократия фоизини юритувчи рейтинг хисобланади.

CPI мутахассислари ушбу индексдан қўйидаги саволларга берилган жавоблардан олинган маълумотларни баҳолайдилар:

- Хукумат коррупцияга қарши самарали ташабbusларни амалга оширдими?
- Мамлакат иқтисодиёти давлатнинг ортиқча аралашувидан холими?
- Хукумат ортиқча бюрократик тартиб-қоидалар, рўйхатга олиш талаблари ва коррупция учун имкониятларни оширувчи бошқа назорат воситаларидан холими?

---

- Давлат амалдорларининг иқтисодий ҳаётдаги иштирокида жиддий чекловлар мавжудми?

- Жамиятда расмий коррупция ҳолатларига нисбатан муросасизлик намоён бўладими?

Баҳолаш: 1 дан 7 баллгача бўлган шкала асосида тузилади, 1 балл

- энг паст, 7 балл эса – энг юкори демократия даражасини билдиради.

**“IHS Global Insight”** – Бутун дунё бўйлаб 30дан ортиқ мамлакатларда бизнес вакилларига ўзининг макроиткисодиёт ва савдо соҳасидаги риск-анализ хизматларини кўрсатувчи ва 200 дан ортиқ давлатлар учун ҳар йиллик хавф-хатар рейтингини янгилашиб борувчи халкаро ташкилот ҳисобланади.

CPI мутахассислари ушбу индексдан қўйидаги саволларга берилган жавоблардан олинган маълумотларни баҳолайдилар:

Жисмоний шахслар, компаниялар йирик шартномалар тузишдан тортиб, кичик маҳсулотни импорт, экспорт қилиш ёки бизнесни юритиш учун керак бўлган ҳужжатларни олишга руҳсат беришгача бўлган ҳолатларда бизнес юритишига тўскинилк қилувчи порахўрлик ёки коррупциявий ҳолатларни таҳжил килади.

Баҳолаш: минимал 1,0 (максимал коррупция) дан 5,0 (минимал коррупция) гача ўзгариб туради ва ўртacha баллар ҳам кўйилиши мумкин (масалан, 3,5).

**“Жаҳон банкининг давлат сиёсати ва институционал ривожланиши рейтинги (World bank CPIA)”** – Жаҳон банкининг иқтисодий ўсиш ҳамда давлат сектори самарадорлигини баҳолаб борувчи ҳар йиллик рейтинги ҳисобланади. Мазкур рейтинг “1” баллдан (салбий) “6” баллгача бўлган шкалада баҳоланади ҳамда 8 та суб-рейтингларга бўлинади.

CPI мутахассислари ушбу индексда берилган саволларга жавоблардан олинган маълумотларни баҳолайдилар.

Коррупциянинг энг кенг таркалган шакли – бу маҳсус тўловлар (импорт ва экспорт лицензиялари, солиқларни ҳисоблаш, ҳуқуқни ҳимоя қилувчи органларнинг ҳимояси ёки кредит олишдаги ҳолатлар)да пора талаб қилиш шаклидаги коррупцияни баҳолайди.

Баҳолаш: 0 балл (энг юкори хавф) дан 6 (энг паст хавф) баллгача бўлган шкала бўйича берилади. Ярим балл ҳам бўлиши мумкин. Ойлик рейтинглар оддий ўртacha кўрсаткич ёрдамида умумлаштирилиб, умумий баллни ҳосил килади.

---

**“Жаҳон одил судлов лойиҳаси ҳалқаро ноҳукумат ташкилотининг ҳуқуқ устуворлиги индекси (Rule of law index of WJP)”** – Мустақил ва нотижорат ҳалқаро ташкилотнинг конун устуворлиги ва тенгликни таъминлашга қаратилган лойиҳаларидан бири хисобланади.

CPI мутахассислари ушбу индексдан куйидаги саволларга берилган жавоблардан олинган маълумотларни баҳолайдилар:

**Коррупциянинг мавжуд эмаслиги бўйича:**

- Мутахассисларга давлат мансабларидан шахсий манфаат йўлида кай даражада фойдаланаётгани юзасидан жами 53 та савол берилади. Бу саволлар ҳукуматнинг турли соҳаларига, жумладан, соғлиқни сақлаш, назорат қилувчи идоралар, судларга тегишилдирир.

- Ижроия ҳокимиятидаги давлат мансабдор шахслари давлат ҳокимият мансабларидан шахсий манфаатлари учун фойдаланадиларми?

- Назорат қилувчи органлар, ҳарбий хизматчилар давлат ҳокимият мансабларидан шахсий манфаатлари учун фойдаланадиларми?

- Конун чиқарувчи ҳокимиятдаги давлат мансабдор шахслари давлат ҳокимияти мансабларидан шахсий манфаатлари учун фойдаланадиларми?

Хисоб-китобларда факт эксперталарнинг фикрлари инобатга олинади. Битта балл яратиш учун тўртта кичик кўрсаткич ўртача хисобланади.

Баҳолаш: Баллар энг паст 0 дан юқори балл 1 гача бўлган доимий шкала бўйича берилади.

**“Демократия турлари (навлари) (В-дем)”** – Демократияни тарғиб қилиш ва ўлчаш учун янги, кўп ўлчамли рейтингларни тақдим этувчи ҳалқаро ташкилот. Мазкур рейтинг мамлакатларни “0.00” баллдан “1.00” баллгacha шкалада баҳолайди. Мазкур рейтинг 6 та суб рейтинглардан иборат бўлиб, 2021 йил хисоботида Ўзбекистон улардан 3 тасида (либерал демократия индекси, либерал компонентлар индекси, консуль татив компонентлар индекси) юқорилашга эришди.

CPI мутахассислари ушбу индексдан куйидаги саволларга берилган жавоблардан олинган маълумотларни баҳолайдилар:

**Сиёсий коррупция қанчалик кенг тарқалган?** – сиёсий соҳанинг турли бўғинлари ва даражаларини қамраб олувчи, конун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд тизимидағи коррупциявий ҳолатларни ажратиб кўрсатадиган

---

олти хил турдаги коррупция күрсаткычларини камраб олишини юкорида хам таъкидлаб үтган эдик.

Баҳолаш: 0 (энг паст коррупция даражаси) баллдан 1 (энг юкори коррупция даражаси) баллгача бўлган доимий шкала бўйича берилади.

### **Назорат саволлари:**

1. Халкаро рейтинглар деганда нимани тушунасиз?
2. Халкаро рейтинглар қандай мақсадда тузилади?
3. Ўзбекистон Республикасининг халкаро рейтинглардаги ва алоҳида таркибий индикаторлардаги ўрнини яхшилаш нималарга боғлиқ?
4. Ўзбекистон Республикаси қайси халкаро коррупцияга қарши курашиб ташкилотлари билан хамкорлик қиласди?
5. Коррупцияни кабул қилиш индексининг мазмунини тушунтириб беринг.
6. Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиб агентлиги коррупцияга қарши курашиб бўйича қайси халкаро ташкилотлари билан хамкорлик қиласди?
7. Коррупцияни кабул қилиш индекси қайси манбалардан олинган маълумотларга таянади?

## XIV БОБ. ИҚТИСОДИЙ ҲАМКОРЛИК ВА РИВОЖЛANIШ ТАШКИЛОТИНИНГ ИСТАНБУЛ ҲАРАКАТЛАР РЕЖАСИ

### 14.1. Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилотининг Истанбул ҳаракатлар режаси мазмуни ҳамда вазифалари

Коррупция давлат ва жамият тараққиёти учун жиддий хавф-хатарлардан бири хисобланади. Бугунги даврда ҳеч бир давлат коррупциядан холи эмас. БМТ Тараккӣёт дастурида жаҳон иқтисодиёти айнан коррупция ҳолатлари туфайли йилига 2,6 триллион АҚШ доллари миқдорида маблағ йўқотаётганини, жамият тараққиётининг энг хавфли кушандасига айланган бу иллатга карши фактат биргаликда кураш олиб боришина кутилган самарани бериши таъкидланган.

Шубҳасиз, давлат хизматчилари томонидан порахӯрлик, мансаб мавқеини сунистехмол қилиш билан боғлиқ жиноятлар содир этилиши давлат ҳокимиятининг обрӯсизланишига, давлатнинг сиёсий, иқтисодий, хуқуқий тизимиға путур етишига, натижада, амалдаги ҳокимиятга нисбатан норозиликка сабаб бўлади. Бошқача айтганда, муайян давлатда коррупциянинг ривожланиши ўша давлатнинг иқтисодий-маънавий таназзулига, халқаро майдонда обрӯ-эътиборининг сусайишига олиб келади.

Жаҳон ҳамжамиятида турли тараққиёт дастурлари бўйича ҳамкорлик асосида катор халқаро ташкиллар фаолияти йўлга кўйилган. Шулардан бири бўлган Иқтисодий Ҳамкорлик ва Тараккӣёт Ташкилоти – Европадаги давлатлар бирлашмаси халқаро ташкилот хисобланниб, давлат ва жамият ҳаётининг турли соҳалари, хусусан, иқтисод, молия, давлат бошқаруви, сиёсий институтлар, ижтимоий ривожланиш ва бошка соҳалар бўйича ҳамкорлик асосида тарккиётни максад килган. Мазкур халқаро ташкилот 1948 йилда АҚШ ташаббуси билан Европани тиклаш бўйича Америка иқтисодий ва молиявий ёрдамини (Маршалл режаси) оқилона ишлатиш ва шу ёрдамни оладиган Европа мамлакатлари билан ҳамкорлик қилиш мақсадларида тузиленган. Европа иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти мазкур вазифаларни амалга ошириш нуктаи назаридан во-рис сифатида фаолият бошлаган. Бу ташкилотни тузиш тӯғрисида Конвенция 1960 йилнинг 14 декабрида Парижда имзоланиб, 1961 йилнинг 1 октябридан кучга кирган. Ташкилотнинг доимий вакиллари сифатида: Австралия, Австрия, АҚШ, Бельгия, Буюк Британия, Нидерландия, Греция,

---

ГФР, Дания, Ирландия, Исландия, Испания, Италия, Канада, Люксембург, Норвегия, Португалия, Турция, Франция, Финляндия, Швейцария, Швеция, Япония, Янги Зеландия каби давлатларни кўрсатиш мумкин.

Расмий жихатдан ташкилот шартномани имзолаган мамлакатларда иктисадий ўсишни таъминлаш, иктисадиётни юксалтириш ва ахоли турмуш даражасини яхшилаш, молиявий барқарорликни саклашни назарда тутади. Ташкилотга аъзо давлатлар ривожланаётган мамлакатларга ёрдам кўрсатиш, давлатлар минтакасида аъзо давлатлар сиёсатини мувофиқлаштириш йўли билан иктисадий ва ижтимоий барқарорликни таъминлашга хисса қўшадилар. Ташкилот фаолиятига ташкилотда қатнашувчи мамлакатларнинг вакилларидан иборат Кенгаш раҳбарлик қиласи. Ташкилот идораси Франция пойтахти – Париж шахрида жойлашган.

Юкрида айтиб ўтганимиздек, ташкилот турли тармоқларда фаолият юритади. Айнан улардан бири сифатида Истанбул ҳаракатлар режасини кўрсатиш мумкин. Коррупцияга қарши курашиш тармоғига қаратилган мазкур ҳаракатлар режаси саккизта иштирокчи давлат ўртасида ўзаро баҳолаш ва мониторинг дастурини ўз ичига олади.

Арманистон, Озарбайжон, Грузия, Россия, Тожикистон ва Украина 2003 йил сентябрда Истанбулда ташаббусга кўшилган. Кейинчалик унга Кирғизистон (2003), Қозоғистон (2004), Ўзбекистон (2010) ва Мұғалистон (2014) давлатлари кўшилган.

Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш бўйича Истанбул ҳаракатлар режасига 2010 йил март ойида кўшилган. Унинг максади – бўлиб мамлакатларга коррупцияга қарши курашиш бўйича миллий конунчиликни ва институтларни бу соҳадаги халқаро стандартларга мувофиқлаштиришда кўмаклашиш хисобланади.

Истанбул ҳаракатлар режаси доирасида нафакат коррупцияга қарши курашиш ва жавобгарликка тортиш, балки ижтимоий-иктисадий ривожланиш соҳасига оид барча масалалар (давлат харидлари, маъмурий тартиб-таомиллар, ички аудит, ижтимоий сўровлар, хукукий онг ва маданиятни ривожлантириш, шаффоғлиқ, ахборотга эга бўлиш, маълум соҳаларда коррупцияга қарши курашиш, давлат ва фуқаролик жамияти институтлари ўртасидаги муносабатлар ва бошқа)ни кўриб чиқади.

Истанбул ҳаракатлар режасига аъзо миллий хукуматлар, фуқаролик жамияти институтлари, халқаро ташкилотлар ва донор агентликлар томонидан 1998 йил октябрь ойида “Ўтиш даври иктисадиётида коррупцияга қарши кураш” мавзусида семинар ташкил этилган (Истанбул, Турция). Мазкур семинарда EXXT ва УСАИД томонидан қабул килинган

Харакатлар режасининг асосий мақсади – минтақада коррупцияга қарши курашиш соҳасида тажриба алмашиш, ўзаро ўрганиш ва илғор тажрибаларни ривожлантиришни қўллаб-куватлаш эканлиги қўрсатиб ўтилган. Шундан келиб чиқкан холда турли конференция ва семинарлар ташкил этиш фаолиятнинг асосий йўналишларидан бири хисобланади.

Хулоса қилиб айтганда, коррупциянинг олдини олиш воситаларининг аксарияти мустақил бир давлат томонидан хал қилинмайди. Аксинча, улар давлат бошқаруви ва меъёрий-хукукий ислохотларнинг ажралмас кисми бўлиб, давлат институтларининг шаффоғлиги ва хисобдорлигини оширишга қаратилган ва бу жараёнлар ўзаро тавсия, тажриба, мониторинг ва назорат орқали хамкорикда таъминланади.

## **14.2. Истанбул харакатлар режаси мониторинги йўналишлари ва натижалари**

Истанбул харакатлар режаси минтақа мамлакатларида коррупциянинг олдини ллиш ва бу борада хамкорликни амалга оширишга қаратилган. Айнан унинг турли йиллик ва бир неча йилларга мўлжалланган дастурлари асосида харакатлар амалга оширилади. Истанбул харакатлар режасининг асосий функцияларидан бири мониторинг хисобланиб, илгари сурилган фикр ва ўрганишлар, тавсияларни мамлакатлар томонидан қандай амалга оширилганлиги кузатилади, мониторинги олиб борилади.

### **Истанбул харакатлар режаси бўйича қўлланиладиган мониторинг йўналишлари:**

Умумий маълумот;

Шарқий Европа ва Марказий Осиёда коррупция;

Коррупцияга қарши сиёsat ва институтлар;

Коррупцияни жинойлаштириш;

Коррупциянинг олдини олиш чора-тадбирлари;

Шарқий Европа ва Марказий Осиёда Коррупцияга қарши курашиш бўйича Истанбул харакатлар режаси тармоғининг аҳамияти.

---

Истанбул харакатлар режаси доирасида олиб бориладиган барча ислохотлар юқорида санаб ўтилган мониторинг фаолияти йұналишларыга мувофиқ ҳолда олиб борилади. Бугунғи күнга қадар амалға оширилған фаолият йұналишлари хар хил босқичларни үз ичига олиб, улар турли даврларға бўлинади.

Қайд этиш керакки, мониторингнинг биринчи босқичи 2004–2007 йиллар оралиғида ўтказилди. Ушбу даврда амалға оширилған ислохотлар Шарқий Европа ва Марказий Осиёда коррупцияяға қарши ислохотлар – тараққиёт ва муаммолар масалаларига қаратилған. Айнан бу даврда амалға оширилған чора-тадбирлар Истанбул харакатлар режаси доирасидаги фундаментал тадқиқотларга, коррупция соҳасидаги амалдаги ҳолат ва мавжуд муаммоларни аниқлашга қаратилғанлиги билан характерланади.

Мониторингнинг биринчи босқичида Котибият томонидан хар бир мамлакат учун тайёрланған тавсияларнинг мамлакатлар кесимида ба жарилиши индивидуал сұровномаларга асосан ўрганилған. Тармоқ эксперпт гурухлари жавобларни таҳлил қилиб, қўшимча маълумот тўплаш учун мамлакатларга ташриф буюради. Сұровномага берилған жавоблар ва ташриф давомида тўплланған маълумотлар асосида эксперктлар томонидан мониторинг хисоботлари лойихалари, жумладан, тавсияларнинг бажарилиш даражаси (тўлик бажарилған, деярли ёки қисман бажарилған ва бажарилмаган) ўрганилған. Қайд этиш керакки, мониторинг хисоботлари лойихалари ялпи мажлисларда мухокама қилиш ва тасдиқлаш учун тақдим этилади. Мониторингнинг биринчи босқичи бўйича якуний хисобот 2008 йилда нашр этилган.

Иккинчи давра мониторинги 2008-2012 йиллар оралиғида бўлиб ўтди. Мазкур босқич Шарқий Европа ва Марказий Осиёда коррупцияяға қарши курашиб соҳасида олиб борилған ислохотлар таҳлили ва якунлари бўйича тавсиялар ишлаб чиқишга қаратилған. Мониторингнинг иккинчи босқичида дастлабки кўриб чиқишидан сўнг берилған тавсиялар мамлакат томонидан қай даражада амалға оширилғанлиги яна бир бор кўриб чиқилған.

Мазкур босқичда харакатлар режаси учта янги элементни үз ичига олганлиги билан характерланади:

БМТнинг Коррупцияяға қарши конвенциясида белгиланған меъёрларга асосланған стандартларга қай даражада мувофиқлик мониторинги;

хужжатларни кўриб чиқиш ва тегишли тадқиқот обьекти бўлған мамлакат идоралари сайтига ташрифлар асосида мониторинг;

мониторинг якунида Котибият кабул килинган тавсияларни амалга оширишда мамлакатларга ёрдам бериш мақсадида бевосита ташрифлар уюштириш. Юкоридаги мезонлар ва тадбирлар асосида ўтказилган иккинчи босқич якуний хисоботи 2013 йилда эълон қилинган.

Мониторингнинг учинчи босқичи 2013-2015 йиллар оралиғида бўлиб, 2013-2015 йиллардаги ислоҳотларни ва олдинги босқичларда берилган тавсиялар натижаларини сархисоб қилишга қаратилган. Мониторингнинг учинчи раундини ўтказишдан кўзланган мақсад иштирокчи давлатлар томонидан коррупцияга карши кураш бўйича халқаро нормалар ва илғор тажрибаларга риоя этилишини рағбатлантиришдан иборат бўлиб, иккинчи босқичда кабул қилинган коррупцияга карши чоратадбирлар ва тавсияларни амалий жихатдан амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилган. Мамлакат учун маҳсус сўровномалар, сайтларга ташрифлар, ишлаш рейтинги хисоботларини тасдиқлаш ва бошка чоратадбирлар назарда тутилган мазкур давр якуний хисоботи 2016 йилда тасдиқланган.

Мониторингнинг тўртинчи босқичи 2016-2019 йилларни ўз ичига олиб, Шарқий Европа ва Марказий Осиёда 2016-2019 йиллардаги коррупцияга карши ислоҳотлар ва муаммолар ҳамда уларнинг натижалар таххилини ўз ичига олади.

#### **Мониторингнинг 4-раундини ўтказишда қуйидаги масалаларга алоҳида эътибор қаратилган:**

- |  |
|--|
| - мониторингнинг олдинги босқичидаги асосий тавсияларни амалга ошириш бўйича кўрилган чора-тадбирлар ва муваффакият ёки муваффакиятсизликка олиб келган сабабларни чукур таххил қилиш; |
| - коррупцияга карши кураш сиёсати ва профилактика чоратадбирларининг амалга оширилишини таххил қилиш;  |
| - амалий харакатлар ва уларнинг оқибатларига алоҳида эътибор қаратган холда самарадорликни баҳолаш;  |
| - мавжуд холатлар ва статистик маълумотларга асосан коррупцияга карши конунларни қўллаш бўйича аник таклифлар ишлаб чикиш.   |

Мониторингнинг бешинчи раунди 2020 йилда бошланган ва 2021-2022 йилларда ҳам давом этади. 5-раундда мамлакатлар бўйлаб стандартлаштирилган, изчил ва шаффоф баҳолаш учун асос сифатида кабул қилинган 13 та самарадорлик соҳаси ва кўрсаткичлари таххил қилинади.

---

Юкорида кайд этиб ўтилганидек, фаолият йўналишлари турли масалаларга қаратилган. Фаолият йўналишларининг асосий хусусиятларини таҳдил қилган ҳалда айтиш мумкинки, умумий маънода, Шарқий Европа ва Марказий Осиё мамлакатлари дунёдаги коррупциялашган минтақалар каторига киради. Собик совет давлатларида коррупция айникса юкори бўлган. Кўпгина сиёсатчилар мазкур минтақаларда коррупция кенг тарқалганини кайд этиб, унга карши курашиш учун ўзларининг хошиш иродаларини эълон қилдилар. Бирок, кўпинча, бу декларатив келишувлар, расмий макомда бўлиб, уларнинг ижросида муаммолар бўлган ҳамда натижаларга салбий таъсир кўрсатган.

Истанбул ҳаракатлар режасининг Шарқий Европа ва Марказий Осиёда коррупция фаолият йўналишида Шарқий Европа ва Марказий Осиё мамлакатлари ҳаётининг барча жабҳаларига коррупция кириб борганилиги кайд этилган. У, асосан, фуқаролар, корхоналар ва давлат бошқаруви органлари, шунингдек, юкори даражадаги амалдорлар ва сиёсатчилар ўртасидаги ўзаро муносабатларда кенг тарқалган. Шунуктаи назардан мазкур ҳаракатлар режаси минтақаларда коррупцияга карши курашишнинг сиёсий асоси бўлиб хизмат килмоқда.

Коррупцияга қарши сиёsat ва институтлар фаолият йўналишида эса кабул килинган Коррупцияга карши стратегия мухим аҳамият касб этади. Муаммоларни таҳдил килиш, вазифаларни белгилаш, асосий ҳаракат йўналишларини (масалан, коррупциянинг олдини олиш) белгилаш ҳамда уларни амалга ошириш мазкур дастурий ҳужжат асосида амалга оширилади.

Коррупция даражаси юкори бўлган мамлакатлarda коррупцияга карши маҳсус давлат сиёсатининг мавжудлиги мухим аҳамият касб этади. Бу борада давлат сиёсати стратегия ёки дастур кўринишида кабул килиниб, аниқ белгиланган устувор йўналишларни ўз ичига олади. Коррупцияга қарши курашишнинг таҳлилий асослари мазкур фаолият йўналишида амалга оширилади. Коррупцияга қарши курашиш чораларида жамоатчиликнинг иштироки, фаолиятга нодавлат нотижорат ташкилотларни кенг жалб этиш масалалари амалга оширилади.


Ҳаракатлар режаси дастурига асосан, стратегияни амалга ошириш: раунд, мониторинг, тармоқ ва режалар асосида олиб борилади. Бугунги кунга қадар Ҳаракатлар режасининг 4-раунд мониторинги якунланниб, унга асосан ишлаб чиқилган тавсиялар асосида 5-раунд доирасида ҳаракатлар амалга оширилмоқда. Стратегия ва ҳаракат режалари аъзо давлатларнинг парламенти, президентлари ёки ҳукумат раҳбарлари томонидан миллий сиёsat сифатида кабул қилиниши мумкин. Умимиy

---

маънода, Истанбул ҳаракатлар режаси доирасидаги ғоялар, тавсиялар стратегия асосида амалга оширилади. Улар хукумат ва бошқа манфаатдор ташкилотлар томонидан ўз саъй-ҳаракатларини сафарбар килиш, сиёsatни ишлаб чиқиш орқали коррупция омилларини минималлаштиришга каратилади.

Коррупцияни жиноийлаштириш, унинг турли кўринишларини жиноят конундида хукубузарлик сифатида эътироф этиш, Истанбул ҳаракатлар режаси дастури фаолият йўналишининг асосий кретерияси хисобланади. Шаркӣ Европа ва Марказий Осиёда Коррупцияга карши курашиш бўйича Истанбул ҳаракатлар режасига аъзо мамлакатлар ўзларининг хукукий нуқтаи назардан, тарихий ривожланиш тажрибасига эга. Ўз хукуқ тизимида, тегишли конунларида коррупция ва унинг турли кўринишларини жиноят сифатида баҳолаб, жазо механизмларини белгилаган. Ўзининг хукукни муҳофаза килиш, адлия, суд фаолиятига эга. Лекин айрим давлатларда хукукий сиёsatни шакллантиришда, жиноят қонунчилигини мазмунли ислоҳ килишда камчиликлар мавжуд. Шу сабабли Ҳаракатлар режаси тармоғида турли тавсияларни ишлаб чиқиш, соҳага замонавий стандартларни татбик этиш фаолиятнинг асосий йўналиши хисобланади. Бундан ташқари, коррупциянинг олдини олиш чора-тадбирлари масаласига дастурда алоҳида ўрин ажратилган.

**Профилактик чора-тадбирлар хилма-хил масалаларни қамраб олиб, ҳаракатлар режасидаги қуидагиларни алоҳида кўrsatiш мумкин:**



Шаркий Европа ва Марказий Осиёда Коррупцияга карши курашиш бўйича Истанбул харакатлар режаси минтақада коррупция омилларини бартараф этишда катта ахамият касб этади.

Мазкур фаолият йўналиши OECD, Европа Кенгashi ва БМТнинг коррупцияга карши конвенцияларида белгиланган халқаро стандартларни ўзида имплементация қилиш характеристи билан изоҳланади. Жиноят конунчилигида юридик шахсларнинг жавобгарлиги, номоддий пора элементлари, коррупция натижасида олинган мол-мулкларни мусодара қилиш, мол-мулк ва даромадларни декларация қилиш тўғрисидаги конун нормаларини бузганлик учун жавобгарлик чораларини белгилаш шулар жумласидан.

Мониторинг натижаларига кўра, мазкур йўналиш бўйича амалга оширилиши керак бўлган фаолит йўналишлари хам белгилаб берилган бўлиб, улар тоифасига куйидагиларни киритиш мумкин:

- мансаб, обрўйидан фойдаланганлик учун жавобгарлик (*Trading in influence*<sup>107</sup>);

- юридик шахсларнинг жавобгарлиги;

- жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш жиноятларининг таркибини қайта кўриб чикиш;

- пораҳўрлик жиноятлари билан боғлиқ ҳаракатларни жиноийлаштириш (*UNCAC*<sup>108</sup>);

- ноконуний бойиш;

- БМТнинг Коррупцияга қарши конвенциясига мувофиқ мулкларни мусодара қилиш ва ундириш хамда тегишли шахслардан дахлсизликни олиб ташлаш тартибига оид коидаларни қайта кўриб чикиш тавсия этилади.

Шунингдек, ҳисоботда Жиноий ҳукукбузарликлар бўйича халқаро ҳамкорлик тўғрисидаги Жиноят процессуал кодексининг қоидаларини кенгайтириш ёки алоҳида конун билан тартибга солиш тавсия этилади.

Баҳолаш жараёнлари барча соҳаларни бирдек қамраб олиш имконияти бўлмаганлиги сабабли, маълум бир соҳа танлаб олинади хамда ўрганиш ишлари амалга оширилади. Хусусан, мамлакатимизнинг **солик, банк, таълим** ва бир қатор соҳалари ўрганилиб, тавсиялар 2019 йилги нашр<sup>109</sup>да берилган.

<sup>107</sup> Манбаа. URL: <https://www.oecd.org/corruption/acn/istanbul-action-plan.html>

<sup>108</sup> Қаранг. United Nations Convention against Corruption – 15,16,21 articles.

<sup>109</sup> OECD, ACN-Uzbekistan-4th-Round Monitoring Report, 2019.

---

Хулоса килиб айтганда, Истанбул ҳаракатлар режаси фаолият йўналишлари ва турли даврлар кесимида олиб борилаётган мониторинг натижалари коррупцияга карши кураш сиёсатини такомиллаштириш, профилактика ва ҳукуқни муҳофаза килиш фаолиятини ўрганиш ва камчиликларни кайта кўриб чикиш имконини бермоқда.

### **14.3. Истанбул ҳаракатлар режаси мониторинги 4-раунди натижалари бўйича белгиланган вазифалар**

---

Истанбул ҳаракатлар режасининг 4-раунди 2016-2019 йилларни ўз ичига олган. Айнан мазкур босқичларда амалга оширилган ислоҳотлар, мониторинг ва ўрганишлар ҳамда уларнинг натижаларини мухокама килиш аъзо давлатлар иштироки ва улардан бирининг мезбонлигига ўтказилади. Ҳусусан, тўртинчи раунд натижалари бўйича мухокамалар – Озарбайжон, Армения, Грузия, Козоғистон, Қирғизистон, Тоҷикистон ва Украина иштирокида, 2018 йилнинг декабрида Ўзбекистон ва Монголия давлатлари мезбонлигига ўтказилган.

Мониторингнинг 4-раунди доирасида амалдаги коррупциянинг олдини олиш бўйича ҳукуқий сиёсат, амалий натижалар ва олдинги раунд тавсияларининг бажарилганлик холатлари ўрганилган. Ўзбекистон Республикасида 4-раунд доирасида куйидаги йўналишларда фаолият олиб борилган:

- коррупцияга карши сиёсат;
- коррупциянинг олдини олиш;
- коррупция учун жиноий жавобгарлик ва унинг кўлланиши;
- алоҳида соҳаларда коррупциянинг олдини олиш ва солиқ маъмурияти.

Мониторинг якунлари бўйича ишлаб чиқилган хисоботда Ўзбекистонда коррупцияга карши курашнинг сўнгги тенденциялари таҳлил килингани ва баҳоланганилиги қайд этилган. Таъкидланганидек, кўп йиллар давомида биринчи марта мамлакатимизда кўплаб соҳаларда коррупциянинг олдини олиш бўйича ислоҳотлар бошланган. Лекин хисоботда бошланган ишлар ижобий баҳоланиб, натижалар хали етарли эмаслиги, шунингдек айрим соҳаларда коррупцияга қарши курашиш билан боғлиқ ишларга танқидий баҳо берилган. Қонунчилик ва ҳукуқни кўллаш амалиётини тубдан ўзgartиришга каратилган катор батафсил ва аник тавсиялар қайд этилган.

Иктиносидий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти Котибияти томонидан коррупцияга карши курашишнинг Истанбул ҳаракатлар ре-

жаси мониторинги 4-раунди доирасида, Ўзбекистон бўйича ҳисоботи Тармоқнинг 2019 йил 21 мартағи ялпи мажлисида қабул қилинган. Ҳисоботда Ўзбекистонда 3-раунд мониторинги якуни бўйича тавсияларининг бажарилиши ва коррупцияга карши курашишни кучайтиришга оид тахлилий маълумотлар кайд этилган.

4-раунд мониторинги давомида 3-раундда берилган тавсияларнинг бажарилганлик ҳолатлари тахлили ҳам амалга оширилган:

3-раунд тавсиялари	Тавсияларнинг бажарилиш ҳолати			
	Тўлиқ	Деярли	Қисман	Бажарилмаган
Коррупцияга қарши сиёsat		+		
Коррупцияга қарши тадқиқотлар	+			
Коррупцияга карши ўқитиш ва тарбиялаш, фукаролик жамиятининг иштироқи	+			
Коррупцияга қарши сиёsat ва коррупциянинг олдини олиш бўйича ихтисослаштирилган муассасалар		+		
Коррупцияни жиноийлаштириш (жиноий хукуқбузарликлар ва уларнинг элементлари, коррупция жиноятларининг субъектлари)				+
Коррупцияни жиноийлаштириш (тренинг)		+		
Мусодара			+	
Мусодара		+		
Мулкни қайтариш				+
Дахлсизлик				+
Халқаро ҳамкорлик				+
Тезкор-қидирув тадбирлари		+		
Хукуқни муҳофаза қилиш органларининг ихтисослашуви, молиявий текширувлар, статистик маълумотларга кириш				+

Давлат хизматида ҳалоллик			+	
Давлат хизматида ҳалоллик		+		
Маъмурий тартиб-коидалар, коррупцияга карши экспертиза		+		
Давлат молиявий назорати ва аудити	-	-	-	-
Давлат ҳаридлари		+		
Маълумотларнинг очиқлиги			+	
Маълумотларнинг очиқлиги			+	
Сиёсий коррупция	-	-	-	-
Суд ҳокимиятининг ҳалоллиги			+	
Бизнес соҳасида ҳалоллик	+			

Бундан ташкари, мониторинг жараёнида асосий эътибор коррупцияга карши курашибга оид сиёsat, коррупциянинг олдини олиш ва коррупцияга оид жиноятлар учун жиноий жавобгарликка тортишга қаратилган. Илк маротаба хисботда солиқ соҳасидаги коррупция хавфларининг чукур тадқикотлари хам киритилган.

Мониторинг натижасига кўра, Ўзбекистон барча тавсия (жами 21 та) бўйича прогресс мавжудлиги рейтингига эришди, шундан 3 та тавсия тўлиқ бажарилган, 8 таси деярли бажарилган, 10 тасининг қисман бажарилишига эришилган. Тъкидлаш жоизки, тавсияларнинг бирор-таси бўйича “бажарилмаганлик” салбий рейтинги кўйилмади, бу эса, Ўзбекистоннинг Истанбул харакатлар режасидаги энг яхши натижасидир.

Шу билан бир каторда, мавжуд муаммо ва камчиликлардан келиб чикиб, катор тавсиялар хам назарда тутилди. Бу эса, Ўзбекистон олдига кейинги йилларда бажарилиши керак бўлган вазифалар доирасини белгилаб беради.

Таркибида бир нечта масалаларни ўз ичига олган жами 47 та янги тавсиялар умумий жихатдан куйидаги боб ва бўлимларни ўз ичига олган:

- Коррупцияга карши сиёsat;
- Коррупциянинг олдини олиш;
- Давлат хизматида ҳалоллик;
- Сиёсий амалдорларнинг ҳалоллиги;
- Суд ва прокуратура хизматининг (прокуратура) ҳалоллиги;

- 
- Давлат секторида маъмурий тартиб-коидалар, ҳисобдорлик ва шаффофоник;
  - Давлат харидларида ҳалоллик;
  - Очик ва ҳалол бизнес муҳитини таъминлаш;
  - Коррупцияни жиноят суфатида белгилаш ва амалиётга татбиқ этиш;
  - Ўзбекистон Республикаси солиқ маъмуриятчилигига коррупциянинг олдини олиш ва жиноий жавобгарликка тортиш.

Шунингдек, Иктиносий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилотининг Шарқий Европа ва Марказий Осиё давлатлари учун Коррупцияга қарши курашиш Истанбул ҳаракатлар тармоғининг 4-босқич мониторинги давомида Ўзбекистонга коррупцион ҳолатлар билан шуғулланувчи ҳуқуқни муҳофаза килиш органларининг тезкор ва таркибий мустакиллигини таъминлаш чораларини кўриш, шунингдек, марказий Коррупцияга қарши кураш бўйича мувоғиқлаштирувчи органнинг салоҳияти ва ихтисослигини кучайтириш билан боғлиқ тавсиялар ҳам назарда тутилган.

Шу билан бир қаторда, Коррупцияга қарши курашиш бўйича Истанбул ҳаракатлар режаси мониторинги 4-раунд натижалари юзасидан Иктиносий ҳамкорлик ва тараккиёт ташкилотининг 29-тавсияси асосида коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар тўғрисида ахборот бераётган шахсларни ҳимоя қилишининг самарали механизмларини жорий этиш белгиланган.

Бундан ташкири, Истанбул ҳаракатлар режаси мониторинги 4-раунд натижаларига кўра, Коррупцияга қарши сиёsat доирасида қилиниши керак бўлган куйидаги вазифалар ҳам белгиланди:

- коррупцияга қарши курашиш бўйича янги давлатсиёсати ҳужжатини ишлаб чикиш ва қабул қилиш, унинг мамлакатдаги коррупция даражасига таъсирининг устувор йўналишлари ва кутилаётган натижаларини белгилаб бериш;
- ушбу ҳужжатни вазият, мақсад ва эҳтиёжларнинг ўзгаришини инобатга олган ҳолда мунтазам равишда кўриб чикиш ва янгилаш;
- хатарлар ва эҳтиёжлардан келиб чиккан ҳолда миллий, идоравий ва маҳаллий даражада ҳаракат режаларини ишлаб чикиш ва амалга ошириш;
- мониторинг тизимини такомиллаштириш, фуқаролик жамияти, бизнес ҳамжамиятлари, илмий доира вакиллари, халқаро ҳамкорлар ва донорларни жалб килишни давом эттириш;
- коррупцияга қарши тадқиқотларни кенгайтириш ва давом эттириш;
- коррупцияга қарши кураш сиёсатини ишлаб чикишда, унинг монито-

---

ринги ва коррупцияга карши кураш чораларининг таъсирини баҳолашда коррупцияга карши тадқиқот натижаларидан фойдаланиш;

- аҳолини хабардор килиш ва коррупцияга карши таълим кампанияларини ташкил килиш, бузилган хукукларни химоя килиш, мамлакатда амалга оширилаётган ислохотлар натижасида инновацион ечимларга алоҳида эътибор қартишга асосланган чора-тадбирларни ишлаб чиқишида комплекс ва стратегик ёндашувларни таъминлаш;

- фуқаролик жамиятини коррупцияга карши курашиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш жараёнига жалб қилишни яхшилаш, шаффоғ ва холис мезонлар асосида сифатли қайта алокани таъминлаш ҳамда уларни давлат органлари фаолиятига жалб этиш механизmlарини аниқ белгилаш. Шунингдек, турли нодавлат сектор вакилларининг тенг хукуклигини, уларнинг ресурслари ва малакасини, нодавлат секторининг вакиллигини, даврий алмашинувини, қарорлар кабул килишда мазмунли таъсир кўрсатишини таъминлаш;

- коррупцияга карши сиёsatни мувофиқлаштириш ва мониторинг килиш учун масъул бўлган органларнинг самарали ва мустакил фаолияти учун зарур бўлган инсон капитали ва молиявий ресурслар билан таъминлаш.

Юкорида кайд этилган тавсиялар ва бугунги кунда Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаётган хукукий ислохотлар келажакда Ўзбекистон олдига коррупцияга карши курашиш соҳасида амалга оширилиши зарур бўлган вазифаларни белгилаб беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 июнданги “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга карши курашиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-6013-сон Фармонида Коррупцияга қарши курашиш агентлиги зиммасига Иктисадий ҳамкорлик ва тараккиёт ташкилотининг Шарқий Европа ва Марказий Осиё мамлакатлари учун коррупцияга карши курашиш бўйича тармоғининг Истанбул ҳаракатлар дастури доирасидаги ишлар ҳамда ишлаб чиқилган тавсияларнинг амалга оширилишини таъминлаш вазифаси юқлатилган.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 6 июлдаги “Коррупцияга карши муросасиз муносабатда бўлиш мухитини яратиш, давлат ва жамият бошқарувида коррупциявий омилларни кескин камайтириш ва бунда жамоатчилик иштирокини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғриси”даги ПФ-6257-сон Фармони билан тасдиқланган Коррупцияга қарши курашиш бўйича 2021–2022 йилларга

---

Мўлжалланган давлат дастурида хам Иктисадий хамкорлик ва тараккиёт ташкилотининг Шарқий Европа ва Марказий Осиё давлатлари учун коррупцияга қарши курашиш тармоғининг Истанбул ҳаракатлар режаси доирасидаги чора-тадбирларни амалга ошириш, бу борада тўртинчи раунд натижалари бўйича Ўзбекистонга берилган тавсияларни таҳлил килиб, уларни амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар режасини ишлаб чикиш вазифалари белгиланган.

Айнан мазкур вазифалар ва Истанбул ҳаракатлар режаси тавсияларининг мамлакатимизда юқори савиядада бажарилиши коррупциянинг келиб чикиш сабабларининг олдини олиш ва бу борада ижобий натижаларни таъминлашга хизмат килади.

### **Назорат саволлари**

1. Истанбул ҳаракатлар режаси қачон тузилган ва унинг асосий мақсади нима?
2. Ушбу дастур баҳолашнинг кандай тизимиға асосланади?
3. Истанбул ҳаракатлар режасига қайси мамлакатлар аъзо ва Ўзбекистон қачон мазкур ҳаракатга аъзо бўлган?
4. Бугунги кунга қадар Истанбул ҳаракатлар режасининг нечта мониторинги ўтказилди?
5. Ўзбекистон Республикаси Истанбул ҳаракатлар режаси талабларини бажариш юзасидан нечта раунд доирасида мониторинг килинган?
6. Истанбул ҳаракатлар режаси мониторинги босқичлари қайси даврларни ўз ичига олади?
7. Истанбул ҳаракатлар режасининг 4-раундида Ўзбекистоннинг натижалари қандай баҳоланган?
8. Истанбул ҳаракатлар режасининг 4-раунди якунлари бўйича Ўзбекистонга қандай тавсиялар берилган?
9. Истанбул ҳаракатлар режасининг 4-раунди якунлари бўйича Ўзбекистон олдида қандай масалалар турибди?
10. Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши сиёsat йўналишида килиниши керак бўлган вазифаларни санаб беринг?
11. Ўзбекистон Республикасида коррупциянинг олдини олиш борасида амалга оширилган ва килиниши керак бўлган вазифаларни санаб беринг?

## XV БОБ. КОРРУПЦИЯГА МОЙИЛ БҮЛГАН ШАХСНИНГ ПСИХОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ

### 15.1. “Коррупцион ҳулқ-атвор” тушунчаси ва белгилари

Коррупция билан боғлиқ муаммолар азалдан мавжуд бўлишига қарамасдан унинг ижтимоий, сиёсий, иқтисодий, маданий ва маънавий характеристига сўнгги йилларда дунёнинг барча мамлакатларида эътибор қаратила бошлади. Турли адабиётларда “коррупцион ҳулқ-атвор” тушунчасига турли хил таърифлар берилган. Унга кўра, “Коррупция – давлат ёки хусусий секторда муайян мажбуриятларни бажариш топширилган ва уларга макоми бўйича давлат лавозимидағи шахс, хусусий ходим, мустақил агент ёки бошқа турдаги муносабатлар юклangan мажбуриятларнинг бузилишига олиб келадиган ва ўзи ҳамда бошқалар учун исталган ноконуний фойда олиш максадига эга бўлган шахсларнинг порахўрлиги ҳамда ҳар кандай ҳулқ-атворини ўзида акс эттиради”<sup>110</sup>.

Ўзаки қараганда, коррупцион ҳулқ-атвор, ўз окибатларига кўра, хукуқий ва иқтисодий муаммо сифатида қабул қилинади, бироқ унинг келиб чиқиши психология билан ҳам чамбарчас боғлиқ. Реал турмушимизда давлат ва нодавлат ташкилотларнинг барча ходимлари ҳам ўз фойдасини кўзлаб, муайян ноконуний ҳаракатларга қўл урмайдилар. Демакки, бунда умуминсоний қадриятлардан оғиш, умумқабул қилинган меъёрларни қабул қиласлик каби ҳулқ-атвор белгиси мавжуд.

Шахслардаги ҳулқ-атвор ахлоқ категорияси билан бевосита боғлиқ. Ҳулқ-атвор жамиятдаги ахлоқ нормаларининг шахсда ифодаланиши орқали намоён бўлади ҳамда ҳулқнинг оғиши шахснинг ахлоқ нормаларига риоя этиш даражасига боғлиқ. Ахлоқ нормалари жамиятнинг маънавий доирасида шаклланади, жамиятнинг тузилиши ва унинг ташкилотлари билан боғлиқ бўлмайди. Ахлоқни ижтимоий онгдан ажратиб бўлмайди.

Ахлоқ нормалари жамият онгига мустаҳкамланган бўлиб, юриштуриш қоидалари, тушунчалар, ғоялар, баҳолар ва ҳоказолар кўринишида амал килади. Ахлоқ – ижтимоий нормаларнинг тури бўлиб, жамият хаётининг барча томонларини камраб олади ва ижтимоий баҳо бериш имконига эга бўлади.

<sup>110</sup> Максимов, В. К. Понятие коррупции в международном и российском праве. // Право и безопасность. – 2002. № 2-3 (3-4).

## Коррупцион ҳулқ-атворнинг ўзига хос белгилари:

маргинал маконда мавжуд бўлган, ахлоқнинг кучли таъсирига учрамаган жамоатчилик фикрига таянади;

жамиятнинг турлича гурӯҳ ва қатламларида салбий ижтимоий шароитлар таъсири остида юзага келиб, кейин тарқалади ва ҳулқнинг барқарор коидаси ва мотиви сифатида мустахкамланади;

индивидуал манфаатдорлик позицияси кучли бўлади;

коррупциявий ҳулқ-атвор намоён бўлишининг оқибатигина жамиятда хавф-хатарни келтириб чиқаради;

коррупциявий ҳулқ-атворга нисбатан ахлоқнинг таъсир доираси ҳуқуққа нисбатан кенг бўлади.

Коррупцион ҳулқ-атвор қоида шаклида маълум ижтимоий мухитда мужассамланиб, авлоддан-авлодга ўтса, кишиларнинг табиий хаётин талаблари асосида юзага чиқса ва натижада, кўп маротаба тақрорла-ниш асосида улар **одат** шаклига айланади. Коррупцияга мойиллик одати жамият учун энг хавфли ҳолат хисобланади. Жамиятдаги бундай психо-логик ҳолатни бартараф этиш жуда катта муддатни ёки авлодлар алма-шинувини талаб килиши мумкин.

Махсус адабиётларда “оғишган ҳулқ” атамаси, кўпинча, **девиант ахлок** (*deviatio* – лотин тилида “оғишган”) синоними билан алмаштириб қўлланилади. Ўзаро бир-бирининг ўрнини тўлдириувчи бу икки атамадан “оғишган ҳулқ” атамаси аниқ ва ўрганилган бўлгани сабабли кўпчиликка тушунарлидир.

Шу ўринда куйидаги ижтимоий ахлок турларини кўриб чиқиш мумкин:

1. *Меъёрий (стандарт) ахлок* – кўпчилик одамлар учун харак-терли бўлган ижтимоий меъёrlарга мос тушади, атрофдагиларнинг маъқуллашини уйғотади ва меъёрий мослашувга олиб келади. Умуман олганда, у гарчи индивидуалликдан маҳрум бўлса-да, вазиятга тенг, маҳсулдор.

---

2. *Маргинал* (чекланган) ахлоқ – ижтимоий меъёрларнинг энг охирги чегарасида туради, меъёр чегараларини ювади ва кенгайтиради, атрофдаги одамларда зўриқиш туғдиради.

3. *Ностандарт* (ноодатий) ахлоқ – ушбу жамиятда ушбу вактда кабул килинган камчилик одамларга хос меъёрлар чегарасидан чиқади. У икки асосий шаклда намоён бўлади:

– *креатив* (ижодий) ахлоқ – янги ғояларни амалга оширади, ўзига хос, махсулдор, тараккийпарвар, меъёрнинг ўзини ўзгартиришга олиб келиши мумкин, бирор қатор ҳолларда атрофдагиларнинг қаршилигини уйғотади;

– *девиант* (оғишган) ахлоқ – махсулдор эмас, деструктив ёки аутодеструктив, атрофдагиларнинг маъқулламаслигини уйғотади.

4. *Патологик* ахлоқ – тиббий меъёрлардан оғишади, аниқ симптомлар шаклида намоён бўлади, махсулдорлик ва шахснинг ишга лаёкати тушиб кетади. Патологик ахлоқ вазиятга тенг эмас, у шахснинг ўз харакатларини англаш ва уларнинг бошқариш қобилияти пасайиши билан бирга боради<sup>111</sup>.

В.Г.Гриб, Л.Е.Окслар коррупцияни девиант ахлоқнинг бир тури сифатида характерлайди, коррупцион соҳага киришиши: жамият аъзоларининг давлат хизматчиси мақомига мос келмайдиган ғаразли хатти-харакати сифатида, бевосита шахсий манфаатлари таъсири остида ролли функцияларининг бузилиши (“хукумат вакиллари томонидан ноконуний шахсий фойда эвазига хулк-авторнинг кутилган стандартларидан возкечиши”) деб тавсифлайдилар<sup>112</sup>.

Идеологик нұктай назардан коррупция жамият ва шахснинг дунёкараши тавсифномаси сифатида кўриб чиқилади. “Коррупция идеология сифатида – бу идеология давлат (расмий) ходимининг ҳалқ ва жамият манфаати йўлида эмас, балки ўз уруғ-аймоғи, оиласи ва шахсан ўзига хизмат килишидир”<sup>113</sup>.

Коррупциянинг маънавий – этик изоҳини очқўзлик, ҳасад, чексиз текин даромад ортириш ва лаззатланиш иштиёки каби турли инсоний иллатнинг кўринишида намоён бўлиши билан тақкослаш мумкин.

---

<sup>111</sup> Комилова Н.Г. Хулқи оғишган болалар психологияси. / Ўқув қўлланма. – Т., 2007.

<sup>112</sup> Гриб В.Г., Окс Л.Е. Противодействие коррупции. // Учебное пособие. – М.: Московская финансово-промышленная академия, 2011. 192 с.

<sup>113</sup> Качкина Т.Б., Качкин А.В. Коррупция и основные элементы стратегии противодействия ей. // учебное пособие. – Ульяновск: Печатный двор, 2010. 80 с.

Мазкур феноменнинг маданий жиҳати эса, уёки бу жамият ва давлатнинг маданий хусусиятлари ҳамда анъаналари, шунингдек, ушбу ҳалқقا хос бўлган миллий феъл-атвор чизиқлари ва менталитет хусусиятларига боғлиқ.

Коррупциянинг кундалик-маиший аспекти порахўрлик, ошна-оғайнагарчилик (лавозимдаги шахс давлат лавозимига тайинлашда ўзининг қариндошлари, яқинларини илгари суриши) билан боғлиқ.

Кўпчилик юристлар ва юридик психололгарнинг фикрига кўра, “хеч кандай ташки шароит, агар улар бир вактнинг ўзида инсоний фаолликнинг ички детерминантida бўлмаса, ноконуний хатти-харакатларни белгиловчи сабаб бўлиши мумкин эмас”<sup>114</sup>. Шунинг учун коррупцияга мойил шахснинг муайян ички детерминантлари, яъни бундай шахснинг аҳамиятли ўзига хос хислатлари мажмуи тўғрисида гапириш мумкин.

## 15.2. Коррупцион хулқ-атворга мойилликнинг психологик омиллари

**Шахснинг ўсиши қиёсий жиҳатдан кенг доирани қамраб олади ва бешта асосий тузилмавий элементдан иборат:**

Мазмун ва қадриятлар даражаси (ҳаётий мақсадлар, интилишлар, мазмун ва қадрияти ориентациялар)

Когнитив-маънавий даража (маънавий жиҳатдан ўз-ўзини англаш, маънавий ахлоқ установкалари, масъулият ва бурч тузилмаси)

Эмоционал даража (ҳаётдан қониқиш, касбидан қониқиш, шахсий макомидан, ўз-ўзига муносабатидан қониқиш)

Регулятив даража (назорат локуси, қарор қабул қилиш механизmlари)

Ахлоқий даража (реакция қилишнинг етакчи типи).

*Мазмун ва қадриятлар даражаси.* Психологияда гуманистик йўналиш тарафдори Р.Мэй: “Инсоннинг хулқ-атворини тушуниш учун унинг мақсадини билиш керак”, – дейди. Шубҳасиз, коррупцияга мойил шахснинг хулқ-атворини тушуниш учун бу шахснинг харакатларини

<sup>114</sup> Лысков Б.Д., Курбатова Т.Н. Понятие о личности преступника / Юридическая психология. //Сост. и общ. ред. Т. Н. Курбатовой. – СПб.: Питер, 2001. – С. 74-9

---

тушуниш даркор. Бунда, энг муҳими, онтологик аспект, яъни “субъектнинг ҳаётий олами ва ҳаётий муносабатлари контекстидаги мазмунни кўриб чикиш”, деб тан олинади. “Ҳаётий олам нуктаи назаридан онг чегарасидан ташқарига чиққанча мазмунни тушуниш, билиш ва туйғу, интеллект ва аффектнинг бинар оппозициясини бартараф этиш имконини беради”<sup>115</sup>. Коррупциоген шахс ҳаётининг мазмунни унинг ҳаётий мақсадлари ва турмушининг умумий мазмунга оид йўналганлиги призмаси оркали тушунлади.

Бир вактнинг ўзида шахснинг мазмунга оид тузилмаси турли ривожланиш векторларига эга: ўтмиш энди ҳозирни белгиламайди, келажак эса, коидадагидай, ҳозирдаёк иштирок этмоқда. Шунинг учун факат ҳаётнинг олий мазмуни, бош ғоя, туйғу ёки интилиш шахснинг мазмунга оид аниқлигининг қарама-қарши бирлигини баркарорлаштиради. “Агар у йўқ бўлса, – деб ёзади Д.А. Леонтьев, – унда ўз-ўзини ёлғон тасдиқлашнинг турли уринишлари юзага келади (бойлик, ном чикариш, ҳукмронлик, ҳар хил турдаги санъат ва ҳ.к.). Шу мазмунда коррупциоген шахс хулқ-атворининг мазмун ҳосил килувчи етакчи таркибий қисми ҳаёт мазмунининг аҳамиятли дескриптори сифатида бойлик орттириш ҳисобланади. Бошқача айтганда, зиддият виждан фойдасига ҳал бўлмайди ва шу билан коррупцияга мойил шахс ҳаёт мазмунини моддий бойликларга эга бўлишда кўради.

Кадриятли ориентациялар – бу шахснинг хулқ-атворини бошқарувчилиси сифатида юзага чиқувчи ижтимоий қадриятларга бўлган муносабати, улар шахс йўналганлигининг мазмуний томонини ҳосил қиласи ва унинг борликка муносабатининг ички асосини ифодалайди. Шубҳасиз, коррупцияга мойил шахс учун шахснинг маънавий қадриятлари эмас, балки моддий қадриятлар устунлик қиласи, бу эса ижтимоий ва шахсий аҳамиятли манфаатлар ўртасидаги низо вазиятида унинг танловини шахсий манфаатлар фойдасига ҳал бўлишини башорат қиласи. Шу билан коррупцияга юқори мойиллиги бўлган одам учун баҳт ва фаронлик ўлчови ҳашамат, етакчи қадрият эса, “бўлиш” эмас, балки “эга бўлиш”dir.

2. *Когнитив-маънавий даражага.* Бударажага маънавий хулқ-атворнинг: индивидуал, ахлоқий, ижтимоий ва ҳукукий установкалари\* тааллукли.

---

<sup>115</sup> Леонтьев, Д. А. Психология смысла: природа, строение и динамика смысловой реальности. 3-е изд., доп. – М.: Смысл, 2007. – С. 59.

\* Тайёрлик, муайян ҳаракатларга мойиллик ёки муайян стимулларга реакцияни ифода этади.

---

Агар тузилмада маънавий хулқ-атвор детерминантин индивидуал усташовкалардан устунлик қиласа, унда коррупцияга карши барқарорлик кўрсаткичлари юкори, чунки бу установкалар интериоризацияланган\*\*, шахсга хос бўлган маънавий ўз-ўзини англаш хулқ-атворнинг индивидуал меъёри бўлади. Агар ахлокий детерминантлар устунлик қиласа, унда кўрсаткичлар паст бўлади, агар ижтимоий кўрсаткичлар ҳали паст, хукукий детерминант устунлик қилган холатда коррупцияга карши барқарорлик кўрсаткичлари бирмунча паст бўлади, чунки бунда маънавий хулқ-атворнинг асосий регулятори инсонга нисбатан ретрибутив адолат тамойили (рағбатлантириш ва жазолаш) бўлади.

3. Эмоционал даражада коррупцияга мойилликни аниқлаш учун ахамиятли бўлган бир нечта кўрсаткичлар ажратилади: хаётдан қоникиш, касбидан қоникиш, шахсий макомидан, ўз-ўзига муносабатидан қоникиш. Хаётдан қоникиш шкаласи бўйича юкори, ўрта ва паст даражаларни ажратиш мумкин. Хаётдан қоникиш шкаласи бўйича юкори кўрсаткичлар коррупцияга қарши юкори барқарорлик ва акси билан корреляцияланishi зарур.

Ўз-ўзига муносабат субъектнинг ўз-ўзига умумлаштирилган ва барқарор муносабати сифатида “мен” концепциясининг элементини интеграциялади. Ижобий “Мен” образи, ўз-ўзини қабул қилиш ва ўз-ўзини ижобий баҳолаш мураккаб танлов вазиятида шахснинг конструктив ахлоқи учун маъкул фонни яратади. Ўз-ўзига салбий муносабатда бўлиш ва ўз-ўзини ноадекват баҳолаш шахснинг хукукий хулқ-атворига бузувчи таъсир кўрсатади, тўлаконли эмаслик комплексини ва моддий фарновонликни юксалтириш хисобидан шахснинг ахамиятини ошириш кўринишидаги компенсаторли механизmlарни излашни фаоллаштиради. Кўринадики, ижобий “Мен” образи, ўз-ўзини қабул қилиш ва ўз-ўзини ижобий баҳолаш шахснинг коррупцияга карши барқарорлиги билан, ўз-ўзига салбий муносабат ва ўз-ўзини ноадекват баҳолаш эса, коррупцияга мойиллик билан корреляцияланishi зарур.

4. Регулятив даражада. Коррупцияга мойилликни аниқлаш учун регулятив даражада назорат локуси\*\*\* кўрсаткичи ахамиятли бўлади. Назорат локуси остида инсоннинг ўз ҳаётини ёхуд устувор ташки мухитда,

---

\*\* Ташки ижтимоий фаолиятни ўзлаштириш, ҳаётий тажрибани ўзлаштириш, аклий функцияларни шакллантириш оркали инсон психикаси ички тузилмаларининг шаклланиши.

\*\*\* Локус – субъектнинг ўз муваффакиятлари ёки муваффакиятсизликларини фақат ички ёки фақат ташки омилларга боғлаш хусусиятини тавсифлаш жараёни.

---

ёхуд ўзи бошкариш манбанин кўришга мойиллигини тушуниш кабул килинган. Шу муносабати билан назорат локусининг икки типи ажратилади: интернал ва экстернал. Назоратнинг экстернал локуси бўлган одам барча ташки омиллар: бошқа одамлар, тақдир, тасодиф, атроф мухит ва х.к. учун жавобгарликни ўз зиммасига олишга мойил. Назоратнинг интернал локуси бўлган одам ўз ҳаётидаги ходисалар учун жавобгарликни қабул қиласди. Аниқроғи, коррупцияга қарши юқори барқарорлиги бўлган шахс назоратнинг интернал локусига, коррупцияга мойил шахс эса, назоратнинг экстернал локусига эга бўлади.

5. *Ахлоқий даражада*. Шахснинг ташки қўзғатувчиларга реакциясининг иккита асосий: импульсив<sup>116</sup> ва рефлексив<sup>117</sup> типини<sup>118</sup> ажратиш мумкин. Импульсив тип учун уларга беихтиёрий эмоционал реакция хос. Инсоннинг харакатга реакциясининг рефлексив типи вазиятни мантикий таҳлил килиш билан шартланган.

Бундан хулоса килиш мумкинки, реакция килишнинг импульсив типи етакчи бўлган одам реакциянинг рефлексив типи етакчи бўлган одамга караганда коррупцион хулк-атворга юкори даражада мойил бўлади. Хар бир одамда, одатда, хулк-атворнинг икки: ҳақиқий ва рационаллаштирилган мотиви бор. Биринчи мотив – англаммаган, иккинчиси англанганга киради. Биринчи мотивнинг қўзғалиши шахс ахлоқининг ҳақиқий сабаби, иккинчи турдаги мотивники – инсон томонидан ўз хатти-харакатини ўзига хос бўлган этик меъёрлар билан оқлашга уринишdir. Реал ахлоқда улар деярли ҳеч қачон мос тушмайди.

Коррупциянинг жамият учун психологияк оқибатлари куйидагиларда намоён бўлади:

коррупция инсонлар онгода муайян из қолдирганча, жамият учун нотўғри йўналиш беради;

коррупция одамларнинг ҳокимиятга бўлганидай, бошқа инсонларга бўлган ишончини сўндиради;

авлодларнинг дунёкарашига таъсир кўрсатади (ота-онасининг коррупцион жамиятдан норози бўлишлари оқибатида, фарзандлар ўзларига хулоса чикарадилар);

коррупция мулкий нотенгликтининг кескин ортишига хисса кўшиб, химояга мухтоҷ қатлам микдорини кўпайтиради;

<sup>116</sup> Шахснинг ўткинчи, ўйламаган ҳаракатлари ва уларга мойиллигига намоён бўладиган характерли хусусияти.

<sup>117</sup> Организмнинг умумий фаоллашувида, диккатни жамлашда, куч ва ресурсларни сафарбар килишда намоён бўлади.

<sup>118</sup> <https://psychojournal.ru/glossary.html>

коррупция жамият хаётининг нафакат иқтисодий, балки ижтимоий, маънавий, майший аспектларига ҳам дахл қилади;

коррупция муҳим ижтимоий оқибатларга эга бўлибгина колмай, одамларнинг ўзаро муносабатларида ҳам ўз аксини топади;

коррупция давлат ва жамоатчилик, фуқаролар манфаатлари ўртасида адекват бўлмаган зиддиятни келтириб чиқаради;

коррупция адолатга бўлган ишончни сўндириб, қабул қилинган қарорларнинг мақсадга мувофиқлигига шубҳа уйғотади, бу билан жамоатчилик кадриятларига таҳдид солади.

Коррупцион хулқ-атворнинг шахсий детерминантларига куйидагилар киради:

коррупцион хулқ-атвор – бу лавозимдаги шахснинг хизмат макомини суиистеъмол қилиш йўли билан шахсий фойда олишга йўналтирилган хулқ-атвори;

коррупцион босим – бу шахсий фойда олиш учун хокимлик ваколатларини суиистеъмол қилиш ёки ундан воз кечиш ўртасидаги танлов вазиятига олиб келувчи, лавозимдаги шахсга таъсир кўрсатишнинг ижтимоий ва психологик омиллари мажмуудир;

коррупцияга мойиллик – бу коррупцион босим вазиятида коррупцион хулқ-атворни танлашга шахсий мойилликдир<sup>119</sup>.

Коррупцион хулқ-атвор ўзида ижтимоий ахлоқнинг турли-туманигини акс эттиради, чунки у, ўз натижаларига кўра, алоҳида одамлар, ижтимоий гурухлар, ижтимоий ҳамжамиятлар ва умуман олганда, жамиятнинг манфаатларига дахл қиладиган лавозимдаги шахсларнинг хатти-харакатлари ва муомалаларининг мажмуи билан боғлиқ. Айнан шундай хулқ-атворда инсоннинг индивидуал-психологик ва ижтимоий хислатлари намоён бўлади, масалан, унинг темпераменти, феъл-атвори, иродаси, мотивацияси, касбий-маънавий эътиқоди, қадриятли йўналишлари ва бошқалар.

Эътиборга сазовор томони шундаки, коррупцион хулқ-атвор субъекти аник бир инсон бўлиб, бундай ахлоқнинг сабаблари на конун, на иқтисод ва ҳатто жамият билан ҳам эмас, балки шахснинг ўзи билан чамбарчас боғлиқдир. Жамият, иқтисод ва қонун, аслида, инсонда коррупцион ибти-

<sup>119</sup> Ванновская, О. В. Психология коррупционного поведения госслужащих. // Монография. – СПб.: Книжный дом, 2013. 264 б.; Ванновская О. В. Личностные детерминанты коррупционного поведения. // Известия РГПУ им. А. И. Герцена, 2009. № 102.

---

донинг намоён бўлишига кўмаклашиши ёки тўскинлик килиши мумкин бўлган омиллардир, холос. Бундан келиб чиқадики, коррупцияга қарши кураш ва коррупцион жиноятчиликка қарши курашишнинг асосий воситасини инсон психологиясидан излаш ўринли бўлади. Шубҳасиз, биз кўл урган муаммони ҳал қилиш учун, биринчидан, коррупция феноменининг чукурлашган сабабини таҳлил қилишга катъий илмий ёндашиш, иккинчидан эса, коррупцион харакатлар илдизини иқтисодий муносабатлардан эмас, балки инсоннинг ўзидан излаш даркор. Чунки коррупциянинг асосий сабаби инсоний омил хисобланади.

Психология нұктай назаридан коррупция билан ижтимоий феномен сифатида курашиш ўта мураккаб иш хисобланади. Бу ҳалокатли қўриниш билан курашишда мухим натижаларга эришиш мақсадида унга мойиллиги бўлган шахсларга эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ. Бундай вазиятда маҳсус ишлаб чиқилган психотерапевтик ва психопрофилактик технологиялар самарали бўлади. Зеро, қадимги грек мутафаккири Аристотель: “Хар кандай давлат курилишида энг асосийси – бу қонунлар ва бошка тартиб-коидалар воситасида ишни шундай йўлга кўйиш керакки, лавозимдаги шахсларнинг бойлик орттириши мумкин бўлмасин”, деганида айнан коррупцион хулқ-атвор шаклланишининг олдини олиш у билан курашишга қараганда самарали эканини башорат килганди.

### **15.3. Коррупцияга қарши курашишнинг ижтимоий-психологик йўналишлари**

---

Коррупция муаммоси ҳозирги кунда нафакат мамлакатимиизда, балки хорижда ҳам сиёsatчилар, иқтисодчилар, турли илмий фанлар, қонунчилик ҳокимияти, шунингдек, турли ижтимоий институтларнинг эътиборини ўзига жалб этмоқда.

Ҳозиргача коррупция муаммоси хукукий, иқтисодий ёки ижтимоий муаммо сифатида кўриб чиқилган. Адабиётларда коррупция психологик назарий-услубий асослардан келиб чиқиб тадқик килинган айrim манбалар мавжуд, бу эса ушбу ҳодисанинг тизимли характеристига зиддир.

Коррупцияга қарши фаолиятнинг энг мухим таркибий қисми – коррупциянинг олдини олишдир. “Коррупциянинг олдини олиш, одатда, давлат ҳокимияти ва бошқаруви, муниципал органлар ва жамоат ташкилотларининг коррупцияни келтириб чиқарадиган ҳамда унинг ривожланишига олиб келадиган сабаб ва шароитларни бартараф қилиш

(зараарсизлантириш, нейтраллаштириш) бўйича максадли фаолияти сифатида тушунилади”<sup>120</sup>.

Коррупция тарқалишининг олдини олиш бўйича профилактик чора-тадбирларни амалга ошириш унинг сабабларини аниклаш ва бартараф этиш билан боғлиқ бўлиб, фақат коррупцияга қарши қонунчиликни такомиллаштириш билан чекланмайди. Илмий ва амалий тадқикотларнинг асосий вазифаси коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашишнинг ижтимоий-психологик омилларини очиб беришдан иборат.

*Коррупцияга қарши курашда коррупцияга қарши йўналтирилган конунларнинг психологик мониторинг, мансабдор шахсларнинг психологик хусусиятларини диагностика қилиш, маҳсус психологик усусларни қўллаш психологлар иштирокининг муҳим йўналиши бўлиб хизмат қиласди.*

Ёшларнинг иктисадий-хукукий онгини шакллантириш коррупцияга қарши курашнинг яна бир ижтимоий-психологик йўналишидир. Шахснинг иктисадий-хукукий онги кундалик онг даражасида ривожланади, норасмий равишда орттирилган характерга эга бўлиб, хукукий нормалар, ижтимоий стереотиплар, кўрсатмалар ва қадриятлар тизимини ўз ичига олади. Иктисадий ва хукукий тасаввурлар асосида ёшларнинг ўзларига ва жамиятга бўлган муносабатлари шаклланади, улар ўз кечинмаларининг моҳиятини, идрокнинг ўзига хос хусусиятларини, ташки таъсирларга хулқ-атвор реакцияларини, вокеликка бўлган субъектив тарзда баҳоланадиган ва онгли равишда танланган муносабатлар тизимининг сифатини белгилайди.

Етарли даражада шаклланган иктисадий ва хукукий билимлар мажмуаси туфайли ёшлар, кўпинча, иктисадий ва хукукий ижтимоий-лашувнинг деструктив таркибий қисми бўлиб хизмат киладиган коррупция ва коррупция билан боғлиқ воқеа-ҳодисаларни нотўғри талқин килишади. Иктисадий-хукукий тасаввурлар аввалги тажриба асосида ҳам ҳозирги замонни ўтмиш билан ҳиссий жиҳатдан боғлайдиган, ҳам маҳсулдор тасаввур шароитида, ўтмиш ва ҳозирги замонни келажак

<sup>120</sup> Противодействие коррупции. // Учебное пособие / составители: А.М. Межведилов, Л.Т. Бакулина, И.О. Антонов, М.В. Талан, Ю.В. Виноградова, А.Д. Гильфанова. – Казань: Изд-во Казан. ун-та, 2016. – 67 с.

---

билан боғлайдиган ҳолда шаклланади, бу шахснинг ички уюшганлиги, хулк-атвори ва фаолиятини тартибга солишига имкон беради. Бу жамият ривожланишининг бозор шароитларига мос келадиган ёшларнинг иктисодий ва хукукий билимлари, тасаввурлари ва муносабатларини шакллантириш уларнинг иктисодий-хукукий онгини оптималлаштиришга ёрдам беради ва коррупцияга психологияк-педагогик карши курашнинг стратегик йўналиши сифатида юзага чиқиши мумкин.

### **Назорат саволлари**

1. “Коррупцион” хулк-атвор тушунчасига таъриф беринг.
2. Коррупцион хулк-атвор кандай белгиларга эга?
3. Девиант ахлоқ нима?
4. Коррупцияга майилликка психологик жиҳатдан таъриф беринг.
5. Коррупцияга карши курашишнинг қандай ижтимоий-психологик йўналишлари мавжуд?
6. Коррупциянинг психологик оқибатлари нималарда намоён бўлади?
7. Патологик ахлоқ нима?
8. Маргинал ахлоқ нима?

---

## XVI БОБ. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШДА ХОРИЖИЙ ТАЖРИБА

### 16.1. Дунё амалиётида коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги ёндашувлар

Коррупция инсоният тарихида кадим замонлардан бўён мавжуд бўлиб, пораҳўрлик учун жазо чоралари Қадимги Бобил подшоси – Ҳаммураппи (мил.ав. 2 минг йилликлар) конунларида, кадимги Миср фирмъавнлари хужжатларида хам назарда тутилган.

Коррупциянинг кескин ошиши XIX асрда бозор муносабатларининг ривожланиши шароитида қайд этилди ва айнан шу даврда коррупцияга қарши конунчилик даражасида курашиш бошланди. Бироқ жаҳон микёсида хам, алоҳида давлатларда хам коррупцияга карши вазиятда сезиларли ўзгаришлар юз бермади. Факат XX асрнинг иккинчи ярмида бир катор мамлакатларда коррупцияга карши кураш давлат сиёсати даражасига кўтарилилган пайтда, унинг жамият хаётининг барча соҳаларига таъсирини камайтиришга эришилди.

Коррупцияга қарши курашиш тажрибаси коррупцияга қарши бир катор чоралар тўпламини ўз ичига олади. Коррупцияга қарши курашишда айрим мамлакатлар (Дания, Финляндия, Норвегия, Швеция, АҚШ, Канада, Буюк Британия, Германия, Франция, Жанубий Корея, Сингапур, Япония ва б.) жиддий ютукларга эришли. Ушбу мамлакатларда коррупцияга карши фаолиятни ташкил этишининг асосий хусусияти шундаки, ушбу мамлакатлар хукуматлари томонидан коррупция миллий хавфсизликка таҳдид солувчи жиддий муаммо сифатида эътироф этилади. Шунинг учун ушбу мамлакатларда коррупцияни камайтириш бўйича сайди-харакатлар кенг микёсда ва институционаллашган.

Хорижий мамлакатларнинг илғор хорижий тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, коррупцияга қарши самарали курашиш учун турли омиллар ва элементларнинг комбинациясидан иборат тизимли ва комплекс ёндашув зарур. Бунда институционал механизмлар ва турли хукукий воситаларни ривожлантириш, жамоатчиликнинг хабардорлигини ошириш ва ушбу жараёнга фукаролик жамиятини жалб этиш масалаларига алоҳида эътибор каратиласди.

Коррупцияга қарши курашишнинг превентив чоралари сифатида фукароларнинг конунларга риоя килиш маданиятини хамда ҳар қандай

---

коррупция холатларига нисбатан муросасизлик муносабатини шакллантириш мухим ахамиятга эга.

Масалан, давлат бюджети тўғрисидаги маълумотларнинг, хусусан, давлат органлари ва ташкилотларини ташкил этиш хамда саклаш учун ажратилаётган маблағлар тўғрисидаги маълумотларнинг очик порталлар орқали солик тўловчиларга очик бўлиши. Бюджет даромадлари ва харожатлари тўғрисидаги тўлиқ ахборотлар АҚШ, Бразилия, Жанубий Корея ва Украина порталларида мавжуд.

Яна бир мухим соҳалардан бири – бу электрон харидлар тизимининг яратилганини. Тендер ва танловларни амалга ошириш тартиб-таомилларининг барча иштирокчилар учун тенг, очик ва шаффоф ўтказилиши, танлов иштирокчилари томонидан конунбузилиш холатлари бўйича тендер жараёнининг исталган боскичида даъво бериш имкониятининг яратилганини, шунингдек, тендер ва танловлар хакконий ўтказилишининг тегишли ташкилот томонидан доимий мониторинг килинишини Грузия давлати тажрибасидан ўрганиш мумкин.

Маълумотларнинг очиклиги журналистик суриштирувлар ўтказилиши учун шарт-шароитлар яратади ва бу Буюк Британия, Франция, Швеция ва бошка Европа мамлакатлари тажрибасида кенг тарқалган.

Жаҳон банкининг “Интегрити Эпп” (Integrity App) электрон иловаси фуқароларга фирибгарлик ва коррупция билан боғлиқ муаммолар ҳақида хабар бериш имкониятини беради. Унинг фойдаланувчилари, турли хил ашёвий далилларни, масалан, пора сўралган аудио ёки видео ёзувини, бошка файл ёки хужжатларни юборишлари мумкин.

Маъмурий тўсикларни, мансабдорларнинг дискрецион ваколатлари (маъмурий ихтиёрийлик)ни камайтириш хамда давлат хизматлари кўрсатиш сифатини оширишнинг омилларидан бири – бу ракамлаштиришdir. Масалан Эстония давлати маълумотлар базасида иктисадий статистика, суд архивларидан тортиб, тиббий дафтарчалар хамда фуқароларнинг шикоятларигача деярли барча маълумотлар мавжуд. Барча харакатлар тизим тарихида ўз изини колдириши коррупция даражасини максимал даражада минималлаштиради ва конунбузарни ўз вактида аниқлаш имконини беради. Бундан ташкири, мансабдор ва фуқаро ўртасидаги ўзаро муносабатдан иборат инсон омили анча пасайтирилган.

Жанубий Кореяning божхона тизимида жорий қилинган ЮНИ-ПАСС (UNI-PASS) электрон тизими божхона ходимлари ва хизматдан фойдаланувчилар ўртасидаги ўзаро алоқалар сусайиши натижасида коррупция даражаси анча камайган.

---

Австралия, Венгрия, Молдова, Руминия ва АҚШда коррупциянинг олдини олиш ва аниқлашда ҳалолликка текшириш кенг қўлланилади. Унда синовдан ўтадиган шахсларнинг ахлоқида коррупциявий аломатларни аниқлашга қаратилган моделлаштирилган вазиятдан фойдаланилади.

Превентив механизмлардан яна бири – манфаатлар тўқнашувини тартибга солиш механизмларининг яратилганлиги, хусусан, давлат хизматчиларининг шахсий манфаатлари билан боғлиқ декларациялаш тизимининг фаолияти кўрсатиши, таъсир чоралари ва жавобгарлик масалаларининг конуний жиҳатдан тартибга солинганлиги.

Коррупцияга қарши тартибга солиш чораларидан яна бири бу – давлат хизматчисининг хусусий секторга ёки бизнес доираларнинг давлат хизматига ўтишини ифодалайдиган “айланма эшиклар” коидаларига нисбатан турли чекловларнинг амал килиши. Масалан, Норвегияда давлат хизматчилари хусусий секторга ўтиши учун олти ойлик “карантин” коидалари амал киласи, яъни маълум бир муддат талаб этилади. Бундай тартиб-таомиллар Германия, Испания, Латвия, АҚШ, Франция ва бошқа давлатларда ҳам мавжуд.

Превентив чоралар сифатида чеклов чораларини кенгайтириш билан бир каторда, давлат хизматчиларининг ижтимоий кафолатлари ҳам ўрнатилади. Дунёда турли ёндашувлар қўлланилади: пенсия таъминоти тизими, белгуп тиббий суғурта, транспорт харажатлари, болалар нафакалари, уй-жой тўловлари ва бошкалар.

Масалан, Франция ва Японияда уй-жой ва транспорт бўйича компенсация тўловлари хисобга олинган. Буюк Британияда давлат хизматчиларининг пенсиясини хисоблаш миқдори хусусий сектордан 15% юкори. Шунингдек, хорижий давлатларда давлат хизматчисининг кўшимча даромад манбаларига кўйилган тақиқлар нисбатан кам. Грецияда давлат хизматчисининг хизмат фаолиятини сифатли бажаришига тўскىнлик килмайдиган, ҳак тўланадиган бошқа вазифаларни ҳам амалга ошириши мумкинлиги белгиланган.

Коррупцияга қарши курашувчи органларнинг самарадорлиги бевосита зарур маълумотлардан фойдаланиш имкониятига боғлиқ. Мисол учун, Гонгконг, Сербия, Сингапурда коррупцияга қарши курашиш фаолиятини амалга оширувчи идораларга банклар ва бошқа молиявий институтларнинг электрон маълумотлар базаларига кириш ҳамда ўз хизмат вазифаларини амалга ошириши учун мансабдор шахсларнинг хисобвараклари ва молиявий маблағлари тўғрисидаги маълумотларни уларнинг розилигисиз олиш хукуқини беради.

---

Пул ювишга карши курашиш бүйича молиявий чораларни ишлаб чикувчи гурух (FATF) ваколатли органларнинг юридик шахсларнинг бенефициар мулклари тўғрисидаги тўлиқ ва аниқ маълумотларни ўз вақтида олиш ёки фойдаланиш имкониятларига эга бўлишлари муҳимлигини таъкидлайдилар.

Масалан, 2016 йилдан бошлаб, Буюк Британияда компаниялар устидан “назорат қилиш бўйича жиддий кучга эга” шахслар реестри (Register of people with Significant Control) жорий этилди. Унга компаниялар капиталининг 25%дан кўпроғига эга бўлган ёки уни бошқариш, ёки таъсир ўтказиш ваколатига эга бўлган шахслар киритилган.

Коррупцияга карши курашишнинг муҳим тенденцияси – бу халол ишбилармонлик ахлоқини тарғиб қилиш. Шарқий Европа мамлакатларида маҳсулотлар, хизматлар ва маркетинг маҳсулотларини “Шаффоф тўлқин” (Clear Wave) бизнес-маркировкалаш ташаббуси амалга оширилмоқда. Ушбу белги бизнес этикаси, шаффофлик, масъулият ва барқарорликнинг рамзи ҳисобланади. Шунингдек, бизнесни юритиш стандартларини белгилайдиган халоллик пактларини тузиш кўлланилади. Аксарият ҳолларда, улар маълум бир очик давлаттанловлари учун ёки йирик лойихалар учун тендерлар билан боғлиқ. Халқаро миқёсда қазиб олиш тармоқларининг шаффофлиги (EITI) ва қурилиш соҳасининг шаффофлиги (CoST) ташаббуслари ҳалоллик тўғрисидаги энг таниқли пактлар ҳисобланади.

Ривожланган мамлакатларнинг тажрибасидан маълумки, мамлакатда коррупция даражасининг камайиши давлат ва жамият бошқаруви қарорларининг қабул қилиниши жараённада ахборотларнинг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлашга ҳамда жамоатчилик назорати механизmlарининг ривожланишига ёрдам беради ҳамда ахборотлар очиқлиги ва шаффофлигининг таъминланиши, ўз навбатида, коррупция даражасининг пасайишига олиб келади.

### **Хорижий илғор тажрибада коррупцияга қарши курашиш сиёсатинининг қўйидаги тенденциялари мавжуд**

1.	Жамиятда ҳалоллик маданиятини мустаҳкамлашга каратилган маърифий тадбирларни тизимлаштириш
2.	Бизнесни юритища ҳалолликни рағбатлантириш
3.	Коррупцияга карши курашиш соҳасида давлат сиёсатини амалга оширишда фуқаролик жамиятини жалб этиш

4.	Давлат аппарати фаолияти тўғрисидаги ахборотдан фойдаланиш имкониятини кенгайтириш ва карорларни кабул килишнинг шаффофлигини таъминлаш
5.	Ракамлаштириш коррупцияни минималлаштириш воситаси сифатида
6.	Давлат хизматчилари учун ижтимоий кафолатларни кенгайтириш
7.	Манфаатлар тўқнашувишининг олдини олиш ва тартибга солиш
8.	Фуқаролик-ҳукукий, интизомий, маъмурий-ҳукукий ва жиноий-ҳукукий аспектларда ҳукуқий тарбиботчоралари самарадорлигини ошириш

## 16.2. Коррупцияяга қарши курашиш бўйича АҚШ, Буюк Британия, Германия ва Франция тажрибаси

**АҚШ.** АҚШнинг коррупцияяга қарши қонунчилиги тизимли хусусиятга эга. Бундан ташқари, лобби, банк, биржа ва бошка фаолиятларни тартибга соловчи ҳукукий ҳужжатлардан иборат. Бу коррупцияни тўлик бартараф этишнинг кафолати бўлмаса-да, АҚШда унинг даражаси бошқа давлатларга караганда анча паст. Охирги 50 йилликда АҚШ давлат хизмати тизими коррупцияяга қарши курашиш фаолиятида кабул килинган бир катор конун ва қонуности ҳужжатлар билан тартибга солинган.

АҚШнинг коррупцияяга қарши курашиш сиёсатининг ижобий хусусиятларидан бири – мансабдор шахсларнинг барчасига бирдай тааллукли бўлган, ҳеч кандай иммунитетга эга эмаслиги, ўнни ҳар кандай расмий вакил, жумладан, давлат раҳбари – президентдан то Конгресс аъзолари, сенатор ва судьялар, конунбузарлик, жумладан коррупциявий хусусиятга эга бўлган хатти-ҳаракатлари учун ўз лавозимидан четлаштирилганидан сўнг жиноий жавобгарликка тортилиши мумкин.

Америка Кўшма Штатларида коррупцияяга қарши конунлар ҳаддан зиёд қатыйлиги билан тавсифланади. Турли кўринишдаги коррупция – пораҳўрлик, кикбэкинг (битим иштирокчисига ноконуний пулларнинг бир қисмини тўлаш) ва бошқалар учун – пора миқдорининг уч бараваридага жарима ёки 15 йил қамок жазоси ёки бир вақтнинг ўзида ҳар иккала жазо чораси, оғирлаштириладиган ҳолатларда – 20 йилгача озодликдан маҳрум килиш билан жазоланади<sup>121</sup>.

<sup>121</sup> Зарубежный опыт противодействия коррупции – Научно-исследовательский центр проблем национальной безопасности (nsc-pnb.ru)

---

АҚШ коррупцияга карши курашиш стратегиясининг яна бир мухим йўналиши давлат хизмати тизимида коррупциянинг олдини олишдир. Бу ахлоқий ва интизомий коидаларни ўзида ифодаловчи “маъмурий ахлок” нормаларига асосланади. АҚШ давлат хизматчиларининг Одоб-ахлок кодекси коррупцияга карши курашиш сиёсатининг мухим воситаларидан бири хисобланади.

Хукумат хизматида Ахлок кодекси, дастлаб, Конгресс резолюцияси сифатида 1958 йилда қабул килинган бўлиб, унинг ҳар бир аъзоси учун бажарилиши шарт бўлган мажбуриятлар ифодаланган.

1962 йилда АҚШ Конгресси томонидан “Сайланадиган мансабдор шахсларнинг (парламентнинг иккала палатаси аъзолари) ва ижро этувчи органлар амалдорларининг расмий коидалари” деб номланган коидалар қабул килинди. 1965 йилда мансабдор шахсларнинг ахлоқий коидалар стандартлари ўрнатилди ва 1978 йилда ушбу меъёрлар “Давлат органлари хизматчиларининг одоб-ахлоқи тўғрисида”ги Қонун шаклини олди.

XX асрнинг 80-йиллари охириларида давлат хизматида ахлоқий тамоиллар янада каттикрок хукукий тартибга солиш обьекти бўлди. 1989 йилда АҚШ Конгресси қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд хокимияти мансабдорларининг одоб-ахлоқ коидаларини тартибга солувчи “Одоб-ахлоқ коидалари ислоҳоти тўғрисида”ги Қонунни қабул қилди.

1990 йилда ушбу Қонун АҚШ Президентининг бўйруғи билан ушбу тамоиллар нафақат юкори лавозимдаги амалдорларга, балки барча оддий давлат хизматчиларига ҳам татбик этила бошлади.

Унга кўра, мазкур шахслар:

ўз шахсий манбаатлари йўлида хукуматнинг ёпиқ ахборотларидан фойдаланган ҳолда турли молиявий операцияларда иштирок этиши тақиқланади;

давлат хизматчиси томонидан ўз шахсий манбаатлари йўлида давлат органи томонидан тартибга солинадиган расмий хатти-харакатларнинг содир этилишига олиб келувчи ҳар қандай шаклдаги совғаларни қабул килиши мумкин эмас;

давлат хизматчиларининг ўз лавозим мажбуриятларини бажариши ёки бажара олмаслиги билан боғлиқ бўлган шахслардан совғаларнинг қабул килиши ман этилади;

АҚШ қонунчилиги давлат хизматчиларига совғаларни қабул қилишга рухсат берилган умумий микдори, бир календарь йилда, 100 АҚШ долларидан ошмаслиги лозим;

юкоридаги холатларда давлат хизматчиси тегишли инстанцияларга суюистеъмол холатлари, коррупция ва бошқа қонунбузилиш холатлари тўғрисида маълум қилиши лозим.

Ушбу низомларнинг бажарилишини назорат қилиш билан давлат бошқаруви ёки департаментида зарур холларда кўшимча маълумот сўраш, мансабдор шахсларни сўроқ қилиш, расмий тергов ҳаракатларини ўтказиш билан шуғулланадиган маҳсус тайинланган шахслар, гурӯҳ, ёки комиссиялар шуғулланади.

### **Мансабдор шахс томонидан қонунбузарлик ҳолати аниқланганда қўйидаги чоралар кўрилиши мумкин:**



Бугунги кунда АҚШда коррупцияга қарши курашиш вазифасини амалга оширувчи дунёдаги энг кучли хукукни муҳофаза қилиш тизимларидан бири фаолият юритмокда. АҚШнинг уюшган жиноятычилик ва коррупцияга қарши курашда миллий стратегиясининг вазифалари кўйидагиларни назарда тутади:

- уюшган тергов назариясига асосланган кўп киррали ёндашувдан фойдаланиш;
- разведка хусусиятига эга бўлган миллий (халқаро) оператив-кидирув базасини кенгайтириш;
- мақсадли гурӯҳ концепциясидан фойдаланиш асосида самарали ва мувофиқлаштирилган текширувларни ўтказиш;

---

- RICO конуни фукаролик коидаларидан жинои жашкыларнинг иқтисодий асосларини бузиш учун кенг қамровли фойдаланиш;

- миллий ва хорижий хукукни муҳофаза қилиш органларига қўмаклашиш<sup>122</sup>.

RICO конуни маҳсус хизматларга коррупция содир этган мансабдор шахс, жиноятчилар гурухи ёки унинг алоҳида аъзоси томонидан олинган ҳар қандай фойда ёки мол-мулкни мусодара қилиш, шунингдек, бундай шахсларнинг жинои фаолияти натижасида зарар кўрган шахсларга уч баробар микдорда зарарни қоплаш учун даъво қилиш имконини беради<sup>123</sup>.

**Буюк Британия.** Буюк Британияда пораҳўрлик (коррупция) бўйича жиноят қонунчилигининг асослари 1889 йилда “Давлат ташкилотларида пораҳўрлик масалалари тўғрисида”ги ҳамда 1906 ва 1916 йилдаги “Коррупциянинг олдини олиш тўғрисида”ги қонунлар билан бевосита боғлиқдир<sup>124</sup>.

Ушбу қонунларнинг биринчиси “пора талаб қилиш ёки қабул қилиш, ёки давлат хизматчисининг бирор ишни бажариши ёки бажармаслиги учун бирон совға, имтиёз, мукофот ёки бошқа моддий қийматликлар учун розилик бериши”ни қоралайди.

Бундай хатти-харакатларда айбдор деб топилган шахс қамоқ жа зосига ёки унга берилган совға, имтиёз ёки мукофотнинг қийматини тўлашга хукм килинади. Бундан ташқари, у етти йил муддатта сайланиш ёки бирон бир давлат лавозимига тайинланиш хукувидан маҳрум этилади. Бундай жиноят тақрорий содир этилса, айбдор хизмат хукуклиридан маҳрум этилишига, шунингдек, мансабдор шахс сифатида олиши мумкин бўлган компенсация ёки пенсия хукувидан маҳрум этилишига хукм килиниши мумкин.

1906 йилда қабул килинган “Коррупциянинг олдини олиш тўғрисида”ги Қонун нафақат пора олган шахсни ушбу хатти-харакатни содир этганлиги учун, балки пораҳўр томонидан пора берилгани ва ушбу хатти-харакатларнинг содир этилиш мотивларидан катъи назар жиноий жавобгарликни назарда тутади.

---

<sup>122</sup> Попов В. И. Противодействие организованной преступности, коррупции, терроризму в России и за рубежом. – М., 2008. – С. 459-460.

<sup>123</sup> Карпович О. Г. Некоторые проблемы борьбы с коррупцией в государствах СНГ: теоретические и практические аспекты. – М., 2011.

<sup>124</sup> Зарубежный опыт противодействия коррупции – Научно-исследовательский центр проблем национальной безопасности ([nic-pnb.ru](http://nic-pnb.ru))

---

1916 йилдаги “Коррупциянинг олдини олиш тұғрисидаги қонунга тузатиш ва құшымчалар киритиш тұғрисида”ги Қонунга күра, пора берилгандын иш ёки битим бүйіча Марказий хукумат ёки алохіда давлат идоралари билан келишув ёки пора таклиф этилган холларда порахұрлық учун жавобгарликни белгилайды ва унда порахұрлық учун 3 йилдан 7 йилгача қамоқ жазоси билан жазоланади.

1809 йилдаги “Жиноят хуқуқи тұғрисида”ги Қонуннинг 1967 йилдаги таҳририда, хар кандай лавозимларни сотиши, сотиб олиш учун келишувлар, шу жумладан, Бирлашған Кироллик миқёсида, шунингдек, Буюк Британия худудида содир этилгани учун жавобгарлик күзде тутилған. Айборлар 2 йилгача озодликдан маҳрум килиш ва тегишли лавозимни эгаллаш хукуқидан бутунлай маҳрум килиш билан жазоланади.

Британия қонунчилиги судьялар ва суд тизимида фаолият юритадиган мансабдорларнинг порахұрлық жинояты билан боғылқ масалаларни хам мустакил жиноят сифатида күради. Суд тизими мансабдорига унинг бирон расмий хатти-харакатларыга таъсир күрсатиши учун бирон-бир совға ёки пул мүкофоти берадиган шахслар ва мүкофотни олган суд мансабдорлари 2 йилгача озодликдан маҳрум килиш ёки жарима билан жазоланади.

1987 йилдаги Буюк Британияда “Жиноий адлия тұғрисида”ги Қонунга биноан, СФО ташкилоти (The Serious Fraud Office) 1988 йилдан фаолият юритади<sup>125</sup>. СФО – бу юкори даражадаги мұраккаб фирибгарлик, порахұрлық ва коррупцияға қарши курашишга ихтисослашган прокуратура ташкилоти.

СФО – Англия, Уэльс ва Шимолий Ирландияны камраб олган Буюк Британия жиноятчилик масалалари билан шуғулланадиган адлия тизимининг бир кисмидир (аммо Шотландия, Мэн ороли ва Норман ороллари кирмайды).

СФО бosh прокурор томонидан бошка хукукни муҳофаза килиш идоралари ходимлари үртасидаги мұносабатлар үрнатылған протоколга мұвоғиқ башкарилади.

СФО йирик иқтисодий жиноятларға қарши курашишни зиямасында олади ва жиddий ёки мұраккаб фирибгарлиқни ўз ичига олған, хар кандай гүмөн қилинган хукукбизарлықни текшириши мүмкін.

СФО, шунингдек, жиноятчиларни жиноий фаолиятидан олған молиявий даромадлари учун таъсіб килади ва чет эл юрисдикцияларына жиddий ва мұраккаб фирибгарлик, порахұрлық ҳамда коррупция

---

<sup>125</sup> <https://www.sfo.gov.uk>

---

холатларини тергов килишда ёрдам беради. 2017 йилдан бошлаб, чет элда солик тұлашдан бүйин товлаганлари учун корпорацияларнинг ишончсизлиги билан боғылған жиноятларни тергов қилиш ва жиноий жавобгарликка тортишга құмаклашилмоқ да.

Буюк Британияда 2017–2022 йилларға мүлжалланған Коррупция-га карши курашиш стратегиясынинг асосини ташкил этган 4 та асосий тамойил (4P – Pursue, Prevent, Protect and Prepare) хукумат томонидан терроризм, уюшкан жиноятчилик ва пул ювишга карши курашиш бүйіча күйидаги фаолияттарни қамраб олади:

коррупциядан химоя қилиш – давлат ва хусусий секторда коррупцияга карши маданиятни шакллантириш;

коррупциянын олдини олиш – фукароларни ноконуний фаолият билан шуғулланишларига йүл қўймаслик, хусусан, касбий ҳалолликни ошириш орқали;

коррупцияни аниқлаш ва жазо чораларини кўриш – хукукни қўллаш, тергов, судлов ва жиноячини жавобгарликка тортиш доирасидаги жиноий суд юритуви ва назоратни амалга оширувчи органлар ролини мустахкамлаш;

коррупциянинг оқибатларини минималлаштириш, хусусан, ноконуний хатти-харакатлар оқибатида етказилган зарарни қоплатиш ва б.

**Германия.** Жаҳонда турли усуллар ва механизмлар ёрдамида коррупция даражасини сезиларли даражада минималлаштирган давлатлар мавжуд. Тахлиллар шуни кўрсатадики, коррупцияга қарши ҳам “юмшок” чоралар, ҳам “каттик” (ва баъзан шавқатсиз) усуллар орқали муваффакиятли курашиш мумкин. Мана шундай давлатлардан бири хисобланган Германия давлати тажрибасини кўриб чиқамиз.

Германияда коррупцияга қарши курашиш самарадорлиги сўнгги йилларда сезиларли даражада ошди. Бунга полиция ва прокуратура ходимлари штат бирликларининг оширилиши, ишонч ракамлари орқали аноним хабарларни бериш тартибининг жорий этилиши, жиноят ва солик полицияси ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик ва бутун Европа Кенгаши бўйлаб ҳамкорликнинг кенгайланлиги ёрдам берди. Самарадорликни таъминлашда илм-фаннынг ҳам жиждий таъсири бўлди, хусусан, олимлар томонидан ўтказиладиган илмий ва амалий тадқикотлар орқали коррупцияни келтириб чиқарадиган шарт-шароитлар ва пораҳўларнинг пора олиш ва бериш усуллари бўйича ҳам катта тажриба тўпланди. Германияда давлат ва маҳаллий бошқарувда коррупция холатлари (жами 35 фоиз) хусусий бизнесга қараганда (56 фоиз) анча кам. Ҳуқук-тартибот ва

---

суд органлари атиги 8 фоизни, турли даражадаги сиёсатчилар эса, атиги 1 фоизни ташкил этади.

Коррупция билан боғлиқ қонунбузилиш ҳолатлари, зиддиятли вазиляр аксарият холларда бизнес секторда, жумладан, йирик корпорациялар, концернлар фаолиятида кузатилган. Бу жанжалларнинг барчаси суд жараёнлари, камоқ санкциялари, сиёсатчилар ва топ-менежерларнинг истеъфолари, саноат корхоналарига миллионлаб долларлик жарималар билан таъкиб килинган. Натижада, бугун деярли хар бир йирик немис компанияларида compliance (бизнесни қонун доирасида қатъий юритиш) соҳасидаги мутахассислар жалб килинадиган бўлди ёки улар мунтазам равишда ўз тизимидағи жиноятларни аниклаш бўйича кидирув (детектив) органлари хизматларидан кенг фойдаланадиган бўлишид.

Агар бугунги кунда немис компанияси хорижий хамкорларга пора тўлаган бўлса, компаниянинг имижига жиддий путур етади ва катта молиявий зарар кўради. Коррупция йўли билан олинган экспорт буюртмалари имтиёзли давлат ташқи савдо суғуртасидан ҳам маҳрум этилади.

Германия қонунларига кўра, коррупция мансабдор шахс томонидан моддий ёки номоддий фойда олиш учун мансаб ваколатларидан фойдаланиши деб хисобланади. Бундай жиноятлар хар қандай соҳада на-моён бўлиши мумкин: давлат бошқаруви, сиёсат, иқтисодиёт, нодавлат ташкилотлар ва б.

Назария, амалиёт ва норматив-хукукий хужжатларнинг комплекс таҳлили шуни кўрсатадики, Германиянинг коррупцияга қарши курашиб тизимининг фояси қўйидаги ўнта принцип асосига қурилган:

1. Давлат хазинасини химоя килиш ва коррупция регистри орқали коррупцияни назорат килиш.
2. Ҳалол бизнес ахлоқи учун имтиёзлар яратиш.
3. Давлат хизматидан бўшатилган мансабдор шахсларни беш йил давомида бизнес фаолият билан шуғулланишларини тақиқлаш.
4. Конунлардаги бўшликларни бартараф этиш.
5. Ваколатли ташкилотлар томонидан телефон сўзлашувлар мониторингининг олиб борилиши.
6. Жазони енгиллаштириш орқали коррупция билан боғлиқ асосий гувохларни жалб қилиш орқали жараёнларни тартибга солиш;
7. Коррупцияга қарши марказларни яратиш орқали жиноий таъкибини кучайтириш.
8. Фаолият очиқлиги ва шаффоғлиги.
9. “Ишонч телефонлари”ни ташкил этиш.

---

10. Ноконуний бойлик орттириш ва сунистеъмол килиш ҳолатларининг олдини олиш максадида назоратни кучайтириш<sup>126</sup>.

Ушбу тамоилларнинг ҳар бири Германияда самарали амалга ошириб келинмоқда.

Бундан ташкари, Германия ҳукуматининг федерал вазирликлари ва идоралари коррупцияга қарши чораларни амалга оширидилар. Федерал ҳукумат органларида коррупцияга қарши кураш бўйича “Федерал ҳукумат директиваси” деб номланган ҳужжатларнинг маҳсус пакети кабул килинди. Ушбу меъёрий ҳужжатлар Федерал ички ишлар вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган ва Германияда 2004 йилдан бўён амал қилмоқда. Директивага Коррупцияга қарши фаолият кодекси, шунингдек, идораларнинг раҳбарлари учун услубий кўрсатмалар илова килинади. Директиванинг асосий хусусияти шундаки, у нафакат федерал давлат органларига, балки оммавий ва хусусий ҳукуқ юридик шахсларига ҳам кўлланилиши мумкин.

Директивада давлат органларида коррупцияга, айникса, мойил бўлган хавф-хатарларни таҳлил килишга каратилган фаолият соҳаларига урғу берилади. Шу билан бирга, коррупция хавфи “кўп кўзлар” (бир нечта ходимлар иштирокида ёки биргаликда текширувларни ўтказиш) ва очиклик принципларидан фойдаланган ҳолда аникланади. Директиванинг 4.2-моддаси коррупциялашган органларда мансабдор шахсларнинг ротациясини таъминлайди ва хизматчиларнинг ваколат муддати беш йил билан чекланади.

Ушбу Директива билан Коррупцияга қарши фаолият кодекси ва Идораларнинг раҳбарлари учун методик кўрсатмалар ҳам тасдикланган.

Германия Жинояткодексида коррупцияга оид ҳаракатлар қуидагича малакаланган ва аниқ кўрсатилган:

- ҳар қандай даражадаги депутат томонидан пора олиниши ёки берилиши;
- рақобатчиларга таъсир ўтказиш мақсадида тижорат соҳасида пора олиш ёки бериш;
- пассив турдаги коррупция фаолияти билан боғлиқ номоддий фойда олиш;
- фаол турдаги коррупция фаолияти - молиявий даромад ёки пора олиш;
- хизмат вазифаларини бажарувчи мансабдор шахсларнинг ҳаракатсизлиги.

<sup>126</sup> Моисеев В.В. Европейский опыт борьбы с коррупцией // Человек и труд. 2011. № 10.

Германияда пораҳӯр амалдорлар катл этиладиган Хитойдагидек кескин чоралар қўлланилмаган бўлса-да, мамлакат сезиларли муваффакиятларга эриша олган. Ушбу максад йўлида маҳсус конун яратилиб, Жиноят кодексига ўзгаришлар киритилган. Федерал хукумат коррупцияга карши курашишга қаратилган директивани хам чиқарган.

### **Ҳозирги кунда Германияда коррупция цивилизациялашган шаклларда намоён бўлмоқда:**

Хайрия жамғармаларининг молиявий маблағларни ўзлаштириш усуслари орқали

Давлат хизматчиларининг яширин равища, хизмат курсатиш шаклидаги лобичилик манфаатларини рағбатлантириш

Шартнома нархларининг оширилиши

Германия ҳар қандай коррупцион харакатлар ва схемаларга самарали қарши туро оладиган чора-тадбирлар мажмуини ишлаб чиқди. Улар орасида куйидаги жазо турлари мавжуд:

- озодликдан маҳрум килиш. Жиноят қанчалик жиiddий бўлганига караб, жиноятчига олти ойдан 10 йилгача камок санкцияси берилади. Бундан ташкари, бундай жиноят билан ушланган шахс келгусида Жиноят кодексининг 358-моддасида курсатилган лавозимларга ишга жойлаша олмайди;

- мол-мulkни мусодара килиш. Ноконуний йўллар билан кўлга киритилган хамма нарса давлатга топширилади. Инсонпарварлик тамо-йиллари нуқтаи назаридан келиб чиқиб, аксарият ҳолларда мусодара килиш жазо чораларидан бири сифатида бўлади, чунки айбдор оиласидан ажралмайди. Бундан ташкари, ноконуний олинган мулк ижтимоий эҳтиёжлар учун жамиятга қайтарилади. Бу каби жазодан кўркиб, кўплаб потенциал жиноятчилар чизикни кесиб ўтишга журъат этмайдилар;

- юкори даражадаги гаров микдори, жарималар ва суд. Коррупцияий харакатлар пора микдоридан анча катта молиявий йўкотишларга олиб келиши мумкин. Барча маълумотлар базаларига хукуқбузар ҳакидаги маълумотларнинг киритилиши, меҳнат шартномасининг бе-

---

кор килиниши, келажакда хукукбузарнинг яхши иш топишини деярли имконсиз қилади. Бундан ташкари, шахснинг кредит тарихи ҳам зарар кўради. Германияда деярли барча йирик харидлар кредит асосида амалга оширилиши сабабли, нарса сотиб олиш жуда кийин бўлади;

- коррупцияга жиддий тўсиклар яратиш максадида мамлакатда ишонч телефонлари ишлайди ва ҳар қандай немис фуқароси қўнғироқ қилиб, коррупция холати хақида хабар бериши мумкин. Шу билан бирга, қўнғироқнинг анонимлиги 100% кафолатланади.

Германияда коррупциянинг олдини олишга қаратилган куйидаги чора-тадбирлар белгиланган:

- хукумат вакиллари ва сиёсий арбоблар таклиф қилинадиган жамоатчилик мухокамаларини ўтказиш;

- коррупцион схемаларга мойил бўлган позициялар (лавозимлар)ни аниқлаш;

- ички назоратни кучайтириш;

- совғаларни қабул қилиш масаласини тартибга солиш;

- ходимларнинг доимий ротацияси;

- ходимларнинг хукукий билим ва малакаларини даврий ошириб бориш;

- давлатхизматчиларини тадбиркорлик билан шуғулланиш хукуқидан маҳрум этиш ёки чеклаш;

- давлат буюртмаларини факат ўтказилган танловлар натижалари асосида тақсимлаш;

- собиқ давлат хизматчиларининг тижорат фаолияти билан факат хукумат рухсати билан шуғулланиши.

Коррупцияга карши курашда нафакат санкциялар, балки турли рағбатлантиришлар ҳам коррупцияга қарши курашиш самарадорлигини оширади. Масалан, имтиёзлар, юкори пенсия, мартаба ўсиши, турли хил компенсация тўловлари ва б.

**Франция.** Хозирги вақтда Францияда коррупцияга қарши курашиш фаолияти билан жуда кўп давлат органлари, жумладан, Давлат Кенгаши, Хисоб палатаси, Молия Бош инспекцияси, Ички ишлар вазирлиги молиявий полициясининг Бош бошкармаси, Коррупцияга қарши курашиш агентлиги, Жамоат ҳаётининг шаффофлиги олий органи ва бошқалар бевосита шуғулланади.

Фаолиятни мувофикаштириш 2016 йилдаги “Шаффофлик, коррупцияга карши курашиш ва иқтисодий ҳаётни модернизация қилиш тўғрисида”ги Қонунга мувофиқ ташкил этилган Франциянинг Корруп-

цияга карши курашиш агентлиги (ААФ) зиммасига юклатилган. Идора Адлия вазири назорати остида фаолият юритади ва коррупциянинг олдини олиш ҳамда унга карши курашиш фаолиятини назорат қилиш ва мувофикалаштириш, ташкилотларга услубий ёрдам кўрсатиш, коррупцияга қарши чораларни амалга ошириш талабларига риоя этилишини мониторинг қилиш, шунингдек, конунларни бузганлик учун тергов ва жавобгарликка тортишга масъул хисобланади.

### **16.3. Коррупцияга қарши курашиш бўйича Дания, Норвегия, Швеция ва Финландия тажрибаси**

**Дания.** Дания нафакат Европадаги, балки бутун жаҳонда коррупция даражаси энг паст бўлган давлат хисобланади. “Transparency International” (TI) -коррупцияни қабул қилиш индекси давлатларда коррупция даражаси ва унга карши курашиш борасида амалга оширилган ишларни баҳолаб борувчи индекс хисобланади. Дания “Transparency International” халқаро ташкилот рейтингининг коррупцияни қабул қилиш индексида охирги йилларда биринчиликни эгаллаб келмоқда. Хусусан, “TI Corruption Perceptions Index 2021” индексида 100 дан 88 балл билан 180 та давлат орасида 1-ўринда қайд этилди. “The Rule of Law Index” 2020 индексида 1 дан 0,90 балл билан 128 та давлатдан 1-ўрин, “Global Right to Information Rating” индексида 150 балдан 64 балл билан 134 та давлатдан 108, “Index of Public Integrity” 2019 индексида 10 баллдан 9,49 балл билан 116 та давлатдан 2-ўринни эгаллаган<sup>127</sup>.

Дания Коррупцияга карши конвенциясини 2006 йилда ратификация қилган. Дания БМТ, GRECO, ОЕСД ва FATF билан ҳамкорлик қиласиди. Коррупцияга қарши курашиш фаолиятини амалга оширувчи органлар – Дания Адлия вазирлиги (Justitsministeriet), Иқтисодий ва халқаро жиноятчиликка қарши маҳсус прокурор (Statsadvokaten For Særlig Økonomisk og International Kriminalitet)<sup>128</sup>.

Мамлакатда коррупцияга карши конунлар ва ташабbusлар самарали фаолияти коррупциянинг давлат даражасида ҳам, фукароларнинг юкори даражадаги онги ва масъулияти сабабли бутунлай йўқотилмоқда.

Дания Коррупцияга карши курашиш бўйича давлатлар гурухи

<sup>127</sup> Манба: <https://anticor.hse.ru/main/country/Denmark> © Антикоррупционный центр НИУ ВШЭ

<sup>128</sup> Манба: <https://anticor.hse.ru/main/country/Denmark> © Антикоррупционный центр НИУ ВШЭ

---

(GRECO) ва Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти (ОЕСД) аъзоси хисобланади. Ушбу ташкилотларнинг барча талаблари Даниянинг миллий қонунчилигига мустаҳкамланган ҳамда мамлакатнинг барча давлат институтлари томонидан катъий бажариб келинмоқда.

Мамлакатнинг коррупцияга карши қонунлари тўпламига коррупцияга нисбатан турли хил жавобгарликни назарда тутадиган йигирмага якин норматив-хукукий хужжатлар киради, шу жумладан, Дания “Коррупция тўғрисида”ги қонун, “Адолатни ўрнатиш тўғрисида”ги, “Давлат маъмурчилиги тўғрисида”ги, “Пул ювиш ва терроризмни молиялаштиришнинг олдини олиш чоралари тўғрисида”ги қонунлар, Конституциявий қонун, Жиноят кодекси ва бошқалар.

Коррупциянинг олдини олишда Фолкетинг (Дания парламенти), шунингдек, мамлакат жамоатчилиги фаол иштирок этади, бу тегишли норматив-хукукий хужжатлар билан тартибга солинган. Фолкетинг Конституциявий коидаларнинг 20-бандига мувофик, Дания парламенти аъзолари ҳар бир вазирнинг парламентга мунтазам равишда хисобот бериши керак бўлган маълумотларни олишлари мумкин, хусусан, улар коррупция схемаларда иштироки бўйича шубҳа-гумонлар тўғрисида ҳам тушунтиришлар беришлари лозим.

Данияликлар ўртасида ўтказилган ижтимоий сўров натижалари шуни кўрсатдики, Данияда, асосан, мансабдорларга турли кўринишдаги совғалар бериш шаклида намоён бўлиб, бу мамлакатда “майда коррупция” мавжудлигидан далолат беради.

Данияда коррупция даражаси пастлигининг асосий омилларидан яна бири, нафакат хукумат амалдорлари орасида, балки оддий фукаролар ўртасида ҳам бу иллатнинг зарари тушунтирилади. Мамлакатда ўзига хос ахлоқий коидалар, мансабдор шахсларнинг шаъни кодекслари, хукумат даражасида ошкоралик ва очиклик мавжуд. Коррупцияда гумон килинган шахс эгаллаган лавозим-мартабаси билан дархол хайрлашади.

Мамлакатдаги барча пул айланмалари шаффоф, барча даромад ва харажатлар очик. Жамоат ташкилотлари ва маҳсус назорат органлари очик фаолият кўрсатиб, компанияларнинг фаолияти ва молиявий аҳволи ҳакидаги маълумотларни Интернетда эълон килиб боради.

Данияда давлат хизматчиларининг ижтимоий химояси юкори даражада таъминланган: бепул тиббий хизмат ва таълим олиш, ижтимоий кафолатларнинг мавжудлиги коррупцион хатти-харакатлар эҳтимолини сезиларли даражада камайтиради.

---

Данияликлар орасида порахўрик даражасининг пастлигига коррупцияга қарши қонунчиликнинг даврий равишда кучайтирилиши хам таъсир қиласди. Факат сўнгги йилларда давлат секторида коррупцияга оид хукукбузарликлар учун санкция уч йилдан олти йилгача, хусусий секторда эса, бир йилдан тўрт йилгача оширилди.

Данияда коррупция даражаси паст бўлишининг сабабларидан яна бири шундаки, аксарият компаниялар коррупцияга нисбатан “ноль муросасизлик” сиёсатига риоя килишади, яъни ўз компаниялари ичидаги хамкорлар билан хамкорлик жараёнида хам порахўрикнинг қабул килинмаслигидир.

Масалан, ишга жойлашиш максадида мурожаат килинганда, томонлар пора олиш ва беришдан бош тортиш мажбуриятини ўз ичига олган маҳсус шартномани имзолашлари мажбурийдир. Бундай шартномани имзолашни рад этиш ишга қабул килишдан бош тортишнинг жиддий сабаби бўлиши мумкин, ушбу шартнома қоидаларининг бузилиши ходимнинг ишдан бўшатилишига олиб келади. Шунга ўхшаш қоидалар Даниянинг кўплаб йирик ташкилотларида мавжуд: Дания Савдо кенгаши, Ривожланаётган мамлакатлар учун саноатлаштириш жамғармаси, Дания Саноат конфедерацияси, Дания Кредит-экспорт агентлиги (ЕКФ) ва ҳоказо.

1930 йилда қабул килинган ва шу кунгача мамлакат худудида ўзгартириш ва кўшимчалар билан амалда бўлган Дания Жиноят кодекси коррупцияга оид жиноятларни белгиловчи ягона жиноят қонуни хисобланади<sup>129</sup>. Дания Жиноят кодексининг 122, 144, 299-моддаларига мувофик, фаол ва пассив порахўрик, мансаб лавозимини сунистельмол килиш, талон-тарож килиш, фирибгарлик, ишончни оқламаслик, пул ювиш ва порахўрикдан тушган даромадлар тақиқланади. Жиноят кодексида, шунингдек, хорижий мансабдор шахсларни пора эвазига оғдириб олиш, корхоналар ўртасидаги коррупция ва шахслар томонидан компанияномидан содир этиладиган коррупция учун жиноий жавобгарлик назарда тутилган. Ушбу жиноятларнинг содир этилганлиги учун жарима ёки олти йилгача озодликдан маҳрум килиш билан жазоланади<sup>130</sup>.

---

<sup>129</sup> Агентство Республики Казахстан по делам государственной службы и противодействию коррупции [Электронный ресурс]. – Режим доступа: <http://kyzmet.gov.kz/ru/pages/obzor-antikorrpcionnoy-politiki-danii>. – Дата доступа: 13.01.2019.

<sup>130</sup> О некоторых особенностях борьбы с коррупцией в Дании. И. Д. Гордынец, И. И. Шишковец. Учреждение образования Федерации профсоюзов Беларусь “Международный университет “МИТСО”, г. Минск.

---

Коррупцияга карши курашиш бўйича Дания конунчилигининг юкори даражада такомиллашганлиги ва унинг халқаро конунчиликка мувофиқлиги мамлакатнинг бу соҳадаги фаолияти ижобий тусда эканлигини кўрсатади.

**Норвегия.** Норвегия хам Европада, хам жаҳонда коррупция даражаси энг паст бўлган давлатлардан бири хисобланади. Хусусан, “TI Corruption Perceptions Index” 2021 индексида 100 дан 85 балл билан 180 та давлат орасида 4-ўринда кайд этилди. “The Rule of Law Index 2020” индексида 1 дан 0,89 балл билан 128 та давлатдан 2-ўрин, “Global Right to Information Rating” индексида 150 балдан 78 балл билан 134 та давлатдан 80, “Index of Public Integrity 2019” индексида 10 баллдан 9,61 балл билан 116 та давлатдан 1-ўринни эгаллаган<sup>131</sup>.

Норвегия Коррупцияга қарши конвенциясини 2006 йилда ратификация қилган. БМТ, GRECO, ОЕСД ва FATF билан ҳамкорлик қиласи. Коррупцияга қарши курашиш фаолиятини амалга оширувчи ташкилот – Норвегиянинг Иктисадий ва экологик жиноятчиликка қарши курашиш ва тергов қилиш миллий бюроси (Den sentrale enhet for etterforskning og påtale av økonomisk kriminalitet og miljøkriminalitet)<sup>132</sup>.

Норвегия коррупцияга қарши жуда каттик конунчиликка, тегишли халқаро механизмларда фаол иштирок ва коррупцияга қарши курашда ижобий динамикага эга. Коррупцияга қарши курашиш фаолиятининг асосий йўналишларидан бири сифатида таъкидлаш мумкинки, яширин иқтисодиёт улушини камайтириш максадида, ушбу йўналишдаги жиноятчиликка қарши чора-тадбирларни ишлаб чикади ва амалга оширади. Маълумотларнинг очикилиги, коррупцияга қарши курашишда фукароларнинг фаоллиги каби хусусиятлар хос.

Мутахассисларнинг фикрича, Норвегияда коррупцияга қарши курашиш самарадорлигининг сири шаффофлик (ошкоралик) да ётади. Норвегияда, Европа ва дунёнинг кўплаб бошка мамлакатларида бўлгани каби, давлат харидлари ва давлат бюджети маблағлари харажатлари билан боғлиқ барча ҳужжатлар очиқ. Интернет ва босма оммавий ахборот во-ситаларида чоп этилади ва бунда ҳар бир фуқаро маблағларнинг нимага ва канча микдорда сарфланиши бўйича маълумот олиши мумкин. Шаффофлик нафакат давлат харидлари, балки юкори мартабали амалдорлар

---

<sup>131</sup> Источник: <https://anticor.hse.ru/main/country/Norway> © Антикоррупционный центр НИУ ВШЭ

<sup>132</sup> Манба: <https://anticor.hse.ru/main/country/Norway> © Антикоррупционный центр НИУ ВШЭ

---

ёки оддий ишчиларнинг даромадлари ҳам очик манбаларда мавжуд. Барча фуқароларнинг иш ҳақи ва банкдаги ҳисоб-варағи түғрисидаги маълумотлар маҳаллий солик хизмати веб-сайтида мавжуд<sup>133</sup>.

Норвегияликларнинг фуқаролик фаоллиги позицияси ҳам муҳим омил. Коррупция ҳолатлари, шунингдек, бошқа жиноий жазога тортиладиган қилмишлар ҳакида тегишли идораларни хабардор килиш ҳар бир фуқаронинг бурчи ҳисобланади. Чунки коррупция қонун устуворлиги, демократия, инсон ҳукуклари ва ижтимоий адолат институтларига таҳдид солади. Норвегия Конституциясига кўра, ҳар бир ҳодим иш жойи билан боғлиқ ҳолатлар ва муносабатлар ҳакида фикр билдириш ҳукуқига эга. Шахс ўз компаниясидаги коррупция ҳолатлари түғрисида тегишли органларга хабар бериши керак, маълумот берувчи эса, ҳимояланиш ҳукуқига эга – иш берувчи уни ишдан бўшатолмайди. Ушбу қонун давлат ва хусусий секторга бирдай тегишли<sup>134</sup>.

Назорат - Норвегия парламенти (Стортинг)нинг функцияларидан биридир. Стортингнинг Назорат ва Конституциявий қўмитаси парламент томонидан кабул килинган карорларнинг амалга оширилиши бўйича давлат органларининг фаолиятини назорат қилувчи марказий органдир. У ўз ташаббуси билан ишларни текшириши ва очик назорат эши-түвларини чакириши мумкин. Қўмита томонидан кўриб чиқилган ишларнинг аксарияти Норвегия Бош аудитори идорасининг ҳисботларига асосланади.

Стортингнинг назорат функцияларининг бир қисми ташки назорат органларига – Норвегия Бош аудитори идораси ва Инсон ҳукуклари бўйича Комиссарга топширилади, улар парламентга бўйсунади ва ўз фаолиятлари түғрисида ҳисбот беради.

Норвегия Жиноят кодексининг 26-бобида: “Фирибгарлик, ишончни сунистеммол килиш ва коррупция” хатти-ҳаракатлари учун санкция масалалари батафсил тартибга солинган. Жиноят кодексининг 276 “а” қисмига мувофик, ёзи ёки бошқа шахс учун расмий лавозим ваколатларидан фойдаланган ҳолда ёки бажарилган иш/вазифа билан боғлиқ ҳолда фойда олиш ёки маълум бир лавозимни эгаллаган ёки иш/вазифани бажарадиган шахсга бундай имтиёзларни тақдим этиш учун жавобгарлик белгиланган. Шундай килиб, пора олган ҳам, уни таклиф килган ҳам жазога тортилади. Ушбу турдаги жиноятлар жиноятчининг иш жойи-

<sup>133</sup> Норвегия ([askjournal.kg](http://askjournal.kg))

<sup>134</sup> Антикоррупционный контроль в некоторых государствах мира ([jk.ru](http://jk.ru))

---

дан каты назар – давлат, муниципиал ёки хусусий секторда жазоланади. Норвегия фукароси томонидан Норвегиядан ташқарида коррупция актини содир этганлик учун хам жазо берилади.

Жиноят кодексида “оғир” даражадаги коррупция ҳолатлари түғрисида алохига таъкидланган. 276 “б” қисмига мувофиқ, коррупцияни “оғир” деб белгилашда, хусусан, ҳаракат давлат амалдори томонидан ёки давлат амалдорига нисбатан содир этилганми ёки унинг расмий лавозими, иши ёки топшириғидан келиб чиқадиган алохига ишончга путур еткazған бошқа шахс томонидан содир этилганми, бу катта иқтисодий фойда учун килинганми, жиддий иқтисодий ёки бошқа турдаги зарар етказиш хавфи бўлганми, молиявий ҳисоботларда нотўғри маълумотлар қайд этилганми, ишончсиз молиявий хужжатлар ёки ишончсиз йиллик молиявий ҳисоботлар мавжудми – шуларга эътибор берилади. Агар 276 “а” қисмида белгиланган коррупция ҳаракати учун жиноятчи пул жаримаси ёки уч йилгача озодликдан маҳрум килиш билан жазоланиши мумкин бўлса, унда “оғир” даражадаги коррупция (шунингдек, унга қўшилиш ҳисобланиб, 10 йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади).

Коррупцияга карши чоралар ва тегишли конунчилликни ишлаб чикиш Норвегия Адлия ва Фавқулодда вазиятлар вазирлиги томонидан мувофиқлаштирилади. У Ташки ишлар вазирлиги ва унинг Ривожланатётган мамлакатларга ёрдам бериш бўйича қўйи бошқармаси (HORAD) билан биргаликда ушбу соҳадаги халкаро ҳамкорлик учун жавобгардир.

Норвегияда коррупция билан боғлиқ жиноятларни тергов қилишда марказий ролни Иқтисодий ва экологик соҳалардаги жиноятларни тергов қилиш бўйича Миллий прокуратура (Экокрим) бажаради. Баъзи холларда, коррупцияга қарши курашда Молиявий назорат идораси иштирок этади (Молия вазирлиги бўйсунувида бўлиб, молиявий хизматлар соҳасида конун-қоидаларга риоя этилишини назорат қилиш, молиявий шартномалар тузиш, шубҳали битимлар ҳакида Экокрим ва/ёки полицияни хабардор қилиш), Солик хизмати, Божхона хизмати, Осло шаҳри биржаси, Рақобат тўғрисидаги қонун хужжатларига риоя этилишини назорат қилиш инспекцияси, Мехнат ва фаровонлик бўйича Давлат хизмати хам иштирок этади.

2005 йилдан Норвегияда давлат хизматчиларининг, хусусан, вазирларнинг хусусий секторга ўтишида, шунингдек, бизнес вакилларининг давлат хизматига ўтишида бир катор коидалар жорий этилди. Аксарият холларда ўтишда “карантин” коидалари амал килади (ярим йил муддат белгиланган). Тегишли қарор иш берувчи томонидан, вазирлар ва улар-

---

нинг ўринбосарларига нисбатан “карантин” бўйича мустакил комиссия томонидан қабул килинади.

**Швеция.** Ушбу давлат ҳам нафакат Европадаги, балки бутун жаҳонда коррупция даражаси энг паст бўлган давлатлардан хисобланади. “Transparency International” халкаро рейтингининг коррупцияни қабул килиш индексида охирги йилларда етакчи ўринларни эгаллаб келмокда. Хусусан, “TI Corruption Perceptions Index 2021” индексида 100 дан 85 балл билан 180 та давлат орасида 4-ўринда кайд этилди. “The Rule of Law Index 2020” индексида 1 дан 0,86 балл билан 128 та давлатдан 4-ўрин, “Global Right to Information Rating” индексида 150 балдан 101 балл билан 134 та давлатдан 40-ўрин, “Index of Public Integrity 2019” индексида 10 баллдан 8,95 балл билан 116 та давлатдан 8-ўринни эгаллаган.

Бундан ташқари, Жаҳон банки Швецияни бизнес юритиш бўйича етакчи ўнта мамлакат таркибига киритган. Албатта, ҳар доим ҳам шундай бўлмаган, Швецияда коррупцияга карши тизим ўн йиллар давомида такомиллаштирилган.

Швеция қонунчилигига кўра, порахўрлик – давлат сектори ва хусусий сектордаги порахўрликка бўлинади. Шу билан бирга, Давлат секторида порахўрлик ва коррупция ҳолатлари Швецияда оғир жиноят хисобланади.

Коррупцияга оид жиноят, масалан, расмий лавозимни сунистъемол қилган шахс, Швеция Жиноят кодексига кўра, энг оғир жазо – 6 йилгача озодликдан маҳрум килинади. Юкоридагилардан кўриниб турибдики, Швецияда коррупцияга оид жиноятлар учун санкциялар унчалик оғир эмас. Ушбу санкциялар дунёning кўплаб нуфузли мамлакатларининг жиноят қонунчилигига караганда юмшокроқ. Швеция давлат бошқаруви тизимида коррупцияга карши курашда муваффакиятнинг асосий омили – Швеция жамиятининг таълимидир. Бу, асосан, болалар тарбияси билан боғлиқ. Таълимда асосий ёътибор боланинг дунёқарашида ҳалоллик, катталарга хурмат, шу жумладан, ота-оналарга бўлган мухаббат бўйича баркарор қадриятларни шакллантиришга қаратилади. Фойда (даромад) топиш ва муваффакиятга эришишда меҳнатсеварлик ва ҳалоллик, касбий ўсишга доимий интилиш, тежамкорлик ва хушёрлик, масъулият ва ташаббускорлик, хусусий мулкнинг мукаддаслиги ва дахлсизлиги – бу швед жамиятида ёшлидан сингдирилган швед ахлокининг асосий таъмойилларидир. Касбдаги бурчни бажариш Швецияда инсон ахлокий хаётининг энг юқори вазифаси сифатида қаралади. Одамларга ҳар доим шартномаларга риоя килиш, қарз ва тўловларини ўз вактида амалга

---

ошириш, пора беришдан бутунлай кочиш, хар доим, хар жихатдан халол бўлиш кераклиги ва энг муҳими, пораҳурлик жамиятда бўлмаслиги кераклиги ўргатилади<sup>135</sup>.

Коррупцияга қарши курашда Швеция расмийлари ва бизнес доиралари фаолияти устидан жамоатчилик назорати катта кучга эга. Ушбу назоратни амалга оширишда оммавий ахборот воситалари асосий роль ўйнайди, улар хар қандай коррупция холатларини, уларга алокадор шахсларнинг жамиятдаги лавозими ва мавкеидан катъи назар, дархол эълон қиласди.

Масалан, 1999 йил ўрталарида Швецияда Молия вазири расмий лавозим ваколатларини сунистельмол килганлиги сабабли жанжал келиб чиккан. У Стокгольмнинг нуфузли худудида навбатсиз уйга эга бўлган. Вазир яшаш жойини олиш жараёнини тезлаштириш максадида пора берганликда гумон килинганди<sup>136</sup>.

Яна бир мисол. Швеция камокхона тизимининг раҳбарларидан бири янги қамоқхоналарни лойихалаш пайтида буюртма беришда пора олган ва бунда тўртта гумонланувчи айбланганд. Швеция камокхона тизими ходимлари ва коррупцияга оид жиноятларни содир этганликда гумон килингандар архитектура ва қурилиш компаниялари вакиллари судга чакирилган. Камокхона тизимининг кўчмас мулк бўлимининг собиқ раҳбари янги қамоқхона биноларини лойихалаш билан боғлиқ катта пора олганликда гумон килинганд. Бу воеа давлат хизматчилари судга жалб қилинганд энг йирик коррупция ҳолатлардан бири ҳисобланади. Швецияда, киска вақт ичидаги бойлик орттирган ҳар қандай тадбиркор ва мансабдор шахс шубха остига олинади. Агар мансабдор шахс ноҳалликда айбланса, у лавозимидан кетишга мажбур бўлади<sup>137</sup>.

Коррупция дунёдаги барқарор ривожланишнинг асосий тўсикларидан бири бўлиб, иктисадий ўсишни секинлаштиради, давлатга бўлган ишончни сусайтиради ва демократик институтлар ва одамлар фаровонлигига салбий таъсир қиласди. Афсуски, ҳозирги пайтда коррупцияни тўлиқ бартараф этишнинг имконияти мавжуд эмас, чунки бу иллатни бутунлай мағлуб этган давлатлар йўқ. Аммо Швеция тажрибаси шуни исботлайдики, коррупция, ҳақиқатан ҳам, минималлаштирилиши

---

<sup>135</sup> Шурыгин, Ф. Ф. Антикоррупционная политика Королевства Швеция / Ф. Ф. Шурыгин. – Текст : непосредственный // Молодой ученый. – 2018. – № 34 (220). – С.66-69. // <https://moluch.ru/archive/220/52431/> (дата обращения: 14.02.2022).

<sup>136</sup> Ўша манба.

<sup>137</sup> Ўша манба.

---

ва каттик назорат килиниши мумкин. Коррупцияга карши кураш чораларининг биринчи тўплами бу ерда XIX асрда қабул қилинган ва тизимнинг сўнгги ислохоти 2012 йилда амалга оширилган. Швецияда коррупцияга карши курашиш тизимининг асосий тамоиллари куйидагилар.

2021-2023 йилларга мўлжалланган коррупцияга карши Миллий режада “Коррупция – бу ўзи ёки бошқаларга фойда олиш учун ваколатни суиистеъмол қилиш”. “Порахўрлик, товламачилик ва талон-тарож қилиш” каби ноконуний фаолият масалалари Жиноят кодексида катъий мустахкамланган.

Шуниси эътиборга лойикки, Швеция жиноят конунчилигига “коррупция” атамаси сўзма-сўз мавжуд эмас. Шунингдек, пул тўғридан-тўғри иштирок этмайдиган жинояtlар мавжуд эмас, масалан, ишга киришда ишончни суиистеъмол қилиш ёки фирибгарлик. Бундан ташкари, Жиноят кодексида пора деб ҳисобланиши мумкин бўлган микдор ва сифат таърифи мавжуд эмас. Мехмондўстлик муносабатларини намойиш қилиш (масалан, совғалар ёки кечки овқат) пора деб ҳисобланадими ёки йўқми, бу мавжуд шарт-шароитларга, мансабдорнинг мартабасига ва ундан қандай фойдаланганлигига боғлиқ.

Конун хужжатларини тушуниш ва амалда кўллашни осонлаштириш учун Иқтисодиётда коррупцияга карши курашиш кодекси қабул қилинган. Унинг биринчи нашри 2012 йилда бутун коррупцияга карши тизимни ислоҳ қилиш муносабати билан қабул қилинган ва 2020 йилда хужжат тўлдирилган ва қайта нашр этилган. Кодексда аниқ кейслар бўйича конунларнинг талкинини топиш мумкин. Масалан, агар мансабдор шахс компанияда аудит ўтказса, у оддий тушликка ҳам рози бўлишга ҳақли эмас. Агар мансабдор шахс тендерда катнашмаган компанияда тақдимот ўтказишга таклиф қилинган бўлса, унда миннатдорчилик сифатида берилган гулдастани қабул қилиши ўринли. Шунингдек, мансабдор шахсларга 200 дан ортиқ крон (таксминан 20 евро) кийматидаги барча совғаларни декларациялаш бўйича тавсиялар мавжуд.

Давлат ва хусусий тузилмалар коррупцияга карши курашиш бўйича ўз актлари ва меморандумларига эга бўлиши ва улардаги меъёрлар турлича бўлиши мумкин. Бундай хужжатлар, кўпинча, манфаатлар тўқнашуви тўғрисидаги қоидаларни ўз ичига олади, бу мансабдор шахсни дисквалификация қилиш учун асос бўлиши мумкин.

Коррупция даражасини пасайтириш максадида, XIX асрда Швецияда мансабдор шахсларнинг маошлари кўтарилиб, имтиёзлар ва субсидияларнинг бутун бир тизими жорий этилди. Натижада, давлат хизматчи-

---

си оиласини бокиш учун пора олишнинг хожати колмаганлиги билан бир қаторда, яхши жойни йўқотиш хавфи алдаш истагини енгид чиқди. Ҳозирда давлат хизматчиларида ҳалоллик анча кенг тарқалган. Компаниялар ходимларга ўкув курсини ўташни таклиф килишади ва улар ахлокий меъёрларни мунтазам равишда эслатиб туришларига ишонч хосил қилишади. Конунга бўйсунадиган шведлар учун рухсат берилган нарсаларнинг аниқ чизилган чизиги аксарият уни кесиб ўтмаслик учун етарли. Ҳусусий компаниилар ҳам, давлат муассасалари ҳам ички назорат ва аудит механизмларини ўрнатганлар, улар барча ходимларга маълум. Ушбу тамойил, шунингдек, мансабдор шахсларнинг оддий фукароларга нисбатан иммунитетга ва афзаликларга эга эмаслигини ҳам ўз ичига олади.

Бундан ташқари, Швецияда давлат хизматчилари томонидан давлат хизматларини кўрсатиш тизими ҳам тўлик коррупциядан холи.

Швециянинг ҳар бир фукароси (шу жумладан, журналистлар) ҳар қандай давлат идорасига қўнғироқ қилиши ёки ёзма равиша мурожаат қилиши ва расмий хужжатни талаб қилиши мумкин. Бу иш ёзишмалари, таклифномалар, хукумат шартномалари хакида маълумот бўлиши мумкин. Давлат хужжатларига жамоатчиликнинг кириш принципи (шв. Offentlighetsprincipen) 1766 йилдан бўён мавжуд бўлиб, бу матбуот эркинлиги бўйича дунёдаги биринчи конун хужжатларидан биридир. Албатта, барча хужжатлар ошкор этилиши мумкин эмас, масалан, давлат сирлари бўлган хужжатлар ошкор қилинмайди.

Жамиятнинг ахборотдан фойдаланиш принципи, аслида, коррупцияга карши курашишда энг самарали воситалардан бирига айланган. Ҳар бир шахс солик идорасига қўнғироқ қилиб, ҳар қандай шахснинг қанча даромади борлигини, каерда яшаётганини, нечта машинаси борлигини ва бошқа шу каби маълумотларни сўраши мумкин. Шу билан бирга, Швецияда шахсий маълумотларни химоя килиш бўйича Европа умумий Регламенти (GDPR) ҳам амал қилади – шахсий маълумотлар, ошкоралик принципида назарда тутилганлардан ташқари, катый химояланган.

Швеция парламенти – Риксдаг йиғилишларига хоҳлаган инсон ташриф буюриши мумкин. Швецияда жамоатчилик фикрининг кучи деярли чексиздир. Солик маблағларининг самарали сарфланишига одатланган жамият мансабдор шахслар ноҳалоллигининг заррача кўринишларига ҳам кескин муносабат билдиради. Ахборотнинг очикилиги ва даромадларнинг шаффоғлиги тъминланганлиги натижасида тўсатдан бойиб кетган бизнесмен ёки ўзининг имкониятларидан ортиқ даражада хаёт

---

кечираётган мансабдор журналистик текширув обьекти бўлиши мумкин. Жамоатчилик фикри босими остида порахўр амалдор ўз лавозимидан кетишга мажбур бўлади. Бундан ташкари, оммавий ахборот воситалари ахборот берувчилар ролини йўнайди – полиция матбуот маълумотларига кўра, тергов жараёнини бошлиши шарт.

Натижада, Швеция оммавий ахборот воситалари хукумат идоралари ва бизнес, мансабдор шахслар ва тадбиркорларга нисбатан тўртинчи хокимият вазифасини бажаради. Агар коидабузар жарима билан кутулган бўлиши ёки ҳатто оқланган бўлиши мумкин, лекин репутация (обрў-этибор) йўқотишлари унга мансаб пиллапоясидан тушишига ёки умуман, кетишига олиб келиши мумкин. Хеч кандай такиқ ва конунлар бундай тъисир кучига эга эмас, шунинг учун коррупцияга карши жамоатчилик фикри давлат даражасида, шу жумладан, кўплаб ахборот кампаниялари орқали кўллаб-куватланади.

Яна бир хусусияти, Швецияда ҳалоллик – ижтимоий норма сифатида қабул қилинади. Бу учун жамоатчилик ва черков институтлари ҳам фаол иштирок этади.

Стокгольм савдо палатаси хузурида 1923 йилда Порахўрликка карши маҳсус институт (шв. *Institutet mot mutot*) ташкил этилган. Бу ахлоқий компас вазифасини ўз зиммасига олган жамоат ташкилоти – улар коррупцияга карши конунчиликнинг ўзига хос томонларини тушунтириш, мансабдор шахслар ва корхоналарга пора деб хисобланадиган нормаларни тушунишда ёрдам бериш билан шуғулланадилар. Институт ахборот материалларини яратади, семинарлар ва хукукий маслаҳатлашувларни ўтказади. Бу ерда ахлоқий комиссия ҳам ишлайди, у Конунчилик ва ахлоқий меъёрларга риоя килиш бўйича аниқ чора-тадбирларни кўриб чикади. Ишлар Институт веб-сайтидаги маълумотлар базасида эълон қилинади. У, шунингдек, Иқтисодиётда порахўрликка қарши кодекс учун ҳам масъуль бўлган ташкилот хисобланади.

2012 йилда Швецияда коррупцияга қарши маҳсус полиция гурухи ташкил этилди. У полиция ва фукаролик мутахассисларидан иборат. Агар полиция жиноятни аникласа, иш судга юборилади.

Швецияда бир нечта маҳсус хизматлар ташкил этилган, 2003 йилда ташкил этилган Давлат аудиторлар хизмати (*Riksrevisionen*) давлат муассасаларининг харажатлари ва фаoliyati самарадорлигини назорат килиш учун жавобгардир. Улар ҳар йили мансабдорларни текширади ва натижаларини тегишли органларга ўтказади. Парламент таркибида коррупцияга қарши алоҳида тузилма мавжуд эмас, аммо парламент-

---

нинг Адлия Омбудсмани мавжуд – у ижро этувчи ҳокимиятнинг инсон ҳукуклари нуктаи назаридан самарадорлигини назорат қилади.

Швецияда коррупцияга карши курашиш самарадорлигининг яна бир хусусияти, барча учун тенг имкониятларнинг яратилганлиги.

Ишга киришда ёки давлат харидларини амалга оширишда коррупциянинг бир кўриниши ҳисобланган непотизм, яъни “қариндошлик” ёки “дўстлар” ўртасидаги коррупциядир. Бунда мансабдор шахс дўстининг компанияси учун давлат харидлари учун талабларни шакллантирганда ўз қариндошлари ёки дўстларига устунлик берилиши билан намоён бўлади. Шуниси эътиборга лойикки, Швецияда ишга кабул килишда меритократия (яъни номзоднинг келиб чикиши ёки молиявий ҳолатига эмас, кобилият ва малакаларини баҳолашга асосланган) тизими 1809 йилда бошланган – бундан олдин факат зодагон (аслзода)лар давлат бошкарувида мартабага эга бўлиши мумкин эди.

Таълимда университетларга кабул килиш ва билимларни синаш жараёнларининг автоматлаштирилганлиги муҳим роль ўйнайди. Қабул килиш учун ягона электрон ҳужжат топшириш тизими яратилган – аризалар битта веб-сайтда тўпланади ва шундан кейингина таълим муасасаларига юборилади. Мактаблар ва университетларда ёзма тестларни баҳолашда ўқитувчилар томонидан ҳужжатлар ракамлаштирилган ҳолда бўлади ва ишни холисона баҳолайдилар.

**Финляндия.** Европа мамлакатлари орасида давлат бошкаруви тизимига коррупция энг кам таъсир қиласидан давлатлардан бири Финляндия бўлиб, ушбу давлат коррупцияга карши курашнинг либерал ёки юмшок моделидан фойдаланади. “Transparency International” халкаро рейтингининг коррупцияни қабул килиш индексида эгаллаган позицияси юкори. Хусусан, “TI Corruption Perceptions Index 2021” индексида 100 дан 88 балл билан 180 та давлат орасида 1-ўринда қайд этилди. “The Rule of Law Index 2020” индексида 1 дан 0,87 балл билан 128 та давлатдан 3-ўрин, “Global Right to Information Rating” индексида 150 баллдан 105 балл билан 134 та давлатдан 31, “Index of Public Integrity 2019” индексида 10 баллдан 9,4 балл билан 116 та давлатдан 3-ўринни эгаллаган<sup>138</sup>.

---

<sup>138</sup> [Финляндия \(hse.ru\)](https://hse.ru)

## **Финляндия давлатининг коррупцияга қарши курашиш тамоиллари:**

Ҳокимиятни бошқариш жарайёнининг шаффоғлиги

Давлат бошқарувида конун устуворлигининг таъмингандиги

Давлат хизматчиларининг масъулияти ва ҳалоллиги

Финляндияда давлат хизматчилари бошка мамлакатлардаги давлат хизматчилариға нисбатан юқори даражадаги профессионаллик ва коррупцияни қабул килмаслиги билан сифатланади. Давлат хизматчилари сони баркарор ва сўнгги 20 йил ичидаги ходимларнинг сони сезиларли кискартирилган, уларнинг сонини камайтириш эса, уларнинг фаолияти самарадорлигини оширган. Финляндия давлат хизматчилари, доимий равишда, яхши ижтимоий таъминот ва иш ҳакига эга. Кўшимча равишида, Финляндия конунчилиги мансабдор шахсларнинг коррупциявий жиноятлари учун жиддий санкциялар билан тавсифланади. Коррупциявий хукуқбузарлик содир этганлик фактининг мавжудлиги давлат хизматчиси учун нафакат давлат ва мажаллий давлат ҳокимияти органларида, балки тижорат ва нотижорат ташкилотларнинг бошқарув органларида хам юқори лавозимларда ишлаш хукуқини чеклайди<sup>139</sup>.

Финляндияда коррупцияга карши курашиш фаолияти билан бир қатор давлат органлари шуғулланади. Буларга: Адлия Омбудсманни, Финляндия Президенти томонидан тайинланадиган ва бошқа давлат органларидан мустакил бўлган Парламент Омбудсманни (Конституциявий ва бошқа инсон хукуклари бўйича Комиссар) киради. Бу мансабдор шахслар ўз фаолиятини амалга ошириш жараёнида фактат Республика конунчилиги нормаларига таянади. Президент томонидан тайинланадиган Адлия Омбудсманни парламент депутатларидан ташкири, давлат ҳокимиятининг барча тармоклари фаолиятини назорат килади. Парламент Омбудсманни, ўз навбатида, парламент аъзоларининг ўз ваколатларини амалга оширилиши устидан назорат килади.

Юқори мансабдор шахсларга (Президент, хукумат аъзолари, парламент, олий суд аъзолари) айлов бўйича ишлар Олий суд ва маъмурий

<sup>139</sup> Дерябин Ю. С. Можно ли одолеть коррупцию? (Опыт Финляндии) // URL <http://pandia.ru/text/77/476/10792.php>.

---

суд раиси, Назорат суди ва парламентнинг ўзи сайлаган бешта парламент депутатидан иборат Давлат суди томонидан кўриб чикилади.

Финляндияда коррупция даражасининг пастилигига таъсир килувчи муҳим омил аҳолининг энг камбағал ва бой қатламлари даромадлари ўртасидаги тафовутнинг жуда кичиклиги.

“Коррупцияга қарши курашишнинг Финляндия модели”нинг энг муҳим ўзига хос хусусияти, жамиятда ҳар қандай коррупция кўринишларига нисбатан ўта муросасизлик шароитларини яратилган ҳамда изчил ва мақсадли амалга оширилаётган давлат сиёсатидир.

Финляндия давлат ҳокимияти ва бошкарувида коррупциянинг паст даражаси куйидагилар билан изохланади:

ривожланган фуқаролик жамияти институтларининг, шу жумладан, оммавий ахборот воситаларининг мавжудлиги;

давлатнинг иқтисодий соҳага аралашувини минималлаштиришга интилиш;

мансабдор шахслар томонидан карорларни қабул килиш жараёй-нининг очиқлиги ва шаффоғлиги, аксарият қонун ва қонуности хужжатларининг очиқлиги ва қулайлиги;

адлия тизимининг ижро этувчи ҳокимиятдан сиёсий, молиявий ва кадрлар масаласида мустақиллиги, коррупцияга қарши курашда ваколатли органларга ёрдам берган шахсларни химоя килишнинг амалдаги кафолати;

маъмурий-бошқарув тизимини самарали ташкил этиш, унинг ихчамлиги, бюрократия даражасининг пастилиги, каста бўлинишларининг мавжуд эмаслиги билан ажралиб туради;

мансабдор шахсларнинг хатти-харакатлари устидан ички ва ташки назорат тизимининг етарли таъминланганлиги, Адлия канцлери ва Инсон хукуклари бўйича парламент комиссари, парламент бу соҳада кенг ваколатларга эга эканлиги;

давлат хизматчиларининг муносаби иш ҳақи даражаси, “ижтимоий пакет” (пенсия ва таътил тўлови) мавжудлиги, уларнинг микдори йиллар давомида хизмат натижалари асосида белгиланади;

жамиятнинг ва мансабдор шахсларнинг коррупцияни қабул килмаслик масаласидаги ахлоқий ва психологик муносабати.

Финляндия давлатининг коррупцияга карши асосий тамойиллари – ҳокимиятни бошкариш жараёнининг шаффоғлиги, давлат бошкарувида қонун устуворлигини таъминлаш, давлат хизматчиларининг масъулияти ва ҳалоллиги масаласи Конституцияда мустаҳкамланган.

---

Коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш бўйича Давлат сиёсати 1996 йилдаги Миллий иқтисодий соҳадаги жиноятларга қарши кураш дастурида белгиланган. Мамлакатда коррупцияга қарши бошқа ихтинослаштирилган лойиҳалар, шунингдек, хукукни муҳофаза килиш бўйича маҳсус хизматлар мавжуд эмас.

Финляндияда коррупциянинг асосий кўриниши сифатида мансабдор шахслар билан боғлиқ пораҳўрлик ҳар қандай даражада давлат хокимияти вакили ёки бошқарувнинг ҳар қандай вакилининг бир шахс (ёки шахслар, ташкилот) ўртасидаги манфаатдорлик эвазига тузилган ноконуний битими сифатида тушунилади. Шу билан бирга, иккى томонлама фойда ҳам моддий (пул, мулк, қимматли қоғозлар ва бошқалар бўлиши мумкин ёки моддий бўлмаган, яъни бирорнинг манфаатларини лобби қилиш, сайлов кампаниясини ўтказишда ёрдам бериш ва б.) хусусиятда бўлиши мумкин.

“Давлат хизматчилари тўғрисида” ги қонунга мувофиқ, мансабдор шахсларга совғалар, меҳмондўстлик белгиларини қабул қилиш ва улар таъсири қилиши мумкин бўлган, манфаатдор шахслар хисобидан кўнгилочар хизматлардан фойдаланиш тақиқланади. Мамлакатнинг юкори лавозимли амалдорлари (шу жумладан хукумат ва парламент аъзолари) даврий равишда ўзларининг даромадлари ва уларнинг манбалари тўғрисидаги декларацияларни тақдим этишлари шарт ва улар мунтазам равишида эълон қилиб борилади.

Финляндия Жиноят кодексида, турли мансабдор шахслар томонидан коррупция жинояти содир этилганлик учун турли жазо чоралари кўлланилади: жаримадан то 2 йилгача озодликдан маҳрум қилиш (лавозимидан озод этилиши, агар оғирлаштирувчи ҳолатлар бўлса, 2 ойдан 4 йилгача муддатга муайян фаолият билан шуфулланишни тақиқлаш) билан жазоланади.

#### **16.4. Коррупцияга қарши курашиш бўйича Жанубий Корея, Япония, Хитой, Сингапур ва Қозоғистон тажрибаси**

---

**Жанубий Корея.** Жанубий Кореяning “Transparency International” халкаро рейтингининг коррупцияни қабул қилиш индексида эгаллаган позицияси юкори. Хусусан, “TI Corruption Perceptions Index 2021” индексида 100 дан 62 балл билан 180 та давлат орасида 32-ўринда кайд этилди. “The Rule of Law Index 2021” индексида 1 дан 0,74 балл билан 139 та давлатдан 20-ўрин, “Global Right to Information Rating” индек-

---

сида 150 балдан 97 балл билан 136 та давлатдан 46, "Index of Public Integrity 2021" индексида 10 баллдан 8,33 балл билан 116 та давлат ичидаги 20-йиринни эгаллаган<sup>140</sup>.

Жанубий Корея коррупцияга қарши қатъий конунчиликка эга бўлган мамлакатdir. Лекин бу турли кўринишдаги коррупцияни йўқ килишни кафолатлай олмайди. Жанубий Корея президентлари ўз фаолиятининг турли босқичларида давлат хизматида "кадрларни тозалаш" билан шуғуланишди, коррупцияга қарши қатъий сиёсат олиб боришиди. Жанубий Кореяда дунёдаги энг ривожланган жамиятни шакллантирилганига қарамай, Корея раҳбарларининг ҳар бири коррупция можаролари объектига айланди.

Жанубий Корея ички сиёсати ва бошқарув тизими куйидаги асосий максадларни кўзлади: давлат бошқарув органлари тизимини оптималлаштириш; унинг шаффоғлиги ва коррупциялашувдан холи килиш; иктисадиётни рационал равишда номарказлаштириш ва ҳудудларнинг мувозанатли ривожланишини таъминлаш; сиёсий ислоҳотларда аҳолининг иштироки.

Жанубий Кореяning собик Президенти Ли Мён Бак таъкидлаганидек, "Коррупция икки хил даражада мавжуд – юкорида ва пастда. У билан курашиш учун юкоридан бошлаш керак". Ушбу сўзларни айтган Ли Мён Бак ҳам, коррупция ва бошқа жиноятларда айбланиб, 15 йил озодликдан маҳрум килишга хукм этилган.

Коррупцияни енгишнинг муҳим шарти сиёсий иродада ҳисобланади. Агар юкори лавозимдаги давлат органлари бошқарувчилари киёфасида давлат шунга манфаатдор бўлса, шубҳасиз, коррупцияга қарши туралоиш ва уни енгиш - амалга ошириш мумкин бўлган реал вазифа. Корея пойтахти – Сеул бундай ижобий натижага эришган, коррупцияга қарши самарали механизмларни яратади.

Мъльумки, коррупцияни вужудга келтирадиган омиллардан бири – бу бюрократия. Жанубий Кореяда давлат тузилмаларини ислоҳ қилиш орқали бюрократик процедуралар соддалаштирилган ҳамда давлат органларининг коррупциялашув даражаси камайтирилган. Ҳужжатлардаги имзолар сони, назорат кильувчи, рухсат берувчи ва мансабдорлар билан тўғридан-тўғри муносабатлар даражаси камайтирилган.

"Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида"ти Қонун 2001 йилда қабул килинган, 2002 йил кучга кирган ва халқаро майдонда тан олинган. Ушбу Конунга кўра, коррупцияга қарши курашиш органлари сифати-

---

<sup>140</sup> <https://anticor.hse.ru/main/country/Korea>

да: Аудит ва инспекция бўйича қўмита, Адлия вазирлиги, Маъмурий ўз-ўзини бошқариш ва ички ишлар вазирлиги, Мудофаа вазирлиги (харбий прокуратура), Молия ва иктисодиёт вазирлиги, Халол тижорат бўйича комиссия, Солик хизмати, Миллий полиция бошкармаси ва Коррупцияга карши курашиш қўмитаси белгиланган.

Мазкур Конунга мувофиқ вояга етган ҳар қандай шахс коррупция тўғрисида шикоят қилиши мумкин. Қўмита ҳар қандай шикоят бўйича тергов қилишга мажбур, лекин жиноий иш қўзғашга ҳаққи йўқ. Агар фуқаро коррупция ҳакида ёлғон маълумот бериш орқали шикоят қилса, 10 йилгача қамоқ ёки 40 минг \$ жарима тўлашга мажбур.

Шикоят юзасидан Қўмита 30 кун ичида ҳаққонийликни аниқлаш максадида терговни амалга ошириши шарт. Агар конунчилик бузилганлиги тўғрисидаги маълумот тасдиқланса, Қўмита 60 кун ичида полиция, прокуратура ёки бошқа мутассадди ташкилотга ишни ўтказади. Қўмита аризачига кўрилган чора-тадбирлар ҳакида ёзма маълумот тақдим қиласи ва тергов натижалари ҳакида маълум қилиши шарт. Бундан ташқари, аризачи қонун доирасида коррупция билан боғлиқ инцидент микдорининг 2 дан 10 %гача, лекин 200 млн. won (195 минг \$) дан ошмаган микдорда мукофотланади. Қўмита, расман, факат президентга бўйсунади, лекин президент, бош вазир ёки бошка юкори турувчи раҳбар Қўмитага бўйруқ беролмайди.

Коррупцияга қарши курашишда энг самарали усул сифатида Жанубий Кореяда, 1999 йилда Сеул шаҳри мэри Гоҳ Кун томонидан коррупцияга қарши кураш бўйича ишлаб чиқилган маҳсус электрон “OPEN” дастури фойдаланилади. Бу билан фуқароларга давлат хизматчилари ишини назорат қилиб туриш имконияти яратилди. Хозир фуқаро истаган заҳоти ўз хужжатларининг давлат муассасалари томонидан кўриб чиқилиши жараёнини интернет орқали кузатиб туриши мумкин. Бу фуқароларга коррупция холатлари сезилган пайтларда ўз норозиликлигини билдиришга имкон яратади. Коррупцияга қарши “OPEN” дастури ҳокимият органларининг фаолияти, фуқаролар ва мамлакат манбаатларига ҳалол хизмат қилишда ўзига хос намуна бўлди.

“OPEN” дастури куйидаги тамоилилар асосида ишлайди:

фуқаролар исталган вақтда ва исталган жойдан интернет орқали шаҳар маъмуриятига тақдим этилган петициялар жараёнини кузатиш учун фойдаланишлари мумкин - бу ҳудуд ва вақт билан боғлиқ жиҳат;

дастур томонидан тартибга солинадиган масалалар доирасида уларнинг хукукларига таъсир кўрсатадиган ҳар қандай маълумотни олиш – бу ахборот олиш жиҳати;


---

давлат тузилмалари фаолиятининг сифатини назорат килиш тартибини осонлаштиради ва аниқланган қонунбузарликларга тезда жавоб беришга имкон беради – бу операцион ва функционал жиҳат.

Шаффофлик тамойили. Ушбу дастур очик кузатув тизими билан таъминланган, фуқароларнинг аризаларини кўриб чикиш ва қарорлар қабул қилиш тартиби тафсилотлари, хужжатларни кўриб чикиш ва қарорлар қабул қилиш муддатини реал вакт режимида кузатиш имконини беради.

Дастурнинг муҳим афзаллик томони коррупциянинг вужудга келишига сабаб бўладиган, мансабдор шахслар ва фуқаролар ўртасидаги шахсий алоқани истисно килади.

### **Коррупцияга қарши барқарор кураш дастури тўртта асосий йўналишда амалга оширилади:**

- 
- 1-2
    - Профилактика чоралари
    - Репрессив чоралар
  - 3-4
    - Маъмурият фаолиятининг шаффофлиги
    - Хусусий шахслар ва давлат хизматлари ўртасидаги яқин ҳамкорлик

Ривожланган хорижий мамлакатларда давлат харидлари ваколатли мансабдор шахс ёки коллегиал орган томонидан эмас, балки инсон омили мавжуд бўлмаган электрон тизимлар орқали амалга оширилади. Бу борада Корея Республикаси ҳам ўзининг илфор ва синалган тажрибасига эга. Мамлакатда 2002 йилдан бошлаб, давлат харидлари “KONEPS” (Korean online electronic procurement system) тизими орқали онлайн тарзда амалга ошириб келинмоқда. Ушбу тизим ўзида давлат харидини амалга оширишнинг барча боскичларини камраб олган бўлиб, дастур доирасида тендер ўтказиш, шартнома тузиш, тўловларни амалга ошириш ҳамда хужжатлар айланмаси амалга оширилади. Шунингдек, Корея Республикасида 2008 йил 28 февралда Фуқаролар хукуклари ва коррупцияга қарши курашиш комиссияси (Civil Rights and Anti-corruption Commission) ташкил этилган бўлиб, мазкур комиссия таркибида коррупцияга қарши курашиш бўйича таълим дастурлари ишлаб чиқадиган алоҳида бўлим мавжуд.

---

Юкоридагиларга асосланиб, Сеул хукумати кўрсатган юкори даражадаги зукколик ва ижодкорликни ижобий баҳолаш мумкин. Коррупцияга қарши илфор ва истиқболли ғоялар ишлаб чиқилди, уларни амалга ошириш бугунги кунда ўз самарасини бермокда.

2002 йилда коррупцияга қарши курашнинг асосий воситаларидан бири яратилди: Корея Республикасининг коррупцияга қарши курашиш ва фукаролик ҳукуклари бўйича комиссияси (Republic of Korea's Anti-Corruption & Civil Rights Commission) томонидан “Коррупцияга қарши ташаббусни баҳолаш” бошланди. Бу Бирлашган Миллатлар ташкилоти тараккиёт дастури (БМТТД) ва ACRC ўртасидаги ривожланаётган мамлакатларнинг коррупцияга қарши курашиш бўйича тўплланган амалий тажрибаси хақида маълумот бериш бўйича хамкорлик натижаси бўлди.

ОИПК – 2002 йилдан бери Корея Республикасида коррупциянинг олдини олиш бўйича йиллик баҳолаш бўлиб, хозирда 250 дан ортик давлат идораларини камраб олади. ОИПК микдорий ва сифатли баҳолаш орқали коррупциянинг олдини олиш учун турли хил институционал механизмларни амалга ошириш бўйича ACRC тавсияларини иштирокчи ташкилотлар томонидан амалга оширилишини баҳолашга имкон беради. Ҳар йили олинган барча баллар оммага эълон килинади ва ташкилотларнинг рейтинги тузилади. Шундай қилиб, ОИПК давлат муассасалари раҳбарлари учун коррупциянинг олдини олиш бўйича институционал чораларни жорий этиш ва такомиллаштириш бўйича мотивацион воситага айланади.

Ҳар йилнинг бошида ACRC коррупцияга қарши сиёsat ва институционал устуворликларнинг мазмуни тўғрисида мамлакат Президентига хисобот беради. Бундан ташқари, йиллик иш режасини, коррупцияга қарши тавсиялар ва ОИПКнинг коррупцияга қарши курашиш кўрсаткичларини ишлаб чиқади ва эълон килади.

Давлат идоралари мазкур тавсиялар асосида амалга оширилган ишлар бўйича хисоботларини шакллантирадилар ва тақдим этадилар. Ушбу хисоботлар ишчи гурухлар томонидан жойларга чиқкан холда ўрганилиб, ички ва ташки баҳоланади. Якуний баҳолаш натижаларига кўра, ташкилотларнинг коррупцияга қарши курашиш самарадорлиги рейтинги баҳоланиб, кейинги йилнинг январь ойида натижалари эълон қилиб борилади.

ОИПКнинг ўзига хослиги ва самарадорлиги, ушбу инструмент мамлакатнинг коррупцияга қарши курашиш сиёsatини мунтазам равища, расмийлаштирилган холда, давлат секторида сиёсий иродани шакллан-

---

тириш ва кенг жамоатчиликдан фойдаланган холда амалга оширишга ёрдам беради.

ОИПК кўрсаткичлари давлат ташкилотларига коррупцияга қарши курашишда нималарга эътибор қаратиш тўғрисида аниқ кўрсатмалар беради. Масалан, улар коррупциянинг олдини олиш фаолияти учун ходимлар сонини аниқлаш, ташкилот рейтингини яхшилашга хисса қўшадиган ходимларга рафбатлантирувчи бонуларни тақдим этиш, коррупцияга қарши тренингларда ходимларнинг улушкини аниқлаш, коррупция тўғрисида хабар берган шахсларни ҳимоя қилиш; коррупция ҳолатларини бартараф этишга қаратилган ахлок қоидаларини ишлаб чиқиш билан шуғулланади. Шундай қилиб, ОИПК АСРС учун ҳар йили коррупцияга қарши асосий ташаббусларни амалга оширишда давлат сектори ташкилотларига раҳбарлик қилишнинг ўзига хос механизмини яратишга ёрдам беради.

**Япония.** Япониянинг коррупцияга қарши курашиш сиёсати бутун дунёдаги мутахассисларнинг эътиборига лойикдир, унинг ўзига хос хусусияти давлат бошқаруви тизимида коррупцияга қарши механизмларни мунтазам равишида такомиллаштириб боришидир.

Коррупцияга қарши курашишда Япония жамиятида таълим мухим рол ўйнайди. Японлар учун коррупция даҳшатли ёвузиликдир. Япон тилида коррупция сўзи “ифлос иш” деб таржима килинади. Агар япон кишиси коррупция учун судланган бўлса, бу унинг оиласи учун энг катта шармандалик хисобланади. Қадим замонлардан бери Японияда шахсий манфаатларни умумжамият манфаати учун курбон қилиш анъанаси қадрлаб келинади. Ўн етти моддадан иборат Конституциянинг 15-моддасига кўра, “шахсий манфаатлардан юз ўгириш мансабдор шахсларнинг йўлидир”. Японларда ҳозирги кунга қадар ўтказилган сўровномалар шуни кўрсатадики, шахсий фаровонликни яхшилаш учун эмас, балки давлатни бойитиш учун ишлаш янада кадрли ва мухимдир. Бу бугунги кунда Япония ташкилотларида қабул қилинган корпоратив қоидаларнинг асосидир<sup>141</sup>.

Коррупцияга қарши курашишда Япония таълим тизимида ўзига хос тажриба мавжуд бўлиб, мактабнинг бошланғич синфларидага ўқувчиларга юксак ахлоқий таълим берилади. Бунда, ўқувчиларга ватанинни севиш, табиатни асраш, катталарга хурмат, ўзаро илик муносабат каби маънавий

---

<sup>141</sup> Шурыгин, Ф. Ф. Антикоррупционная политика Японии / Ф. Ф. Шурыгин. – Текст : непосредственный // Молодой ученый. – 2019. – № 30 (268). – С. 92-96. – URL: <https://moluch.ru/archive/268/61774/> (дата обращения: 10.04.2022).

---

фазилатлар ўргатилади. Болаларнинг жадал шаклланиши даврида уларга яхши ва ёмон фазилатларнинг тушунтирилиши уларнинг келажакда коррупция ва бошка салбий иллатларга қарши тура оладиган иродали шахс сифатида етишишларида мухим ўрин эгаллади.

Япониянинг хукукий сиёсати, жиноят конунчилиги, жиноятчиликнинг олдини олиш тизимининг ўзига хос хусусиятлари туфайли, ҳақли равиша, кўп йиллар давомида дунёнинг энг хавфсиз мамлакатларидан бири хисобланади. Япония Жиноят кодексининг 197-моддасига мувофик пора олиш ёки талаб қилиш 7 йилгача мажбурий жисмоний меҳнат билан ўтадиган озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Япония Жиноят кодекси нафакат мансабдор шахс томонидан пора олиш, балки учинчи шахсга пора берганлик, воситачилик учун ҳам жиноий жавобгарликни назарда тутади. Бунда пора сифатида олинган моддий кийматлик ёки пул тўлиқ мусодара килинади ва бундай жиноятлар учун 5 йилгача мажбурий жисмоний меҳнат билан ўтадиган озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Японияда сиёсатчиларнинг одоб-ахлок масалаларини тартибга сошлишга қаратилган “Парламент тўғрисидаги” Конунга маҳсус “Сиёсий этика тўғрисида”ги боб киритилган. Ушбу тартибга риоя қатъий риоя килиниши талаб этилади, партиялар фракциялари ўзаро пропорционал тақсимланади, мазкур тартиб қоидаларини бузган сиёсатчиларнинг устидан чора кўриш ваколатига эга бўлган маҳсус комиссиялар фаолият юритади.

Бундан ташкири, корпоратив сектор билан хукумат ўртасида юзага келадиган коррупциянинг олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар амалга оширилади.

Япония хукумати ахборот ёрдамида коррупцияга қарши жиддий курашмокда. Шаффоффлик замонавий бозор муносабатларига асосланган жамиятда ҳар бир амалдор фаолиятининг асосий шартидир. Деярли барча тараккӣ этган мамлакатларда коррупция харакатлари билан боғлиқ барча материаллар, агар улар миллий хавфсизлик тизимига таъсир килмаса, жамоатчиликка тақдим этилади. Японияда хокимиятнинг ахоли олдида жавобгарлиги принципи ҳақиқатан ҳам ишлайди. Япония сиёсатчилари коррупция схемаларида иштирок этганликлари учун жуда киска муддатда фош этиладилар.

Кадрлар сиёсати Японияда коррупцияга қарши курашишнинг асосий йўналишларидан биридир. Давлат бошқаруви бу ерда меритократия принципи асосига курилган ва хизматга йўналтирилган. Давлат хизмат-

---

чиларига муносиб иш ҳаки кафолатланган. Давлат хизматчилари мавкеи баркарорлигини таъминлаш учун кулай шарт-шароитлар яратилган. Уларда сиёсий ғалаёнлар туфайли иш жойларини йўқотиш хавфи йўқ ва агар улар ўз вазифаларини кўпол равишда бузилишига йўл кўймасалар, унда улар ўз касбий фазилатларига мувофиқ мансаб пиллапоясидан кўтарилиш учун ҳақиқий имкониятга эгалар.

Япония кадрлар сиёсатининг асосий афзаллиги шундаки, факат шахсий даромад манбалари ҳақида қайғурадиган очкӯз субъектлар эмас, балки ҳалол, муносиб ватанпарварлар давлат тузилмаларида хурматга сазовор бўлишади. Япониянинг коррупцияяга қарши сиёсатининг ушбу хусусиятлари кўпчилик мамлакатлар учун эътиборга лойикдир.

Японияда коррупция даражаси пастлигининг энг муҳим сабаби – бу Япония жамиятининг юкори даражада ахлоқийлашганидир. Японлар пораҳӯр амалдорлардан нафрлатланишади, ёш авлодда ахлоқий фазилатларни тарбиялашга катта эътибор берилади. Болалар тўрт яшарлигидан бошлаб, яхшини ёмондан ажратишига, оптимист бўлишга ўргатилади. Анъ-анага кўра, япон мактабида ўқишининг мақсади таълимдан кўра, кўпроқ тарбиядир, чунки одамлар олимдан кўра яхши одам бўлиш яхшиrok деб хисоблашади. Ушбу мақсад давлат бошланғич ва ўрта умумтаълим мактабларининг ўкув дастурида “дотоку кеику” – ахлоқий тарбия каби аниқ фанлар орқали амалга оширилади.

Шундай килиб, Японияда ёш болалар тарбияси болада жамоада ишлашни биладиган, кўрсатмаларга аниқ амал киладиган ва атрофидаги инсонларга зарар етказмайдиган жисмоний ва руҳий соғлом инсонни тарбиялайди.

Япон характерининг ривожланиши марказида – уят хисси жуда кучли. Уят хисси ижтимоий назорат механизми хисобланади. Тарихий жиҳатдан, японияликлар учун коидаларни бузиш, бошка одамни алдаш ва жамиядда ўзини ноҳалол тутиш ҳақиқий уят хисобланади ва шундан кейин одамларнинг кўзига қарай олмайди. Япониялик ўзи билан алокада бўлган ижтимоий гурух: оиласлар, мактаблар, фирмалар олдида уятга колмаслик учун кўп куч сарфлайди. Гурухга содиклик обрўни саклаб колиш ва мустаҳкамлаш мажбурияти каби кучли.

Юкоридагиларни умумлаштириб, қуйидаги хуносага келишимиз мумкин. Японияда коррупцияяга қарши курашишнинг устувор йўналишлари: 1) ёшларни ахлоқий тарбиялаш; 2) давлат хизматини ислоҳ килиш (муносиб иш ҳаки, рафбатлантириш тизими, меритократия принципи); 3) фуқаролар эркинликларини таъминлаш (фуқаролар томонидан сиёсат-

чиларга ижтимоий-хукукий назорат ва ахлокий таъсир кўрсатиш тизими яратилган жамият)<sup>142</sup>. Япония феодал тузумдан замонавий, демократик давлатга ўтган, юкори даражада ривожланган Европа хукукий нормаларини миллий анъаналар ва ўзига хос хусусиятлари билан самарали бирлаштира олган давлатdir.

**Хитой.** Хитой сўнгги ўн йил ичида коррупцияга карши курашда улкан ютуқларга эришди. Коррупцияга қарши курашиш борасида кейинги йилларда бир катор норматив хукукий-хужжатлар қабул қилинди. Жумладан, Жиноят кодекси, 8-боб – Порахўрлик ва коррупция; 1993 йил 2 сентябрдаги “Адолатсиз рақобатга қарши кураш тўғрисида”ги Қонун; 2018 йил 20 мартағи “Назорат тўғрисида”ги Қонун; 2021 йил 20 августдаги “Назорат органлари тўғрисида”ги Қонун ва б. хужжатлар қабул қилинган.

2012 йил декабрь ойидан бўён мамлакатда мансабдор шахсларнинг наъмунали хулк-атвори бўйича саккизта коида амал қилмоқда. Мамлакатнинг назорат органлари барча даражадаги мансабдор шахслар устидан текширувлар ўтказиб, республика ва вилоят миқёсидаги барча бошкармаларда, партия органларида, давлат корхоналари ва молия мусассасаларида тегишли коидаларга риоя этилиши ёки қонун бузилишлар тўғрисида мунтазам равишда ҳисбот бериб боради.

*2021 йил учун Tl нинг коррупцияни қабул қилиш индекси рейтингида  
Хитой 12 поғонага кўтарилиб, 180 та давлат ичида 66-уринни эгаллади  
(2020 йил индексида 78-урин).Хитой, Tl индекс баҳолашда 2014 йилдан  
бўён 9 балл (36 дан 45 гача) ўсишни кўрсатди.*

Бундан ташқари, мазкур давлатда коррупцияга қарши курашишнинг кўплаб механизмлари мавжуд бўлиб, Интизомни текшириш бўйича Марказий комиссия ва Миллий назорат комиссиясининг маҳсус бўлинмалари ҳар бир бўлим, орган ва ташкилот, партия аъзоси ва давлат хизматчиси фаолиятини текшириш ишларини амалга оширади. Аниқланган фактлар ўз тасдигини топган ҳолда қонунбузарлар шармандалил билан партия сафидан чиқарилади, барча эгаллаб турган лавозимларидан четлаштирилади, унвон ва мукофотларидан маҳрум килинади, мол-мулки мусодара килинади.

<sup>142</sup> Гилевская М. А. Коррупция: национальные и международные средства противодействия. Дальневосточный Государственный университет [Электронный источник] – URL: <http://www.ex-jure.ru/law/news.php?newsid=874>

---

Хитойнинг коррупцияга бўлган асосий ёндашуви – бу хатто кичик пора учун хам қаттиқ санкциялар, “узоқ муддатли” жазо шартлари ёки каттароқ микдордаги коррупция учун, хатто, ўлим жазоси амалда қўлланилишидир. Хитойда оддий полициячидан тортиб, вазир ёки йирик корпорация раҳбаригача бўлган деярли хар қандай давлат хизматчиси коррупция учун судга тортилиши мумкин.

Мутахассисларнинг фикрича, Хитой Халқ Республикасида коррупцияга карши курашиб фаолияти самарадорлигини оширишга каратилган бир қанча муҳим йўналишлар мавжуд бўлиб, улардан бири жамоатчилик назорати хисобланади. Хитой Халқ Республикаси Конституциясида фуқаролар давлат хизматчилари томонидан конун ёки хизмат бурчини бузганликлари ҳакида тегишли органларга мурожаат килиш хукукига эга эканлиги аниқ қайд этилган. Шунингдек, мамлакатда коррупция ҳолатлари ҳакида аноним равишда хабар бериши мумкин бўлган расмий мобил илова мавжуд.

2012 йил декабрида Хитой раҳбари Си Цзиньпин пораҳўрликка қарши курашда янги давр бошланганини эълон қилди.

Хитой Коммунистик Партияси Марказий Кўмитаси томонидан мансабдор шахслардан катъий тежамкорлик ва меҳнатсеварликка риоя қилишни талаб қилувчи “Саккиз бандлик коидалар” қабул қилинганди.

1. Раҳбарлар халқ билан яқинлашиши керак.
2. Жамиятнинг барча йиғилишлари ёки тадбирлари маъқулланиши ва асосланиши керак. Шу билан бирга, йиғилишларнинг ўзи қисқа ва мазмунли, кераксиз чекинишларсиз бўлиши керак.
3. Бюрократик тартибларни қискартириш керак.
4. Мансабдор шахсларнинг хорижга ташрифи факат фавқулодда ҳолатларда амалга оширилиши ва ортиқча харажатларсиз амалга оширилиши керак.
5. Кортежлар ўтиши учун йўлларни тўсib кўйиш одатидан воз кечиш (экстремал ҳолатлар бундан мустасно).
6. Расмий тадбирлар ёки юкори мансабдор шахсларнинг фаолиятини оммавий ахборот воситаларида ёритишни (агар бунинг учун муҳим сабаб бўлмаса, агар) тўхтатиш.
7. Мансабдор шахслар ўз асарлари ёки тадқиқотларини марказий органлар билан келишмаган холда нашр этмаслиги керак.
8. Раҳбарлар тежамкор бўлиши, бунда корхона транспортидан фойдаланиш ва меҳмонхоналарда жойлашишни катъий чеклашлари керак.

---

**Сингапур.** Коррупцияга карши курашда катта натижаларга эришган мамлакат Сингапур давлатидир. Сингапурда коррупцияга карши кураш ташаббускори ва ташкилотчиси собиқ бош вазир Ли Куан Ю (1959-1990) бўлди. У ўз даврида: “Қачонки хокимият халқ ишончини оқлаш учун эмас, шахсий бойлик ортириш мақсадида фаолият юрита бошласа, бу ахлоқ муаммоси хисобланади. Узоқ вакт мавжуд бўлишини истаган жамият халоллик принципига амал қилиши лозим, акс холда жамият яшай олмайди. Коррупцияни тўхтатиб колишнинг энг осон усули мансабдор шахсларнинг ўз билганинчалича харакат қилишлари имкониятларини камайтиришда”, деган эди<sup>143</sup>.

Шуни таъкидлаш жоизки, Сингапурнинг коррупцияга карши курашиш сиёсати бу миллий кадриятларга амал қилишдан ҳам кўра кўпроқ баркарор ривожланиш зарурияти туфайли амалга оширилган. Сингапур хорижий инвестицияларни мамлакатга жалб қилиш учун уларни нотўғри максадларда фойдаланиш имкониятини йўқка чикарган.

Бундан ташқари, Сингапурнинг коррупцияга қарши сиёсатининг асосий ғояси инсонни коррупцияга ундейдиган ҳолатларни йўқ қилишдан иборат бўлган. Бунда коррупцияга сабаб бўладиган омилларни камайтириш билан бирга давлат хизматчилари ва фуқароларнинг коррупциявий жиноятларга карши курашиш маданиятини ошириш бўйича тушунтириш ишлари фаол амалга оширилган. Шу каби ижобий тажрибалар бошка ривожланган давлатлар амалиётида ҳам кенг қўлланилади.

Сингапурда коррупция ҳолатларини тергов қилиш вазифаси сиёсий ва функционал жихатдан мустакил бўлган Бюрога юклатилган. Коррупцияни бартараф қилиш тўғрисидаги Актда коррупция ва унинг барча турларига аниқ изоҳ белгиланган. Коррупция ҳолатларини тергов қилиш бюросига кенг ваколатлар берилган, пораҳўрлик учун жазо муддати узайтирилган. Унга кўра, Бюро гумонланувчи ҳар қандай мансабдор шахс, уларнинг яқин қариндошларининг банк хисобини текшириш, уйини, ишхонасини тинтуб қилиш, камокка олиш ваколатларига эга. Бундан ташқари, жамоат ва хусусий секторлардаги коррупцион ҳолатлар юзасидан шикоятларни ҳам кўриб чикади, давлат хизматчилари томонидан йўл кўйилган совуқконлик ва эҳтиётсизлик ҳолатларини ҳам ўрганади. Бюро директори Бош вазирга тўғридан-тўғри бўйсунади ва ҳеч қандай

<sup>143</sup> Ўзбекистоннинг коррупцияга карши кураш стратегияси. Ўқув қўлланма. – Тошкент: ТДИУ, 2021. – Б. 39.

---

вазир унинг фаолиятига аралашолмайди. Ундан ташқари, Бюро давлат хизматида коррупциянинг юзага келишига мойиллиги бўлган ташкилотларни ўрганади ва унинг раҳбариятига камчиликларни бартараф қилиш бўйича тавсиялар беради.

Бу муаммони ечиш учун Сингапурда вазирлар ва бошқа амалдорларнинг ойлик маоши хусусий сектордаги компанияя ва ташкилотлар раҳбарлари маоши даражасигача кўтарилиган.Ходимлар масаласида ҳам шундай. Хусусий секторда раҳбар ва ходимлар даромади ошиб бориши баробарида, параллел равишда, давлат хизматчилари ойликлари ҳам кўтарилиб борилади. Факатгина катта маош тайинлаш билан коррупцияни йўқотиб бўлмайди. Сингапурда бу холат учун қатъий молиявий ва маъмурий жазолар белгиланган. Ва, албатта, давлат идораларига етук кадрларни етишириб берувчи мураккаб ва мукаммал механизм яратилган. Сингапурда давлат хизматчисига ойлик маоши 60+40 шаклида белгиланади. Яъни маошнинг 40 фоизи ходимнинг иш унумига караб тўланади. Ишида унум бўлмаса, деярли тенг ярмини ололмайди. Агар бундай холат давом этаверса, у ишидан ажралади. Бу яхши ва самараали хизмат қилиш учун мотивация бўлиб хизмат килади.

“Мен учинчи дунёнинг юнг юкори маош тўланадиган ва эҳтимол, энг камбағал бош вазирларидан бириман... Тури өчим йўллари мавжуд. Мен бозор иқтисодиёти доирасидаги энг ҳалол, очик, ўзини оқлаган ва амалга оширса бўладиган йўлни таклиф қиляпман.Агар сизлар буларнинг ўрнига иккаюзламачиликни афзал қўрадиган бўлсангиз, коррупцияга дуч кела-сиз. Танлов сизлардан” деган эди, Сингапур иқтисодий мўжизаси асосчиси Ли Куан Ю. У яна шундай деган: “Менда иккита йўл бор эди: биринчи-си ўғирлаш ва дўстларим ҳамда қариндошларимни “Форбс” рўйхатига киритиш, шу билан ҳалқимни куруқ, ҳеч вакосиз қолдириш. Иккинчиси, ҳалқимга хизмат қилиш ва мамлакатни дунёнинг энг яхши давлатлари ўнталигига киритиш. Мен иккинчисини танладим...”

Сингапурда нафакат давлат хизматчilarининг ойлик иш ҳакини кўтариш, конуний асосларни мустахкамлаш ва жазони кучайтириш, балки меритократияга ҳам асосланилади. Давлат хизматига энг аклли, профессионал жиҳатдан кучли ва салоҳиятли кадрлар танланади. Бюро томонидан мактаб давриданоқ шундай номзодлар кузатиб ўрганиб борилади,университетларга киришда ёрдам берилади, хорижий мамлакатларда ўқиш ва стажировкасини ташкил қилиш,доимий кўллаб-кувватлаш ва бошқалар амалга оширилади.

---

Яна бир хусусияти давлат мажбуриятлари билан шахсий манфаатлар ўртасида аниқ чегаранинг белгиланганлиги. Ли Куан Ю, “конфуцийчиликдаги оила, кариндош ва дўстларга ёрдам бериш бурчи бажарилиши керак, лекин у давлат маблағи ҳисобига эмас, шахсий ҳисоб эвазига бўлиши керак”, деб айтганда, айнан шуни назарда тутган. Сингапурда конун устиворлиги, конун ва қонуности хужжатларидағи ҳар бир банднинг аниқ, бир маъноли ҳамда тўғри талқин қилиниши, қарорлар қабул килишдаги аниқ методлар хос. Давлат хизматчилари ўзининг нуфузини сақлаши учун ахлоқий жиҳатдан ҳам намуна-ўрнак бўлиши, давлат хизматига тайинлашда қариндошлик алокалари эмас, профессионал ва ахлоқий компетенциялари хизмат килиши кафолатланган. Ли Куан Ю таъкидлаган яна бир тамойил “сотилмаслик” бўлиб, у ўз шаънига доғ туширган раҳбарнинг сўзсиз, бўшатилиши тарафдори бўлган. Мансабдорларнинг коррупцион жиноятларини ёритишда ОАВ фаол иштирок этади, давлат хизматида коррупцияга аралашган мансабдорлар учун жазо мукаррарлигига ишончни оширади ва ошкоралик таъминланади, бундан ташкари, жавобгарлик тамойилларини мустаҳкамлади, чунки коррупцияга қарши кураш кўпроқ сиёсий етакчилар, давлат хизматчилари ва фуқароларнинг қадриятлар тизимиға боғлиқ. Давлат хизматчиларининг хужжатларга имзо қўйиш, тасдиқлаш билан боғлиқ жараёнларни камайтириши коррупцияни минималлаштиришга олиб келади. Сингапурда ҳар йили давлат хизматчилари даромади, мулки, қарзлари тўғрисида декларация тўлдирилади. Коррупцияга қарши кураш самарадорлиги мониторинг қилиниб, ҳар 3-5 йилда коррупцияга қарши комплекс дастурлар кайта кўриб чиқилади.

Давлат хизматчилари, ҳатто вазирлар устидан шикоят қилиш имкониятини берувчи каттиқ конунлар, коррупциялашган мансабдорларни жазолаш, идораларнинг коррупцияга қарши самараали фаолияти, юкори даражадаги мансабдорларнинг шахсий намунаси каби фактлар Сингапурнинг коррупцияга қарши курашиш дастурининг бир бўлаги ҳисобланади. Сингапур давлатининг муваффакияти – барча соҳаларда коррупцияга қарши олиб борилаётган каттиқ курашнинг натижасидир<sup>144</sup>.

---

<sup>144</sup> Анализ национальных законодательств зарубежных государств в сфере борьбы с коррупцией (Сингапур, Южная Корея, США, Россия) Научно-исследовательские материалы по противодействию коррупции. Камназаров М.М. судья Верховного Суда Республики Казахстан, Сарсенов А. – докторант (PhD) ЕНУ им.Л.Н.Гумилева

---

Сингапур Коррупцияни тергов килиш бюроси (Corrupt Practices Investigation Bureau) 1952 йилда Сингапурда коррупцияга қарши мустакил орган сифатида ташкил этилган. Унинг вазифалари давлат ва хусусий секторда коррупция билан боғлиқ жиноятларнинг олдини олиш ва тергов килиш, коррупция эҳтимоли холатлари бўйича шикоятларни кабул килиш ва текшириш, коррупцияда гумон килинган давлат мансабдор шахслари томонидан содир этилган ноконуний хатти-харакатлар хамда ваколатларнинг суиистеъмол қилиниши холатларини текшириш, шунингдек, коррупция холатларини камайтириш максадида, давлат муассасаларининг амалиёти ва иш тартибини таҳлил килиш орқали коррупциянинг олдини олиш каби вазифалар киради.

Сингапурда Бюро – “Коррупциянинголдини олиштўғрисидаги Конун”га асосан фаолият юритадиган, коррупцияга оид хукуқбузарликларни текшириш учун ваколатли бўлган ягона ташкилот. Бюро – Бош вазир девонига бириктирилган, функционал мустакиллик билан ишлайдиган ва Бош вазирга хисобот берадиган директор бошчилигидаги давлат идораси.

Бюро Сингапурнинг давлат ва хусусий сектордаги ҳар кандай коррупция харакатларини, шунингдек, конунларда назарда тутилган бошка хукуқбузарликларни текшириш учун жавобгар. Бюро ўз текширувлари давомида коррупцияга мойил бўлган худудларни ёки давлат идоралари фаолиятидаги бўшликларни аниқлайди ва таҳлил натижалари асосида тегишли департаментларнинг заиф томонларини кўрсатиб, уларнинг тартиб-таомилларига ўзгаришишлар киритишни тавсия килади. Бюро, шунингдек, коррупцияга қарши курашиш тўғрисида маълумот тарқатиш учун таълим соҳаси ва жамоатчилик билан алоқалардан фойдаланади. Унда талабалар, давлат идоралари, бизнес ва кенг жамоатчилик учун уларни коррупцияга карши курашишда ўқитишга ёрдам беришга каратилган бир катор ташабbusлар мавжуд.

1960 йилда кучга кирган “Коррупциянинг олдини олиш тўғрисида”ги Конун Сингапурнинг коррупцияга карши асосий конун хужжати бўлиб, Сингапурнинг коррупцияга карши курашидаги асосий устунлардан биридир. Конун Бюргога коррупция ва тергов жараёнида аниқланадиган бошка жиноятларни текшириш ваколатини беради. Бюро ходимлари, шунингдек, коррупция жинояти содир этилганлиги тўғрисида ишончли маълумот ёки асосли шубҳа мавжуд бўлса, хибсга олиш, биноларни тафтиш килиш ёки далилларни ордерсиз олиш хукукига эга. Бундан

---

ташқари, "Коррупцияга қарши курашиш тұғрисида"ғи Қонун билан бир қаторда, "Коррупция, гиёхванд моддалар савдоси ва бошқа жиддий жиңінекшелер тұғрисида"ғи Қонун ҳам мавжуд.

Бюро, шунингдек, барча ташкилотларга (ҳам хусусий, ҳам давлат ташкилотларига) ҳалол ва вијжданан фаолият юритишни тавсия килади.

Харидларни амалга ошириш бүйіча молиявий органларнинг аниқ коидалари ва стандарт күрсатмаларининг мавжудлиги бизнес ва ташкилотларда конунбузилиш холатларини аниклашга ёрдам беради. Хисобкитобларнинг аник юритилиши ва мунтазам текширувлар ҳам коррупциянинг олдини олишнинг яхши усууллари ҳисобланади.

Бундан ташқари совғалар ва күнгилочар тадбирларни уюштириш ҳам аник белгіланған коидалар билан тартибға солинган.

Манфаатлар тұқнашувини тартибға солиши мақсадида давлат хизматчиларини декларациялаш тизими мавжуд. Бунда ходимнинг шахсий манфаатлари билан хизмат (лавозим) вазифалари үртасида манфаатлар тұқнашуви вужудға келса, ходим лавозимидан четлаштирилиши ёки бошқа лавозим ёки бўлимга ротация килиниши мумкин.

Коррупция тұғрисидаги ҳисобот тизими коррупция ва пораҳұрлик хавф-хатарини назорат қилишнинг асосий функциясидир ва ходимлар үз хавотирларини кулай тарзда ифода этишлари ҳамда уларни аниклаш ёки таъқиб қилишдан химояланғанligини хис қилишлари мумкин бўлган қонунбузилиш ҳолатлари тұғрисидаги ҳисобот сиёсати ёки тескари алоқа каналини үз ичига олиши мумкин.

Буни амалга оширишнинг усуулларидан бири – очик электрон почта манзили ёки телефон раками оркали хабарларни аноним тарзда тақдим этишга рухсат берилғанлигидир. Шунингдек, одамлар бюргога нафакат коррупция фактлари, балки жиддий жиной хукуқбизарликлар билан боғлиқ бошқа хукуқбизарликлар бўйича ҳам мурожаат қилишлари мумкин.

Бюрода 71 нафар ходим, хусусан, 49 нафар терговчи ва 22 нафар маъмурый ходим фаолият юритади. Аслида, бу Сингапур Баш вазири маъмуриятининг бўлинмаси бўлиб, Бюро учта бўлим: тергов, ахборот ва ёрдамчликлардан иборат. Тергов бўлими энг катта бўлим ҳисобланади, у бюронинг операцияларини ўтказиш учун жавобгардир. Унинг аъзолари тергов билан якунланған ишларни, мавжуд далиллар асосида, қонунда назарда тутилган харакатларни амалга ошириш таклифи билан прокурорга мурожаат қиласиган ташкилот раҳбарига топширадилар. Агар

---

жиной жавобгарлика тортиси учун асослар етарли бўлмаса, бюро директори прокурорнинг розилиги билан ишни интизомий ишлар билан шуғулланадиган бўлим бошлиғига юборади.

Бюронинг ахборот ва ёрдамчи хизмати давлат лавозимларига тайинлаш учун номзодларни танлаш ва уларнинг лавозимда кейинги харакатланиши, ҳатто давлат хизматчиларининг малакасини ошириш учун жавобгардир. Давлат хизматига номзодларни танлаш ракобат асосида амалга оширилади. Маъмурий хизмат бюронинг молиявий ва бошқарув функцияларини бажаради ҳамда бошқа бўлимларга ёрдам беради.

**Қозоғистон Республикаси.** Коррупцияга қарши курашиш сўнгги йилларда Марказий Осиё давлатларида ҳам давлат сиёсатининг асосий йўналишларидан бири бўлиб келмоқда. Ўтган йиллар давомида Қозоғистонда коррупцияга қарши курашишга катта эътибор қаратилди.

Қозоғистон Республикасида 1998 йил 2 июлда “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Конун (№ 267-И) қабул қилинган. Шу билан бирга, 1997 йилда қабул қилинган Қозоғистон Республикасининг Жиноят кодексида мансабдор шахслар томонидан содир этилган жиноятлар “Давлат хизмати манфаатларига қарши жиноятлар” бобида мустахкамланган.

1998 йил сентябрда Қозоғистон Республикаси Президентининг Фармони билан Давлат хизмати ишлари бўйича агентлик ташкил этилди. Қозоғистон Республикасининг “Давлат хизмати тўғрисида”ги Конуни билан коррупцияга оид хукукбузарлик содир этган шахсларнинг давлат хизматига киришини чекловчи нормалар қабул килинди ҳамда давлат хизматчиларига нисбатан жазо кўллаш тартиби белгиланди.

Коррупцияга қарши курашиш ва унинг олдини олиш масалаларига кўплаб давлат сиёсати хужжатларида, жумладан, Президентнинг йиллик Мурожаатномаларида ҳам тўхталиб ўтилган. Шунингдек, ҳар йили оммавий ахборот воситалари орқали эълон қилиниши лозим бўлган Қозоғистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги миллий маъruzani эълон қилиб бориш амалиёти йўлга кўйилган.

Бундан ташқари, Қозоғистон Республикасида 2010-2015 йиллар учун ҳамда 2015-2025 йиллар учун Коррупцияга қарши курашиш бўйича стратегиялар қабул қилинган.

Қозоғистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги. Қозоғистон Республикаси Президентининг 2014 йилдаги Фармони би-

лан Давлат хизмати ишлари ва коррупцияга карши курашиш бўйича агентлик ташкил этилган.

2015 йилда мазкур Агентлик Давлат хизмати ишлари вазирлигига айлантирилган ҳамда унинг кошида Коррупцияга карши курашиш миллий бюроси ташкил этилган.

Шундан бир йил ўтиб, 2016 йилда вазирлик ўрнида яна Давлат хизмати ишлари ва коррупцияга карши курашиш бўйича агентлик ташкил этилган, бунда Миллий бюро сакланиб қолиб, куйи турувчи ташкилот сифатида фаолият юритган. 2019 йил 13 июнь куни Қозоғистон Республикаси Президентининг тегишли Фармони билан Коррупцияга карши курашиш агентлиги ташкил этилди.

Агентлик коррупцияга карши курашиш соҳасида давлат сиёсатини шакллантириш, уни амалга ошириш, мувофиқлаштириш ҳамда коррупцион ҳукуқбузарликларни аниқлаш, уларнинг олдини олиш, фош этиш ва тергов килиш бўйича ваколатли орган хисобланади.

Агентлик бевосита Қозоғистон Президентига бўйсунади ва ҳисбот беради.

### **Коррупцияга қарши курашиш агентлигининг вазифалари этиб кўйидагилар белгиланган:**

коррупцияга карши курашиш соҳасида давлат сиёсатини шакллантириш ва амалга ошириш

коррупциявий ҳукуқбузарликлар содир этилиши сабаб ва шарт-шароитларини аниқлаш ҳамда уларнинг оқибатларини бартараф этиш

жамиятда коррупцияга карши маданиятни шакллантиришга йўналтирилган комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш

коррупцияга карши курашиш соҳасида давлат органлари, ташкилотлар ва квазидавлат сектори субъектлари фаолиятини мувофиқлаштириш

коррупцияга карши курашиш бўйича халкаро ҳамкорликни амалга ошириш

---

Умуман олганда, мамлакатда сўнгги йилларда коррупцияга карши курашиш сиёсати анча такомиллашиб, амалга оширилётган хукукий ва ташкилий ислоҳотлар натижасида мамлакатнинг бу борадаги фаолиятида ижобий натижалар қайд этилмоқда.

### **Назорат саволлари**

1. Коррупцияга карши курашиш фаолиятини тартибга солишга қаратилган қандай халқаро ҳужжатлар мавжуд?
2. Хорижий мамлакатлар тажрибаси асосида коррупциянинг олдини олишга қаратилган превентив механизмларни санаб беринг.
3. Халқаро микёсда дунё давлатларининг коррупцияга карши курашиш самарадорлиги кўрсаткичларини баҳолайдиган қандай рейтинг ва индекслар мавжуд?
4. Коррупцияга карши курашиш самарадорлиги юкори бўлган Шарқий Европа ва Скандинавия мамлакатлари тажрибасининг мазмун-моҳияти нималардан иборат?
5. Коррупцияга қарши курашиш бўйича ривожланган Осиё мамлакатлари тажрибаси қандай?
6. Коррупцияга карши курашиш бўйича АҚШ, Буюк Британия ва Франция тажрибасининг қандай ижобий жиҳатлари мавжуд?
7. Коррупцияга карши курашиш бўйича Сингапур тажрибасининг қандай ижобий жиҳатлари мавжуд?
8. Хорижий мамлакатларда коррупцияга карши курашиш ва унинг олдини олиш бўйича ташкил этилган идораларнинг фаолияти бўйича қандай маълумотларга эгасиз?
9. Хорижий мамлакатларда коррупциянинг олдини олишда жамоатчилик ва парламент назоратининг роли ва аҳамияти тўғрисида қандай маълумотларга эгасиз?

## АТАМАЛАР ВА ТУШУНЧАЛАР ЛУГАТИ

**Давлат органи** – қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ ташкил этилган, давлат функцияларини бажарувчи, давлат ҳокимияти ваколатларига эга бўлган давлат аппаратининг ташкилий жиҳатдан алоҳида тузилмаси.

**Давлат фуқаролик хизмати** – давлат хизматининг бир тури хисобланиб, Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг давлат органларида оммавий манбаатлар йўлида давлат органи функциялари ижросини таъминлашга қаратилган Давлат фуқаролик хизмати лавозимларининг давлат реестрига киритилган лавозимлардаги ҳақ тўланадиган касбий фаолияти.

**Давлат фуқаролик хизматчи** – ўз фаолиятини Давлат фуқаролик хизмати лавозимларининг давлат реестрига киритилган лавозимларда амалга оширувчи Ўзбекистон Республикасининг фуқароси.

**Давлат хизматчиларининг одоб-ахлоқи** – давлат хизматчилари эгаллаб турган давлат лавозимидан қатъи назар риоя қилиши шарт бўлган касбий хизматга оид одоб-ахлоқ нормалари, принциплари ва қоидалари ҳамда хулқ-атворларнинг умумий йиғиндиси.

**Жамоатчилик назорати** – жамоат бирлашмаларининг давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг амалдаги қонунларга мослигини аниқлаш ва баҳолаш бўйича юритадиган фаолияти. Жамоатчилик назоратининг шакллари кўйидагилардан иборат: давлат органларига мурожаатлар ва сўровлар; давлат органларининг очиқ ҳайъат мажлисларида иштирок этиш; жамоатчилик муҳокамаси; жамоатчилик эшитви; жамоатчилик мониторинги; жамоатчилик экспертизаси; жамоатчилик фикрини ўрганиш; фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан ижро этувчи ҳокимият органларининг, бошқа ташкилотлар ва муассасаларнинг ҳисботларини эшитиш.

**Жиноят жазо** – жиноят содир этишда айбли деб топилган шахсга нисбатан давлат номидан суд ҳукми билан қўлланадиган ва маҳкумни қонунда назарда тутилган муайян ҳукуқ ва эркинликлардан маҳрум қилиш ёки уларни чеклашдан иборат мажбурлов чораси. Жазо маҳкумни ахлоқан тузатиш, унинг жиноят фаолиятини давом эттиришга тўсқинлик қилиш ҳамда маҳкум, шунингдек, бошқа шахслар янги жиноят содир этишининг олдини олиш мақсадида кўлланилади.

**Ижтимоий шерикчилик** – давлат органларининг ННТ ва фуқаролик жамияти институтлари билан мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривож-лантириш дастурларини, шу жумладан, тармоқ, худудий дастурларни, шунингдек, норматив-ҳукуқий ҳужжатларни ҳамда фуқароларнинг ҳукуқлари ва қонуний манбаатларига дахлдор бўлган қонунларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш борасидаги ҳамкорликдир.

---

**Иқтисодий хавфсизлик** – мамлакат, ҳудуд, фирма, компаниянинг иқтисодий инқирозга учраш хавфидан ҳимоя қилиш бўйича кўриладиган чора-тадбирлар мажмуси. Ривожланган мамлакатларда иқтисодий хавфсизликни таъминлаш мақсадларида йирик фирма, компанияларда маҳсус хизматлар ташкил қилинади. Улар бозорларни ўрганиш, талаб ва таклифни прогнозлаш, илмий-техника тараққиётини кузатиш каби ишларни бажарадилар. Иқтисодий хавфсизликни таъминлашда маҳсулот турини мунтазам янгилаб туриш, рақобатдош маҳсулотларни ишлаб чиқариш, харажатларни қисқартириш муҳим аҳамиятга эга.

**Иқтисодий Ҳамкорлик ва Тараққиёт Ташкилоти** – Европадаги давлатлар бирлашмаси ҳалқаро ташкилот ҳисобланиб, давлат ва жамият ҳаётининг турли соҳалари, хусусан, иқтисод, молия, давлат бошқаруви, сиёсий институтлар, ижтимоий ривожланиш ва бошқа соҳалар бўйича ҳамкорлик асосида тараққиётни мақсад қилган. Мазкур ҳалқаро ташкилот 1948 йилда АҚШ ташаббуси билан Европани тиклаш бўйича Америка иқтисодий ва молиявий ёрдамини (Маршалл режаси) оқилона ишлатиш ва шу ёрдамни оладиган Европа мамлакатлари билан ҳамкорлик қилиш мақсадларида тузилган.

**Истанбул ҳаракатлар режаси** – Шарқий Европа ва Марказий Осиёда Коррупцияга қарши курашиб бўйича ҳалқаро ҳамкорлик тармоғи. Арманистон, Озарбайжон, Грузия, Россия, Тожикистон ва Украина 2003 йилнинг сентябринда Истанбулда ташаббусга кўшилган. Кейинчалик унга Қирғизистон (2003), Қозоғистон (2004), Ўзбекистон (2010) ва Мўғалистон (2014) давлатлари кўшилган. Ташкилот идораси Франция пойтахти – Париж шаҳрида жойлашган.

**Кичик ва ўрта бизнес** – мустақил мулк эгалигига, хўжалик фаолиятини мустақил ташкил этишга асосланган ва ўз тармоғида ҳукмон мавқе тутмайдиган бизнес. Турли мамлакатларда кичик ва ўрта бизнес субъектлари мақомини белгилаб берувчи мезонлар сифатида корхонада банд бўлган ишловчилар сони, корхонанинг товар айланмаси, активлар, капиталлар, фойда микдори ва бошқа кўрсаткичлардан фойдаланилади.

**Комплаенс-назорат (compliance control)** – розилик, мувофиқлик ва аниқ белгилangan қоида, стандарт ҳамда кўрсатмаларга мувофиқ фаолият юритиш деган маъноларни англатади.

**Конвенция** (лот. *conventio* – келишув, битим) – ҳалқаро шартномалар турларидан бири бўлиб, давлатнинг бирон-бир муайян соҳадаги ўзаро ҳуқуклари ва мажбуриятларини белгилаб беради.

**Концепция** (лот. “*conceptio*” тушуниш тизими” маъносини англатади) – коррупциянинг ривожланиш сабаблари, ҳолати ва келажакдаги даражасини, коррупцияга қарши курашнинг асосий тушунчалари, мақсадлари, тамойил-

---

лари ва йўналишларини акс эттирувчи назарий қоидалар тўпламидан иборат бўлган ҳужжат.

**Коррупция қарши кураш ҳолати ҳақида ҳисобот (маъруза)** – ваколатли орган томонидан жамиятда коррупцияга қарши курашиш ҳолати, коррупция хукуқбузарликлари сони, уларнинг турлари, хукуқбузарлик оқибатида етказилган зарарнинг миқдори ва коррупцияга қарши кураш сиёсати натижалари тўғрисидаги маълумотлар ҳамда коррупцияга қарши курашиш чора-тадбирлари белгиланган ҳужжат.

Коррупция – шахснинг ўз мансаб ёки хизмат мавқеидан шахсий манфаатларини ёхуд ўзга шахсларнинг манфаатларини кўзлаб, моддий ёки номоддий наф олиш мақсадида қонунга хилоф равишда фойдаланиши, худди шунингдек бундай нафни қонунга хилоф равишда тақдим этиш.

**Коррупциявий хавф-хатар** – ходимлар ёки учинчи шахслар томонидан муайян давлат органи номидан ва (ёки) уларнинг манфаатларини кўзлаб, коррупциявий хатти-ҳаракатларни содир этиш хавфи.

**Коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш** – давлат органи ёки ташкилоти томонидан амалга ошириладиган функцияларни таҳлил қилиш, уларнинг коррупциявий хавф-хатарга мойиллик даражасини аниқлаш, шунингдек, функциялар доирасида амалга ошириладиган тегишли тартиб-таомиллар учун ўзига хос ва қолдиқ коррупциявий хавф-хатарларни баҳолашга қаратилган фаолият.

**Коррупциявий хукуқбузарлик** – содир этилганлик учун Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида жавобгарлик белгиланган коррупция аломатларига эга хатти-ҳаракат.

**Коррупцияга қарши профилактика** – коррупцияга қарши курашиш сиёсатини амалга ошириувчи давлат органдари томонидан коррупцияга оид хукуқбузарликларнинг содир этилишига имкон яратувчи сабаб ва шарт-шароитларни аниқлаш, тизимли ўрганиш, таҳлил этиш ва бартараф этишга қаратилган фаолият.

**Коррупцияга қарши “комплаенс-назорат” тизими** – давлат органлари ва хўжалик юритувчи субъектлар, банклар ва хусусий сектор фаолиятини коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги халқаро стандартлар, қонун ва бошқа меъёрий-хукуқий ҳужжатларга мувофиқ ташкил этилишини таъминловчи, коррупция хавф-хатарлари ва манфаатлар тўқнашувини ўз вақтида аниқлаш ҳамда уларга чек қўйиш, қонун бузилиши ва коррупцияга оид хукуқбузарликлар ҳақида хабар бериш каби қатор профилактик чораларни ўзида мужассам этган самарали тизим.

**Коррупцияга қарши ички назорат тузилмаси** – ташкилот тизимида коррупция ҳолатларини барвақт аниқлаш ва олдини олиш, уларнинг сабаб ва шарт-шароитларини бартараф этиш, манфаатлар тўқнашувига йўл қўймаслик

---

ҳамда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш чораларини кўриш учун масъул ҳисобланувчи таркибий тузилма.

**Коррупцияга қарши курашиш сиёсати** – давлат ва жамиятда коррупциявий хавфларни камайтириш, давлат органлари фаолиятига жамоатчилик ишончини оширишга қаратилган ҳукуқий, маъмурний ва ташкилий чора-тадбирлар ҳамда ушбу қонунда белгиланган бошқа чора-тадбирлар.

**Коррупцияга қарши курашиш тизими** – коррупциявий ҳаракатларнинг, Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги қонунчилиги ва Ташкилотнинг коррупцияга қарши курашиш масалаларига доир ички ҳужжатлари бузилишининг олдини олиш, Ташкилот ходимлари томонидан ўз фаолиятини профессионал ва хулқ-атвор жиҳатдан юксак даражада амалга оширилишини таъминлаш бўйича комплекс чора-тадбирлар.

**Коррупцияга қарши курашишга оид ички идоравий ҳужжатлар** – Коррупцияга қарши курашиш агентлиги томонидан, БМТ Тараққиёт дастури экспертлари билан ҳамкорликда ISO 37001:2016 халқаро стандарт талабларига мувофиқ ишлаб чиқилган, давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятида коррупцияга қарши курашиш самарадорлигини ташкил этишга доир тавсия ва мажбуриятларни ўзида мужассам этган намунавий ҳужжатлар тўплами.

**Коррупцияга оид ҳукуқбузарлик** – коррупция аломатларига эга бўлган, содир этилганлиги учун қонун ҳужжатларида жавобгарлик назарда тутилган қилмиш.

**Кронизм** (фаворитизмнинг дўстона алоқаларга асосланган кўриниши) – дўстлар ёки ишончли шахсларга ноқонуний имтиёзлар тақдим этиш мақсадида ҳокимият ва/ёки обрўсидан фойдаланиш;

**Кўнгилли хабар берувчи (*whistleblower*)** – меҳнат фаолиятини амалга ошириш давомида давлат ва жамият манфаатларига зарар етказувчи қонун бузилиши ва коррупцияга оид ҳукуқбузарликлар тўғрисида кўнгилли равища хабар берувчи жисмоний шахс.

**Қонун уступорлиги** – давлат ва жамият ҳаётида Конституция ва қонунларнинг бошқа норматив-ҳукуқий ҳужжатлардан устун бўлиши ҳамда давлат органлари ва ташкилотлари, мансабдор шахслари ва фуқароларнинг норматив-ҳукуқий ҳужжатларга қатъий риоя этиши.

**Мансабдор шахс** – доимий, вақтинча ёки маҳсус ваколат бўйича тайинланадиган ёки сайланадиган, ҳокимият вакили вазифаларини бажарадиган ёхуд давлат органларида, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида, мулк шаклидан қатъи назар, корхоналарда, муассасаларда, ташкилотлarda ташкилий-бошқарув, маъмурий-хўжалик вазифаларини амалга оширадиган ва юридик аҳамиятга эга ҳаракатларни содир этишга ваколат берилган шахс, халқаро ташкилотда ёхуд чет давлатнинг қонун чиқарувчи,

---

ижро этувчи, маъмурый ёки суд органида мазкур вазифаларни амалга оширувчи шахс.

**Манфаатлар тўқнашуви** – шахсий (бевосита ёки билвосита) манфаатдорлик шахснинг мансаб ёки хизмат мажбуриятларини лозим даражада ба жаришига таъсир кўрсатаётган ёхуд таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ҳамда шахсий манфаатдорлик билан фуқароларнинг, ташкилотларнинг, жамиятнинг ёки давлатнинг ҳукуқлари ва қонуний манфаатлари ўргасида қарама каршилик юзага келаётган ёки юзага келиши мумкин бўлган вазият.

**Манфаатлар тўқнашувининголдини олиш механизми** – давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан манфаатлар тўқнашувини аниқлаш, олдини олиш ва ҳал этишга қаратилган, муайян босқич ва тартиблар асосида амалга ошириладиган ташкилий-ҳукуқий чора-тадбирлар мажмуи.

**Маҳалийчилик** – шахснинг бирор-бир худудга мансублигига асосан унга турли имтиёзлар бериш ёки бошқа шахсларга нисбатан унга асосиз устуворлик бериш. Бунда, давлат хизматчиси томонидан у мансуб бўлган худудий бирлик вакилларига қўшимча имтиёзлар бериш, уларни бошқа худуд фуқароларидан устун қўйиш, бошқаларини менсимаслик ва уларга ишонмаслик кўринишида намоён бўлади.

**Маъмурый жавобгарлик** – маъмурый ҳукуқ меъёрлари билан тартибга солинган, маъмурый ҳукуқбузарлик содир этган шахсга нисбатан ваколатли давлат органлари ва мансабдор шахслар томонидан маъмурый-процессуал тартибда маъмурый жазо кўллаш.

**Монокоррупция** – маъмурый органлар ходимларининг коррупцияга мойиллиги билан боғлиқ ҳолда, одатда, мақсадга эришиш учун ўз лавозимини суистеъмол қилиш орқали содир этиладиган ноқонуний хаттихаракатлари тури.

**Непотизм** (таниш-билишчилик, қариндош-уруғчилик; фаворитизмининг қариндошлик ришталарига асосланган кўриниши) – ўзининг яқин қариндошлари ёки дўстларига ноконуний имтиёзлар бериш максадида ҳокимиятдан фойдаланиш ва (ёки) таъсир ўтказиш, шунингдек, яқин қариндошлари ва (ёки) дўстларига асосиз мукофотлар хисоблаш, Ташкилот манфаатлари зарагига, яқин қариндошлари ва дўстларини ишга қабул қилиш ва лавозимга тайинлашлар.

**Нодавлат нотижорат ташкилотлар** – жисмоний ва (ёки) юридик шахслар томонидан ихтиёрийлик асосида ташкил этилган, даромад (фойда) олишини ўз фаолиятининг асосий мақсади килиб олмаган ҳамда олинган даромадларни (фойдани) ўз қатнашчилари (аъзолари) ўргасида таксимламайдиган ўзини ўзи бошқариш ташкилотидир. Нодавлат нотижорат ташкилоти жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳукуклари ва қонуний манфаатларини, бошка демократик қадрияларни ҳимоя килиш, ижтимоий, маданий ва маъ-

---

рифий мақсадларга эришиш, маънавий ва бошқа номоддий эҳтиёжларни қондириш, хайрия фаолиятини амалга ошириш ҳамда бошқа ижтимоий фойдалари мақсадларда тузилади.

**Пассив пораҳўрлик** – бирор мансабдор шахс ўз лавозим вазифаларини бажариш вақтида бирор-бир ҳаракат ёки ҳаракатсизлик мақсадида мансабдор шахснинг ўзи учун ёхуд бошқа жисмоний ёки юридик шахс учун бирор ноқонуний афзалликни шахсан давлат мансабдор шахси томонидан ёки воситачилар орқали сўраш ёки қабул қилиб олиш.

**Пора бериш** – мансабдор шахснинг ўз хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда содир этиши лозим ёки мумкин бўлган муайян ҳаракатни пора берган шахснинг манфаатларини кўзлаб бажариши ёки бажармаслиги эвазига қонунга хилоф эканлигини била туриб бевосита ёки воситачи орқали мансабдор шахсга моддий қимматликлар бериш ёки уни мулкий манфаатдор этиш.

**Пора олиш** – пора олиш, яъни давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи мансабдор шахснинг ўз хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда содир этиши лозим ёки мумкин бўлган муайян ҳаракатни пора бераётган шахснинг манфаатларини кўзлаб бажариши ёки бажармаслиги эвазига шахсан ўзи ёки воситачи орқали қонунга хилоф эканлигини била туриб, моддий қимматликлар олиши ёхуд мулкий манфаатдор бўлиши.

**Пора олиш-беришда воситачилик қилиш** – Пора олиш-беришда воситачилик қилиш, яъни пора олиш ёки бериш хусусидаги келишувга эришишга қаратилган фаолият, шунингдек, манфаатдор шахсларнинг топшириғи билан порани бевосита бериш.

**Пораҳўрлик** – пора олиш, пора бериш ёки бу жиноятларда воситачилик қилиш.

**Рақамли иқтисодиёт** – бу иқтисодий, ижтимоий ва маданий алоқаларни рақамли технологияларни кўллаш асосида амалга ошириш тизими.

**Рақобат** – мустақил товар ишлаб чиқарувчи (корхона)лар ўртасида товарларни қулай шароитда ишлаб чиқариш ва яхши фойда келтирадиган нарҳда сотиш, умуман, иқтисодиётда ўз мавқеини мустаҳкамлаш учун кураш. Рақобат хўжалик юритувчи субъектларнинг (рақобатчиларнинг) мусобақалашуви бўлиб, бунда уларнинг мустақил ҳаракатлари улардан ҳар бирининг товар ёки молия бозоридаги товар муомаласининг умумий шарт-шароитларига бир томонлама тартибда таъсир кўрсатиш имкониятини истисно этади ёки чеклайди. Ушбу қулай шароитда маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва сотиш борасидаги айрим ишлаб чиқарувчи ва мол етказиб берувчилар орасида кўпроқ фойда олиш мақсадида кураш юз беради.

---

**Тақиқ** – бу давлат томонидан махсус норматив-хуқуқий ёки ички ло-  
кал ҳужжатлар асосида белгиланган, лавозим вазифалари ва хусусиятла-  
ридан келиб чиқиб, муайян хатти-харакатларни амалга оширишни кескин  
тақиқлайдиган давлатнинг умуммажбурий кўрсатмаси.

**Таниш-билишчилик** – давлат хизматчиси томонидан ўзининг қарин-  
дошлари ёки дўстларига асоссиз имтиёзлар бериш мақсадида лавозим  
ваколатларидан фойдаланиш ва (ёки) бошқа шахсларга таъсир ўтказиша  
намоён бўлади.

**Таъқиб қилиш** – жамоада ходимни таъқиб қилиш ҳаракати, одатда, уни  
кейинчалик ишдан бўшатиш мақсадида психологияк тазиик ўтказиша на-  
моён бўлади.

**Үруғ-аймоқчилик** – давлат хизматчиларининг авлод-аждодлари бир бўл-  
ган, бир сулолага мансублик асосида учинчи шахсларга нисбатан субъектив,  
имтиёзли ва нохолис муносабат шаклидаги шахсий манфаатдорлиги.

**Фаворитизм** – ташкилот ходими бошқа шахс ва/ёки шахслар гурӯҳи  
манфаатларига қараганда битта шахс ва/ёки шахслар гурӯҳи манфаат-  
ларига уступор аҳамият қаратиши, ташкилотда кадрларни танлаш ва жой-  
лаштириш, лавозимиини кўтариш, мукофот пули бериш ва давлат мукофот-  
ларига тавсия этиш, таътил бериш ёки сиҳатгоҳлар ва хорижий сафарларга  
юбориш, мурожаатлар, шунингдек, иш ва навбатчилик жадвалларини кўриб  
чиқиша кетма-кетликни йўлга қўйиш билан боғлиқ вазиятларда тартиб-  
ларга риоя қилмаслик.

**Фуқаролик жамияти** – давлат аралашувисиз, ўз-ўзидан ташкил бўла-  
диган, кўпгина ассоциациялар, корпорациялар, ижтимоий ҳаракатлар ва  
алоҳида ташаббуслар асосий ифодаси бўлган, ижтимоий тузум тури. Улар  
фаoliyatiда индивидлар ва гурӯҳлар ихтиёрий равишда, умумий мақсадлар  
ва жамоавий ҳаракатлар уюштириш орқали ўзларининг хусусий ва гурӯҳли  
манфаатларини амалга оширадилар. Бундай ташкилотларнинг ижтимо-  
ий фаоллиги хусусий манфаатларнинг умумий яхшилик, умум тан олинган  
қадриятлар ва ахлоқий қоидалар ҳамда ўрнатилган хуқуқий нормалар  
билан ўзаро мос келтирилиши билан тавсифланади. Фуқаролик жамияти –  
ҳақиқий фуқаролардан, яъни узвий боғлиқликда бўлган ҳамда ахлоқий ма-  
даниятга таянадиган хуқуқий ва сиёсий маданиятга эга одамлардан иборат  
жамиятдир.

**Халқаро ташкилот** – давлатлар, ҳукуматлар ёки бошқа халқаро  
ташкилотлар томонидан ташкилий шакли ҳамда ваколатларидан қатъи  
назар ташкил этилган ҳар қандай халқаро ташкилот, масалан иқтисодий  
интеграция бўйича минтақавий ташкилотлар.

**Ҳалоллик назоратчisi** – ходимлар томонидан касбий одоб-ахлоқ  
қоидаларига қатъий риоя этиш ва хизмат вазифаларини бажаришда ман-

---

фаатлар түқнашувини олдини олиш устидан назоратни амалга оширувчи ва самарали коррупцияга қарши курашиш сиёсатини юритиш учун масъул бўлган жисмоний шахсадир.

**Хукуқбузарликлар профилактикаси** – хукуқ-тартиботни сақлаш ҳамда мустаҳкамлаш, хукуқбузарликларни аниқлаш, уларга барҳам бериш, шунингдек, хукуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон берәётган шарт-шароитларни аниқлаш, бартараф этиш максадида кўлланиладиган хукуқбузарликлар умумий, маҳсус, якка тартибдаги ва виктимологик профилактикасининг ҳукукий, ижтимоий, ташкилий ва бошқа чора-тадбирлари тизими.

**Чеклов** – бу давлат хизматчилари учун давлат томонидан маҳсус норматив-хукукий ёки ички локал ҳужжатлар асосида белгиланган, факатгина муайян тартиб ва мезонлар асосида ваколатлардан фойдаланишининг ҳукукий чегарасини белгиловчи механизм.

**Шафелик** – ташкилот ходимининг лавозими юқорироқ бўлган бошқа ходим томонидан кулагай меҳнат шароитларини яратиб бериш шаклидаги ҳимояси, уни ёклаб ёнини олиши.

**Яқин қариндошлар** – бир-бирига қариндошлик ёки яқин алокаси бор шахслар, яъни ота-она, туғишган ҳамда тутинган ака-укалар ва опа-сингиллар, эр-хотин, фарзандлар (жумладан, асраб олинган фарзандлар), бувалар, бувилар, набиралар, шунингдек, эр (хотин)нинг ота-онаси, туғишган ва тутинган ака-укалари ва опа-сингиллар.

**Ялпи ички маҳсулот** (ЯИМ – GDP) – умумий қабул қилиниш қисқартирилиши ҳамда макроиктисодий кўрсаткич, бу бевосита ҳар бир йилнинг охириги моллар ва хизматлар акс эттирувчи бозор киймати (яъни бевосита истеъмол учун мўлжалланган).

**Яширин иктисодиёт, хуфия иктисодиёт** – иштирокчилар томонидан ошкора олиб борилмайдиган, давлат ва жамият томонидан назорат килинмайдиган, соликлар тўланмайдиган, расмий давлат статистикасида кайд этилмайдиган иктисодий жараёнлар, иктисодий фаолият турлари. Яширин иктисодиёт ошкора пайқаб бўлмайдиган товарлар ва хизматларни ишлаб чиқариш, таксимлаш, айирбошлаш, истеъмол жараёнлари – иктисодий муносабатлар бўлиб, унинг негизида айрим кишилар ёки кишилар гуруҳи манбаатлари ётади. Яширин иктисодиёт дунёнинг деярли ҳамма мамлакатларида мавжуд.

**ISO 37001:2016 “Коррупцияга қарши бошқарув тизими”** – ташкилотларда (давлат, хусусий ёки нотижорат ташкилот ва бошқа) коррупцияга қарши курашишнинг самарали ва профилактик тизимини яратишнинг халқаро усуулларини ўзида мужассам этган, коррупцияга қарши мукаммал бошқарув тизимини йўлга кўйишга хизмат киладиган халқаро стандарт.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

### 1. Норматив-хуқуқий ҳужжатлар

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2021. – 96 б.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиб түғрисида”ги Қонуни. // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари түплами, 2017 й., 1-сон, 2-модда.
3. Ўзбекистон Республикасининг “Маъмурий тартиб-таомиллар түғрисида”ги Қонуни. // Конун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 09.01.2018 й., 03/18/457/0525-сон; 07.01.2020 й., 03/20/600/0023-сон.
4. Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 7 июлдаги ЎРК-158-сон “Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Коррупцияга қарши конвенциясига (Нью-Йорк, 2003 йил 31 октябрь) Ўзбекистон Республикасининг қўшилиши түғрисида”ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари түплами, 2008 й., 28-сон, 260-модда.
5. Ўзбекистон Республикасининг “Давлат тасаррӯфидан чиқариш ва хусусий-лаштириш түғрисида”ги Қонуни. // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1992 й., 1-сон, 43-модда.
6. Ўзбекистон Республикасининг “Давлат-хусусий шериклик түғрисида”ги Қонуни. // Конун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 11.05.2019 й., 03/19/537/3113-сон.
7. Ўзбекистон Республикасининг “Давлат фуқаролик хизмати түғрисида”ги Қонунни // Конунчилик маълумотлари миллий базаси, 09.08.2022 й., 03/22/788/0723-сон.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 8 сентябрдаги ПФ-5185-сон “Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислоҳотлар концепциясини тасдиқлаш түғрисида”ги Фармони. // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари түплами, 2017 й., 37-сон, 979-модда.
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 3 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари түғрисида”ги ПК-4472-сон Карори. // Конун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 04.10.2019 й., 07/19/4472/3906-сон.
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 5 мартағи “Мансабдор шахсларнинг хорижий мамлакатларга чиқиш тартибини такомиллаштириш чоралари түғрисида”ги ПК-2142-сон Карори. // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари түплами, 2014 й., 10-сон, 103-модда.
11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 30 октябрдаги “Яширин иктисадиётни кисқартириш ва солик органлари фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар түғрисида”ги ПФ-6098-сон

---

Фармони // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 31.10.2020 й., 06/20/6098/1432-сон.

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон Фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда.

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 3 октябрдаги “Ўзбекистон Республикасида кадрлар сиёсати ва давлат фуқаролик хизмати тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5843-сон Фармони. // (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 04.10.2019 й., 06/19/5843/3900-сон).

14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 майдаги “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга карши курашиш тизимини янада та-комиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5729-сон Фармони // (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 29.05.2019 й., 06/19/5729/3199-сон, 20.07.2019 й., 06/19/5769/3450-сон).

15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 3 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4472-сон Қарори // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 04.10.2019 й., 07/19/4472/3906-сон.

16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 6 июлдаги “Коррупцияга карши муросасиз муносабатда бўлиш муҳитини яратиш, давлат ва жамият бошқарувида коррупциявий омилларни кескин камайтириш ва бунда жамоатчилик иштирокини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6257-сон Фармони // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 07.07.2021 й., 06/21/6257/0645-сон.

17. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 6 июлдаги “Коррупцияга карши курашиш фаолиятини самарали ташкил этишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-5177-сон қарори // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 07.07.2021 й., 07/21/5177/0644-сон.

18. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 июндаги йилдаги “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6013-сонли Фармони // Электрон манба: <https://lex.uz/pdfs/4875784>;

19. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараккиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон Фармони // (Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 29.01.2022 й., 06/22/60/0082-сон, 18.03.2022 й., 06/22/89/0227-сон).

20. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 11 майдаги “Давлат бошқаруви соҳасида коррупциявий хавф-хатарларни бартараф этиш механизmlарини такомиллаштириш ва ушбу соҳада жамоатчилик иштирокини кенгайти-

риш чора-тадбирлари тұғрисида"ғи ПҚ-240-сон Қарори // (Қонунчилік маълумотлари миллий базаси, 11.05.2022 й., 07/22/240/0407-сон.

21. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузыридаги Вазирлар Маҳқамасининг 1992 йил 6 мартдаги "Тадбиркорлик фаолияти билан шүғулланиш тақиқланған мансабдор шахсларнинг рўйхати тұғрисида"ғи 103-сон қарори.

22. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳқамасининг 2016 йил 2 мартдаги "Давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ходимларининг одоб-ахлоқ намунавий қоидаларини тасдиқлаш тұғрисида"ғи Қарори // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси – [www.lex.uz](http://www.lex.uz)

23. Вазирлар Маҳқамасининг 2020 йил 31 декабрдаги 829-сон қарори билан тасдиқланған "Коррупцияга оид ҳукукбузарлик ҳакида хабар берган ёки коррупцияга карши курашишга бошка тарзда күмаклашган шахсларни рағбатлантириш тартиби тұғрисида"ғи низом.

24. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирининг 2021 йил 24 февралдан 2-мж-сон бўйруғи билан тасдиқланған "Норматив-ҳукуқий ҳужжатлар ва улар лойиҳаларининг коррупцияга қарши экспертизасини ўтказиш тартиби тұғрисида"ғи низом // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 24.02.2021 й., 10/21/3287/0153-сон.

25. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳқамасининг 2022 йил 14 октябрдаги "Давлат фуқаролик хизматчилари томонидан одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этилишини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тұғрисида"ғи 595-сон Қарори // Қонунчилік маълумотлари миллий базаси, 15.10.2022 й., 09/22/595/0921-сон.

## **2. Халқаро ҳукуқий ҳужжатлар**

1. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг "Коррупцияга қарши курашиш конвенцияси" // 2003 й. 31 октябрь.

2. БМТ Бош ассамблеясининг Резолюцияси билан 1996 йил 12 декабрда қабул килинган "Давлат мансабдор шахсларининг Халқаро хулк-атвортар кодекси".

3. Европа Кенгаши Вазирлар кўмитасининг 2000 йил 11 майдаги 106-сессияси билан қабул килинган "Давлат хизматчиларининг одоб-ахлоқ қоидалари тұғрисида"ғи 15-сонли I тавсияси".

4. БМТ Бош ассамблеясининг Резолюцияси билан 1996 йил 12 декабрда қабул килинган "Давлат мансабдор шахсларининг Халқаро хулк-атвортар кодекси".

5. Convention on Combating Bribery of Foreign Public Officials in International Business Transactions and related documents. [Электрон манбаа]. URL: [www.oecd.org/daf/anti-bribery/ConvCombatBribery\\_ENG.pdf](http://www.oecd.org/daf/anti-bribery/ConvCombatBribery_ENG.pdf).

6. Convention on Combating Bribery of Foreign Public Officials in International Business Transactions and related documents. [Электрон манбаа]. URL: [www.oecd.org/daf/anti-bribery/ConvCombatBribery\\_ENG.pdf](http://www.oecd.org/daf/anti-bribery/ConvCombatBribery_ENG.pdf).

7. Commentaries on the Convention on Combating Bribery of Foreign Public

---

Officials In International Business Transactions. [Электрон манбаа]. URL: [www.oecd.org/daf/anti-bribery/\\_ENG.pdf](http://www.oecd.org/daf/anti-bribery/_ENG.pdf).

8. "ISO 37301:2021 Compliance management systems – Guidelines"// [Электрон манбаа]. URL: <https://www.iso.org/standard/75080.html>

### **3. Раҳбарий адабиётлар**

---

1. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини тъминлаш юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. – Т.: "Ўзбекистон", 2016. – 47 б.

2. Мирзиёев Ш.М. Таңқидий таҳлил, катъий тартиб-интизом ва шахсий жа-вобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик коидаси бўлиши керак. Мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иктисодий ривожлантиришнинг асосий якунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иктиносидий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишлиланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлиси-даги маъруза, 2017 йил 14 январь. –Т.: "Ўзбекистон", 2017. – Б 51.

3. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга курамиз. – Т.: "Ўзбекистон", 2017. - 486 б.

4. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимиизни катъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. – Т.: "Ўзбекистон" НМИУ, 2017. – 692 б.

5. Мирзиёев Ш.М. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. – Т.: "Ўзбекистон" НМИУ, 2018. – 508 б.

6. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини мард ва олижаноб халқимиз билан бирга курамиз / Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимишга бағишлиланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлиси-даги нутқи. Манба: [president.uz](http://president.uz)

7. Мирзиёев Ш.М. Нияти улуғ халқнинг иши ҳам улуғ, ҳаёти ёруғ ва келажаги фаровон бўлади. 3-жилд. Т.: "Ўзбекистон", 2019. – 400 б.

8. Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси, 2020 йил 24 январь. // Манба: [www.president.uz/uz/lists/view/3324](http://www.president.uz/uz/lists/view/3324)

9. Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси, 2021 йил 29 декабрь // Манба: [www.president.uz](http://www.president.uz)

10. Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон стратегияси. – Тошкент: "Ўзбекистон", 2021. – 464 б.

### **4. Ўқув ва илмий адабиётлар**

---

1. Коррупцияга қарши курашиш агентлиги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботлар // <https://anticorruption.uz>

2. Агентство Республики Казахстан по делам государственной службы и противодействию коррупции [Электронный ресурс]. – Режим доступа: <http://>

---

[kuzmet.gov.kz/ru/pages/obzor-antikorrupcionnoy-politiki-danii](http://kuzmet.gov.kz/ru/pages/obzor-antikorrupcionnoy-politiki-danii). – Дата доступа: 13.01.2019.

3. Административно-правовое регулирование деловых отношений: теория и практика: монография / М.В. Пресняков, С. Чанов; под красным. Г. Комкова. – Саратов: Научная книга, 2008. – С. 230.

4. Ангела Цайльхофер. Теория и практика борьбы с коррупцией в Европе.// <https://mirec.mgimo.ru/2009/2009-01/korrupciya-prichiny>

5. Антикоррупционные реформы в Грузии. 4-й раунд мониторинга в рамках Стамбульского плана действий по борьбе с коррупцией. OECD, 2016. [www.oecd.org/corruption/acn/](http://www.oecd.org/corruption/acn/)

6. Ахметова А.Н., Конфликт интересов на государственной службе. – М.: Власть, 2013 – С. 124.

7. Ахрапов Б.Д., Башқарув тартибига қарши мансабдорлик жиноятлари учун жавобгарлик мұаммолари. Ю.Ф.д. илмий даражасини олиш учун ёзилған диссертация автореферати. – Т.: ТДЮУ, 2008. – Б. 145.

8 Азизов Х., Хайитов Х., Йўлдошев А. Маҳаллий давлат ҳокимияти органдар қарорларини тайёрлашнинг ташкилий-хукуқий асослари. Рисола / Масъул мұхаррир: проф. О.Хусанов. – Тошкент: ДБА, 2019. – 100 бет.

9. Бурханов А., Маманов С. Коррупцияга қарши ички назорат (комплаенс) тизимини жорий етиш бўйича кўлланма. – Тошкент: Baktria press, 2021 – 60 б.

10. Бурханов А., Хайитов Х. Ўзбекистонда коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги ислоҳотлар янги босқичда // "Жамият ва бошқарув" журнали, – Тошкент: 2021. – № 4. – Б. 14-23.

11. Гаспарениене Л., Ремейкиене Р. Методы оценки теневой экономики: аспект оценки цифровой теневой экономики. // 9-я Международная научная конференция "Бизнес и менеджмент". 12-13 мая 2016 г. Вильнюс. Литва. Вильнюсский технический университет им. Гедиминаса, 2016. // URL: <https://konferencii.ru/country/litva/1>

12. Глазырин Т.С., Анализ деятельности комиссии по соблюдению требований к служебному поведению гражданских и муниципальных служащих и урегулированию конфликта интересов. – М., 2016. – С. 84–106.

13. Гусев, А.Ф. Российская государственная гражданская служба: проблемы правового регулирования: монография. – Екатеринбург: Издательский дом УрГЮА, 2005. – С. 177.

14. Давлат хизмати. Ўқув кўлланма / Х.Азизов, Х.Хайитов, А.Йўлдошев ва бошқ.– Тошкент, "Tafakkur qanoti", 2019. – 248 б.

15. Давлат бошқаруви. Дарслик // – Тошкент: "Akademiya", 2021. – 416 б.

16. Дедов Д.И., Конфликт интересов. – М.: Волтерс Клювер, 2004. – С. 288.

17. Дерябин Ю. С. Можно ли одолеть коррупцию? (Опыт Финляндии) // URL <http://pandia.ru/text/77/476/10792.php>.

18. Зуфаров Р.А., Ахрапов Б.Ж., Мирзаев У.М. Коррупция. Қонун. Жавобгарлик. Монография // Масъул мұхаррир: ю.ф.д., проф. М.Х.Рустамбаев. – Т.: ТДЮИ нашриёти, 2011. – Б. 11.

- 
19. Зуфаров Р.А., Порахўрлик- коррупция негизи // Давлат ва ҳукуқ. – Тошкент, 2000. – № 4. – Б.42.
20. Ильяков А.Д., Урегулирование конфликта интересов как основной способ предупреждения коррупции в системе государственного управления. Диссертация, – Москва. 2015. – С. 53-64.
21. Исломов. З.М. Ўзбекистон модернизациялаш ва демократик тараққиёт сари. – Тошкент: Ўзбекистон, 2005. – Б. 22.
22. Исмаилов Б.И. Коррупцияга қарши кураш борасида хорижий давлатлар амалиёти ва ҳалқаро стандартлар тизими шаклланиши // Ўқув қўлланма. – Т.: Ўзбекистон Республикаси Баш прокуратураси академияси Коррупцияга қарши курашиш илмий-таълим маркази, ЮМОМ. 2019.
23. Исмаилов Б.И. Юристнинг касб этикаси. – Т.: Ўзбекистон Республикаси Баш прокуратура академияси. 2019. – Б. 4.
24. Исмаилов Б.И., Исмаилов Б.И. Хорижий давлатларда мансабдор шахслар активларини декларация қилиш. – Т.: Ўзбекистон Республикаси Баш прокуратураси академияси, 2019. – Б.10.
25. Исмаилов Б.И., Насриев И.И. Коррупцияга қарши курашиш бўйича идоравий чора-тадбирларнинг самарадорлигини ошириш масалалари // Ўқув-услубий қўлланма. – Т.: Ўзбекистон Республикаси Баш прокуратураси академияси, Ўзбекистон Республикаси Судъялар олий кенгаши Судъялар олий мактаби. 2020, – 435 б.
26. Исмаилов Б.И., Хўжаев М. Ўзбекистон Республикасида майший коррупцияни бартараф этиш бўйича чора тадбирларни такомиллаштиришнинг амалий жиҳатлари. – Т.: Юрист ахборотномаси 5-сон, 1-жилд, 2020. Б. 45-46.
27. Исмоилов Б., Абдураҳмонов У. Таъсирчан жамоатчилик назорати коррупцияга қарши курашишда қай даражада муҳим? // <https://uz.aуз/oz/posts/>.
28. Ким Пак Сок Давлат бошқарувида инсон ресурслари. 2018 йил нигоҳида. Ministry of Personnel Management. 2018. – 287 б.
29. Кодекс поведения должностных лиц по поддержанию правопорядка (Принят резолюцией Генеральной Ассамблеи от 17 декабря 1979 г.).
30. Коленко Е. Институциональные механизмы борьбы с коррупцией в Республике Узбекистан // Материалы международно-практического семинара на тему "Проблемы борьбы с коррупцией: национальный и международный опыт". – Т.: Chashma Print. – С.110-118.
31. Коленко Е.В., Шамсутдинов Б.С. Коррупциявий жинояллар учун жавобгарлик масалалари. Монография // Масъул муҳаррир: – Т.: Ўзбекистон Республикаси Баш прокуратураси академияси, 2020. – 98 бет.
32. Коррупцияга қарши курашиш агентлигида ташкил этилган "Давлат хизматида ҳалолликни таъминлаш: Буюк Британия тажрибаси" мавзуидаги семинар ахборотидан, 2021 йил 16 март.
33. Коррупцияга қарши курашиш бўйича миллий стратегия лойиҳаси. <https://anticorruption.uz>.

34. Конституционное право. Учебник // Авторский коллектив: – Т: ТГЮУ, 2018. – 565 с.
35. Мирбобоев Б., Ҳусанов О., Бегматов А. Ўзбекистонда давлат хизматини ташкил этишнинг ташкилий-хукуқий масалалари. –Т.: Академия, 2005. – Б.74-76.
36. Моисеев В. В. Европейский опыт борьбы с коррупцией // Человек и труд.2011. № 10.
37. Мукимова М.З., Комплаенс назорат – коррупцияга карши курашиш тизимининг йўналишларидан бири сифатида // Коррупцияга қарши курашиш ва комплаенс-назорат тизимини жорий этиш: муаммолар ва ривожланиш истиқболлари (халқаро онлайн илмий амалий семинари материаллари тўплами). – Т.: ТДЮУ, 2020, – Б. 125.
38. Отажонов А.А. Давлат хизматчиларида коррупцияга карши муросасизлик ҳулк-атворини шакллантиришга комплекс ёндашув. – Т.: Юрист ахборотномаси, 5-сон. – Б. 41.
39. Отчет Всемирного банка о мировом развитии / Под общ. ред. Д.Тушунова. Пер. с англ. Н. Сухова. – М.: Прайм-Тасс, 1997. – С. 26.
40. Попов В. И. Противодействие организованной преступности, коррупции, терроризму в России и за рубежом. – М., 2008. – С. 459-460.
41. Салаев Н, Хидоятов Б., Тулаганова Г., Ниёзова С. Коррупцияга карши курашиш. Ўқув қўлланма. –Тошкент: ТДЮУ нашриёти, 2018. – 87-100 б.
42. Салаев Н.С. Противодействие коррупции в Республике Узбекистан: сравнительно-правовой обзор законодательства // Коррупцияга қарши курашиш ва комплаенс-назорат тизимини жорий этиш: муаммолар ва ривожланиш истиқболлари (халқаро онлайн илмий- амалий семинари материаллари тўплами). Т.: ТДЮУ, 2020, – Б. 661.
43. Сафаров Т. Давлат органларида коррупциявий омилларни бартараф этиш – соҳа тараккиётининг муҳим омили. – Т.: Юридик фанлар ахборотномаси, 2020. Б. 236.
44. Севальнев В.В. Противодействие коррупции: опыт КНР // журнал зарубежного законодательства и сравнительного правоведения. 2014. № 1 (44). – С. 89-96.
45. Шишов, М.А. Актуальные вопросы урегулирования конфликта интересов // Административное право и процесс. – 2014. – № 6. – С. 64-67;
46. Соловьев А. Служебное поведение и конфликт интересов // Кадровик. Трудовое право для кадровика. 2009. № 10. – С. 3.
47. Ўзбек тилининг изоҳли луғати, Э.Бегматов ва бошқ. А.Мадвалиевнинг таҳрири остида. – Т.: -Давлат илмий нашриёти. – Б.404, 540.
48. Хабриева Т.Я. (ред.) 2014. Коррупция: природа, проявления, противодействие: моногр. // отв. ред. Т.Я. Хабриева. – М.: Юриспруденция. – С.688.
49. Хазанов С.Д., Антикоррупционные запреты и ограничения в системе публичной службы как инструмент антикоррупционной политики: поиск оптимальной модели правового регулирования.
50. Хайдаров Ш.Д., Кудратова Л.Р. Коррупция иллати глобал муаммо // Кор-

- 
- рупцияга қарши курашиш ва комплаенс-назорат тизимини жорий этиш: мұаммалар ва ривожланиш истиқболлари (халқаро онлайн илмий-амалий семинари материаллари түплами). – Т.: ТДЮУ, 2020, – Б. 158-159.
51. Хайитов Х.С. Коррупциянинг олдини олиш – давлатнинг мұхым вазифаси. – Т. // 2019. Хуқуқий тадқиқотлар журнали. 11-сон. – Б. 22.
52. Хожиев Э.Т., Исмаилова Г.С., Рахимова М.А. Давлат хизмати: ўқув құлланма. – Тошкент: Бактрия пресс, 2015. – Б. 52.
53. Что такое цифровая экономика? Тренды, компетенции, измерения. Доклад к XX Апрельской международной научной конференции по проблемам развития экономики и общества // Науч. ред. Л.М. Гохберг. – М.: Изд. дом ВШЭ, 2019. – С. 49.
54. Шурыгин, Ф. Ф. Антикоррупционная политика Королевства Швеция / Ф. Ф. Шурыгин. – Текст : непосредственный // Молодой ученый. – 2018. – № 34 (220). – С. 66-69. – URL: <https://moluch.ru/archive/220/52431/> (дата обращения: 14.02.2022).
55. OECD-ACN-Uzbekistan-4th-Round\_Monitoring-Report-2019-ENG.
56. Corruption Perceptions Index 2021: Full Source Description: 13 data sources.
57. Addressing the Tax Challenges of the Digital Economy, Action 1 – 2015: Final Report. Paris: OECD Publishing, 2015. // URL: [oecd-ilibrary.org/taxation/](http://oecd-ilibrary.org/taxation/).
58. Buchak G, Matvos G, Piskorski T, Seru A. Fintech, regulatory arbitrage, and the rise of shadow banks // Journal of Financial Economics. 2018. Vol. 130. P. 53-483.
59. Commission Expert Group on Taxation of the Digital Economy. Report. European Commission, 2014. // URL:[ec.europa.eu/taxation\\_customs/sites/taxation](http://ec.europa.eu/taxation_customs/sites/taxation).
60. Gaspariene L, Remeikiene R. Digital shadow economy: a critical review of the literature // Mediterranean Journal of Social Sciences. 2015. Vol. 6. № 6. P. 402-409.
61. Gaspariene L, Remeikiene R. Economic and demographic characteristics of the subjects, operating in digital shadow economy // Procedia Economics and Finance. 2016. Vol. 39. P.840-848; The methodologies of shadow economy estimation in the world and in Lithuania: whether the criterions fixing digital shadow are included? // Procedia Economics and Finance. 2016. Vol. 39. P.753-760.
62. Ho J., Weinberg C. B. Segmenting consumers of pirated movies // Journal of Consumer Marketing. 2011. Vol. 28. № 4. P. 252-260.
63. Mello J.P. Cybercrime fueled by mature digital underground. 2013. // URL: <https://www.cssoonline.com/article/2133649/cybercrime-fueled-by-mature-digital-underground.html>.
64. Papathanasiou A. et al. Legal and Social Aspects of Cyber Crime in Greece. In: Sideridis A., Kardasiadou Z., Yialouris C., Zorkadis V. (eds) E-Democracy, Security, Privacy and Trust in a Digital World. E-Democracy 2013. Communications in Computer and Information Science. Vol. 441. Cham: Springer, 2014.
65. Schneider F., Enste D. H. Shadow economies: size, causes, and consequences // Journal of Economic Literature. 2000. Vol. 38. № 1. P. 77-114.
66. Source for President George H. W. Bush's remarks: Text of Remarks by

---

the President to the World Bank/International Monetary Fund Annual Meeting, 27 September 1989, announcing NAFTA. Press release.

67. The University of North Carolina news release // URL: <https://ru.wikipedia.org/wiki>, 15.09. 2021.

68. What is digital economy? Deloitte. 2019. [www2.deloitte.com/mt/en/pages/technology/articles/mt-what-is-digital](http://www2.deloitte.com/mt/en/pages/technology/articles/mt-what-is-digital).

69. Yip M., Shadbolt N., Tiropanis Th., Webber C. The digital underground economy: a social network approach to understanding cybercrime // Digital Futures. 2012, October 23-25. P. 1-3.

70. Zorz M. Global black markets and the underground economy. 2015. // URL: [helpnetsecurity.com/2015/05/18/global-black-markets-and-the-underground-economy](http://helpnetsecurity.com/2015/05/18/global-black-markets-and-the-underground-economy).

71. UNODC and The World Bank, "Stolen Asset Recovery (StAR) Initiative: Challenges, Opportunities, and Action Plan" (World Bank, Washington, DC, 2007), p. 10, citing Raymond Baker, Capitalism's Achilles Heel: Dirty Money and How to Renew the Free-Market System (Hoboken, NJ: John Wiley & Sons, Inc., 2005).

## 5. Интернет манбалари

---

1. <http://www.lex.uz>
2. <https://anticorruption.uz>
3. <http://www.unn.ru>
4. <http://www.law.harvard.edu>
5. <https://www.doingbusiness.org>
6. <https://www.economist.com>
7. <https://www.oecd.org>
8. <https://www.unodc.org>
9. <https://baselgovernance.org/>
10. <https://www.bis.org/bcbs/publ/d328.htm>
11. <https://www.fatf-gafi.org/>
12. <https://www.transparency.org/en>
13. <https://www.wolfsberg-principles.com/>
14. <https://www.traceinternational.org/trace-matrix>
15. <https://www.transparency.org>
16. [https://www.prokuratura.uz/#/t\\_news?id=695](https://www.prokuratura.uz/#/t_news?id=695)
17. URL: <https://www.eiu.com/n/>
18. URL: <https://freedomhouse.org/>
19. <http://uza.uz>
20. <https://huquq.uz/2020/07/23/korruptsiyaga-arshi-kurashishda-ichki-nazorat-tizimi/>
21. <https://regulation.gov.uz/uz/document/18047>
22. [https://online.zakon.kz/document/?doc\\_id=38035182#pos=6;-60](https://online.zakon.kz/document/?doc_id=38035182#pos=6;-60)
23. <https://vacancy.argos.uz>
24. <https://www.worldbank.org>

---

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги  
Давлат бошкаруви академияси

# КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ

*Дарслик*

**“Akademiya”  
Тошкент – 2022**

Муҳаррирлар: *Л.Бахранов, Г.Абдуллаева*  
*Мусаҳҳих А.Шорихсиева*  
*Саҳифаловчи: Р.Икрамов*

Босишига руҳсат этилди 19.05.2022. Бичими: 60x84  $\frac{1}{16}$ .  
“PT Sans” гарнитураси. Шартли босма табоғи 21,5.  
Нашриёт-ҳисоб табоғи 22,0. Адади: 100 нусха.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги  
Давлат бошкаруви академияси босмахонаси.  
Манзил: Ислом Каримов кўчаси, 45-үй.

